



МИНИСТЕРСТВО
ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



R
RESEARCH
SUPPORT CENTER



Институт Прогнозирования и
Макроэкономических Исследований
Institute of Forecasting and
Macroeconomic Research



МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ
И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МУАММОЛАР, ТАҲЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР”

онлайн, илмий-масофавий
конференцияси тезислар тўплами

www.e-science.uz

Мазкур тўпلامда “Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар” мавзусидаги илмий-амалий онлайн конференциясида муҳокама этилган “Хозирги глобал инқироз ҳолатларининг ўзбекистон иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар”, “Ўзбекистоннинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашда рақамли иқтисодиётнинг ўрни, уни шакллантиришда замонавий тенденциялар таҳлили”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари”, “Коронавирус пандемияси натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг ўзбекистон банк-молия тизимига таъсири ва уни бартараф этиш йўллари”, “Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда минтақаларни комплекс ривожлантиришнинг аҳамияти”, “Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш шароитида аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағалликни қискартиришнинг долзарб масалалари” бўйича тавсия этилган тезислар жамланган.

МУНДАРИЖА

| | |
|------------------------------|----|
| ТАХРИРИЯТ КЕНГАШИГА АЪЗОЛАРИ | 12 |
|------------------------------|----|

“КОНФЕРЕНЦИЯДА МАЪРУЗА БИЛАН ИШТИРОК ЭТГАН МУАЛЛИФЛАРНИНГ ТЕЗИСЛАРИ”

| | |
|--|----|
| КАМБАҒАЛЛИК – МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОСИ | 14 |
|--|----|

Д.А.Рахмонов – БМА, и.ф.д., доцент

| | |
|---|----|
| О‘ЗБЕКИСТОНДА ҲАҚУНИЙ ИСТЕ‘МОЛ ҲАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲАЛҚИ ИСКИ МАНСУЛОТГА ТА‘СИРИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА УНИ ВАРҚАРОРЛАСHTИРИШ ЗАРУРАТИ | 33 |
|---|----|

Hakimov H.A. – TDIU, kafedra assistenti

| | |
|---|----|
| ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА НА ТРАНСПОРТНУЮ ОТРАСЛЬ УЗБЕКИСТАНА И МЕРЫ ПО СМЯГЧЕНИЮ НЕГАТИВНЫХ ПОСЛЕДСТВИЙ | 38 |
|---|----|

Ибрагимова Д.А. – ИПМИ, Руководитель проекта

| | |
|---|----|
| КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҚАРЗИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ | 45 |
|---|----|

Шералиев Ж.Ж. – ПМТИ, катта илмий ходим

| | |
|--|----|
| АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ БАНДЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ | 52 |
|--|----|

Асрақулов А.С. – ФДУ, таянч докторант.

| | |
|---|----|
| ВНЕДРЕНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В СТРАНАХ МИРА | 60 |
|---|----|

Халматжанова Г.Д. – ФГУ, к.э.н., доцент

| | |
|--|----|
| КАМБАҒАЛЛИК ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА БАҲОЛАШГА ЁНДАШУВЛАР | 71 |
|--|----|

Қутлиев О.А. – ПМТИ, т.ф.н.

1- Шўъба

“ҲОЗИРГИ ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР.”

| | |
|--|----|
| НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СТРАТЕГИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕНЕДЖМЕНТА АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА ПРИ КРИЗИСЕ ПАНДЕМИИ COVID-19 | 80 |
|--|----|

Косимова Д.С. - ТГЭУ д.э.н., проф.

| | |
|--|----|
| МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИЕ РИСКИ НОВОГО КРИЗИСА И ОБОСНОВАНИЕ МЕР ПОДДЕРЖКИ НАСЕЛЕНИЯ И БИЗНЕСА | 83 |
|--|----|

Чепель С.В. - г.н.с. ИПМИ, д.э.н.

| | |
|---|----|
| ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ АВТОМОБИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ | 94 |
|---|----|

Костюченко З.М. – ИПМИ, руководитель группы

Турсунова А.Д. – ИПМИ, с.н.с

| | |
|--|----|
| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИГА КОРОНАВИРУСНИНГ ТАЪСИРИ ВА УНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ | 98 |
|--|----|

Байхонов Б.Т. – ИПМИ, и.ф.д.

Садриддинов Н.С. – ИПМИ, в.в.б.

Отожанов У.А. – ИПМИ, и.ф.н

ЭКСПОРТНЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ 103

Муминова Н.М. – ТИТЛП, PhD, доц.

Махмудова Д. – ТИТЛП, с.преподаватель

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА СОЛИҚ ЮКИДАГИ ЧЕКЛОВ ВА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА 110

Юлдошев С.Н. – ТТЕСИ, доц.

Азимова Ф.П. – ТТЕСИ, к.ўқ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР 114

Тўхтабоев Ж.Ш. – ТДИУ, и.ф.ф.д. PhD, к.ўқ

Орзиқулова М.Н. – ТДИУ, талаба

ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ 119

Хотамов И.С. – ТДИУ, доцент

ҲОЗИРГИ ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ 126

Норов А.Р. – ТДИУ, ассистент

ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗНИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ МАСАЛАЛАРИ 132

Холиков Н.А. - “Ипак йўли” ТХУ

ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ АҲАМИЯТИ 138

Олимов М.К. – ТДИУ, таянч докторант

ТУРИСТИК КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ HAҚИДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР 145

Рўзибаева Н.Х. – СИСИ, к.ўқ

Абдурасулов Ж.А. – СИСИ, талаба

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН СИЁСАТНИНГ ЎРНИ, УНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ 152

Бегматова Ш.А. – ТДИУ, ассистент

ВЛИЯНИЕ ГЛОБАЛЬНОГО КРИЗИСА, ВЫЗВАННОГО ПАНДЕМИЕЙ КОРОНАВИРУСА, НА МИРОВУЮ ЭКОНОМИКУ И СФЕРУ РОЗНИЧНОЙ ТОРГОВЛИ УЗБЕКИСТАНА 157

Шарахметов Ш.Ш. – КГУ им.Бердаха, докторант

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИЯ FAОЛИЯТ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИНҚИРОЗ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШГА ТАЪСИРИ 161

Норов А.Э. – Мустақил изланувчи

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА ПАНДЕМИЯ ОҚИБАТИДА ЮЗАГА КЕЛГАН САЛБИЙ ТАЪСИРНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР 165

Садриддинова Н.Х. – ЖИДУ, докторант

| | |
|---|------------|
| КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН КАРАНТИН ЧОРАЛАРИНИ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ | 169 |
| <i>Садуллаев Д.Б. – БМА, магистр</i> | |
| ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ | 174 |
| <i>Джалалов Ш.Д. – БМА, магистр</i> | |
| ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА САВДОНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАРКЕТИНГИ | 181 |
| <i>Турсунов Н. – НМТИ, ўқитувчи</i> <i>Махмудов Т. – НМТИ, докторант</i> | |
| ИННОВАЦИОННАЯ СТРАТЕГИЯ В ОБЛАСТИ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА УСЛУГ В ТУРИЗМЕ | 187 |
| <i>Шодиев К.Ш. – МУТ “Silk Road”</i> | |
| РОЛЬ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ | 190 |
| <i>Набиев Ф.Х. – УМЭД, Самостоятельный соискатель</i> | |

2-Шўъба

“ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ, УНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ”

| | |
|--|------------|
| РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА МАЪЛУМОТЛАР ХАВСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ | 197 |
| <i>Ахатов А.Р. – ЎзМУЖФ, т.ф.д., профессор</i> <i>Назаров Ф.М. – СДУ таянч докторанти</i> | |
| АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ТЕНДЕНЦИИ ЦИФРОВЫХ СИСТЕМ ПРЕДПРИЯТИЙ СЕЛЬСКОГО И ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА | 201 |
| <i>Эргашева Ш.Т. – ТГЭУ, профессор</i> <i>Маннопова Р.А. – ТГЭУ, ассистент</i> | |
| КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФИСКАЛ ЮМШАТИШЛАР | 208 |
| <i>Ниёзматов И.М. – БМА, и.ф.д.</i> | |
| ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ | 213 |
| <i>Қадиров А.М. – ТГЭУ, и.ф.д. профессор</i> <i>Ахмедиева А.Т. – ТГЭУ, и.ф.д. профессор</i> | |
| ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ШАРОИТИДА РАҚАМЛИ МОЛИЯ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ | 220 |
| <i>Адилова З.Д. – ТДИУ, и.ф.д. профессор</i> <i>Хонтураев - Б.А. – ТДИУ, кичик илмий ходим</i> | |
| ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ | 227 |
| <i>Олимжонов О.О. – ПМТИ, и.ф.д. профессор</i> | |
| ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ВЛИЯНИЕ ЕЁ НА ОБРАЗОВАНИЕ | 234 |
| <i>Абдувахидов А.М. – ТГЭУ, д.э.н., профессор</i> <i>Маннопова Э.Т. – ТГЮУ, ст.преподаватель</i> | |

Баходиров М.К. – ТГЭУ, студент

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ СИЛКИНИШЛАР ШАРОИТИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 241

Расулов Н.М. – ПМТИ, и.ф.н, доцент

ЦИФРОВЫЕ ПЛАТФОРМЫ – ВАЖНЫЙ АСПЕКТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОБЪЕКТОВ В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ 246

Жуковская И.Е. – ТГЭУ, к.э.н, доцент

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ 253

Паязов М.М. – ФПИ, и.ф.н., доцент

Комилжанов Ш.И. – ФПИ, талаба

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ 260

Каримова Г.А. – ТДАУ Андижон ф-л., PhD

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ 264

Хошимов П.З. – ЎМУ, и.ф.н., доцент

ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ ОКАЗАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ ЧЕРЕЗ ИНТЕРНЕТ 269

Гайбуллаев О.З. – АГУ, к.э.н., менеджер

ЦИФРОВИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ 281

Хашимов П.З. – НУУз, к.э.н., доц.

Талипова Р.Н. – НУУз, магистрант

ИННОВАЦИОННАЯ АКТИВНОСТЬ И ЦИФРОВИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ В ЗАЩИТУ ОТ COVID-19 289

Карабаева Г.Ш. - ФГБОУ ВО «РЭУ им. Г. В. Плеханова». ф-л г.Ташкента, ст.преподаватель

РАЗВИТИЕ ЭЛЕКТРОННОГО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ 296

Мирзарахимова А.Б. – ТГЭУ, соискатель

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ 301

Шаропова Н.Р. – ТДИУ, таянч докторанти

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ 306

Исломов У.П. – ТИКХММИ, мустақил изланувчи

Умарова Ш.З.– ТИКХММИ, мустақил изланувчи

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ 312

Садуллаева Г.С. – ТДИУ, таянч докторанти

ФОРМИРОВАНИЕ «ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЩЕСТВА» КАК ФАКТОР ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СТРАН 318

Эгамбердиева М.О. – УМЭД, Магистрант

DIGITAL ECONOMY: HOW TO PROMOTE ITS DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN'S CONDITIONS? 321

Muftokhiddinova T.A. – TIF, student

3- Шўъба
“КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ”

| | |
|---|------------|
| КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ | 326 |
| <i>Ахмеджанов К.Б. – ТДИУ, и.ф.д., профессор, проректор</i> | |
| ПАНДЕМИЯ ВА КИЧИК БИЗНЕС: ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ | 333 |
| <i>Гафуров У.В. – ТДИУ, и.ф.д., профессор</i> | |
| АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МАУММОЛАР ВА ТАКЛИФЛАР | 340 |
| <i>Рашидов Ф.И. – ТДИУ, PhD, мустақил изланувчи</i> | |
| КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ | 346 |
| <i>Темиров А.А. – ТДИУ, и.ф.н., доцент</i> | |
| КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ | 351 |
| <i>Абдуллаев Б. – ПМТИ, гуруҳ раҳбари</i> | |
| АДАПТАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ | 357 |
| <i>Ишмухамедов Б.Ж. – ТГЭУ, доцент</i> | |
| КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА | 362 |
| <i>Юлдошев С.Н. - ТТЕСИ, доц.</i> <i>Азимова Ф.П. - ТТЕСИ, к.ўқ</i> | |
| RELATIONSHIPS BETWEEN SERVICE ORGANIZATION EFFICIENCY AND BUSINESS PROCESS REENGINEERING | 366 |
| <i>Usmanova D. K. – STU, PhD</i> <i>Shamsiyev J.I. – STU, Student</i> | |
| ПОДДЕРЖКА МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УСЛОВИЯХ КОРОНАВИРУСНОЙ ПАНДЕМИИ | 372 |
| <i>Суннатуллаев Э.Ш. – ИПМИ, старший научный сотрудник</i> | |
| РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТЕЗКОР БОШҚАРИШНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ | 376 |
| <i>Бобохўжаев Б.Н. – ТТЕСИ, бошқарма бошлиғи</i> | |
| ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ФУНКЦИЯЛАРИ | 383 |
| <i>Қувондиқов Ш.О. – СИСИ, докторант</i> | |
| ПАНДЕМИЯ ҲОЛАТИДА БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ | 389 |
| <i>Саидова М.Х. – ТДИУ, таянч докторанти</i> | |
| ISSUES ON THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN | 395 |
| <i>Tashmuhammedova D. – TFI, Lecturer</i> <i>Nurmurodova R. – TFI, Student</i> | |

4-Шўба

“КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ”

| | |
|--|------------|
| КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ОҚИБАТЛАРИНИНГ БАНК ТИЗИМИГА ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ | 400 |
| <i>Бобакулов Т.И. – ТМИ, и.ф.д., профессор</i> | |
| <i>Ибодуллаев Ш.Т. - ТМИ, талаба</i> | |
| COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАНАЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | 404 |
| <i>Мамадияров З.Т. -ТДИУ, Ph.D, доц.</i> | |
| КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ | 411 |
| <i>Азларова А.А. – ТДИУ, и.ф.д., доцент</i> | |
| ЎЗБЕКИСТОНДА ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | 418 |
| <i>Хамдамов О.Н. – ТМИ, PhD, доцент</i> | |
| ПАНДЕМИЯ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК АКТИВЛАРИНИ СЕКЮРИТИЗАЦИЯЛАШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | 426 |
| <i>Мамадияров З.Т. – ТДИУ, Ph.D, доцент</i> | |
| <i>Файзуллаев Х.Ф. – ТДИУ, магистрант</i> | |
| INQIROZ HOLATLARI TA`SIRINI SO`NDIRISHGA QARATILGAN MOLIVAVIY INNOVATSION KONSEPSIYALAR | 433 |
| <i>Mansurov M.A. – TTYeSI, Ph.D</i> | |
| BANK TIZIMINI RIVOJLANTIRISHNING HOZIRGI HOLATI HAMDA TIZIMDAGI AYRIM MUAMMOLAR TANLILI | 438 |
| <i>Xudoyorova X.A.- TMI, katta o`qituvchisi</i> | |
| <i>Abduqahhorov B.U. – TMI, талабаси</i> | |
| ВОЗМОЖНОСТИ ВЫЯВЛЕНИЯ КРЕДИТОРСКОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ КЛИЕНТОВ БАНКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ | 442 |
| <i>Пилипенко Е.Ф. – ТГЭУ, старший преподаватель</i> | |
| ЛЬГОТНОЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ КАК ФАКТОР СМЯГЧЕНИЯ НЕГАТИВНОГО ВЛИЯНИЯ ПАНДЕМИИ COVID-19 | 446 |
| <i>Хазраткулова Л.Н. – старший научный сотрудник Научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы устойчивого развития экономики Узбекистана»</i> | |
| COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ: ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИ | 451 |
| <i>Қурбонов Х. – БМА, тингловчи</i> | |
| КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА БАНКЛАРНИНГ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ | 455 |
| <i>Ибодуллаева М.Т. – БМА, таянч доктори</i> | |
| ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ | 459 |
| <i>Мўминова М.Б. – ТДИУ, докторант</i> | |

| | |
|---|------------|
| KORONAVIRUS PANDEMIYASINING MAMLAKATIMIZ BANK-MOLIYA TIZIMIGA SALBIY TA’SIRI VA UNI YUMSHATISH YO’LLARI | 465 |
| <i>Toshpo’latova Sh. Sh. – TMI, talabasi</i> | |
| KORONAVIRUS PANDEMIYASI TUFAYLI BANK TIZIMIDA VUJUDGA AYOTGAN MUAMMOLAR | 470 |
| <i>Umaraliyeva F.O. – TDIU, talaba</i> | |
| КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ | 475 |
| <i>Махмудов Ф.С. – ТДИУ, магистрант</i> | |
| КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ | 480 |
| <i>Мухаммадиев Д.А. – ТДИУ, магистрант</i> | |

5- Шўъба

“МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МИНТАҚАЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ”

| | |
|---|------------|
| ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ | 487 |
| <i>Адилова З.Д. – ТДИУ, И.ф.д., проф.</i> | |
| <i>Гулмуродов К.А. – ТДИУ, кичик илмий ҳодим</i> | |
| КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЭКСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ | 494 |
| <i>Бекмуродов Н.Х. – ЎМУ, доцент</i> | |
| <i>Хуррамов Р.А. – ЎМУ, магистрант</i> | |
| ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ | 505 |
| <i>Астанакулов О.Т. – ДБА, и.ф.н., доцент, декан</i> | |
| НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲУДУДЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ | 510 |
| <i>Зойиров З.Х. – НДПИ, и.ф.н., доцент</i> | |
| ПУТИ РАЦИОНАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН | 514 |
| <i>Амиров Л.Ф. - ТГЭУ, PhD</i> | |
| МИНТАҚАЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШДА УЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ | 521 |
| <i>Валиев Б.Б. – ТДИУ, PhD, доцент</i> | |
| ДАВЛАТ ФИСКАЛ СИЁСАТИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ | 529 |
| <i>Асатуллаев Х.С. - ТМИ, и.ф.н., доцент</i> | |
| ТЕЖАМКОРЛИК – МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ХАВФСИЗ ЙЎЛДИР | 533 |
| <i>Аллаберганов З.Г. – ТМИ, катта уқитувчи</i> | |

| | |
|--|------------|
| ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МИНТАҚАЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА | 540 |
| <i>Арипов М.А. – ДБА, тингловчи</i> | |
| ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ: ИЕРАРХИК ТАҲЛИЛ УСУЛИ | 546 |
| <i>Кобилов А.Э. – ҚДУ, таянч докторанти</i> | |
| <i>Курбомуов О.А. – ҚДУ, тадқиқотчи</i> | |
| О‘ЗБЕКИСТОН ТОГ‘ЛИ HUDUDLARINI KOMPLEKS IJTIMOIU-IQTISODIU RIVOJLANTIRISHNING GEOGRAFIK JIHATLARI | 552 |
| <i>Allayorov R.X. – 68-sonli davlat ixtisoslashtirilgan maktab internati, o‘qituvchi</i> | |
| <i>Allayorov I.X. – TDPU, o‘qituvchi</i> | |
| <i>Xidirov M.Sh. – TDPU, mustaqil tadqiqotchi</i> | |
| ХУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ | 559 |
| <i>Каримов З.К. – БМА, тингловчи</i> | |
| ИНКЛЮЗИВНЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ КАК ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ | 562 |
| <i>Садуллаев Т.Х. – ТГЭУ, докторант</i> | |
| ХУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЕР ФОНДИДАН ФОЙДАЛАНИШ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ | 568 |
| <i>Махсудов М.Д. – ТИКХММИ, магистрант</i> | |
| 6- Шўъба | |
| “МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ШАРОИТИДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ” | |
| ГЛОБАЛ ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР | 577 |
| <i>Абдурахманова Г.К. - ТДИУ, и.ф.д. проф.</i> | |
| <i>Фойишназаров С.Б. – ТДИУ, PhD</i> | |
| КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШДА ЁНДАШИШЛАР ВА УЛАРНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШ | 585 |
| <i>Хужакулов Х.Ж. – ТМИ, профессор</i> | |
| <i>Утанов Б.К. – ТМИ, ўқитувчи</i> | |
| КАМБАҒАЛЛИКЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САБАБЛАРИ | 590 |
| <i>Хасанов Р.Р. – ПМТИ, и.ф.д., профессор</i> | |
| ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШИ | 598 |
| <i>Беркинов Б.Б. – и.ф.д., профессор</i> | |
| <i>Неделькина Н.И. – Катта илтий ходим</i> | |
| <i>Алмуродов А. – и.ф.н.</i> | |
| КУНЛИК МЕХНАТ БОЗОРИ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ВА “ИШ МАРКАЗИ”НИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ВАЗИФАЛАР | 604 |
| <i>Мардонов Б.Б. – СИСИ, доцент</i> | |
| <i>Мустафоев Г.С. – СИСИ, ўқитувчи</i> | |

| | |
|---|------------|
| ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВДА ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВ | 612 |
| <i>Муратова Ш.Н. – БИ, и.ф.PhD, доцент</i> | |
| АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ УЧУН ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ИШЛАРИ | 619 |
| <i>Самиева Г.Т. – ЎРОХА, и.ф.ф.д., PhD</i> | |
| ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШ | 625 |
| <i>Бакиева И.А. – ТДИУ, и.ф.н., доцент</i> | |
| ДАВЛАТ ПЕНСИЯЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ИНДЕКСАЦИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ | 630 |
| <i>Кенжаев Б.Р. – БМА, тингловчи</i> | |
| ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА КАМБАҒАЛЛИК: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР | 634 |
| <i>Низомов А.Н. – СамДУ, доцент</i> | |
| <i>Абдувоҳидова М.А. – СамДУ, талаба</i> | |
| ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР, КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ВА ТАШҚИ АЛОҚАЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ | 639 |
| <i>Хамрақулов З.Й. – КДПИ, катта ўқитувчи</i> | |
| COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ | 644 |
| <i>Исмагулова Г.Н. – ТДАУ, мустақил изланувчи</i> | |
| <i>Турсунова А.А. – ТМИ, талаба</i> | |
| <i>Уктамов Х.Ф. – ТДИУ, ассистент</i> | |
| МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ШАРОИТИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ | 648 |
| <i>Хонтураев Б.А. – ТДИУ, кичик илмий ходим</i> | |
| СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ | 655 |
| <i>Карабаева М.Б. – ПМТИ, катта илмий ходими</i> | |
| ҚАШШОҚЛИК: УНИ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ВА КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ | 659 |
| <i>Юлдашева Н.М.А. – ПМТИ, катта илмий ходими</i> | |
| РАЗВИТИЕ ПОТЕНЦИАЛА ЛИЧНЫХ ПОДСОБНЫХ ХОЗЯЙСТВ-ОДИН ИЗ ФАКТОРОВ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ | 664 |
| <i>Якубов Н.А. – ИПМИ, ведущий научный сотрудник</i> | |
| PANDEMIYA VA UNING NATIJASIDA YUZAGA KELADIGAN IQTISODIY INQIROZ SHAROITIDA AHOINI TURMUSH FAROVONLIGINI BARQARORLASHTIRISHNING DOLZARB MASALALARI | 670 |
| <i>О'роқов М. О. - О'зМУ, magistrant</i> | |
| МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ШАРОИТИДА БАНДЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ | 673 |
| <i>Алимов У.И. – ДБА, тингловчи</i> | |
| РЫНОК ТРУДА УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ | 681 |
| <i>Ахмедова М.А. – ИПМИ, старший научный сотрудник</i> | |

ТАХРИРИЯТ КЕНГАШИГА АЪЗОЛАРИ

| Ф.И.Ш | Илмий даража ва унвони | Аъзолиги |
|---------------------------------------|---|------------------------------|
| Аҳмедов Турсун Муҳитдинович | Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор | Таҳририят кенгаши раҳбари |
| Аҳмеджанов Каримжон Бакиджанович | Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор | Таҳририят кенгаши аъзоси |
| Каримов Норбой Ганиевич | Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор | Таҳририят кенгаши аъзоси |
| Бурханов Актам Усманович | Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор | Таҳририят кенгаши аъзоси |
| Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна | Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор | Таҳририят кенгаши аъзоси |
| Адылова Зулфия Джавдатовна | Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор | Таҳририят кенгаши аъзоси |
| Гафуров Убайдулла Вахобович | Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор | Таҳририят кенгаши аъзоси |
| Муминова Наргиза Махсуджоновна | Иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент | Таҳририят кенгаши аъзоси |
| Маджидов Шохрух Ахлиддинович | PhD, Associate professor Changshu institute of Technology | Таҳририят кенгаши аъзоси |
| Мансуров Мансур Алишерович | Иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент | Таҳририят кенгаши аъзоси |
| Хотамов Ибодулло Садуллаевич | Иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент | Таҳририят кенгаши аъзоси |



МИНИСТЕРСТВО
ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



R
RESEARCH
SUPPORT CENTER



Институт Прогнозирования и
Макроэкономических Исследований
Institute of Forecasting and
Macroeconomic Research



МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ
И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

“ КОНФЕРЕНЦИЯДА МАЪРУЗА БИЛАН ИШТИРОК ЭТГАН МУАЛЛИФЛАРНИНГ ТЕЗИСЛАРИ”

КАМБАҒАЛЛИК – МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОСИ

Охирги 20 йилликда инсонларнинг яшаш стандартлари сезиларли даражада ортди. Қашшоқ мамлакатларда ЯИМнинг киши бошига тўғри келиши 2 баробарга ортди. 1995 йилдан буён болалар ўлими икки хисса камайиб, мактабга қатновчилар сони 56 фоиздан 80 фоизга ўзгарди. Шундай бўлсада, 700 млн. одам паст даромад билан қолмоқда. Ҳар йили 5 ёшга тўлмаган 5 млн. болалар вафот этмоқда ва уларнинг аксариятига сифатсиз тиббий хизматлар кўрсатилган. Қолаверса, дунё болаларининг ярми мактабларни ўқиш ва санашни билмасдан битириб кетмоқда¹.

Эътибор бериш керак, ҳар йили 5 млн. болалар вафот этмоқда. Ҳозирги пандемияда зарарланганларнинг сони 2,5 млн.га яқинлашди. Шу ўринда, табиий савол туғилади, қайси кўрсаткич макроиқтисодий мувозанатни кўпроқ издан чиқармоқда?

Қайд этиш лозим, макроиқтисодий мувозанатни таъминлашнинг муҳим жиҳатларидан бири – бу иқтисодий инқирозлар даврида барқарорликни таъминлашга муваффақ бўлишдир. 2020 йилнинг биринчи чораги даврида юзага келган пандемия жараёни иқтисодий барқарорликни жиддий синовдан ўтказмоқда. Ушбу инқирознинг олдинги инқирозлардан факрли жиҳати – бу ялпи талаб ва ялпи таклифнинг бир пайтда инқирозга учраши билан изоҳланади. Олдинги инқироз даврларида ёки талаб, ёки таклиф инқирозга учраганини таъкидлаш лозим.

Бизнингча, инқирознинг бу каби тус олиши биринчи навбатда – иқтисодий харакатсизликнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Бу эса, инсонларнинг даромадлар олишидан бутунлай ёки қисман маҳрум бўлиши

¹Research to help the world's poor. <https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular-economicsciencesprize2019-2.pdf>

ҳолатларини юзага келишига таъсир кўрсатди. Натижада, инсонларнинг жамғармаларига бўлган мурожаатни вужудга келтирди.

Умуман олганда, иқтисодийда маълумки инсонлар даромадлари уч босқични босиб ўтади. Булар – истеъмол, жамғариш ва инвестиция даврини ўзида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, инсонлар даромади инқироз даврида муҳим категория сифатида гавдаланади. Бу эса, камбағаллик омилини ўрганишга бўлган заруратни келтириб чиқаради.

Биз мазкур тадқиқотимиз давомида камбағаллик категориясини инқироз давридаги тенденциясини таҳлил қилишга ва хулосалар шакллантиришга ҳаракат қиламиз. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги тадқиқот саволларига жавоб топиш муҳим ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

Камбағалликни ўлчашнинг қандай иқтисодий мезонлари мавжуд?

Инқироз даврида камбағаллик қандай муаммоларни келтириб чиқармоқда?

Ўзбекистонда камбағалликни бартараф этишда қандай чоралар қўллаш мақсадга мувофиқ?

Камбағаллик категориясига нисбатан Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мурожаатномасида “Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш

ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир” деб таъкидлаб ўтдилар.

Умуман олганда, камбағалликни мезонлари иккита ёндашув орқали амалга оширилган. Биринчиси, олимлар томонидан асосланган назарий жиҳатлар, иккинчиси халқаро молия институтлари томонидан даромадларни табақалаштириш орқали аниқликлар киритилган.

Рус олимларидан И.Сидорчук қуйидаги мезонлардан фойдаланган ҳолда камбағалликни аниқлашни таклиф этади²: яшаш жойининг бўлиши, тўлақонли овқатланиш ва ичимлик сувиға эғалик, минимал таълим олиш имконияти ва соғлиқни сақлаш имконияти. И.Сазанов камбағалликни абсолют ва нисбий даражаларда бўлади, деб ҳисоблайди³. Шунингдек у камбағаллик категорияси дастлаб XIX асрнинг охирлари XX асрнинг бошланишида инглиз социологлари С.Роунтри ва Ч.Бута томонидан фанга олиб қирилганлиғига эътибор қаратади. Ушбу олимлар яшаш минимуми – камбағаллик/даромад чегарасини фанга олиб киришади. Экспертлар ушбу ҳолатда озиқ-овқат, кийимлар ва яшаш шароити бўлишини мезонлар сифатида таъкидлашади. Ушбу мезонларга жавоб бера олмаслик эса, абсолют камбағалликни англатишини қайд этиб ўтади.

Г.Кошарная ва Л.Каримова ўзларининг мақолаларида ушбу категорияга қуйидагича ёндашувни баён қилишади⁴. Унга кўра, аҳолининг ҳаёт фаровонлиғига эришиши ва уни турли категориялар орқали аниқлашни таклиф этади: 1) фаровонлик – жисмоний ва интеллектуал имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш орқали инсонни ҳар томонлама ривожланиши; 2) камбағаллик –истеъмол миқдорини сақлаб қолиниши ва меҳнатга лаёқатли бўлиш; 3) қашшоқлик – истеъмолнинг минимал даражаси бўлиб инсоннинг биологик имкониятларигина таъминланишини англатади.

²Сидорчук И.Б. Критерии бедности и показатели ее определения. <https://cyberleninka.ru/article/n/kriterii-bednosti-i-pokazateli-ee-opredeleniya/viewer>

³Сазанов И.С. Бедность: Национальные и международные критерии//Челябинский гуманитарий. – 2012, - №3(20). – С.80-84.

⁴Кошарная Г.Б., Каримова Л.Ф. Основные подходы к измерению уровня бедности в современной России//<https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-podhody-k-izmereniyu-urovnya-bednosti-v-sovremennoy-rossii/viewer>

Бизнингча, юқорида келтирилган илмий хулосаларда камбағалликни аниқлашга қаратилган ёндашувлар келтирилди. Уларда асосий эътибор ҳаёт даражасини белгилаб берувчи омиллар – яшаш шароити, овқатланиш ва кийим билан таъминланганлик каби жиҳатларга қаратилди. Бу эса, ушбу товар ва хизматларни сотиб олиш учун минимал даромад даражасини белгилашнинг заруратини келтириб чиқаради.

Хорижий олимлардан покистонлик М.Мажид ва М.Малик томонидан амалга оширилган тадқиқотда камбағалликни келтириб чиқарувчи омиллар сирасига саводхонлик даражасини ҳам киритади⁵. Бунда оила хўжалигининг камбағалликка тушиб қолишига оила бошлиғининг тажрибаси, ёши, жинси ва бандлиги каби омиллар таъсир қилишини келтириб ўтади. Шунингдек, оила бошлиғи сифатида аёл киши бўлиши камбағалликни келтириб чиқаришга кўпроқ таъсир қилади деган ғояни илгари суради. Сабаби аёлларни таълим олишга ва даромад топишдаги имкониятлари юқори эмаслиги билан изоҳланади. Тадқиқотлар асосида биринчидан, таълим олганлик даражаси билан камбағаллик тескари пропорционал эканлиги, иккинчидан қишлоқ жойларда пул ўтказмаларига эга бўлганлар камбағалликка камроқ тушишаётганлиги, учинчидан шаҳарлашиб бориш камбағалликни пасайтиришини ва қишлоқ ҳудуди эса ошишига олиб келишини қайд этиб ўтади. Ўз навбатида, тажриба, ёш ва қишлоқ хўжалигида банд бўлиш камбағалликни келтириб чиқармаслигини асослаб беради.

АҚШда монетар сиёсатнинг самарали амалга оширилиши асосчиларидан бири М.Фридмен даромадларнинг нотенглиги омиллари статистик тақсимотни аниқ кўрсатмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, истеъмол жиҳатидан даромадларнинг тақсимоти уларни юзага келтирувчи сабабларга боғлиқ ва у буни асослаб беради⁶. Даромадларнинг нотенглигига сабаблардан бири инсонларнинг қобилияти тенг тақсимланмаганлиги сабабли ушбу тенденция юзага келганлигини таъкидлаган олимлардан – бири Х.Стакле

⁵Majeed M.T., Malik M.N. Determinants of Household Poverty: Empirical Evidence from Pakistan. *he Pakistan Development Review* 54:4, Part II (Winter 2015) pp. 701–718

⁶ Milton Friedman A Theory of the Consumption Function. Princeton, N.J. Princeton University Press, 1957.

ҳисобланади⁷. Шу ўринда, Г.Форднинг муҳим бир иборасини эслаш лозим. “Энг зўр иш – бу юқори ҳақ тўланадиган хобби” деб таъкидлаб ўтганлиги инсон қобилиятини тўғри йўналтирилиши лозимлиги ва саводхонликни шу йўналишда ривожлантириш кераклигини ўзида акс эттиради.

Ж.Минсер инсон капиталига инвестициялар ва даромадларнинг тенгсизлиги омилларини аниқлаган ва уларни баҳолаган⁸. Инсонлар даромадининг нотенглиги инсон капиталига қилинган инвестицияларга боғлиқ эканлиги ва инвестиция жараёни эркин танловга асосланишини қайд этиб ўтади. Унинг фикрига кўра, катта маош кўп ўрганишни талаб этади. Шу боисдан, касблараро фарқ уларни ўрганишдаги фарқлар билан изоҳланади ва ўрганиш муддатларидаги ўзаро абсолют фарқ йиллик даромаддаги фоизли фарқларни келтириб чиқаради. Бир касбнинг бир неча эгалари даромадлари ўртасидаги фарқ инсон капитали тажрибасига қилинган инвестиция муддатининг узайтирилганлиги билан боғлиқ. Умуман олганда, таълим, ёш ва касб каби омиллар инсонлар даромадларини табақаланишида асосий эканлиги асослаб берилади.

Х.Риндерманн, М.Сейлер ва Ж. Томпсонлар ўзларининг тадқиқотларида ижтимоий тараққиётнинг омилларига эътибор қаратиб, унда ақл ва билимга асосланган омилни алоҳида тадқиқ этишади. Уларнинг хулосасига кўра, халқнинг (IQ, intelligence quotient – интеллект даражаси) интеллект даражаси коэффиценти бир пунктга ошиши ЯИМнинг киши бошига 229 АҚШ долларга, энг юқори интеллект эгаларининг 5 фоизи доирасида эса 468 АҚШ долларга ортишини асослаб берганлар⁹.

Ч.Пенг ва бошқалар ўзларининг тадқиқотларида камбағалликни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил этиб чиқишади. Улар камбағаллик эҳтимолини

⁷Stachle H. Ability, Wages and Income. Review of Economics and Statistics, XXV, February 1943, pp. 77-87.

⁸ Mincer, J. (1958) Investment in Human Capital and Personal Income Distribution. The Journal of Political Economy 281–302. https://www.jstor.org/stable/1827422?read-now=1&refreqid=excelsior%3Ad2f165a96877f753b910571c7cf28284&seq=1#page_scan_tab_contents

⁹Rindermann H., Sailer M., Thompson J. The impact of smart fractions, cognitive ability of politicians and average competence of peoples on social development//Talent Development & Excellence, 2009. - №1(1). - pp.3-25.

келтириб чиқарувчи омиллар қаторида қуйидагиларни санаб ўтилади¹⁰: қарилик, аёл киши бўлиш, турмуш ўртоғи бўлмаслиги, бир ота ёки бир она бўлган оилади катта бўлиш, ишсизлик, давлат уйида ижарада туриш, паст саводхонлик ва соғлиқ даражасига эга бўлиш. Шунингдек, оилада ногирон ёки сурункали касалликка эга бўлган одамнинг бўлиши. Таъкидлаш лозим, олий таълим олганлик камбағаллик ва минимал қашшоқликдан сақланишга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистонлик олимлардан проф. Р.Хасанов ва PhD Б.Усмонов ўзларининг тадқиқот хулосаларида “Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш ҳақида гапирганда, турли минтақаларда, шаҳар ёки қишлоқларда яшайдиган турли ёшдаги одамлар, эркаклар ва аёллар учун камбағалликнинг сабаблари жуда фарқ қилишини ҳисобга олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан, қашшоқликка қарши кураш жуда мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. Шу муносабат билан, муҳтож одамларга тўғридан-тўғри молиявий ёки натура тарзида ёрдам кўрсатиш орқали қашшоқлик муаммосини ҳал қилишда жиддий ижобий натижага эришиш мумкин эмаслиги аён бўлади. Албатта, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш зарур, аммо камбағалликнинг турли хил сабабларини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши курашда ҳар қандай муҳим ютуқларга одамлар ўзларининг моддий муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган ва ўзларини зарур даромадлари билан таъминлайдиган шароитлар яратилгандагина эришиш мумкин¹¹” деб таъкидлаб ўтишади.

и.ф.д. Ш.Мустафақулов ўзининг мақоласида камбағалликка нисбатан ёндашувни баён этиб, Ўзбекистонда уни бартараф этиш учун “Камбағаллик ҳолатида ёки чегарасида яшаётган аҳоли қатламини қашшоқликдан чиқариш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар ва аҳоли томорқаларидан мақсадли

¹⁰ Peng, C., Fang, L., Wang, J.S. et al. Determinants of Poverty and Their Variation Across the Poverty Spectrum: Evidence from Hong Kong, a High-Income Society with a High Poverty Level. Soc Indic Res 144, 219–250 (2019). <https://doi.org/10.1007/s11205-018-2038-5>

¹¹Хасанов Р., Усмонов Б. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари. 06.03.2020 й. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-va-uni-qisqartirish-yollari>

фойдаланишда микрокластер тузилмаларини яратиш мақсадга мувофиқдир¹²” деб таъкидлаб ўтади.

Фикримизча, камбағалликни аниқлашга ёрдам берадиган омил сифатида даромадларнинг шаклланишига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Ўз навбатида, даромадни шаклланишига асос бўлиб хизмат қилувчи сабаблар ва омилларни ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Бу эса, камбағалликни бартараф этишда асосий роль ўйнайди: жумладан, таълим тизимини ва инсонларни қизиқиши доирасида касбга йўналтиришни ривожлантириш.

Тадқиқотларимиз давомида камбағалликка нисбатан халқаро ташкилотлар томонидан ёндашувларни кўриб чиқамиз. Жаҳон банки томонидан камбағалликни аниқлаш бўйича кунлик даромаднинг ҳажмига нисбатан мезон сифатида миллий даромаднинг киши бошига тўғри келиши ҳажми қуйидагича белгиланган:


- халқаро камбағаллик чизиғи 1,9 АҚШ доллари
- ўртача даромаддан паст (2020 йил учун киши бошига ЯИМ 1026-3995 АҚШ доллар) бўлган мамлакат учун 3,2 АҚШ доллари;
- ўртача даромаддан юқори (2020 йил учун киши бошига ЯИМ 3995-12375 АҚШ доллар) бўлган мамлакат учун 5,5 АҚШ доллари.

Мазкур мезон 2013 йилда эълон қилинган бўлиб, уша даврда 1,25 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб 1,9 АҚШ долларига кўтарилган. Ўз навбатида, мазкур кўрсаткичлар мос равишда 2005 ва 2011 йиллардаги базис нархлар билан киши бошига даромад ҳисобланиши орқали тадбиқ этилади. 2017 йилдан бошлаб эса, қўшимча равишда кейинги иккита кўрсаткич ҳам киритилган. Камбағалликнинг халқаро меъёри минимал истеъмолни назарда тутди ва у кейинги иккита мезон билан алмаштирилмайди. Ушбу кўрсаткич ўта камбағалликни акс эттиради. Ўзбекистон ўртача даромаддан паст даромадга эга бўлганлиги учун 3,2 АҚШ доллари тавсия этилади.

¹²Мустафакулов Ш. Камбағаллик айб эмас, бироқ Халқ сўзи, 25.03.2020 й. <http://xs.uz/uzkr/post/kambagallik-ajb-emas-biroq>

Жаҳон банки томонидан 2013 йилда эълон қилинган камбағалликка қарши кураш лойиҳасининг мақсади биринчидан, 2030 йилга бориб камбағал қатламни дунё аҳолисининг 3 фоиздан кам бўлишига эришиш, иккинчидан ҳар бир мамлакат аҳолисининг жуда камбағал қатлами даромадларини оширишдан иборат.

Умуман олганда, 2030 йилга бориб жаҳондаги камбағаллик омили билан яшайдиганларнинг 90 фоизи Африка мамлакатларига тўғри келишини таъкидлаш лозим (1-расмга қаранг).



1-расм. 2030 йилда жуда камбағалликнинг шаклланиш миқёси, улушларда

Манба: Жаҳон банки маълумотлари

2015 йилда БМТнинг 70-Ассамблеясида 2030 йилгача “Барқарор ривожланиш”нинг 17 мақсадлари қабул қилинди. Ушбу мақсадларнинг биринчиси – “Камбағалликни йўқотиш (No Poverty)” деб номланган бўлиб, дунё мамлакатларини ушбу омилга қарши оммавий курашга чақирган. Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор иловасининг 1-бандида “1-мақсад. Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш” деб номланган. Ушбу банднинг вазифалари сифатида белгиланган 7-йўналишда асосий эътибор ижтимоий ҳимояга ва гендер тенглигини таъминлаш ҳамда микрокредитлаш амалиётларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Фикримизча, ушбу қарорда келтирилган вазифаларнинг бирор йўналишида таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган, айниқса олий таълим билан қамраб олиш даражасини кенгайтириш бўйича устуворликлар келтирилмаган. Бу эса, жаҳон олимлари томонидан асосланган илмий хулосаларни инобатга олинмаганлигини англатади. Сабаби, даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи кам сонли омилларнинг асосийси – бу таълим эканлиги таъкидлаб ўтилган.


Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) томонидан камбағаллик даражасига нисбатан мезонлар тавсия этилган. Жумладан, камбағаллик даражаси – бу маълум ёшдаги аҳоли гуруҳи даромадлари уй хўжаликлари ўртача даромадининг ярмидан кам бўлган чегарадан паст бўлиши билан изоҳланади. Шунингдек, камбағаллик оралиғи категориясини ҳам киритишади ва бу– камбағал қатламнинг ўртача даромади камбағаллик даражаси мезонидан пастга тушиб кетади. Ушбу категория камбағалликни миқёсини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу кўрсаткич ёш доирасида аниқланиши амалга оширилади. Яъни 18-65 ва 65 ёшдан катталар¹³.

Шу билан бирга, мазкур ташкилот (OECD) даромадлар тенгсизлигини баҳолашда Жини коэффиценти, децил нисбати кабилардан фойдаланишни тавсия этиб ўтади.

Камбағалликни мамлакатдаги ўртача даромадга нисбатан аниқланганда, Европа Иттифоқи мамлакатларида 18-65 ёш орасидаги даромадларнинг тақсимланиши жами тақсимланиш билан бир даражада шаклланганлигини кўриш мумкин. Дания, Венгрия, Нидерландия, Франция каби мамлакатларда эса, 65 ёшдан катта бўлганларда камбағаллик миқёси янада

¹³ OECD (2020), Poverty gap (indicator). DOI: 10.1787/349eb41b-en (Accessed on 23 April 2020)

кискараётганлигини кўриш мумкин. Австрия, Бельгия, Германия ва Португалия каби мамлакатларда эса, ёш гуруҳида ва жами доирасидаги фарқнинг умуман йўқлигини кузатиш мумкин (2-расмга қаранг). Фикримизча, ушбу мамлакатларда даромадларни тенг тақсимоти биринчи навбатда инсон капитали юқори эканлиги, иккинчидан яширин иқтисодиёт улушининг камлигидир.



2-расм. Европа Иттифоқи давлатларида камбағаллик даражаси¹⁴

Масалан, АҚШда 2018 йил учун камбағаллик чегараси оилада бир кишига 12784 доллар, икки кишига 16247 доллар бўлса, 9 кишиликда 51393 (ўртача 5710) долларни ташкил этган. Демографик нуқтаи назардан, камбағаллик қуйидагича кўринишга эга: эркекларда 10,6 фоиз, аёлларда 12,9 фоиз, ёш оилаларнинг 4,7 фоизи, оилада ота-оналарнинг фақат бирининг бўлиши, агар у эркек бўлса 12,7 аёл киши бўлса 24,9 фоизни ташкил этган. Ногиронлиги бўлганларнинг 25,7 фоизи камбағалликда кун кечирмоқда¹⁵. Камбағалликнинг асосий нуқталари саноат чиқиб кетган ёки умуман бошланмаган ҳудудлар ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш лозим¹⁶.

¹⁴ OECD (2020), Poverty rate (indicator). DOI: 10.1787/0fe1315d-en (Accessed on 23 April 2020)

¹⁵ The Population of Poverty USA. <https://www.povertyusa.org/facts>

¹⁶ Poverty in the United States <https://www.debt.org/faqs/americans-in-debt/poverty-united-states/>

Фикримизча, камбағалликка қарши курашда уларни тизимлаштирилган ҳолда амалга оширишни демографик нуқтаи назардан гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил этилиши муҳим ҳисобланади. Бу эса, камбағаллик статистикасини янада аниқлаштиришни тақозо этади.

Энди тадқиқотимизда эътиборни 2020 йилдаги пандемия натижасидаги иқтисодий ҳаракатсизлик инқирози даврида жаҳон иқтисодиёти мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга қаратамиз.

2020 йил жаҳон иқтисодиётида яна бир глобал инқироз юз берган воқеилик сифатида тарихга кирди. Ушбу инқирознинг асосий жиҳати ҳаракатсизликдир. Ушбу омилнинг юзага келиши аҳолининг, айниқса кам даромадли қатламнинг эҳтиёжларини қондиришда муаммоларни жадаллаштирди.

Ушбу иқтисодий мураккаблик шароитида ялпи талабнинг пасайиб кетиши инсонларнинг истеъмол харажатлари эмас, балки жамғарма ҳажмлари билан бевосита боғлиқлигини ҳам инобатга олиш заруратини кўрсатиб берди. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инсонлар даромадларининг барча босқичларини мустаҳкамлаш долзарб эканлигида ўз ифодасини топди.

Жумладан, Ўзбекистондаги ахборот порталлари Кун.уз ва Газета.уз тармоқлари орқали амалга оширилган сўровномалар натижалари ҳам мамлакатимизда аҳоли даромадларида жамғармаларнинг юқори эмаслигини кўрсатиб берди.

Газета.уз 2020 йил 2 апрелда ўтказган сўровномада 337000 дан ортиқ аҳоли қатнашган бўлиб, уларнинг 36 фоизи “жамғармам йўқ”, 28 фоизи “1-2 ҳафтагача етади” деб жавоб берган. Шунингдек, 3-6 ойга етади, деб жавоб берган аҳоли 4 фоиз атрофида бўлган. Шу билан бирга, Кун.уз портали орқали 2020 йил 14 апрел куни амалга оширилган сўровномада 576000 дан ортиқ одам иштирок этган. Эътиборли жиҳати, ундаги натижалар ҳам бошқа портал орқали ўтказилган сўровномадаги натижалар кескин фарқ қилмаган. Хусусан, иштирокчиларнинг 35 фоизи “жамғармам йўқ”, 7 фоизи эса 3 ойгача жамғармалар етади, деб жавоб берган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳоли даромадларининг $\frac{1}{4}$ қисми 10 фоиз¹⁷ аҳоли кўлида тўпланганлиги ҳам даромадлар тенглигини таъминлашнинг заруратини келтириб чиқаради.

Фикримизча, аҳоли асосий қатламининг даромадлари вақтинчалик узилишга учраган даврда жамғарма категорияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Бу эса, давлатнинг зиммасига катта молиявий юкни келтириб чиқариш мумкин. Ўз навбатида, бюджетдан аҳолининг истеъмолини таъминлашни амалга ошириш бюджет дефицитини ошириши мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон аҳоли даромадларининг таркиби

| | | % да | | | | | |
|-------|-------------------------------------|---------|---------|----------|---------|---------|---------|
| № т/р | Кўрсаткичлар номи | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й.* | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. |
| | Умумий даромадлар - жами | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | |
| I. | Бирламчи даромадлар | 73,0 | 75,6 | 83,1 | 84,0 | 79,1 | 76,1 |
| | <i>шундан:</i> | | | | | | |
| 1. | Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар | 70,3 | 73,2 | 80,8 | 80,9 | 75,8 | 73,0 |
| 2. | Мол-мулкдан олинган даромадлар | 2,8 | 2,4 | 2,3 | 3,1 | 3,4 | 3,1 |
| II. | Трансфертлардан даромадлар | 27,0 | 24,4 | 16,9 | 16,0 | 20,9 | 23,9 |

*) аниқлик киритилган маълумотлар

Аҳоли даромадларининг $\frac{1}{4}$ қисми трансфертларга тўғри келаётганлигини кўриш мумкин (1-жадвалга қаранг). Бундан эса, ўзбекистонликларнинг даромадлари таркибида мигрантлар даромадига боғлиқлик сезиларли аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида, мазкур ҳолат хорижий давлатлардаги иқтисодий ҳолатга боғлиқликни оширишини кўрсатади. Пандемиянинг жаҳоннинг барча мамлакатларига тарқганини инобатга олсак, ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари даромадининг пасайиши биздаги даромадларнинг пасайишига таъсир қилиши табиий. 1-жадвалга эътибор

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
http://web.stat.uz/open_data/uz/9.2%20OD_income_by_deciles_uzb.pdf

берсак, мол-мулкдан олинадиган даромаднинг улуши 3 фоиз атрофида бўлмоқда. Ушбу ҳолатнинг ҳам мавжудлиги даромадларнинг диверсификация қилинмаганлигини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, пандемия шароитида даромадларнинг пасайиши ва жамғармаларнинг узоқ муддатга етмаслик эҳтимоли давлат томонидан қўшимча маблағларни сафарбар этишни тақозо этади. Бу эса, бюджет даромадлари қисқарган шароитда қарз маблағларини жалб этишга заруратни келтириб чиқаради.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5969-сонли Фармонининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унга кўра, ҳукумат томонидан халқаро молия институтларидан 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида ташқи қарз жалб этилиши белгилаб берилди.

Агар 5 млн. киши атрофидаги камбағал қатлам мавжудлигини инобатга олсак, уларнинг ҳар бирининг оиласига ўртача (5 киши деб тасавур қилсак) 100 АҚШ долларидан тақдим этилганда 100 млн. АҚШ доллари керак бўлади. Бу эса, киши бошига 20 АҚШ доларидан бўлса, яна 10 кунлик истеъмолни таъминлаши мумкин бўлади (агар 1,9 долларга нисбатан олсак).

Қайд этиш лозим, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги 232 сонли қарори билан бюджет харажатларининг 6 трлн. сўм маблағ мақбуллаштирилиши назарда тутилди.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб айтганда, Ўзбекистонда аҳолига пул тарқатилиши эҳтимоли пастлигини ва бу амалга оширилганда ҳам натижа бермаслигини англатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг камбағалликка қарши чоралар натижа бермаганлиги пандемия оқибатларини янада мураккаблашишига олиб келмоқда. Бошқача айтганда, иқтисодий ҳаракатсизлик даврида аҳолининг камида 2 ойга етадиган жамғармаларга эга бўлиши вазиятни ҳозиргидек чуқурлаштирмаган бўлар эди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда киши бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми ўртача 1500 АҚШ доллари атрофида эканлигини ҳисобга олсак, бу кунига ўртача (1500/365 кун) 4,1 АҚШ долларига тенг бўлмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда 2020 йилда ЯИМнинг ўсиши ХВФ томонидан 1,6 фоиз бўлишини прогноз қилди. Мазкур рақамларнинг таҳлили кўрсатадики, мамлакатимизда Жини коэффицентининг барқарор эмаслигини юзага чиқариши мумкин.

Шу ўринда, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий мустақиллиги даврида камбағалликка қарши чоралар кўрмаганми? деган савол туғилиши табиий. Мамлакатимизда кам даромадли оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, арзон кредитлар тақдим этиш, яқка тадбиркорликни ривожлантириш каби чора-тадбирлар шулар жумласига киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 44-сонли қарори қабул қилинган. Ваҳоланки, ушбу ҳужжат доирасида моддий ёрдамнинг ҳажми катта бўлмаган ёки муддати қисқа бўлган. Умуман олганда, мазкур моддий ёрдам жорий истеъмолни таъминлаган бўлиб, қўшимча қиймат яратилишига шароитни яратмаган. Бошқача айтганда, тор доираги ялпи талаб давлат томонидан рағбатлантириб турилган. Мазкур турдаги нафақаларни олувчилар 595000тани ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5978-сонли фармони билан амалдаги тўловлар сақлаб қолинди ва уни молиялаштириш Инқирозга қарши чоралар жамғармаси ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди.

2019 йилда иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотини қўлга киритган А.Банержи, Э.Дюфло ва М.Крамер томонидан давлатлар ва халқаро ташкилотлар амалга ошираётган ислохотларнинг нечоғлиқ натижа бераётганлигини кўрсатиб берилди. Нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон

мамлакатларида амалга оширилган камбағалликка қарши кураш натижалари таҳлили, бу борадаги тадбирларни тубдан ўзгартириш заруратини исботлаб берди.

Тадқиқотларга кўра, биринчи омил – мактаб таълимида икки омил ўқувчиларнинг қизиқиши ва ўқитувчилар билан маълум муддатли шартномалар муҳим эканлиги исботланди.

Ўзбекистонда 1991-2019 йилларда мактаб таълимини рақамларда кўрсак, бир мактабга 1991 йилда 543 та, 2019 йида 623 та ўқувчи тўғри келган, шунингдек, мактаблар сони 1991-2000 йилларда 1169 тага, 2000-2010 йилларда 80 тага ва 2010-2019 йилларда 136 тага ошган¹⁸.

Қайд этиш лозим, мактаб таълимидаги муаммолар нафақат камбағаллик муаммоларини балки, бошқа ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни ҳам чиқариши кўплаб тадқиқотларда исботланган. Масалан, 2020 йил 3 март куни Тошкент шаҳрида «Сурия ва Ироқдан қайтариб олиб келинганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича Марказий Осиё мулоқоти: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди. Унда «Меҳр-1» ва «Меҳр-2» операциялари натижалари таҳлил этилди. Жумладан, Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти вакили, профессор Бахтиёр Бобожонов ўзбек аёлларининг Ироқ ва Сурияга кетгани сабаблари ҳақида тўхталиб “Энг катта сабаб – уларнинг билимсизлигидир. аёлларнинг шаҳодатномасига қарасак, ҳаммаси қоникарсиз таълим олишган” деб таъкидлаб ўтди¹⁹.

Иккинчи омил - соғлиқни сақлаш тизимида инсонларнинг фарзандлари соғлиғи учун инвестиция қилмасликлари ёки уни ортга суриб келишлари салбий таъсирга эга эканлигини қайд этишади. Шу боисдан, болаларни инфекцияларга қарши эмлашда вақтинчалик субсидиялар доимийларидан кўра самарали эканлигини қайд этиб ўтишади. Шу нуқтаи назардан олиб караганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтган “... бир оилада машина ҳам,

¹⁸Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

¹⁹Ироқ ва Суриядан қайтарилган аёллар бўйича ўрганиш натижалари маълум қилинди. <https://kun.uz/news/2020/03/03/iroq-va-suriyadan-qaytarilgan-ayollar-boyicha-organish-natijalari-malum-qilindi>

чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади²⁰” деган сўзларининг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим.

К.Пейкаржо, Р.Голлу ва Р.Шахриварлар МДХ (Ўзбекистон) мамлакатларида 2001-2009 йилларда соғлиқни сақлаш ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқни тадқиқ этадилар. Уларнинг хулосасига кўра ўрта ёшдагиларнинг ўртача умр кўриши билан иқтисодий ўсиш ўртасида ижобий боғлиқлик мавжудлигини қайд этади. Жумладан, реал ЯИМ, ЯИМга нисбатан инвестициялар, иқтисодиётнинг очиқлиги, ёшларнинг ўртача умр кўриши, аҳолининг кўпайиш даражаси каби кўрсаткичларини иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилади. Ўз навбатида, иқтисодиётнинг очиқлиги ва инвестициялар иқтисодий ўсишга таъсир этмайди, деган хулосага келадилар²¹.

Шу билан бирга, учинчи омил сифатида – микрокредитлаш механизми таҳлил этилади. Унга кўра, мазкур усул камбағалликка курашда ҳеч қандай натижа бермаслиги аниқланади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистонда камбағалликни келтириб чиқаришга сабаб бўлган муҳим сабаблар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин, деб ўйлаймиз:

1. Ижтимоий соҳанинг нобақарорлашувига олиб келган жиҳатлар:

- Соғлиқни сақлаш тизимида давлат харажатларининг етарли эмаслиги, айниқса бирламчи тиббий хизматлар тақдим этишда;
- Мактабгача таълим билан қамраб олиш миқёсининг пастлиги;
- Мактаб таълимида мактаб биноларнинг “резина”каби фойдаланилиши базавий таълимнинг натижавийлигини тушириб юборди;
- Олий таълимнинг қамрови 10 фоизга етмаслиги катта улушга эга бўлган ёшларнинг инсон капитали даражасини пасайтирди;

²⁰Тарихда илк марта "ёпиқ мавзу" бўлган камбағалликни қисқартириш учун кураш бошланди <https://review.uz/uz/post/tarixda-ilk-marta-yopiq-mavzu-bolgan-qabagallikni-qisqartirish-uchun-kurash-boshlandi>

²¹Peykarjou K., R.B.Gollu, H.P.Gashti, R.B. Shahrivar Studying the relationship between health and economic growth in OIC member states//Interdisciplinary Journal of Contemporary Research in Business. December 2011, Vol 3(8). – pp. 1041-1054.

– Илмий тадқиқотларга ажратилган маблағлар ЯИМга нисбатан 0,25 фоиз атрофида бўлиши.

2. Меҳнатга ҳақ тўлаш касбга эмас, балки лавозимга бириктирилиши, юқори билим талаб қилувчи касблар жозибардорлигини йўқотди. Масалан, шифокор ва сержант унвонидаги ҳарбий хизматчи иш ҳақидаги сезиларли тафовут.

3. Электр таъминотидаги узилишларнинг давомийлиги қуйидаги нобарқарорликни келтириб чиқарди:

– таълимнинг уйда бажариладиган вазифалар қисми ўзлаштирилмаслигига таъсир кўрсатди;

– бизнес юритишга жиддий таъсир кўрсатди. Масалан жаҳон банкининг ҳисоботида, бизнес субъекти кичиклашиб боргани сари электр таъминотидан узилиши кучайиб бориши қайд этилган²².

4. Иқтисодиётнинг норасмий қисмини кучайиши аҳоли даромадлари ҳисобини ва статистикасини юритишга салбий таъсир кўрсатди.

Тадқиқотлар асосида қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

1. Аҳолининг камбағаллик даражасини аниқлаштириш учун демографик жиҳатдан гуруҳларга ажратиш нуқтаи назаридан аниқ статистикани шакллантириш ва шунга мос тадқиқотларни амалга ошириш.

2. Қисқа муддатли даврда эътибор берилиши лозим бўлган чоратадбирлар:

– аҳолининг истеъмолини арзонлаштириш, яъни давлат ва “айрим” тадбиркорларнинг монополиясини фавқулодда тугатиш;

– электр таъминотининг узлуксизлигини амалга ошириш, муқобил энергиядан фойдаланишни жадаллаштириш;

– харажатларни қисқартириш, яъни кўп даромадга эга бўлмаган шароитда жамиятда тежамкорлик тамойилини жорий этиш;

²² World Bank. 2020. Global Economic Prospects, January 2020: Slow Growth, Policy Challenges. Washington, DC: World Bank. p. 89.

- венчур фондлари ишлаши учун шароит яратиш;
- норасмий иқтисодиётни қисқартириш.

3. Узоқ муддатли даврга мўлжалланган дастурларни амалга ошириш доирасида:

- профилактика тиббий хизматларни молиялаштириш ҳажмини ва самарадорлигини ошириш;
- мактаб таълимида ўқувчиларнинг қизиқишларини инобатга оладиган ҳолда гуруҳларга ажратган ҳолда таълим бериш;
- олий таълимни қамровини ошириш;
- “кичик бизнестан-йирик бизнесга” ғоясини иқтисодиётда жорий этиш;
- юқори илмий сиғимкор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- меҳнат мигрантларини эмас, балки меҳнат маҳсулини экспорт қилиш тамойилини амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Milton Friedman A Theory of the Consumption Function. Princeton, N.J. Princeton University Press, 1957.
2. Mincer, J. (1958) Investment in Human Capital and Personal Income Distribution. The Journal of Political Economy 281–302. https://www.jstor.org/stable/1827422?read-now=1&refreqid=excelsior%3Ad2f165a96877f753b910571c7cf28284&seq=1#page_scan_tab_contents
3. OECD (2020), Poverty gap (indicator). DOI: 10.1787/349eb41b-en (Accessed on 23 April 2020)
4. OECD (2020), Poverty rate (indicator). DOI: 10.1787/0fe1315d-en (Accessed on 23 April 2020)
5. Peng, C., Fang, L., Wang, J.S. et al. Determinants of Poverty and Their Variation Across the Poverty Spectrum: Evidence from Hong Kong, a High-Income Society with a High Poverty Level. Soc Indic Res 144, 219–250 (2019). <https://doi.org/10.1007/s11205-018-2038-5>
6. Poverty in the United States <https://www.debt.org/faqs/americans-in-debt/poverty-united-states/>

7. The Population of Poverty USA. <https://www.povertyusa.org/facts>
8. World Bank. 2020. Global Economic Prospects, January 2020: Slow Growth, Policy Challenges. Washington, DC: World Bank. p. 89.
9. Majeed M.T., Malik M.N. Determinants of Household Poverty: Empirical Evidence from Pakistan. *The Pakistan Development Review* 54:4, Part II (Winter 2015) pp. 701–718
10. Peykarjou K., R.B.Gollu, H.P.Gashti, R.B. Shahrivar Studying the relationship between health and economic growth in OIC member states//*Interdisciplinary Journal of Contemporary Research in Business*. December 2011, Vol 3(8). – pp. 1041-1054.
11. Research to help the world's poor. <https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular-economicsciencesprize2019-2.pdf>
12. Rindermann H., Sailer M., Thompson J. The impact of smart fractions, cognitive ability of politicians and average competence of peoples on social development//*Talent Development & Excellence*, 2009. - №1(1). - pp.3-25.
13. Stachle H. Ability, Wages and Income. *Review of Economics and Statistics*, XXV, February 1943, pp. 77-87.
14. Ироқ ва Суриядан қайтарилган аёллар бўйича ўрганиш натижалари маълум қилинди. <https://kun.uz/news/2020/03/03/iroq-va-suriyadan-qaytarilgan-ayollar-boyicha-organish-natijalari-malum-qilindi>
15. Кошарная Г.Б., Каримова Л.Ф. Основные подходы к измерению уровня бедности в современной России//<https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-podhody-k-izmereniyu-urovnya-bednosti-v-sovremennoy-rossii/viewer>
16. Мустафакулов Ш.Камбағаллик айб эмас, бироқ Халқ сўзи, 25.03.2020 й. <http://xs.uz/uzkr/post/kambagallik-ajb-emas-biroq>
17. Сазанов И.С. Бедность: Национальные и международные критерии//*Челябинский гуманитарий*. – 2012, -№3(20). – С.80-84.
18. Сидорчук И.Б. Критерии бедности и показатели ее определения. <https://cyberleninka.ru/article/n/kriterii-bednosti-i-pokazateli-ee-opredeleniya/viewer>
19. Тарихда ilk марта "ёпиқ мавзу" бўлган қамбағалликни қисқартириш учун кураш бошланди <https://review.uz/uz/post/tarixda-ilk-marta-yopiq-mavzu-bolgan-qambagallikni-qisqartirish-uchun-kurash-boshlandi>

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
http://web.stat.uz/open_data/uz/9.2%20OD_income_by_deciles_uzb.pdf

21. Хасанов Р., Усмонов Б. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари. 06.03.2020 й. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-va-uni-qisqartirish-yollari>

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
“Makroiqtisodiy tahlil va prognozlashtirish” kafedrası assistenti
Hakimov Hakimjon Abdullo o‘g‘li
h.hakimov91@gmail.com

O‘ZBEKISTONDA YAKUNIY ISTE‘MOL XARAJATLARINING YALPI ICHKI MAHSULOTGA TA‘SIRI VA GLOBAL INQIROZ SHAROITIDA UNI BARQARORLASHTIRISH ZARURATI

Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘zbekiston iqtisodiyoti uchun iste‘mol va yalpi ichki mahsulot ko‘rsatkichi orasida bog‘liqlik tahlil etiladi, yalpi ichki mahsulotning iste‘molga bog‘liq funksiyasi hamda ilmiy xulosa shakllantiriladi.

Kalit so‘zlar: iste‘mol, yalpi ichki mahsulot, korrelatsiya koeffisienti, regressiya statistikasi.

O‘zbekiston hukumati koronavirus pandemiyasi va global inqiroz holatlarining iqtisodiyot tarmoqlari hamda aholi turmush darajasiga salbiy ta‘sirini yumshatish, shuningdek, yalpi talabni rag‘batlantirish bo‘yicha faol choralar ko‘rmoqda va bu milliy hamda xalqaro jamoatchilik tomonidan ham olqishlanmoqda.

Aholining yalpi iste‘moli va jamg‘armalari mamlakat YaIM ga ta‘sir ko‘rsatuvchi asosiy omillardan biri hisoblanadi. Shu bois, ularning o‘shish tendensiyasi qanday ekanligini va makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar bilan bog‘liqligini o‘rganish mamlakat iqtisodiyoti uchun muhim ko‘rsatkichlarni aniqlashga yordam beradi.

Lakshmi Raut va Arvind Virmani “Rivojlanayotgan mamlakatlarda iste‘mol va tejash xatti-harakatlarini aniqlovchilari” nomli maqolasida qaysi omillar iste‘mol va jamg‘arishga ta‘sir etishini o‘rganishgan. Unga ko‘ra, jamg‘armalarning aniqlovchi

omillari va davlat siyosatining jamg'arma va iste'molga ta'siri, investitsiyalar va iqtisodiy o'sishning asosiy kuchlari hisoblanadi. Xoll gipotezasida ta'kidlanishicha iste'mol har bir davrdagi daromad emas, balki umrbod (doimiy) daromad olish funksiyasi hisoblanadi. Foizlar va soliq stavkalarining o'zgarishi, pul ta'klifi yoki davlat xarajatlari doimiy daromadga va shu sababli iste'mol va jamg'arishga ta'sir qiladi. [1].

Manzur Ahmed va boshqalar (2017) ning "Yuqori daromadli davlatlar uchun yalpi iste'mol funksiyasini hisoblash" nomli maqolasida tariflanishicha, yalpi real xususiy iste'mol (ARPC) har qanday iqtisodiyotning uzoq muddatli turmush darajasini belgilashga yordam beradigan yalpi ichki mahsulot (YaIM) tarkibiy qismlaridan biridir. ARPCning ulushi o'rtacha 55% atrofida. Shuning uchun iste'molning umumiy iqtisodiy xarajatlarning yarmidan ko'pini tashkil etadigan tarkibiy qismlarni tushunish juda muhimdir. Tadqiqot rivojlanayotgan mamlakatlarning yalpi ichki mahsulotini iste'mol qilish tartibini aniqlash uchun siyosat darajasidagi o'zgarishlarni kiritish uchun harakat qilishga undaydi. Tegishli empirik model yordamida tadqiqot tanlangan rivojlangan mamlakatlar uchun ARPC bo'yicha Doimiy daromadlar gipotezasi (PIH) va mutlaq daromadlar gipotezasining (AIH) haqiqiylikini tekshiradi. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, uzoq muddatli istiqbolda ARPCning muhim hal qiluvchi omillari real YaIM va boylikdir, qisqa vaqt ichida ular real foiz stavkasi va ishsizlik darajasi hisoblanadi [2].

Bala Ramasam va Matyu Yeung (2013) larning "Iste'molchining qoniqishi va iste'mol funksiyasi" nomli maqolasida istemolchilarning qoniqish va istemol funksiyasi o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganishgan. Ushbu maqola Amerika iste'molchilarining qoniqish ko'rsatkichi indeksi (ACSI) AQShning iste'mol funksiyasini belgilovchi o'zgaruvchisi sifatida qay darajada harakat qilishini baholaydi. Natijalar shuni ko'rsatadiki, ACSI shaxsiy iste'mol xarajatlarining muhim prognozi hisoblanadi va daromadlar va boyliklar nazorat qilinsa ham potentsial siyosat o'zgaruvchisidir. Ushbu tadqiqotda ular shaxsiy daromad va boylik kabi an'anaviy omillarni hisobga olgan holda CSI va SSP milliy iste'mol funksiyalarida o'zgaruvchilarni belgilovchi rolni taqqoslaydilar. Bundan tashqari, ular CSI

o'zgarishini PCE ning turli toifalariga, shu jumladan Durable, Nondurable va Servicesga ta'sirini ko'rib chiqadilar [3].

Jamiyatda har bir xodisa va jarayonlar o'zaro uzviy ravishda bog'langan bo'lib, bog'lanishlar xodisa va jarayonlarni tavsiflovchi ko'rsatkichlarning bog'lanishida namoyon bo'ladi. Masalan, milliy daromadlar hajmi yalpi ichki mahsulot hajmiga bevosita bog'liq. Mehnat unumdorligi va tannarxni olsak, birinchi ko'rsatkich o'zgarishi bilan, aniqrog'i, mehnat unumdorligining ortishi tannarxni pasayishiga olib keladi, tovar oborotning hajmini o'zgarishi esa tovarlar bahosi va miqdorini o'zgarishiga bevosita bog'liq. Bu bog'liqliklarni aniqlash va o'lchash statistikaning muhim vazifalaridan biridir [4]. Shu sababli, O'zbekiston iqtisodiyoti uchun iste'mol funksiyasi tuzamiz va bir qancha bog'liqliklarni aniqlaymiz.

YaIM va Yakuniy iste'mol o'rtasidagi bog'liqlik

| Yillar | YalM (y) | Yakuniy iste'mol (x) | xy | x ² | y hisob | Appr. xatoligi |
|-----------------|-----------------|----------------------|-------------------|-------------------|-----------------|----------------|
| 2008 y. | 39,0 | 24,7 | 961,7 | 609,0 | 34,9 | 0,12 |
| 2009 y. | 49,4 | 31,7 | 1 566,3 | 1 006,3 | 44,6 | 0,11 |
| 2010 y. | 74,0 | 52,1 | 3 857,6 | 2 714,4 | 72,5 | 0,02 |
| 2011 y. | 96,9 | 66,7 | 6 463,1 | 4 444,2 | 92,5 | 0,05 |
| 2012 y. | 120,2 | 85,1 | 10 229,3 | 7 237,4 | 117,7 | 0,02 |
| 2013 y. | 144,5 | 107,0 | 15 472,7 | 11 457,9 | 147,9 | 0,02 |
| 2014 y. | 177,2 | 131,2 | 23 237,4 | 17 205,7 | 181,0 | 0,02 |
| 2015 y. | 210,2 | 159,1 | 33 449,9 | 25 327,5 | 219,3 | 0,04 |
| 2016 y. | 242,5 | 188,8 | 45 792,9 | 35 660,6 | 260,1 | 0,07 |
| 2017 y. | 302,5 | 221,1 | 66 879,9 | 48 869,2 | 304,3 | 0,01 |
| 2018 y. | 407,5 | 283,0 | 115 337,4 | 80 103,9 | 389,2 | 0,05 |
| Jami | 1 864,01 | 1 350,53 | 323 248,11 | 234 636,16 | 1 864,01 | 0,52 |
| O'rtacha | 169,46 | 122,78 | 29 386,19 | 21 330,56 | 169,46 | 0,05 |

Manba: OTB statistik ma'lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari

Dastlab, eng keng tarqalgan metodlardan biri bo'lgan *korrelatsion-regression tahlil metodidan* foydalanamiz. 2010-2018 yillar oralig'ida iste'mol va jamg'arish darajasi orqali O'zbekistonda iste'mol va jamg'arish funksiyalarini tuzamiz. Buning uchun korrelatsiya darajasini aniqlash va regressiya tenglamasini tuzish kerak.

Korrelatsiya koeffisientini hisoblash:


$$r_{xy} = \frac{29386,2 - (122,8 * 169,5)}{\text{Sqrt}(6256,8 * 11844)} = 0,996$$

Iste'mol va YaIM o'rtasidagi korrelatsiya koeffisienti 0.996 bo'lib, juda kuchli bog'lanishni ko'rsatmoqda.

Regressiya tenglamasini tuzamiz:

$$y = 1,07 + 1,37 * x$$

Yuqoridagi ma'lumotlar asosida tuzilgan regressiya tenglamasi shuni ko'rsatmoqdaki, agar, iste'mol qiymati 1 birlikka oshsa, u yalpi ichki mahsulotni 1.37 birlikka oshishiga sabab bo'ladi. Shuningdek, agar iste'mol qiymati 0 ga teng bo'lsa, YaIM hajmi 1.07 birlikka teng bo'ladi.



Daromadning (iste'molga bo'g'liq) funksiyasi

Manba: OTB statistik ma'lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari

Daromadni (Iste'molga bo'g'liq) funksiyasi chiziqli ko'rinishga ega bo'lib, u doim o'suvchi bo'lganini ko'rish mumkin.

Iste'mol va YaIM o'rtasidagi bog'liqlikning regressiya statistikasi bog'liqlik haqida to'liq ma'lumot beradi. Undagi ma'lumotlar asosida yaratilgan funksiyaning

qanchalik to'g'ri ekanini tekshirish mumkin. Buning uchun t-statistika va fisher mezonlaridan foydalanamiz. Bunda $F_{his}(1416,05) > F_{jad}(4,4)$ hamda $t_{his}(37,6) > t_{jad}(2,2)$ tasdiqlanadi. Ularning qiymati jadvaldagi qiymatdan katta bo'lganligi sababli funksiya to'g'ri tuzilgan hisoblanadi.

Bugungi kunda global inqiroz tobora xavfli tus olmoqda. Bunday sharoitda turli iqtisodiy ko'rsatkichlarni prognoz qilish muhim ahamiyatga ega. Xususan, iste'mol xarajatlari mamlakat yalpi ichki mahsulotiga, aholi daromadlariga tasir ko'rsatadi. Shuning uchun ularni qanday tendensiyaga ega ekanligini aniqlash bizga boshqa iqtisodiy ko'rsatkichlarni prognoz qilishimizga ham yordam beradi.

Iste'mol sohasidagi inqirozga qarshi ustuvor choralar aholining kam himoyalangan, kam ta'minlangan qatlamlarini qo'llab-quvvatlashga qaratilgan bo'lishi kerak. Ularning maqsadi kam ta'minlangan oilalarning ovqatlanish tarkibidagi inqirozning yanada yomonlashuvi hamda zarur dori-darmonlarni rad etishining oldini olishdir.

Tadqiqot natijalari quyidagilarni namoyon etadi:

1. Agar iste'mol qiymati 1 birlikka oshsa (boshqa omillar o'zgarmaganda), u yalpi ichki mahsulotni 1,37 birlikka oshishiga sabab bo'ladi.

2. Korrellatsion-regression tahlil natijalari ham qoniqarli natija berganiga qaramasdan, hozirgi kunda ular oddiy usul hisoblanadi va prognozda turli noaniqliklarni yuzaga kelishiga olib keladi.

3. Hozirgi kunda tahlil va prognozlashda zamonaviy metodlar mavjud bo'lib, ularning aniqlik darajasi juda yuqori va uzoq muddatda ham kam xatolikka ega. Jumladan, ARIMA metodlari ekzogen o'zgaruvchilarning qo'shilishi orqali yanada aniqroq darajaga yetkazishi mumkin. Bu metod hisob-kitob uchun kam kuch va vaqt talab qilib, bizning tadqiqotlarimizda nisbatan yaxshi natija bermoqda. Shuningdek, AR modeli yuqoridagilardan ham yaxshi natija beradi. Buning sababi, istemol hajmi ko'p hollarda o'zidan oldingi yillardagi natijalarga bog'liq bo'ladi va shu bois, model aniqligi yuqoriroq bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Raut L. K., Virmani A. Determinants of consumption and savings behavior in developing countries //The World Bank Economic Review. – 1989. – Т. 3. – №. 3. – С. 379-393.
2. Ahmed, Manzoor, et al. "Estimation of aggregate consumption function for high income countries." Pakistan Business Review 19.1 (2017): 24-45.
3. Yeung, Matthew CH, et al. "Customer satisfaction and consumer expenditure in selected European countries." International Journal of Research in Marketing 30.4 (2013): 406-416.
4. X.Shadiyev va boshqalar. Statistika. Darslik. OO‘MTV; -Toshkent: Tafakkur bo‘stoni, 2013. – 384 b.

**Институт прогнозирования и макроэкономических исследований,
Руководитель проекта по вопросам развития инфраструктуры,
Ибрагимова Дилдора Толибовна
E-mail: ibrdilya@mail.ru**

ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА НА ТРАНСПОРТНУЮ ОТРАСЛЬ УЗБЕКИСТАНА И МЕРЫ ПО СМЯГЧЕНИЮ НЕГАТИВНЫХ ПОСЛЕДСТВИЙ

Аннотация. В статье дана оценка влияния предпринятых антикризисных мер на основе анализа объемов перевозимых грузов, охарактеризованы проблемы отрасли по видам транспорта в сложившихся обстоятельствах, вызванные пандемией коронавируса в мире. Сформулированы конкретные меры по смягчению негативного влияния на развитие экономики.

Ключевые слова: COVID-2019, воздушный транспорт, автомобильный транспорт, железнодорожный транспорт, транзитные коридоры, мультимодальные коридоры.

В настоящее время злободневной темой дня во всём мире считается пандемия коронавируса (далее COVID-2019) [1].

COVID-2019 серьезно повлиял на все сферы человеческой деятельности, буквально «парализовав» крупнейшие экономики мира. Деятельность

транспортных и логистических компаний также оказалась существенно затронута карантинными мероприятиями в связи с запретом на перемещение пассажиров на всех видах транспорта [2, 3] и ограничением грузовых перевозок на автомобильном транспорте некоторыми странами.

Потери в объемах пассажирских и грузовых перевозок внутри республики и за ее пределами, несомненно, могут существенно замедлить рост экономики Узбекистана. На время противовирусных мероприятий создан Антикризисный фонд [4] в целях поддержки предпринимательства, инфраструктурных проектов, ведущих отраслей экономики республики, в т.ч. туризма и транспорта. В качестве первоочередных мер в Узбекистане создана комиссия для изучения ситуации в стране и за рубежом в связи распространением данного типа коронавируса [5].

Предварительными оценками экспертов прогнозируются потери до 31 млн долл. США [6] в туристической индустрии Узбекистана, и как следствие простаивание авиационного сектора страны. В целях предотвращения банкротства сектору предоставлен ряд преференций: отсрочки по выплате задолженности по кредитам без начисления штрафных санкций, пересмотр графиков погашения кредитов АО «Uzbekistan Airways», освобождение от уплаты земельного налога и налога на имущество, и оплата социального налога по сниженной ставке в размере 1 процента [7].

Однако, распространение COVID-2019 не повлияло на деятельность грузоперевозок республики и в целях обеспечения сроков своевременной доставки грузов и недопущения замедления процессов внешнеторговых перевозок Правительством страны принимаются усиленные меры по переориентированию части объема международных автомобильных перевозок на железнодорожные, а также развитию мультимодальных перевозок в обход стран, закрытых для перевозок в связи с карантинными мерами.

Анализ динамики основных показателей транспорта за 1 квартал 2020 года показывает снижение объемов перевозок из-за введенных некоторыми

странами ограничений в перевозках на автомобильном транспорте в импортном сообщении на 33,7%, на воздушном в транзитном сообщении – 52,5%. Если в 1 квартале текущего года показатели на воздушном (экспорт и импорт) и автомобильном (экспорт и транзит) видах транспорта имели стабильный темп роста к аналогичному периоду прошлого года, то уже за 20 дней апреля в разгар карантинного периода, наблюдается резкое снижение по всем видам сообщения [8]. В целом по всем видам транспорта наблюдается стабильность в выполнении объема перевозок в межгосударственном сообщении к прошлому году с темпом роста около 2%, а на железнодорожном транспорте наблюдается тенденция увеличения объемов перевозок грузов за счёт переориентирования перевозок с автомобильного транспорта.

К падению объема грузоперевозок на автомобильном транспорте, привел ряд проблем при перевозке грузов в зарубежные страны в период пандемии:

1. Некоторые страны закрывают границы для пересечения автомашинами;

2. В странах, где отсутствует ограничение автомобильных перевозок водителей транспортных средств, выезжающих из одной страны в другую, после пересечения границы и доставки груза получателю, перемещают на 2 недели в карантинную зону. Затем после окончания карантинного периода автомашина выезжает обратно с другим попутным грузом обратно в страну первоначального отправления, где водителей снова перемещают в карантинную зону. Таким образом, за 1 рейс туда и обратно непроизводительный простой автомашины составляет примерно один месяц.

3. Как следствие вышеуказанной проблемы, водители увеличивают плату за перевозку грузов, что влияет на снижение конкурентоспособности рынка автомобильных услуг.

В связи со сложившимися проблемами в автомобильных перевозках, целесообразным считается реализация ряда смягчающих мер и механизмов по устранению застоя и их дальнейшему развитию:

1. Перевозчикам грузов необходимо увеличить смены водителей на

единицу автотранспорта таким образом, чтобы автомашина не простаивала в ожидании водителей на карантине путем найма других водителей из страны назначения, прошедших карантинный период. После прибытия сменных водителей в страну назначения нанимается еще одна бригада для вывоза груза из Узбекистана;

2. В целях стимулирования автоперевозчиков отменить все дорожные сборы для всех транспортных средств, в том числе плату за проезд по тоннелям и мостам до снятия угрозы распространения пандемии. Пример: опыт Китая [9];

3. Ввести безостановочный и бесплатный режим для грузового автомобильного транспорта, перевозящего медицинские грузы и персонал, а также отменить или упростить проверки таких автомобилей. Пример: опыт Китая [9].

Большая доля убытков приходится на авиационный транспорт республики, который ограничивается в настоящее время перевозками товаров гуманитарной помощи некоторым странам в период кризиса. В целях увеличения доходности, а также удовлетворения спроса экспортеров целесообразно переориентировать деятельность воздушного транспорта и продолжить переоборудование находящихся на временном хранении пассажирских самолетов на грузовые самолеты.

Справочно: Правлением АО «Uzbekistan Airways» было принято решение о переоборудовании Boeing-767-300-ER в грузовой вариант Boeing-767-300-PTC (passenger-to-cargo) [10]. Это позволит уменьшить убыточность авиакомпании и увеличить объем перевозок.

В этой сложной ситуации, для железнодорожного транспорта открываются новые перспективы. Благодаря налаживанию сотрудничества с другими странами на новом уровне расширяются возможности развития грузоперевозок, совершенствуются существующие и открываются новые экспортные, импортные и транзитные коридоры, а также развиваются новые международные мультимодальные маршруты с применением гибких тарифов.

При этом, основное значение уделяется поддержке предпринимателей, занимающихся экспортной деятельностью. Так, в марте и апреле текущего года отправлены грузы из Узбекистана по новым мультимодальным маршрутам через Баку–Тбилиси–Карс. Подобные грузоперевозки имеют еженедельный характер. Помимо Турции, аналогичные маршрутные поезда планируются также в Россию, государства Европейского союза, Китай и другие азиатские страны [11].

Из-за закрытия туркмено-иранской границы [12] наблюдается резкое снижение перевозок в межгосударственном сообщении по коридору Север-Юг. Введение конвенционного запрета со стороны Туркменистана, несомненно, повлечет за собой снижение объемов грузов Узбекистана назначением в Иран железной дорогой экспортных и транзитных в среднем в 2% и 2,3% [13] соответственно.

Вышеуказанная ситуация с ограничением транзита грузов по территории Туркменистана назначением в/из Иран, транспортный коридор Север – Юг, также блокирует взаимный товарооборот таких стран как Китай, прибалтийские страны, Беларусь, Украина, Россия, Казахстан, Таджикистан, Кыргызстан и др. со странами Персидского залива, Пакистаном, Индией, Бангладеш и др.

Благоприятное географическое положение и лидирующие позиции в структуре внешнеторгового оборота Узбекистана в 2019 году таких стран, как: Китай – 7,6 млрд долл. США, Россия – 6,6 млрд долл. США, Казахстан – 3,4 млрд долл. США [14] позволяет беспрепятственно осуществлять внешнеторговые перевозки по альтернативным маршрутам и влияет на стабильное функционирование и развитие отрасли.

В этих условиях возникает необходимость использования альтернативных транспортных коридоров в Юго-Восточную Азию. Одним из таких альтернативных транспортных проектов является Кабульский коридор [14] (Узбекистан – Афганистан – Пакистан). Целесообразным считается ускорить использование существующих международных автотрасс и

организацию автомобильных перевозок грузов по существующим международным автомобильным дорогам по территории Афганистана между станциями Пешавар (Пакистан) и Мазари-Шариф или Галаба (Узбекистан) под операторством железных дорог Узбекистана, с взиманием тарифа, как за железнодорожные перевозки для организации интермодальных перевозок (железнодорожным и автомобильным транспортом). Развитие данного маршрута приведет к увеличению транзитного потенциала стран Центрально-азиатского региона, в том числе Узбекистана, и формированию новых транзитных коридоров: «Индия – Пакистан – Афганистан – Узбекистан – Казахстан – Россия – Беларусь – Евросоюз», «Китай – Кыргызстан – Узбекистан – Афганистан – Пакистан – Индия» [156]. В свою очередь вышеуказанные мероприятия позволят выполнить поручения, озвученные в послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису: «По мнению международных экспертов, за счет улучшения инфраструктуры, обеспечения прозрачности тарифов и открытия новых маршрутов транзитный потенциал нашей страны можно довести с нынешних 7 миллионов тонн до 16 миллионов» [177].

Исходя из вышеизложенного, следует отметить, что наряду с предпринимаемыми антикризисными мерами в период снижения деловой активности населения, необходимо разработать организационно-экономические мероприятия, основанные на результатах научных исследований и прогнозах, по стабилизации экономики, в том числе в сфере транспорта.

Список использованной литературы:

1. Наименование заболевания, вызванного коронавирусом (COVID-19), и вирусного возбудителя. Официальный сайт ВОЗ. Available at: [https://www.who.int/ru/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019/technical-guidance/naming-the-coronavirus-disease-\(covid-2019\)-and-the-virus-that-causes-it](https://www.who.int/ru/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019/technical-guidance/naming-the-coronavirus-disease-(covid-2019)-and-the-virus-that-causes-it).

2. Решение Специальной Республиканской комиссии. Пресс-служба Министерства иностранных дел. Available at: <https://mfa.uz/ru/press/news/2020/03/23917/>.

3. Обращение Президента к народу в связи с ситуацией вокруг коронавируса. Пресс-служба Министерства иностранных дел. Available at <https://mfa.uz/ru/press/news/2020/03/23835/>.

4. Указ Президента Республики Узбекистан от 19 марта 2020 года №УП-5969 «О первоочередных мерах по смягчению негативного воздействия на отрасли экономики коронавирусной пандемии и глобальных кризисных явлений». Available at: <https://lex.uz/ru/docs/4770763>.

5. Распоряжение Президента Республики Узбекистан от 29 января 2020 года №Р-5537 «Об образовании Специальной республиканской комиссии по подготовке Программы мер по предупреждению завоза и распространения нового типа коронавируса в Республике Узбекистан». Available at: <https://www.lex.uz/docs/4720408>.

6. Данные Всемирной туристической организации. Available at: <https://www.unwto.org/tourism-covid-19>.

7. Указ Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2020 года №УП-5978 «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии». Available at: <https://lex.uz/ru/docs/4780477>.

8. Оперативные данные Министерства транспорта Республики Узбекистан.

9. Власти Китая поддержали автоперевозчиков в условиях коронавируса. Информационно-аналитическое агентство «SeaNews», 27.03.2020. Available at: <https://seanews.ru/2020/03/27/ru-vlasti-kitaja-podderzhali-avtoperevozchikov-v-usloviyah-koronavirusa/>.

10. Пресс-служба АО «Uzbekistan Airways. Available at: <https://t.me/uzbekistanairways/1032>.

11. Контейнерный поезд с экспортной продукцией Узбекистана отправился в Турцию. Информационная служба АО «Узбекистон темир йуллари», 30.03.2020. Available at:

http://www.railway.uz/ru/informatsionnaya_sluzhba/novosti/18315/.

12. Сообщение консульско-правового департамента МИД, 8 марта 2020 г. Available at: <https://mfa.uz/ru/press/news/2020/03/23692/>.

13. Расчеты автора по данным Министерства транспорта Республики Узбекистан.

14. Данные Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. Available at:

https://stat.uz/uploads/docs/tashqi_savdo_dekabr_ru.pdf.

15. Ибрагимов У.Н. Формирование единого, разветвленного и внешне интегрированного транспортного пространства в Центральной Азии.

ННО Научно-исследовательский информатизационный центр, Ташкент, 2018. Available at:

http://www.railway.uz/ru/informatsionnaya_sluzhba/novosti/11941/.

16. Новый транспортный коридор, новые возможности и масштабные перспективы. Информационная служба АО «Узбекистон темир йуллари», 7.12.2018. Available at:

http://railway.uz/ru/informatsionnaya_sluzhba/novosti/12598/.

17. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 21 января 2020 г. Available at: <https://president.uz/ru/lists/view/3324>

**Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар
институтининг Катта илмий ходими
Шералиев Жавахирбек Жахонгир ўғли,
arvi19920804@gmail.com**

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҚАРЗИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

***Аннотация.** Ушбу тадқиқот ишида коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи барқарорлигини таъминлаш йўллари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи бўйича динамик таҳлили амалга оширилган. Тадқиқот ишининг асосий натижаси Ўзбекистон Республикасида давлат қарзини барқарорлигини таъминлашнинг илмий асосларини ёритишдан иборат.*

***Калим сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи, ташқи қарз, ички қарз, давлат облигациялари.*

Кириш

Ўзбекистон Республикасида давлат қарзи йилдан йилга ошиб бормоқда. Бунга асосий сабаблардан бири, мамлакатнинг ташқи ва ички иқтисодий жараёнларида давлатнинг фаол қатнашаётганлигидир. Бу, албатта, яхши ҳолат, лекин давлат қарзининг қатъий юқори чегараси ўрнатилмаса, истиқболда давлат қарзининг ошиб бориши иқтисодий ўсишга ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси кейинги йилларда ташқи ва ички манбалардан давлат қарзларини олиш тенденцияси мавжуд бўлиб, ушбу маблағларнинг катта қисми иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришга, шунингдек, моддий-техник базани яхшилаш учун сарфланмоқда. Яъни, ушбу қарз миқдорини қоплаш учун келгусида етарлича маблағга эга бўлиш ҳар томонлама кафолатланмоқда.


Тадқиқотнинг мақсади сифатида коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи барқарорлигини таъминлаш йўллари ўрганиш ва унинг оптимал ҳажми бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш деб белгиланди. Бунда, Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи барқарорлигини таъминлаш мамлакат иқтисодий ривожланишининг максимал даражасини таъминлаш тамойилига асосланади.

Ушбу тадқиқотнинг илмий аҳамияти сифатида Ўзбекистон иқтисодиёти учун ушбу мавзу нисбатан янги эканлиги ҳамда бу соҳада илмий-тадқиқот материалларининг етарлича эмаслиги билан изоҳланади. Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ҳозирги кундаги давлат иқтисодий сиёсатининг келгуси йўналишини белгилашда давлат қарзи барқарорлиги даражасини ҳар томонлама таҳлили амалга оширилиши заруриятидан келиб чиқади.

Таҳлил ва натижалар.

Давлат бюджети ҳаражатлари ва даромадларининг мутаносиб келиши ҳам давлат бюджет-солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлайдиган асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Агар давлат бюджети изчил равишда бир неча йиллар мобайнида дефицит ҳолатида бўлса, унда бу давлатнинг ички

ва ташқи манбалардан қарзининг ортишига ва натижада кутилаётган истиқболли даромад ва харажатларни камайишига олиб келади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тақчиллигининг йиллик ҳажми динамикаси, млрд.сўм²³


Лекин охириги йиллардаги натижаларга қарайдиган бўлсак, давлат бюджети тақчиллиги 2015 йилдан буён мавжуд бўлиб, 2015-2019 йиллар оралиғида фақатгина 2017 йилда давлат бюджети профицит (339,9 млрд.сўм) ҳолатида бўлган. Қолган барча йилларда давлат бюджети дефицит ҳолатида яқунланган. Энг юқори дефицит ҳолатлари 2016 йилда (-2493,8 млрд.сўм) ва 2019 йилда (-5843,2 млрд.сўм) юзага келган. Яъни охириги йилларда давлат бюджети дефицит юзага келганлиги сабабли давлат қарзи йилдан йилга ортиб борган.

Йиллар давомида давлат қимматли қоғозлари жойлаштириш, халқаро молиявий институтлардан олинган кредитлар ва бошқа маблағлар давлат бюджетини дефицитини қоплаб келган.

Шу билан бирга, 2020 йил 16 апрель ҳолатига кўра давлат бюджети дефицит ҳолатида эмас. Лекин давлат бюджети даромадларининг паст даражада эканлиги ҳам бундай эмаслигига асосий сабаблардан биридир. Таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 йил 1 чорагида давлат бюджети дефицит ҳолати -1080,0 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йил 2 чорагида бу

²³ www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

кўрсаткич деярли 1 чоракка нисбатан 4 баробардан кўпроққа ёки -4569,4 млрд.сўмга етган. Жами 2019 йилдаги умумий дефицит -5843,2 млрд.сўмни ташкил этган. Яъни қолган 2 чоракда ёки ярим йилликда давлат бюджети даромадлари харажатларга нисбатан тезроқ ўсган. Бу эса 2019 йилнинг 2 чорагида йиллик бюджет дефицитининг асосий қисми пайдо бўлган эканлигини англатади.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети профицити (дефицити) ярим йиллик ҳажми динамикаси, млрд.сўмда²⁴

2018 йил ва 2016 йилларда эса умуман бошқа ҳолат, яъни мос равишда -637 млрд.сўм ва -2493,8 млрд.сўмлик йиллик бюджет дефицити ўша йилларнинг 4 чорагида пайдо бўлганлигини кўришингиз мумкин. Лекин охириги йилларда бюджет дефицити 2 чоракда яъни лойиҳаларни молиялаштиришнинг энг кўп бўлган пайтида содир бўлган.


Лекин давлат бюджетининг кейинги йиллардаги дефицит ҳолати давлат қарзи миқдорини сезиларли даражада оширди. Ўзбекистон давлат қарзи миқдори 2014 йилда 12 млрд АҚШ доллари миқдорида бўлган бўлса, 2016

²⁴ www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

йилда деярли 16 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган. 2019 йил якунларига кўра эса умумий давлат қарзи миқдори 24,4 млрд доллардан ошди.

Давлат қарзи бир вақтнинг ўзида иқтисодий ривожлантириш учун муҳим омиллардан бири ҳисоблансада, унинг ҳаддан ортиб кетиши келгуси иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай шароитда ҳар бир давлат ўзининг ички ва ташқи қарзи миқдорига нисбатан оптимал чеклов даражасини қўйиши, бу чеклов мамлакатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсирни минималлаштирадиган нуқтада бўлиши ҳозирги кунда барча давлатларнинг иқтисодий сиёсати олдида турган вазифалардан ҳисобланади.

Турли халқаро институтлар, жумладан Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа иттифоқи мамлакатнинг давлат қарзи лимитини белгилаш бўйича ўз тавсияларини бериб келмоқдалар.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси (млрд доллар)²⁵

Жумладан, Европа иттифоқига қўшилишнинг асосий шартларидан бири давлат қарзининг ЯИМга нисбати 60%дан ошмаслиги ҳисобланган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон давлат қарзининг тақлиф қилинган даражадан ошиб

²⁵ www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

бораётганлиги қарз даражасини чеклаш борасида аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади²⁶.



4-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат қарзининг таркибий тузилиши динамикаси, млрд.доллар²⁷

Давлат қарзининг таркибини таҳлили қиладиган бўлсак, давлат ташқи қарзи охириги йилларда ички қарзга нисбатан ортиб борапти. Хусусан, 2018 йилда ташқи қарз 2017 йилга нисбатан ташқи қарз 2,5 млрд.долларга ортган. Шу даврда ички қарз 1 млрд. долларга камайган. 2019 йилда эса 2018 йилга нисбатан 5,7 млрд.долларга ортган бўлса, шу давр ичида ички қарз 1,4 млрд.долларга ортиб кетган. Ўзаро солиштирилса, 2019 йилда ташқи қарз ички қарзининг ортишига нисбатан 4 баробар тезроқ ўсганини англатади. Бу яна шунинг англатадики, коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон ташқи ва ички қарзларини ўсишини сезиларли даражада камайтириш ва уларга қатъий чегара ўрнатиши керак бўлади. Сабаби агар иқтисодий ўсиш прогноз кўрсаткичларидек бўлмаса давлат бюджети кейинги йилларда қарзни тўлаш ҳажмини оширишига тўғри келади ва бу кейинги йиллар давлат бюджетиини иқтисодий ўсиш суръатларига мултикатив салбий таъсирни кўрсатади.

²⁶ Ҳақимов Ҳ.А. Фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштиришда давлат қарзларининг оптимал чегарасини ўрнатиш масаллари. (www.worldbank.org – Жаҳон банки маълумотлари асосида тайёрланган.

²⁷ www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий сайти маълумотлари

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги кунда иқтисодиётни рағбатлантириш энг тўғри йўл, албатта. Лекин ундан ҳам тўғриси бу халқнинг фаровонлигини ошириш ҳисобланади. Шунинг учун бу чора-тадбирлар қисқа муддатли ишларда аниқ манзилли самара беради. Лекин тангани иккинчи томонини унутмаслик керакки, иқтисодий жараёнлар барибир занжирли тарзда ўз акс таъсирини кўрсатади. Агар аҳолига молиявий кўмак берилса, бу қисқа муддатли даврда мамлакатда фаровонлик даражасини оширади, лекин узок муддат даврда эса занжирли иқтисодий жараёнларни натижасини кўришимиз мумкин бўлади: яъни ҳеч қандай товарли асоси мавжуд бўлмаган ялпи талаб ялпи таклифга нисбатан ошиб кетади. Бу эса ҳозирги шароитда нархлар даражасини ошишига сабабчи бўлади. Натижада давлат ташқи ва ички манбалардан маблағлар жалб этиши натижасида давлат қарзи ҳажми ошади, тўлов баланси ҳолати ёмонлашади, валюта курси яна кўтарила бошлайди. Бу эса навбатдаги инфляцион босимни юзага келтиради.

Коронавирус пандемияси даврида бюджет-солиқ сиёсати барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, давлат ташқи қарзини самарали бошқарилишини таъминлаш учун қўйидаги таклифлар берилди:

– мамлакатимизда истеъмолни (уй хўжаликларини истеъмол харажатларини ошириш) рағбатлантириш билан бирга ишлаб чиқаришни ҳам вақтинча рағбатлантириш керак. Яъни уларга берилган солиқ имтиёзларидан ташқари, имтиёзли кредитлар берилиши керак. Бу ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, иш ўринларини ҳам сақлаб қолади. Шу ўринда мақсадсиз имтиёзли кредитлар эмас, балки мақсадли кредитлар ажратилиши мақсадга мувофиқ. Яъни агар ишлаб чиқарувчи иш ҳақининг бир қисмини вақтинча тўлай олмаса, давлат имтиёзли кредит ажратиши лозим.

– мамлакат иқтисодиёти ўзидан бошқа мамлакатлар иқтисодиётига, айниқса, иқтисодий алоқалар мавжуд мамлакатлар иқтисодиётига жуда катта боғлиқ бўлади. Масалан, Россия Федерацияси, Ҳитой халқ Республикаси билан экспорт ва импорт операцияларининг юқорилиги мамлакатимиз

иқтисодиётига кириб келган ташқи баҳо шоклари ушбу хорижий мамлакатлар иқтисодиётининг ўзгариши таъсири десак бўлади. Шунинг учун бу давлатлар билан иқтисодий алоқаларимизни давом эттиришимиз билан биргаликда, улардаги иқтисодий ўзгаришларнинг салбий оқибатларини мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини олдини олишимиз зарур.

– давлат қарзининг юқори чегараси даражаси белгилаш ва давлат қарзи даражасининг бу кўрсаткичдан ошиб кетмаслигини таъминлаш чораларини кўриш керак. Яъни ХВФнинг тавсиясига кўра давлат қарзининг юқори чегараси 55 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Ҳозирги кунда ҳисоб-китобларга кўра, давлат қарзининг ЯИМга нисбати 48 фоизни ташкил этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
2. www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти.
3. www.wordbank.org – Жаҳон банки сайти.

**Фарғона давлат университети таянч докторанти,
Асрақулов Абдурахмон Султонович,
e-mail: firdavs_2003@mail.ru**

АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ БАНДЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

***Аннотация.** Мақолада миллий меҳнат бозоридаги бандлик ҳолатига таъсир этувчи асосий омиллар PEST таҳлил асосида ажратиб олинган ва уларнинг бандлик кўрсаткичига таъсири корреляцион-регрессион таҳлил бўйича аниқланиб, эконометрик модел кўринишига келтирилган. Олинган натижалардан келиб чиқиб, келгуси даврда мамлакатимиз меҳнат бозорида аҳоли самарали бандлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:** меҳнат бозори, бандлик, PEST таҳлил, таъсир этувчи омиллар, натижавий омил, корреляция коэффициенти, боғланиш зичлиги, регрессион таҳлил, эконометрик модель, прогноз кўрсаткичлар.*

Жаҳон банки ҳисоботларидаги иш билан банд дунё аҳолисининг алоҳида мезонлар бўйича таҳлили – бандларнинг 61 %и норасмий бандлардан иборатлиги, 52 %игина меҳнатига ҳақ тўланувчи бандлар эканлиги, 26 % бандлар аҳолининг ўта ва ўртача қашшоқ қисмини ташкил этиши тўғрисидаги маълумотлар меҳнат бозоридаги бандлик ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида уни тартибга солиш ҳамда бошқариш жараёнларида бандликнинг замонавий хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олиш лозимлигини кўрсатмоқда[1].

2019 йил декабрь ойида бошланган ва бугунги кунда жаҳоннинг деярли барча мамлакатларини қамраб олган коронавирус (COVID-19 вируси) пандемияси оқибатида дунёнинг турли мамлакатларида банд аҳолининг катта қисми (масалан, АҚШда 2020 йил март ойининг сўнгги икки ҳафтасида 10 млн. киши) ўз доимий иш жойини йўқотган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони глобал хавф-хатар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида бажарилиши лозим бўлган энг зарур вазифаларни белгилаб берган[2].

Ушбу ҳолатлар мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг инфратузилмасини мутаносиб ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Бандликни омиллар таъсирида ўзгариш ҳолати ҳамда уни турли эконометрик моделлар ёрдамида прогнозлаш масалалари хорижлик олимлардан С.Г.Резинкина, А.Г.Коровкин, И.Н.Долгова, В.А.Гневашева ва бошқалар томонидан ўрганилган [3-5]. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари, бозор мувозанати макроиқтисодий кўрсаткичларини эконометрик

моделлаштиришнинг айрим жиҳатлари ўзбек тадқиқотчиларидан Ю.К.Мухамедов, Ҳ.Т.Мухитдиновлар[6-7] томонидан тадқиқ этилган.

Иқтисодиётда меҳнат ресурсларининг бандлигига таъсир этувчи омиллар турли тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, умумий ҳолда бандликка таъсир этувчи омилларни 2 гуруҳга – ташқи ва ички омиллар гуруҳига ажратиш мумкин[8].

Меҳнат ресурсларининг бандлигига таъсир этувчи ташқи омиллар – сиёсий, иқтисодий, технологик ва ижтимоий омиллардан; ички омиллар – бандликни бошқариш бўйича давлат тузилмаларининг хусусиятлари, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг хусусиятлари ҳамда меҳнат ресурсларининг малакасини ошириш, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларидан иборат.

Банд аҳоли сони ўзгаришига таъсир этувчи омиллар сифатида таъсир даражаси ва таъсир кучи экспертлар томонидан юқори деб кўрсатилган иқтисодий ва ижтимоий-демографик омиллар гуруҳига тегишли ўртача номинал иш ҳақи миқдори, аҳоли жон бошига тўғри келувчи асосий капиталга инвестициялар ҳажми, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг ўсиши, миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган корхона (ташкилот, муассаса)лар сони, истеъмол нархлари индекси (инфляция даражаси), миграция сальдоси ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандлик даражасидаги улуши танлаб олинди.

Кўрсатиб ўтилган таъсир этувчи экзоген омиллар ҳамда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонини акс эттирувчи эндоген омил кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2011-2019 йиллар учун расмий маълумотлари таркибидан ажратиб олинди ва жадвалга туширилди (1-жадвал).

Таъсир этувчи экзоген омиллардан ўртача номинал иш ҳақи миқдори (x_1), аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар ҳажми (x_2), фаолият кўрсатаётган корхона (ташкилот, муассаса)лар сони (x_4) ва истеъмол нархлари индекси (x_5) кўрсаткичлари 2011-2019 йиллар давомида барқарор ўсиш суръатига эга бўлиб, бу кўрсаткичлар эндоген омил билан тўғри боғлиқликда эканлигини айтиб ўтиш мумкин.

Омил кўрсаткичларининг Ўзбекистон Республикаси бўйича 2011-2019 йиллардаги миқдори[9]

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
| Иқтисодиётда бандлар сони (Y), минг киши | 11919,1 | 12223,8 | 12523,3 | 12818,4 | 13058,3 | 13298,4 | 13520,3 | 13273,1 | 13376,0 |
| Ўртача номинал иш ҳақи миқдори (X ₁), минг сўм | 628,1 | 739,7 | 865,9 | 1007,9 | 1171,7 | 1293,8 | 1457,8 | 1822,7 | 2243,9 |
| Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар ҳажми (X ₂), минг сўм | 709,6 | 821,3 | 1008,2 | 1224,0 | 1431,7 | 1608,6 | 2227,8 | 3769,6 | 4097,3 |
| Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг ўсиши (X ₃), минг киши | 380,0 | 332,9 | 296,4 | 230,1 | 212,9 | 183,8 | 169,3 | 181,6 | 197,9 |
| Фаолият кўрсатаётган корхона (ташкилот ва муассаса) лар сони (X ₄), минг бирлик | 213,1 | 238,6 | 266,4 | 273,6 | 278,4 | 285,4 | 300,2 | 323,5 | 341,7 |
| Истеъмол нархлари индекси (X ₅), % | 107,6 | 107,0 | 106,8 | 106,1 | 105,6 | 105,7 | 114,4 | 114,3 | 115,2 |
| Миграция қолдиғи (X ₆), киши | -47584 | -40952 | -34566 | -38562 | -29299 | -26248 | -18599 | -14729 | -13892 |
| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши (X ₇), % | 75,1 | 75,6 | 76,7 | 77,6 | 77,9 | 78,2 | 78,0 | 76,3 | 77,3 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг миқдорий ўсиши (x_3) ва миграция қолдиғи (x_6) омиллари кўрсаткичлари кўриб ўтилаётган йиллар давомида пасайиш тенденциясига эга бўлган. Омилли таҳлил учун экзоген омил сифатида танланган бошқа омиллар (x_7)нинг кўрсаткичлари эса маълум бир давр оралиғида пасайиб бориб, сўнгра ўсиш тенденциясига эга бўлган.


2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2020-2022 йилларда иқтисодиётда банд аҳоли сони ва унга таъсир этувчи омил кўрсаткичлари прогнозлари

| Кўрсаткичлар | Модель | Йиллар | | |
|---|--|---------|----------|---------|
| | | 2020 | 2021 | 2022 |
| Иқтисодиётда бандлар сони, минг киши | $y = 0,467 \cdot x_1 - 0,172 \cdot x_2 - 4,629 \cdot x_3 - 2,235 \cdot x_4 + 14,925 \cdot x_5 + 0,015 \cdot x_6 + 57.63,61 \cdot x_7 + 8770,695$ | 14409,5 | 14665,7 | 14916,0 |
| Ўртача номинал иш ҳақи миқдори, минг сўм | $x_1 = 186,36 + 316,12 \cdot t$ | 3347,6 | 3663,7,5 | 3979,8 |
| Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар ҳажми, минг сўм | $x_2 = 420,32 \cdot t - 224,06$ | 3979,1 | 4399,5 | 4819,8 |
| Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг ўсиши, минг киши | $x_3 = 366,33 - 24,71 \cdot t$ | 119,2 | 94,5 | 69,8 |
| Фаолият кўрсатаётган корхона (ташкilot ва муассаса) лар сони, минг бирлик | $x_4 = 14,14 \cdot t + 209,39$ | 350,8 | 364,9 | 379,1 |
| Истеъмол нархлари индекси, % | $x_5 = 1,12 \cdot t + 103,6$ | 114,8 | 115,9 | 117,0 |
| Миграция қолдиғи, киши | $x_6 = 4294,75 \cdot t - 50854,97$ | -7907 | -3613 | 682 |
| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши, % | $x_7 = 0,235 \cdot t + 75,792$ | 78,1 | 78,4 | 78,6 |

Омил кўрсаткичларининг банд аҳоли сонига таъсирини ўзида акс эттирувчи эконометрик моделни тузиш учун чизиқли боғланишдан фойдаланилди. Аҳоли бандлиги даражасига таъсир даражаси ва кучи юқори деб олинган экзоген омилларни вақтли катор кўринишидаги боғланиш шаклида регрессион таҳлил асосидаги алоҳида моделлар аниқланди (2-жадвал).

Аниқланган моделларнинг ишончлилиги кўриб чиқилганда, иқтисодиётда бандлар сонига таъсир этувчи омилларнинг кўпликдаги корреляция коэффиценти юқори боғланиш зичлигини кўрсатмоқда, яъни $r_{yx}=0,9998$. Кўпликдаги корреляция коэффицентига боғлиқ ҳолда қолдиқларнинг боғланиш даражаси ҳам юқори ($R^2=0,9997$). Фишер мезони бўйича аҳамиятлилик даражаси 0,03 га, Дарбин-Уотсон мезони (DW) 1.97 га, регрессия тенгламаси орқали 2020-2022 йиллар учун ҳисобланган прогноз кўрсаткичларининг аппроксимация хатолиги 0,43 %га тенг.



1-расм. Ўзбекистонда иқтисодиётда банд аҳоли сонининг ўзгариш кўрсаткичлари, минг киши

Мамлакатимизда пандемия оқибатида юзага келган инқироз оқибатларини иқтисодиётга кескин салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бизнес тузилмаларга кўплаб имтиёз ва преференциялар берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5969-сонли Фармон имзоланди [1]. Ушбу фармонга мувофиқ, туризм, транспорт, фарматцевтика, тўқимачилик саноати ва бошқа шу каби республика иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур эканлиги қайд этилди. Шунингдек фармонга биноан, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-

қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида бир қанча чоралар кўрилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, аҳолининг кам таъминланган қисми ва ёрдамга муҳтож бўлиб қолганларга ёрдам бериш мақсадида ҳомийлик фондлари ташкил этилиб, ёрдам сўраб мурожаат қилётган аҳолига керакли ва зарур маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Бунда, аҳолини зарур озиқ-овқат, дори ва гигиена маҳсулотлари ҳамда бошқа истеъмол товарлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимиздаги 358 та деҳқон бозорлари ва улардаги “Элга хизмат” корхоналари томонидан маҳаллалар ҳудудларида содалаштирилган кўчма савдони йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда. Маълумки шундай вазиятларда саховатли ва мурувватли инсонлар эҳтиёжманд оилаларга ёрдам қўлини чузиб келишаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Шунингдек карантин қоидаларига риоя қилиш кераклиги ҳақида ҳар дақиқа, ҳар лаҳзада огоҳлантириб борилмоқда. Зарур бўлмаган ҳолатларда уйда қолиш ва жамоат жойларида тўпланмаслик ҳақида огоҳлантириш ишлари олиб борилмоқда. Бу албатта, мамлакатимиз фуқароларининг саломатлиги учун жуда зарур ҳисобланади.

Пандемияни олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган карантин чоралари касаллик тарқалишини олдини олишнинг самарали воситаси ҳисобланади, бироқ пандемия оқибатида зарар кўрмаган соҳа деярли қолмади, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жуда оғир бўлди, чунки бундай шароитда унинг тезда тикланиб олиши осон кечмайди. Ушбуни олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли фармони қабул қилинди [2]. Ушбу фармонга мувофиқ коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек айрим хўжалик субъектларни қўллаб-қувватлаш чоралари

белгиланган. Белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш имкониятини беради.

Иқтисодиётга пандемия натижасида юзага келган инқироз оқибатларини янада юмшатиш мақсадида, биринчидан, пандемия инфекциясининг тарқалиш эҳтимоллиги кам бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолият кўрсатишларини рағбатлантириш, иккинчидан, карантин даврида ўйда утирган (шаҳар, туман, қишлоқ жойларидаги) аҳолига мавжуд томорқа ер (томорқа) участкаларидан (агар мавжуд бўлса) самарали фойдаланишлари учун рағбатлантириш чораларини кўриш (масалан, уй хўжаликлари кесимида кучат, уруғлик ва минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаган ҳолда етказиб бериш), учинчидан, уй шароитида ҳам ўзини фойдали меҳнат билан банд қилиш имконини берадиган (парандачилик, чорвачилик, қуёнчилик ва бошқа) тадбиркорлик фаолиятидаги йўналишларни рағбатлантириш (уй хўжаликларининг эҳтиёжларини аниқлаган ҳолда етказиб бериш) ҳамда улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўрта муддатли ва паст фоизли кредитларни тақдим этиш, туртинчидан, инфекциянинг тарқалиш эҳтимоллиги кам бўлган ва инфекция аниқланмаган худудларда махсус карантин зоналарини ташкил этган ҳолда зарурий саноат ишлаб чиқаришни йўлга қуйиш, бешинчидан, “рақамли иқтисодиётни халқ хўжалигининг барча тармоқ ва соҳаларига кенг жорий этиш чораларини рағбатлантирган ҳолда масофавий меҳнат фаолиятини олиб боришни ташкил этиш” [3], олтинчидан, карантин даврида аҳолига қулайлик яратадиган ва фаолият кўрсатиши натижасида қўшимча қийматни пайдо қиладиган масофавий инновацион тадбиркорлик фаолиятларини рағбатлантириш ҳамда бошқа чораларни кўриш лозим бўлади.

Хулоса урнида шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимиз томонидан коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш борасида курилаётган самарали чоралари ва келгусида курилиши лозим бўлган вазифаларни амалга

оширилиши натижасида инқироз ҳолатларининг салбий таъсирини бартараф этиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ–5969-сонли Фармони.
<https://lex.uz/ru/docs/4770761>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ–5978-сонли Фармони.
<https://lex.uz/ru/docs/4780475>

3. Тухтабаев Ж.Ш. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида саноат корхоналарда меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Монография. - Т., 2020. - 182 б.

ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация. Илмий мақолада агрологистика тизимини самарали жорий этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва ташиш жараёнини самарали ташкил этиш борасида муаллиф фикрлари баён этилган.

Калим сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, хом ашё базаси, мева-сабзавот маҳсулотлари, қайта ишлаш, агрологистика, савдо-логистика маркази.

Ҳар бир мамлакатларда миллий иқтисодиётининг ривожланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этилиши, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамланишига кўплаб омиллар қаторида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муҳим йўналишлар жумласига киради. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш эса кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланганлик даражасига, маҳсулотларни етиштириш миқдор кўрсаткичларига, қайта ишлаш шароитларига, тармоқ маҳсулотларининг сифатига, сақланиши, агротехнологик жараёнларни бориши, шунингдек, бозорларда маҳсулотларнинг доимийлигини таъминланганлик даражасига боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, мазкур соҳага инвестиция жалб этган ҳолда, замонавий технологияларни мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, ишлаб чиқариш технологик базасининг янгиланиши эвазига ички бозорни сифатли маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилиб, sanoatда мазкур тармоқ улушининг тобора ошишига замин яратди. Маълумки, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсиш суръати йилига ўртача 9-10 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, маҳсулотнинг

экспорт ҳажми ҳам йилдан-йилга ортмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан муҳим фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчил таъминланмоқда. Сўнги 5 йилда мамлакатда озиқ-овқат соҳасини жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш унинг хом ашё базасини кенгайтириш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берди. Жумладан, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,6 бараварга, гўшт маҳсулотлари – 1,4 бараварга, сут маҳсулотлари – 1,4 бараварга ошди. Бугунги кунда республикада 9760 дан ортиқ озиқ-овқат корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Йилга ўртача 1,74 млн.тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятига эга бўлган 270 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, шунингдек, 479 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қувватига эга совутиш камералари билан жиҳозланган 994 та замонавий сифимлар мавжуд [1].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3.3-банди, яъни “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш”га мувофиқ, Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, бунда: 2017 йилда пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш; қисқартирилган экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини, жумладан, 8,1 минг гектарга картошка, 27,2 минг гектарга сабзавот, 5,9 минг гектарга интенсив боғ, 2,9 минг гектарга тоқзор, 10,9 минг гектарга озуқа экинлари ва 4 минг гектарга мойли экинлар жойлаштириш белгиланганлиги ҳам мазкур соҳадаги амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин намунасидир [2].

Дастурларда озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашё базасини, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш, ички истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобига тўлдириш ва юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шулардан келиб чиқиб, бугунги кунда маҳсулотларни

тайёрлаш, сақлаш, бирламчи қайта ишлаш, ва экспорти билан шуғулланувчи замонавий ускуналар билан жиҳозланган жами 310 минг тонна хом ашёни қабул қилиш қувватига эга 11 та савдо-логистика марказларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. 2019 йилда республикада ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмига нисбатан қайта ишлашнинг улуши 24 фоизни ташкил этиб, 4,6 мингта янги иш ўрни яратилади. Натижада, 2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашёсини ишлаб чиқариш ўртача 1,4 бараварга, жумладан мева-сабзавот ва узум – 1,4 бараварга, гўшт – 1,3 бараварга, сут – 1,5 бараварга кўпаяди. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 2,3 бараварга, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми эса 2 бараварга ошиши таъминланади. Шу билан бирга, маркетинг бўйича изланишларни кенгайтириш, маҳсулотларни замонавий илғор технологиялар асосида қадоқлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ISO 9001, 22000 халқаро стандартларини жорий этиш эвазига маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш қатъий белгиланган чора-тадбирлар асосида амалга ошириб борилади. Соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун, қишлоқ-хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, логистика ва экспорт қилиш инфратузилмасини яратиш мақсадида тижорат банклари орқали Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро молия институтларининг 650 млн.доллар миқдоридаги имтиёзли кредитларини жалб этиш кўзда тутилган.

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ҳамда глобализация жараёнларини кучайиб бориши, мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари қишлоқ хўжалиги соҳага замонавий инновацион техника ва технологиялар жалб этилиши натижасида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар саноат корхоналари томонидан жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулот сифатида қайта ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса

қишлоқ хўжалиги соҳасини ЯИМ улушини камайтириб, ва аксинча, саноат соҳаси улушини оширишга олиб келиши қувонарли ҳол, албатта.

Шунга қарамай ҳозирда республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини талаб даражасида сақлаш, уларнинг етказиб бериш ва реализация қилиш, маҳсулотлар сифатини ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулотларни бозор сиғими мувозанатини доимийлигини таъминлаш ҳамда улар борасида ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжуд. Улар жумласига фермер хўжаликлари, қайта ишловчи корхоналар томонидан етиштирилаётган ва қайта ишланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида маҳсулот сифатини бошқариш тармоқ бўйича логистик тизимининг етарли даражада ривожланиши, маҳсулотларни сақлаш ва ташиш талаблари тўғрисида маълумотлар оммага тўлиқ етказилиши даражаси ҳамда сақлаш ва ташиш талаблари белгиланган миллий стандартларнинг халқаро меъёрлар билан мувофиқлаштирилмаганлиги, жумладан, сифатини яхшилаш ва уларнинг жаҳон талаблари даражасига етказишни таъминлаш имкониятини берувчи механизм ва тузилмаларнинг талаб даражасида эмаслиги ёки мавжуд бўлганлари тўғрисидаги ахборотларнинг етишмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ инфратузилманинг талаб даражасида эмаслиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2016 — 2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида:

- келажакда янги ва қайта ишланган маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларига бўладиган талабларни аниқлаш бўйича тизимли асосда


маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, шунингдек янги сотиш бозорларини ўзлаштиришда маҳаллий экспортёрларга кўмаклашиш;

- жойларда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, бирламчи қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича ихтисослашган комплекс савдо-логистика марказлари, шунингдек музлатиш қувватларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

- мева, сабзавот, полиз ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини транспортда ташиш, божхона расмийлаштируви ва уларни юклаб жўнатиш бўйича ҳисобот тақдим қилишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни тезкор кўриб чиқиш;

- экспорт қилинадиган янги ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича кўзда тутилган прогноз параметрларининг бажарилиши устидан мониторинг олиб боришни ташкил этиш;

- зарур ҳолларда, мазкур қарор билан тасдиқланган инвестиция лойиҳалари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш вазифалари белгиланди [3].



1-расм. Транспорт воситаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари [4].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш жараёни логистикасини ички ва ташқи бозорлар кесимида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ички бозорда

логистика тизими асосан автомобиль ҳамда темир йўл транспортдан ташкил топади.

Логистика, АСМ тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва уларни сотиш жарёнларида талаб қилинадиган моддий, молиявий, техник ва ахборот ресурслари оқимини тизимли равишда бошқариш имконини кенгайтиради. Шу сабабдан ҳам АСМ тармоқлари хусусан, корхоналарда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш жараёнларида логистика инфратузилмасини ривожлантириш зарурати ҳозирги кунда долзарб масалалар сифатида эътирофга лойиқдир.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ошириш, агрологистикани ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ, қишлоқ хўжалиги корхоналари (ҚХК) фаолияти билан боғлиқ муаммолар:

– маҳсулотларни сақлаш ва уларни ташиш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналарида маълумотларнинг етарли эмаслиги, бунинг натижасида йўл қўйилган йўқотишлар;

– ички бозорни янги, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича корхоналар раҳбарларининг етарли даражада маълумотга эга эмаслиги, зарур ахборотлар билан таъминловчи тузилмалар билан изчил алоқаларнинг йўқлиги;

– хорижий мамлакатлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сақлаш ва ташиш, логистик тузилма фаолиятлари бўйича тажрибалардан тадбиркорларнинг етарли даражада ахборотларга эга эмаслиги;

– етиштирилаётган маҳсулотларни реклама қилиш даражасининг юқори эмаслиги, реклама воситаларидан фойдаланиш йўллари ҳақида маълумотлар йўқлиги;

– маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш сифатининг талаб даражасида эмаслиги, баъзи ҳолларда “ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчига етгунча” қабилида иш кўрилиши.

Иккинчи гуруҳ, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ инфратузилмани ривожлантириш муаммолари:

– маҳсулотларни сақлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш шароитларининг талаб даражасида эмаслиги, инвесторларнинг талабларига етарли даражада жавоб бера олмаслиги;

– маҳсулотларни сақлаш учун керакли музлатгич ва омборларга кетадиган сарф-харажатларни юқорилиги сабабли улар сонининг камлиги;

– маҳсулотларни сақлаш ва уларни ташиш учун техника ва технологияларнинг етарли эмаслиги;

– мамлакатда агрологистик инфратузилмани етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилганидек, агрологистика ўта мураккаб тизим бўлиб, қишлоқ хўжалигидаги барча ҳаракат жараёнларини ўз ичига олади. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, ҳар бир логистика йўналиши ўзининг хусусиятига эга эканлигини, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ҳар бир логистик тизимни фаолияти тармоқ маҳсулотлари хусусиятларидан келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳар бир логистик самарадорлигининг йиғиндисидан эмас, балки уларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари: www.stat.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 8 февраль 2017 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2016 — 2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. www.lex.uz

4. С.А.Салихов, З.С.Искандаров, И.С.Хотамов, С.Я.Шарипов, Ф.Хўжаев, М.К.Олимов. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва ташишнинг хусусиятлари.- Т.: «Fan va texnologiya», 2018, 224 б.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Банк иши ” кафедраси ассистенти,
Норов Акмал Рўзиматович

ҲОЗИРГИ ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Коронавирус пандемияси натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсири таҳлил этилиб, уни тадбиркорлик субъектларини ривожлантириши орқали камайтириши йўллари ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: глобал инқироз, жаҳон иқтисодиёти, иқтисодиёт тармоқлари, реал сектор, ялпи ички маҳсулот, тадбиркорлик субъекти, банк кредити.

Коронавирус инфекцияси минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлмоқда, албатта ҳар бир инсоннинг умри жуда азиздир. Айни пайтда бу «Балои азим» ҳаётнинг барча соҳаларини издан чиқаришга улгуриб бўлди. Дунёдаги глобал ҳаёт, барча давлатлар иқтисодий ҳаёти нақадар бир-бирига боғлиқ, иқтисодий бухронлар чегара билмаслигини яна бир карра тасдиқланди. Иқтисодий таҳлилчиларга кўра, коронавирус инфекцияси туфайли бошланган иқтисодий танглик 2008-2009 йилларда рўй берган кризисдан ҳам оғир бўлиши мумкин.

Зеро, тасаввур қилинг, коронавирус инфекцияси ягона иқтисодий тизимга эга бўлган Европани кўп нарсадан маҳрум этмоқда. Биринчи навбатда бу бухрон сайёҳлик, авиакомпаниялар катта зиён кўрмоқдалар. Биргина Хитой бу инфекция туфайли авиақатновни қисқартириб, ёнилғи импортини чеклангани туфайли Россия миллиардлаб АҚШ. доллар зарар кўрди. Агар дунёда вазият барқарор бўлолмаса, йилнинг охирида жаҳон иқтисодиёти 4 триллион доллардан маҳрум бўлиб қолиши ҳеч гап эмас, бу Европанинг энг йирик иқтисодиёти ҳисобланмиш Германиянинг ЯИМдан ҳам кўп дегани. Хитой, Европа ва Россияда корхоналар ишини тўхтатгани туфайли нефт ва нефт маҳсулотларига талаб пасайиб кетди. Бу ҳам асосан энергия захиралари, табиий бойлиги туфайли бюджетини шакллантириётган Россия учун катта зарба ҳисобланади [1].

Европарламент эпидемиянинг оқибатларини юмшатиш мақсадида 37 миллиард долларлик инвестиция жамғармаси ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди. АҚШ Президенти, АҚШ тарихида ҳали бўлмаган қадамни кўйди, мамлакат иқтисодиётини эпидемиядан қутқариш учун 2,2 трлн доллар ажратиш бўйича ҳужжатни имзолади. Коронавирус пандемияси натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш юзасидан, ривожланган мамлакатлар ўз режаларини тузишмоқда. Хусусан АҚШнинг иқтисодий инқирозга қарши режаси, мутахассисларнинг фикрига кўра, Америка ҳукумати томонидан тайёрланган мисли кўрилмаган ёрдам чоралари, биринчи навбатда, аҳолига, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларига қаратилган [2].

Фикримизча, бу вариант энг самарали чорадир, чунки пуллар тезда реал секторга кириб боради ҳамда ушбу иқтисодий чора-тадбирлар қисқа муддатда, албатта, фойдали эканлигини исботлайди.

Бундай шароитда Ўзбекистон раҳбарияти қандай чоралар кўриляётгани ҳақида хабарингиз бор. Жумладан, Президентимиз «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги

Фармонни имзолади, ушбу фармонга биноан 10 трлн. сўм миқдордаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Бундан ташқари жаҳон банки Ўзбекистоннинг кризисга қарши дастурини қўллаб-қувватлаш учун олдинги ажратилган 700 млн. АҚШ доллар кредит линиясига қўшимча равишда 14 млрд. АҚШ доллар ажратишга қарор қилди [3].

Бугунги кунда мамлакатни глобал иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқишининг ҳамда аҳолининг бандлигини таъминловчи асосий йўналишларидан бири бу тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш деб ҳисоблаймиз. Сабаби, жаҳондаги тараққий этган мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар, мамлакат ялпи ички маҳсулотларидаги улуши 70-75 % ни ташкил этади. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг асосий қисми ҳам шу соҳада банд бўлиб, улар Японияда 70 % ни, АҚШда 80 % дан кўпроқни ташкил қилади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг 90 % гача бўлган қисми тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ривожланган иқтисодиётга эга мамлакатлар тажрибасига кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий йўналиши бу тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳисобланади [4].

Бутун дунё бўйлаб тадбиркорликни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг январь ойида «Жаҳон банки тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қарийб 4,8 млн. АҚШ долларига тенг кредитларни дунёнинг 47 давлатига 61 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратди» тадбиркорлик субъектлари халқаро молия ташкилотлари ва тижорат банклари томонидан қўллаб – қувватлаб келинишига қарамай, тадбиркорлик субъектлари йирик компанияларга қараганда, кўпроқ молиявий тўсиқларга дуч келмоқдалар. Халқаро тажрибалар кўрсатишича, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда тижорат банклари ва кредит уюшмалари анъанавий тарзда кредитлаш усулларидан фойдаланиб келмоқда. Жаҳон банки томонидан «45 та давлатнинг 91 та тижорат банкларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, тадбиркорлик

субъекти – банк учун фойдали мижоз эканлиги маълум бўлди, лекин ривожланаётган мамлакатларда макроиқтисодий беқарорлик ва тадбиркорлик субъектларини ривожланган мамлакатларнинг тадбиркорлик субъектлари билан таққослаганда асосий муаммолардан бири бўлиб, уларни молиялаштириш кўзга ташланмоқда».

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг фаол таркибий субъекти ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барқарор ривожланиши банк тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, унда тижорат банклари томонидан уларга кўрсатилаётган инновацион комплекс банк хизматлари, шу жумладан, инновацион кредитлаш хизматларини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқишни тақозо этади. Хусусан, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 55-60 %и давлат дастурлари асосида берилаётганлиги, имтиёзли кредитлар улушининг кўплиги, банклар депозит базасининг барқарор эмаслиги, инфляция рискининг юқори эканлиги бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш зарурати ва аҳамиятини оширади ҳамда ушбу йўналишда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этади.

Тадқиқот жараёнида мамлакат иқтисодиёти учун ижобий таъсир этувчи кредит ҳажмини аниқлаш ва шу билан биргаликда реал сектор, хусусан кичик бизнесга ҳамда тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг ЯИМга таъсири қай даражада эканлигини эконометрик таҳлиллар орқали аниқладик.

Мазкур ишнинг амалий аҳамияти шундаки, мамлакатда миллий ўсишнинг таъминлашда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг миқдорий ўсиши 2025 йил учун 350 трлн. сўм деб фараз қиладиган бўлсак, ушбу натижага эришиш учун банклардан талаб этиладиган кредитлар миқдори 25,543 трлн. сўмни ташкил этиши аниқланди.

1-жадвал

Мамлакатда ялпи ички маҳсулот ва тижорат банклари кредит қўйилмаларининг миқдори ва улуши

| Кўрсаткичлар | 2014 й | 2015 й | 2016 й | 2017 й | 2018 й | 2019 й |
|--------------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
|--------------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|

| | | | | | | |
|--|--------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Ялпи ички маҳсулот (трлн.сўм) | 177,1, | 210,1 | 242,4 | 302,5 | 406,6 | 511,8 |
| Кредит қўйилмалари (трлн.сўм) | 34,5 | 42,7 | 53,4 | 110,6 | 167,4 | 211,5 |
| Ўзгариши (фоизда) | 19,5 | 20,3 | 22,0 | 36,6 | 41,2 | 41,3 |

Манба: <https://stat.uz/uz/> ва <http://cbu.uz/oz/> сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Шу ўринда, Ўзбекистонда, иқтисодиётнинг ривожланиши юзасидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни таҳлил қиладиган бўлсак. 2019 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 511,8 трлн. сўмни ташкил қилди [5] ва 2018 йил билан қиёслаганда 25,8 фоиз ўсишга эришган. 2014-2019 йилларда, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 2019 йилда 26,3 фоизга ошиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига 211,5 трлн. сўмга етди [6], кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси 41,3 фоизни ташкил этди. Бундан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин, мамлакатимизда ҳақиқатан бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёйиб, пулга талаб ошмоқда ва бу кредит билан таъминланиш даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Аммо кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси олдинги йилга нисбатан бор йўғи 0,1 фоизга деярли ошмаганлиги бу мамлакатда реал секторга ажратилаётган кредитлар етарли даражада эмаслигини кўрсатиб турибди (1-жадвал).

Ўзбекистонда охириги 10 йилликда кредитлар салмоғи 35 маротаба, банк активлари эса 23 маротабадан кўпроққа ошганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, 2017-2019 йиллар мобайнида тижорат банклари активлари ва кредитларнинг ўсиш суръатлари юқори бўлган, айниқса 2017 йил октябрь ойида сезиларли даражада ошган. Бунинг асосий сабаби охириги йилларда банк тизимига алоқадор бўлган қатор меъёрий ҳужжатларни қабул қилинишидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-3272-сонли қарори, 2017 йил 12 сентябрдаги

«Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли қарорлари банкларнинг молиявий кўрсаткичларини ошириш имконини берди.

Ўзбекистонда пандемия натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг олдини олишда ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида асосий пойдевор бўлиб тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши ҳисобланади. Шу ўринда тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатлари сиёсий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишсизлик даражасини пасайтиришга хизмат қилиши, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг иш билан банд бўлишларидаги қулайлиги нуқтаи назаридан ўзига хос ўрин эгаллайди.

Бу борада бугунги кунда ютуқлар билан биргалликда бир қатор муаммолар ҳам мавжуд: жумладан, тадбиркорлик субъектлари учун амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда банк кредитларининг ажратилишидаги бюрократик тўсиқлар ҳамда маҳаллий ҳомият органларининг тадбиркорлик субъектлари билан етарли алоқа ўрнатмаганлиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча ҳозирги глобал инқироз ҳолатларининг Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини камайтириш учун кўйидаги чора-тадбирларнинг бажалишига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

9. Ўзбекистон банк амалиётида инновацион онлайн кредитлаш хизматларини йўлга қўйиш зарур.

Ривожланган давлатлар банк амалиётида кредитлаш амалиёти онлайн тарзда кенг қўлланилмоқда. Бу хизмат турини такомиллаштиришда интернет тезлиги ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг компьютер саводхонлигини ошириш лозим. Чунки, инновацион онлайн кредитлаш тадбиркорлик субъектларини кўп куч ва вақт сарфламасдан кредитлаш амалиётига бўлган талабини қондириш билан ифодалаш мумкин.

10. Тижорат банклари кредит амалиётида хўжалик субъектлари фаолиятидаги сунъий кредит боқимандаликни юзага келтириш ҳолатларини

бартараф этиш мақсадида уларга «кредит таътили» беришни йўлга қўйиш зарур.

Фикримизча, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларни асосий қарз ва фоизларини қайтариш муддатларини, коронавирус пандемияси натижасида вужудга келган инқироз ҳолатидан чиқишлари учун, кредитларни қайтариш графигини ишлаб чиқариш давридан келиб чиққан ҳолда белгиланиши, унинг келгусидага фаолиятининг ривожланишига далда бўлган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Манба: <https://unews.uz/uz/news/>;
2. Манба: <https://www.bloomberg.com/europe/>;
3. Манба: <http://www.worldbank.org/>;
4. Politeconomica. ru/feb 2013/malyj – biznes.: <http://aftershock.news>, www.export.by/act./doc@mode, <http://aftershock.news>;
5. Манба: <https://stat.uz/uz/>;
6. Манба: <http://cbu.uz/oz/>.

“Ипак йўли” туризм халқаро университети
“Маркетинг” бўлими ходими
Холиков Н.А.

ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗНИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада ҳозирги иқтисодий қийин шароитда туризм соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорларга давлат томонидан берилаётган имтиёзлар ҳамда соҳани ривожлантириши истиқболлари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: туризм, пандемия, онлайн туризм, инқироз

Мамлакатимизда глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадларини кескин

пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Дунё миқёсида ҳам коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилмоқда. Бунинг таъсирида эса энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хомашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашуви юз бермоқда.

Глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қилади.

Бунда туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноати каби республика иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам глобал инқирознинг республикамиз иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш мақсадида анча салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармони, 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5975-сон Фармони ҳамда 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармонларини келтиришимиз мумкин.

Юқоридаги Фармонларда пандемия вақтида ҳамда ундан кейинги даврларда инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, туризм фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларга қуйидаги қатор имтиёзлар берилди:

2020 йил 1 апрелдан эътиборан юридик шахслар томонидан газ ва электр энергияси бўйича олдиндан ҳақ тўлаш тўғрисидаги мажбурий талаб 30 фоизгача пасайтирилди. Туроператорлар, турагентлар, жойлаштириш воситалари 31 декабрга қадар ер солиғи ва мол-мулк солиғи тўловидан озод этилди, ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада (1%) тўлайди; жойлаштириш воситалари, ресторанлар ва бошқа мол-мулки мавжуд субъектлар учун мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб турилди, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилмайди; туризм соҳасига боғлиқ яқка тартибдаги тадбиркорлар (оилавий меҳмон уйлари, гид-экскурсаводлар, хунармандлар) учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 30 фоизга камайтирилди, шунингдек, карантин даврида фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлганлар учун даромад солиғи қатъий белгиланган суммаси ва ижтимоий солиқ учун тўловлар ҳисобланиши тўхтатилди. Бунда тадбиркорлар фаолиятини тўхтатганлиги ҳақида солиқ органларини уйдан туриб онлайн тарзда хабардор қилишлари мумкин; кредит тўловлари (меҳмонхона, туроператор транспорт-логистика корхоналари) бўйича қарздорлик кечиктирилди. Бундан ташқари, экспорт-импорт операциялари бўйича енгилликлар (умумий экспортнинг 10% дан ошмаган дебитор қарздорлиги бўлган тақдирда, кафолатланган тўловсиз экспортни амалга ошириш, ташқи савдо операциялари дебитор қарздорлигини сўндириш эвазига технологик асбоб-ускуналар ва хом ашё товарларини бир марталик импортни амалга ошириш) тақдим этилди; ташқи савдо операциялари (хорижий ҳамкорларга сотилган туристик хизматлар бўйича) бўйича муддати

ўтган дебитор қарздорлик учун жарималар қўллаш тўхтатилади; солиқ аудитлари бекор қилинди.

Давлат раҳбари иродаси билан, ҳукумат қўллаб қувватлаши остида амалга оширилаётган мазкур чора-тадбирлар тадбиркорлик субъектларини бугунги мураккаб иқтисодий шароитда солиқ ва кредит тўловларидан озод этиш орқали молиявий ҳолатини янада оғирлашиб кетиши олдини олади. Шу билан бирга, ўз фаолиятини ва амалдаги ўринлари ҳамда бандликни сақлаб қолишга қўмак беради.

Юқоридагилардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташаббуси билан ҳам мамлакатимизда соҳани ривожлантириш, ҳамда ушбу секторни иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун локоматив соҳага айлантириш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Қўмита раиси А.Абдуҳақимов таъкидлаганидек, республикаимизда туризм бўйича виртуал саёҳатларни амалга ошириш имконини берувчи online-tourism.uz сайтини йўлга қўйиш ҳамда карантин даври тугаганидан кейин туризм соҳасидаги стартап лойиҳалар, жумладан инновацион бизнес ғоялар, айниқса ёшлар ва уларнинг сайёҳларга қулайлик яратишга йўналтирилган дастурларини субсидиялаштириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, “Ўз диёрингни ўзинг кашф эт” лойиҳаси доирасида маҳаллий аҳолини аудио, фото ва видео материал тўплаш жараёнига жалб этиб, шу асосда “Туризм қишлоғи”, “Туризм маҳалласи”, “Туризм овули” мақомига эга аҳоли пунктлари реестрини кенгайтириш кўзланяпти.

Ҳозирги иқтисодий қийин даврда инсонларнинг ўз яшаб турган жойидан туризм мақсадида бошқа жойга бориши қийин масала ҳисобланади. Ҳар бир инсон аваламбор ўзининг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, саёҳатларини режалаштиради. Глобал пандемия даврида эса деярли ҳеч ким ўз соғлигини хавф остига қўйиб бошқа давлатга боришни хоҳламайди. Бундай вазиятда ҳар бир инсон амалга оширадиган вазифалар бу, етарлича озиқ-овқат захирасига эга бўлиш ҳамда уйда, оила даврасида соғ-саломат, керакли ишлар билан

шуғулланишдир. Лекин, инсон психологиясида шу нарса борки, такрорланадиган ҳар қандай нарса уни зериктиради. Шунда ҳар қандай одам ўзига ҳордиқ бериш мақсадида бирор-бир нарсага чалғишга ҳаракат қилади: кимдир филм томоша қилади, кимдир телефон ёки ижтимоий тармоқлар орқали дўстлари билан мулоқот қилади, яна кимдир эса телевизор орқали сеvimли кўрсатувини томоша қилади. Айрим тоифадаги инсонлар борки, улар уйда ўтирса ҳам бошқа давлатларнинг маданияти, урф-одати, тарихи билан кизиқишади. Онлайн туризм айнан шундай талаблардан келиб чиқиб ташкил этилади.

Дунё аҳли соғлиқни сақлаш соҳасидаги глобал фавқулодда вазиятни бошдан кечираётган бир вақтда, мамлакатимизда амалга оширилаётган юқоридаги ишлар, иқтисодийтимиз, хусусан туризм секторига анча кўмак беради.

Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги вақтда инқироз таъсири натижасида жамиятдаги айрим соҳалар, хусусан, туризм соҳасида фаолият юритаётган кадрларни иш билан таъминлаш муаммоси юзага келди. Биз ҳам ҳозирги вазиятга реал қараб, ушбу ҳолатдан энг паст иқтисодий талофотлар билан чиқиш йўлларини қидиришимиз керак. Хавф остидаги миллионлаб иш ўинларини сақлаб қолиш учун шошилиш ёрдам кўрсатиш талаб этилади. Иш ўринларини сақлаб қолиш учун эса иш берувчиларни мавжуд ҳолатга деформация қилиш ва инновацион гоёлар асосида янги бизнес фаолиятларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Экспертларнинг айтишича коронавирус сабабли жаҳон туризм соҳасида 75 млн иш ўрни йўқолиши мумкин. Шу билан бирга, Жаҳон иқтисодий форуми президенти Булут Бағчи Анадолу агентлигига берган интервьюсида дунё туризм саноатининг 2020 йилдаги зарари 1 трлн доллар миқдорида бўлишини ҳамда туризм бизнеси жорий йилнинг охириги кварталда вазият яхшиланишига умид қилиш мумкинлигини таъкидлаб ўтди. "Иқтисодийнинг олтмишта соҳаси туризм билан бевосита ёки билвосита боғлиқ. Агарда бу соҳалардаги йўқотишларни ҳам ҳисобласак, зарар беш триллион долларга

етиши мумкин. Бундан ташқари, ҳаттоки пандемия тугаса ҳам тикланиш тез ва осон бўлмайди", - деди эксперт.

Мамлакатимизда инқирознинг туризм соҳасига салбий тасирини юмшатиш борасида қуйидаги таклифларни бермоқчиман:

11. Юртимизда инқироз туфайли зарар кўрган соҳаларга, хусусан, туризм соҳасида фаолият олиб бораётган кадрларни бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий туризмни ривожлантиришимиз керак. Тўғри, ҳозирги шароитда ҳеч ким бирламчи эҳтиёжларини четга суриб саёҳат қилишни режалаштирмайди лекин саёҳатлар корхонлар томонидан уюштирилса ёки касаба уюшмалари томонида харажатларнинг маълум бир қисми қоплаб берилса, кишилар саёҳатга чиқишлари мумкин;

12. Туризм секторини рақобатбардошлигини ошириш ва диверсификация қилиш шунингдек, қишлоқ туризми ҳамда агротуризм соҳалари ўсиши учун зарур бўлган инфратузилмани яратишга қаратилган инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

13. Мамлакатимизда “Ҳалол туризм” ни янада ривожлантириш;

14. Туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари доирасидаги лойиҳаларни сифатли бажаришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш;

15. Туризм соҳасида “**#onlinesouviner**” лойиҳаси остида сувинерларни масофадан сотиш ҳамда почта орқали етказиб бериш хизматини йўлга қўйиш;

16. Тез тайёрланадиган таомлар (хотдог, гамбургер ва бошқ.) ҳамда ичимликларни фақат стационар кафе, ошхоналарда эмас балки, мобил кафелар (ҳаракатланувчи, ғилдиракли ва бошқ.) да ҳам сотиш механизмини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5975-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармони

Интернет сайтлари:

4. <https://www.interfaks.ru/world/704410>
5. <https://kun.uz/news/2020/04/10/aziz-abduhakimov-ozbekistonda-onlayn-turizm-va-masofaviy-sport-rivojlantiriladi>
6. <https://kun.uz/news/2020/03/23/jahon-turizm-sanoati-koronavirus-sababli-1-trln-dollar-zarar-korishi-mumkin>

Тошкент давлат иқтисодий университети
таянч докторанти
Олимов Мақсуджон Комилжон ўғли

ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНING АҲАМИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат ҳудудлари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий аҳамияти ҳақида фикрлар баён этилган ҳамда унинг асосий омилларидан бири сифатида саноат ишлаб чиқаришига эътибор қаратилган. Шунингдек, саноат ишлаб чиқариши бўйича республика ва Наманган вилояти кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: иқтисодий барқарорлик, иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий салоҳият, саноат ишлаб чиқариши, ривожлантириш дастурлари.

Бугунги кун иқтисодий майдонида рақобат муҳити кучли шаклланган бўлиб, бундай шароитда ҳар бир мамлакат иқтисодийнинг барқарорлиги устувор омил сифатида қаралади. Иқтисодийнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлик тизими ҳолатига боғлиқ ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги бу – мамлакат иқтисодиётини доимий барқарор ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг умуммиллий мажмуаси бўлиб, у албатта давлатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва мустақиллигини ҳамда ташқи ва ички таҳдидларга қарши туриш механизмини кўзда тутди.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг энг муҳим бўғинларидан бири – бу ҳудудларнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳисобланади. Чунки, ҳудудларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминланиши мамлакат даражасидаги иқтисодий хавфсизликни таъминлашга ва барқарор иқтисодий ўсишга замин яратади [3].

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, фармоннинг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши” деб номланган учинчи қисми 3.4-бандида Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш бўйича қатор устувор вазифалар белгиланган [1].

Ўз навбатида мамлакат ҳудудларида иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш ва ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бир қатор омилларга боғлиқдир (1-расм).



Манба: Ўрганилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган

1-расм. Худудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи омиллари

Юқоридаги расмдан кўришиб турибдики, худудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш омиллари қаторида саноат ишлаб чиқариши ва унинг таркиби ҳам алоҳида ўринга эга. Демак, биз худудий саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва унинг таркиби бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилиб, ўша худуднинг иқтисодий хавфсизлик ҳолатига маълум бир маънода баҳо беришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу масала бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бир эканлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳам алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтганлар: “Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди” [2].

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб
чиқаришнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)**

| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|------------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Ўзбекистон Республикаси | 108,5 | 106,5 | 107,8 | 109,5 | 108,3 | 107,9 | 106,2 | 108 | 116,6 | 106,6 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 108 | 110,4 | 104,8 | 109 | 110 | 124 | 166,3 | 111,1 | 106,2 | 105,0 |
| <i>вилоятлар:</i> | | | | | | | | | | |
| Андижон | 110 | 108,6 | 109,1 | 115,4 | 106,3 | 89,5 | 74,8 | 126,8 | 155,7 | 114,7 |
| Бухоро | 110,2 | 108,6 | 104,9 | 110,3 | 109,6 | 111,3 | 106,5 | 99,6 | 104,1 | 108,9 |
| Жиззах | 115,6 | 114 | 110 | 111,7 | 112,8 | 119,6 | 122,8 | 114,2 | 111,6 | 105,8 |
| Қашқадарё | 97,5 | 104,4 | 98,8 | 103,5 | 106,5 | 105,1 | 103,8 | 107,9 | 108,3 | 94,4 |
| Навоий | 99,6 | 99,2 | 103,8 | 101,4 | 103,4 | 103,4 | 102,5 | 100,1 | 104,3 | 104,5 |
| Наманган | 121,2 | 114,8 | 110,9 | 111,1 | 113,1 | 114,4 | 113 | 114,7 | 113,8 | 114 |
| Самарқанд | 117,2 | 107,4 | 118,7 | 112,2 | 114 | 113,1 | 109,9 | 104,7 | 116,7 | 106,1 |
| Сурхондарё | 112,8 | 107,9 | 108,6 | 107,3 | 111,2 | 110 | 107,9 | 100,5 | 109,9 | 109,3 |
| Сирдарё | 108,2 | 111,7 | 109,7 | 102,9 | 106,4 | 108 | 113,3 | 94,2 | 104,2 | 102,4 |
| Тошкент | 108 | 103,9 | 105,2 | 112,1 | 106,4 | 108,1 | 106,9 | 105,4 | 120,3 | 108,2 |
| Фарғона | 97 | 103,8 | 103,2 | 108,3 | 110,3 | 106,5 | 102,8 | 97,4 | 109,2 | 105,9 |
| Хоразм | 109 | 112,1 | 108,9 | 114 | 144,3 | 128,7 | 93,1 | 121,4 | 121,5 | 111,7 |
| Тошкент ш. | 117,3 | 110,8 | 115,8 | 114,5 | 115,9 | 114,5 | 113,2 | 114,8 | 111,7 | 111,1 |

Манба: www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари

Ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳудудий саноат ишлаб чиқариш ҳажми ҳисобланар экан, бу омил бўйича жорий ҳолатни тасаввур қилиш учун сўнгги йилларда ҳудудларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиш суръати бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридаги жадвал маълумотлардан кўришиб турибдики, мамлакат миқёсида ва унинг ҳудудларида саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиш суръатларида ижобий ҳолат кузатилган. Умумий қилиб айтганда, кўрсаткичлар барқарор ўсишни кўрсатмаяпган ва ҳудудлар бўйича ўсиш динамикаси турли йилларда турлича салбий ҳолатлар ҳам кузатилган бўлсада, Республика бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг сўнгги ўн йилликдаги ўртача ўсиш кўрсаткичи 108,6 % ни ташкил қилган.

2-жадвал

Наманган вилояти ва унинг ҳудудларида бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)

| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|-------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
| Наманган вилояти | 113,7 | 114,8 | 110,9 | 111,1 | 113,7 | 114,4 | 113,0 | 114,7 | 113,8 | 114,0 |
| Наманган ш. | 103,4 | 140,9 | 107,4 | 115,8 | 108,5 | 114,7 | 116,8 | 113,3 | 115,7 | 109,7 |
| <i>туманлар:</i> | | | | | | | | | | |
| Мингбулоқ | 180,0 | 66,6 | 119,6 | 111,7 | 112,9 | 110,2 | 104,5 | 86,8 | 128,0 | 80,9 |
| Косонсой | 176,9 | 79,7 | 91,5 | 111,9 | 186,5 | 125,1 | 126,0 | 105,4 | 117,2 | 112,6 |
| Наманган | 137,7 | 123,6 | 128,5 | 115,7 | 108,0 | 115,2 | 124,9 | 126,8 | 135,4 | 111,8 |
| Норин | 191,5 | 74,7 | 147,1 | 134,4 | 100,3 | 113,4 | 107,8 | 91,8 | 93,3 | 107,2 |
| Поп | 51,4 | 109,7 | 114,7 | 94,3 | 113,6 | 104,8 | 100,9 | 108,9 | 121,8 | 106,8 |
| Тўрақўрғон | 95,1 | 77,8 | 125,8 | 109,3 | 149,2 | 108,8 | 110,7 | 145,2 | 97,3 | 134,1 |
| Уйчи | 250,6 | 123,5 | 105,7 | 125,0 | 157,1 | 118,9 | 121,3 | 116,9 | 97,0 | 108,5 |
| Учқўрғон | 134,1 | 109,1 | 103,8 | 90,6 | 107,3 | 113,7 | 100,8 | 126,8 | 114,5 | 165,6 |
| Чортоқ | 104,6 | 58,7 | 134,7 | 90,5 | 140,8 | 116,3 | 108,4 | 94,2 | 104,0 | 111,3 |
| Чуст | 144,7 | 102,5 | 106,1 | 113,1 | 100,5 | 104,1 | 124,9 | 98,8 | 108,4 | 114,8 |
| Янгиқўрғон | 89,8 | 114,3 | 105,4 | 102,2 | 112,7 | 133,1 | 62,9 | 92,9 | 114,4 | 123,5 |

Манба: www.namstat.uz – Наманган вилояти статистика бошқармаси расмий веб-сайти маълумотлари

Юқоридаги жадвал маълумотлардан кўришиб турибдики, Наманган вилояти ва унинг ҳудудларида саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиш

суръатларида ижобий ҳолат кузатилган. Сўнгги ўн йилликдаги кўрсаткичлар барқарор ўсишни кўрсатмаяпган ва ҳудудлар бўйича ўсиш динамикаси турли йилларда турлича салбий ҳолатлар ҳам кузатилган бўлсада, вилоят бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўртача ўсиш кўрсаткичи 113,4 % ни ташкил қилган.

Таҳлилларда айрим даврлардаги ҳудудларда пасайиш кузатилганлиги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор ўсишини таъминлашда айрим муаммолар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишига алоҳида эътибор берилишини талаб этади. Шунингдек, бу чора-тадбирлар ўз навбатида ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий даражалари ва иқтисодий-табiiй салоҳиятидаги фарқлар уларни истиқболда ҳудудий ҳамда тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш орқали саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор ўсишини таъминлаш ва бу орқали ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш жараёнларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларни самарали амалга ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- ҳудудларни ривожлантириш бўйича республика ҳамда ҳудудий дастурларни танлаш ва уларни амалга оширишда ҳудудларнинг ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор бериш;
- республика ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли ташкилотларнинг масъулиятларини ошириш;

- иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг ҳудудий жиҳатларини кучайтириш;
- тармоқ дастурларининг ҳудудий жиҳатлари мониторингини ташкил этиш;
- ҳудудлар ва тармоқ имкониятлари, захираларини чуқур ўрганиш ва ҳисобга олиш асосида прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- дастурларни амалга ошириш устидан қатъий назоратни кучайтириш, назорат тизимини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. 7 феврал 2017 йил. <http://press-service.uz/document/5482/>.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.// Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
3. “Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги”. Ҳ.П.Абулқосимов. Тошкент - 2019 й.
4. Вечканов Г.С. Экономическая безопасность. – СПб.: Питер, 2015.
5. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари.
6. www.namstat.uz – Наманган вилоят статистика бошқармаси расмий веб-сайти маълумотлари.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти катта ўқитувчиси
Рўзибаева Наргиза Хакимовна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси
Абдурасулов Жамшидбек Акмал ўғли

ТУРИСТИК КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ХАҚИДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Аннотация. Мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлиги, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилаётган чора-тадбирлар ҳамда туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлигининг асосий тамойиллари тўғрисида сўз юритилган.

Калит сўзлар: модернизациялаш, молиявий барқарорлик, туристик корхоналар, молиявий ресурслар, элемент.

Сўнгги йилларда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида туристик корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётни аралашуви бир қанча давлатлар иқтисодий барқарорлигига, айниқса туристик корхоналар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Туристик корхоналарни норақобатбардош бўлиши ёки банкротликка юз тутиши бир қанча давлатларда тез-тез учрамоқда.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида туристик корхоналарнинг nobарқарорлик ҳолати айниқса кўп учрамоқда. Халқаро туризмни интеграллашиб бориши ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар хорижий инвестицияларни жалб қилиб, иқтисодий nobарқарорлик туфайли жиддий қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Глобаллашув жараёни юз бераётган шароитда ушбу мамлакатларнинг тажрибалари етишмаслиги, номутаносиб интеграция ўзи билан бирга молиявий-иқтисодий инқироз хавфини ҳам солмоқда.

Туристик соҳа корхоналарининг молиявий барқарорлиги – бу туристик хизматлар бозорида, рақобат шароитида уларни яшовчанлиги ўзига хос белги бўлиб қолмай уларнинг ривожланиш стратегияси ҳам бўлиб ҳисобланади.

Албатта ҳозирги шароитда туристик корхоналарга узоқни кўра билган ҳолда ўз фаолиятининг ўрта муддатларга мўлжалланган стратегияларини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқдир.

Туристтик корхоналар хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий иқтисодий организмнинг бир қисми, иқтисодиётнинг энг муҳим ажралмас тизимларидан биридир. Туристтик корхоналар ва иқтисодиётнинг молиявий аҳволи яхлит ҳолда иккита бир-бири билан боғлиқ ўзаро тутшиб кетган томирларидир. Уларнинг ҳар бирида иш қандай кетаётгани нафақат уларнинг ривожланиши, балки бутун хизмат соҳасига молиявий муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлади.

Маълумки, туристик корхоналарни самарали ривожланиши инвестицион фаолликка ва яхлит ҳолда иқтисодий ўсишга ҳам таъсир қилади.

Бошқа томондан, туристик корхоналар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг ҳолатига ва айниқса хизмат соҳа корхоналарини ривожланишига боғлиқ, чунки инвестицион фаолликнинг нобарқарорлиги шароитида туристик корхона фаолиятининг асосий “оғирлик маркази” юқори рискли туристик хизматлар кўрсатиш томонига оғиб кетади.

Бирор бир йирик туристик корхонанинг банкротликка учраши барча туристик корхоналарнинг молиявий муносабатларига таъсир этади ёки мамлакат иқтисодиётида чуқур асорат қолдиради. Туристтик корхоналарнинг молиявий ҳолати барча хўжалик молиявий ҳолати иқтисодий муносабатларни бевосита ифодалайди, чунки унда ижтимоий-иқтисодий вазиятни белгилаш хусусиятига эга потенциал мавжуд.

Бундан ташқари, туристик корхоналар юқори ликвидли субъектдир, шу боис ҳам туристик корхоналар нафақат ликвидли, балки туристик хизматлар кўрсатувчи субъектдир. Улар капитални қайта тақсимлаш, мол-мулк ва пул маблағларини бошқариш бўйича салмоқли ишларни бажаради. Улар фаоллигининг пасайиши турмаҳсулотларнинг қисқаришига олиб келади, уларга кўмаклашувчи хўжаликларнинг моддий бойликлар ишлаб чиқариш имкониятларини чегаралайди. Шунинг учун ривожланишга, ўз фаолияти

самарадорлигини оширишга интилаётган туристик корхоналарни ривожланишига, уларнинг молиявий барқарорлиги, мустаҳкамлиги ва ишончилигига сўзсиз эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Энг аввало “туристик корхона барқарорлиги” ибораси янги пайдо бўлган дефиниция эмас. Туристик корхона барқарорлигини белгиловчи турли хил индикатор ва омиллар жуда кўпдир. Унинг моҳиятини очишда икки предметни таҳлил қилишга эҳтиёж сезилади. Энг аввало, бирламчи сифатида “барқарорлик” тушунчаси бўлса, ундан кейин “туризм” тушунчаси майдонга чиқади. Акс ҳолда, таҳлил мавҳум бўлиб, аниқликни йўқотади.

Методологик асосга кўра, барқарорликни ўзгармайдиган ҳолат деб қараш қийин. Предмет ҳамда ҳодисаларнинг ўзгариш ҳолатини киши ўз онги энди шаклланаётган пайтда ҳам билган. Бутун фалсафа тарихида ҳам ўз – ўзидан “ҳаракат” ҳақидаги билимлар топилмаган. Аристотел ҳаракат нафақат бузишни, балки ўсишни, камайишни, сифатли ўзгаришни, шунингдек, жисмнинг жойдан – жойга кўчишини ҳам ифодалайди, дейди. Барқарорлик ҳам ҳаракатнинг маълум шакли сифатида намоён бўлади. Барқарорлик ўзаро боғлиқ барқарор алоқаларни тавсифлайди.

В. Далнинг фикрича, “барқарорлик”³⁹ – “бардош бермоқ, қари турмоқ, мутаҳкам турмоқ, кучга қарши қаттиқ туриш, кучга қарши маҳкам туриш, йўл бермаслик” тушунчаларини билдиради.

С. Ожеговнинг луғатида “барқарорлик”⁴⁰ – “1) мустаҳкам ушлаб турмоқ, тушиб кетмаслик, қилт этмаслик; 2) доимий, маҳкам, силкинишга йўл кўймаслик, қад ростлаб турмоқ” мазмунларда келади. Бошқа луғатларда “барқарор ҳаракат”⁴¹ статик ёки динамик мувозанатнинг дастлабки ҳолатидан чиқаришга уринувчи кучларга қарши тура олиш қобилиятидир.

“Барқарорлик” категорияси кўп сонли омиллар, шу жумладан тасодифий, омилларнинг таъсирига дучор бўлган мураккаб динамик

³⁹ Даль В. Тольковый словарь живого великорусского языка: В 4 т. – М.: Русский язык. 1979. – с. 515.

⁴⁰ Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Тольковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений/ РАН. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. 4-е изд. доп. и перераб. – М.: Азбуковник, 1999. – с. 841.

⁴¹ Большой российский энциклопедический словарь. – М.: Большая российская энциклопедия. 2003. – с. 1642

тизимларнинг тавсифи сифатида қўлланади. Туристтик корхона ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритувчи мураккаб динамик тизим бўлгани учун ҳам уни тизимли ёндашув нуқтаи – назаридан кўриб чиқиш лозим. Бир қанча иқтисодчи олимларнинг ишларида “барқарорлик” билан бирга “мустаҳкамлик”, “тенглик” тушунчалари тўғрисида фикрлар мавжуд⁴². Барқарорлик ва мустаҳкамлик масаласи хорижий илмий адабиётларда ҳам ўз аксини топган. Француз нашрларида “бу ҳар доим бир хил шароитда амалга ошириш ҳолати”⁴³, инглиз манбаларида эса “маълум бир объектнинг тенглик ҳолатини таъминлаш, маълум бир алмашув натижасида олдинги ҳолатига қайтиш”⁴⁴, немис нашрларида эса “қимирламаслик, қилт этмаслик ҳолати”⁴⁵ талқинида келади. Барқарорлик бу динамик ҳолат бўлиб, кенг тушунчадир.

Г.Г. Фетисов “... барқарорлик бу – фаолиятда турли жараёнларни қабул қилиш, прогрессга қараб ўзгариш” деган фикрни олға суради⁴⁶. О.И. Лаврушин⁴⁷ эса барқарорликни динамик ҳолат деб, мустаҳкамликка қараганда кенг тушунча; барқарорликка мустаҳкамлик асосида эришиш мумкин деб таъкидлайди. Бироқ, барқарорлик ва мустаҳкамлик ўзаро бир-бири билан рақобатлашадиган тушунчалар ҳисобланмайди, балки улар бир кўринишнинг тавсифлари сифатида майдонга чиқади (1-расм).

Туристтик корхоналар барқарорлигини методологик жиҳатдан қуйидаги йўналишлар билан биргаликда қараш муҳимдир:

4. мамлакат иқтисодий барқарорлиги билан яхлитликда. Бунда кўпгина ривожланган давлатларда туристик соҳа корхоналарини барқарорлигини таъминлаш методологияси шуни кўрсатадики, энг аввало, мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги таъминланган давлатлардагина туристик

⁴² Живалов В.Н. Финансовая система России: эффективность и устойчивость российских банков. М.: Экономика, 1999. – с. 69.

⁴³ Le Grand Robert de la française. Т.8.


⁴⁴ Shorter Oxford English dictionary. Vol. 2.

⁴⁵ Meyers Grosses Universal Lexicon. 1981. Т. 13

⁴⁶ Фетисов Г.Г. Устойчивость банковской системы и методология ее оценки. М.: Экономика, 2003.

⁴⁷ Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. – М.: КНОРУС, 2011. – 14 – с.

соҳа корхоналари молиявий барқарорлиги тўғрисида гапириш мумкин. Бу эса мамлакат ЯИМ ўзгариш динамикаси, давлат бюджети, тўлов баланси, инфляция даражаси, валюта курси, кредит ва депозитлар фоиз ставкалари билан боғлиқлигини кўрсатади;



1 – расм. Туристтик соҳа корхоналарида молиявий барқарорлик ҳолатини тавсифи

5. алоҳида олинган туристик соҳа корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш туристик корхоналар ўртасидаги ва улар билан туристларга хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларга боғлиқлиги тизимдаги мавжуд алоҳида олинган туристик корхоналар молиявий барқарор бўлса, унда туристик хизмат соҳаларини барқарор ривожланиш хусусиятига эга бўлади.

Барқарорлик – бу туристик соҳа ва унинг бўғинидан олинган алоҳида туристик корхонанинг микроиқтисодий тавсифидир.

Айтиб ўтилганидек, ушбу соҳа тизими иқтисодий тизимнинг асосий қисми ҳисобланади. Ишлаб чиқариш, товар айланишининг ўсиши туристик корхона активларининг кенгайтириши билан боғлиқ бўлади.

6. алоҳида олинган туристик корхона нуқтаи назаридан, “XXI аср иқтисодиёти – шаффофлик иқтисодиёти, нобарқарорлик ва инқирозни қайтарувчи иқтисодиёт бўлади” – деб таъкидланмоқда. Туристик корхоналар фаолияти молиявий барқарорлиги ўзаро бир-бири билан боғлиқдир. Бир туристик корхона фаолиятини ёмонлашуви бошқа ўнлаб туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар қулашига олиб келинганлигини амалиёт кўрсатиб турибди.

Хулосалар. Туристик корхона молиявий барқарорлигини баҳолашда уни макродаражада ва микродаражада кўриб чиқилиши мумкин.

Макродаражада туристик соҳа корхоналарининг барқарорлиги бутун тизимининг иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини кўзда тутди.

Микродаражада эса барқарорлик алоҳида олинган туристик корхона ёки соҳанинг бошқа элементлари самарали фаолиятини кўзда тутди.

Макро ва микроиқтисодиёт ҳолатига кўра молиявий барқарорлик бир хил эмас. Макроиқтисодий ҳолатга кўра туристик соҳа ривожланиб бораверади. Кўпчилик туристик соҳа ривожланиш ҳолатидан банкротлик ҳолатига келиши мумкин, лекин бу билан иқтисодиётнинг барқарорлиги ёмонлашмайди, ўсиш тенденцияси сақланиб қолаверади.

Туристик корхона молиявий барқарорлигининг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

7. тизимлилик тамойили. Бунда туристик соҳа корхоналарининг барча қўйилган талабларга мувофиқлиги, уларнинг моҳияти мослиги;

8. ҳуқуқийлик тамойили. Ушбу тамойилда туристик соҳа корхоналарига оид қонунчилик меъёрий ҳужжатларнинг муқобил ҳуқуқий таъминоти мавжудлиги орқали белгиланади;

9. баланслилик тамойили. Бу тамойил туристик корхона фаолиятнинг баланслашганлиги ва унинг иқтисодий – ижтимоий ўзгаришларга мослашувчанлиги, молиявий ресурсларнинг тақсимооти яхши йўлга қўйилганлигини ифодалайди;

10. ахборотлашганлик тамойили. Бунда туристик соҳа корхоналарида ахборотларнинг очиклиги ҳамда фойдаланиш мумкинлиги, маълумотларнинг шаффофлик даражаси ва б.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, туристик соҳа корхоналарини молиявий барқарорлиги масаласи бугунги кунда инкирозий омиллар туфайли вужудга келган тушунча эмас. Балки асрлар оша баҳолаш мезони ўзгариб, такомиллашиб келаётган тушунчадир. Шунингдек, туристик соҳа корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг ягона кўрсаткичлари ханузгача ишлаб чиқилмагани ушбу масалада бир талай долзарб ишлар қилиш кераклигини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Даль В. Тольковый словарь живого великорусского языка: В 4 т. – М.: Русский язык. 1979. – с. 515.
2. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Тольковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений/ РАН. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. 4-е изд. доп. и перераб. – М.: Азбуковник, 1999. – с. 841.
3. Большой российский энциклопедический словарь. – М.: Большая российская энциклопедия. 2003. – с. 1642
4. Живалов В.Н. Финансовая система России: эффективность и устойчивость российских банков. М.: Экономика, 1999. – с. 69.
5. Le Grand Robert de la française. Т.8.
6. Shorter Oxford English dictionary. Vol. 2.
7. Meyers Grosses Universal Lexicon. 1981. Т. 13
8. Фетисов Г.Г. Устойчивость банковской системк и методология ее оценки. М.: Экономика, 2003.
9. Лаврушин О.И. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации. – М.: КНОРУС, 2011. – 14 – с.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН СИЁСАТНИНГ ЎРНИ, УНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ.

Аннотация. Иқтисодиётда инновацион механизмларни ишга тушириш муҳим аҳамиятга эга вазифа ҳисобланиб, бу соҳада стратегик ва тактик чоралар тизimini ишлаб чиқиш фақат илмий асосда амалга оширилиши мумкин. Ушбу мақолада Ўзбекистонда инновацион сиёсатни шакллантириш, жаҳон бозоридаги инновацион ўзгаришларни ўрганиш, тадқиқотлар олиб бориш, назария ва услубларини яратиш, уларни амалга ошириш йўналишлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: инновацион сиёсат, инновацион фаолият, молиялаштириш механизми, глобал индекс, инновацион тизим элементлари.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодий ривожланиш динамикаси ва аҳоли фаровонлиги даражаси, миллий хавфсизлик, жаҳон иқтисодиётига тенг ҳуқуқли интеграциялашиш имконияти, асосан, мамлакатнинг амалий фаолиятда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш қобилияти билан белгиланади. Шу боис, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида чуқур ва сифатли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бироқ, давлатимизнинг охириги уч йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини мониторинг қилиш натижалари таҳлили, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати асосий эътиборни илмий тадқиқотлар ва инновацияларни рағбатлантиришга қаратишлари ҳамда билимларга асосланган замонавий иқтисодиётга ўтиши кераклигини кўрсатмоқда. Бунда бошқарувнинг барча даражаларидаги давлат ташкилотлари инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш усуллари ва

воситаларини ишлаб чиқишлари ҳамда тўғри ишлата билишлари керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Инновация, бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, у айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндошув асосида бошлашимиз керак.” [1]

Мамлакатимизда инновацион сиёсатни шакллантириш ва янада ривожлантириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб – “Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқарув тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шериклигини кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш” муҳим устувор вазифалар қаторига киритилган. [2]

Бугунги кунда Республикаимизда илмий-техник ва инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлаш механизми шаклланиши босқичида бўлганлиги боис, Ўзбекистон инновацион ривожланиш бўйича халқаро кўрсаткичларнинг кўпчилигида етакчи мамлакатлардан анча орқада. Жумладан, Ўзбекистон Doing Business, Economic Freedom, Corruption Perception Index каби халқаро рейтингларда энг паст ўринларда ва International Property Rights Index, ICT Development Index, Global Innovation Index, Ease of Doing Business Index, Bloomberg Innovation Index, Global Competitiveness Report каби муҳим халқаро рейтингларда иштирок этмайди. Хусусан, бу борада кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингидан иштирок этмаяпти. The Global Innovation Index 2015 да (Бу рейтингда Ўзбекистоннинг

2016-2018 йилги маълумотлари берилмаган) Ўзбекистон 25,9 балл билан 122 ўринни эгаллаган. [3].

Маълумки, илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишларига доимий ажратиб туриладиган харажатлар инновацион ривожланишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан ҳисобланади. Мамлакатимиз янги технологиялар ва инновацияларга кам маблағ сарфламоқда. Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг асосий қисми давлат органлари томонидан амалга оширилмоқда ва бюджетдан молиялаштирилмоқда, хусусий сектор ва олий таълим иккинчи даражали ролда қолиб кетмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон юқори технологияли ва тадқиқотталаб маҳсулотларнинг соф импортчиси бўлишига қарамай импортнинг умумий ҳажмида у фақат 6,2 фоизни ташкил этмоқда.

Юқоридаги муаммоларни босқичма–босқич бартараф этиш ҳамда инновацияларни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат ишларини фаоллаштириш мақсадида “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори [4]. ҳамда “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди ва унинг олдида аниқ вазифалар кўйилди. Шу билан бирга, илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264 сонли фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. [5] Ушбу фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

-мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узок муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

-давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш;

-илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;

-инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқалар.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида давлатнинг фаоллиги ортиши зарур. Чунки техник тараққиётнинг юқори суръатларида инновация ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, уни пайдо бўлиши учун муайян таянч давлат томонидан яратилиши зарур. Фикримизча, Ўзбекистонда инновацион сиёсатни шакллантиришда қуйидаги тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим деб ҳисоблаймиз:

- Телекоммуникация ва шу жумладан Broadband инфратузилмасини янгилаш ва қуриш;

- Фундаментал илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш ва олий таълим тизимини ислоҳ қилиш;

- Таълим муассасалари фондларининг хусусий молиялаштирилишини, хусусан, мақсадли стипендия дастурлари ва эндаумент-фондларини (Endowment funds) рағбатлантириш;

- Тадқиқот ва ривожланишни молиялаштиришнинг ўсиши, шу жумладан, халқаро инвестиция жамғармалари иштироки билан стартаплар учун венчурлик молиялаштиришни ривожлантириш;
- Ички компетенцияларини ривожлантириш учун R&D -марказларни яратиш учун хорижий компанияларни (корейс, япон, немис ва шу кабилар) жалб қилиш;
- Хусусий таълимни ривожлантириш (асосий эътибор -университетлар), шунингдек, хусусан техникавий олий таълимни ривожлантириш учун дунёга таниқли мутахассисларни жалб қилиш;
- Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: қароқчилик, плагиат ва халқаро савдо белгиларини нусхалашга қарши кураш;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир минтақасида (технопарклар, бизнес-инкубаторлар, ЭИЗ) инновацион инфратузилмани янгилаш ва яратиш;
- Инновация марказлари учун солиқ ва божхона имтиёзлари (узок муддатли инвестициялар учун 10+ йил);
- Технологиялар узатиш тизимини яратиш;
- Фанни оммалаштириш, шунингдек, фанни инглиз тилида ўрганишни рағбатлантириш лозим.

Биз ўтган йил давомида бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширдик, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишимиз учун олдимизда кўплаб вазифалар туриби. 2035 йилга қадар Ўзбекистон Global Innovation Index халқаро рейтингида жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига-Топ 50 таликга киритишга эришиш ва истиқболда ИТТКИ харажатларини 0,2 фоиздан 1 фоизга ошириш режалаштирилмоқда. Демак, миллий инновацион тизим барча элементларини шакллантириш ва самарали ўзаро таъсирини ривожлантириш—бундан буён ҳам давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсади бўлиб қолмоғи керак. Давлат илмий ва инновацион соҳасида фаол иш олиб бориб, бу соҳада ўзининг мақсади, принципи, сиёсати ва шахсий устуворлигини шакллантириши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2017 йил. 23 декабрь. №258 (6952) 1-5 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
3. Cornell University, INSEAD, and WIPO (2015): The Global Innovation Index 2015: Energizing the World with Innovation. Ithaca, Fontainebleau, and Geneva.
4. “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон фармони.

Каракалпакский Государственный университет имени Бердак
Докторант, Шарахметов Шахзод Шадманович
mailshahzod@mail.ru

ВЛИЯНИЕ ГЛОБАЛЬНОГО КРИЗИСА, ВЫЗВАННОГО ПАНДЕМИЕЙ КОРОНАВИРУСА, НА МИРОВУЮ ЭКОНОМИКУ И СФЕРУ РОЗНИЧНОЙ ТОРГОВЛИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. в данной статье рассматривается проблема эпидемии нового коронавируса и ее распространение по миру. Влияние пандемии коронавируса на экономику мира и Узбекистана, а также на сферу ритейла. Также автор рассматривает проблемы в сфере экономике, возникшие в связи с данной пандемией.

Ключевые слова: коронавирус, пандемия, экономика, ритейл, глобальный туризм, экономический ущерб.

Начавшаяся в декабре 2019 года в Китае эпидемия нового коронавируса Ковид-19, по данным Всемирной организации здравоохранения на сегодняшний день приобрела статус пандемии. Количество заболевших данным вирусом растет день ото дня.

На сегодняшний день известно, что данная эпидемия серьезно сказывается на экономике и бизнесе многих стран мира. Многие мировые и национальные аналитические центры назвали коронавирус новым «черным лебедем» (глобальное сложно прогнозируемое явление со значительными последствиями) мировой экономики.

В ООН подсчитали, что связанные, с данным вирусом потери мировой экономики, [могут составить](#) в 2020 году около \$2 трлн, а темпы роста китайской экономики могут замедлиться с 6% до 4,9% {1}.

Товары из Китая, по данным Центробанка РУз, занимают ощутимое место в потребительской корзине республики, а снижение импорта оказывает давление на цены.

В структуре экспорта Узбекистана 82,2% занимают товары, которые, в основном, приходятся на драгметаллы (38,1%), текстильные изделия (12,1%), энергоносители и нефтепродукты (11,9%), продовольственные товары (5,1%) (преимущественно плодоовощная продукция (3,0 %)), цветные металлы и изделия из них (5,5 %), а также химическая продукция (3,5 %). Первые места среди крупных стран-партнеров по импорту сохраняют Китай (доля импорта в общем объеме — 21,1%) и Россия (18,1%).

Внешнеторговый оборот Узбекистана по итогам 2019 года достиг 42,2 миллиарда долларов, он возрос на 8,7 миллиарда долларов (или на 26,2 %) с 2018 года. Этот результат зафиксирован как наиболее высокий показатель в истории страны и, несомненно, является одним из результатов проводимых в стране масштабных реформ. Из общего объема внешнеторгового оборота экспорт достиг 17,9 миллиарда долларов (темпы роста — 128%), а импорт — 24,3 миллиарда долларов (темпы роста — 124,9%). Отмечен пассивный баланс внешнеторгового оборота на сумму 6,4 миллиарда долларов {2}.

Экономический ущерб, связанный с эпидемией уже сейчас составляет по оценкам Bloomberg в \$5 трлн. Мир погружается в самую глубокую рецессию мирного времени с 1930-х годов. По данным ВТО падение объема мировой торговли в текущем году может составить более 30%. Федеральная резервная система (ФРС) США сообщила, что промышленное производство в стране в марте упало на 5,4% по сравнению с предыдущим месяцем и на 5,5% в сравнении с аналогичным периодом прошлого года. В результате падение оказалось самым сильным с января 1946 года.

Сильнее всего данная пандемия сказывается на сфере глобального туризма и розничной торговли. Это происходит ввиду того, что китайские туристы обеспечивают основной источник дохода для многих рынков. Согласно данным [Flightradar24](#), в период с 23 января по 13 февраля ежедневные вылеты и прибытия на внутренних и международных рейсах в Китае сократились в среднем с 15 071 до 2 004. Более того, несколько ритейлеров по всему миру временно закрыли свои позиции, а компания Apple объявила, что она [не будет соответствовать своему руководству по выручке в первом квартале](#) из-за сбоя, происходящих в ее цепочках поставок в Китае.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев, в своем обращении к народу, подчеркнул, что пандемия коронавируса, как и во всех странах мира, естественно, негативно скажется и на экономике Узбекистана.

Президент отметил, что вследствие резкого падения мировых цен на нефть (с 60 долларов до почти 30 долларов за баррель) могут сократиться поступления от экспорта нашего газа. Девальвация национальных валют основных зарубежных торговых партнеров Узбекистана может уменьшить валютные поступления в Республику.

Также данная пандемия, безусловно, затронет и сферу туризма Узбекистана. Возможно также сокращение числа иностранных туристов и снижение поступлений от их обслуживания. Все это, не может не повлиять на валовый внутренний продукт и объем экспорта.

Эпидемия Ковид-19 оказала влияние и на сферу розничной торговли (ритейла) по всему миру.

Поскольку страны во всем мире попадают под карантинные меры, и потребители всего мира начинают избегать контактов с людьми, ритейлеры Узбекистана, а также всего мира, пытаются адаптироваться и найти выход из сложившейся ситуации. Они признают, что глобальная реакция на новый вирус Ковид-19 окажет ощутимое влияние на их бизнес, так как ситуация в мире меняется каждый день.

Тем не менее, в то время как некоторые ритейлеры видят падение спроса на определенные товары, другие сталкиваются с беспрецедентным всплеском спроса. В частности, продуктовые ритейлеры сталкиваются со значительным отсутствием товара, которые пользуются наибольшим спросом.

Многие ритейлеры на сегодняшний день анализируют свою общую финансовую стабильность в различных сценариях и, при необходимости, привлекают кредиторов для рефинансирования кредитов или внесения поправок в финансовые условия, которые могут быть затронуты.

В то время как продуктовые ритейлеры пытаются справиться со значительными проблемами, связанными с поставкой из-за панических покупок потребителей и вызванного ими дефицита, большинство непродовольственных ритейлеров еще не ощущают полного воздействия перебоев с поставками. Падение спроса в сочетании с длительными сроками поставки и складскими запасами означает, что краткосрочное предложение, как правило, не является проблемой.

Но в то же время, на наш взгляд, распространение данного вируса несет не только проблемы, но и определенные возможности. В условиях карантина, люди по всему миру обратились к услугам онлайн заказов. Эпидемия коронавируса может изменить отрасли и модели поведения не только компаний по всему миру, но и потребителей. Онлайн - шоппинг в перспективе стать долгосрочным явлением.

К примеру, количество онлайн – заказов в сервисах Узбекистана, выросло в несколько раз. Сервису LeBazar пришлось нанимать новых людей, поскольку количество запросов на размещение заказов увеличилось в несколько раз, а спрос на доставку продуктов питания в [маркетплейсе](#) Express 24 вырос на 500%. Сеть магазинов розничной торговли Макро в период карантина также запустила онлайн - сервис доставки продуктов продовольствия. Все доставки доставляются с учетом санитарно – гигиенических требований.

Подводя итогу, можно отметить, что долгосрочные социальные, экономические и медицинские последствия вируса Ковид-19 до сих пор неизвестны. Важно отметить, что каждая страна будет прилагать максимальные условия для выхода из сложившегося кризиса, а нынешние глобальные усилия по сдерживанию вируса и его последствий будут успешными.

Список использованной литература

1. <https://www.retail.ru/articles/koronavirus-protiv-riteyla/>
2. <https://uz.sputniknews.ru/economy/20200310/13636209/Kak-novyy-koronavirus-vliyaet-na-ekonomiku-Uzbekistana.html>


Мустакил изланувчи,
Норов Асрор Эгамбердиевич
E-mail:norovasror1@gmail.com

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИНҚИРОЗ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мазкур тезисда мамлакатамизда мустақиллик йилларида илм ва инновация бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони таҳлили берилган. Шунингдек, мамлакатнинг инновацион ривожлантиришининг келажакдаги моделларини шакллантириши имконини берадиган стратегик режалаштириши тизимини яратиши бўйича амалга оширилган йўналишлари белгиланган.

Калит сўзлар: инновацион фаолият, тижоратлаштириши, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, инновацион ривожлантириши.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб, илм-фанни ривожлантиришга масалаларига эътибор қаратилди. Ҳозирги кунга қадар Президент ва ҳукумат томонидан фан-техника имкониятларини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда фаннинг аҳамиятини ошириш ҳамда инновация жараёнлари кенгайтирилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида 1991 йилдан 2020 йил оралиғида жами **214** та дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шуларнинг **51** тадан ортиғи ёки **23,8** фоизи охириги 2017 йилдан 2020 йилнинг I чорагига тўғри келмоқда. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бугунги кунда **137** таси амалда бўлиб, **77** таси ўз кучини йўқотган⁴⁸.



Расм. Илмий ва инновация фаолият ва унинг натижаларини тижоратлаштириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиллар кесимида

48 <https://lex.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, охириги йилларда илм-фан ва инновацияга ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича янада кўпроқ эътибор қаратилган.

Шу давр ичида қабул қилинган муҳим ҳужжатларидан бири бу Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли Фармони қабул қилинди.

Вазирлик томонидан мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш бўйича:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Стратегиянинг бош мақсади инсон капиталини ривожлантириш, 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати таркибига кириш этиб белгиланди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” Қонуни қабул қилинди. “Инновацион фаолият тўғрисида” Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мақуулланди ва йил якунига қадар қабул қилинади.

Учинчидан, уруғчилик тизимининг тубдан янги модели жорий этилди, унинг қонуний асосини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида” Қонуни қабул қилинди, янги ташкил этилаётган тўқимачилик кластерларига уруғчилик билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилди, уруғчиликка ихтисослашган

кластерларни ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигига хусусий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш тизими ташкил этилди;

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасида 2019-2021 йилларда “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш Концепцияси тасдиқланди (Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2019 йилдаги 48-сон қарори). Ҳозирда ушбу Концепция Навоий, Нурафшон ва Мўйноқ шаҳарларига жорий қилинмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон қарори билан илмий ишланмаларни тижоратлаштириш механизмлари белгиланди ва илмий ходимларнинг самарали меҳнатини рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Олтинчидан, венчурга асосланган молиялаштиришни жорий этиш ва инновацион лойиҳаларга тадбиркорлик субъектларининг молиявий маблағларини кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 ноябрда ПФ-5583-сон Фармони қабул қилинди.

Еттинчидан, 2020 йил 1 январидан таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимларнинг иш ҳақиға фан номзоди (фалсафа доктори-PhD) илмий даражасига эга бўлганларга 30 фоиз ва фан доктори илмий даражасига эга бўлганларга 60 фоиз миқдорида устама ҳақ белгилаш асосида рағбатлантириш механизми жорий қилинди. Натижада ушбу ходимларнинг ўртача иш ҳақи 3 млн. сўмдан 7-10 млн. сўмгача ошди.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, давлатимиз томонидан илмий-педагогик ва илмий фаолият олиб бораётган шахсларни кўллаб-қувватлаш бош қомусимизнинг 42-моддасида ҳам ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши ҳамда давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши белгилаб қўйилганлиги бунинг яққол далилидир⁴⁹.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 42-модда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://lex.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
3. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилганидан бошлаб амалга оширилган асосий фаолияти натижалари тўғрисидаги 2018-2020 йиллар ҳисоботи.

Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия Университети
Докторант, Садриддинова Нигора Хусниддин кизи
nigfrance@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА ПАНДЕМИЯ ОҚИБАТИДА ЮЗАГА КЕЛГАН САЛБИЙ ТАЪСИРНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР.

Аннотация. Дунё иқтисодиётига етказилган зарарни инқироз чўққисидан ўтилганидан сўнг, умумий тарзда ҳисоблаш мумкин бўлади. Иқтисодиётга пандемиянинг ўзи эмас, балки у билан боғлиқ чекловлар салбий таъсир қилмоқда. Турли халқаро молия институтлари маълумотларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш тезлиги пасаяди.

Калим сўзлар: қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, қишлоқ аҳолиси бандлиги, , озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Коронавирус пандемиясининг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар мутахассислар ҳисоботларида 2020 йил давомида кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида секинлашув рўй бериши прогноз қилиняпти.

Маълумки, айти пайт COVID-19 пандемияси муносабати билан дунёнинг жуда кўп давлатларида карантин тартиби жорий этилган, чегаралар ёпиқ, ҳар қандай транспорт воситалари қатнови чекланган. Бундай тақиқлар

мамлакатлар ичкарасида ҳам давлатлараро алоқаларда ҳам амал қилмоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда республикамиздан темир йўллар орқали Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришга нисбатан талаб ҳар қачонгидан ортган.

Тадбиркорларимиз мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари учун кўплаб буюртмалар қабул қилиб, расмийлаштиришмоқда. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги томонидан эса юк жўнатувчилар учун барча шароитлар яратиб бериляпти.

Ҳозирги глобал инқироз ва пандемия шароитида мамлакатимизда аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлаш, иқтисодий барқарорликни сақлашда қишлоқ хўжалиги энг кўп имкониятга эга соҳа ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти раислигида 2020 йилнинг 14 апрел куни қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди. Йиғилишда мева-сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқларида маҳсулот етиштириш ҳажмини икки баробар ошириш масаласи қўйилди. Бу мақсадга эришишда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туман, 86 та кластер ва 125 та кооператив бу борада етакчи бўлиши кераклиги таъкидланди. Мева-сабзавот етиштириш ва сотиб олишга худди пахтачилик ва ғаллачилик соҳаларидаги каби алоҳида молиявий ресурслар билан таъминлаш тизимини жорий этиш белгиланди. Унга кўра, тижорат банклари кластерларга айланма маблағ учун зарур бўлган молиявий қарзлар ажратади. Улар маҳсулот етиштириш ва экспорт қилиш учун ҳосилни гаровга қўйган ҳолда қисқа муддатли (3-12 ой) кредитлар ҳам олишлари мумкин.

Тизимдаги яна бир муаммо ўғит билан таъминлаш ҳисобланади. "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти зиммасига икки ҳафта ичида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туманда ўғит дўконлари ташкил этиш вазифаси юклатилди. Ўғитлар импортига боғлиқ чекловлар жорий йил якунига қадар муддатга бекор қилинди. Бундан ташқари, карантин даврида туманлар,

шаҳарлар ва вилоятлар орасида қишлоқ хўжалиги ва умуман, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган автотранспорт, фермерлар ва ишчиларнинг барча қоидаларга амал қилган ҳолда эркин ҳаракатланиши учун шароит яратиш белгиланган.

Қорамолчилиқни ривожлантириш ва қорамоллар билан таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида 74 та оилавий кооперация фаолияти йўлга қўйилади. Ҳар бир вилоятда насли қорамол тайёрлаш ва сотишга мўлжалланган хўжалиқлар ташкил этилади.

Эндиликда кооперация асосида хонадонларда парранда боқиш тажрибаси кенг жорий этилади. Бунинг учун гўшт йўналишидаги йирик паррандачилик хўжалиқлари 100 хонадонга 500 бошдан уч кунлик жўжаларни тарқатиб, озуқасини етказиб беради, ветеринария хизматлари кўрсатади. Қирқ кундан кейин кооперациянинг ўзи гўштни марказлашган ҳолда сотиб олади. Шу йўл билан ҳар бир оила қўшимча даромад манбаига эга бўлиши ва қишлоқ аҳолиси бандлигининг ошиши таъминланади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кооперацияда иштирок этган оилаларга парранда боққан даври учун Жамоат ишлари жамғармасидан қўшимча рағбатлантирувчи тўловларни амалга оширади.

Бу йил балиқ етиштиришни камида 350 минг тоннага етказиш, сунъий ҳавзаларда интенсив усулда меҳнат қилаётганларга субсидиялар бериш тизими йўлга қўйилади. Фойдаланиш самарадорлигига қараб, ер солиғининг табақалашган ставкалари қўлланади. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда балиқчиликка ихтисослашган намунали туман ташкил этилиб, уларда интенсив усулдаги 10-15 тадан балиқчилик хўжалиги (1 гектар майдондан ўртача 100 тонна балиқ овлаш), қайта ишлаш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит маблағлари ажратилади.

Қишлоқ аҳолисини уй шароитида иш билан таъминлайдиган резервлардан бири — ипакчилик соҳаси. Жорий йилда 382 минг қути ипак қурти боқилишини инобатга олсак, бу камида 750 минг одамни иш билан банд

килиш дегани. Эндиликда вилоятларда “бир хонадонга — бир қути ипак курти” тамойили асосида ипак курти уруғи тарқатилиб, фермер хўжаликлари, пахта ва ғалла кластерлари ҳам ипак курти боқишга кенг жалб этилади. Тизимни янада ривожлантириш учун тижорат банкларининг 145 миллиард сўмлик кредит линиялари очилади. Белгиланган ҳосилни олган хонадонларга Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан қўшимча рағбатлантирувчи тўловларни амалга ошириш белгиланди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда экспортни кенгайтириш имкониятини яратади. Кам таъминланган аҳоли қатлами ва вақтинчалик банд бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлашга ва қўшимча даромад манбаини оширишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлабгина қолмай, уларнинг нарҳини пасайтиришда ҳам муҳим омил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

[1] “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ахборот-таҳлил медиа маркази / Пандемия қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини тўхтата олмайди/
<https://uza.uz/oz/society/pandemiya-ishlo-kh-zhaligi-ma-sulotlari-eksportini-t-khtata--10-04-2020>

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 14 апрел куни қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидан

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори Обид Ҳакимов – “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг асосий омили” номли маколasi.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН КАРАНТИН ЧОРАЛАРИНИ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.

Аннотация. Деярли барча мамлакатлар чегарасидан ўтиб улгурган коронавирус инфекцияси эндиликда мамлакатлар иқтисодини тургунлик ҳолатига келтириб, янги иқтисодий инқироз хавфини келтириб чиқармоқда. Халқаро экспертлар фикрига кўра, бу инқироз яқин тарихда содир бўлган аввалиги инқирозлардан фарқли ўлароқ барча мамлакатлар иқтисодий ўсишига бир вақтда таъсир қилиб, иқтисодий таранглик, молиявий қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

Калит сўзлар: пенсия тизими, пандемия, молиявий барқарорлик, инқироз

Бугунги кунда Ўзбекистонда иккита мажбурий пенсия тизими амал қилмоқда: асосий– “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган давлат пенсия таъминоти тизими; қўшимча – 2005 йил 1 январдан жорий этилган мажбурий жамғариб бориладиган тизим. Бунда жамғариб бориладиган пенсия тизими давлат пенсия таъминоти тизимининг муқобил шакли эмаслигини, балки уни тўлдиришини алоҳида таъкидлаш керак.⁵⁰ Ушбу тизимнинг моҳияти шундаки, ижтимоий суғурта асосидаги пенсия тизими «авлодлар бирдамлиги» принципига асосланган «тақсимловчи» элементлардан таркиб топган бўлиб, бунда иш берувчилар ва ишловчилар Пенсия жамғармасига мажбурий тўлов ва бадалларни тўлаб боради, шаклланган маблағлар ҳисобидан пенсионерларга пенсиялар тўлаб борилади ва бу жараён узлуксиз давом этади.⁵¹

⁵⁰ Қосимова Гуляра. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш масалалари. Иқтисод ва молия 2017, 1

⁵¹ <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/2866-zbekistonda-pensiya-ta-minoti-tizimi-zhorij-olati-va-takomillashtirish-j-llari>

Масалан, T авлод пенсияга чиқди, унинг учун T+1 авлод пенсия тўлайди, T+1 учун эса T+2 ва ҳоказо. Демак, ҳеч қандай фонд яратилмайди. Ҳеч ким ўзи учун тўламайди. Ким пенсия фондига ажратма ўтказаетган бўлса, демакки, у ўзидан олдин пенсияга чиққан фуқаро пенсияси маблағининг манбаи бўлиб қолади.

Мазкур пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи асосий омиллар мамлакатдаги демографик ҳолат ва бандлик даражаси ҳисобланади. Бугунги пандемия шароитидаги карантин чоралари иқтисодиётнинг барча соҳаларига таъсири натижасида бандлик даражаси тушмоқда. Узоқ давом этадиган карантин чекловлари эса, реал хавфларни келтириб чиқаради. Яъни импортнинг экспортга нисбатан кескин ўсишига олиб келади. Хизмат кўрсатиш соҳалари – авиация, темир йўл, туризм, умумий овқотланиш объектлари, меҳмонхоналар тармоғи ва бошқалар фаолияти деярли тўхтаб қолиши оқибатида иш ўринлари қисқаришига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида Пенсия жамғармасининг даромадларига салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Сабаби, Пенсия жамғармасининг даромадлари иш берувчилар томонидан иш ҳақи фондидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов, корхона ва ташкилотларнинг ягона солиқ тўловларидан ажратма, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг бадаллари ҳамда бошқа тушумлар ҳисобидан шаклланади.⁵²

Аҳолини реал даромадларини ошириш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб, ходимларни ойилик маошининг 8% миқдрида пенсия жамғармасига тўланиладиган суғурта бадаллари бекор қилинди. Бунинг натижасида 2019 йилдан бошлаб Пенсия жамғармасини бюджети дефицит билан тузилди. Бу ҳолатни Пенсия жамғармасини 2020 йилга мўжалланган давлат дастурида ҳам кўришимиз мумкин.

http://www.pfru.uz/uz_Cyrl/page/843/yagona-izhtimoiy-tlov-byicha-azhratmalar-pensiya-zhamarmasi-asosiy-daromad-manbai

**2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари ҳамда
харажатлари прогнози.⁵³**

(млн. сўмда)

| Йил бошига қолдиқ | Даромадлар прогнози | Шундан трансферлар | Харажатлар | Йил охирига қолдиқ |
|------------------------------|--------------------------------|-------------------------------|-------------------|-------------------------------|
| 4 284 876,9 | 31 424 018,0 | 8 000 000,0 | 31 958 836,3 | 3 750 059,4 |

Юқоридаги жадвалга асосан 2020 йилда пенсия жамғармасини харажатларини қоплаш учун давлат бюджети ҳисобидан 8.0 трлн сўм бюджет трансфери ажратилиши кўзда тутилган. Лекин карантин натижасида пенсия жамғармасини даромадлари белгиланган прогноздан кам бўлиши кутилаётганлиги сабабли, ажратилаётган бюджет трансфери миқдори ошиши кутилмоқда. Бундай ҳолатда дефицитни камайтириш учун харажатларни қисқартириш имконияти мавжуд эмаслиги пенсия тизимининг хусусияти ҳисобланади. Ҳозирда энг муҳим масала иш ўринларини сақлаб қолиш ҳисобланади. Шу мақсадда 2020 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус падемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида” ги фармони қабул қилинди. Махсус комиссия тузилиб, амалий ишлаш олиб борилмоқда. Пенсия жамғармасини харажат қисми фақат бир йўналишда қисқармоқда. Ўзбекистонга коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссияси ҳамда коронавируснинг тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича махсус штабининг 2020 йил 14 апрелдаги қарорига мувофиқ, Республикадаги эпидемиологик ҳолат барқарорлашгунга қадар 2020 йилнинг май ойидан пенсия ва нафақалар тўлиқлигича банк пластик карталари орқали амалга оширилади. Мазкур қарор

⁵³ 2020 йил учун давлат бюджети тўғрисидаги қонун. <https://lex.uz/docs/4635016>

Пенсия жамғармасы томонидан АТ “Халқ банки” га пенсия ва нафқаларни манзилли етказиб бергани учун, етказиб берилган маблағни 1% миқдрида тўланиши лозим бўлган маблағни иқтисод қилинишига сабаб бўлади. Пенсия ва нафақалар банк пластик картаси орқали тўланганда хизмат ҳаққи тўланмайди.

Юқоридаги ҳолатлар “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган пенсия таъминоти тизими иқтисодий инқироз даврида самарасизлигини кўрсатмоқда ва бу тизимни муқобили сифатида босқичма-босқич жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтишни ҳаётий заруратга айлантормоқда. Мазкур ҳолатда ўз-ўзидан пенсия жамғармасы даромадлари камайиб, асосий юк давлат бюджетига тушади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимини самарадорлиги бир қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Жумладан А.П.Шеметов ва С.Н.Орловларнинг илмий хулосаларига кўра, демографик ва бошқа омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий пенсия таъминотининг янги тизимини яратиш ва унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш зарурлиги илгари сурилган. Олимнинг фикрича, хориж тажрибаларига таяниб, пенсия таъминоти механизмининг алоҳида элементини – жамғариб бориладиган пенсияни шакллантириш кераклиги такидлаган.⁵⁴

Мазкур масалада юртбошимиз 2019 йил 21-ноябрда бўлиб ўтган йиғилишда қуйидагиларни такидладилар “Ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилиш, шунингдек, уч даражали пенсия таъминоти тизимига ўтиш орқали пенсия бадалини тўлашдан манфаатдорликни ошириш зарурдир. Бунда, биринчи даражада давлат минимал пенсия миқдорини белгилайди. Иккинчи даражада ходимнинг иш ҳақидан муайян сумма ушланиб, унинг шахсий ҳисоб-варағида тўпланади ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган фоиз ҳисоблаб борилади. Учинчи даражада ходим пенсия жамғармасига ажратиладиган маблағ миқдорини ўзи белгилайди. Бу тизим қўлланилса, фуқаро кафолатли давлат пенсиясини олиш билан бирга

⁵⁴ Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 106 с

Ўзхоҳишига қараб, пенсия ёшида қанча пенсия олишини ўзи белгилаш имконига эга бўлади”⁵⁵

Хулоса қилиб атганда мамлакатимизда ҳам ижтимоий ҳимояни молиялаштиришда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда хорижий мамлакатлар амалиётидан фойдаланган ҳолда жамғарилиб бориловчи пенсия тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Жамғариб бориладиган пенсия тизимини самарадорлигини таъминлаш учун аввало, ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини шакллантириш керак. Бунда вужудга келиши мумкин бўлган рискларни олдини олиш мақсадида пенсия тизими бошқаруви, ҳисоб-китоб операциялари, бадаллар шаклланиши ва тўловларни амалга оширишда давлатнинг маълум миқдорда назоратини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Қосимова Гуляра. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш масалалари. Иқтисод ва молия 2017, 1
2. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/2866-zbekistonda-pensiya-ta-minoti-tizimi-zhorij-olati-va-takomillashtirish-j-llari>
3. http://www.pfru.uz/uz_Cyrl/page/843/yagona-izhtimoiy-tlov-byicha-azhratmalar-pensiya-zhamarmasi-asosiy-daromad-manbai
4. 2020 йил учун давлат бюджети тўғрисидаги қонун.
<https://lex.uz/docs/4635016>
5. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 106 с
6. <https://president.uz/uz/3091>

⁵⁵ <https://president.uz/uz/3091>

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Аннотация. Дунёни ларзага солиб турган пандемия энг аввало, йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди. Қолаверса, пандемия шароитидан фойдаланиб ўзининг қингир ишларини, жиноий фаолиятларини амалга оширишга ҳаракат қилаётганлар ҳам афсуски, учрамоқда. Шундай экан, пандемия шароитида ҳам вазият жижиратга ва у орқали топиладиган маблағлар, капитал, даромадларни легаллаштиришга ҳам қарши курашишни талаб этмоқда.

Калит сўзлар: жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, COVID-19, ФАТФ, Департамент, коронавирус, Interpol.

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини вақтинча тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар амалиётга тадбиқ қилинмоқда.

Бу эса дунёнинг энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатларида ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом-ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди.

«Коронавирус» деб аталмиш инфекция глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда,

бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали чоралар кўриш орқали мазкур инфекцияни тарқалишини олдини олишни талаб қилади.

Бу борада, давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев қатор йиғилишлар, қарор ва фармонлар имзолаб, коронавирусни мамлакатимизда тарқалишини олдини олишга қаратилган чоралар кўриш лозимлигини таъкидламоқда.

Ш.М. Мирзиёев халққа қилган мурожаатида «Коронавирус менга юкмайди деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки ота-онаси, фарзандлари, атрофдагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соғлиги ва ҳаётини катта хавфга қўйишини чуқур англаб етиши керак⁵⁶» дея таъкидлади.

Президентимиз томонидан мамлакатда жамоат саломатлигини таъминлаш тизими самарадорлигини оширишга, коронавирус инфекциясини мамлакатда кенг тарқалиб кетмаслигини олдини олишга, шунингдек карантин даврида глобал инқирозни иқтисодиётимизга салбий таъсирини юмшатишга катта эътибор қаратилмоқда.

2020 йилнинг 29 январида президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига COVID-19 коронавирусининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, қулай санитария-эпидемиологик муҳитни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ПФ-5537-сонли фармонга мувофиқ Махсус комиссия иш бошлади.

Қолаверса, жаҳон миқёсида жадаллик билан тарқалиб бораётган коронавирус инфекциясига қарши курашиш, шу жумладан инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини вақтинча тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар амалиётга киритилди. Бу борада ҳам давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизга инфекциянинг кириб келган дастлабки кунлариданок, коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида фармон кучга киритилди. Унга

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 26 мартдаги видеоселекторидаги нутқи.

кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн сўм миқдордаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Мазкур жамғарма фармонга мувофиқ коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича айрим тадбирларни молиялаштириш, тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, шу жумладан қуйидагилар учун қўшимча маблағлар ажратиш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилиши белгилаб қўйилди.

Умуман олганда, мамлакатиз раҳбари ташаббуси билан ташкил қилинган чора-тадбирлар жаҳон миқёсида ижобий эканлиги, МДХ мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг коронавирусга қарши курашишга қаратилган карантин тадбирлари юқори даражада ташкил қилинганлиги эътироф этилмоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, бутун данё мамлакатлари бошига синовли кунлар келган бир пайтда ўзининг чўнтагини ўйлаган, жиноий фаолиятни кенгайтиришни режалаштиришганлар ҳам учраб турибди.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (FATF) va Interpol COVID-19 пандемияси туфайли юз ниқоблари ва бошқа тиббий буюмларга талаб ошганлигидан фойдаланиб, уларнинг савдоси тўғрисида ёлғон маълумот бериш орқали фирибгарлик жиноятларини содир этиш эҳтимоли ошганлиги ҳақида ҳабар берган⁵⁷.

Унга кўра, ҳозирги соғлиқни сақлаш соҳасидаги инқироз даврида жамоатчилик дори-дармонларни онлайн тарзда сотиб олишда эҳтиёт бўлишлари, акс ҳолда, улар жиноятчиларнинг бир қатор молиявий фирибгарликларни амалга ошириш учун имкон яратишлари мумкинлиги таъкидланган.

⁵⁷ <https://qalampir.uz/uz/news/bosh-prokuratura-fuk-arolarni-firibgarlardan-ogo%D2%B3lantirdi-16498>

Фирибгарлар жиноий ниятларини амалга ошириш мақсадида тиббиёт маҳсулотларини сотишни даъво қилган ҳолда сохта онлайн-дўконлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлар ва электрон почта манзилларидан фойдаланмоқдалар.

Мазкур фирибгарлик ҳаракатларнинг асосий қурбонлари Осиёда жойлашган бўлиб, жиноятчилар ўзларини ушбу соҳада ишончли экспортёрлар сифатида кўрсатиш мақсадида бошқа минтақаларда, хусусан Европа мамлакатларида рўйхатдан ўтган банк ҳисобрақамларидан фойдаланмоқдалар.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Бш прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз аҳолисини COVID-19 билан боғлиқ безовталиқдан фойдаланаётган фирибгарлардан огоҳлантирди.

Коронавируснинг дунё бўйлаб тарқалиши турли хил жиноятчиларга ўзларининг ноқонуний фаолиятларини бойитиш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилишлари учун яхши имконият яратиб берди.

Мавжуд вазиятга ва ташкилотларнинг айрим ходимларининг дистанцион иш шаклига ўтишига қарамай, молиявий ташкилотлар, айниқа тижорат банклари эҳтиёткорликни янада оширишлари лозим. Бу нафақат фаолиятнинг узлуксизлигини таъминлаш, балки учинчи шахсларнинг содир этиши мумкин бўлган жиноий ҳаракатларини олдини олиш ҳамдир.

Шуни таъкидлаш керакки, пандемия даврида АҚШ Молия вазирлигининг молиявий жиноятларга қарши курашиш тармоғи (FinCEN, Financial Crimes Enforcement Network) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялашга қарши курашиш мақсадида молиявий ташкилотларга фирибгарлик ва бошқа кўринишдаги жиноятлардан огоҳ бўлишга чақирди. FinCEN хабарига кўра, коронавирус пандемияси даврида жиноий даромадларни легаллаштиришнинг янги типологик шакллари пайдо бўла бошлаган. Бу ҳолатда жиноятчилар молия, меҳнат ва соғлиқни сақлаш бозорларидаги вазиятдан, шунингдек одамлар

орасида ваҳима яратиш орқали фойдаланган ҳолда, аҳолини шошилиш ва нотўғри қарорлар чиқаришга мажбур қиладилар.

Шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида жиноятларни ва у орқали топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш мақсадида FATF президенти томонидан молиявий ташкилотларга қуйидаги тавсиялар берилди:

- Огоҳликни янада оширган ҳолда COVID-19 билан боғлиқ жиноятлар ҳавфини бартараф этиш⁴
- Мижозларга масофавий рақамли хизмат кўрсатиш ва лозимдаражада текшириш жараёнларини куайтириш;
- Доимий равишда биргаликда иш бориш ва маслаҳатлар олиб туриш;
- FATF COVID-19 билан боғлиқ муаммалар юзасидан доимий қўллаб-қувватлаш мажбуриятини белгилайди⁵⁸.

Бутун дунёда аҳоли ўртасида ваҳима кўтармасликка, уларни «якка ҳаёт тарзи»га ўргатишга ҳаракатлар олиб борилаётган бир пайтда, АҚШда коронавирус қурбонларига ёрдам бериш ёки ушбу инфекцияни даволайдиган дори-дармонларни сотиш учун пул йиғадиган фирибгар веб-сайтларнинг пайдо бўлиши ҳолатлари аниқланган. Шунингдек, пул маблағларини учунчи шахсларга ёрам бериш мақсадида ўтказиб бериш учун турли шахслардан мурожаатлар келиб тушиш ҳолатлари ҳам кўпайиб кетган.

Мазкур кўринишдаги жиноий фаолиятларни олин олиш мақсадида, 2020 йил 03 апрелда мамлакатимиз президентининг коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПФ-5978-сонли фармони аҳолини карантинда даврида уйдан чиқмадан, қулай шароитда яшаши, ҳар хил кўринишдаги фирибгарликка алданиб қолмаслиги учун замин яратди.

⁵⁸ Заявление президента FATF: COVID-19 и меры по борьбе с незаконными финансовыми операциями. <http://fedsfm.ru/releases/4485>

Мазкур фармон ижроси юзасидан коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш вақтида давлат органлари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар ходимларини масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартибини белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирда бутун дунё ларзага солиб турган, мамлакатлар иқтисодиётига катта хавф туғдираётган, аҳоли ва жамият ўртасида ваҳимага сабаб бўлаётган, қолаверса, айрим жиноий тўдаларни бундай вазиятдан фойдаланишига замин яратиб бераётган коронавирус пандемиясига қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг ҳаётини мажбуриятига айланиши лозим.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев айтганларидек: «Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган халқимиз ҳаммасини тўғри тушуниб. Масалага онгли ёндашиши лозим. ... бу қийинчиликлар, албатта, ўтиб кетади.»

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 29 январдаги «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»га Ф-5537-сонли Фармойиши;
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сонли Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 03 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сонли Фармони;

4.Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 15 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4679-сонли Қарори;

5.Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартдаги буйруғига асосан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2020 йил 28 мартда 3228-сон билан рўйхатга олинган «Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида»ги Низом;

6.Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи;

7.Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш Департаментининг хабарномаси;

8.FATF президентининг мурожаати: COVID-19 ва ноқонуний молиявий операцияларга қарши курашиш бўйича чоралар, 06.04.2020;

9.Т.Мусин – «Влияние коронавируса на процедуры противодействия отмыванию денег», Информационный банковский портал «Первый Банковский! - Banker.kz», 30.03.2020;

Интернет сайтлар:

<http://fedsfm.ru>

<https://qalampir.uz>

<https://www.banker.kz>

<https://www.lex.uz>

<https://www.gazeta.uz>

<https://pv.uz>

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА САВДОНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАРКЕТИНГИ

Аннотация. Жаҳонда вужудга келган пандемия вазиятда савдо корхоналар ўз товар ва хизматларини аҳолини хонадонларидан ташқарига чиқармасдан етказиб беришлари ҳамда ўз фаолиятларини самарали ташкил этишларида маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишлари муҳим аҳамият касб этади. Мақолада пандемия ҳолатида савдони самарали ташкил этишнинг маркетинг стратегиялари тўғрисида илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: коронавирус, пандемия, савдо, маркетинг стратегиялари, маркетинг жараёнлари.

Коронавирус бутун дунёда инсонлар ҳаёти ва соғлигига хавф солиш билан бир қаторда иқтисодиётнинг турли соҳалари саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ҳамда туризмга катта салбий таъсир кўрсатмоқда. 2019 йилнинг охирида аниқланган коронавирус инфекцияси дастлаб Хитойда кенг тарқалиб аҳолисининг 82 мингга яқинига юқиб 3 мингдан ортиқ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлди, натижада бу инфекция дунё миқёсида 200 дан ортиқ мамлакатга тарқалиб 1 млндан ортиқ инсонларга ҳаётига хавф солмоқда.[6] Бунинг натижасида дунё миқёсида Пандемия эълон қилиниб, мамлакатлар ўртасида чегаралар қатъий тартибда назоратга олинди ҳамда импорт экспорт амалиётларига қисқарди. Бутун дунё ишлаб чиқариш тизимига қиймат занжирига салбий таъсир қилди. Унинг оқибатлари эса бизнес вакиллари, истеъмолчилар ва халқаро иқтисодиётга таъсир этмоқда.

Глобал иқтисодиёт тизимини бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқлари бўлмиш туризм,

транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноатига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонлари имзоланди. Мазкур ҳужжатлар билан пандемия натижасида йўқотишларни бошдан кечираётган субъектларга қатор солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда бизнесни шартномаларни форс-мажор ҳолатига кўра олиб боришни кўзда тутилган. Унга кўра 2020 йилнинг 1 октябрга қадар тадбиркорларнинг фойдаланилмаётган объектларига нисбатан мол-мулк ва ер солиғининг оширилган ставкалари қўлланилмаслиги, жорий йилнинг 1 апрелидан 1 июлигача туристик (меҳмонхона) йиғим ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилиши, ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш белгиланган. Бундан ташқари, карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисоб рақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланади. Аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби вақтинчалик бекор қилинди. [1]

Касалликнинг мамлакатимизга таъсири натижасида газ экспортдан келадиган тушим 765 миллион долларга камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг миллий валюталари қадрсизланиши ва тўлов қобилятининг пасайиши валюта тушумини 500 миллион долларга камайтириши мумкин. Хорижий сайёҳлар сони 500 мингга, мос равишда тушим 150 миллион долларга камайиш эҳтимоли бор. Ялпи ички маҳсулот 1,8

фоизгача, экспорт ҳажми 1,1 миллиард долларгача қисқариши хавфи башорат қилинмоқда. [9] Юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётдаги йўқотишлар ўрнини қоплаш учун зарурий захира яратиш, барча захира ва қўшимча имкониятларни сафарбар этиш пировардида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукумат олдига қўйилган асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Юқоридаги вазифаларни бажариш учун Фармон билан Молия вазирлиги ҳузурида 10 трлн. сўм миқдоридаги “Инқирозга қарши курашиш жамғармаси” ташкил этилди. [2]

Бугунги кундаги коронавирус сабаб жаҳон иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва глобал иқтисодий инқирозни келтириб чиқариши иқтисодчи олимлар томонидан прогноз қилинмоқда. (S&P Global Ratings халқаро рейтинг ҳисоботи).[6] Иқтисодчилар эса бу даврни буюк депрессия даврига тенглаштирдилар. Коронавирус пандемияси шароитида ривожланган давлатларнинг глобал иқтисодий ўсиш суръатлари пасаймоқда ва 2020 йил бошидан жаҳон иқтисодиётининг ўсиши 1-1.5% ни ташкил қилди.


Франциянинг иқтисодиёт ва молия вазири лавозимида фаолият юритаётган Брюно Ле Мэр “France Info” радиоси орқали ўзининг чиқишида “Ғарбий мамлакатлар иқтисодиёти коронавирус пандемияси туфайли 1929 йилдан бери энг ёмон инқирозга дуч келди. Мамлакатда ишлаб чиқариш қувватини сақлаб туриш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш кераклиги ва Авиация ва автомобилсозлик соҳаларига ёрдам керак” деб таъкидлаб ўтди.[10]

Американинг йирик инвестицион банкларида бири “Bank of America” (BoFA) етакчи таҳлилчиси Мишель Мейернинг сўзларига кўра “Америка иқтисодиёти рецессиядан қочиб қутула олмайди, муаммоларнинг асосий сабаби эса коронавирус тарқалишидир. Унинг ҳисоб-китобича, яқин вақт ичида АҚШда ишсизлик даражаси икки бараварга ортиши, ишсизлар сони эса иккинчи чорак давомида ойига бир миллион кишига ўсиб боради.

Шунинг учун маркетинг, фирма(корхона)ни бозорда кўзлаган мақсадига эришиш йўлидаги доимий ташаббускорлик, ташкилотчилик, режалаштириш, жорий ҳамда стратегик бошқариш жараёнидир. Маркетинг жараёни

Г.Л.Багиев ва бошқалар[3] фикрича эҳтиёжни ўрганиш, маҳсулот(хизмат)ни харидорлар ва бозор имкониятлари даражасида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар ва босқичлар мажмуасидан иборат.

Маркетинг жараёни, истеъмолчи эҳтиёжларини ўрганишдан бошланиб, унинг товар сотиб олиши, талабини қондириш билан бирга, истеъмолчилар истаклари ва хоҳишлари таркибидаги бўлажак ўзгаришларни тадқиқоти билан яқунланади. Шу билан бирга, талабнинг миқдорий ўзгаришларини белгиловчи истеъмол маданияти ҳам ўрганиб борилади. (1-расм)



1-расм.Савдо корхонаси маркетинг жараёни модели

Пандемия ҳолатида савдо корхонасининг маркетинг жараёнларини амалга ошириш истеъмолчиларни ўрганишдан бошланади ва шу асосида товарларга бўлган эҳтиёжларни аниқланади. Кейинги босқичда эса савдо корхонаси харидор талаб ўрганиб сўнгра инновация ва бенчмаркинг орқали бозордаги рақиблар фаолиятини таҳлил қилиб ҳамда ўз маҳсулотларини сотиш имкониятларини тадқиқ қилади.

Маҳсулотни сотиш режасини ишлаб чиқиш ўз навбатида қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

- сотиш омиллари режаси;
- молиявий режа;
- сотиш ва логистика режаси;
- коммуникация ва сотишни рағбатлантириш режаси.

Пандемия ҳолатида ҳар бир мамлакат аҳолисини соғлиғини асраш ва улар товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда савдони телемаркетинг ҳамда рақамли маркетинг стратегияларини қўллаш орқали таъминлаш маҳим аҳамият касб этади. Бу борада бизнинг мамлакатимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, мисол учун ошхоналар учун телевидениеда бериладиган рекламалар пул тўловсиз кўрсатилмоқда ҳамда бир қатор савдо корхоналарнинг телеграм каналлари ва интернет сайтларида товарлар савдосини йўлга қўйилди. Шу орқали бозорлардаги истеъмолчилар тўпланишини олдини олиш орқали пандемия ҳолатидан ҳимоя қилиш имконияти яратилмоқда, лекин шундай бўлса ҳам харидорлар савдо шаҳобчаларида товар ва хизматларни харид қилмоқдалар. Савдо шаҳобчалари ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқани рақамли маркетинг стратегияларини фойдаланган ҳолда ўрнатиш мамлакатимизда рақамли иқтисодий шакллантиришда бош омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Рақамли маркетинг бу рақамли ресурслар бўлмиш интернет, мобиль телефонлари истеъмолчилар учун маҳсулотларнинг реклама қилиш ёки уларга бўлган мотивни шакллантириш мақсадида рақамли реклама дисплейларидан оқилона фойдаланишдир.[4] Рақамли маркетинг электрон медиа воситалари орқали маҳсулот ва брендларни намоёни қилишдир. У анъанавий маркетингдан фарқ қилиб, ўз ичига рақамли маркетинг каналлари ва методларини қамраб олади. Рақамли каналларнинг нарх самарадорлиги ва интерактивлиги истеъмолчи ҳамда корхоналар орасида тўғридан-тўғри мулоқотни амалга ошириб, маркетингларни ўзларининг истеъмолчилари

билан тез-тез алоқада бўлиб туришни таъминлаш билан бирга, кам сарф-харажат орқали интерактивлик ва персоналликни оширади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, савдо шахобчалари томонидан истеъмолчиларга савдони амалга оширишда рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ҳамда ўз товарларини ҳудудларга етказиб бериш хизматини ташкил қилиш керак деб ўйлаймиз. Самарали веб-тармоқларни яратишдан фойдаланган ҳолда истеъмолчиларни ўзига жалб қилиш ва уларнинг муайян брендга содиқлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалалари бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармони 2020 йил 3 апрел
2. Ўзбекистон Президентининг “Коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалалари”га бағишланган видеоселектор
<https://www.gazeta.uz/uz/2020/03/19/fond/>
3. Г.Л.Багиев и др. Маркетинг учебник, 2-е изд. М.Эканомика 2001, 34
4. D. Ryan, C.Jones. Understanding digital marketing : marketing strategies for engaging the digital generation London and Philadelphia 2009. 18,19 б
5. А.Солиев Маркетинг. Дарслик, Тошкент, 2010 й.
6. <https://corona-virus.uz/uz/>
7. <https://www.spglobal.com/ratings/en/>
8. <https://zamin.uz/iqtisodiyot/69730-koronavirus-pandemijasining-global-itisodietga-tasiri.html>
9. <https://www.adolat.uz/partiya/iqtisodij-asoratlarni-kamajtiruvchi-huzhzhat>
10. <https://www.nytimes.com/2020/03/23/opinion/coronavirus-depression.html>

ИННОВАЦИОННАЯ СТРАТЕГИЯ В ОБЛАСТИ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА УСЛУГ В ТУРИЗМЕ

Аннотация. В данной статье рассматривается стратегическая матрица плана инновационного развития туристической компании в современных условиях.

Ключевые слова: инновация, стратегия, планирование, риск, “продукт-рынок”.

В Узбекистане 2020 год объявлен годом «Развития науки, просвещения и цифровой экономики» и принята Государственная программа, направленная на выполнение задач в Стратегии действий в 2017 – 2021 годы. На реализацию поставленных задач в Программе выделяются в общей сложности около тридцати триллионов сумов[1]. Одной из ключевых задач в области туристической индустрии Узбекистана является внедрение в широком масштабе инновационной стратегии управления туристическим бизнесом. В условиях глобализации и преодоления негативных явлений коронавируса на туристические предприятия является повышение качества оказываемых услуг и обеспечение их соответствия мировому уровню.

Разработчики стратегии комбинируя тремя состояниями (существующий; новый, но связанный с существующим; совершенно новый) двух переменных (продукт и рынок) из девяти комбинаций, отражающих варианты развития туристической компании могут выбрать вариант с минимальным соотношением: «изменение риска развития/изменение эффективности развития».

На первом этапе решения этой задачи необходима разработка механизма стратегического планирования инновационной деятельности туристических компаний. Для разработки стратегического плана инновационного развития туристической компании предлагается

использовать модели GAP-анализа «продукт-рынок», широко применяемой в международном туризме [2]. Эту модель в матричной форме можно представить в нижеследующем рисунке.

| | | | |
|--|--|--|---|
| Совершенно новый продукт | Средний риск/ Несущественное развитие | Высокий риск/ Среднее развитие | Очень высокий риск/ Высокие темпы развития |
| Новый продукт, но связанный с существующим | Слабый риск/ Несущественное развитие | Слабый риск/ Существенное развитие | Высокий риск/ Среднее развитие |
| Существующий продукт | Нет риска/нет развития | Слабый риск/ Несущественное развитие | Средний риск/ Несущественное развитие |
| Продукт Рынок | Существующий рынок | Новый рынок, но связанный с существующим | Совершенно новый рынок |

Рис.1. Стратегическая матрица плана инновационного развития туристической компании в современных условиях

Такой комбинацией для стратегического планирования инновационного развития является позиция «новый продукт, но связанный с существующим на новом рынке, но связанном с существующим». То есть движение туристической компании должно осуществляться по пути, обеспечивающему конкурентоспособность инновационного развития по главной диагонали модели, минимизирующей риск продуктового и рыночного обновления за счет их обобщенной связи с существующим продуктом и рынком соответственно. Надо отметить что, в модели GAP-анализа отсутствие риска изменения не означает отсутствие риска как такового, поскольку, согласно модели динамики рынка, любое моральное устаревание товара или услуги представляет для компании риск оказаться за пределами рыночной конкуренции.

Важным инструментом управления качеством услуг является эффективный механизм контроля и корректировки планов инновационного развития туристической компании. Представляется целесообразным базировать его на концепции менеджмента абсолютного качества (МАК) [3]. В соответствии с философией осуществления рыночной стратегии МАК главной задачей фирмы является: снабжение клиента товарами и услугами на

соответствующем уровне, по приемлемой для клиента цене, в месте и времени, которые назначил покупатель.

Основными элементами инновационной составляющей стратегии развития туристического бизнеса являются создание инноваций, обеспечивающих мировую конкурентоспособность; поиск и привлечение стратегических профильных инвесторов; поиск стратегических партнеров, формирование механизмов согласования стратегических интересов и создания новых финансовых зависимостей при взаиморасчетах с ними. В формировании инновационной стратегии управления туристическим бизнесом в эпоху глобализации необходимо обеспечить гибкую адаптацию бизнеса к изменяющимся запросам рынка за счет внедрения инноваций и диверсификации туристических услуг, рационально использовать внутренние ресурсы и укрупнение туристических бизнес-структур, а также наращивание объемов и доли туристических услуг в общем объеме товаров и услуг, предоставляемых населению.

Список использованной литературы.

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики». Газета «Народное слово» от ...февраля 2020 года
2. Нюренбергер Л.Б. Где гарантии? // Российское предпринимательство. – 2008. – №7 (1). – 0,3 п.л. (авт. - 0,2 п.л.)
3. Нюренбергер Л.Б. Синергическое использование элементов системы маркетинговых коммуникаций // Проблемы современной экономики. – 2008. – №4. – 0,4 п.л.

**РОЛЬ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В
ОБЕСПЕЧЕНИИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ
УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ**

Аннотация. В данной статье проанализированы особенности коммерциализации интеллектуальной собственности. Рассмотрены точки зрения ведущих зарубежных авторов касательно правовой природы коммерциализации интеллектуальной собственности. Определены ключевые вопросы дальнейшего развития данной сферы.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, авторские и изобретательские права, патентное право, товарный знак, изобретение, промышленный образец, полезная модель, особенности коммерциализации интеллектуальной собственности, цифровая экономика.

Авторские и изобретательские права объединяются в одну подотрасль гражданского права - интеллектуальная собственность. В законодательстве Республики Узбекистан понятие интеллектуальной собственности появилось относительно недавно. Некоторое время назад, данный термин лишь был в международных соглашениях и законодательствах развитых государств. В юридической литературе он был в образе условно собирательного термина. Термин «интеллектуальная собственность» был установлен на законодательном уровне Конституцией Республики Узбекистан и Гражданским кодексом, которые заложили так называемый «правовой фундамент».

Интересы новаторов и их защита с каждым днём обретают всё большую актуальность в век цифровой трансформации и интеграции экономик мира, в свою очередь это порождает вопросы правового регулирования данных процессов. Любая экономика строится на возведении в приоритет инновационной деятельности, которая в свою очередь основывается на

интеллектуальной собственности. Исходя из этого, обеспечение гарантии защиты прав и законных интересов патентообладателей является важнейшим направлением. Ниже по тексту мы будем рассматривать виды механизмов осуществления правовой охраны интересов патентообладателей. Во-первых, нужно определиться с самим термином патентного (изобретательского) права.

Находим обязательным отметить и тот факт, что термин «интеллектуальная собственность» признан в международном праве: в 1883 году он был использован в Парижской Конвенции по охране промышленной собственности, которая по сей день остаётся важнейшим международным соглашением, направленным на охрану промышленных прав, в 1967 г. – в Стокгольмской Конвенции, учреждающей Всемирную организацию интеллектуальной собственности (ВОИС) [1]. Если обратить внимание на статью 8 последней Конвенции, можно прийти к решению, что понятие «интеллектуальная собственность», определённое упомянутой нормой, включает права, относящиеся к различным результатам интеллектуальной деятельности в различных областях, таких как производственная, научная и художественная. На сегодняшний день ряд развитых стран в своей законодательной практике активно и широко использует понятие «интеллектуальная собственность», а это такие страны как Китай, Швеция, Россия, Беларусь и др.

Для определения правовой природы интеллектуальной собственности современные зарубежные исследователи указывают несколько характерных особенностей. Например, Wendy J. Gordon выделяет пять основных характеристик: вид объекта – нематериальные образы как результаты творческой деятельности человека; природа ограниченных прав на нематериальный объект и соответствующие средства его правовой защиты (remedies); определение критериев предоставления имущественных или иных прав на нематериальный объект; конкретные преимущества и привилегии, пределы осуществления и защиты прав на нематериальный объект; способы перехода прав и возможность передачи этих прав и привилегий [2].

В зарубежной правовой литературе [3] интеллектуальная собственность характеризуется как определенная форма выражения нематериальных образов, имеющих стоимостную оценку (нематериальные активы) и способных воплощаться и воспроизводиться в материальных носителях (объектах). Эти нематериальные образы могут быть выражены в различных формах, например, словесные образы, символы, генные сегменты, настройки в компьютере, физические структуры, процессы, цвета и звуки. Как говорят большинство исследователей: традиционное понятие «интеллектуальная собственность», недостаточно точно отражает его смысл. Это определение наталкивает на мысль, что существует некая вещь, которой можно владеть и осязать. Большинство учёных-юристов определяют интеллектуальную собственность как всего лишь концептуальную структуру, включающую в себя нематериальные продукты – нематериальную собственность («intangible property»).

Патентное право – это второй правовой институт, который входит в систему подотрасли «право интеллектуальной собственности» на ряду с авторском правом. Мы согласимся с мнением таких авторов, как Пиленко А.А., Отаназаров Б.С., Шестаков Д.Ю., Целиков С.С. которые считают, что патентное право регулирует такие отношения, как: имущественные, а также связанные с ними личные неимущественные, которые возникают в связи с созданием и использованием изобретений, полезных моделей и промышленных образцов [4].

В свою очередь, одними из важнейших норм, регулирующих отношения между субъектами патентного права являются: нормы международных договоров, участником которых является Республика Узбекистан. В 1991 году Узбекистан вошел в ВОИС и присоединился к странам, которые соблюдают важнейшие международные соглашения администрируемые ВОИС, нацеленные на узаконенное использование объектов интеллектуальной собственности, и специальный Закон Республики Узбекистан от 29.08.2002 г. № 397–II «Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах».

Согласно ст. 10 вышеуказанного Закона патент на объект промышленной собственности выдается:

- автору (соавторам) объекта промышленной собственности или его (их) наследнику (наследникам);

- юридическим и (или) физическим лицам (при условии их согласия), которые указаны автором или его наследником в заявке на выдачу патента либо в заявлении об изменении заявителя, поданном в Агентство до регистрации объекта промышленной собственности;

- работодателю в случаях, предусмотренных настоящей статьей.

В соответствии с ст. 11 данного Закона патентообладателю принадлежит право на использование объекта промышленной собственности по своему усмотрению, если такое использование не нарушает прав других патентообладателей, включая право на запрещение использования указанного объекта другими лицами, за исключением случаев, когда такое использование в соответствии с настоящим Законом не является нарушением права патентообладателя.

Взаимоотношения по использованию объекта промышленной собственности, принадлежащего нескольким патентообладателям, определяются соглашением между ними. При отсутствии такого соглашения каждый патентообладатель может использовать охраняемый объект промышленной собственности по своему усмотрению, но не вправе предоставить на него исключительную лицензию или передать патент другому лицу без согласия остальных патентообладателей

Важно отметить, что согласно данной норме патентообладатель может передать удостоверяемое патентом право на объект промышленной собственности любому юридическому или физическому лицу (лицам) по договору об уступке патента или право использования объекта промышленной собственности по лицензионному договору. Договор об уступке патента и лицензионный договор подлежат регистрации в Агентстве по

интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции Республики Узбекистан.

Патентообладатель может использовать предупредительную маркировку, указывающую на то, что используемые объекты промышленной собственности запатентованы.

Важно отметить, что согласно действующему законодательству при неиспользовании или недостаточном использовании патентообладателями объекта промышленной собственности в течение трех лет с даты его регистрации любое лицо, желающее и готовое использовать охраняемый объект промышленной собственности, в случае отказа патентообладателя от заключения лицензионного договора может обратиться в суд с ходатайством о предоставлении ему принудительной неисключительной лицензии.

В соответствии с ч. 3 ст. 13 данного Закона лица, использующие объект промышленной собственности в нарушение исключительного права патентообладателя, обязаны по требованию патентообладателя:

- прекратить действия, нарушающие исключительное право патентообладателя;

- возместить патентообладателю понесенные им убытки в соответствии с законодательством.

Сложившаяся в условиях рыночной экономики традиция развития и рационального использования природных ресурсов государства служит особой причиной регулирования селекционной деятельности. Другой причиной являются особенности самого объекта интеллектуальных прав - селекционных достижений, которые представляют собой биологические объекты, живые организмы, обладающие генетически обусловленными признаками [5].

Таким образом, стоит отметить, что формирование и дальнейшее развитие объектов интеллектуальной собственности, обуславливается, прежде всего, необходимостью создания крепкой правовой базы, которая будет обеспечивать правильное функционирование законодательства

применительно института интеллектуальной собственности, в нынешних условиях рыночной экономики.

Список использованной литературы

[1] Республика Узбекистан является участником Конвенции, учреждающей Всемирную организацию интеллектуальной собственности 25 декабря 1991 г. Декларация о вступлении в силу конвенции, учреждающая Всемирную организацию интеллектуальной собственности от 5 мая 1967 г.

[2] Wendy J. Gordon. Intellectual Property. The Oxford Handbook of Legal Studies./ Peter Cane and Mark Tushnet, eds. Oxford University Press. October 2013. С- 618. Available at SSRN: <http://ssrn.com/abstract=413001>

[3] Catherine Colston, Jonathan Galloway. Modern Intellectual Property Law. 3-d edition. Taylor& Francis Library. 2010 с.2-4 ; Ove Granstrand. The Economics and Management of Intellectual Property: Towards Intellectual Capitalism. Edward Elgar Publishing Ltd. Cheltenham, UK, 2000. –С. 18, 75-76. ; Peter Menell, Suzanne Scotchmer. Intellectual Property. HANDBOOK OF LAW AND ECONOMICS. 2005. UC Berkeley Public Law Research Paper No. 741724. С.-1-2. Available at SSRN: <http://ssrn.com/abstract=741424>;

[4] Отаназаров Б.С. Патентшуносликнинг умумий асослари. Т.:Шарк нашриёти, 2009. Б. 47; Пиленко А.А. Право изобретателя. — М.: «Статут», 2011. С. 19; Шестаков Д.Ю. Интеллектуальная собственность: теоретико-институциональный и гражданско-правовой анализ. Монография. М., 2009, С. 54

[5] Халипова Е.В. Интеллектуальная собственность. Проблемы комплексных исследований. — М., 2017. С. 18



МИНИСТЕРСТВО
ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



R
RESEARCH
SUPPORT CENTER



Институт Прогнозирования и
Макроэкономических Исследований
Institute of Forecasting and
Macroeconomic Research



МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ
И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2-Шўъба

**“ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА РАҚАМЛИ
ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ, УНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ”**

**ЎзМУЖФ илмий ва инновациялар бўйича директор ўринбосари,
техника фанлар доктори, профессор,
Ахатов А.Р.
Самарқанд давлат университети таянч докторанти,
Назаров Ф.М.**

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА МАЪЛУМОТЛАР ХАВСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Аннотация. Мазкур ишда рақамли технологиялар ёрдамида бошқариладиган жараёнларни автоматлаштириш ва уларнинг таркибидаги маълумотлар хавсизлигини таъминлаш масаласи тадқиқ этилган. Бошқариладиган жараёнларни математик моделлари ва бу моделларнинг ечимларининг амалий натижалари келтириб ўтилган. Бошқариладиган ахборот тизимларининг маълумотлар хавсизлигини блокчейн мезанизмлари асосида таъминлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган ва батафсил ёритилган.

Калит сўзлар. Рақамли технология, бошқариладиган жараёнлар, автоматлаштириш, блокчейн технологияси, ностационар жараёнлар, математик модел, маълумотлар хавсизлиги.

Ўзбекистон республикаси президентининг 2020 йил олий мажлисга мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизмлари сифатидада рақамли технологиялар ёрдамида бошқариладиган жараёнларни автоматлаштириш ва уларнинг таркибидаги маълумотлар хавсизлигини таъминлаш масаласи кўйилди. Рақамли технологиялар асосида республикамизнинг ижтимоий – иқтисодий жараёнларини бошқариш ва рақамли технологиялар асосида бу жараёнларни барқарорлаштириш вазифаси белгиланди. Рақамли технологиялар нафақат иқтисодий кўрсаткичларни ошишига балким аҳолига хизмат кўрстиш сифатини оширишга ҳам катта хизмат қилади. Жараёнларни инсон омилисиз бошқариш иш самарадорлигини кескин ошишига олиб келади. Ҳозирги вақтда барча соҳаларни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамиятнинг барча соҳаларига ахборот технологияларини жадаллик билан кириб бориши билан ахборот

хавсизлигини таъминлаш муоммоси ҳам ортиб бормоқда. Ахборот технологияларнинг кескин ривожланиши ва ахборот оқимларининг тобора ортиб бориши, маълумотларнинг кескин ўзгариши каби ҳолатлар инсониятни бу маълумотларни ўз вақтида қайта ишлаш чораларини қидириб топишга ундайди. Жараёнларни бошқаришни автоматлаштириш ва улар таркибидаги маълумотлар хавсизлиги таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда. Автоматлаштирилган тизимларни барпо этишдан асосий мақсад жараёнларнинг инсон омилсиз тезкор ҳолатда бошқариш, ахборот жараёнларини автоматлаштиришга қодир тизим маълумотларини ҳар томонлама ишлаб чиқишдан иборатдир.

Юқорида келтирилган фикр ва вазифалардан келиб чиқиб ностационар системалар асосида жараёнларни бошқаришни автоматлаштириш ва блокчейн механизмларини тақсимланган маълумотлар базасига қўллаш асосида маълумотлар хавсизлигини таъминлаш тадқиқ этилади.

Бошқариладиган жараёнларни фундаментал тадқиқ этишда, одатда улар ностационар тизимларда ифодаланади. Бундан келиб чиқиб қуйидаги ностационар система моделини таклиф этамиз.

$$\begin{cases} x_{t+1} = A_t x_t + B_t u_t + z_t \\ x_t|_{t=0} = x_0 \end{cases} \quad (1)$$

$$\lambda_t = H_t x_t + q_t \quad (2)$$

$$y_t = L_t x_t \quad (3)$$

Бу ерда $x_t \in R^n$ - ностационар объектнинг ҳолатини ифодалайди, $u_t \in R^m$ - бошқарувчи таъсир, $\lambda_t \in R^l$ - кузатишлар, назорат системасининг чиқиш параметрлари, $y_t \in R^n$ - бошқарилувчи чиқишлар, A_t, B_t, H_t, L_t - жараёнларнинг тегишли параметр ўлчамларининг матрицалари сифатида қаралади.

Иқтисодий жараёнларда бир қанча ташқи таъсир чекловлари мавжуд бўлади. Иқтисодий жараёнлардаги ҳархил чекловларнинг параметрларини қуйидаги тенгламалар орқали ифодаланади.

$$\alpha_1(t) \leq D_1 x_1 \leq \alpha_2(t) \quad (4)$$


$$\varphi_1(x_t, t) \leq D_2 u_t \leq \varphi_2(x_t, t) \quad (5)$$

Бу ерда D_1 ва D_2 чекланишларга қўйиладиган x_t ва u_t векторлар компоненталарини аниқловчи ноллар ва бирлардан иборат тўлиқ рангдаги структурали матрицалар; $\alpha_1(t), \alpha_2(t), \varphi_1(x_t, t), \varphi_2(x_t, t)$ - берилган, векторлар ўлчовларининг вектор функциялари ҳисобланади.

Юқоридаги системани берилган чекланиш шартларини инобатга олган ҳолатда Калман экспольаторлари ва Нейрон тармоқлари орқали ечиб башоратловчи ва адабтив статистик моделларни куриш имконияти яратилади. Башоратловчи ва адабтив статистик моделлар асосида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг оптималлаштириш мумкин.

Ишлаб чиқилган фундаментал моделлар асосида яратилган ахборот тизимларининг маълумотлар хавсизлигини тامينлаш учун блокчейн механизмларидан фойдаланилади. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида, тармоқ технологияси асосида ишлайдиган ахборот тизимлари маълумотлар ишончилигини оширишда тақсимланган реэстр технологияларидан фойдаланиш ахборот ишончилигини таъминлашнинг янгича ёндашуви ҳисобланади.

Дастлаб блокчейн технологияси Satoshi Nakamoto (Япония) томонидан 2008 йилда таклиф қилинган ва биринчи марта 2009 йилда Bitcoin тизимида қўлланилган. Блокчейн (англ. blockchain) - бу технология, маълумотни криптографик усуллардан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилувчи блоklar занжирида йиғишни ўз ичига олади. Блокчейн технологиясининг ишлаш схемаси қуйидаги 1- расмда тасвирланган.



1 – расм. Марказлашган ва блокчейн технологияси

Блокчейн механизмларини тармоқ технологияларида ишлашга мўлжалланган ахборот тизимларига қуйидаги алгоритм асосида қўлланилади:

5. блокларни интернет тармоғида тақсимланишига қарамай, аслида ҳар бир маълумот тармоқнинг ихтиёрий жойида блок таркибига кириш учун шифрланган ҳолатда сақланади, бу эса кириш маълумотларини хавфсиз сақлашга имкон беради;
6. бунда криптографиянинг энг самарали шифрлаш усулларини ишлаб чиқилади;
7. шифрлашнинг ёпиқ калити динамик равишда блок занжирининг параметрларига боғланади.

Бу алгоритм асосида яратилган тизим маълумотлар базасига рухсат этилмаган шахслар ҳужум қилса бунда занжир таркибидаги маълумотни очиш учун занжирнинг ҳар бир тугунини очиб чиқишига тўғри келади. Бу эса жуда кўп вақтни таълаб этади бу вақтда қўлга киритиши лозим бўлган маълумот фойдасиз ҳисобланади.

Тадқиқот ишида бошқарув моделлари бўйича ишлаб чиқилган механизмлар асосида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни бошқаришни оптималлаштириш ва блокчейн механизмлари асосида уларнинг маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш имконияти яратилади.

Хулоса

Бажарилган тадқиқотда рақамли технологиялар асосида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни бошқариш самарадорлиги тадқиқ этилди. Бошқарув жараёнларини оптималлаштиришнинг математик моделлари келтириб ўтилди.

Бошқариладиган ахборот тизимларининг маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш механизмлари тадқиқ этилди. Маълумотлар хавфсизлигини таъминлашда блокчейн технологиясини қўллаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган механизм ва алгоритмлар иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш ва маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш учун асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Ахатов.,Ф.М.Назаров. Разработка модели прогнозирования временных рядов нестационарных дискретных систем на основе нейронной сети. Проблем информатики международный научный журнал-2018 г. №2. [34-50]б.
2. Akhatov A.R, Nazarov F. M. Methods of Implementation of Blockchain Technologies on the basis of Cryptographic protection for the Data processing System with Constraint and Lagging into Electronic Document Management. Journal Herald of Computer and Information technologies. vol.10. P. 3–13. Moscow.2019.

**Ташкентский государственный экономический университет,
профессор кафедры Бухгалтерского учета,
Эргашева Шахло Турғуновна**

**Ташкентский государственный экономический университет,
ассистент кафедры бюджетный учет и казначейство,
Маннопова Раъно Аброровна**

АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ТЕНДЕНЦИИ ЦИФРОВЫХ СИСТЕМ ПРЕДПРИЯТИЙ СЕЛЬСКОГО И ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы ведения и применение цифровых систем предприятий сельского и водного хозяйства.

Ключевые слова: управления, коэффициент эффективности, финансовое состояние, блокчейн.

Одной из наиболее важных проблем национальных товаропроизводителей сельского хозяйства является повышение их

конкурентоспособности. Успешное управление конкурентной позицией сельскохозяйственного предприятия возможно организовать за счет изменения подходов к организации производства и управления. Основой таких подходов является внедрение интегрированных цифровых систем на базе вычислительных комплексов для управления предприятием. Подобные системы являются программой реализации методологий, базирующихся на популярных во всем мире стандартах управления. Причем под стандартом управления необходимо понимать стандарт функционального рассмотрения процессов (производства, логистики, финансов, маркетинга) и их результатов во взаимосвязи. Эти стандарты дают возможность упорядочить и синхронизировать процессы в реальном времени.

Как нам известно цифровая экономика это парадигма, основанная на цифровых технологиях, связанная с электронным бизнесом и электронной коммерцией, и производимых и сбываемых ими цифровыми товарами и услугами. Расчёты за услуги и товары цифровой экономики производятся зачастую электронными деньгами цифровой валютой. В связи с этим возможности цифровой экономики и блокчейна в Узбекистане оцениваются как весьма перспективные. В Узбекистане от 2 сентября 2018 года дан старт свободной деятельности компаний в сфере оборота крипто-активов и технологий блокчейн. Более того, эти технологии внедряются в государственный сектор на условиях государственно-частного партнёрства. А также создан Фонд «Цифровое доверие», в задачи которого включено привлечение инвестиций, реализация перспективных проектов в сфере развития цифровой экономики, в том числе связанных с внедрением технологий блокчейн, а именно: в область автоматизированной системы реестров для Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники (ГУП) [1].

Необходимость внедрения цифровых технологии на основе современных стандартов управления очевидна. Однако на большинстве

предприятий этому вопросу уделяется недостаточное внимание. Те же предприятия, которые внедряют у себя автоматизированные системы управления, и таких становится все больше и больше, доказывают своей успешной экономической деятельностью необходимость развивать цифровых технологии на остальных предприятиях.

Впервые научно обоснованные рекомендации по оптимизации распределения и использования ресурсов были даны в 1939 году Канторовичем Л. В. (Математические методы организации планирования производства. Изд-во ЛГУ.-1939.). В последующем большой вклад в развитие автоматизированных систем управления внесли многие ученые. Их труды позволили успешно использовать автоматизацию для управления предприятиями. С переходом к рыночным отношениям прежние информационные системы нуждаются в серьезном развитии, в то же время цифровые технологии во всем мире ушли далеко вперед. Поэтому работы многих ученых направлены в основном на использование в цифровых системах зарубежных апробированных стандартов управления. Рекомендации многих ученых практически сосредоточены на проблемах внедрения и эксплуатации цифровых систем управления. Вопросы же оценки их экономической эффективности отошли на второй план, несмотря на то, что традиционные методы оценки экономической эффективности цифровых систем управления имеют серьезные ограничения. Следовательно, высокую актуальность имеют научные исследования, посвященные разрешению этой сложной проблемы[2-5].

В последнее время наблюдается тенденция к объединению различных типов цифровых технологий в единый интегрированный комплекс. Особое место в нем принадлежит методологиям, отражающим функции управления, реализованных в программном обеспечении информационных систем. Такие системы можно назвать цифровыми системами управления (ЦСУ). ЦСУ проектируются как сложный информационно-технологический и программный комплекс. Он поддерживает единый способ представления

данных, обеспечивает информационные и вычислительные потребности специалистов. Теоретический анализ позволил уточнить определение ЦСУ. Цифровая система управления (ЦСУ) предприятия – это информационная система на базе электронно-вычислительного комплекса, интегрированная в бизнес процессы предприятия и управляющая некоторым набором ресурсов (производственные мощности, финансовые активы, кадры, МТС и т.д.) предприятия. ЦСУ, таким образом, систему представляет собой преобразования информации в производственный ресурс.

Анализ уровней развития цифровых технологий страны показывает, что объем производства в основных отраслях, пользующихся программными продуктами, невелик по сравнению с другими развитыми странами. Соответственно национальные компании обладают меньшими средствами, которые они могут вложить в покупку программных продуктов. Кроме того, в экономике спрос на компьютерные программы, способствующие повышению производительности, ограничивается тем, что рост производительности во многих отраслях не ведет к повышению уровня прибыльности или рыночному успеху. В целом, в экономике практически мало высокопроизводительных предприятий. Вследствие этого, компании вкладывают непропорционально малую долю своей выручки в приобретение программных продуктов и проектных услуг.

Для анализа состояния развития цифровых систем в нашей стране изучена деятельность многих предприятий различных форм собственности, разнообразных по размеру и масштабам деятельности в различных отраслях за последнее пятилетие. Анализ и оценка их состояния позволили выявить тенденции и закономерности развития информационных систем управления на предприятиях, основой которых является состояние отраслей. В таблице 1 представлены краткие характеристики состояния ЦСУ предприятий по отраслям.

Таблица 1

Краткие характеристики развития цифровых технологий в отраслях экономики

| Отрасль | Уровень развития ЦСУ | Состояние парка ВТ |
|-----------------------------|--|---|
| Авиастроение | На предприятиях используются ЦСУ | Требуется дооснащение современной ВТ |
| Автомобилестроение | На предприятиях внедряются современные ЦСУ | Большинство предприятий оснащено достаточно современной ВТ |
| Легкая промышленность | Неравномерный уровень развития ЦСУ | Многие предприятия требуют значительного дооснащения ВТ |
| Медицинская промышленность | Неравномерное развитие ЦСУ | Недостаточное количество ВТ на предприятиях |
| Нефтедобывающая | На предприятиях низкий уровень АРМ, необходимо внедрять корпоративные ЦСУ | Предприятия оснащаются современными ВТ |
| Пищевая промышленность | На предприятиях низкий уровень АРИ, необходимо внедрять системы класса MRP II | На некоторых предприятиях достаточное оснащение современными ПК |
| Торговля | На предприятиях нормальный уровень АРМ, на некоторых из них используются маркетинговые системы и средства Интернет | Многим предприятиям необходимо дооснащение современными ВТ и системами считывания штрих кодов |
| Химическая промышленность | На предприятиях используются современные ЦСУ | Предприятия недостаточно оснащены современными ВТ |
| Энергетика | На предприятиях используются современные ЦСУ | ВТ на предприятиях недостаточно, необходимо их обновление |
| Сельское и водное хозяйство | Не используется ЦСУ | Требуется оснащение ВТ |

информационных систем управления с учетом их отраслевой специфики можно определить на основе уравнения вида:

$$NA = A_0 + A_1 * OS + A_2 * TP + A_3 * B, \quad (1)$$

где **NA** - нематериальные активы (тыс. сум); **A₀** - свободный член уравнения, определяющий влияние неучтенных факторов; **A₁**, **A₂**, **A₃** – коэффициенты приведения; **OS**- основные средства (тыс. сум); **TP** – товарная продукция (тыс. сум); **B** – активы предприятия.

Подставив соответствующие финансовые показатели конкретного предприятия в уравнение соответствующей группы, можно сделать заключение о финансовой возможности внедрения ЦСУ.

Для определения экономической эффективности автоматизированных систем управления на предприятиях можно использовать уравнение регрессии, но основной акцент необходимо сделать не на нематериальные активы, а на показатели наличия цифровых технологий.

$$NU = A_0 + A_1 * NA + A_2 * OS + A_3 * B, \quad (2)$$

Где, NU- наличие ЦСУ.

При расчете нормативного коэффициента эффективности (К) информационной системы необходимо вычислить средний срок обновления в годах персональных компьютеров и программного обеспечения, периодичность обучения персонала, задействованного в информационной системе, а так же цену на эти элементы информационной системы (табл.2).

Таблица 2

Обновление элементов ЦСУ

| Статьи затрат | Средний срок обновления, год | Средняя цена, тысяч сум. | Доля от общей стоимости затрат, % |
|--------------------------|------------------------------|--------------------------|-----------------------------------|
| Персональный компьютер | 2,25 | 829 902 | 59,3 |
| Программное обеспечение | 2,86 | 314 428 | 22,5 |
| Обучение одного человека | 4,00 | 188 400 | 13,5 |
| Прочие расходы | 0,08 | 66 645 | 4,7 |
| Всего | | 1 399 575 | 100 |

На основании процентного соотношения затрат и средних сроков обновления элементов информационной системы можно определить средний срок окупаемости (C=2,522) и коэффициент эффективности информационной системы (K=0,397).

Таким образом, выявленные тенденции и закономерности развития цифровых систем управления на предприятиях позволяют выделить среди них такие предприятия, где имеются высокотехнологичные производственные мощности, способствующие оперативной апробации современных ЦСУ и дальнейшему их совершенствованию. Характерные отраслевые особенности предприятий и их связь с уровнем развития цифровых систем управления заключаются в основном в технологической оснащенности основной массы предприятий данной отрасли и общим финансово-экономическом состоянии отрасли. Поэтому предопределяется необходимость разработки новых подходов к оценке необходимых затрат на применение информационных систем управления предприятиями на основе сравнения показателей экономической эффективности. Затем необходимо обосновать нормативные коэффициенты эффективности затрат на развитие информативных систем предприятий, учитывающих как структуру затрат на информационные системы, так и дифференциацию сроков окупаемости отдельных компонентов информационных систем. Все это может способствовать ускорению внедрения ЦСУ и мультиплицировать имеющийся позитивный опыт использования цифровых систем управления на различных предприятиях водного и сельского хозяйства. На основе этого подхода можно разработать рекомендации по улучшению финансового состояния и ориентированные размеры эффективных инвестиций с применением цифровых технологий на предприятиях сельского и водного хозяйства с учетом отраслевых особенностей.

Список использованной литературы

1. Постановления Президента Республики Узбекистан № 3832 от 3 июля 2018 года «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан»

2. Матвеев Игорь Андреевич. Электронная экономика: сущность и этапы развития // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. — 2012. — Вып. 6 (42).
3. Что нужно знать о цифровой экономике и ее перспективах. Коммерсант. kommersant.ru (26 августа 2016).
4. Валерий Чумаков. Стратегии цифрового лидерства // В мире науки. — 2019. — № 10. — С. 70-77.
5. Электронный ресурс. - Режим доступа: <http://www.ebiblioteka.ru>

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
“Солиқлар ва солиқ солиш” кафедраси мудири, и.ф.д.
Ниёзметов Исломбек Машарипович**

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФИСКАЛ ЮМШАТИШЛАР

***Аннотация.** Барчамизга маълумки, бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда рўй берган COVID-19 (коронавирус) пандемияси ва у билан боғлиқ инқироз ҳолатлари миллий иқтисодиётимизга ҳам салбий таъсир қилмасдан қолмайди. Пандемия даврида иқтисодий фаоллик, бандлик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, истеъмол ва бошқа иқтисодий жараёнлар табиий равишда сустлашади.*

***Калит сўзлар:** фискал сиёсат, тушум, солиқ, имтиёз, ставка*

Бундай шароитда иқтисодий ва унинг орқасидан келиб чиқадиган ижтимоий инқироз ҳолатларининг кучайиб кетишини олдини олиш учун давлат томонидан тезкор чоралар кўрилиши шарт. Шунинг учун ҳам айтиладики, энг яхши қарор, бу – вақтида қабул қилинган қарордир!

Шу муносабат билан мамлакатимизда ҳам бу борада тезкор чоратadbирлар ишлаб чиқилгани, хусусан давлатимиз раҳбарининг март-апрел ойларида кетма-кет қабул қилинган фармонлари ва қарорлари миллий иқтисодиётимизга коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини юмшатишга имкон беради.

Бу борада биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли⁵⁹ ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли⁶⁰ фармонларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжатларда пандемия даврида иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун қатор енгилликлар, фискал юмшатишларни амалга ошириш кўзда тутилди.

Хусусан, фуқаролар учун уларнинг 2019 йил жами даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 августга қадар, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати эса 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилди. Жисмоний шахслар учун кўзда тутилган мазкур енгилликлар ҳозирги ҳаракатланиш чеклови ўрнатилган шароитида фуқароларнинг ўз солиқ мажбуриятларини кечиктирилган муддатларгача қийналмасдан бажариш имкониятини беради.

Президентнинг ПФ-5969-сон Фармонида кўра жисмоний шахсларнинг хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида оладиган даромадлари 2020 йил 1 апрелдан бошлаб солиқдан озод қилинади. Бундай солиқ имтиёзининг киритилиши пандемия шароитида ва ундан кейинчалик ҳам қийин турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларни моддий қўллаб-қувватлашни янада рағбатлантиради.

Юқорида ҳавола қилинган ҳужжатлар орқали тадбиркорлик субъектлари учун ҳам қатор солиқ енгилликлари кўзда тутилди. Хусусан, 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда ҳар қандай якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтиради. Бошқача айтганда, шу пайтга қадар ойига 223000 сўм миқдори⁶¹ да ижтимоий солиқ

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 19 март, ПФ-5969-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 06/20/5969/0341-сон)

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 3 апрель, ПФ-5978-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон)

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори,

тўлаб келаётган тадбиркорлар апрел ойидан бошлаб олти ой давомида бу солиқни 111500 сўм миқдорида тўлайди.

Шунингдек, пандемия сабабли ўз фаолиятини тўхтатган ёки тушуми жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртача ойлик тушум миқдorigа нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайиб кетган кичик тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 1 октябрга қадар айланмадан солиқ, ижтимоий солиқ, мол-мулк, ер ва сув солиқларини фоизсиз кечиктириш имконияти берилади. Солиқларни бундай кечиктириб тўлаш ҳуқуқи уларни кейинчалик 12 ой давомида (ижтимоий солиқни эса 6 ой давомида) тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан тақдим этилди.

Карантин режими мобайнида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган яққа тартибдаги тадбиркорлар учун эса қатъий белгиланган даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатиб турилади. Бунда фаолиятни тўхтатганлик тўғрисида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ органлари хабардор қилинади ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани топшириш талаб этилмайди.

Юқоридаги енгилликлар кичик бизнес субъектларини пандемиянинг салбий молиявий оқибатларидан сақлаб қолади.

Бундан ташқари, юқорида таъкидланган президент фармонларида тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин бўлган яна бир қатор фискал юмшатишлар кўзда тутилган. Хусусан, 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар:

- бирламчи эҳтиёж (озик-овқат, гигиена ва бошқа) товарларини олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланди;
- қишлоқ хўжалиги ерлари учун фойдаланиладиган сув солиғининг 2020 йил учун белгиланган ставкаси 2 баравар пасайтирилди;
- туризм соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари ва авиа хизматларни кўрсатувчи корхоналар ер ва мулк солиқларини тўлашдан

озод қилинди, ижтимоий солиқни эса камайтирилган 1 фоизлик ставкада тўлайди;

- тушуми ойига бир миллиард сўмдан ошмайдиган тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғини чорақда бир марта тўлаш ҳуқуқи берилди;

- фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектларига нисбатан мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек, 2020 йилнинг биринчи чорагида ушбу солиқлар бўйича оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тартиби тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5969-сон Фармонида Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига туризм соҳасида банд якка тартибдаги тадбиркорлар даромад солиғи ставкасини 30 фоизга камайтириш тавсия қилинди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк, ер ва сув солиқлари бўйича ҳеч қандай фоизлар ундирмасдан 6 ойга кечиктириш тақдим этиши, бунда, бошқа ҳужжатларни талаб қилмасдан, фақат солиқ тўловчининг аризаси ҳамда ҳудудий Молия бошқармаларининг хулосалари асосида енгиллик берилиши белгиланди.

Шунингдек, мазкур фармонга кўра 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мулк, ер ва сув солиқлари бўйича пеня ҳисоблашни, шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини тўхтатиб туради. Ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун корхоналарга жарималар қўллаш ҳам тўхтатилади. Бундан ташқари, 2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 мартдаги ПҚ-4662-сон Қарори⁶²га биноан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган режим амал қилиш даврида энг зарур дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё, материаллар ва субстанциялар импортида божхона божлари ундирилмаслиги белгиланди.

Пандемия сабабли жойларда тадбиркорлик фаоллигининг пасайиб кетиши, шунингдек тадбиркорлик субъектларига солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктиришлар тақдим этилиши муносабати билан маҳаллий бюджетларнинг олинмай қоладиган даромадлари ўрнини тўлдириш 3 йилгача бўлган муддатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан қопланади. Бу ҳудудларда ижтимоий муаммоларнинг олди олинishi ва маҳаллий ҳокимият органлари функционал вазифаларининг узлуксиз бажарилишини таъминлайди.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа фискал энгилликлар мамлакатимизда COVID-19 пандемиясининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини сезиларли даражада юмшатишга, иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қийин иқтисодий вазиятдан олиб чиқиб кетишга албатта имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 19 март, ПФ-5969-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 06/20/5969/0341-сон)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

⁶² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 27 март, ПҚ-4662-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.03.2020 й., 07/20/4662/0365-сон)

тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 3 апрель, ПФ-5978-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 30 декабрь, ПҚ-4555-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2020 й., 07/20/4555/4257-сон)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 27 март, ПҚ-4662-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.03.2020 й., 07/20/4662/0365-сон)

**Ташкентский Государственный экономический Университет,
и.ф.д. профессор Қадиров А.М.**

**Ташкентский Государственный экономический Университет,
и.ф.д. профессор Ахмедиева А.Т.**

ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. В данной статье рассматриваются преимущества для субъектов образовательной деятельности в условиях дистанционного обучения и сетевого взаимодействия

Ключевые слова: образования, ИКТ, ресурсы, модель.

Тенденции развития мировой экономики, связанные с использованием информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), позволяют сделать вывод, что в обществе и экономике формируется информационное общества, основу которой составляют производство и потребление различных информационных ресурсов.

Под электронным обучением понимается организация образовательной деятельности с применением содержащейся в базах данных и используемой при реализации образовательных программ информации и обеспечивающих ее обработку информационных технологий, технологических средств, а также информационно-телекоммуникационных сетей, обеспечивающих передачу по линиям связи указанной информации, взаимодействия обучающихся и педагогических работников.

Под дистанционными образовательными технологиями понимаются образовательные технологии, реализуемые в основном с применением информационно-телекоммуникационных сетей при опосредованном (на расстоянии) взаимодействии обучающихся и педагогических работников».

Образование в любом развитом обществе выступает в качестве ведущего социального института, решающего целый комплекс важнейших задач, связанных с эффективной передачей новым поколениям граждан ценностей и опыта, накопленных предыдущими поколениями, в качестве основы дальнейшего развития. Этим обусловлена сложная и многоуровневая структура современных образовательных систем. В этих системах выделяются отдельные блоки, выполняющие специфические задачи в интересах крупных социальных групп со своими целями, условиями и механизмами их достижения.

Под ресурсами организации следует понимать человеческие, материально-технические и иные ресурсы, на практике обеспечивает увеличение доступности высшего образования для студентов заочников, либо во время чрезвычайных ситуаций карантина, а так же компактно проживающих в поселениях, удаленных от крупных университетских центров т.п..

Принципиально ничто не изменится, если субъект дистанционного взаимодействия обеспечивает доступ к иным свободным ресурсам (компьютерным классам) и т.д. Преимущества реализации дистанционных

технологий обучения в условиях виртуального взаимодействия для всех субъектов образовательной деятельности представлены в табл.1.

Таблица 1

Преимущества для субъектов образовательной деятельности в условиях дистанционного обучения и сетевого взаимодействия

| № | Преимущества | | |
|---|---|---|---|
| | Для Университета | Для студента | Для Колледжа |
| 1 | Увеличение контингента студентов, достижение конкурентных преимуществ | Возможность получения качественного высшего образования в удаленных от университетских центров поселениях | Возможность использовать потенциал Университета для повышения компетентности преподавателей (профессиональная переподготовка, получение второго высшего образования и т.д.) |
| 2 | Сохранение кадрового потенциала вуза — поддержание «кадровой избыточности» | Снижение издержек (проезд, проживание ит.д.) | Дополнительные источники финансирования образовательной деятельности |
| 3 | Совершенствование технологий обучения за счет применения новых информационных технологий в учебном процессе | Благоприятные психологические условия обучения, положительно влияющие на мотивацию учения | |

Особую актуальность данные проблемы приобретают в рамках реализации мер предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года[1].

В мире получает развития «американская» модель школьного образования, и базируется она на конструктивистской теории.

«Американская» модель прагматична, максимально интернационализована и личностно ориентирована [2].

Разработки в области интернета и мультимедийных технологий - это основа, которая делает возможным развитие E-learning, где информационное наполнение, технологии и обслуживание считаются тремя ключевыми секторами E-learningиндустрии[3].

В вузах в частности, растет тенденция к созданию Виртуальной Обучающей Среды (Virtual Learning Environment- VLE) (которая иногда комбинируется с Информационной системой менеджмента (Management Information System- MIS) для создания Управляемой обучающей среды (Managed Learning Environment).

Исходя из большого разнообразия технических средств, в основу выбора технологий обучения должно быть положено следующее:

- постановка заданной цели (ожидаемые результаты обучения и способы их проверки);

- отбор содержания образования в соответствии с особенностями конкретной предметной области, преобладающего типа учебных заданий и упражнений, обеспечивающих формирование требуемых компетенций;

- учет уровня активности обучаемых, степени вовлеченности в учебный процесс (уровень интерактивности преподавания дисциплины);

- адаптивность технологий (наибольшее соответствие технологии психофизическим характеристикам обучаемых).

Существуют дисциплины, которые требуют большего взаимодействия между преподавателем и обучаемым в процессе контактов «лицом к лицу» или посредством видеоконференций. В то же время можно выделить дисциплины, в которых формирование требуемых компетенций может быть обеспечено при использовании менее дорогостоящих технологий обучения. Во многих учебных заведениях очень нерационально используются финансовые средства, поскольку дорогостоящие технологии типа телеконференций, спутникового телевидения применяются тогда, когда цели обучения могли бы

быть достигнуты и на базе требующих относительно небольших затрат технологий (лазерные диски, компьютерные обучающие программы, аудиоконференции и др.).

Наиболее эффективным при выборе технологий является мультимедиа подход (использование нескольких информационных технологий в учебном процессе). В этом случае может произойти качественное повышение результата образования, вследствие реализации положительных синергетических эффектов в результате воздействия нескольких технологий.

Существенным нам представляется тот факт, что при таком подходе к процессу обучения можно использовать рациональные идеи нейролингвистического программирования, а именно учет особенностей восприятия информации обучаемыми, в соответствии с которым можно выделить группы, в большей степени воспринимающих информацию визуально, на слух или кинестетически.

Разработанный проект он-лайн образование по предмету физика, повышает эффективность самостоятельной работы, дает совершенно новые возможности для творчества, обретения и закрепления различных профессиональных навыков, а преподавателям позволяет реализовывать принципиально новые формы и методы обучения с применением концептуального и математического моделирования явлений и процессов.

Также данная система позволяет вести непрерывный рост качества обучения в динамике, а по тестовым заданиям 3 и 4 степеней сложности выявляет наиболее талантливую молодежь. Трудно переоценить влияние дистанционного обучения к самообразованию, самоконтролю и скорости адаптации к новым информационным технологиям.

Особенности реализации проекта (исходя, из технико-экономических и методических возможностей определяется конкретный предмет по дистанционному обучению):

-система будет постоянно совершенствоваться и ее корректировка по мере изменения внешних и внутренних условий (в том числе появление новых

инструментариев информационных технологий) должна быть обязательной процедурой;

-для удобства абитуриентов программы формируются исходя из общей численности участников и уровня их подготовленности, территориальной доступности и возможностей ИКТ инфраструктуры;

Техническое оснащение пилотного проекта подразумевает:

-программное обеспечение и компьютерное оборудование, доступность и качества коммуникаций;

-процесс осуществляется в течении календарного года в соответствии с программой обучения, результаты обучения будут постоянно тестироваться и объявляются в онлайн режиме и выводятся в монитор, а также предоставляется в письменной форме;

-технология дистанционного обучения может осуществлять контроль знаний абитуриентов расположенных в данном регионе по соответствующим направлениям обучения (по одному предмету или группе предметов);

-технология дистанционного обучения может осуществлять обучение и формировать информационные ресурсы для преподавания курсов в он-лайн режиме (например, по физике);

-программа обучения осуществляет аналитическую деятельность, при этом инструменты графики и картограммы позволяют наглядно представлять информацию о состоянии образовательной системы регионов по данному предмету.

Технология производства видеоролика включает несколько этапов. На первом этапе происходит наполнение слайдов. На слайдах размещаются примеры решения задач, необходимые теоретические сведения, графики, видео, при этом применяются эффекты анимации, которые позволяют выделить и привлечь внимание к наиболее важной информации. Далее на готовые слайды накладывается голосовой комментарий. Преподаватель разъясняет и комментирует ход решения задачи и наиболее трудные для понимания вопросы. Заметим, что объем получаемого видео достаточно велик, поэтому целесообразно размещать его на внешних носителях в

Интернете, например, YouTube.com. В качестве тренажера для отработки навыка решения задач и контроля качества усвоения теоретического материала используется модуль «Тесты», который является одним из модулей.

Этот модуль может быть использован для контроля промежуточных результатов: в процессе решения задачи (как правило, решение включает несколько этапов), обучаемый последовательно отвечает на контрольные вопросы, которые оформлены в виде теста. Если ответ на вопрос неверен, то система выдает сообщение об ошибке и отправляет студента к указанному разделу лекций или аналогичному, уже рассмотренному в практикуме примеру.

Таким образом, можно сделать вывод, что постепенно происходит смена парадигмы мирового образования в сторону лично-ориентированного обучения, педагогики прагматизма. В этой новой модели компьютер и интернет занимают очень важное место и используются как для администрирования учебного процесса в целом, так и для организации некоторых видов учебной деятельности студентов и школьников, преимущественно связанных с освоением новых информационных технологий, формированием базового уровня компьютерной грамотности.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», № 06/19/5847г. 09.10.2019 г., Ташкент,
2. National Science Foundation, Science and Engineering Indicators 2010 // <http://www.nsf.gov/statistics/seind10/>.
3. Роговский Е.А. США: Информационное общество: экономика и политика. - М.: Междунар. отношения, 2008. — 407 с.

И.ф.д., проф З.Д. Адилова
ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази
кичик илмий ходим Б.А. Хонтураев
ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази
e-mail: idmon.88@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ШАРОИТИДА РАҚАМЛИ МОЛИЯ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш шароитида молия хизматлар бозорида рақамлаштириш тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари ёритилган бўлиб, рақамли молия хизматлар тушунчаси, унинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти, ушбу соҳани ривожланиш тенденциялари ўрганилиб, хулоса ва таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: макроиқтисодиёт, барқарорлик, рақамли молия, рақамли банклар.

Мамлакатимизда рақамли молия хизматлар бозорини ривожлантириш, аҳолини сифатли рақамли молиявий хизматлар билан қамраб олиш, истеъмолчиларнинг иқтисодий манфаатларини қўллаб қўватлаш, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги даврида молия хизматлар бозорида рақамли фаолиятни ташкил қилиш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Бунинг боиси, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиб бориши натижасида ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг турли йўналишларини рақамлаштириш, яъни кичик корхоналардан бошлаб давлат бошқарувидаги барча ташкилотларни қамраб олмақда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2018 йил “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”⁶³ги ПҚ-3620-сонли қарорида банк хизматлари оммабоплигининг долзарб муаммолари юзасидан мавзуга оид изланишлар олиб бориш, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни республика банк хизматлари бозорида қўллаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, банклар ва уларнинг мижозлари учун ахборот-таҳлилий ва консалтинг хизматларини ташкил этиш, масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илғор банк хизматлари турларини амалиётда жорий этиш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш каби вазифалар белгилаб берилганлиги рақамли молия хизматлар бозорини ривожлантириш зарурлигини англатади.

Рақамли молия хизматлар бозорининг ривожланиши бу бевосита молия индустриясига ахборот технологияларининг кириб келиши билан характерланади. XXI аср бошларига келиб банкларнинг ички ва ташқи жараёнлари, шунингдек мижозлари билан ўзаро муносабатлари тўлиқ рақамлаштирила бошланди. 1980 йилларда тижорат банкларига компютерлар кириб келиши 1990 йилларга келиб эса интернетнинг ривожланиши онлайн – банкинг, электрон тижорат банк моделларининг равнақ топишига олиб келди.

Бундан ташқари рақамли молия хизматлар бозори ривожланишининг яна бир муҳим омили бу дунё бўйлаб миллионлаб инсонлар учун интернетга кириш имконини берувчи смартфонларнинг оммавий бозорга кириб келиши билан изоҳланади. 2011 йилда “Гугл ҳамён” (Google Wallet) ундан кейин 2014 йилда “Аппл” тўлов (Apple pay) тизимининг ишга туширилиши одамларнинг турли хил молиявий хизматлардан фойдаланишлари учун тўлов воситасига айланди.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак дунёда мобил телефондан фойдаланувчилар сони 2019 йилга келиб 5,11 миллиарддан ошган[1].

Молия хизматлар бозорида ахборот технологияларнинг жадал тараққиёти, финтех (FinTech) компаниялар ва рақамли банкинг ривожланиши

⁶³ <https://lex.uz/docs/3593541>

рақобат муҳитини кескин равишда ошиб боришга олиб келмоқда. Бугунги кунга келиб ривожланган мамлакатларда тижорат банклари ўз хизматларини “Digital banking”, “mobil banking”, “neobanking”лар орқали тақдим этиб келмоқда. 2018 йил “PwC” томонидан **“Digital champions”** рақамли банк ривожланган мамлакатлар рейтинги тузилди, ушбу рейтингга кўра Данияда 89%, Норвегияда 87%, Швеция 86%, Хиндистон 45%, Россия 30%, Ўзбекистонда 9,58% аҳоли рақамли хизматлардан фойдаланувчиларни ташкил этган[2].

“Innovation in Retail Banking” 2018 йил ҳисоботида кўра, банклар истеъмолчи талабларига жавоб бериш учун **“Cloud technologies”** каби булутли технологиялардан, илғор таҳлиллар ва янги тарқатиш муқобилларидан фойдаланган ҳолда, рақамлаш ва инновацион ташаббусларнинг кўпайтиришига алоҳида аҳамият беришлари керак экан[3].

FIS халқаро компанияси маълумотларига кўра мижозларнинг умумий қониқиш даражаси бўйича Англиядаги рақамли банклар анъанавий банклардан ўзиб кетган. Британияликлар қатнашган сўровнома натижаларига кўра “рақамли банклар” мижозларининг 76% ўз молиявий муассасасидан “жуда мамнун” эканликларини қайд этган бўлсалар, дунёнинг Топ-50 рейтингига кирувчи банк мижозларида эса ушбу кўрсаткич 69%ни ташкил этган[4].

Рақамли молия хизматлар бозорининг афзалликлари шундаки, ушбу хизмат туридан фойдаланувчилар ўзларига қулай ва хамён боп бўлган хизмат турини танлаш имкониятига эга бўладилар. Чунки, рақамли молия – мобил телефонлар, шахсий компьютерлар, интернет ёки ишончли рақамли онлайн ва офлайн тўлов тизимида уланган карталар орқали тақдим этиладиган молиявий хизматлар бозоридир[5]. Рақамли молия кўплаб янги молиявий рақамли маҳсулотлар, молиявий хизматлар, молия билан боғлиқ дастурий маҳсулотлар, инновацион молиявий хизматлар провайдерлари ва финтех (FinTech) компаниялар томонидан тақдим этиладиган алоқа ва мижозларнинг ўзаро муносабатларининг янги шакллари қамраб олувчи жараён[5]. Рақамли

молиявий хизматлар анъанавий банк хизматларига қараганда қулайроқ ва арзонроқ бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда яшовчи қашшоқ одамларга молия тизимида маблағларни тежаш, кредит олиш, молиявий хизматлардан осонлик билан фойдаланиш ва истеъмол қилишга имконият яратиб беради[6].

Бундан ташқари рақамли молия хизматларнинг бир қанча афзаликлари мавжуд бўлиб, секин ривожланаётган мамлакатларнинг истеъмолчиларига арзон, қулай ва хавфсиз банк хизматларини тақдим этиш имкониятига эгадир. Сўнгги йилларда дунё бўйлаб рақамли молиявий хизматларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш яхшиланиши миллионлаб миждозларга касса операцияларидан хавфсиз рақамли платформалардан расмий рақамли молиявий операцияларга ўтишда ёрдам бериб келмоқда[7]. Шунингдек, рақамли молия хизматлари кичик, ўрта ва йирик бизнес эгаларига умумий харажатларни камайтириши мумкин бўлган турли хил молиявий маҳсулотлар, хизматлар ва кредитлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш орқали ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ўсишига ёрдам беради, бунинг натижасида мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги таъминланади.

“Шунингдек, рақамли молия хизматлар бозори умумий харажатларни кўпайтиришга ёрдам берадиган платформани тақдим этиш орқали ҳукуматга фойда келтиради, бу эса молиявий операцияларнинг ошиши натижасида солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади”[8]. Молиявий хизматларнинг рақамлаштирилиши натижасида фискал ва монетар сиёсатларнинг самараси ошади, шунингдек, рақамли молиялаштиришнинг тўлиқ амалга оширилиши банкдан ташқари сохта пуллар айланмасини сезиларли даражада камайтиради. Рақамли молия хизматларнинг бошқа афзалликларига тўхталадиган бўлсак, истеъмолчилар ўзларининг шахсий молиясини реал вақт режимида назорат қилиши, тезкор молиявий қарорлар қабул қилиши ва бир неча сония ичида тўловларни амалга ошириши мумкин бўлади.

Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра мамлакатимизда рақамли молия хизматлар бозорини ривожлантириш бўйича қуйидаги **муаммолар аниқланди:**

– мамлакатимиз АКТларининг фундаментал даражаси, шу жумладан, коммуникация инфратузилмасининг ёмонлиги ва қимматлилиги;

– вилоятларда яшовчи аҳолининг рақамли технологиялардан фойдаланиш билим ва кўникма даражасининг пастлиги;

– мамлакатимиз аҳолисининг уяли алоқа хизматларига уланганлик даражасининг пастлиги, мамлакатимизда булутли хизматлар (public cloud services)нинг яхши ривожланмаганлиги, шунингдек ахбарот технологияларга қилинаётган харажатлар ҳажмининг пастлиги (IT spend forecast), тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг рақамли технологиялардаги улушининг пастлиги;

– венчур сармояси киритилишининг камлиги, патентлар берилишининг қийинлиги ва янги инновацион ғояларнинг амалиётга тадбиқ этилиш даражасининг пастлиги;

– давлат томонидан тадқиқот ва ишламаларга қилинаётган харажатлар улушининг пастлиги, университетлар, ишлаб чиқариш, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги интеграциянинг ривожланмаганлиги, интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунларнинг такомиллашмаганлиги ва унга риоя қилиш даражасининг сустлиги;

– молия тизимида замонавий технологиялар ва ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш даражаси бўйича жаҳон мамлакатларига нисбатан мамлакатимиз орқада қолаётганлиги ва нуфузли рейтингларда паст ўринда эканлиги;

– рақамли молия хизматлар бозорида замонавий молия технологияларини ишлаб чиқиш ва ундан эркин фойдаланиш салоҳиятига эга юқори малакали молиячи-дастурчи кадрлар сонининг камлиги ва бошқалар.

Юқорида таҳлил қилинган мамлакатларда АКТ инфратузилмасининг ривожланганлиги, интернет тезлигининг юқорилиги, рақамли технологияларни яратиш ва фойдаланиш кўрсаткичининг баландлиги рақамли молия хизматлар бозорининг ривожланишига туртки бўлган. Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақамли молия хизматлар бозорининг таркибий қисмларидан

бири бўлган “рақамли банкинг”ни ривожлантириш, инновацияларга асосланган янги хизмат турларини кенгайтириш ва мавжуд банк хизматларини такомиллаштириш давлатнинг муҳим стратегик мақсадига айланди.

Ўзбекистонда аҳолининг янги молиявий хизмат турларига бўлган талабининг ошиши мамлакатда рақамли молия хизматлар бозорини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Таҳлиллардан шуни кўриш мумкинки, мамлакатимизда рақамли молия хизматлар бозорини ривожлантириш учун биринчидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, иккинчидан мамлакат аҳолисининг билим савиясини кўтариш, учинчидан “digital” тизими остида ишловчи қурилмалар билан таъминлаш ва АКТ инфратузилмасини яхшилаш лозим. Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш ва рақамли молия хизматлар бозорини ривожлантиришда қуйидаги йўналишларда ислоҳотларни фаоллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз:

– рақамли технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш, аҳолининг билим савиясини ошириш, илмий тадқиқот ва амалий ишламаларга харажатларни кўпайтириш;

– рақамли молия хизматлар бозорини ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида университетлар ва ишлаб чиқариш, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги интеграциясини таъминлаш;

– рақамли молия хизматлар бозорини ривожлантириш соҳасидаги ташаббуслар (стартаплар)ни молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш учун грантлар ва кредит линияларини ажратиш;

– рақамли банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда рақамли банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожланган мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига уланиш имкониятлари билан имкон қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш;

– рақамли молия хизматлар бозорини ривожлантириш бўйича ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ҳамда рақамли молиявий хизматлар ва маҳсулот турларини жорий этишнинг институционал механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. <https://wearesocial.com/blog/2019/01/digital-2019-global-internet-use-accelerates>
2. www.pwc.ru/publications/digital-champions.html
3. <https://www.edgeverve.com/>
4. <https://www.fisglobal.com/solutions/retail-banking/digital>
5. Manyika, J., Lund, S., Singer, M., White, O., & Berry, C. (2016). Digital finance for all: Powering inclusive growth in emerging economies. USA: McKinsey Global Institute. September.
6. Gomber, P., Koch, J. A., & Siering, M. (2017). Digital finance and FinTech: Current research and future research directions. *Journal of Business Economics*, 67(5), 537e580.
7. Haider, H. (2018). “Innovative financial technologies to support livelihoods and economic outcomes”. K4D Helpdesk Report. Brighton, UK: Institute of Development Studies
8. CGAP. Consultative Group to Assist the Poor. Available at: <http://www.cgap.org/topics/digital-financial-services> Accessed 9 November 2017.

ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Аннотация. Мақолада молия тизими анъанавий функциялари ва коронавирус инфекцияси оқибатларига қарши кураш жараёнида пайдо бўлган қўшимча вазифаларини талаб даражасида бажариши учун тизимга рақамли технологияларни жорий этишни тезлатишининг зарурияти, долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилади. Молия тизимига рақамли технологияларни жорий этишининг асосий йўналишлари тавсия этилади.

Калим сўзлар: жамғарма, рақамли технологиялар, молия тизими, асосий йўналишлар, криптовалюталар, биткоин.

Коронавирус инфекциясига қарши кураш жараёнида мамлакатимизда мажбурий равишда одамлар ҳаракатини чеклаш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятини вақтинча тўхтатиш жамият ҳаётига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Яъни ишлаб чиқариш ва истеъмол миқдорлари қисқармоқда, халқаро иқтисодий алоқалар тораймоқда, хомашё маҳсулотлари нархи пасаймоқда, конъюнктура ёмонлашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти юз берган шароитда аҳоли соғлиғини сақлаб қолиш масаласига устуворлик бермоқда. Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда минг – минглаб ўринли касалхона ва карантин учун махсус бинолар барпо этилмоқда, коронавирус билан оғриган беморларни даволаш ва карантинга олинган одамларни текшириш ва озиқ – овқат билан таъминлашни давлатимиз тўлалигича ўз елкасига олиб, бу мақсадлар учун жуда катта миқдорда маблағ сарфламоқда.

Бир пайтнинг ўзида давлатимиз макроиктисодий барқарорлик ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик

борасида ҳам улкан тадбирларни амалга ошироқда. Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2020 йил 19 мартда имзоланган “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5969-сонли Фармонида бу борада амалга ошириш режалаштирилган чора-тадбирлар белгилаб берилди [1]. Жумладан, Молия вазирлиги ҳузурида 10 трлн сўм миқдоридagi Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш, тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш мазкур жамғарманинг асосий вазифалари қилиб белгиланди.

2020 йилнинг 3 апрелида Президент Шавкат Мирзиёев “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” номли яна битта Фармонга имзо чекди [2]. Мазкур Фармонда коронавирус вируси тарқалган шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳалари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, жумладан, айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жуда катта чора ва тадбирлар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, коронавирус оқибатларига қарши кураш борасида Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг яна қатор қарорлари ҳам қабул қилинди [3], [4]. Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг жуда катта қисми функцияларига кўра молия тизимига юклатилди (бу ўринда молия тизими таркибига Молия вазирлиги, вазирлик, идоралар, хўжалик ва тадбиркорлик субъектларининг молия бўлинмалари жами ходимлари кириши назарда тутиляпти). Демак, молия тизимига шунчалик катта ва масъулиятли

вазифалар топширилган экан, мазкур соҳа ходимлари бунга қанчалик тайёр экан, деган ҳақли савол туғилади.

Молиячи мутахассис бўлганлигим учун шуни айтишим мумкинки, молия тизими раҳбарияти ва ходимлари нисбатан консерватив ва ёпиқ “жамият” сифатида тавсифланишади. Ўзбек ҳамкасбларимиз бу “ёрлик”дан хафа бўлишмасин, чунки бу тавсиф фақат уларгагина эмас, балки бутун дунёдаги молиячиларга тегишли ҳисобланади. Бу тавсиф уларнинг бажараётган ишлари хусусиятидан келиб чиқади. Мана шу ерда мени ушбу

мақолани ёзишга мажбур қилган ўта муҳим бир ҳолат келиб чиқади, яъни молия тизими узок вақт давомида шаклланган анъанавий усулларда ишлаб, бугунги коронавирус хуруж қилган ўта оғир шароитда елкаларига юклатилган кўшимча вазифаларни талаб даражасида бажара оладиларми, деган табиий савол туғилади. Менимча, жавоб битта – ўз эски иш услубларини ўзгартиришмасдан молия тизими ходимлари бу вазифаларни бажара олмайди.

Айни шароитда молияни ташкил қилиш ва уни бошқариш жараёнига замонавий иш услубларини, янги технологияларни жорий этиш молия тизимига анъанавий ва коронавирус туфайли туғилган кўшимча вазифаларни талаб даражасида бажаришга жуда катта ёрдам беради. Бугун ҳар қанча қийин бўлмасин, коронавирус пандемияси салбий таъсири туфайли юз берган мана шундай оғир шароитга қарамасдан мамлакатимиз молия тизимига рақамли технологияларни жорий этишни тезлаштириш лозим. Менинг фикримча, мамлакатимиз молия тизимида рақамли технологияларни айни дамда жуда тезлик билан жорий этиш мумкин бўлган йўналишлари қуйидагилар:

1. Ҳозирнинг ўзида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларини ундан ёрдам олувчиларга тарқатиш, уларни сарфлаш, мониторингини юритиш ва ҳисоботини топшириш билан боғлиқ барча операцияларни рақамлаштиришни зудлик билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда молия тизими раҳбар ва мутахассислари иш вақтининг катта қисми шу иш билан боғлиқ операциялар билан банд бўлиб қолиши мумкин.

2. Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш, бажариш, харажатлар мониторинги, бажарилишини таҳлил қилиш билан боғлиқ операцияларни рақамли технологиялар ёрдамида амалга оширишга ўтишни тезлаштириш лозим. Бу жараёни 2 босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Дастлабки босқичда 2020 йили давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағларини ажратиш ва уларнинг ҳисоботини топширишни тажриба тариқасида рақамли технологияларга ўтказиш ва 2021 йилдан унинг иккинчи босқичини, яъни жараёни тўла рақамлаштириш мумкин.

Булар жуда кенг қамровли ва мураккаб операциялар жамланмасидан иборат бўлиб, уларни рақамли технологиялар ёрдамида амалга оширишни таъминлаш жуда катта иқтисодий фойда беради. Бундан ташқари, бу ўзгариш бюджет тизимини бошқаришни осонлаштиради, меҳнат сарфи ва моддий харажатларни кескин қисқартиради. Бу борада ривожланган давлатларда ва ҳатто айрим Ҳамдўстлик давлатларида ҳам етарли амалий тажриба мавжуд. Афсуски, биз бюджет тизимига рақамли технологияларни киритиш соҳасида ҳам анча орқада қолиб кетдик. Ўзбекистон молия тизимини рақамли технологиялар асосида ишлашга ўтказиш бўйича Россия Федерациясининг консалтинг компанияси билан келишилган тадбирларни ўз вақтида ўтказишни таъминлаш мақсадга мувофиқ.

3. Блокчейн тизимидан фойдаланиш молия тизими ходимларига бир – бирлари билан молиявий ахборотни хавфсиз равишда алмаштириш ҳамда сақлаш имконини яратадиган технология ҳисобланади. Масалан, блокчейн тизимида пул ўтказмалари ҳақидаги ёзувларни қайд этиш ва уларни ишончли равишда сақлаш мумкин. Блокчейнда операцияга четдан аралashiш, ҳужжатларни сохталаштириш ва бузиш имкони йўқ бўлади. Умуман, у ҳозир қоғозда сақланаётган барча молиявий операцияларни блокчейнда ёзиш ва сақлаш имконини беради. Тасаввур қилинг, блокчейн қай даражада катта иқтисодий самара берадиган технология ҳисобланади. Блокчейн мутлақо шаффоф ва арашиш имконини йўқотиши туфайли коррупцияга йўл

бермайдиган муҳим восита ҳам ҳисобланади. Қолаверса, у ўта консерватив молия тизимини либераллаштиришга ҳам ёрдам беради.

4. Молия вазирлиги тизимида молиявий ҳисоботларни топширишда ҳамон қўл меҳнати устунлик қиляпти, қоғозбозлик, сансалорлик, бюрократик чеклов ва тўсиқлар ҳали мавжуд. Рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳисоботлар топшириш тизимини соддалаштиради, осонлаштиради, мазкур камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Рақамли маркетингнинг асосий йўналишлари қуйидаги турларни ўз ичига олади:

-интернетдаги реклама (оммавий ахборот воситалари, алоқа, ижтимоий тармоқлардаги реклама ва бошқалар);

- қидирув тизимларида реклама (SEO);

- жамоатчилик билан алоқалар: янгиликлар, пресс-релизлар, нашрлар, шарҳлар, рейтинглар, веб-таҳлиллар, веб-конференциялар, веб-каналлар;

-интернетдаги тадбирлар, мусобақалар, ҳомийлик;

-савдони ривожлантириш (содиқлик дастурлари ва бошқалар)

-тўғридан-тўғри маркетинг, электрон почта маркетинги, вирусли маркетинг ва бошқалар.

Рақамли маркетингнинг ташқи тарафдан ривожлантирилиши бошқа бир нечта омиллар билан бир қаторда Интернет-маркетингдан фойдаланиш ва

рақамли реклама фаолиятини ривожлантиришда ўз ифодасини топади ва ички тизимни ҳам ривожлантириш билан бирга кечади. Мазкур жараён рақамли технологиялар ёрдамида амалга ошириладиган компаниянинг ички маркетинг бизнес жараёнларини ўз ичига олади.

Республика олий таълим муассасаларида рақамли технологияларни ривожлантиришни чекловчи омилларни эксперт баҳолаш натижалари (сўровнома ТДТУ, ЎЗМУ, ТАТУ ва бошқаларда ўтказилди) асосий инфратузилмани кенгайтириш асосида, янги таълим хизматларини ва қўшимча хизматларни илгари суриш орқали харажатларни камайтириш ва самарадорликни ошириш мақсадида ИТ- инфратузилмасини жадал ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда

Рақамли технологиялар асосида республикадаги ОТМ ларнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишда биринчи навбатда дастурий таъминот ҳолати, ИТ инфратузилмасини ривожлантириш ва Интернет тармоғининг мавжудлиги жуда муҳим ҳисобланади (эксперт баҳолаш ТДТУ ва ЎЗМУ мутахассисларининг суҳбати асосида ўтказилди).

Рақамли маркетинг соҳасидаги университетлардаги иш ва хизматларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- стандарт хизматлар (сайтлар, оммавий ахборот воситалари ва контекстли реклама, дизайн, ишлаб чиқариш);
- рақамли таълим муҳитида олий ўқув даргоҳини ривожлантириш бўйича комплекс стратегияни ишлаб чиқиш (таълим хизматларини баҳолаш, лойиҳалаш ва бозорда илгари суриш ва бошқалар);
- ижтимоий медиа билан ишлаш (ижтимоий тармоқлар, блоглар, форумлар, ихтисослашган соҳаларда реклама ва бошқалар);
- Онлайн / офлайн комбинацияларда тадбирлар, танловлар (стратегия, стратегия, ишлаш, кўрсаткичларни таҳлил қилиш) ташкил қилиш;
- қўшимча хизматлар: QR кодлари, геолокация хизматлари, RFD, Wow қўнғироқлари, виртуал ҳақиқат ва бошқалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон таълим тизимида рақамли маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг ягона йўли танланганича йўқ. Шу сабабли, ОТМларнинг эҳтиёжлари, шунингдек истеъмолчиларнинг талаблари асосида керакли усуллар таъминланиши тавсия қилинади. Ҳар бир университет, олий таълим тизимида рақамли маркетингдан фойдаланишнинг ҳақиқий шартлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу воситалардан қандай фойдаланишни ҳал қилади

Шундай қилиб, Республика Олий таълим муассасаларида ИТ-технологияларни жорий этиш биринчи галда ахборот-коммуникация технологияларини инфратузилмасини ривожлантириш ва Интернет тармоғига уланиш имкониятларини кенгайтиришни талаб қилади, бу эса рақамли маркетинг технологияларидан смарали фойдаланиш жумладан масофавий таълим технологиялари (e-learning), ВІ-аналитика, web-сайт CRM-тизими каби рақамли иқтисод дастакларини қўллаш орқали таълим бозорларидаги ОТМлар хатти-харакатини ўзгартиришни талаб қилади ва бунинг натижасида уларнинг рақобатбардошлигини оширишга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аюпов Р.Х. , Балтабаева Г.Р. 2018й Рақамли валюталар бозори: инновациялар ва ривожланиш истикболлари. –Т: Фан ва технология, 172 бет.
2. Гулямов С.С.,2018г. Абдуллаев А.М. Иқтисодиётда замонавий ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: ИмпрессМедиа
3. Генкин А. 2018г. Блокчейн: как это работает и что ждет нас завтра. М.:592 б
4. Лapidус Л.В. 2017г Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, -281 с
5. Мирзиёев Ш, 24 январ 2020йил Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси
6. Поль Виня, Майкл Кейн. 2018г. Эпоха криптовалют.

7. Тешабаев Т.З, 2019 йил. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш. Т.: Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати ТДИУ,-15б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПҚ-5847 сонли 08.10.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони
9. Ходиев Б. Ю. 2017г. Цифровая экономика в Узбекистане. //Мировая экономика, №12

УМЭД
Магистрант по специальности
«Международная экономика и менеджмент»
Эгамбердиева Малика Одил кизи

ФОРМИРОВАНИЕ «ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЩЕСТВА» КАК ФАКТОР ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СТРАН

Аннотация. На сегодняшний день в современном мире наблюдается стремительное развитие глобальной цифровой экономики, требующей от общества адаптации к новым условиям функционирования. Цифровые технологии и инфраструктура становятся центром внимания всех стран, и Узбекистан не является исключением.

***Ключевые слова:** цифровая экономика, информационно-коммуникационные и интернет технологии, информационное общество, международная экономика.*

Начиная с середины 20-го века, информация влияла на развитие социально-экономических систем - особенно в экономическом аспекте - и определяла их потенциал. Началась новая эра, которая получила название «информационное общество»⁶⁷. Термин используется с 1970-х годов, но приобретает популярность и в настоящее время, широко используется в

⁶⁷<https://www.itu.int/en/ITU-D/Statistics/Documents/publications/misr2018/MISR-2018-Vol-1-E.pdf>

социальной и экономической политике. Устойчивый и ускоренный рост средств массовой информации, образования и участия, а также информационных технологий привел многих к тому, что сопутствующий информационный взрыв отличает новую эпоху.

Информационное общество - это общество, в котором информация является определяющей чертой, в отличие от индустриального общества, где паровая энергия и ископаемое топливо были отличительными элементами⁶⁸. Хотя термин используется часто, до сих пор нет его четкой формулировки. Существует пять обособленных критериев определения информационного общества, используемых исследователями (таблица 1.1).

Таблица 1.1.

5 обособленных критериев определения информационного общества, используемых исследователями

| № | Критерий | Определение |
|----|------------------|--|
| | Экономический | Исследователи используют термин "информационная экономика" наравне с "ИО" для описания ситуации, в которой информационные отрасли управляют основной долей ВВП |
| 2. | Технологический | Исследователи считают, что рост ИТ является сигналом возникновения ИО |
| 3. | Профессиональный | Теория постиндустриализма Дэниела Белла: информационное общество описывается как общество, в котором большинство рабочих мест являются информационными. Таким образом, такие профессии, как юристы, консультанты и учителя, являются информационно емкими, включающими в себя производство, анализ и коммуникацию. |
| 4. | Пространственный | Основной упор делается на информационные сети, которые соединяют местоположения и, как следствие, могут оказать глубокое влияние на организацию времени и пространства. В последние годы он стал особенно популярным индексом информационного общества. (Barronand Cuphow, 1979, Ury, 2000) |
| 5. | Культурный | Исследователь постмодернизма, как Марк Постер (1990), Размышления о сложностях моды, запутанности способов, которыми мы проектируем себя для повседневной презентации, позволяют понять, что в настоящее время социальное общение включает в себя большую степень информативности. |

⁶⁸<https://www.itu.int/en/Pages/default.aspx>

Источник: составлено автором на основе данных <https://www.itcoc.org>

Особенности нового этапа становления информационного общества – это ускорение технического прогресса, автоматизация трудовой деятельности, рост спроса и предложения в сфере сектора услуг и информации, и появление нового типа ресурсов, которые влияют на эффективность труда и затрат (рисунок №1.1.).

Тем не менее, простое присутствие даже самой превосходной сетевой инфраструктуры по-прежнему не может напрямую создать информационное общество. Чтобы прийти к информационному обществу, сетевая инфраструктура должна использоваться членами общества. Таким образом, одной показательной мерой информационного общества является обширная транзакция и использование сетевой инфраструктуры. На самом деле это одна из установленных индикативных мер, используемых при оценке зрелости экономики.



Рисунок 1.2. Характеристики информационного общества

Источник: составлено автором на основе данных <http://www.itu.int/en/ITU-D/Statistics/Documents/publication/misr2018/MISR-2018-Vol-1-E.pdf>

Информационные технологии в информационном обществе влияют на быстрое развитие экономических реалий. Появились новые задачи - создание и распространение электронных документов, снижение барьеров, препятствующих выходу национальных компаний на мировые рынки информационных и коммуникационных технологий, а также развитие интернет - коммерции и электронных денег. В настоящее время эти определения активно используются в повседневной жизни каждого человека и общества в целом. Феномен информатизации влияет на различные сферы национальной экономики: социальную сферу, экологию, образование и т. д.

**Tashkent Institute of Finance, 3rd year student,
Muftokhiddinova Tahsinabonu Abdullajon qizi,
mtahsinabonu@mail.ru**

DIGITAL ECONOMY: HOW TO PROMOTE ITS DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN'S CONDITIONS?

***Abstract.** In this day and age, the world is facing major changes that carry both risks and opportunities. Modernization of the economic structure, expanding the possibilities of using technological innovations is vital for the transition to the high-quality economic development. In this regards, it is important for Uzbekistan to catch up with those developments, which requires certain challenges and strategies. This thesis will try to illuminate those strategies.*

***Key words:** digital economy, internet, IT, monopoly, Internet, digitalization*

Like other countries, in Uzbekistan also digital economy is developing. Digital economy is not something else that needs to be created from scratch. This means moving the existing economy to a new system through the creation and implementation of new technologies, platforms and business models. With the introduction of information technology into our daily lives, many opportunities are

created for ordinary people. We can now order a lot of groceries and food without leaving the house and bring them home.

However, it should be noted that the digital economy in Uzbekistan is developing much slower than it could be in terms of the potential of Uzbekistan. That is, there is the opportunity, the resources available, but the development is much slower. The following are some of the obstacles to the development of the digital economy in Uzbekistan:

- existence of monopoly in many areas;
- low speed and poor quality of the Internet;
- lack of legislation in modern information technology;
- low level of computer literacy among citizens;
- untransparency of legislation;
- lack of information technology specialists or their leave to other countries;
- low culture, poor hygiene of information;
- poor security of information technologies;
- lack of specialists or their absence (in some of the areas) who do not understand the sector in the governing bodies;
- underdevelopment (or delay in development) of science and especially exact sciences.

In the message of Sh. Mirziyoyev, President of the Republic of Uzbekistan, to Oliy Majlis dated December 28, 2018 it is highly emphasized that: "... we should start developing the National Concept of the Digital Economy in 2019, which provides for updating all areas of the economy based on digital technologies, and relying on that platform, implement the program «Digital Uzbekistan-2030»[1]".

In order to further improve the public administration system, create conditions for the introduction and development of the digital economy, improve the investment environment, as well as implement the Strategy of Action in five priority areas of the development of the Republic of Uzbekistan for 2017 - 2021 [2], followings should be considered as the most important tasks for the further development of the digital economy [3]:

- implementation and development of activities in the field of crypto-asset turnover, including mining (activities to maintain the distribution platform and create new blocks with the ability to receive remuneration in the form of new units and commission fees in various cryptocurrencies), smart contracts (electronic agreement. exercise of rights and responsibilities for which is carried out by automatically making digital transactions), consulting, issue, exchange, storage, distribution, management, insurance, crowdfunding (to effective financing), as well as technology "blokchain" diversification of various forms of investment and entrepreneurial activity;
- training qualified personnel in the development and use of blockchain technologies with practical skills using modern information and communication technologies;
- comprehensive development of cooperation with international and foreign organizations in the field of activities on crypto assets and blockchain technologies, attracting highly qualified foreign experts in the field of developing blockchain technologies for joint implementation of projects in the digital economy;
- creating the necessary legal framework for the implementation of blockchain technologies, taking into account the best practices of foreign countries;
- ensuring close interaction between government bodies and business entities in the field of introducing innovative ideas, technologies and developments for the further development of the digital economy.

I am of the opinion that, first of all, particular attention should be paid to the development of ICT. Based on the analyzed literature, we can conclude that the target indicators for the further development of information and telecommunication systems in a long-term perspective will be the establishment of modern infrastructure in the field of telecommunications and information as well as ensuring the availability of infrastructure in every single region of the Republic of Uzbekistan. There are two ways: one for social adaptation of technologies and the other for developing local technological bases through digital economy. The following areas can be covered [4]:

- Professional services - *on-demand professional services* - accounting, design services, consultants, translators and others.;
- Online banking (*Banking*);
- Blockchain tax and tax services;
- Collaborative finance, crowdfunding, peer-to-peer lending;
- Financial market operations and e-commerce;
- Real estate sales and tenders;
- Domestic and international tourism;
- Corporate and personal transport services;
- On-demand household services;
- Peer-to-Peer Accommodation;
- Peer-to-peer transportation);
- Introduction of 3D printers in all areas;
- Introduction of a publicly accessible online education service (*MOOC - massive open online courses*).

Developed countries of the world are characterized by dominance in the economy of the service sector and the emergence of information technologies on their basis. However, society is not standing still, its further development and the increasing dominance of the services sector over production have led to the fact that information technology and the IT sector have begun to play a key role in this movement, which greatly simplify the very mechanism by which a person receives any service.

References:

1. Message of the President of the Republic of Uzbekistan to Oliy Majlis on Most priority tasks for 2019 dated December 28, 2018
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan PD-4947 “On Strategy of Actions for further development of the Republic of Uzbekistan” of February 7, 2017
3. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan № PR-3832 "On Measures for the Development of Digital Economy in the Republic of Uzbekistan" of July 7, 2018
4. S.S. Gulyamov. Role of blockchain technologies in digital economy. Training manual. – Tashkent: “Iqtisod-moliya”, 2019



МИНИСТЕРСТВО
ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



R
RESEARCH
SUPPORT CENTER



Институт Прогнозирования и
Макроэкономических Исследований
Institute of Forecasting and
Macroeconomic Research



МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ
И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3-Шўъба

**“КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган. Шунингдек, 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инновация, оилавий тадбиркорлик.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этиб, мамлакат истиқболи ҳам айнан шу соҳа билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда, соҳа субъектларини ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятига эга бўлишимиз барчамизга аён. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан мазкур кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш” каби вазифалар белгилаб берилган [1].

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон ўз тараққиётини тадбиркорликни ривожда кўради ва бу борада дунёнинг илғор мамлакатлари эришган ютуқларга таянади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун

ишбилармонлик мухитини тубдан яхшилаш, ҳудудларда янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида изчил комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг босқичма-босқич ижроси амалга оширилиб келинмоқда. Шулардан келиб чиқиб, ҳудудларда аҳолининг кенг қатламларини тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришда соҳага масъул идора ва ташкилотлар томонидан қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ер ажратиб бериш, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тизимларига уланиш ва фойдаланиш, йўл ўтказилиши ва бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланишида вужудга келаётган муаммоларнинг олдини олиш ва тезкорлик билан бартараф қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;


- давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига лицензия бериш ва сертификат бериш борасидаги мавжуд тартиб-таомилларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан импорт қилинаётган технологик ускуналарни ўз вақтида ишга туширилишида уларга доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиб бориш;

- назорат қилувчи ва бошқа органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз равишда аралашишга йўл қўймаслик;

- ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан хўжалик бирлашмалари, йирик саноат корхоналари ўртасида саноат кооперацияси алоқаларини ўрнатиш ҳисобига тадбиркорлик турларини кенгайтириш ва ўз навбатида янги иш ўринларини яратиш;

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни таҳлил қилидиган бўлсак, сўнги уч йил ичида, мазкур соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилди (1-расм).




1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини тадқиқ қилган АҚШ олими Ф.Харбисон “Тадбиркорлик – бу инновацияни, иқтисодий ва ижтимоий ўсишни таъминловчи энг муҳим куч” [2] дея таъриф беради. Тадбиркорликнинг ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрнини куйидагиларда кўришимиз мумкин: 1) ҳудудда инновацион ва етакчилик кўникмаларини ривожлантиради; 2) ишчи ўринларини яратади; 3) моддий бойликлар яратади ва аҳолининг даромадини оширишга хизмат қилади; 4) аҳолининг турмуш даражаси ортишига хизмат қилади; 5) ҳудуд инфратузилмасининг ривожланишига ҳисса қўшади; 6) ижтимоий барқарорликни таъминлайди; 7) инновацияни, янги ғояларни ўйлаб топади ва амалиётга жорий этади; 8) импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаради; 9) экспорт фаолиятини амалга ошириш орқали чет эл валютаси кириб келишини таъминлайди; 10) аҳолининг маҳсулот ва

хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиради; 11) ҳудуд бюджетининг барқарорлигини таъминлайди ва унинг ортишига хизмат қилади[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги ПФ-5780-сонли Фармонида асосан Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилган ва Агентлик фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилган (2-расм).



2-расм. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятининг асосий йўналишлари.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2020 йилда Олий Мажлисдаги муурожаатномасида камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш борасида қатор устувор вазифаларни белгилаб бердилар. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бевосита бизнес муҳитини янада яхшилашга боғлиқ. Шунинг учун Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингидан энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш белгилаб олинди. Солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди. Бунда солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш, шунингдек, “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур. Унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда бу соҳа вакиллари рағбатлантириш механизмлари назарда тутилиши керак.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида белгилаб берилган тадбирларни самарали ижросини ташкил қилиш мақсадида, 2020 йилда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган:

1. Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш йўналишида:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг худудларга ташрифларида берилган топшириқлар, республика худудларини комплекс ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан мониторингни кучайтириш, бунда ишга туширилиши лозим бўлган тижорат банклари филиаллари томонидан молиялаштириш ишлари бошланмаган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиш;

- белгиланган муддатларда фаолияти йўлга қўйилмаган ҳар бир лойиҳанинг муаммоларини лойиҳа ташаббускорлари, маҳаллий ҳокимият,

тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда таҳлил қилган ҳолда улар фаолиятини бошлаш чораларини кўриш;

- белгиланган муддатларда молиялаштирилмаган лойиҳаларни таҳлил қилиш, истиқболсиз лойиҳаларни янги истиқболли лойиҳаларга алмаштириб, белгиланган тартибда молиялаштириш чораларини кўриш;

- ҳудудий дастурлардаги ҳар бир лойиҳани атрофлича ўрганиб, зарур ҳолларда жойига чиққан ҳолда таҳлил қилиб, истиқболли лойиҳалар тўғрисида белгиланган муддатларда батафсил маълумотларни киритиб бориш;

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида ишга туширилган лойиҳаларни самарадорлигини ошириш мақсадида яратилган иш ўринлари, экспорт ҳажми ва ишлаб чиқариш қувватларининг бизнес-режа кўрсаткичларига мувофиқлигини мунтазам равишда таҳлил ҳамда мониторинг қилиб бориш;

- лойиҳа ташаббускорларида айланма маблағлари билан боғлиқ муаммолар юзага келганда, узлуксиз ва тизимли тартибда қисқа муддатли кредитлар ажратиш орқали амалга оширилаётган лойиҳани тўлиқ ишга тушишига кўмаклашиш.

2. Ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида:

- Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан оилаларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун етарли шароитлар мавжудлигини ва лойиҳанинг асосланганлигини тўлиқ ўрганиш, хулосалар берилишида аҳоли томонидан норозилик кайфиятлари юзага келмаслигини таъминлаш;

- ҳудудда салоҳиятли таъминотчилар рўйхатини шакллантириш, улар билан шартномалар тузилишини ташкиллаштириш, нарх-наволарнинг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймаслик;

- бундан ташқари, банклар томонидан имтиёзли кредитлар устувор равишда узоқ ва чекка, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилишини алоҳида эътибор қаратиш.

Буларнинг ҳаммаси республикамизда тадбиркорлик субъектларининг имкониятларини янада кенгайтиради, ўзининг куч-қудратига таяниб, юксак унумдорликка эришиши, меҳнат самарадорлигини ошириш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

Дунёда бирорта мамлакат йўқки, тадбиркорлик ривожланмасдан туриб, ривожланган давлатлар даражасига етган бўлса. Шу боис, бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга кенг имкониятлар яратиш масалалари давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Жумладан, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган режали, режадан ташқари, муқобил, назорат тартибидаги текширишлар турлари бекор қилинди, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ жиноий жазо чорасини қўллаш тақиқланди, уларнинг жавобгарлик масаласи либераллаштирилди ва уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилувчи бир қатор омилларга чек қўйилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. 2020 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь. // uza.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, - № 6., 70-модда

3. Frederick Harbison, Entrepreneurial Organization as a Factor in Economic Development. Quarterly Journal of economics, Oxford. (1956) 70 (3): 364-379.

4. Бекчанов Д.М. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (Ўзбекистон ва Япония мисолида). Монография / Д.Бекчанов. – Тошкент, 2019 й. – 25 б.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
“Фундаментал иқтисодиёт” кафедраси профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
Гафуров Убайдулло Вахабович
gofurov_u@mail.ru

ПАНДЕМИЯ ВА КИЧИК БИЗНЕС: ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ, Қўллаб-қувватлаш чоралари ва ривожланишнинг янги ИМКОНИАТЛАРИ

Аннотация: Ҳозирги коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан глобал инқирозни кичик бизнесга таъсирининг асосий йўналишлари тадқиқ этилиб, турли мамлакатларда амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари гуруҳланиб, мазкур соҳани ривожлантириш борасидаги янги имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар шакллантирилган.

Таянч иборалар (Key words): кичик бизнес, тадбиркорлик фаолияти, қўллаб-қувватлаш, таъсир йўналишлари, имкониятлар.

Жаҳон иқтисодиётида коронавирус пандемияси таъсирида тўсатдан рўй берган узилишлар 2020 йилда глобал рецессияни келтириб чиқармоқда. S&P Global рейтинг агентлиги таҳлилчиларининг фикрига кўра, жаҳон ЯИМнинг йиллик ўсиши 1-1,5% дан ошмайди, бунда иккинчи чорак энг оғир давр бўлади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг прогнозига кўра коронавирус пандемияси туфайли тахминан 25 млн. киши ишсиз қолиши мумкин [1].

Шуни таъкидлаш лозимки, пандемия таъсирида вужудга келаётган инқироз биринчи навбатда кичик бизнес субъектлари фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Чунки, ўз қўламлилари ҳамда, тегишли равишда, ишлаб чиқариш салоҳияти жиҳатидан йирик компания ва ташкилотларга нисбатан аҳамиятли даражада чекланган мазкур соҳа вакилларининг “хавфсизлик ёстиқчалари” ҳам у қадар катта бўлмайди. Иқтисодиётдаги истеъмол

ҳажмининг қисқариши, ишлаб чиқариш занжирларининг узилиши, талабнинг инертланиши ва бошқа шу каби ҳолатларнинг салбий таъсири биринчи бўлиб кичик бизнес субъектларида намоён бўлади.

Пандемия таъсирида вужудга келаётган инқироз ҳолатини кичик бизнесга таъсирининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- маҳсулот ва хизматларга бўлган талабнинг тўсатдан ва кескин равишда қисқариши оқибатида ишлаб чиқариш фаолиятининг қисқариши ёки бутунлай тўхтаб қолиши;

- ишлаб чиқариш фаолияти қисқариши ёки тўхташи билан боғлиқ равишда корхонада банд бўлганларга иш ҳақи тўлаш муаммосининг пайдо бўлиши ва уларни ишдан бўшатиш ҳолатларининг кучайиши;

- ижара ҳақи, солиқ, банк кредитлари ва бошқа қарзлар, турли хил ресурслар (электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва бошқалар)дан фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириш имкониятининг чекланиши ҳамда тўловсизлик ҳолати учун жаримага тортилиш хавфининг кучайиши;

- аванс сифатида тўлаб қўйилган маблағлар (масалан, хомашё ва материаллар, реклама, коммунал хизматлар, солиқларнинг олдиндан тўлови ва бошқалар)дан фойдаланиш самарадорлигининг пасайиши ёки уларнинг қайтарилишидаги маълум йўқотишларнинг пайдо бўлиши;

- кичик бизнес субъектлари кучли рақобат шароитида фаолият кўрсатиши сабабли, агар зудлик билан тегишли чора-тадбирлар кўрилмаса, ўз миқдорларини қисман ёки бутунлай йўқотиши ва ҳ.к.

Шунга кўра, жаҳондаги аксарият мамлакатларда глобал инқироз шароитида умуман тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятининг қисқариб кетишининг олдини олиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (1-жадвал).

**Турли мамлакатларда пандемия шароитида амалга оширилаётган
тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари**

| Мамлакат | Чора-тадбирлар мазмуни |
|---------------|---|
| Австралия | Солиқ тўловлари муддатини кечиктириш, уларни реструктуризациялаш, илгари тўланган тўловларни қайтариш, қарздорлардан солиқлар, шу жумладан, жарима тўловларини ундириш муддатини кечиктириш |
| Сингапур | 2020 йилда фойда солиғини қоплаб бериш, корпоратив солиқ тизими доирасида қатор солиқ тартибларини кенгайтириш, махсус қарз ёрдамида айланма капиталга эга бўлиш, ижара тўловларининг мослашувчан тизимига ўтиш |
| Янги Зеландия | Олдиндан тўланадиган солиқ ундиришнинг чегарасини жорий молия йилида 2,5 минг долл.дан 5 минг долл. қадар, катта қийматга эга бўлмаган активлар амортизациясини 500 долл.дан 1000 долл.гача, 2020 йилда эса 5 минг долл.га қадар оширди |
| Япония | Пандемиядан зарар кўрган кичик ва ўрта корхоналарга туризм соҳаси ва саноатнинг алоҳида тармоқларида ноль ставкагача қадар бўлган паст фоизли гаровсиз кредитлар тақдим этилади |
| Таиланд | Кичик ва ўрта корхоналар учун барча солиқларни 2 фоизга қадар пасайтирилди, корхоналарнинг электр энергияси сарф-харажатлари молиялаштириб берилди |

Шунингдек, бу борада Европа Иттифоқида амалга оширилаётган чораларни бешта асосий йўналишга гуруҳлаш мумкин:

- 1) тўғридан-тўғри грантлар, манзилли солиқ имтиёзлари ва аванс тўловлари;
- 2) компаниялар томонидан олинган банк кредитлари бўйича давлат кафолатлари;
- 3) фирмаларга субсидиялашган давлат қарзларини бериш;

4) давлат ёрдамини реал иқтисодиётга йўналтирувчи банклар учун эҳтиёт чоралари;

5) экспорт кредитларини қисқа муддатли суғурталаш [2].

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, пандемиянинг кичик бизнесга таъсирини ҳам бир томонлама баҳолаш тўғри бўлмайди. Чунки, бундай шароитда давлат ва бизнес эгалари томонидан мазкур таъсирга қарши курашиш давомида шундай ислоҳот ва ўзгаришлар амалга ошириладики, бу бизнес жараёнларининг мазмуни, улар таркибий тузилмасининг такомиллашувига олиб келади. Бу борада 2008-2010 йилларда рўй берган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг қуйидаги тажрибалари ҳам яққол далолат беради. Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра, молиявий инқироз даврида кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотлар сони кескин кўпайган. Бундан кўринадики, иқтисодий пасайиш даврида давлат органларининг инқироз оқибатларини кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитларни яратиш орқали юмшатишга ҳаракат қилиши кузатилиб, иш ўринлари сонининг кўпайиши ва кичик ва ўрта бизнесдан тушумларга боғлиқ бўлган маҳаллий бюджетлар даромадининг ўсишига олиб келиши лозим. 2008-2009 йилларда 131 та мамлакатда меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизимида 297 та ислоҳот рўйхатга олиниб, бу олдинги босқичга қараганда 20%га, ҳар бир ўтган босқичдагига қараганда кўпроқдир. Сўровда иштирок этган 60% мамлакатлар бу соҳада ислоҳотларни амалга оширган [3].

Ўтган давр таҳлили шуни кўрсатадики, инқироз шароитида йирик компанияларнинг фаолият кўламлари қисқариб, қарзлари аҳамиятли даражада кўпайиб, давлат ёрдамига муҳтожликлари тобора кучли намоён бўлса, бу жараёнлар кичик бизнес корхоналарига у қадар таъсир кўрсатгани йўқ. Ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасига кўра, кичик бизнес субъектларининг деярли 1/3 қисмининг таъкидлашича, кейинги вақтда молиявий-иқтисодий инқироз уларнинг фаолиятига деярли таъсир кўрсатмаган ва келгусида ҳам бундай барқарорлик сақланиб қолишига ишончлари комил. Сўровда иштирок этганларнинг 23 фоизи эса глобал

инқироз шароитида ўз фаолиятларининг янада яхшиланишини кутмоқдалар [4].

Бироқ, ушбу далиллар ҳозирги глобал инқирознинг кичик бизнес субъектлари фаолиятига салбий таъсири борасида хавотирланишга, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга умуман зарурат йўқ, деган маънони англатмайди. Аксинча, бундай шароитда давлатнинг пухта ўйланган ва изчил қўллаб-қувватлаш сиёсати вазиятни ижобий ўзганга буриш имконини таъминлайди.

Шунга кўра, мамлакатимизда пандемиянинг бошланиш палласидаёқ давлат томонидан жиддий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва изчил амалга оширишга эътибор қаратилди. Бу борадаги қўллаб амалга оширилган тадбирлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларини алоҳида қайд этиш лозим.

Мазкур фармонларда белгиланган қўллаб чора-тадбирлар таркибидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун бевосита тааллуқли бўлган айрим қўллаб-қувватлаш чораларини айрим йўналишларга гуруҳлаш орқали ифодалаш мумкин (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган чоралар жуда хилма-хил бўлиб, бу ўринда уларнинг барчасини бирма-бир ифодалаш ҳам қийин. Энг муҳими, мазкур чоралар қисқа муддатли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиб бормоқда.

Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналиш ва чоралари [5, 6]

| Йўналишлар | Белгиланган чоралар |
|---|--|
| Тадбиркорларга солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларининг пасайтирилиши | <ul style="list-style-type: none"> - олти ой давомида яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтириш; - қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 50 фоизга пасайтириш; |
| Фаолият юриштишнинг аҳамиятли даражада секинлашуви (ёки фаолият юритмаслик) сабабли тўловларни тўхтатиш | <ul style="list-style-type: none"> - уч ой давомида туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлашни тўхтатиш; - олти ой давомида ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллашни тўхтатиш; |
| Вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш | <ul style="list-style-type: none"> - солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туриш, шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрмаслик; - туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн. сўмлик қарздорликларни тўлаш бўйича кечиктиришни (жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда) 2020 йил 1 октябрга қадар узайтириш; |
| Тадбиркорлик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш бўйича енгилик бериш | <ul style="list-style-type: none"> - 2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказишни тўхтатиш; |
| Тадбиркорлик фаолиятни янада рағбатлантириш | <ul style="list-style-type: none"> - хусусий тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилган айланма маблағларни тўлдириш учун, шу жумладан истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдириш учун қайта тикланадиган револьвер кредитлар ажратиш; - 2020 йил 31 декабрга қадар белгиланган муайян товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкаларини белгилаш; - 2020 йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахслар томонидан газ ва электр энергияси бўйича олдиндан ҳақ тўлаш тўғрисидаги мажбурий талабни 30 фоизгача пасайтириш. |

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, юқорида қайд этиб ўтилган фармонларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1) ҳозирги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чораларнинг изчил ва тўлиқ амалга оширилиши мазкур соҳанинг иқтисодийдаги ўрни ва аҳамиятини сақлаб қолишнинг муҳим шarti ҳисобланади;

2) глобал инқироз шароитида халқаро ва миллий даражадаги иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг тез ва кескин ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда белгиланган чораларнинг долзарблиги ҳамда уларни янада такомиллаштириш юзасидан даврий мониторингини олиб бориш лозим;

3) юзага келаётган ўзгаришлар ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таркибий тузилмасини янада такомиллаштириш, унинг етакчи тармоқлардаги мавқеини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пережить кризис | На какие меры идут правительства, чтобы спасти экономики своих стран. 16 примеров. - <https://biz.liga.net/all/all/article/perejit-krizis-na-kakie-mery-idut-v-mire-chtoby-spasti-ekonomiku-keysy-15-stran>

2. Дубов Г. АСИ собрало лучшие мировые меры поддержки бизнеса и населения во время пандемии. 30 марта 2020 года. - <https://asi.ru/news/121867/>

3. Бессонова Е. и др. Проблемы малого бизнеса России в 2009 году: административные барьеры и доступность внешнего финансирования. ЦЭФИР при РЭШ. 2010 год, май. - <http://www.cefir.ru/download.php?id=2530>

4. Малый бизнес в условиях кризиса / <http://www.bcprofi.ru/business/news/> 3961/

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 19 март, ПФ-5969-сон. - <https://www.lex.uz/>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2020 йил 3 апрель, ПФ-5978-сон. - [https:// www.lex.uz/](https://www.lex.uz/)

Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси
Ижрочи директори - аудитор,
Тошкент Давлат Иқтисодий Университети,
Маркетинг кафедраси мустақил изланувчиси – PhD,
Рашидов Фаррух Исмоилович
farruhrashidov@gmail.com frashidov@umail.uz

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МАУММОЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш муммолари ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар. Акциядорлик жамиятлари, бош стратегия, маркетинг стратегиялари, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари, қўшимча акция чиқариши.

Бугунги кунда Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг 82% қисми давлат акция пакети мавжуд акциядорлик жамиятларидир⁶⁹. Нафақат иқтисодий инқироз хавф солиб турган пайтда, умуман олганда ҳам, акциядорлик жамиятлари иқтисодий барқарорлигини таъминлашда бир қатор мауммолар мавжуд. Уларни 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Бошқарувдаги муаммолар;
2. Маркетингдаги муаммолар;
3. Ишлаб чиқаришдаги муаммолар;
4. Кадрлар салоҳиятидаги муаммолар.

Акциядорлик жамиятларининг бошқарувида қуйидаги муаммолар мавжуд:

⁶⁹ А.Назиров “Что сдерживает развитие рынка капитала Узбекистана и почему это так важно для экономике всей страны”

1. Акциядорлик жамиятларидаги корпоратив бошқарув тизими номига ишлайди. Корпоратив бошқарув тизими 3 босқичли (акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижро органи) бўлиб, уларга тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, ташқи аудиторлик текшируви фаолиятни мониторинг қилишда амалий ёрдам беради. Аксарият давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари акциядорлар умумий йиғилишлари ва кузатув кенгаши йиғилишлари номига ташкил этилади. Кузатув кенгашлари уларга бўйсунувчи ички аудит хизматини ишлата олмайди, ички аудитнинг хулосаларидан ва тавсияларидан фойдаланмайди. Ижро органи эса кузатув кенгашини ҳам акциядорлар умумий йиғилишини ҳам тан олмайди ва ўзини акциядорлик жамиятини мутлақ раҳбариман деб ҳисоблайди. Кузатув кенгаши аъзоларини эса ижро органини ўз жойини кўрсатиб қўйиши учун билим ва савияси етмайди.

2. Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида миссия, кадр қиммат, келажак, бош стратегия каби асосий тушунча ва кўрсаткичлар мавжуд эмас.

3. Давлат улуши 50% дан ортиқ акциядорлик жамиятлари ижро органи раҳбарини сайлаш шаффоф эмас. Номзодлар ўртасида танлов ўтказилади, энг яхши номзод келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига юборилади. Агар Вазирлар Маҳкамаси томонидан номзод маъқулланса кейинчалик акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланади, яъни маъқулланган номзодни акциядорлар инкор қила олмайди. Аксинча, агар номзод маъқулланмаса акциядорлар бу номзод сайлай олмайди, ўтказилган танлов аҳамиятини йўқотади. Бундан чиқадики, номзод Вазирлар Маҳкамасига маъқул келмагунча танлов ўтказилаверади. Хўш, Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланиб танланган номзод акциядорларни тан оладими?

4. Кузатув кенгаши аъзоларини давлат ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ходимлар орасидан танланади. Давлат ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ходимлар корпоратив бошқарувни тушунадими? Кузатув

кенгаши аъзоси корпоратив бошқарувчи аттестатига эга бўлиши, энг камида натижага эришган тадбиркор бўлиши керак. Агар ҳуқуқшунос, аудитор, йирик хусусий компаниялар менежерлари бўлса унданда яхши. Ушбу профессионал бошқарувчилар танлов асосида танланиб олиниши керак.

5. Барча давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида қўшимча акция чиқариш FPO (Follow on Public Offer) рухсат берилмаган. Бунга сабаб қўшимча акция чиқарилганда давлатнинг улушини камайиб кетишидир. Аслида, қўшимча акция чиқарилиши бу энг арзон ва фоизсиз пул маблағи ҳамда маълум муддатда қайтариш мажбуриятисиз пул маблағлари демакдир. Аксинча барча давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларини қўшимча акция чиқаришга мажбурлаш лозим. Бу эса акциядорлик жамиятларида давлат улушини камайтиришга, жамиятни ҳақиқий эгасига топширишга, инвесторлар ўзлари учун ҳаракат қилишига, давлатни бизнесга аралашмаслигига олиб келади.

Акциядорлик жамиятларининг маркетинг соҳасида қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Маркетинг бўйича директор мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан акциядорлик жамиятларининг наъмунавий таркибий тузилмаси тасдиқланган бўлиб, унда:

- a. Маркетинг ва сотиш бўйича директор ва унга бўйсунувчи;
- b. Бозор конъюнктураларини ўрганиш бўлими;
- c. Брэнд-менежмент, маркетинг ва реклама хизмати;
- d. Чэт эл харидорлари билан ишлаш ва экспорт бўлими;
- e. Ички сотувлар бўлими;
- f. Сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш ва кафолатлар бўлимлари ташкил этилиши белгиланган.

Аввалига акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашлари томонидан худди шундай типда акциядорлик жамиятининг ташкилий

тузилмаси тасдиқланди. Аммо вақт ўтиши билан, 5 йил оралиғида ташкилий тузилма бир неча маротаба ўзгартирилиб, бугунги кунда акциядорлик жамиятларида маркетингнинг бу шаклдаги тўлиқ тузилмаси қолмаган.

2. Маркетинг стратегиялари мавжуд эмаслиги. Акциядорлик жамиятларида маркетинг учун масъул директор мавжуд бўлмагандан сўнг маркетинг стратегиялари ҳақида умуман тушунча мавжуд бўлмайди. Махсулот ассортиментларини кўпайтириш, талаб ва таклифни ўрганиш, рақобатчилар фаолиятини кўриб чиқиш, янги бозорлар топиш каби вазифаларни бажарувчи масъуллар мавжуд эмас.

3. Маркетинг бўлимлари ўз ишларини тушунмайди. Бугунги кунда акциядорлик жамиятларидаги маркетингчилар шартнома ёзиш, товар ва хизматлар сотиб олиш билан шуғулланиб келмоқда. Улар аслида нима қилиши кераклигини билмайди.

Акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш соҳасида қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Айрим акциядорлик жамиятларида ҳанузгача ишлаб чиқариладиган махсулот тури ва ҳажмини давлат томонидан тасдиқлаш тизимининг мавжудлиги. Бу ишлар билан акциядорлик жамиятининг соҳа бўйича юқори турувчи ташкилоти шуғулланиб келади. Яъни махсулотлар бозор талаби асосида ишлаб чиқарилмайди.

2. Жорий этилган сифатни бошқариш тизимлари (ISO 9001) номигагина ишлайди. Сифатни бошқариш тизимларини (ISO 9001) акциядорлик жамиятлари раҳбарлари тушунмайди. Шу боис сифат тизими бўйича бериладиган сертификатни олиш учун минимал талабларни бажаради.

Акциядорлик жамиятларининг кадр соҳасида қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Ўз соҳасида етарли билимга эга мутахассислар етишмаслигини билсакда кадрларни ўзимиз тайёрлашимиз мумкин деган фикрдан жуда йироқмиз. Яъни ҳеч қаерда тайёр мутахассислар мавжуд эмас. Уларни тайёрлаш керак.

2. Акциядорлик жамиятлари раҳбарлари ҳақиқий тадбиркор орасидан танланмаганлиги сабабли уларда тадбиркорлик қобилиятлари мавжуд эмас.

3. Мавжуд ходимлар малакасини ошириш тизимли равишда йўлга қўйилмаган. Акциядорлик жамиятлари ўз ходимларини малакасини ошириш, ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб тайёрлаши лозим.

4. Акциядорлик жамиятларига ишга қабул қилишдаги ёпиқлик мавжуд. Акциядорлик жамиятларининг веб саҳифалари бўлсада бўш иш ўринларига ошкора тарзда эълонлар берилмайди. Ишга қабул қилишда шаффоф тизим мавжуд эмас.

5. Раҳбарлар ва ходимларга рағбатлантириш самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизими асосида йўлга қўйилмаган. Аксарият жамиятларда мукофот бажарилган ишига қараб тўланмайди.

Хулоса қилиб айтганда, акциядорлик жамиятларини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилади:

1. Давлат улушини энг кўпи билан 25% гача қолдириш шарти билан кўшимча акция чиқариш ва жойлаштириш мажбуриятини акциядорлик жамиятларини кузатув кенгаши ва ижро органига юклаш;

2. Акциядорлик жамиятларида ижро органи раҳбарини сайлаш масаласига аралашмаслик, бу вазифани кузатув кенгаши ваколатига қолдириш;

3. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи фақат корпоратив бошқарув аттестатига эга профессионал менежерлар орасидан танлаб олиш механизминини жорий этиш;

4. Акциядорлик жамиятларида сифатни бошқариш тизимларини (ISO 9001) ҳаққоний жорий этиш ва унга тўлақонли амал қилиш;

5. Маркетинг бўйича директор лавозимини ва унга тегишли бўлимларни тиклаш;

6. Акциядорлик жамиятларида хориж компанияларининг маркетинг стратегияларини натижаларини ўрганган ҳолда халқаро рақобат мухитидан

келиб чиқиб маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш механизмини жорий этиш;

7. Акциядорлик жамиятларида ишга қабул қилиш механизмини шаффоф тарзда бўлишини таъминлаш;

8. Акциядорлик жамиятлари дунёдаги кўпчилик компаниялар томонидан қўлланиб келинаётган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (Key Performance Indicators - KPI) тизимини ҳар бир ходим кесимида ишлаб чиқиши ва жорий этишлари зарур;

9. Акциядорлик жамиятлари юқори малакали кадрларни танлаш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш, бунда маркетинг йўналиши ходимларини алоҳида ўқитиши лозим;

10. Тадбиқ этилган маркетинг стратегиялари натижалари ҳар чоракда компания акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши йиғилиши ва бошқарув йиғилишларида муҳокама қилиш, унга мувофиқ ходимларни руҳлантириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Р.А.Фатхутдинов «Стратегик маркетинг» - Москва, ЗАО “Бизнес школа Интел-Синтез”, 2000.
2. Ф.Котлер Кевин Лейн Кеплер «Маркетинг менежмент» - за №207.
3. А.Г.Ким, Е.Б.Кметь «Управление маркетингом». – Владивосток, «ВГУЭС», 2015.
4. Д.В.Тюрин «Маркетинговый аудит» – Москва, «Инфра-М», 2012.
5. www.rusability.ru ва www.sales-generator.ru веб саҳифалари

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Тезисда муаллиф томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятига инвестиция киритилишининг асосий сабаблари, киритилган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича ҳолат ва у бўйича хулосалар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари фаолиятига инвестиция қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: *Кичик бизнес, инвестиция, инвестиция қайтими, пул оқимлари, пулнинг даврий қиймати, соф жорий қиймат, инвестицион қарор.*

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётдаги монопол хусусиятга эга бўлган ҳолатларини бартараф этиш ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат курашини ривожлантиришга қаратилган ишлаб чиқаришлар таркибида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада эса турли мулк шаклларига асосланган кичик бизнес корхоналарининг кенг ривожланишига эришилди [3].

Маълумки, инвестициялар корхоналар иқтисодий ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолиятнинг ривожлантирилиши ва амалга оширилишига йўналтирилган чора-тадбирлар, шунингдек, иқтисодий муҳим тармоқларнинг замонавийлаштириш ва техник қайта таъмирлаш дастурлари инвестициялар ҳажмининг ўсишига олиб келди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард

долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди” [1].

Кичик корхоналар фаолиятига маблағлар киритиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш инвестицион ҳаётийлигини (кўп ҳолларда 5 йил ёки асосий ускуналарнинг эскириши даври) ҳисобга олган режага асосланади ҳамда унга асосан қилинган барча инвестицион харажатларни қоплаш ва фойда олиш белгиланган даврда амалга оширилади. Агар инвестициялар учун муддат белгиланмаса, унга қилинган инвестициянинг қоплаш муддати ноаниқ бўлади ёки унинг қайтими амалга ошмайди.

Кичик корхоналар фаолиятига киритилган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш ягона умумий хусусиятга эга бўлган, яъни уни аниқлашда қўлланилувчи молиявий натижани вақт бўйича битта (базавий) муддатга келтиришга тўғри келадиган турли кўрсаткичлар тизими ёрдамида амалга оширилади. Бунинг сабаби пул қийматининг вақт бўйича ўзгариши билан изоҳланади Битта суммага турлича муносабат нафақат инфляция билан, балки ҳар қандай тижорат фаолиятига киритилган, жумладан, банкдаги депозит рақамига қўйилган бир сўм пулдан маълум вақт (ой, йил) ўтгандан сўнг олинган даромад (фоиз) ҳисобига каттароқ суммага айланиши мумкинлиги билан ҳам изоҳланади [4].

Кўп кичик корхоналар киритилган инвестицион маблағлар қайтимига минимал муддат белгилайдилар. Инвестицияларни қоплаш муддати усулида келгусидаги пул оқимлари киритилган инвестицияларни қанча вақт давомида қайтишини ҳисоблаш имконини беради, яъни қўйилган капитал қанчалик тез қайтса шу даражада риск паст бўлади ва аксинча.

Кичик корхоналарга киритилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашда халқаро амалиётда пулнинг жорий ва келгуси пул қиймати каби тушунчалардан фойдаланилади. Инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш пулнинг соф жорий қийматига (NPV) боғлиқ бўлади. Агар $NPV > 0$ бўлганида инвестицион қарор қабул қилинади ва келиб чиққан сумма бугунги кунда унинг альтернатив вариантдан қанчага кўп даромад келтиришини

билдиради. Соф жорий қиймат (NPV) ижобий бўлганлиги боис, уни амалиётга қўллаш тўғридир. Бироқ, соф жорий қиймат нолга тенг ва салбий бўлса, у ҳолда маблағларни мазкур соҳага инвестиция қилиш ярамайди [5].

Фикримизча, мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг фаолиятига инвестиция киритилишининг асосий сабаблари бўлиб қуйидагилардан иборат:

1. Кичик бизнес корхоналари мамлакат тараққиётида ўзининг сезиларли ўрнига эга. Демак, кичик бизнес субъектлари иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

2. Кичик бизнесни ривожлантириш масаласи давлат миқёсидаги муҳим ва долзарб мавзуга айланди.

Бироқ, кичик бизнес субъектлари фаолиятига инвестиция киритишда маълум муваффақиятсизликлар юзага келмоқда, шу сабабли ҳам улар қисқа муддатларда ўз фаолиятини яқунламоқда. Бу ҳолатнинг юзага келишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

-корхона фаолияти учун инвестицион қарорлар қабул қилинаётганда пулнинг даврий қиймати концепцияси эътиборга олинмаяпти;

-лойиҳанинг ҳаётийлик даври аниқ ҳисоб китоблар орқали аниқланмаяпти;

-ҳаётийлик даври ҳисоб-китобларини бажаришда инфляциянинг статистикаси (яна ҳам тўғрироғи прогнози) мавжуд эмас, шу сабабли ҳам келажакдаги ҳолатлар учун аниқ ҳисоб-китоблар яратиш имкониятига эга бўлинмаяпти.

Бу муаммоларни бартараф қилиш кичик бизнес субъектлари фаолиятининг самарадорлигини кўтариш масалаларига боғлиқ бўлиб, у кўп жиҳатдан уларни бошқариш йўлларини, хусусан бошқарув тизимига ўзгартириш киритишни талаб қилади. Бунинг учун ушбу соҳа корхоналарининг муваффақиятли фаолият юритиши учун:

- биринчидан, уларнинг бошқаруви, хусусан, молиявий менежмент тизимини мувофиқлаштиришда мулк эгалари, яъни инвесторларнинг

манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қилинган инвестицияларни ўз вақтида ва тўла қайтиши мақсадидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши зарур;

- иккинчидан, кичик бизнес субъектлари фаолиятига инвестиция қилиш учун қарорлар қабул қилишда қилинадиган харажатлар ва олиннадиган даромадларни ҳисоблашда пулнинг даврий қийматини эътиборга олиш зарур, яъни бугунги қилинган қўйилмалар келажакда кутилаётган даромадлар орқали қопланиши назарда тутилиши керак.

Кичик бизнес субъектларига инвестиция қилишда қарорлар қабул қилишдаги энг асосий қоида сифатида соф жорий қийматни аниқлаш ҳисобланади. Бу қоиданинг асосий мазмуни шундаки, келажакда маҳсулот сотишдан келадиган пулнинг жорий қиймати дастлабки қилинган инвестиция суммасидан катта бўлса, инвестиция қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Шунинг учун ҳам келажакдаги пул оқимлари ҳисобини амалга оширишда уларнинг бугунги қийматига келтириб, таққосланади [5].

Дисконтланган пул оқимлари таҳлили концепцияси инвестициялаш тўғрисида қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Бу концепциянинг моҳияти келгусидаги қиймат, келтирилган қиймат, фоиз ставкаси ва даврлар сонига боғлиқ бўлилади.

Инвестициялашда лойиҳанинг даромадлилиги капиталнинг алтернатив қийматига қараганда каттароқ бўлса, қарор қабул қилинади. Бу қоида кўпинча, даромадлилик ставкасига солиштириш орқали амалга оширилади. Соф жорий қиймат нолга тенг бўлганда лойиҳанинг зарарсизлик нуқтаси юзага келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес субъектлари фаолиятига инвестиция қилиш бўйича қарор қабул қилишда қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- инвестициялар самарадорлигини ҳисоблашда ва соф пул оқимларини аниқлашда амортизация ажратмаларини эътиборга олиш зарур. Бу кўрсаткич соф фойда миқдорини аниқлашда муҳим ҳисобланади;

- ички даромадлилик ставкаси, соф келтирилган қиймат кўрсаткичларини юқорилигига эришиш киритилган инвестицияларнинг қайтимига ижобий таъсир қилади;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятида зарарсизлик нуқтасини топишда доимий ва ўзгарувчан харажатлар билан бир қаторда бошланғич инвестицион харажатларни эътиборга олиш муҳим масала ҳисобланади.

Ушбу омилларнинг қилинган инвестицияларга таъсири ижобий бўлиб, қилинган харажатлар қопланади ҳамда кичик корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. // Халқ сўзи. 25.01.2020 й.

2. Абдуллаева Ш.З., Иброҳимов И.Ш., Хасанбоева М.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантиришда банкларнинг роли // Иқтисодиётда инновациялар № 4, 2018.

3. Закирова Г.Т., Темиров А.А. Кичик корхоналар фаолиятида молиявий менежментни ташкил қилиш хусусиятлари // Иқтисодиётда инновациялар № 6, 2019.

4. Р.Р.Тожиев, А.А.Темиров. Пути совершенствования системы кредитования субъектов малого предпринимательства Республики Узбекистан // Ученый XXI века. №6 2016.

5. Темиров А. Корхоналар фаолиятида самарали молиявий бошқарувни ташкил этиш хусусиятлари // Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития. Сборник статей II международной научно-практической конференции. Ташкент, 2019.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган мақсадли устувор вазифалардан бири, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириши, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишида муҳим омил эканлиги таъкидланди. Ушбу соҳа вакилларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги уч йилда Президентимиз томонидан элликдан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Калим сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, тадқиқот, сўровнома

“Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади”.⁷⁰

Тадбиркорлик ва хусусий бизнес фаолиятини ўрганиш ва тадбиркорликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш ҳамда банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ходимлари томонидан 2019 йилда Сирдарё вилоятининг Ховос туманида социологик тадқиқот ўтказилди.

⁷⁰ <http://uza.uz/> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 25.01.2020й.

Хусусий тадбиркорлик субъектлари муаммолари бевосита аҳоли турмуш даражаси билан узвий боғланган ҳолда ўрганилди. Ўрганиш Ховос туманидаги 20 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги (туманда жами 26 та маҳалла мавжуд) 188 та уй хўжаликлари ва 122 та тадбиркорлик субъектлари (жами 310 та) билан сўров ўтказилди, жумладан: 1) 20 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари (4 та шаҳарча ва 16 та қишлоқ); 2) 14 та ишлаб чиқариш; 3) 26 та қишлоқ хўжалиги соҳаси; 4) 60 нафар савдо ва умумий овқатланиш; 5) 18 та хизмат кўрсатиш (маиший); 6) 4 та қурилиш ва транспорт соҳасидаги тадбиркорлар билан “Тадбиркорлик ва хусусий бизнес фаолиятини ўрганиш” ва “Уй хўжаликларини ўрганиш” мавзусидаги сўровномалар асосида ўтказилди.

Мазкур сўровнома асосида тайёрланган таҳлилий ҳисобот иккита ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи ёндашувлардан иборат: Биринчи ёндашув махсус тайёрланган сўровнома асосида тадбиркорлик субъектлари ва уй хўжаликлари аъзолари билан юзма-юз суҳбат орқали олинган маълумотлардан ташкил топган бўлса, иккинчи ёндашув эса маҳалла раислари (вакиллари) билан ўтказилган алоҳида сўровномага асосланган.

Сўровнома ўтказиш даврида аҳолининг алоҳида қатламлари, ёшлар, оқсоқоллар ва нурунийлар, аёллар билан алоҳида экспресс суҳбат ўтказилди. Уларнинг асосий натижалари Ховос туманининг тарихи ва мавжуд салоҳиятидан фойдаланишдаги тизимли муаммоларни аниқлашдан иборат бўлди.


Янгиер шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари фаолитини тўхташи ҳам ховос шаҳарчаси ва тумани аҳолиси ижтимоий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатган. Ҳозирги пайтда Янгиер шаҳрида 42 мингдан ортиқ, Ховос шаҳарчасида эса 28 минг аҳоли яшайди. Худуд аҳолисининг кўпчилик қисми миграция жараёнида иштирок этади, яъни Ховос шаҳарчасида яшаб, Янгиер шаҳридаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритадилар.

Бевосита сўровнома натижалари. Туманда ўрганилган 20 та маҳалла худудларида асосан уй хўжаликларида фаолият юритаётган тадбиркорлар

чорвачилик (қорамол парвариш қилиш) – 65,3%, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш – 58,2%, сартарошхона 41,0%, новвойхона – 37,0% ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланишлари маълум бўлди.

Маҳалла ҳудудларида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг юридик шахс ташкил этган ҳолда ишлаётганлар – 12,0%, якка тартибда тадбиркорлик фаолиятини юритаётганлар ҳар икки тадбиркордан биттаси, яъни – 51,0%, норасмий фаолият юритаётганлар эса – 37,0% ташкил этади (1-расм).

1-расм. Маҳаллада фаолият юритаётган кичик тадбиркорликнинг фаолият шакллари, %



Кузатувда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг хўжалик юритиш шакллари - юридик мақомга эга бўлган корхоналар – 19,7%, якка тартибдаги тадбиркорлар – 60,7% ва фермер хўжаликлари – 19,7% ни ташкил этди.

Туман маҳаллаларида ўзига хос аҳолининг ижтимоий табақалашуви вужудга келган.

Уй хўжалиги аъзоларининг фақатгина 7,6% олий маълумотли, ўрта махсус таълим маълумотга эга бўлганлар улуши эса 58,0% ташкил этади. Оилаларда ишламаётганларнинг улуши 24,1%, пенсионерлар 13,0%, уй бекалари 19,4%, ногиронлар 1,0% га тенг. Сўровномада иштирок этганларнинг баҳоларига кўра охириги йилларда туманда ижтимоий табақалашув кучайиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кам таъминланган оилалар кўпайиб бормоқда. Айниқса маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмаяпти.

Аҳолини таъкидлашларига кўра (86,7%) туманда доимий иш ўринлари етишмайди, аксарият иш ўринлари норасмий (46,7%). Оилаларнинг асосий даромадлари ҳажми 500 минг сўмдан – 2,5 млн. сўмгача бўлиб (66,0%), 500 минг сўмгача бўлган оилалар улуши - 18,1% ташкил қилмоқда. Асосий

тизимли муаммолар қаторига тадбиркорлар билан банк-молия институтлари ўртасидаги муносабатлар кўрсатилган. Тадбиркорлик субъектларидан “Банк ва кредит ташкилотлари кредит маблағларини жалб қилишдаги қийинчиликлар” борасидаги саволга қуйидаги муаммоларни билдиришди: фоиз ставкаларини юқорилиги – 38,5%, гаров таъминоти мавжуд эмаслиги ёки етарли эмаслиги – 17,2%, тўлов муддатини ноқулайлиги ва кредитни тўлашга етарли



даромадни йўқлиги – 24,6%, маъмурий бюрократик тўсиқлар – 9,8%, банкка мурожаатнинг фойдасизлиги – 9,0% эканлиги респондент тадбиркорлар томонидан таъкидланди. Фоиз ставкалари юқори бўлиши билан бирга кредитларни олишда бир қатор бюрократик тўсиқлар мавжуд. Ўз навбатида тадбиркорлар кўпроқ умидини имтиёзли кредитларга қаратмоқдалар, лекин бу ерда ҳам ўзининг объектив ва субъектив муаммолари бор (3-расм).

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини юритишда айрим муаммоларга дуч келмоқдалар: улар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда газ, сув ва электрэнергияси таъминотидаги беқарорлик – 33,3%, асосий воситалар ва айланма маблағлар учун банкдан кредит олишнинг мураккаблиги ва юқори харажатлар талаб этиши – 29,2%, корхона соҳаси бўйича ҳудудда мутахассисларнинг етишмаслиги – 29,2%, ер ажратиш, қурилишга рухсат олиш, бўш бинолардан фойдаланиш ва муҳандислик – коммуникация тармоқларига уланишнинг мураккаблиги ва юқори харажатлар талаб этиши – 20,8%.

Таклифлар. Туманда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жойлардан олинган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ:

- туманда тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий нуқталарини аниқлаш (Янгиер шаҳри, Ховос шаҳарчаси ва йирик салоҳиятга эга қишлоқлар), Ховос шаҳарчасига шаҳар мақомини бериш, уни ҳақиқий тадбиркорлар марказига айлантириш, Янгиер-Ховос агломерациясини ташкил қилиш, Ховос темир йўл станциясини махсус агротранспорт логистик марказига айлантириш;

- қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудлари билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, махсус эркин савдо зонаси бўйича таклифлар тайёрлаш;

- туман марказида (тадбиркорлар уйи) доимий фаолият олиб борадиган ўқув марказини ташкил этиш, барча ўқув курслари ва дастурларини мувофиқлаштириш, реал талабдан келиб чиққан ҳолда турли йўналишларда ва муддатларда керакли мутахассисларни тайёрлаб бериш;

- туман аҳолиси ва тадбиркорларни талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини тубдан ўзгартириш, айниқса электрэнергияси ва ичимлик сувини барқарор таъминлашга эришиш, керак бўлганда ўрта муддатли дастурларни кутиб ўтирмасдан, вақтинчалик схемалар орқали муаммоларни ҳал қилиш;

- тадбиркорликни кредитлаш механизми такомиллаштириш ва соддалаштириш (банк-молия тизими институтларини туманда бевосита фаолиятини ташкил этиш ва кредитлар олиш муддатларини кескин камайтириш, турли ҳавф-хатарларни олдини олиш ва кредитларни ўз вақтида қайтариш мақсадида туманда махсус жамғарма ташкил этиш, имтиёзли кредитлар бериш механизмини соддалаштириш мақсадида туманда технологик асбоб-ускуналарни лизинга бериш марказини ташкил қилиш, унинг фаолиятини тадбиркорлар буюртмаси асосида шакллантириш,

банкларни бевосита тадбиркорларга берган ёрдами асосида уларнинг самарадорлигини аниқлаш, мақсадли имтиёзли кредитлар бериш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар);

- туманда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган барча бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг самарали фойдаланишида ишлаб чиқилган тадбиркорлик стратегиясининг устувор йўналишларига биринчи навбатда эътиборни қаратиш;

- туманда тадбиркорликни самарали бошқаришни йўлга қўйиш, жумладан барча давлат ва нодавлат ташкилотларининг мақсад ва вазифалари, масъулиятини янада аниқлаштириш, туман марказида намунавий тадбиркорлар уйини ташкил қилиш ва бошқалар;

- туманда тарғибот-ташвиқот ишларини ягона тизим асосида тадбиркорликка бўлган интилишини шакллантириш, махсус оммавий қўлланмалар, бозор конъюнктураси, талаб ва таклиф, ижтимоий-иқтисодий салоҳият ва бошқа керакли информацион-ахборот материаллари билан доимий таъминлашни ташкил қилиш;

- туман аҳолиси ва тадбиркорларини келажакка бўлган ишончларини янада кўтариш, мавжуд ўзига хос салоҳиятдан самарали фойдаланиш, жойлардаги тадбиркорларнинг таклиф ва режаларини эътиборга олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. www.uza.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 25.01.2020й.
2. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси

Ташкентский государственный экономический университет
Доцент кафедры Управление
бизнесом и логистика
Ишмухамедов Бахтиёр Журабаевич
Email dokk_ps@mail.ru

АДАПТАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ.

Аннотация. Настоящая статья является актуальной на сегодняшний период адаптации как диверсификации экономики страны в современных рыночных отношениях, создается необходимость трансформации системы разных структур экономики, предполагающей эффективное интегрирование хозяйствующих субъектов, а также обновление государственных структур, организаций инфраструктуры с малым бизнесом, как фактора адаптации малого бизнеса к развитие страны.

Ключевые слова: малое предпринимательство, институциональная среда, инфраструктура, бизнес-инкубаторы, технопарки, оценка качества, стар тап, венчурный фонд.

В настоящее время основным ориентиром деятельности компании становится наиболее полное удовлетворение потребностей клиентов.

Поэтому необходима разработка сбалансированной системы целей, в которой будут представлены все заинтересованные группы. Указанные тенденции актуализируют проблему стратегического управления малыми предприятиями и повышения эффективности их функционирования в экономике региона.

Однако в настоящее время развитие стратегического управления в малом бизнесе является ограниченным. При существенном объеме научных работ по разработке стратегий для крупных корпораций лишь с недавних пор исследователи стратегического менеджмента начали уделять внимание малым

предприятиям. В разработки стратегической модели развития представляют немалый интерес для предпринимателей.

Малый бизнес и частное предпринимательство – это сфера приложения индивидуальных способностей человека, способ самореализации личности. В сфере малого бизнеса осуществляется большая часть всех инноваций, что способствует научно-техническому прогрессу и формированию «среднего класса» как важнейшего фактора социальной и политической стабильности общества.

Для решения этих стратегических задач необходимо создание новых и трансформация существующих институтов государственной поддержки малого предпринимательства, повышение качества институциональной среды. Многие предприниматели связывают стимулирование малого бизнеса только с финансированием на собственные средства и инвестиционной программы поддержки государства.

Учитывая стратегическую роль малого бизнеса в решении масштабных задач модернизации экономики на основе инновационного пути развития, необходимо создать специализированное интеграционное система в структуре средних экономических и малых региональных промышленных зон при поддержке Министерство Образование, Министерством инновации, Торгово-промышленной палаты предпринимателей, которое бы занималось исключительно реализацией государственной политики и стратегии стимулирования малого предпринимательства.

Например, одной из эффективных моделирование, взаимодействия субъектов малого бизнеса в области инновационной деятельности является кластеры, венчурные компании, бизнес инкубаторы, коворкинг центры и технопарки.

Проведенные в рамках разработки моделей для развитие малого бизнеса и предпринимательство Концепции создания высокотехнологичного кластера на примере как «Селиконовая долина» в США и «Сколково» в

России исследования показали, что в результате формирования кластера число малых предприятий, входящих в него, возрастет с 10 до 200 компаний.

Основные функции данной модели, которые выполняет сама структура это поддержка бизнеса а также поддержка успешных молодых и начинающих предпринимателей. В функционировании системы малый бизнес в разрабатывает маркетинговую социально-экономическую, такие как формирование конкурентной среды, привлечение и поддержка инвестиционной активности путем мобилизации предпринимательского и творческого потенциала предпринимателей, снижение социальной напряженности через обеспечение занятости населения.

Существующая система поддержки малого бизнеса не в полной мере отвечает потребностям инновационного развития, поскольку отсутствует быстрый стратегический подход к различной сфере малого бизнеса. Данная модель дает возможность на основе интегрированной в соответствии с группировкой а также классификации сферы малого бизнеса и науки по уровню конкурентоспособности.

Основой рассматриваемой модели трансформации институциональной среды малого предпринимательства является разграничение функций по реализации государственной политики в сфере бизнеса. Функции по разработке привлечение инвестиций основных направлений и принципов государственной политики развития малого бизнеса и частного предпринимательства.

Функции по разработке, координации и реализации бизнес программ поддержки МБЧП всех уровней возлагаются на организаторов, а функции по мониторингу, анализу и оценке эффективности реализации программ поддержки МБЧП — на инвесторов, специализированные научно-исследовательские институты и общественные организации субъектов малого предпринимательства.

Следующий аспект совершенствования институциональной среды МБЧП — это решение проблемы нехватки офисной и производственной

недвижимости, создание имущественной инфраструктуры поддержки. Для перехода к инновационной модели развития экономики необходимо создать региональную цифровую (интернет)сеть из бизнес-инкубаторов и технопарков.

В настоящее время в мире действует более 4000 бизнес-инкубаторов, из них около 1100 — в США. Бизнес-инкубатор — это организация, основной целью которой является создание благоприятных организационно-экономических условий для вновь созданных малых предприятий. Следует подчеркнуть, что если до 5 лет «доживают» только 33% малых предприятий, то в условиях бизнес-инкубаторов — 75%. [1]

Главным фактором развития малого предпринимательства является эффективная государственная поддержка. Развитые страны используют примерно однотипный набор методов и форм экономической и административной поддержки:

- программы поддержки малого бизнеса,
- создание и развитие структуру цифрового управления,
- консультационную,
- инвестиционную помощь малому бизнесу,
- льготное налогообложение,
- антимонопольное регулирование,
- распределение госзаказов малым предприятиям разработку и реализацию правовых актов по поддержке общественных организаций,
- взаимодействию малого и крупного бизнеса и другие формы поддержки. [2]

Таким образом, малый бизнес выступает важной частью рыночных систем, со своими закономерностями функционирования и спецификой управления, стратегия развития которого должна быть составным элементом стратегии экономического развития.

Адаптация бизнеса к изменениям внешней среды может осуществляться с использованием стандартных управленческо-

технологических методов либо с помощью инновационных решений. Именно инновационная форма наиболее важна в экономическом отношении и позволяет повысить гибкость предпринимательской структуры. Постоянный поиск новых решений как источник экономического развития предприятия рассматривал еще Многофункциональная модель предпринимательства возникла на третьем этапе со второй половины XX в. в результате теоретических исследований И. Шумпетера, а также представлений новоавстрийской школы Л. Мизеса и Ф. Хайека. В них впервые предпринимательство было рассмотрено как процесс развития идеи, а их последователь И. Кирцнер построил теорию предпринимательства как процесс перехода от одного равновесного состояния «арбитражных» сделок к другому. [3]

Обоснование изменений на основе исследований в данных областях снижает риск их осуществления. При этом, необходимо чтобы реализуемые возможности соответствовали стратегии данного предприятия, запросам потребителей, и изменения осуществлялись на основе их тщательной организации. Проведение политики систематизированной инновационной деятельности должно в то же время сочетаться с сохранением стабильности. Предприятию необходимо формировать длительное партнерство как с субъектами внутренней среды (работниками), так и с элементами внешней (региональной) среды. Достижение равновесия между изменениями и стабильностью является, основной задачей системы управления предприятием для его успешного адаптивного развития.

Список использованной литературы

1. «Проблемы теории и практики предпринимательства» научная статья Ю.Н. Александрина г. Краснодар 2012 г. УДК 330.341.1:338.486.4; ББК 65.012.1
2. Лебедева С.Ю. Регулирование и поддержка малого и среднего предпринимательства в ЕС и России // Менеджмент в России и за рубежом. – 2001. – № 1.
3. Шумпетер И. Теория экономического развития. М., 1982. С.63-64.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар ва иқтисодий фаолиятнинг кескин пасайиши сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи кичик корхона, микрофирма ва якка тартибдаги тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, микрофирма, кичик корхона, якка тадбиркорлик, солиқ, фоиз, ставка, тўловлар, чекловлар, компенсация.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама берилаётган эътибор, соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар натижасида республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда.

Бунинг натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу ўринда «Иқтисодиётни янада ривожлантириш, либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига

хорижий сармояларни фаол жалб этиш», чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган режаларимиздан биридир.[1]

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини моддий-техника ва маҳаллий ҳом ашё материалларига бўлган талабини аниқлаш, уларни маҳаллий ҳом ашё материаллари ҳақида ахборот билан таъминлаш, информацион базани шакллантириш, кадрларни иқтисодий, замонавий техника ва технологиялар ва ҳуқуқий билим савияларини ошириш лозим.

Шу борада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз албатта яхши тушунамиз.

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодий тармоқларни фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.[2]

Ушбу фармонда бажарилиши лозим бўлган бир нечта таклифлар ва тадбирлар куйидагича белгилаб берилди;

- 2020 йил 31 декабрга қадар кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун олиб кириладиган ҳом ашё, материаллар, аксессуарлар ва бутловчи қисмларнинг нархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилганлиги;
- карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммасини ҳисоблаш тўхтатилганлиги;

- ўз фаолиятини тўхтатган ёки товарлар реализациясидан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан кўпроққа камайган микрофирма ва яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда 2020 йил 1 октябрга қадар солиқларни фоизсиз (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи берилганлиги;

Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармонида юридик шахсларнинг кредитлари бўйича 7,9 трлн сўм ҳажмдаги қарздорлигини кечиктирилганлиги кўрсатилган.[3]

Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда коронавирусга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар ва иқтисодий фаолиятнинг кескин пасайиши сабабли молиявий қийинчиликларга дуч келган ташкилотларнинг кредитлари бўйича қўшимча реструктуризация қилинадиган тўловлар ҳажми кўрсатилган. Бунда қўшимча реструктуризация қилинадиган тўловлар ҳажми қўшимча равишда 7 трлн. сўмни ташкил этган. Жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йилнинг навбатдаги 6 ой мабойнида сўндирилиши лозим бўлган кредитлар бўйича муддати узайтириладиган тўловлар ҳажи 4,7 трлн. сўмни ташкил этмоқда.

Шунинг учун тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликка дуч келган юридик ва жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловлар 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктирилди. Амалда киритилган карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатган қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига гаров таъминоти бўйича жарима санкциялари ва ундурув чоралари қўлланилмаслиги белгиланган.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан 2020 йил 1 октябрга қадар:

- лойиҳалар сонидан қатъий назар, ижобий кредит тарихига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 75 фоизидан ошмаган, лекин 10 млрд. сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафиллик;

- тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 баробаридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкиси билан миллий валютада берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорини сақлаб қолган ҳолда тақдим этилади;
- бир қарз олувчига давлат жамғармаси томонидан бир вақтда ҳам кафиллик, ҳам компенсация беришга қўйилган чеклов бекор қилинади.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов чоралари туфайли молиявий қийинчиликка дуч келган ва ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилади.

Сиёсий иқтисодчи олим, ижтимоий ва давлат секторидаги инновациялар соҳаси мутахассиси Баҳром Ражабов коронавирус пандемиясининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳақида ёзган мақоласида "...дунё иқтисодиётига етказилган зарарни инқироз чўққисидан ўтганидан сўнг, умумий тарзда ҳисоблаш мумкин бўлади. Иқтисодиётга пандемиянинг ўзи эмас, балки у билан боғлиқ чекловлар салбий таъсир кўрсатади" деб фикр билдирган.[4]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ПФ-4947 сонли Ўзбекистон Президенти фармони 07.02.2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони.
4. Ражабов. Б. Мақола. kun.uz.10.04.20y

**¹PhD of Management of human resource and business Department,
Samarkand State University, Uzbekistan.
Usmanova Dilafruz Karshiyevna**

**²Student of Management of human resource and business Department,
Samarkand State University, Uzbekistan.
Shamsiyev Jamshid Isomiddinovich**

RELATIONSHIPS BETWEEN SERVICE ORGANIZATION EFFICIENCY AND BUSINESS PROCESS REENGINEERING

***Abstract.** At present, it is important to evaluate the effectiveness of service organizations and to research the impact of reengineering on efficiency. The effectiveness of the evaluation activities is influenced by many factors: the number of appraisers, the number of contracts, the types of services provided, the cost of information technology, staff training costs, direct and indirect costs. Evaluating the nature of reengineering impacts on efficiency and determining the extent of these impacts will ensure that appraisers have a more efficient use of resources and achieve higher returns.*

***Key words:** business, “Diler-Sarmoya”, effectiveness, evaluation, organization, reengineering, service.*

The effectiveness of the evaluation activities is influenced by many factors: the number of appraisers, the number of contracts, the types of services provided, the cost of information technology, staff training costs, direct and indirect costs. Evaluating the nature of reengineering impacts on efficiency and determining the extent of these impacts will ensure that appraisers have a more efficient use of resources and achieve higher returns. In order to analyze the relationship between efficiency and reengineering, a comprehensive study of the factors using specially developed models is required. Traditional statistical methods were used to analyze the effectiveness of product reengineering: grouping, absolute and relative quantities, and average quantities. However, these methods do not allow measuring the impact of factors on the effectiveness of valuation activities. Econometric methods allow using traditional methods and simultaneously conduct qualitative-theoretic analysis in combination with quantitative-mathematical analysis, determining the

interrelationship of factors and the effect of these factors on their effectiveness.

The objective of the research is to develop a model that will increase the effectiveness of evaluation organizations based on the resources available in the research process. In this regard, a number of scholars, including O.E.Bashina [1], M.Ivanova [2], A.F.Sigel [3], R.A.Shmoylova [4], I.I.Jumanov [5], and M.K.Pardayev [6] have developed and improved the methods of forecasting based on correlation-regression analysis. The scientific works of M.K.Pardayev were studied.

The task y is to find the analytical definition $x_1, x_2, x_3, \dots, x_n$ that indicates that the cost of operating efficiency depends on the value of the factors, without which it is impossible to do business process reengineering. In our study, these are the number of evaluators, the number of contracts, the cost of information technology, and the number of contracts made through the organization's website [1].

Need to find the connection:

$$y = f(x_1, x_2, \dots, x_n) \quad (3.1)$$

For this purpose, it is necessary to use the correlation-regression analysis method.

3.1. Table - Results of the multivariate regression analysis

| No. | Name | Result |
|-----|---|--|
| 1. | Constant, unchanging size | A |
| 2. | Multivariate correlation coefficient | R |
| 3. | Regression coefficients | b_1, b_2, \dots, b_k |
| 4. | Prediction errors | Y |
| 5. | Standard rating error | Se or S |
| 6. | Determination coefficient | R^2 |
| 7. | F – test | With or without mark |
| 8. | t - tests for the regression coefficients | Each X is a symbol or variable for each variable |
| 9. | Standard error of regression coefficients | sb_1, sb_2, \dots, sb_k |
| 10. | The number of degrees of freedom | $n - k - 1$ |

The main method for solving the parameters of the forecasting equation is the method of least squares developed by K.F. Gauss. This method is based on the principle of minimizing squares of deviations between the values of the result variable Y and the values presented by the equation [2].

The most common and learned equations in parameter prediction are [4]:

Linear equation - $y = a + b_1x_1 + b_2x_2 + \dots + b_nx_n$ (3.2)

Parabolic equation – $y = a + bx + cx^2$ (3.3)

Hyperbolic equation - $y = a + \frac{b}{x}$ (3.4)

Logarithmic equation - $y = a + b_1 \ln x_1 + b_2 \ln x_2 + \dots + b_n \ln x_n$ (3.5)

Exponentiation equation – $y = ax_1^{b_1} \cdot x_2^{b_2} \cdot \dots \cdot x_n^{b_n}$ (3.6)

When examining the factors and the price dependence of the valuation service, we use the linear form of the multi-factor communication not only mathematically enough, but also provided in the PCS application packages. Five key factors affecting the effectiveness of the service are identified: 1 service cost, number of evaluators, costs for obtaining modern information technology and equipment, number of contracts, and number of contracts made through the website.

3.2. Table - Factors affecting the efficiency of the “Diler-sarmoya” LLC

| Years | Effectiveness of activities | Cost of service | Number of raters | The cost of ICT and systems | Number of contracts | Orders through the Website |
|-------|-----------------------------|-----------------|------------------|-----------------------------|---------------------|----------------------------|
| 2009 | 259 | 53672 | 7 | 10876 | 771 | - |
| 2010 | 369 | 61015 | 7 | 11220,8 | 675 | - |
| 2011 | 90,5 | 56947 | 12 | 37600,5 | 2376 | - |
| 2012 | 31,9 | 44061 | 12 | 52905,4 | 2124 | 13 |
| 2013 | 324 | 78045 | 14 | 61226 | 2667 | 23 |
| 2014 | 355 | 99135 | 15 | 178336 | 1185 | 34 |
| 2015 | 26 | 99358 | 6 | 156365 | 15632 | 25 |
| 2016 | 456 | 95880 | 10 | 159705 | 2062 | 28 |
| 2017 | 4 | 140791 | 8 | 161406 | 1214 | 21 |
| 2018 | 6 | 156646 | 8 | 163876 | 1164 | 24 |
| 2019 | 1,6 | 243563 | 8 | 113876 | 977 | 10 |

3.3. Table - Factors affecting the cost of valuation services


| № | Factor | Definition |
|---|--|------------|
| 1 | Effectiveness of activities | Y |
| 2 | Average cost per 1 UZS | X^1 |
| 3 | Appraisers, person | X^2 |
| 4 | Expenditures on information technologies and equipment | X^3 |
| 5 | Number of contracts | X^4 |
| 6 | Orders through the Website | X^5 |

We obtained the results of performance analysis data analysis using Excel software (Table 3.4). The high P value indicates a strong positive correlation between the identified factors, with the data being more closely grouped around the right and upwards (with slight random scattering).

3.4. Table

| CONCLUSION OF RESULTS | | | | | | |
|-----------------------|-------------|----------------|--------------|-----------|-------------|---------|
| Regression statistics | | | | | | |
| Multiple R | 0,826105639 | | | | | |
| R-squared | 0,682450526 | | | | | |
| Normalized R-squared | 0,259051228 | | | | | |
| Standard error | 165,6813638 | | | | | |
| Observations | 8 | | | | | |
| Dispersion analysis | | | | | | |
| | df | SS | MS | F | Relevance F | |
| Regression | 4 | 176981,69 | 44245,423 | 1,6118366 | 0,3621246 | |
| The remainder | 3 | 82350,942 | 27450,314 | | | |
| Total | 7 | 259332,63 | | | | |
| | Odds | Standard error | t-statistics | P-value | Lower 95% | Top 95% |
| Y intersection | -158,52051 | 534,24433 | -0,2967191 | 0,7860380 | -1858,7244 | 1541,68 |
| Variable x1 | 4,7662722 | 49,476928 | 0,0963332 | 0,9293305 | -152,69139 | 162,223 |
| Variable x2 | -0,0017805 | 0,0033453 | -0,5322552 | 0,6314472 | -0,0124268 | 0,00886 |
| Variable x3 | -0,0095171 | 0,0200810 | -0,4739359 | 0,6679031 | -0,0734239 | 0,05438 |
| Variable x4 | 23,647634 | 22,393451 | 1,0560066 | 0,3684858 | -47,618323 | 94,9135 |

3.1. Figure - Factors affecting service organization and forecasting of activity



The identified factors confirm 99% confidence in the effectiveness of the organization. The standard error of the estimation is that $Se = 28.2\%$ shows the difference between actual efficiency and projected efficiency. In this case, the regression equation looks like this:

$$y = 340 + 0,0014x_1 - 22,9x_2 + 0,0015x_3 - 0,01x_4$$

The results of the F-test indicate the importance of this model. The regression coefficient = 0.005 indicates an increase in the cost of services by 0.005%. Hiring an additional appraiser increases efficiency by 410%, cost of information technology per one sum increases efficiency by 0.017%, and additional contracting increases efficiency by 1.079%.

The cost of the organization to hire qualified appraisers is greatly influenced by the effectiveness of the organization, as their adequacy provides the right to perform all types of valuation services.

The new business process is not based on paperwork, but on the manager's expert system, central database, processed semi-final documents (standard contracts, VIP customer lists, consumer service schemes, etc.). The new process will be built to eliminate the delays and delays associated with the agreements of the parties concerned, and to make it a quick task for the manager to make the agreement

relevant to this document. In addition, compromises and monitoring should be reduced as non-cost-effective activities.

As an effective way of using reengineering in our research facility, an example is the practice of evaluating businesses to create and maintain their own websites. Each site should include information describing the enterprise, its personnel, work experience, services, as well as customer feedback.

The objectives of the evaluation activities include the following:

1. Creating a unified database system, they are necessary for the evaluation process based on modern information technologies.
2. Create a public electronic register of real estate objects that have been examined by a particular appraisal company.
3. Creation of a mass electronic register of transactions on different types of property.
4. Creating a public electronic register of mortgaged property.
5. Creation and implementation of the National Evaluation Service Information System. This system should be available to all evaluation agencies and other stakeholders online.

References

- 1.O.E.Bashina (2002), "General theory of statistics". Textbook, - Moscow, pages 120-138.
- 2.M.Ivanova (2000), "Economic statistics". Textbook, - Moscow, INFRA, pages 117-128.
- 3.Andrew F.Siegel (2002), "Practical business statistics". 4th edition, Moscow, Sankt Petersburg, pages 389-450.
- 4.R.A.Shmoilova (2004), "Theory of statistics". Textbook, – Moscow, pages 230-250.
- 5.I.I.Zhumanov (2004), "Modeling of information processing processes for decision makers of the region". - Samarkand: SamDU, page 128.
- 6.M.Q.Pardayev (1997), "Methods of assessing and analyzing the economic and financial sustainability of the enterprise". - Samarkand, page 20.
7. R.A.Shmoilova (2006), "Theory of statistics". Textbook, – 2th edition, Moscow, page 245.

**Институт прогнозирования и макроэкономических исследований
при Министерстве экономического развития и сокращения бедности,
старший научный сотрудник,
Суннатуллаев Элер Шухрат угли**

ПОДДЕРЖКА МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УСЛОВИЯХ КОРОНАВИРУСНОЙ ПАНДЕМИИ

Аннотация. Субъекты предпринимательской деятельности, в особенности малого бизнеса, выступают двигателем развития экономики, способствуют решению ряда экономических и социальных проблем. Это обуславливает необходимость активизации государственной политики по поддержке малого бизнеса и частного предпринимательства в период коронавирусной пандемии.

Ключевые слова: малый бизнес, коронавирусная пандемия, поддержка малого бизнеса, меры поддержки.

Малый бизнес является элементом рыночной экономики, который связывает воедино всех субъектов экономических процессов, не допускает появления экономики, в которой изобилие одних товаров соседствует с дефицитом других. Малый бизнес постоянно поддерживает конкуренцию за счет своей многообразности, гибкости, невысоких цен. Субъекты малого бизнеса выбирают направления деятельности, в которых отсутствует необходимость в массовом производстве и больших затратах [1].

Субъекты малого бизнеса способствуют созданию эффективной экономической базы мобилизации производственного потенциала, формируют направление деятельности во всех рыночных нишах, создают значительное число новых рабочих мест, обеспечивают удовлетворение потребностей, снижают риск возникновения социальных потрясений. Из этого следует, что усиливающаяся экономическая и социальная значимость малого бизнеса должна быть подкреплена мерами государственной поддержки.

Развитие малого бизнеса – позитивный тренд, который способствует решению ряда проблем, в том числе развитию и укреплению конкурентных условий на рынке. В условиях перехода экономики на новый путь инновационного и устойчивого прогресса формирование условий для малого бизнеса становится задачей, без решения которой невозможно достичь стабильного социально-экономического развития Республики Узбекистан.

Развитие малого бизнеса, его всемерная поддержка государством, создание макроэкономических условий, способствующих эффективному функционированию субъектов малого бизнеса, – требование современности. Современная реальность требует постоянного совершенствования условий для эффективного развития малого бизнеса.

Согласно данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике по состоянию на 1 апреля 2020 года число действующих малых предприятий и микрофирм составляет 352167 единиц. Большая часть субъектов малого бизнеса функционирует в сфере торговли и промышленности – 30,7% и 20,7% из общего числа действующих малых предприятий и микрофирм соответственно [2].

Исходя из вышеприведенных данных, можно сказать, что пандемия коронавируса непременно негативно отразится на деятельности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. Это связано с тем, что предприятия теряют часть выручки вследствие снижения спроса или вовсе вынуждены приостановить свою деятельность.

Текущая ситуация, связанная с глобальной пандемией коронавируса, оказывает негативное воздействие на все стороны жизнедеятельности человечества. Принимаемые правительствами стран и международными организациями меры и усилия направлены на минимизацию отрицательного влияния коронавирусной пандемии на социальную сферу и экономику. Поддержка субъектов предпринимательской деятельности занимает центральное место среди принимаемых антикризисных мер. Это связано с тем, что бизнес – это не только предложение товаров и услуг, но и источник дохода

людей. Во всех уголках земного шара малый бизнес создает значительное число рабочих мест и в этой сфере экономики осуществляет свою деятельность большая часть населения.

В Узбекистане уделяется огромное внимание поддержке субъектов малого бизнеса в текущей ситуации, правительством принимаются соответствующие законодательные акты и направляются средства. Это обусловлено тем, что в развитии нашей страны велика роль и значимость малого бизнеса. Оно рассматривается как один из рычагов развития рыночных отношений в национальной экономике.

В целях смягчения негативного воздействия глобальной пандемии на социально-экономическое развитие страны правительством приняты важные нормативно-правовые документы, в которых определены меры поддержки населения и предпринимательства. Указом Президента Республики Узбекистан от 19.03.2020 г. №УП-5969 «О первоочередных мерах по смягчению негативного воздействия на отрасли экономики коронавирусной пандемии и глобальных кризисных явлений» установлено, что для индивидуальных предпринимателей минимальная сумма социального налога снижается до 50% базовой расчетной величины в месяц [3].

Из созданного при Министерстве финансов Республики Узбекистан Антикризисного фонда на поддержку предпринимательства и занятости населения направлено 5,5 трлн. сумов. В целях расширения предоставления Государственным фондом поддержки развития предпринимательской деятельности поручительства и компенсации на покрытие процентных расходов по кредитам, выданным, в первую очередь, на производство, закуп и реализацию социально-значимых потребительских товаров выделено 500 млрд. сумов. Вторым направлением поддержки предпринимательства и занятости населения отмечена реализация инфраструктурных проектов в регионах республики, направленных на расширение экономической активности и занятости, строительства инженерных коммуникаций, прежде всего в малых промышленных зонах.

Указом Президента Республики Узбекистан от 3.04.2020 г. №УП-5978 «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии» установлено, что микрофирмам, малым предприятиям и индивидуальным предпринимателям, приостановившим свою деятельность и (или) у которых сумма выручки от реализации товаров и услуг сокращается более чем на 50% по сравнению со среднемесячным за первый квартал текущего года, предоставлено право на беспроцентную отсрочку (рассрочку) налогов сроком до 1 октября 2020 года с уведомлением налоговых органов [4].

Эксперты Всемирного банка в отчете «Fighting COVID-19» отмечают, что в целях сохранения рабочих мест частный сектор является одним из приоритетных направлений поддержки в период коронавирусной пандемии. Мерами поддержки, по мнению специалистов, могут быть предоставление кредитов предпринимателям, снижение налогов, отсрочка уплаты налогов или субсидии для поддержания активности. Как отмечено в отчете Всемирного банка, малые предприятия могут столкнуться с проблемами в денежных потоках и наиболее подвержены негативному воздействию резкого срыва экономических процессов [5].

Таким образом, дальнейшие меры по поддержке малого бизнеса следует осуществлять в таких направлениях, как обеспечение бесперебойного снабжения электроэнергией и природным газом, беспрепятственного доступа к физической инфраструктуре в целом, обеспечение тесного сотрудничества государственных учреждений, кредитных организаций, финансовых институтов с субъектами предпринимательства в целях содействия оперативному решению их проблем.

Список использованной литературы

1. Г.П. Журавлева – Экономическая теория. Микроэкономика – 1,2. Мезоэкономика: Учебник – 9-е изд., стер. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К^о», 2019. с. 258-259.

2. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике – <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/8871-informatsiya-o-demografii-predpriyatij-i-organizatsij-v-respublike-uzbekistan>

3. Указ Президента Республики Узбекистан от 19.03.2020 г. №УП-5969 «О первоочередных мерах по смягчению негативного воздействия на отрасли экономики коронавирусной пандемии и глобальных кризисных явлений» – <https://lex.uz/ru/docs/4770763>

4. Указ Президента Республики Узбекистан от 3.04.2020 г. №УП-5978 «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии» – <https://lex.uz/ru/docs/4780477>

5. [Fighting COVID-19, World Bank Europe and Central Asia Economic Update – Office of the Chief Economist, Spring 2020. p. 16-29.](#)

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,
Ишлар бошқармаси бошлиғи,
Бобохўжаев Бахтиёр Назирхўжаевич

РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТЕЗКОР БОШҚАРИШНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация. Мазкур тезисда тадбиркорлик субъектларининг рақобат шароитида ишлаб чиқариш фаолиятини тезкор бошқариш ва ассортимент сиёсатини тўғри юргизиш орқали юқори самарадорликка эришиш юзасидан тадқиқ этилган ва илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, рақобат, ассортимент, стратегия, номенклатура, самарадорлик.

Бугунги кунда ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этишда маркетинг фаолиятининг тўғри йўлга қўйилганлиги катта аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятида савдо майдонларини тақсимлаш ва ассортиментни режалаштириш жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлашда тадбиркор товар тоифалари таркибини аниқлашдан ташқари тадбиркорлик субъекти савдо нуқтаси ичида товарлар ассортиментини харидорларга тақдим этиш тартиби ва савдо майдонларини тақсимлашга алоқадор қарорлар қабул қилиш заруратига дуч келади.

Муайян товар тоифаси учун савдо майдони ажратиш иккиёқлама самарани таъминлайди. Биринчидан, бу самарали савдони таъминлаш ва шу тариқа савдо нуқтасига харидорларни жалб этишга имкон беради, иккинчидан, савдо нуқтасидаги харидорларнинг сотув ҳажмига таъсир кўрсатади. Бу харидор унинг учун келган мақсадли товар тоифасигагина эмас, потенциал харидни ташкил этадиган қатор муқобил тоифаларга ҳам тааллуқли.

Тадбиркорлик фаолиятида бундай қарорлар ҳар қандай бизнес тури доирасида таклифни шакллантириш учун белгилаб берувчи ҳисобланади.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, бунда тадбиркорлик субъекти кўйидагиларга аҳамият қаратиши зарур:

1. Нима осонроқ: маҳсулотларни алоҳида жойларда жойлаштиришми ёки маҳсулотлар функционал саватчаси таркибидами?
2. Маълум бир тоифадаги товарни излаб топиш ва харид қилиш учун қанча вақт кетади?
3. Товар ассортиментни қониқарли танловни таъминлаш учун етарли даражада ранг-барангми?
4. Рақобатлашувчи тадбиркорлик субъектлари товар тоифаларининг энг яхши жойлашишини таклиф этадими?
5. Савдо майдонларини тақсимлаш ва молиявий фаолият кўрсаткичлари (фойдага маржа, фойда, фаолият турлари бўйича харажатлар), табиий камайиш натижасида йўқотишлар.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уни сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик фаолиятида товар ассортиментни ва уни қўллаб-қувватлашда ҳар бир товарнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга оладиган

ассортимент режаси тузилгандан кейин корхонага тегишли ҳар бир савдо нуқтаси ҳажми, шунингдек, талаб тебранишлари, мерчандайзернинг роли кўзда тутилган молиявий смета билан таққослаганда амалдаги сотув ҳажми мониторингини назарда тутиш лозим. Товар захираларининг айланувчанлигини қўллаб-қувватлаш ва тезлаштириш учун имконият топишга интилиб, мерчандайзер жуда фаол, яъни тезкор ҳаракат қилиши лозим. Бунинг учун турли товар тоифалари «хулқ-атвор» самарадорлигининг мураккаб, моҳирона таҳлили зарур.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уни сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятида икки матрицани солиштириш ва товарлар ассортиментини бошқариш стратегиясини танлаш матричасига мувофиқ товарлар ассортиментини оптималлаштириш стратегиясини танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда икки матрицани солиштириш орқали бозордаги талаб нуқтаи назардан ҳамда корхона учун иқтисодий самарадорлик нуқтаи назардан ҳар бир товар берилган объектив баҳони оламиз.

Ҳар бир товар позицияси ўз рейтинига қараб “Сотувлар таҳлили” матричасидаги “А”, “В”, “С”, “D” квадрантлардан бирига ва “Рентабеллик таҳлили” матричасидаги “1”, “2”, “3”, “4” квадрантлардан бирига киради.

Шуни қайд этиш муҳимки, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уни сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятида танланган стратегияни амалга оширишдан олдин маркетинг комплексининг муқобил элементларини таҳлил қилиш зарур, чунки, муаммо товарда эмас, балки нархда, силжитишда ёки тарқатиш масалаларида бўлиши мумкин.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уни сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар ассортиментини бошқариш стратегиясини танлаш матричаси усули товарлар ассортиментини таҳлил қилишнинг мавжуд моделларининг камчиликларини инобатга олади ва у қуйидаги устун жиҳатларга эга:

1. Стратегия матрицасидаги товар позицияси жойлашув жойига қараб товарлар ассортиментини бошқариш стратегиясини тезкорлик билан танлаш имкониятини беради;

2. Тадбиркорлик субъектининг ички маълумотларидан фойдаланади (нисбатан ишончли ва таҳлил қилиш учун керак бўлганда олиш осон);

3. Товарлар ассортиментига бозор самарадорлиги нуқтаи назардан ҳам, корхона иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан ҳам келиб чиқиб ёндошади;

4. “Динамикадаги” товар позицияси билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилиб кўриш имконини беради;

5. Товар позициясини баҳолашнинг корхона учун энг муҳим бўлган икки мезонидан фойдаланади: рентабеллик, сотувлар ҳажми;


6. Товарлар позицияси ҳолатини бир-бирига нисбатан солиштирган ҳолда баҳолайди;

7. Фойдаланиш учун қулайлик ва оддийликни кафолатлайди;

8. Натижаларни визуал қабул қилишни таъминлайди.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уни сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқарувининг таклиф этилган тизимининг кийим-кечак маҳсулотлари бозорида фаолият юритувчи корхона фаолиятига мужассамлашиб кетиши жуда осон. Товарлар ассортиментини таҳлил қилишнинг ишлаб чиқилган мазкур усули товарлар ассортиментини тезкорлик билан диагностика қилиш имконини беради ва товарлар ассортиментини бошқаришда амал қилинмаган тамойилларни ва қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлган бошқарув ричагларининг натижадорлигини ошириш имконини беради.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий функционал жараёнларининг ўзаро таъсири (маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш) ҳамда бошқариш турлари (логистик, молиявий, маркетинг) чизмаси



Маҳсулот заҳираларини бошқариш моделларини тадбиркорлик фаолиятига тадбиқ этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилмоқда:

- сотиб олинаётган маҳсулот номенклатураси анализ (ўрганиш)и (сотув ассортименти), уларни оптимизация позицияларини қамраб олиш даражаси бўйича таснифланиши;

- маҳсулот заҳиралари ҳаракатланиши, шартлари ва характерини аниқлаш ҳамда унинг ҳажмини прогноз қилиш;

- маҳсулот заҳираларини тўғри назорат қилиш тизимини танлаш, минимал (критик), назоратлочи (буюртма нуқтасини) ва энг мақбул буюртма ҳажмини ҳисоблаш.

- маҳсулот заҳираларини тўлдириш ва номенклатура бўйича маҳсулотларни тақсимлаш стратегияларини танлаш;

- маҳсулот хом-ашёларини тартибга солишнинг танланган тизимига мос келадиган иқтисодий ва математик модел турини танлаш, хом-ашёларнинг ҳар бир тоифасини (синф, гуруҳ) учун мақбуллик мезонини аниқлаш;
- жорий ҳамда суғурта маҳсулотларини тартибга солиш тизимини моделлар ва оптималлаштириш мезонлари билан интеграциялаш;
- маҳсулот захираларини бошқаришни ташкилий тузилмасини (схемасини) ишлаб чиқиш ва уни ахборот билан таъминлаш;
- қабул қилинган бизнес стратегияси доирасида инвентеризациясини бошқариш моделини жорий этиш;
- маҳсулот хом-ашёларини (гуруҳлар бўйича) сотишни назорат қилиш, уларни фойда келтириши ҳамда тенг бўлмаган сотилиши бўйича тақдим этиш, келгуси харидларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва башорат қилиш;
- маҳсулот захираларини бошқариш тизимининг параметралари ва стандартларини тартибга солиш қоидаларини ишлаб чиқиш;
- маҳсулот хом-ашёларини маркетинг бошқаруви тизимини бошқа тижорат фаолияти бошқаруви субтизимлари билан мувофиқлаштириш;
- олинган натижаларни баҳолаш ва тижорат фаолиятини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Ривожланишининг бугунги босқичида товарлар ассортиментини самарали бошқариш муаммолари тадбиркорлик субъектлари олдида турган жуда ўткир муаммолардандир.

Товарлар ассортиментини бошқариш жараёнини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигига қарамасдан, тадбиркорлик субъектларининг товарлар ассортиментини бозор талабига мослаштириш орқали бозорда ўзгараётган ўзгаришларга тезда жавоб бериш билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлиб қолмоқда.

Шу сабабдан, товарлар ассортиментини бошқариш жараёнида тадбиркорлик субъекти маркетинг фаолияти элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ҳам қайд этиб ўтиш муҳим.

Хусусан, мавжуд товарлар ассортиментини бошқаришда ҳам, инновацион жараёнларни бошқаришда ҳам тадбиркорлик субъекти бошқарувидаги ходимлар савдо белгиси таҳлилига мурожаат қилади. Ўз навбатида, товарлар ассортиментини бошқаришни нарх белгилаш, тақсимлаш ва маҳсулотни бозорга олиб кириш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда айро тарзда амалга ошириб бўлмайди.

Юқорида таклиф этилган асосланган таклиф ва чора-тадбирларнинг қисман амалга оширилиши истеъмолчилар устувор танловини ҳисобга олиш ва сотувлар ҳажмининг ошишини таъминлайди.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уни сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларида товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви жараёни юзасидан таклиф этилган ёндошув корхоналарга маълум товар позицияси билан боғлиқ муаммони ўз вақтида аниқлаш ва ҳам бозор, ҳам иқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда товарлар ассортиментини оптималлаштириш бўйича стратегик ва тактик чора-тадбирлар тизимини тадбиркорлик субъекти ўзи учун белгилаб олишига имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Основные показатели социально-экономического развития Республики Узбекистан. – Т.: Госкомстат, 2000-2019гг.
2. А.Ш.Бекмуродов, Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2006. – 112 с.
3. Т.П.Данько Управление маркетингом: Учебник. 3-е изд., перераб. И доп. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 363 с.
4. Б.Карлоф Деловая стратегия. - М.: Экономика, 2013. - 198 с.; А.Оуэн Как осуществлять стратегию // Хрестоматия «Управление изменениями». - М: МЦДО «Лина», 2006 . - С. 141-149;

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ФУНКЦИЯЛАРИ

Аннотация. Мақолада оиланинг жамият ва иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни ҳамда унинг тадбиркорлик функцияси тадқиқ этилган. Бунда оилавий тадбиркорлик фаолиятига оиланинг муҳим функцияси сифатида қаралиб, унинг иқтисодий барқарорликдаги роли ва аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: жамият, оила, оила хўжалиги, тадбиркорлик функцияси, оилавий тадбиркорлик.

Оила – иқтисодий муносабатларнинг асосий субъекти сифатида жамият тараққиётининг барча жабҳаларини қамраб олмақда. Бу эса унинг иқтисодиётдаги ролини ифодалаб, истеъмолчи, ишлаб чиқарувчи ва ҳатто инвестор сифатидаги фаолиятида яққол номоён бўлади. Оила шу каби функциялари билан бутун жамият миқёсидаги иқтисодий муносабатлар тизимига бирлашади. Бу жараёнлар эса оила хўжаликларининг ижтимоий–иқтисодий функцияларини муваффақиятли амалга оширилиши билан бирга кечади. Шу боисдан ҳам, оилага иқтисодий муносабатларнинг асосий иштирокчиси сифатида қаралиши айни заруратдир.

Иқтисодий адабиётларда оиланинг жамиятда тутган ўрни⁷¹, вазифалари⁷² ва “инсон капитали”ни⁷³ шакллантиришдаги функцияларини очиб беришда

⁷¹ Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма).- Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 12- б.; Никольская Г. Семья в условиях постиндустриального общества (на примере США) //Мировая экономика и международные отношения. – 2006. – №. 8. – С. 71-81.; Игебаева Ф. А. Семья в трансформирующемся российском обществе (на примере Башкортостана) //Социологические исследования. – 2014. – №.

⁷² Каримова Д. Домохозяйств Узбекистана. //Экономический вестник Узбекистана. 7/1999 й. 17-22-Б.; Рябова В. В. Трансформация функций семьи в современном российском обществе //Проблемы социально-экономического развития Сибири. – 2014. – №. 3. – С. 106-112.; Степанов А. Б. Организация семейного бизнеса: психологические и социологические факторы // Молодой ученый. — 2018. — №3. — С. 159-162. — URL <https://moluch.ru/archive/189/47945/> (дата обращения: 23.01.2020).

⁷³ Дятлов С. А. Теория человеческого капитала. – Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов, 1996. – С. 141-141; Капелюшников Р. И. Сколько стоит человеческий капитал России //М.: Изд. дом Высшей школы экономики. – 2012. – С. 8.; Соболева И. В. и др. Парадоксы измерения человеческого капитала //Вопросы экономики. – 2009. – №. 9. – С. 51-70.

турлича ёндошувлар мавжуд. Бундай ёндошувлар моҳиятига кўра, оила ўзининг ижтимоий-иқтисодий функциялари орқали жамиятга катта иқтисодий фойда келтириши, инсон ресурси жамият ва давлат учун зарур эканлиги, оила давлат функциясининг сезиларли қисмини ўз зиммасига олиши ва бу давлат манфаатларига мос келиши таъкидланади.

Булардан кўринадики оила функциялари хилма-хил ва кўп қирали бўлиб, маълум бир босқичларда намоён бўлади. Бизнингча, бундай ёндошувларни бугунги ислохотлардан келиб чиқиб умумлаштирсак, оила хўжалиги функциялари бир қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбирлардан таркиб топмоқда (1-расм).




1-расм. Оила хўжалиги функциялари⁷⁴

Ушбу келтирилган оила функциялари системаси таркибида тадбиркорлик фаолияти энг муҳим функциялардан ҳисобланади. Шу боис, оилавий тадбиркорликга оила фаровонлигини таъминлашда энг асосий функция сифатида қаралади. Бу эса оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш билан амалий ифодасини топади. Булардан келиб чиқсак, оилавий тадбиркорлик ҳам ўзига хос функцияларига эга (2-расм). Ушбу функцияларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

⁷⁴ муаллиф томонидан тузилган

- оила хўжалиги ресурсларини ишлаб чиқариш мақсадларида бирлаштиради;
- даромадларни ошириш мақсадида оила аъзоларининг тадбиркорлик қобилиятларидан фойдаланади;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда оила аъзоларининг ижодкорлик ва янги ғояларини қўллайди;
- ижтимоий барқарорликни таъминлашда ўз имкониятлари доирасида иштирок этади (бунда хотин-қизлар, уй бекалари ва имкониятлари чекланган аҳоли тоифаси учун эгилувчан иш жадвалли қулай иш ўринларини яратиш назарда тутилади);
- мулкдорлар синфини шакллантириш функцияси⁷⁵.



2-расм. Оилавий тадбиркорликнинг функциялари⁷⁶

Бугунги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи оила қуйидаги муаммоларни мустақил ҳал этишга имкон топмоқда:

⁷⁵ Kupalova, M. M. (2017), "Functions of family business in modern Ukrainian society", Ukrainskiy sotsiologichnyi zhurnal, vol. 1-2, pp. 257-261.

⁷⁶ муаллиф томонидан тузилган

- оиланинг ижтимоий ҳимояси ва маиший шарт шароитларини таъминлаш;

- оиланинг истеъмол талабларини қондириш ва янги имкониятларни излаш;

- оила функцияларидан самарали фойдаланиш асосида ривожланиш учун янги имкониятларни яратиш;

- оиланинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини ошириш ва б.

Шу каби имкониятлардан ҳар бир оиланинг фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар ва қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ҳар бир оилада тадбиркорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан амалга оширилаётган “Ҳар бир оила – тадбиркор” Дастури айти шу мақсадларни назарда тутди.

Мамлакатимизда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунга асосан, хўжалик юриштишнинг оилавий тадбиркорлик шакли йўлга қўйилди. Шунга асосан уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётдаги ўрни миллий статистикамизда акс эттирилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш динамикаси

| № | Мезонлар | 2017 | 2018 | 2019 |
|---|---|------|-------|-------|
| | | йил | йил | йил |
| 1 | Рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони, (бирлик) | 8712 | 12184 | 25110 |
| 2 | Фаолият юритаётган оилавий корхоналар сони, (бирлик) | 8348 | 11679 | 24137 |
| 3 | Жами фаолият юритаётган тижорат корхоналаридаги улуши, % | 3,9* | 4,5* | 7,5* |
| 4 | Оила даромадлари таркибида мулк, тадбиркорлик ва турли хизматлар кўрсатиш ҳисобидан олинган даромадлар улуши, % | 55,2 | 55,7 | - |

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. * муаллиф ҳисоб-китоби

1-жадвалдан кўринадик, 2017 йилда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 8712тани ташкил этган бўлса, улардан 8348таси фаолият юритган. Бу кўрсаткич 2019 йилда давлат рўйхатидан ўтганлар 25110та, фаолият кўрсатаётганлари эса 24137тани ташкил этган. Оилавий корхоналарнинг иқтисодиётдаги барча корхоналаридаги улуши 2017 йилда 3,9%ни, 2019 йилда 7,5 %ни ташкил этган. Шунингдек, оилаларнинг тадбиркорлик фаолияти ҳисобига олаётган даромадлари ҳам барқарор ўсиб, 55,7 %ни ташкил этган. Булардан кўришиб турибдики, оилавий тадбиркорлик нисбатан кичик хўжалик ва камгина мулкга эга бўлиши билан ушбу фаолият турида миллий даромад ва бандликнинг анчагина қисми яратилмоқда. Бу эса унинг миллий иқтисодиётдаги ролини намоён этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

- оилавий тадбиркорлик фаолияти мамлакатда товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Демак, оилавий тадбиркорлик миллий иқтисодиётда мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида иштирок этади;

- оилавий тадбиркорликнинг ривожланаётган бозор муносабатларидаги ўрни, ҳамда унинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари асосланди. Бунда уларнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни оилавий корхоналар сони, уларнинг жами корхоналардаги улуши, яратилган иш ўринларидаги улуши, махсулот сотишдан тушган соф тушуми, оилалар жами даромадида тадбиркорлик ҳисобига олган даромадлари улуши, оилаларнинг жами киритилган инвестициялардаги улуши ва аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми каби кўрсаткичларда ифодаланиши асосланди. Бироқ, статистик маълумотларнинг етарли эмаслиги сабаб ушбу кўрсаткичлар динамикасини тузиш ва шу асосда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияларини баҳолаш масалалари ноаниқлигича қолди;

- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоси кўп жиҳатдан структурали – функционал таҳлилни талаб этади. Шу жиҳатдан оилавий

тадбиркорлик - оила хўжалиги функцияларидан бири сифатида қаралди. Бунда оила хўжалигининг функциялари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб, унинг бизнесдаги муваффақиятини таъминловчи омиллар сифатида қаралиши асослаб берилди;

- оилавий тадбиркорлик нафақат турмуш фаровонлигига, шу билан бирга оилада келиб чиқадиган турли хил низоларнинг ҳам қисқаришига олиб келади. Шу жиҳатдан ёндошилиб, оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий функцияси таснифланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирларини белгилашда куйидаги сабаблар асос сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир:

- меҳнатни ташкил қилиш ва хўжаликни бошқаришдаги қулайликлар;
- хўжалик аъзоларининг маълум бир оилага мансублиги;
- оила аъзолари мулки ва маблағлари хисобидан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятининг борлиги;
- оилавий тадбиркорлик аънавий товар ва хизматларга бўлган талабни кондиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилиши;
- оилавий тадбиркорлик минтақа бозорларидаги талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашиши;
- хўжалик юритишнинг бошқа шакллариغا нисбатан оилавий тадбиркорликни яшаш циклининг (авлоддан-авлодга ўтиши) узунлиги ҳамда турли инқирозларнинг таҳдид ва салбий оқибатларига бардош бера олиш қобилиятининг анча юқорилиги;
- оилавий тадбиркорлик нафақат аҳоли фаровонлиги манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси эканлиги ва б.

Хулоса қилганда, оилавий тадбиркорликнинг жамиятдаги роли кўп қиррали бўлиб, мамлакат ЯИМ шаклланишида, аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни камайтириш, даромадларнинг ошишида сезиларлидир. Унинг функциялари системасининг аҳамияти эса, замонавий оиланинг имкониятлари ва салохиятидан самарали фойдаланишни англатади.

ПАНДЕМИЯ ҲОЛАТИДА БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу тезисда бизнес субъектлари фаолияти ривожига таъсир этувчи рисклар, коронавирус пандемияси натижасида бужудга келадиган инқироз ҳолатларини бартараф этиши йўналишлари келтирилган.


Калит сўзлар: бизнес ривожси, рисклар, пандемия, ҳисобот шакллари, стратегия, экспорт, импорт, камбағаллик даражаси.

Деярли барча ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида бизнесни ривожлантиришга асосий урғу берилиб, тараққиётнинг асосий омили сифатида қаралади, сабаби бизнес ўзининг бир қатор хусусиятлари билан иқтисодиётда сезиларли ўрин эгаллаши, соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириши, талаб ва таклифга самарали таъсир кўрсатиши орқали муҳим сектор эканлигини намоён қилган. Ҳозирги кунда ушбу иқтисодиёт сектори ҳам коронавирус пандемияси натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларини пасайтириш чора-тадбирларини кўриш лозим бўлган соҳа бўлиб қолмоқда.

Бизнесни ривожланиш жараёнларига фавқулодда вазиятлар, ер қимирлаши, пандемия, эпидемия тарқалиши каби рисклар билан биргаликда, юз бериши мумкин бўлган молиявий, техник, тижоратга оид, юридик тусга эга бўлган рисклар ҳам таъсир кўрсатади. 2020 йилнинг 8 апрельда мутахассис олим Андрю Волкернинг “Коронавирус: Дунё савдосини 2008 йилдаги инқироздан кўра ёмон пасайтиради” номли мақоласида, Жаҳон Савдо Ташкилотининг (WTO) директори Роберто Азоведо “Бизнес субъектлари ва уй хўжаликлари учун жуда оғриқли бўлган бундай вазият ишлаб чиқариш ва савдони мисли кўрилмаган тарзда пасайтирмоқда, енг ачинарлиси инсонларнинг ўзи шу касалликдан жабр кўраётганлиги” дея таъкидлаган[1].

Давлатимизнинг оқилона иқтисодий сиёсати туфайли бизнесни ривожланишини қўллаб-қувватлаш борасида хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик мустаҳкамланди, “Онлайн” тарзида рўйхатдан ўтиш, ихтиёрый равишда ёпиш ва тугатиш, айрим фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсатномаларни олиш жараёнлари содалаштирилди, давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви чекланди, тадбиркорларни режадан ташқари текшириш ҳолатларига чек қўйилди, бизнес субъектлари топширадиган ҳисоботларнинг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилди. Натижада, бизнес субъектлари сони кўпаймоқда ва бизнес секторининг улуши ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича ижобий натижаларни кўрсатмоқда. Қуйидаги график(1-расм)да кичик бизнес улушининг ЯИМда, саноат, қурилиш, бандлик, ташқи савдодаги ўзгариш тенденциялари умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланган:

1-расм



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

1-расм. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кичик бизнес улуши

Юқоридаги графикда, Ўзбекистон Республикасида 2000-2019 йиллар мобайнида кичик бизнеснинг улуши ЯИМ, саноат, қурилиш, бандлик, экспорт, импортнинг умумий ҳажмига нисбатан ўзгаришларини акс этган. Жумладан,

ЯИМ таркибида кичик бизнес улуши 2000 йилда 31,0 % ни ташкил этган бўлса, бу даврга нисбатан 2009 йилда 19,1 бирликка ошган, бу эса қарийб 1,6 баробарга кўпайган демакдир; 2019 йилда 2000 йилга нисбатан 1,8 мартага ошган бўлсада, ушбу 2019 йилда ўтган йилга нисбатан, 2,9 га камайган. Бунга сабаб эса мамлакатда йирик бизнес корхоналари улушининг ортиб боргани билан изоҳланади.

Шу билан биргаликда, кичик бизнес улуши 2019 йилда 2000 йилга қиёслаганда, саноат таркибида 22 бирликка, қурилиш соҳасида 37 га, аҳоли бандлиги бўйича 27,9 га, экспорт ва импорт таркибида эса мос равишда 18,5 ва 31,4 бирликка бизнес улуши кўпайиб, 28,7% ва 54,2% ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат эса бизнесни ривожланиб бориши жараёнини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишни тақазо этади.

Мамлакатда мавжуд рискларни тўғри баҳолай олиш учун учрашувлар ташкил этиш, экспертлар фикрини билиш, олдинги йиллар тарихига назар солиш ва жаҳон тажрибаларига асосланиш лозим бўлади. Содир бўлиши мумкин бўлган бундай рисклар ўтган даврларгача салбий деб қаралган бўлсада, бугунги кунга келиб, рисклар ижобий хусусиятларга ҳам эгаллигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда. Маълум вазият содир бўлганидан сўнг энг яхши даромад кўрсаткичларига эга бўлган соҳалар ҳам бор.

Рисклар(жумладан, пандемия, эпидемия, олат тарқалиши) мавжуд бўлган шароитда қуйидаги стратегияларни қўллаш лозим: рискларни қабул қилиш; рискларни минималлаштириш; рискларни бўлишиш; рискларни ўтказиб юбориш; суғурталаш; фондлардан пул маблағлари жалб этиш ва бошқалар.

Маълумки, бизнесни ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш уни йиллар давомида ривожланиш тенденцияларини статистик кузатиш ва бизнес шарт-шароитларини прогноз қилишни ўз ичига олади. Бизнесни ривожланишида юзага келадиган ўзгаришлар ва ривожланиш натижаларини прогнозлаш муҳимдир. Бу эса келгусида қайси тармоқ ва соҳалар ривожига эътибор қаратиш лозимлини режалаштиришга ёрдам беради.

Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш 2020” рейтингига кўра, Ўзбекистон 69-ўринни эгаллаб, бизнес бошлашнинг қулайлигига кўра, 8-ўринга лойиқ деб топилган[2]. Бу эса мамлакатимизда бизнес муҳити яхшиланиб бораётганлигининг ёрқин мисолидир.

Иқтисодийнинг муҳим бўғинларидан бирига айланиб бораётган бизнес ривожланиш жараёнларини статистик таҳлилни амалга оширишда, унинг таркибига кирувчи фаолият турларини соҳалар, ҳудудлар бўйича кўриб чиқиш лозим ва бизнес секторининг ривожланиш жараёни моделини ишлаб чиқиш, ривожланмаган жihatларини ривожлантириш, унга таъсир этувчи омилларини қандай қилиб ривожлантириш лозим деган саволларга жавоб кидириш, келгусидаги кутилаётган иқтисодий натижаларини аниқлаш муҳим.

Бизнесни иқтисодий-статистик таҳлил қилишни такомиллаштириш бизнес субъектларининг иқтисодий фаолияти таҳлили ва режалаштиришни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлардан биридир. Бизнесни ривожланишини иқтисодий-математик моделлар ёрдамида кузатиш, ўрганиш ва башоратлаш мумкин.

Жаҳон банки томонидан чоп этилган ахборотномага кўра, Ўзбекистон иқтисодиётига COVID-19 пандемияси сезиларли тарзда салбий таъсир кўрсатмоқда. Прогнозларга кўра, иқтисодий ўсиш бирданига пасайиб, ташқи савдо алоқаларининг кескин пасайиши ва ички иқтисодий дисбаланси туфайли таҳминан 1,6 %га тушиб кетади. “Уйда қолинг” буйруғи ва айрим бизнес турларини турғун ҳолатда қолиб кетганлиги мамлакатни ўйлантираётган ташвишли ҳолатдир. Шунингдек, COVID-19 пандемияси камбағаллик даражасини пасайтиришга олиб келиши кутилмоқда. [3]

Жаҳон ривожланиш индикатори маълумотларига кўра, Ўзбекистонда маҳсулот ва хизматлар экспорти ЯИМдаги улуши 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 7,4%га кўпаган, импорти улуши 14,8%га кўпайган. Шу билан бирга экспортда кичик бизнеснинг улуши 2018 йилда 27,2% фоизни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 5,2%га ошган бўлса, импортда эса 2018 йилда 56,2%ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 2,6%га кўпайган (1-жадвал).

**Кичик бизнеснинг экспорт ва импортдаги ўзгариш суръати[4]
(ЯИМ га нисбатан)**

| № | Кўрсаткичлар | 2017 | 2018 | Ўзгариш суръати (+,-) | № | Кўрсаткичлар | 2017 | 2018 | Ўзгариш суръати (+,-) |
|----|--|------|------|-----------------------|----|---|------|------|-----------------------|
| 1. | Маҳсулот ва хизматлар экспорти (ЯИМ га нисбатан %) | 21,8 | 29,2 | 7,4 | 1. | Кичик бизнеснинг улуши (экспорт ҳажмига нисбатан %да) | 22,0 | 27,2 | 5,2 |
| 2. | Маҳсулот ва хизматлар импорти (ЯИМ га нисбатан %) | 23,9 | 38,7 | 14,8 | 2. | Кичик бизнеснинг улуши (импорт ҳажмига нисбатан %да) | 53,6 | 56,2 | 2,6 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бизнеснинг экспорт ва импортдаги улуши йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бу ижобий ҳолат саналади. Лекин, пандемия шароитида бу кўрсаткичлар пасайиши кутилмоқда. Бу офат туфайли энг катта талофатларни молиявий жиҳатдан, экспорт билан шуғулланувчи корхоналар қарши оладилар.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасида 2020-йилнинг 1-январь ҳолатига кўра, 398133 та корхона (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатаётган бўлиб, ушбу натижа ўтган йилга нисбатан 74,6 бирликка кўпайган. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари ичидан жами 10382 таси хорижий капитал иштирокидаги корхоналар саналади.

Бизнес субъектларига тақдим этилаётган имтиёзлар, преференциялар ва хўжалик юритишнинг қулай шароитларини таъминлаш, бизнес ривожлантиришни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларга эришиш механизмларини такомиллаштириш, қайта тайёрлаш ва уларнинг соҳасига доир малака ва амалий кўникмаларини ошириш тўғрисидаги ахборот таъминоти ва маслаҳат беришнинг яқлит тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнес субъектларида замонавий статистик ахборотлар тизимининг шакллантириш, маълумотларни тўплаш йўллари телефон орқали сўровнома

ўтказиш, электрон почта ва онлайн сўровномалар, электрон маълумотлар алмашинуви каби усулларда мавжуд муаммоларни ечишга олиб келади.

Республика ва ҳудудларда бизнес ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида Давлат статистика дастурлари ишлаб чиқилади. Давлат статистика дастурларига мувофиқ ҳар йили Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган турли даврийлик ҳамда соҳалардаги статистика ҳисоботи шакллари асосида статистик маълумотлар шакллантирилади.

Ҳозирги кунда, корхона, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектларни статистик кузатув билан тўлиқ қамровини таъминлаш мақсадида жорий йилда статистика ҳисоботи шакллари умумий сони 150 дан ортиқни ташкил этади. COVID-19 пандемияси шароитида ҳисобот шакллари топириш муддатларини чегараламаслик лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, коронавирус пандемияси ва шу каби кутилмаган фавқуллодда ҳолатларда, юртимизда мавжуд бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган ҳолда бизнес субъектларига фаолиятини вақтинча музлатиб қўйиш; солиқ юкидан озод этиш; ҳисобот муддатларини чегарамаслик; зарурий ердам чораларини бериш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчи бизнес субъектларини моддий ва маънавий рағбатлантириш; аҳолига нисбатан инсонийлик фазилятларини кадрлашни эслатиш ва бошқа имкониятларини бериш, сабаби айнан улар иқтисодиётимиз устунлари, иқтисодий фаолиятни қайта жадаллаштирувчи инсон омилларидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- <https://www.bbc.com/news/business-52211919> /“Coronavirus: Drop in global trade to be worse than 2008 crisis” The World Trade Organizations’ prediction.
- [http://www.doingbusiness.org/~media/WBG/DoingBusiness/Documents/Annual-Reports/English/Doing Business 2020: Reforms Propel Uzbekistan to Place Among World’s Top 20 Business Climate Improvers.pdf](http://www.doingbusiness.org/~media/WBG/DoingBusiness/Documents/Annual-Reports/English/Doing%20Business%2020%3A%20Reforms%20Propel%20Uzbekistan%20to%20Place%20Among%20World%27s%20Top%20Business%20Climate%20Improvers.pdf);

- Fighting COVID-19. World Bank ECA Economic Update Spring 2020
International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H
Street NW, Washington, DC 20433 www.worldbank.org

- <https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&country=UZB>
ва <https://stat.uz/en>. сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Lecturer TFI: Tashmuhammedova Dildora
Student TFI: Nurmurodova Rushana
Email: rnurmurodova@mail.ru

ISSUES ON THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN

***Abstract.** In the article there described the experience of economic reforms taking place in Uzbekistan. There is considered relevance of improving the financing mechanism of small business and private entrepreneurship, and its effect in the conditions of transition to market economy, as growth of economic activity and formation of effective financial flows in this sector depend on validity of economic decisions at state level .*

***Keywords:** modernization, finance, national economy, entrepreneurship, small and private businesses, state support.*

Uzbekistan confidently and fairly successfully follows the path of the scientific, technical and social process, modernization of the national economy, tries not only not to lose, but also to exaggerate the gained momentum of economic and social development, seeks to quickly become one of the highly developed countries of the world. One way to achieve this goal are the reforms taking place in small business and private entrepreneurship. Over 28 years of independence, a number of measures have been taken in the Republic of Uzbekistan to promote the development of small business, because it plays a key role in the development of a market economy and is one of the main elements of the country's economic growth, as well as the possibility of regular earnings for its citizens. In the first quarter, compared with the same period

of 2020, the gross domestic product created in Uzbekistan increased by 7.5%, industrial production grew by 7.0% [3, p. 4].

The development of small business is one of the main directions of structural transformations in the economy of Uzbekistan, which creates the necessary atmosphere of competition, contributes to the creation of additional jobs and the growth of incomes. The dynamic development of small business is due to the liberalization of the economy and the creation of a qualitatively new business environment. This led to a reduction in the cost of doing business and an increase in the efficiency of using financial resources, which allowed us to invest more in the development of production.

From the first years of creating the foundations of a market economy, the leadership of Uzbekistan paid great attention to the development of the legal framework of small business and private entrepreneurship, organization of their financial support, protection of rights entrepreneurs training and retraining of personnel, market development infrastructure serving the small business. Today, the main priorities for the development of this sector are identified - the creation of the most favorable business environment for business development, the implementation of measures to provide greater freedom of enterprise, further large-scale reduction interventions state and regulatory bodies in the financial and economic activities of business entities and the expansion of access of small businesses to credit, raw materials, public procurement system creating the necessary organizational, legal and financial mechanisms and conditions for the development of the export potential of this sector.

Given the important role of small business in the economic development of Uzbekistan, recently adopted legislative acts aimed at the development of this sphere. In order to implement a set of targeted measures to create the most favorable conditions back in 2016, a resolution was adopted by the President of the Republic of Uzbekistan “On the State Program” - the Year of Small Business and Private Entrepreneurship. Over the past years, a number of measures have been taken to

support the further development of this sector, to expand the participation of small enterprises and private entrepreneurs in foreign economic activity and to increase their export potential and competitiveness.

In Uzbekistan, job creation continues in small business and private entrepreneurship, in particular, 3 out of 4 employed people work in the field of small business. It is especially important to note that each year in the field of small business and private entrepreneurship, approximately half a million new jobs are created, of which more than 50% are in rural areas. The development of small business and private entrepreneurship plays an important role in ensuring the comprehensive, gender-equal and sustainable growth of Uzbekistan. Their development will contribute to the early establishment of Uzbekistan as a regional state with incomes above the average level. The educated and young labor resources of Uzbekistan, its rich natural resources, as well as its strategic location at the crossroads of Central Asia, provide enormous opportunities for the further development of this industry in the country.

To get the most out of these features, fixing Sustainable economic growth, implementation of Uzbekistan's reforms and programs aimed at further promoting small business and private entrepreneurship is very important. In particular, a number of such reforms have already been carried out, including providing a favorable legal basis for the creation and functioning of small enterprises, simplifying the procedure for registering a business on the basis of the “single window” principle, and adopting a new one. As part of a number of programs, the government continues to provide targeted credit lines to financial institutions for further lending to small businesses and private entrepreneurship in order to improve access to finance and address key development issues. However, financial products are limited, and to cover the financial needs of entrepreneurs there is an additional demand for loans from small businesses [2, p. 93].

The government implements a number of programs aimed at stimulating and developing small businesses and private entrepreneurship in rural areas. One of them is the Rural Development Program, under which the government systematically

develops rural housing construction, including the local construction sector. The program also provides for the development of rural housing estates, the provision of appropriate infrastructure and services, as well as the creation of opportunities in each array for the development of small business and private entrepreneurship. Each rural area has organized retail and service areas, and in each newly built house, opportunities have been created for the development of a family business. Government programs are expanding access to financing by rural borrowers, The program aims to create jobs for approximately 1,000 small rural construction companies and 40,000 skilled builders and small businesses annually, including women. It is planned to create annually about 2,000 family enterprises, as well as more than 10,000 jobs in the countryside. Thanks to the measures taken, the share of small business and private entrepreneurship in gross domestic product has increased from 31% in 2015 to 56.7% at present, or 1.8 times. Today, one third of all industrial and 98% of agricultural products are produced in this area. It employs more than 77% of the total employed population [1, p. 6].

These reforms contribute to the development of small business and private entrepreneurship and increase the competitiveness of the country and the creation of new jobs. The competitiveness of the economy is also determined by the dynamics of growth consumer spending. Results achieved and measures taken over the years of independence aimed at the development of small business and private entrepreneurship evidence that a favorable business climate has been formed for the further development of the economy of Uzbekistan.

References

1. The report of the President of the Republic of Uzbekistan I.A. Karimov at the extended meeting of the Cabinet of Ministers dedicated to the results of socio-economic development of the country in 2019 and major priority directions of economic program for 2020.
2. Kabulov A.A. The Modernization of financing of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. Lipetsk // Magazine: the Potential of modern science. 2018 .-- S. 92-95.
3. Kabulov A.A., Irmatov M.M. The State with a great future. The newspaper "Business partner.uz "No. 28 (1159) 14-20 July 2018. - C. 4.



МИНИСТЕРСТВО
ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



R
RESEARCH
SUPPORT CENTER



Институт Прогнозирования и
Макроэкономических Исследований
Institute of Forecasting and
Macroeconomic Research



МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ
И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

4-Шўъба

**“КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ НАТИЖАСИДА
ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ
ҲОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БАНК-МОЛИЯ
ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
ЙЎЛЛАРИ”**

Тошкент молия институти профессори,
и.ф.д., Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич
Тошкент молия институти IV-курс талабаси
Ибодуллаев Шохбоз Тўлқин ўғли

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ОҚИБАТЛАРИНИНГ БАНК ТИЗИМИГА ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация. Тезисда коронавирус пандемияси оқибатларининг Ўзбекистон Республикаси банк тизимига салбий таъсири очиб берилган ва уни юмшатиш имкониятлари асослаб берилган. Хусусан, мазкур оқибатларнинг тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсири юмшатиш имкониятларини асослаб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: банк тизими, тижорат банклари, кредит, ликвидлик, валюта курси.

Коронавирус пандемияси оқибатлари ва унга қарши кураш чоралари дунё мамлакатлари иқтисодиётига нисбатан жиддий салбий таъсир этаётганлиги ва ушбу таъсирнинг янада чуқурлашиш эҳтимолининг юқори эканлиги халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

Фикримизча, коронавирус пандемияси оқибатларининг Ўзбекистон Республикаси банк тизимига нисбатан салбий таъсири қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

1. Пандемия оқибатлари тижорат банклари фаолиятидаги баланслашмаган ликвидлик рискинни янада чуқурлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги №ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, 2020 йил 1 октябрга қадар юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат банкларининг кредитлари бўйича 19,6 трлн. сўмлик қарздорликларининг муддати кечиктирилди [1]. Бу эса, банклар фаолиятидаги баланслашмаган ликвидлик муаммосини

чуқурлаштиради. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кредитлар Ўзбекистон тижорат банклари активларининг ҳажмида жуда юқори салмоқни эгаллайди. 2020 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, республикамиз тижорат банклари активларининг 75,8 фоизини кредитлар ташкил этди [2]. Шу сабабли, кредитлар муддатини узайтирилиши тижорат банкларининг миллий ва хорижий валюталардаги “Ностро” вакиллик ҳисоб рақамларида пул маблағлари етишмовчилигига олиб келади. Агар тижорат банклари активларининг ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг салмоғи юқори бўлганда эди, кредитларнинг муддатларини узайтирилиши банкларнинг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирмаган бўлар эди. Афсуски, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг банклар активлари ҳажмидаги салмоғи жуда кичик (2020 йилнинг 1 январь ҳолатига – атиги 1,2 %).

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги №ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган [3]. Бироқ, Молия вазирлигининг ушбу вазифанинг ижросини таъминлаш учун молиявий имкониятлари чекланган. Чунки, 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети 7 трлн. 750 млрд. сўм миқдорига дефицит билан бажарилди [4].

2. Миллий валютанинг қадрсизланиш даражасининг ошиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларнинг девальвацион кутилмаларининг ортиши ва банкларнинг очиқ валюта позицияларининг ҳолатини ёмонлашиши.

Девальвацион кутилмаларнинг салбийлиги яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, аҳоли томонидан 2020 йилнинг март ойида ўртача кунлик

13,3 млн. долларлик валюта сотиб олинган бўлса, ушбу кўрсаткич 10 апрель куни 19,4 млн. долларни, 13 апрель куни 22,2 млн. долларни ташкил этди. Бундан ташқари, юридик шахслар томонидан валюта биржасида март ойида ўртача кунлик 37,5 млн. долларлик валюта сотиб олинган бўлса, 10 апрелдан бошлаб ўртача кунлик талаб 30 фоизга ошди [5].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо балансининг йирик миқдорда манфий салдога эга эканлиги миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан кучли босимни юзага келтиради. 2019 йил якунида республикамиз ташқи савдо балансининг дефицити 6,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди [6].

Фикримизча, коронавирус пандемияси оқибатларининг Ўзбекистон Республикаси банк тизимига нисбатан салбий таъсирини юмшатишнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

1. Тижорат банкларининг хорижий кредит линиялари ҳисобидан берилган ва муддати узайтирилган кредитларининг уларнинг ликвидлигига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига узайтирилган кредитлар бўйича муддати келган ва муддати ўтган қарздорлик Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, кредит олган корхонанинг жорий ҳисоб рақамига ташлаб бериш орқали, тўлаб берилиши керак; иккинчидан, тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қафолати асосида хорижий валюталарда берилган кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлик хориждан жалб қилинаётган маблағлар ҳисобидан тўлиқ тўлаб берилиши керак.

2. Миллий валюта номинал алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, биринчидан, миллий валютанинг Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг (Россия, Хитой, Қозоғистон, Туркия) миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиб кетишига йўл қўймаслик орқали ушбу мамлакатларга экспорт қилинаётган товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш лозим;

иккинчидан, олтинни гаровга қўйиш йўли билан олинган халқаро кредитларнинг бир қисмини интервенция фондига йўналтириш орқали Марказий банкнинг валюта интервенциясини амалга ошириш имкониятини кенгайтириш керак; учинчидан, ички валюта бозорида хорижий валюталар таклифининг қисқа муддатли камайишининг миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида валютавий своп ва Gold своп операцияларидан фаол тарзда фойдаланиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги №ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доира қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 06/20/5978/03893-сон.

2. Тижорат банкларининг жамланма баланси. www.cu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги №ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 06/20/589689/0341-сон.

4. Давлат бюджетининг ижроси. <https://www.mf.uz>.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг Марказий банк асосий ставкаси ва валюта бозоридаги ўзгаршлар тўғрисидаги маърузаси. 2020 йил 16 апрель. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

6. Ташқи савдо фаолияти. Статбюллетень. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси).

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАНАЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда COVID-19 пандемияси шароитида масофавий банк хизмат турлари ва хизмат кўрсатиш каналларининг аҳамиятини ошириш масалалари, улар бўйича иқтисодчи олимлар фикр ва мулоҳазалари, COVID-19 пандемияси даврида масофавий банк хизмат турларининг жаҳон амалиётида фойдаланиш тажрибаси, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашув ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: мобиль технология, рақамли банклар, пандемия, алоқа менежерлари, платформа.

Сўнгги 2008 йилда юзага келган глобал молиявий инқирозда муаммонинг катта қисмига банклар даҳлдор сифатида қаралган эди. Бу сафар COVID-19 пандемияси шароитида эса банклар ушбу муаммони ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Яъни, банклар COVID-19 нинг тарқалишини секинлаштириш учун мижозларига рақамли ва масофадан бошқарувчи каналлардан янада самаралироқ фойдаланишда ёрдам беришлари мумкин. Бинобарин, банклар мижозларига маблағларини бошқаришда, тўловларни амалга оширишда ва давлатнинг бошқа ташкилотлари билан узлуксиз иш фаолиятини ташкил этиш орқали муқаррар инқироз таъсирини камайитиришга ёрдам беришлари мумкин.


Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш, банкларни трансформация қилиш, замонавий банк амалиёти, менежменти ва янги хизматларни жорий этишни алоҳида қайд этиб ўтилди [1].

COVID-19 пандемияси шароитида банк мижозлари аниқлик, шаффофлик,

тез ва онлайн ишлайдиган рақамли воситалар орқали хизматларни амал ошириш бўйича кўпроқ кўникмаларга эга бўладилар. Умуман олганда, номаълум муддат давом этадиган карантин даврида инсонлар вақтини мазмунли ўтказиши ва эҳтиёжларини қондириш учун хизматлар масофадан фойдаланиш платформаси ва каналлари орқали самарали йўлга қўйилган бўлиши лозим.

Бу борада, банклар ҳам биринчи навбатда инкирозга қарши чора-тадбирлар режаини тузиб чиқиши лозим. COVID-19 пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида дарҳол чора-тадбирларни кўриш хусусан, рақамли каналлардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармонга асосан айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 31 декабрга қадар товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланди [2]. Карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда лекин мижозларни қамраб олиш даражаси жуда паст даражада эканлигини хали бу хизматларни ривожлантиришни тақозо этади (1-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

1-расм. Ўзбекистонда юридик шахслар ва ЯТТ ларнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони ва улуши (донада, 31 декабрь ҳолатига)

1-расмдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда юридик шахслар ва ЯТТ ларнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2011 йилда 14241 тани жами юридик шахслар ва ЯТТ ларга инсбатан 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 4,3 фоизни ва 2019 йил якунига келиб масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва ЯТТ лар сони 691509 тани ва жамига инсбатан 34 фоизни ташкил этган. АҚШ да бу кўрсаткич 53 фоизни, Люксембургда 68 фоиз, Белгияда 69 фоиз, Нидерландия, Финландия ва Данияда 89 фоиз ташкил этган [3].

COVID-19 пандемияси даврида масофадан банк хизматларини кўрсатиш бўйича эълонлар, янгиликлар, бу хизматлар бўйича қўлланмалар ва видео роликлар турли платформаларда бериб борилиши лозим. Масофавий банк хизматлари тизимига уланиш ва масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимларни соддалаштириш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш керак.

Масалан, Хитой COVID-19 пандемияси шароитида банк хизматларини кўрсатиш бўйича тушунтириш ишларини янги онлайн платформа орқали амалга оширди. Бу порталлар орқали мижозларига барча турдаги кўрсатмаларни тақдим этиб борди. Банк филиалларида эса банк хизматларини масофадан рақамли хизматлар орқали ташкил этиш орқали ходимлар сонини қисқартириш ва хизматларни амалга оширишда хавфсизликни кучайтиришни тақозо этади.

Гарчи масофавий банк хизматларининг фойдали жиҳатлари кўплаб бўлсада, бу янги технологик хизматларда махфий маълумотлар, мижозларнинг шахсий маълумотлари ва транзакциялари билан боғлиқ бўлган айрим хавфларни келтириб чиқаради [4]. Шунинг учун, хавфсизлик ва рискни англаш электрон тўлов тизимида асосий жиҳат саналади [5]. Бундай технологияларнинг муваффақиятли бўлиши ва янги тўлов тизими платформаларини қабул қилишда хавфсизликни назорат қилиб бориш лозим [6].

COVID-19 пандемияси шароитида банк мижозлари учун ҳам устувор жиҳатлар ўзгаради. Яъни оиласининг ва ўзининг соғлиғи ва оиласининг озиқ-овқат билан таъминланганлиги муҳум аҳамият касб этади. Банклар эса ушбу қийинчиликларни енгишда муҳум рол ўйнаши мумкин. АҚШ да, COVID-19 шароитида банк мижозларининг ярмига яқини ишини йўқотиши ёки бу билан боғлиқ ташвишланишига олиб келди [7]. Пандемиядан олдин молиявий жиҳатдан жамғарма қилмаган кўплаб банк мижозларида иш билан боғлиқ муаммолар вужудга келди. Мисол учун 2018 йилда АҚШ нинг 39 фоиз аҳолиси режадаги бирламчи харажатларидан ташқари 400 \$ қўшимча харажат учун маблағи етмаслигини айтишган [8]. Мавжуд молиявий заифлик ва COVID-19 даги стресслар банк мижозларига мураккабликни оқилона бошқариш ва қарор қабул қилишда қийинлаштиради. Тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатадики, молиявий танқислик жиддий психологик қийинчиликларга олиб келади ва кўпроқ миёпик қарорларни қабул қилишига олиб келади [9].

Тўлов қобилияти пасайиб кетган банк мижозлари учун кредит ажратишни тўхтатиб туриш, мавжуд кредитлар бўйича шартларини қайта кўриб чиқиш, қисқа муддатли ликвидликни таъминлаш учун фондлардан ресурс олиш, харажатларни имкон қадар камайтириш, ишни ташкил этишда маъсул ходимлар вазифасини қайтадан кўриб чиқиш, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга доир ҳукумат дастурларидан фойдаланиш лозим.

Сингапур ва Хитойнинг етакчи банклари кичик ва ўрта корхоналар учун 6 ойлик асосий қарзни кечиктириш, мижозларига оддий ариза ва бирламчи ҳужжатлар асосида онлайн қисқа муддатли корпоратив кредитлар ажратмоқда.

Бу каби чора-тадбирлар Ўзбекистонда ҳам амалга оширилди. Хусусан, 25 та тижорат банклар жисмоний шахсларга кредит таътилларини эълон қилган бўлса, 5 таси бу ишни мижозларининг электрон аризасига асосан амалга оширади. Кўплаб банклар томонидан мижозларининг омонат муддатларини мижоз хоҳишига кўра бир томонлама узайтирмоқда. Барча банклар мижозларига қулайлик яратиш мақсадида интернет банкинг, мобил банкинг ва бошқа ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи қурилмалар орқали ўз хизматларини масофадан кўрсатмоқда.

Масофавий банк хизмат тизимларининг функционал имкониятларини кенгайтириш ўз навбатида, фойдаланувчиларни масофадан идентификация қилиш тизимлари орқали кенг қамровли амалиётларини амалга ошириш имкониятини яратади. Масофадан идентификация қилиш банк хизматларини соддалаштирган ҳолда, банк операцияларини назорат қилишда хавфсизлик чораларини кўришни талаб этади.

Масофавий банк хизматлари кўрсатишни терминал, банкомат ва инфокиоскларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фойдаланиши содда бўлган ушбу ускуналар бугунги кунда мижоз ва кассир ўртасидаги анъанавий муомалага чек қўйиб, ўзига хос минибанк-офис вазифасини ўтамоқда. Ҳозирги пайтда ушбу ташқи воситалардан нафақат нақд пул ечиб олиш, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириш мумкин. Шунини

кайд этиш ўринлики, COVID-19 пандемияси мижозлар исталган банк терминал, банкомат ва инфокиосклардан 7/24, яъни 7 куну 24 соат гигиеник коидалар асосида фойдаланиш тавсия этилади.

Инқироз кучайиб борар экан, биз муаммонинг қанчалик жиддийлиги ва давомийлигини аниқ билмаймиз. Шуниси аниқки COVID-19 оқибатида 2020 йил иқтисодий кўрсаткичлар режадагидек бўлмаслиги аниқ. Тўлов тизимида ҳам иқтисодий инқироздан сўнг тўловлар экотизимини такомиллаштириш истиқболини белгилаб олиш лозим. Қуйида биз COVID-19 шароитида банклар ўзгартириш лозим бўлган жиҳатлар бўйича бир қанча таклифларни келтирамиз. Бу нафақат банк соҳасида қилиниши лозим бўлган нарсалар, балки вируслар тарқалишини чеклаш, иқтисодиётимизнинг самарали ва қисқа муддатларда қайта тикланиши учун биз бажаришимиз керак бўлган вазифалардир.

1. Нақд пулдан оқилона фойдаланиш. Нақд пуллар COVID-19 шароитида жисмоний тўлов сифатида фойдаланиши вирусни юктиришда фаол восита бўлиши мумкин. Хавфсизлик нуқтаи назаридан банклар филиалларини ёпиши ёки минимал хажмдаги ходимлар билан иш фаолиятини юритади. Бундай шароитда банклар масофавий банк хизматларидан самарали фойдаланиш, рақамлаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш вақти келганидан далолат беради. Айниқса чакана тўловларда контактсиз тўловлар, карталар ва электрон ҳамёнларга асосланган тўлов тизимларидан фойдаланиш учун ҳақиқий туртки бўлди.

2. Платформаларни содда ва ҳамма фойдалана олишини таъминлаш. COVID-19 шароитида банкнинг ҳамма мижозлари ҳам янги дастурий таъминот ва технологиялардан бир хил даражада фойдаланиш имкониятига эга эмас. Фақат нақд пул билан ҳисоб-китоб қиладиган аҳоли қатламига айниқса бу ёмон таъсир қилади. Шунинг учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш, натижада, пул айланиш тизимини соддалаштирувчи ва янада тезлаштирувчи янги замонавий шакллари ва воситаларини излаб топишни тақозо этади. Масофадан

харидларнинг кўпайиши рақамли технологиялардан фойдаланмайдиган савдогарларнинг савдолари камайишига кескин таъсир кўрсатади.

3. Валюта билан операцияларни рақамлаштириш ва барқарорлаштириш. Электрон валюталарни паст нархда олиш, электрон валюталар билан тўловдаги айрим қийинчиликларни бартараф этиш банк мижозларининг банкига ишончини оширади. Нақд валютага бўлган талабнинг ҳам барқарорлашишига олиб келади.

4. Кооператив рақобатнинг янги даврини илгари суриш. Жамиятининг умумбашарий таназзулга учраши янги инқирозни бошламоқда, бунда ўтмишдаги инқирозларга хос бўлмаган кооператив тафаккур масаласидир. Инқироз туфайли юзага келган ликвидлик ва даромадлилик инқирози “FinTechs” саноатида кескин ўзгаришларга олиб келади. Ишончимиз комилки, ушбу ўзгаришлар янги “FinTechs” пейзажига олиб келади, ҳамкорликни ривожлантириш ва ғолибликни қўлга киритиш учун кўпроқ имкониятлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармони.

[3] https://www.statista.com/topics/3432/mobile-banking-in-the-benelux/#dos-sier-Summary__chapter4

[4] Shah, M.H., Peikari, H.R., Yasin, N.M., 2014. The determinants of individuals' perceived e-security: evidence from Malaysia. Int. J. Inf. Manag. 34, 48–57.

- [5] Ashrafi, M., Ng, S., 2008. Enabling privacy-preserving e-payment processing. Inst. For Infocomm. Res. 4947, 596–603.
- [6] Schierz, P.G., Schilke, O., Wirtz, B.W., 2010. Understanding consumer acceptance of mobile payment services: an empirical analysis. Electron. Commer. Res. Appl. 9 (3), 209–216.
- [7] McKinsey Financial Decision-maker Consumer Pulse Survey, March 2020.
- [8] Report on the economic well-being of U.S. households in 2018 - May 2019, Board of Governors of the Federal Reserve System, May 2019, federalreserve.gov.
- [9] Sendhil Mullainathan and Eldar Shafir, Scarcity: Why Having Too Little Means So Much, New York: Times Books, 2013.

ТДИУ “Банк иши” кафедраси доценти, и.ф.д.
Азларова Азиза Ахраровна

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНING ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИING АҲАМИЯТИ

Аннотация. Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашда банк хизматлари долзарб аҳамиятга эга. Тезисда, коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатишда тижорат банкларининг масофавий банк хизматларини қўллашнинг интерактив усулларини жорий этиш зарурияти ифодаланган ва муаллифнинг илмий ва амалий хулосалари шакллантирилган.

Калит сўзлар: коронавирус пандемияси, иқтисодиёт тармоқлари, тадбиркорлик субъектлари, масофавий банк хизматлари, интернет банкинг, мобиль илова хизмати, кредит таътиллари, омонат.

Маълумки, ҳозирда жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш олиб борилмоқда ва бу борада энг самарали усул сифатида инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар ўрнатиш ҳамда корхоналар фаолиятини тўхтатиш каби чоралар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида, дунё мамлакатларида ишлаб чиқариш ва истеъмол хажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди.

Бугунги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти экспертларининг таҳлилларига кўра, Ҳиндистон иқтисодиёти 1,1%, Хитой иқтисодиёти 0,8%, АҚШ иқтисодиёти 0,1%, Франция иқтисодиёти 0,3%, Буюк Британия иқтисодиёти 0,2%, Германия иқтисодиёти 0,1%, Япония иқтисодиёти 0,4%, Италия иқтисодиёти 0,4%гача пасайиши кутилмоқда. Шу муносабат билан бугунги кунда ХВЖ ва Жаҳон банки короновирусга қарши курашиш мақсадида ривожланаётган ва камбағал мамлакатларга салкам 50 миллиард АҚШ доллари миқдоридан кредит малағлари ажратиш борасида қарор қабул қилди [4].

Коронавирус инфекцияси Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам ўз навбатида салбий таъсир кўрсатиб, мамлакатимизнинг жадал ривожланаётган тармоқларига хусусан, туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноатини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш заруриятини келтириб чиқарди.

Шу жihatдан, коронавирус пандемияси натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларини пасайтиришда Ўзбекистон банк-молия тизими олдида қатор вазифалар юкланди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаларида “Банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим.

Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва

даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” деб таъкидлаб ўтганлар.[3]

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий йил бошида коронавирус билан боғлиқ бўлган ташқи иқтисодий ноаниқликларнинг кучайиши натижасида асосий ставканинг йиллик 16 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириб, ҳисоб-китобларига кўра инфляциянинг энг юқори даражаси жорий йилнинг иккинчи чорагида кузатилиши мумкинлигини башорат қилган эди.

Шунингдек, жаҳон иқтисодиётида коронавирус тарқалиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий муаммолар Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам муайян даражада таъсир кўрсатиши мумкинлиги, бунда таъсир кўлами жаҳон иқтисодиётидаги хатарларнинг давомийлиги билан баҳоланган эди.

Ўзбекистонда коронавирус билан касалланишнинг илк ҳолати жорий йилнинг 15 март санасида расман қайд этилди. Шундан сўнг, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бошчилигида Хукуматимиз томонидан касалликни тарқалиб кетмаслиги учун профилактик, ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган бир қатор амалий чора -тадбирлар амалга оширила бошлади.

Хусусан, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги [1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон [2]лари қабул қилиниб, бу борада қўллаб-қувватлаш ва преференциялар белгиланди.

Хусусан, тадбиркорлар ва аҳолининг жами 19,5 триллион сўмлик кредит қарзларини тўлаш муддати 1 октябргача кечиктирилди [5]. Албатта, бу уларга карантин шароитида катта мадад бўлади. Лекин, шу билан бирга, молия-кредит муассасаларига тушадиган маблағ камайишига ҳам олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 9 апрель куни коронавирус пандемияси шароитида банк тизимининг барқарор ишлашини ҳамда иқтисодиётга молиявий кўмакчи бўлишини таъминлаш масалалари бўйича ўтказган йиғилишида[6]:

-жаҳон иқтисодиётида бошланаётган инқироз ҳолатларини ҳисобга олиб, банкларнинг лойиҳалар портфелини танқидий кўриб чиқиш вазифаси кўйилди, яъни, ҳали бошланмаган, узоқ муддатли лойиҳаларни аниқлаб, уларни жорий йилнинг ўзида самара беришни бошлайдиган янги лойиҳаларга алмаштириш зарурлиги таъкидланди;

Бу борада банкларга маблағларни устувор равишда кичик бизнес субъектларига янги иш ўринлари яратиш учун ҳамда уй шароитида ўзини ўзи банд қилиш учун йўналтириш тавсия этилди.

-карантин даврида ҳам аграр соҳадаги ишлар тўхтамаганини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги тармоқларига бириктирилган тижорат банклари ҳозирнинг ўзида янги лойиҳаларни кўпайтиришлари лозимлиги қайд этилди.

-Марказий банкка ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун банклар орқали 30 триллион сўм айланма маблағлар ажратилишини таъминлаш топширилди. Зарур ҳолларда, корхоналарга иш ҳақи тўлаш учун ҳам кредитлар ажратилишини йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

-масофавий хизмат кўрсатиш турлари ва қамровини кенгайтириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра, тўловларни амалга оширишда нақд пуллардан фойдаланиш вирус тарқалишига олиб келувчи каналлардан бири бўлиши мумкинлигини таъкидланганлиги боис,

банк карталаридан ёки муқобил электрон тўлов турларидан фойдаланиш бунда тўловларни контактсиз амалга оширилиши янада хавфсиз ҳисобланади.

Шу жихатдан, республикамизда тижорат банкларининг масофий хизмат кўрсатиш усулларидан, жумладан, интернет-банкинг, банкларнинг мобиль иловаларидан ҳамда тўлов ташкилотлари дастурларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тижорат банкларининг мобиль илова хизматларидан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагилар:

◆ уйдан чиқмасдан тўловларни амалга ошириш;

◆ инфекция эҳтимоли мавжуд бўлган нақд пул маблағларисиз харидни амалга ошириш;

◆ даромад ва харажатларни кузатиб бориш;

◆ вақт ва транспорт харажатларини тежаш ва хавфсизликни ошириш.

Ҳозирги кунда, республика ҳудудида қарийб 700 та (тез орада уларнинг сонини 1 000 тадан ошириш режалаштирилган) автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматлари, шунингдек, масофадан туриб валюта айирбошлаш имконини берувчи мобиль иловалар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, фуқаролар банкларга бевосита муурожаат қилмасдан мобиль иловалар орқали масофадан туриб ёки автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматлари ёрдамида валюта айирбошлаш операцияларини куну тун режимида амалга ошириш имкониятлари яратилган[7].

Шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш олиб борилаётган шароитда, нақд пулни ушлаш жудаям хавфли эканлигини ҳисобга олиб, банклар томонидан республика миқёсида жами 5 мингдан ортиқ банкоматлар жойларга ўрнатилган, улардан 948 таси “cash in/out” функцияли банкоматлар ҳисобланади (уларнинг 548 донаси “Uzcard” тизими ва 400 донаси “НУМО” тизими банкоматлари). Мазкур банкоматлар орқали миужозлар нақд пул маблағларини банк карталарига кириш қилиш имконияти яратилган[8].

Марказий банк 2020 йилнинг 17 март куни коронавирус инфекцияси тарқалиши сабабли тадбиркорлик субъектларида кредитларни қайтариш билан боғлиқ салбий оқибатларни юмшатиш мақсадида барча тижорат банкларига:

-коронавирус инфекциясининг тарқалиши оқибатида пул оқимларининг камайиши юз берган ва лойиҳаларни ишга тушириш муддатлари кечикаётган корхоналар га ажратилган кредитларни қайтариш имкониятларини тўлиқ ва пухта ўрганиш

-ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, миждозларнинг реал пул оқимлари ва имкониятлари ҳамда лойиҳаларни ишга туширишнинг кутилаётган муддатларидан келиб чиқиб, кредитнинг асосий қарзини қайтариш бўйича 2020 йил 1 октябрига қадар имтиёзли давр бериш ҳамда якуний тўловлар муддатларини берилган имтиёзли даврга мос равишда узайтириш юзасидан кредит шартнома шартларига ўзгартириш киритиш масаласини кўриб чиқиш тавсия қилди.

Шундан келиб чиқиб, коронавирус пандемияси фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан якка тартибдаги тадбиркорларга жорий йилнинг 1 октябрига қадар имтиёзли давр берилди.

Натижада, республикада фаолият юритаётган барча тижорат банклари жисмоний шахслар учун ҳам кредит таътили эълон қилди. Хусусан, республикада фаолият юритаётган 25 та тижорат банки жисмоний шахсларга кредит таътилинини бир томонлама тақдим этаётган бўлса, кредит таътилинини миждозларнинг электрон аризасига кўра тақдим этаётган банклар сирасига, Тенгебанк, Равнақбанк, Трастбанк, ҚДБ ва Содеротбанклар киреди.

Юқорида санаб ўтилган чора тадбирлар оддий ҳисоблансада, бироқ пировард натижада аҳолида банк хизматларига ишонч ва ҳурматни оширади. Шу билан бирга, Ипотекабанк, Саноатқурилишбанк (Инфинбанк, Асакабанк ва бошқа банклар томонидан муддати тугаган омонатларнинг муддати узайтирилиб, омонатчилардан ҳеч нарса талаб қилинмасдан – шартномани бир

томонлама барча шартлари, шу жумладан омонат фоизини сақланган ҳолда узайтириш амалиётини йўлга қўйилгани ҳам аҳамиятга молик саналади.

Хулоса қилиб айтганда, 2020 йил 16 мартдан Ўзбекистонда карантин эълон қилинди. Иқтисодиётнинг энг муҳим тузилмаларидан бири сифатида банклар мижозларга ўз хизматларини масофадан кўрсатишлари янада долзарб аҳамиятга эга бўлиб бу турдаги банк хизматларини кўрсатишда инновацион янги усулларни қўллаш зарурияти ортди. Хусусан, мижозлар карантин шароитида уйдан чиқмасдан туриб, товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш, онлайн чатда мутахассислар билан боғланиш, пластик карталарни интернет орқали буюртма қилиш ва реквизитлар орқали тўлов хизматини ишга тушириш имкониятига эга эканликлари масофавий банк хизматлари кўламини келажакда ҳам ривожлантириш зарурлигини асослаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармони. 19 март 2020 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармони. 3 апрел.2020 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020.

4. <https://sof.uz/post/koronavirus-inqirozi-ozbekiston-undan-qanday-chiqadi>

5. Марказий банк расмий сайти маълумоти –www.cbu.uz.

6. <http://xs.uz/uzkr/post/korkhonalarga-ish-haqi-tolash-uchun-ham-kreditlar-azhratilish-jolga-qojiladi>

7. https://cbu.uz/oz/press_center/news/134694/

8. <https://cbu.uz/ru/credit-organizations/banks/atm/>

ЎЗБЕКИСТОНДА ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.


Аннотация. Илмий тезисда Осиё минтақа давлатларининг облигация бозорини ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Таҳлил жараёнида мамлакатимизда облигация бозори ривожланишининг амалдаги ҳолати қиёсий таҳлил қилиниб, мазкур йўналишдаги мавжуд муаммолар ўрганилган ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: молия бозори, облигация бозори, давлат қимматли қоғозлари, корпоратив облигация, эмиссия шартлари.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам қимматли қоғозлар бозори хусусан облигациялар бозорини ривожлантириш, жаҳон молия бозори орқали капитални кенг жалб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириш билан бир қаторда мазкур соҳани янада такомиллаштириш борасида муҳим стратегиялар ишлаб чиқилмоқда. Муҳтарам Юртбошимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадга мувофиқдир” [1]. Дарҳақиқат, мамлакатимиз халқаро суверен кредит рейтингини ошириш ҳамда акциядорлик жамиятларини хорижий инвесторларга сотиш орқали давлатнинг улушини камайтириш, халқаро молия бозорига интеграциялашув жараёнларини оширишда молиявий инструментлардан самарали фойдаланиш, мазкур соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан самарали

фойдаланиш асосида мавжуд муаммоларнинг аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2020 йил 1 январь ҳолатига умумий ҳисобда 103 та эмитентнинг 848,9 млрд.сўмлик 164 та корпоратив облигациялари чиқарилган. Шундан 116 таси тўлиқ сўндирилган, 27 таси эса бекор қилинган. Ҳозирги вақтда муомаладаги облигациялар сони 13 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 488 миллиард сўмни ташкил этади. Хусусан, 2019 йилда “Infin Bank” АТБ томонидан умумий қиймати 100 млрд. сўмлик, “Asia Alliance Bank” АТБ томонидан 50 млрд. сўмлик ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан 150 млрд. сўмлик корпоратив облигациялар чиқарилиши рўйхатдан ўтказилди. 2012-2017 йиллар мобайнида жами 183000,0 млн.сўмлик корпоратив облигациялар эмиссия қилинган бўлса, шундан жами эмиссия қилинган облигацияларнинг 27,3 % иқтисодиёт реал сектори ҳиссасига тўғри келса қолган 72,7 % и молия секторига аниқроқ айтадиган бўлсак тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. Яна бир эътиборли жиҳат, 2015-2016 ҳамда 2018 йиллар мобайнида на реал сектор на молия секториди фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари томонидан облигация ёки корпоратив облигациялар эмиссия қилинмаган.




1-расм. Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда корпоратив облигация бозорининг ҳолати (млн.сўмда) [2]

Фақатгина 2017 йилнинг май ойига келиб “Ўзавтосаноат” АК томонидан 50 минг дона корпоратив облигациялар эмиссияси рўйхатга олинган.

1-расм маълумотларидан кўринадик, охириги 10 йил мобайнида яъни 2020 йилга қадар бозор муносабатлари босқичма-босқич ривожланаётган мамлакатимизда иқтисодиёт реал секторида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари томонидан облигация ёки корпоратив облигациялар билан боғлиқ операциялар умуман амалга оширилмаган. Бу эса ўз навбатида иқтисодиёт реал сектори корхоналари томонидан молиялаштириш манбаларини оптималлаштириш масаласига бўлган замонавий ёндашувларнинг нафақат Фарб давлатлари балки Осиё минтақа мамлакатларидан анча орқада қолиб кетаётганлигидан далолат бериб турибди.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда 488,06 млрд.сўмлик муомаладаги жами облигацияларни, таҳлил қилинаётган даврда Россия Федерациясида компаниялар томонидан муомалага киритилган облигация ҳажми билан солиштирадиган бўлсак, яъни 2175000 млн.рубль (ёки 2020 йил март ойи ҳолатига Марказий банкнинг расмий курси 1рубль=130,22 сўм эканлигидан келиб чиққан ҳолда 283228,5 млрд.сўм)ни ташкил этаётганлиги бизнинг амалиётдаги облигациялар бозорининг ҳажми салкам 600 баробарга паст эканлигини яққол кўрсатиб турибди (2-расм). Агар Россияда 2015 йилда компания ва молия институтларининг жами мажбуриятларида облигацияларнинг улуши 14% ни ташкил этган бўлса 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20% дан ошганлигининг ўзи, сўнгги беш йил мобайнида Россия компаниялари томонидан қарз маблағларини шакллантиришда облигация инструментида кенг фойдаланиб келинаётганлигини намоён этмоқда.



2-расм. Россия Федерациясида 2015-2019 йилларда облигация бозорининг ҳолати (млн.рубльда) [3]

Бугунги кунда мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари томонидан молиялаштиришнинг муҳим манбаи сифатида фойдаланиладиган корпоратив облигация бозори хажми Осиё минтақа давлатлари орасида энг кам улушга эга бўлган давлатнинг кўрсаткичларига нисбатан ҳам бир неча баробар паст эканлигини 1-жадвал маълумотлари яққол кўрсатиб турибди.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, Осиё давлатлари орасида облигациялар бўйича энг кўп савдо операциялари Хитой Халқ Республикасида (ХХР) амалган оширилган. Жумладан, 2015 йилда давлат облигациялари бўйича жами айланма 381 млрд. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, компаниялар томонидан эмиссия қилинган корпоратив облигациялар миқдори 280 млрд.АҚШ доллардан ошган. 2019 йилнинг сентябрь оyi ҳолатига Жануби-Шарқий Осиё Ассоциацияси (АСЕАН) давлатларининг жами муомалада мавжуд облигациялари хажми 1510,9 млрд.АҚШ долларни ташкил этган.

1-жадвал

Осиё минтақаси давлатларида муомалага чиқарилган давлат ва корпоратив облигациялар тўғрисида маълумот[4]

| № | Давлатлар номи | 2015 йил | | 2016 йил | | 2017 йил | | 2018 йил | | 2019 йил | |
|---|---------------------------|----------------------|--------------------------|----------------------|--------------------------|----------------------|--------------------------|----------------------|-----------------------------|----------------------|-----------------------------|
| | | млрд. АҚШ доллари | жамига нисбатан, % да | млрд. АҚШ доллари | жамига нисбатан, % да | млрд. АҚШ доллари | жамига нисбатан, % да | млрд. АҚШ доллари | жамига нисбатан, % да | млрд. АҚШ доллари | жамига нисбатан, % да |
| 1 | Хитой Халқ Республикаси | 665 | 100 | 532 | 100 | 871 | 100 | 887 | 100 | 981 | 100 |
| | -давлат облигациялари | 381 | 57,3 | 314 | 59 | 624 | 71,6 | 606 | 68,3 | 467 | 47,6 |
| | - корпоратив облигациялар | 284 | 42,7 | 218 | 41 | 247 | 28,4 | 281 | 31,7 | 514 | 51,4 |
| 2 | Индонезия | 8 | 100 | 9 | 100 | 15 | 100 | 15 | 100 | 24 | 100 |
| | -давлат облигациялари | 7 | 90,3 | 6 | 68,6 | 12 | 80 | 13 | 85 | 21 | 94 |
| | - корпоратив облигациялар | 1 | 9,7 | 3 | 31,4 | 3 | 20 | 2 | 15 | 3 | 6 |
| 3 | Корея Республикаси | 160 | 100 | 139 | 100 | 166 | 100 | 167 | 100 | 169 | 100 |
| | -давлат облигациялари | 72 | 44,6 | 56 | 40,3 | 76 | 45,7 | 76 | 42,5 | 68 | 40,2 |
| | - корпоратив облигациялар | 88 | 55,4 | 83 | 59,7 | 90 | 54,3 | 91 | 54,8 | 101 | 59,8 |
| 4 | Малайзия | 22 | 100 | 11 | 100 | 18 | 100 | 22 | 100 | 20 | 100 |
| | -давлат облигациялари | 9 | 39,6 | 4 | 39,2 | 8 | 44,4 | 14 | 61,7 | 9 | 45,6 |
| | - корпоратив облигациялар | 13 | 60,4 | 7 | 60,8 | 10 | 55,6 | 9 | 38,3 | 11 | 54,4 |
| 5 | Филиппин | 4 | 100 | 4 | 100 | 6 | 100 | 5 | 100 | 7 | 100 |
| | -давлат облигациялари | 3 | 75,0 | 3 | 75,0 | 5 | 83,3 | 4 | 81,8 | 5 | 78,5 |
| | - корпоратив облигациялар | 1 | 25,0 | 1 | 25,0 | 1 | 16,7 | 0,9 | 18,2 | 2 | 21,5 |

| | | | | | | | | | | | |
|----|--|------|------|------|------|-------|------|------|------|------|------|
| 6 | Сингапур | 59 | 100 | 62 | 100 | 88 | 100 | 106 | 100 | 124 | 100 |
| | -давлат облигациялари | 56 | 95,5 | 61 | 98,4 | 85 | 96,5 | 101 | 95,5 | 120 | 96,8 |
| | - корпоратив облигациялар | 3 | 4,5 | 1 | 1,6 | 3 | 3,5 | 4 | 4,5 | 4 | 3,2 |
| 7 | Таиланд | 60 | 100 | 70 | 100 | 56 | 100 | 71 | 100 | 78 | 100 |
| | -давлат облигациялари | 50 | 83 | 56 | 80,1 | 48 | 85,7 | 59 | 83,1 | 64 | 82,8 |
| | - корпоратив облигациялар | 10 | 17 | 14 | 19,9 | 8 | 14,3 | 12 | 16,9 | 13 | 17,2 |
| 8 | Ветнам | 14 | 100 | 14 | 100 | 13 | 100 | 7 | 100 | 20 | 100 |
| | -давлат облигациялари | 13,8 | 98,5 | 13,8 | 98,5 | 12,99 | 99,9 | 6 | 99,3 | 20 | 99,3 |
| | - корпоратив облигациялар | 0,2 | 1,5 | 0,2 | 1,5 | 0,01 | 0,1 | 0,05 | 0,7 | 0,1 | 0,7 |
| 9 | Япония | 434 | 100 | 413 | 100 | 419 | 100 | 391 | 100 | 265 | 100 |
| | -давлат облигациялари | 410 | 94,5 | 389 | 94,1 | 388 | 92,6 | 353 | 90,3 | 238 | 89,8 |
| | - корпоратив облигациялар | 24 | 5,5 | 24 | 5,9 | 31 | 7,4 | 38 | 9,7 | 27 | 10,2 |
| 10 | Ривожланаётган Шарқий Осиё давлатлари | 1082 | 100 | 946 | 100 | 1346 | 100 | 1395 | 100 | 1536 | 100 |
| | -давлат облигациялари | 671 | 62,0 | 608 | 64,3 | 969 | 71,9 | 983 | 70,4 | 881 | 57,4 |
| | - корпоратив облигациялар | 411 | 38,0 | 338 | 35,7 | 377 | 28,1 | 412 | 29,6 | 654 | 42,6 |

2019 йилнинг учинчи квартали ҳолатига АСЕАН давлатларининг облигация бозори ўсиши иккинчи кварталдаги 2,3 фоиздан 1,6 фоизгача камайган.

Мамлакатимизда облигациялар бозорини ривожлантиришда тўсик бўлаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги асосий хулосалар шакллантирилди.

Акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив облигациялардан фойдаланиш асосида молиялаштириш механизмини такомиллаштиришда облигацияларни муомалага киритиш тартибини халқаро илғор тажрибалардан келиб чиққан ҳолда соддалаштириш лозим. Жумладан: Японияда корпоратив облигацияларни эмиссия қилишда компания Токио Фонд биржаси листингида рўйхатдан ўтган бўлиши ҳамда корпоратив облигацияларнинг номинал миқдори 100 минг иена ва дастлабки сотиб олувчилар сони камида 1000 нафар бўлиши талаб қилинади;

Хитой Халқ Республикасида эса компания корпоратив облигацияни эмиссия қилишдан аввал Шанхай Фонд биржаси листингида рўйхатдан ўтган бўлиши ҳамда асосий эмиссия қилинадиган облигациялар миқдори компаниянинг соф активлари 40 фоизидан ошмаслиги лозим; Россия Федерациясида корпоратив облигацияларни эмиссия қилишда ўз капитали миқдоридан ортган қисмига тегишли кафилик ёки гаров шартномаларини расмийлаштириш ёки суғурталаш амалиётидан кенг фойдаланилади.

Мамлакатимизда масъулияти чекланган жамиятларига ҳам корпоратив облигацияларни муомалага киритишга рухсат берилиши соҳадаги туб бурилишлардан бири бўлди десак бўлади. Бироқ, бугунги кунда ушбу турдаги корхоналарнинг корпоратив облигация бозорида йирик иштирокчиларга айлантириш механизмини ҳам яратишиб бериш лозим. Аниқроқ айтадиган бўлсак, облигация чиқаришдаги устав капиталга бўлган чекловни бекор қилиш, турли аудиторлик хулосаларини талаб қилиш, ортиқча рўйхатдан ўтказиш ва савдоларга рухсат берувчи тўсиқларни бекор қилиш ҳамда

корпоратив облигациялар муомалага киритиш билан бир қаторда корхонага турли инвестицион имконият ва шароитларни яратиб бериш сингари.

Таҳлил натижаларидан кўринадикки, хорижий давлатлардаги облигациялар бозорининг 40-60% гача улушини давлат облигациялари (ғазна мажбуриятларидан ташқари) ташкил этмоқда. Шунинг учун, мамлакатимизда давлат қимматли қоғозлари муомала муддатини (hozirgi 6 oйдан 3 йилгача) 5 йилдан 10 йилгача ошириш, қимматли қоғозлар бўйича қатъий фоиз ставка белгилаб, ушбу фоиз ставкани Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан оширган ҳолда нафақат резидент юридик шахсларга балки жисмоний шахсларга ҳам сотиш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

Мамлакатимизда облигациялар турларини диверсификация (инфратузилмавий, маҳаллий, ипотека ва ш.к.) қилиш мақсадида мавжуд меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим. Мазкур турдаги облигацияларни муомалага киритишда рухсат берувчи ва назорат қилувчи органлар сонини кескин камайтириш керак ҳамда облигациялар бўйича мажбуриятларни эмиссия қилувчи акциядорлик жамиятининг бошқарув ва ижро органи раҳбарига юклатиш билан кифояланиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 24.01.2020 й.
2. <http://www.deponet.uz/uzc/about/about-dep/reports> - Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
3. Тер-Аствацатурова А. Рынок облигаций: о чем говорят инвесторы?// Журнал Yango.Pro - о сбережениях для вкладчиков, инвесторов и рантье. 13 декабря 2019
4. https://asianbondsonline.adb.org/documents/abm_nov_2019.pdf - Asia bond monitor 2019 – интернет веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

ТДИУ, “Банк иши” кафедраси мудири, Ph.D, доц.,
Мамадияров Зокир Тоштемирович,
E-mail: zokir.mamadiyarov@gmail.com

ТДИУ, Магистратура бўлими,
МВД-10 гуруҳ магистранти
Файзуллаев Хурматулла Фатхулла ўғли

ПАНДЕМИЯ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК АКТИВЛАРИНИ СЕКЬЮРИТИЗАЦИЯЛАШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Секьюритизация тушунчаси, активларни секьюритизациялашнинг аҳамияти, активларни секьюритизациялашнинг хориж тажрибаси, активларни секьюритизациялашдаги муаммолар ва Ўзбекистонда активларни секьюритизациялаш амалиётини жорий қилиш бўйича муаллиф муносабатлари келтирилган.

Калит сўзлар. Секьюритизация, қимматли қоғозлар, эмиссия, инновация, қимматли қоғозлар бозори.

Коронавирус пандемияси натижасида иқтисодиётнинг янада рақамлашиб бориши жадаллашди. Бундай даврда жамият тараққиётини инновацияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инновациялар иқтисодий ўсишни жадаллаштиради, унинг рақобатбардошлигини оширади ва пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилайдди. Инновацияларни жамиятнинг ҳар бир соҳасида, хусусан молия соҳасида ҳам яратилиши мамлакат молия-банк тизимини ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Молиявий инновациялар вужудга келишининг асосий йўналишларидан бири турли активларни қимматли қоғозларга айлантириб, уларни қайта тақсимлаш операцияларини ўзида мужассамлаштирган секьюритизациялаш жараёни ҳисобланади. Фикримизча, активлар секьюритизацияси ҳаракатсиз активларни турли пул оқимлари ва активлар билан таъминлаб, ликвидли қимматли қоғозларга айлантириш орқали ҳаракатга келтириш жараёни ҳисобланади.

Хусусан, тижорат банклари активларини секьюритизациялаш молия бозорининг истиқболли ва фаол ривожланиб боровчи механизмларидан бири бўлиб, бугунги кунда замонавий молиялаш воситалари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, мазкур молиявий деривативлардан самарали фойдаланиш тижорат банклари томонидан молиявий ресурсларга бўлган юқори талаб ва бўш пул маблағларининг чекланганлиги шароитида янада аҳамиятлидир.

Активлар секьюритизациясига асосланган қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ривожланган мамлакатларда, хусусан, АҚШ ва Европада яхши ривожланган. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, инқироз даврида уларнинг ҳажми камайиш тенденциясига эга бўлаётган бўлса-да, ривожланган давлатларнинг аксарият қисмида улардан бутунлай воз кечилмаган [1].

Машҳур иқтисодчи олим П.С.Роуз томонидан «секьюритизация» тушунчаси активларнинг айланувчанлигини оширишга хизмат қилувчи механизм сифатида изоҳланади. Унга кўра, активларни секьюритизациялаш ноликвид активларнинг молия бозорида мустақил муомалада бўла оладиган ликвидли активларга айланиши ёки ўзгариши кўринишида намоён бўлади [2].

Шунингдек, Швециялик олим, Цюрих университети профессори Ханс Питер Бэрнинг таъкидлашича «Активларни секьюритизациялаш – бу энг янги молиялаштириш методикаси (услуги) бўлиб, унинг доирасида: табақалашган активларнинг кредит ташкилоти ёки бошқа корхона балансидан чиқарилиши; активларнинг махсус ташкил этилган юридик шахсга берилиши орқали юридик мустақиллигига эга бўлиши; қимматли қоғозларни чиқариш йўли билан халқаро пул воситалари бозорида унинг қайта молиялаштирилиши амалга оширилади» [3].

Муаммо шундаки, аҳоли омонатлари, депозитлар, банклараро кредитлар ва бошқа молиялаштириш манбалари чекланган бўлиб, молиявий ресурсларни жалб қилишнинг янги усулларини ёки халқаро тажрибадан фойдаланишни талаб этади[4].

Хорижий амалиётга кўра автомашиналар, ускуналар ва транспорт воситалар асосида қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан кўра, кўчмас мулкни секьюритизациялаш самаралироқ саналади, чунки кўчмас мулк секьюритизация даврини узайтиради [5].

Ҳозирги кунда активлар секьюритизациясига асосланган қимматли қоғозларнинг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, уларнинг айримларини қуйида келтирамиз:

-CDO (collateralized debt obligation) – қарзли мажбуриятлар (облигациялар ва кредитлар) билан таъминланган облигациялар;

-CBO (collateralized bond obligations) – қарз қимматли қоғозлари ҳисобига таъминланган облигациялар;

-ABS (asset-backed securities) – активлар билан таъминланган қимматли қоғозлар (автокредитлар, истеъмол кредитлари, кредит карточкалар, лизинг шартномалари, кичик ва ўрта бизнесга кредитлар, келажакда режалаштирилган тушумларни (масалан, хизматлар тўловини олиш бўйича тилхатлар) ҳам қамраб олади);

- MBS (mortgage-backed securities) – уй-жой, ипотекага, кўчмас мулкка асосланган қимматли қоғозлар;

- CFO (collateralized fund obligations) – инвестиция фондлари (хусусий акция ва хедж фондлар) активлари билан таъминланган қимматли қоғозлар;

- CDS (credit default swap) – инвесторни кредит қайтмаслигидан кафолатловчи қимматли қоғозлар.

1-жадвал маълумотларидан шуни таъкидлаш мумкинки, 2019 йил 1 январь ҳолатига хорижий мамлакатлар томонидан секьюритизациялаш доирасида амалга оширилган жами бирламчи эмиссиялар ҳажми 11,2 фоизга ошгани ҳолда, 1 трлн. 50 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этди. Қимматли қоғозлар эмиссиясида АҚШ, Хитой ва Европада сезиларли ўсиш кузатилган бўлса, Канада ва Японияда ўсиш суръати паст даражада бўлди. Шунингдек, ушбу кўрсаткич Австралия ва Лотин Америкасида пасайиш тенденциясини қайд этди.

Айрим хорижий мамлакатлар томонидан секьюритизациялаш доирасида қилинган жами бирламчи эмиссиялар ҳажми, (млрд. АҚШ долл.да)[6]

| Мамлакатлар | 01.01.2016 | 01.01.2017 | 01.01.2018 | 01.01.2019 |
|--------------------|-------------------|-------------------|-------------------|-------------------|
| АҚШ | 436 | 372 | 510 | 565 |
| Хитой | 97 | 116 | 220 | 260 |
| Европа | 77 | 81 | 82 | 90 |
| Япония | 38 | 53 | 48 | 52 |
| Австралия | 24 | 17 | 36 | 34 |
| Канада | 15 | 18 | 20 | 22 |
| Лотин Америкаси | 11 | 12 | 17 | 15 |
| Бошқа мамлакатлар | 12 | 13 | 11 | 12 |
| Жами: | 710 | 682 | 944 | 1050 |

2019 йил 1 январь ҳолатига АҚШ тижорат банклари томонидан активларни секьюритизациялаш доирасида амалга оширилган бирламчи ва иккиламчи эмиссиялар ҳажми, тахминан 1,6 трлн. АҚШ долл.ни ташкил этгани ҳолда 2019 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 7,8 фоизга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давридаги 2009 йилга нисбатан эса 35 фоизга ўсган.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ҳажми (активлари) жиҳатидан ривожланган мамлакатлардан анча ортда қолмоқда. Иқтисодиётнинг ривожлантириш мақсадларига эришиш учун юқорида айтилган активларни сезиларли даражада ўсиши керак бўлади. Йил давомида активларнинг умумий ўсиши 98% ни ташкил этди, бироқ бу таъсир 60%га валюта курсининг девалвацияси ва валюта активларининг пропорционал ўсишига боғлиқ.

2018 йил 1 январь ҳолатига тижорат банкларининг жами активлари 82,6 трлн сўмга ёки 98,2 фоизга ўсди (2016 йилда -29 фоиз) ва 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 166,6 трлн сўмни ташкил этди, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми эса 249,13 трлн сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, жами активларнинг умумий ўсиши 64 фоизни ташкил қилди (ёки 52,8 триллион сўм), бу миллий валюта курсининг кескин пасайиши сабабидир. Ушбу омил

таъсири остида банк активларининг ЯИМга нисбати 2017 йил охирига келиб 67 фоизгача (2016 йилда -42,2 фоиз) ошди, бу эса Ўзбекистон Республикасига дунёда 81-ўринни эгаллаш имконини беради.



1-расм. ЯИМ фоизларида банк активларининг нисбати ва жаҳон рейтингдаги ўрни [7]

Мамлакатимизда халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда, молия-банк тизимини янада барқарор ривожлантириш учун молиявий инновациялардан жумладан, активлар секьюритизацияси амалиётидан фойдаланиш, уларга доир ахборотлар шаффофлигини таъминлаш ва уни тартибга солишнинг самарали механизмини шакллантириш лозим.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

- миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш;
- банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш;
- нақдсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш;

– банк кассаларига нақд пул тушумларини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркиби, (жамига нисбатан фоизда)[8]

| Активлар таркиби | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. |
|-----------------------------|--------------|--------------|--------------|
| Кассадаги нақд пуллар | 1,6 | 2,9 | 2,5 |
| Марказий банкдаги маблағлар | 14,2 | 8,9 | 5,3 |
| Бошқа банклардаги маблағлар | 12,9 | 15,0 | 9,3 |
| Инвестициялар | 3,1 | 2,5 | 1,1 |
| Кредит қуйилмалари | 61,9 | 65,1 | 76,8 |
| Асосий воситалар | 2,1 | 1,4 | 1,6 |
| Бошқа активлар | 4,2 | 4,2 | 3,4 |
| Активлар - жами | 100,0 | 100,0 | 100,0 |

2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитлар нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, тижорат банкларини иқтисодий кредитлашдаги ролини юқори эканлигидан ва уларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланиш даражасининг паст эканлиги билан изоҳланади.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2016-2018 йилларда республикада тижорат банкларининг брутто активлари ҳажмида Марказий банкдаги пул маблағларининг ва қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг улушларини пасайганлиги кузатилган.

Бугунги кунда республикада тижорат банкларида секьюритизациялаш амалиётидан фойдаланилмайди. Ҳозирда халқаро миқёсда кенг қўлланилаётган бундай амалиётдан фойдаланмасликнинг асосий сабаблари куйидаги қатор омилларга боғлиқ:

- мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг етарлича ривожланмаганлиги;
- қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг фаолияти умуман йўқлиги;
- активларни секьюритизациялаш бўйича меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ва бошқа бир қанча омиллар

мамлакатимизда активларни секьюритизациялаш соҳасини ривожлантиришга тўсиқ бўлмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг мукамал моделини шакллантириш, уни ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш, молиявий глобаллашув шароитида ўзининг иқтисодий функцияларини етарли даражада ва барқарор бажарилишини таъминлаш имконини берадиган янги босқичга ўтиши ва шу тариқа Ўзбекистон бозори жаҳон бозорига интеграциялашувини амалга ошириш ва унинг воситасида мамлакатимиз иқтисодиёти ва қимматли қоғозлар бозорига йирик инвестициялар жалб қилиш механизмларидан бирига айлантириш лозим.

Умуман олганда, жаҳонда молиявий инновациялар, хусусан активлар секьюритизацияси амалиёти яхши ривожланган, бироқ уларни коронавирус пандемияси натижасида вужудга келадиган глобал инқироз шароитидан келиб чиқиб, тартибга солиш механизмини такомиллаштириш зарур. Мамлакатимизда халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда, молия-банк тизимини янада барқарор ривожлантириш учун активлар секьюритизацияси амалиётидан фойдаланиш, уларга доир ахборотлар шаффофлигини таъминлаш ва уни тартибга солишнинг самарали механизмини шакллантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1] Алимардонов Э.Д. Активлар секьюритизацияси жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари ва уни тартибга солиш механизми. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 й.

[2] Роуз П. Банковский менеджмент –//Пер. с англ. –М.: Дело, 1997.

[3] Бэр Х.П. Секьюритизация активов: секьюритизация финансовых активов - инновационная техника финансирования банков / Пер. с нем. Ю.А.Алексеева., О.М.Иванова.-М.: Волтере Клувер, 2009.

[4] Киргизов А. Секьюритизация долгосрочных кредитов // Банковское обозрение. – 2013. – No 1. – 9 с.

[5] Газман В. Д. Преодоление стереотипов в лизинге // Вопросы экономики. 2017. № 2. С. 136–151.

[6] «Standard and Poor's Global Ratings» маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

[7] Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси.

[8] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**Toshkent to`qimachilik va yengil sanoat instituti,
“Korporativ boshqaruv” kafedrası mudiri
PhD, Mansurov Mansur Alisherovich
m.mansurov1985@gmail.com**

INQIROZ HOLATLARI TA`SIRINI SO`NDIRISHGA QARATILGAN MOLIYAVIY INNOVATSION KONSEPSIYALAR

Annotatsiya. Moliyaviy innovatsiyalar ko'pincha e'tiborsiz qoldiriladigan yo'nalishlaridan biri. Shuningdek u, vaqt, pul va xavf-xatar omillari o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik tushunchalariga bag'ishlangan. Ushbu tushunchlar asosan pul mablag`larini qanday sarflash va byudjetga jamg`rishga qaratilgan. Bu biznes bilan shug'ullanishning eng muhim jihatlaridan biridir. Inqiroz sharoitida aynan shunday holatlarga duch kelinadi. Ushbu tezisda siz biznesni ravnaq topishida moliyaviy konsepsiyalar haqida ma`lumot olasiz.

Kalit so`zlar: moliya, biznes, diversifikatsiya, qimmatli qog'ozlar, aktiv.


Moliya biznesning hayotiy qonidir. Qon aylanishi inson tanasida hayotni saqlash uchun zarurdir. Xuddi shunday, moliya ham biznesning hayotini ta`minlab berishi va uzluksiz ishlashi uchun juda zarurdir. Moliya biznesni rivojlantirish, asosiy vositalarni sotib olish, xom ashyo sotib olish, mahsulot ishlab chiqarish va ularni bozorga chiqarish uchun kerak. Har bir biznes faoliyatida moliya birlamchi talab hisoblanadi. Moliyasiz, biznes hayot kechira olmaydi. Shu sababli, moliya, har qanday biznes faoliyati yoki har qanday xo`jalik yurituvchi sub`ekt uchun

operatsiyalarni amalga oshirish va maqsadlarga erishish uchun asosiy talabdir. Demak, iqtisodiy faoliyatdan ko'proq pul topmoqchi bo'lsangiz, unda ko'p pul kerak bo'ladi. Bundan kelib chiqadiki, biznesni rivoj topishida quyidagi konsepsiyalar amal qiladi.

Savdoda tavakkalchilik va qaytim

Savdoda tavakkalchilik va qaytim o'rtasidagi munosabatni muvofiqlashtirishni osonlik bilan "kechasi uxlash qobiliyatini sinash" deb atash mumkin. Investitsiya dunyosida tavakkalchilikning lug'aviy ma'nosi – Investitsiyalarning haqiqiy daromadlilikini kutilayotganidan farq qilish ehtimoli mavjudligini anglatadi. Texnik jihatdan, bu statistikada standart xulosalar bo'yicha o'lchanadi. Tavakkalchilik, sizning dastlabki investitsiyalaringizni bir qismini yoki hatto barchasini yo'qotib qo'yishingiz mumkinligini anglatadi. tavakkalchilik va qaytim o'rtasidagi munosabatni muvofiqlashtirilishi- bu eng minimal tavakkalchilik imkoniyatiga intilish va maksimal darajada daromad olish istagi o'rtasidagi balansni aks ettiradi.

1-rasm.



Noaniqlikning past darajalari (past darajadagi tavakkal) past potentsialli daromad bilan bog'liq. Yuqori darajadagi noaniqlik (yuqori darajadagi tavakkal)

⁷⁷ D. Vinotha. Innovative concepts in finance. UGC Care Journal. ISSN: 2394-3114. Vol.40-Issue.40-March-2020

yuqori potentsialli daromad bilan bog'liq. Bu yuqoridagi jadvalda grafik tarzda ko'rsatilgan. Yuqori darajadagi standart og'ish, yuqori darajadagi tavakkalchilik va foyda olish imkoniyatini anglatadi. Insonlar orasida keng tarqalgan noto'g'ri tushuncha shundan iboratki, ular, yuqori darajadagi tavakkalchilik katta daromad keltiradi – deyishadi. Tavakkalchilik va daromad o'rtasidagi munosabat bizga shunday xulosa beradika, qanchalik yuqori darajadagi tavakkal qilsa shunchalik ko'p foyda olish imkoniyati bor. Ammo bu yerda hech qanday kafolatlar yo'q. Yuqori darajadagi tavakkalchilik va foyda olish imkoniyatini anglatishi bilan bir qatorda, u shkalaning pastki qismida yuqori darajadagi yo'qotishlarni ham anglatadi. Risksiz foyda stavkasi AQSh davlat qimmatli qog'ozlarining daromadlari qaytими bilan ifodalanadi, chunki ularning defolt ehtimoli nolga teng. Agar tavakkalchilik stavkasi hozirgi kunda 6%ni tashkil etsa, demak, biz o'z mablag'imizdan yiliga 6% daromad olishimiz mumkin.

Diversifikatsiya

Bu, hohlagan qimmatli qog'ozlarning portfelning umumiy samaradorligiga ta'sirini minimallashtiruvchi, keng investitsion portfelni o'z ichiga oluvchi tavakkalchilikni boshqarishni usuli [1]. Diversifikatsiya sizning investitsion portfelningiz xavfini kamaytiradi.

- O'z investitsion portfelningizni turli hil investitsion instrumentlarga taqsimlang, jumladan, naqt pul mablag'lari, aktsiyalar, obligatsiyalar, hissadorlik investitsion jamg'armalarr va hatto ba'zi ko'chmas mulk kabilar.
- Qimmatli qog'ozlarga nisbatan tavakkalni o'zgartiring, modomiki siz, faqatgina moviy fishkalarini tanlash bilan cheklanmagansiz. Aslida, xatar darajasi turlicha bo'lgan investitsiyalarni tanlash oqilona bo'lar edi; bu katta yo'qotishlar boshqa yuquqlar bilan qoplanishini ta'minlaydi.
- Qimmatli qog'ozlaringizni tarmoq bo'yicha ajrating. Bu sanoat sohalaridagi daromadlarga nisbatan xavflar ta'sirini kamaytiradi. Diversifikatsiya bu sizning xataringizni minimallashtirish bilan birga uzoq muddatli moliyaviy maqsadlaringizga erishishda yordam beradigan eng muhim tarkibiy qismdir.

O'rtacha narxlardagi DOLLAR kursi

Ushbu atama murakkab tushunchani anglatishi mumkin bo'lsa-da, DCA aslida juda oddiy va juda foydali uslubdir. Dollar narxining o'rtacha qiymati - bu aksiyalar narxidan qat'iy nazar, doimiy ravishda ma'lum bir investitsiyalarning belgilangan dollar miqdorini sotib olish jarayonidir. Ko'proq aksiyalar narxlar past bo'lganda sotib olinadi va narxlar baland bo'lganda kamroq aksiyalar sotib olinadi. Vaqt o'tishi bilan har bir aktsiyaning narxi o'rtacha qiymati shakllanadi. Bu noqulay sharoitda bitta investitsion loyihaga yirik miqdordagi sarmoya kiritishning xavfini kamaytiradi.

Aktivlarni taqsimlanishi

Aktivlarni taqsimlash konsepsiyasi ishlab chiqilgan. Aktivlarni taqsimlash - bu, obligatsiyalar, aksiyalar, ko'chmas mulk va naqd pul kabi asosiy kategoriyalar o'rtasida aktivlarni taqsimlash yo'li bilan xavfni balanslashtirish va diversifikatsiyani yaratishni maqsad qilgan investitsiyalar portfelining uslubiyotidir [2]. Har bir aktiv klassi daromadlilik va xavfning turli darajalariga ega, shuning uchun ularning har biri vaqt o'tishi bilan o'zlarini turlicha namoyon etadilar. Bitta aktivning qiymati o'sayotgan bir vaqtda, boshqasini kamayishi yoki ko'paymasligi mumkin[3].

Tasodifiylik nazariyasi

Tasodifiy yurish nazariyasi 1973 yilda Barton Malkiel o'zining hozirda investitsiya klassikasi sifatida tan olingan "Uol stritning tasodifan qulashi" kitobini yozgan paytda mashhurlikka erishdi. Tasodifiy yurish nazariyasi – dastlab Moris Kendal tomonidan 1953 yilda tadqiq etilgan bo'lib, fond bozori nazariyasi, aksiya yoki umumiy bozor narxining o'tgan harakatlari yoki yo'nalishlari, uning kelajakdagi harakatini bashorat qilish uchun qayta qo'llanilishi mumkin emasligini anglatadi. Nazariyada aksiya narxlarining o'zgarishi ularning bir-biriga bog'liq emas va bir xil ehtimollik taqsimotiga ega deyiladi. Ammo vaqt o'tishi bilan narxlar ko'tarilish tendentsiyasini saqlab qolishi mumkin. Qisqacha aytganda, tasodifiylik nazariyasida aksiyalar tasodifiy va oldindan aytib bo'lmaydigan yo'lni bosib o'tadi. Birjada

aktsiyalarning kelajakdagi narxini ko'tarilish ularning vaqt o'tishi natijasida pasayishi ehtimoli bilan bir xil.

Samarali bozor gepotizasi

Bu g'oya qisman 60-yillarda Yevgeni Feym tomonidan qisman o'rganilgan. Unda aytilishicha, bozorda g'alaba qozonishning iloji yo'q, chunki narxlar barcha tegishli ma'lumotlarni aks ettiradi va o'z ichiga oladi. Bu, shuningdek, juda munozarali va ko'pincha bahsli nazariya hisoblanadi. Ushbu model tarafdorlarining fikricha, fundamental tahlil yoki texnik tahlil orqali bozor tendentsiyalarini bashorat qilish yoki hisoblanmagan qimmatli qog'ozlarni qidirishning foydasi yo'q.

Ushbu nazariya juda ko'p qarshiliklarga duch keldi, ayniqsa texnik tahlil natijasida. Ularning samarali bozor nazariyasiga qarshi fikrlari shundan iboratki, ko'plab sarmoyadorlar o'zlarining taxminlarini o'tgan yilgi guruch narhi, o'tgan yilgi daromadlarning rekord ko'rsatkichlari va boshqa ko'rsatkichlarga asoslashadi.

Xulosa

Xulosa qiladigan bo'lsak, tavakkalchilik va daromadlilik o'rtasidagi munosabatlarni muvofiqlashtirish - bu mumkin bo'lgan eng past tavakkalchilikka erishish istagi va maksimal daromad o'rtasidagi muvozanatdir. Yuqori darajadagi tavakkalchilik katta daromadlilikka olib keladi, diversifikatsiya sizning investitsion portfelengiz xavfini kamaytiradi, aktsiyalar narxiga bo'g'liq bo'lmagan holda dollarning o'rtacha qiymati belgilagash orqali muntazam ravishda investitsiya qilinadi, diversifikatsiyani tuzish va tavakkalni muvozanatlash uchun aktivlar faqat asosiy toifalarga taqsimlanishi kerak. "Tasodifiy yurish" nazariyasi bo'yicha aktsiyalar tasodifiy va oldindan aytib bo'lmaydigan yo'lni bosib o'tadi, samarali bozor gipotezasida aytilishicha, bozorni mag'lubiyatga uchratish mumkin emas, chunki narxlar allaqachon tegishli ma'lumotlarni o'z ichiga olgan va aks ettiradi. Eng maqbul portfel tushunchasi: aqlli sarmoyadorlar o'z daromadlarini ular uchun maqbul bo'lgan tavakkalchilik darajasiga qanchalik ko'paytirishi, ularning kapital aktivlarini sotib olish xavfi bilan bog'liq bo'lmagan munosabatlarni tavsiflaydi va qimmatli qog'ozlarni narxlarini belgilashda namuna bo'lib xizmat qiladi. Umid

qilamanki, ushbu maqola sizga bozor va investitsiyalash strategiyangiz haqida bir oz ma'lumot berdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

[1] <http://www.investopedia.com/university/concepts/>

[2] <http://www.financial cincepts.net>

[3] <https://www.psychosocial.com/article/PR200377/9949/>

**Toshkent Moliya instituti
«Bank ishi» kafedrasi katta o`qituvchisi
Xudoyorova Xurshida Abdunazarova**

**Toshkent Moliya instituti 4-bosqich talabasi
Abduqahhorov Bobur Ulug'bekovich**

BANK TIZIMINI RIVOJLANTIRISHNING HOZIRGI HOLATI HAMDA TIZIMDAGI AYRIM MUAMMOLAR TAHLILI

***Annotatsiya.** O`zbekiston Respublikasi bank tizimini rivojlantirish, bank tizimidagi mavjud bo`lgan muammolarni aniqlash hamda ushbu muammolarni butunlay hal qilish respulikamiz bank tizimi rivojlanishida muhim o`rin tutadi. Shu sababli, milliy bank tizimini transformatsiyalash sharoitida tijorat banklarining turli operatsiyalarini, jumladan, kredit operatsiyalarini rivojlantirish O`zbekiston bank tizimini rivojlantirishning zamonaviy bosqichining dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.*

***Kalit so`zlar:** bank, bozor iqtisodiyoti, bank tizimi, tijorat banklari, kredit siyosati, investitsiya, investitsiya loyihalari, kredit portfeli.*

Bozor iqtisodiyoti sharoitida hamda O`zbekiston iqtisodiyoti o`zgacha bir ko`rinishda shiddat bilan o`zgarayotgan bir paytda mamlakat bank tizimini rivojlantirish hamda innovatsion yondoshgan holda bank tizimini yangi bir bosqichga ko`tarilishini ta'minlash muhim iqtisodiy vazifa hamda strategiyaga aylantirildi. Bank tizimidagi ushbu muhim maqsadlar tijorat banklari kredit

siyosatini rivojlantirish orqali, asosan, ushbu siyosat bank tizimini rivojlantirish hamda barqarorlashtirish orqali amalga oshiriladi. Kredit – ishlab chiqarish va infratuzilmani rivojlantirish, tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlashda zarur manba hisoblanadi. Bo‘sh mablag‘larni jalb qilib, ularni kredit sifatida tadbirkor va investorlarga taqdim etadigan tijorat banklari iqtisodiy jarayonlarda muhim o‘rin tutadi.

Taniqli iqtisodchi olim O.I.Lavrushinning fikriga ko‘ra, tijorat banklarining kreditlash amaliyotini takomillashtirishda kreditlarning resurs ta‘minoti muhim o‘rin tutadi. Uning fikriga ko‘ra, tijorat banklari kreditlari uchun resurs ta‘minotining eng barqaror qismi bo‘lib, muddatli depozitlar va jamg‘arma omonatlari hisoblanadi va ular quyidagi muhim xususiyatlarga egadir⁷⁸:

– hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun foydalanilmaydi va ularga to‘lov hujjatlari yozilmaydi;

– muddatli va jamg‘arma depozit hisob raqamlaridagi mablag‘larning aylanish tezligi past;

– qat‘iy belgilangan foiz to‘lanadi, Markaziy bank zarur hollarda foiz stavkalarining yuqori chegarasini tartibga solishi mumkin;

– tijorat bankini depozitni olish to‘g‘risida oldindan ogohlantirish tartibi mavjud;

– nisbatan past majburiy zaxira stavkalari qo‘llaniladi.

Bu borada ko‘rilgan tizimli choralar natijasida oxirgi ikki yilda banklar tomonidan investitsiya loyihalarini kreditlash ko‘lami sezilarli darajada kengayib, kredit portfeli hajmi 3,2 barobar oshdi. Hududlarni rivojlantirish dasturlari doirasida 6 ming 400 ta loyiha uchun 27 trillion so‘mlik kredit ajratildi.⁷⁹ Ushbu ko‘rsatkichlar shuni anglatadiki, so‘nggi ikki yil ichida banklar tomonidan beriladigan kreditlar natijasida investitsiya loyihalari moliyalashtirilib, ushbu holat mamlakat uchun ham investitsiya kirishi jihatidan afzallik olib kelgan bo‘lsa, tijorat


⁷⁸ Банковское дело. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: Финансы и статистика, 2004. – С. 88-89.

⁷⁹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2019 yil 22 noyabr kuni bank tizimini isloh qilish va banklarning moliyaviy barqarorligini mustahkamlash, hududlar va tadbirkorlikni rivojlantirishda tijorat banklari rolini oshirish masalalariga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilishi

banklari uchun ham kredit portfeli hajmi oshishiga sabab bo`lgan. Bundan tashqari, hududlarni rivojlantirish dasturlari doirasida beriladigan kreditlar ham mamlakatimizning rivojlanishi orqada qolgan hududlarini har tomonlama zamonaviy holatda rivojlantirgan holda ushbu hududlardagi aholining turmush farovonligini oshirish bilan bir qatorda, ushbu hududlarda ish bilan ta'minlanmagan aholi qatlamining yirik bir qismini yangi ish o`rinlari bilan ta'minlamoqda.

Xususan, PQ- 4231 sonli Prezident Qarori bilan amalga oshirilgan “Har bir oila tadbirkor” dasturi orqali ham banklar tomonidan berilgan kreditlar natijasida aholining yangi tadbirkorlik turlari bilan band bo`lishiga, aholi daromadi oshishiga hamda yangi ish o`rinlari yaratilishiga erilishildi. Quyida “Har bir oila tadbirkor” dasturi bo`yicha Mikrocreditbankda 2019 yil davomida ajratilgan kreditlar va yaratilgan ish o`rinlari miqdorini diagramma orqali ko`ramiz (1-rasm)⁸⁰.

1-rasm



Quyidagi diagramma ma'lumotlaridan shuni ko`rishimiz mumkin-ki, 2019 yil 01 aprel holatiga 40730 mln. so`m kredit ajratilgan bo`lib, 2 166 ta yangi ish o`rinlari yaratildi. 6 oylik natijalarga ko`ra, ajratilgan kreditlar miqdori 9 barobarga oshirildi ya'ni 405846 mln. so`mni va yangi ish o`rinlari soni 23346 tani tashkil qilganini ko`rishimiz mumkin. Ushbu ko`rsatkich 2019 yil 01 oktabr holatiga ajratilgan kreditlar miqdori 35 foizga oshdi va 548491 mln. so`mni va yangi ish o`rinlari soni 29918 tani tashkil qildi.

So`nggi yillarda bank tizimini rivojlantirish bo`yicha turli qonun hujjatlari hamda qarorlar ham chiqazilmoqda. Ushbu hujjatlar ijrosining samarasi o`laroq amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida bank tizimida xizmatlar ko`rsatishning

⁸⁰ www.mikrocreditbank.uz sayti ma`lumoti asosida muallif ishlanmasi

bozor mexanizmlari joriy etilmoqda, ularning turlari kengaymoqda, tadbirkorlar va aholi uchun moliyaviy ochiqlik oshib bormoqda.

Shu bilan birgalikda, bank xizmatlari iste'molchilarining huquq va qonuniy manfaatlariga, ayniqsa, hududlarda rioya etish hamda moliyaviy ochiqlikni kengaytirish, shuningdek, xizmat ko'rsatish madaniyati va bank tizimiga bo'lgan ishonchni yanada oshirishda bir qancha muammo va kamchiliklarni ham kuzatishimiz mumkin.

Xususan:

– kreditlarni ajratish bo'yicha qaror qabul qilishda vakolatlar haddan tashqari markazlashganligi bosh banklar va ularning filiallari o'rtasidagi javobgarlikning aniq chegaralanishiga to'sqinlik qilmoqda;

– tijorat banklari tomonidan mikroqarzlar ajratilishi imkoniyatining mavjud emasligi mikroqarzlarni olish darajasini oshirishni ta'minlamayapti, mikrocredit tashkilotlari va lombardlarning xizmatlari bo'yicha yuqori foiz stavkalari aksariyat holatlarda iste'molchilarning moliyaviy jihatdan zo'riqishiga olib kelmoqda.

Yuqorida sanab o'tilgan ushbu muammolar tijorat banklari kredit tizimidagi, umuman olgan bank tizimidagi asosiy muammolardan hisoblanadi hamda ushbu muammolar hal qilinishi natijasida aholi farovonligi ta'minlanadi, jismoniy shaxs ham, yuridik shaxs ham kredit olish bo'yicha qulaylikka erishadi.

Ushbu muammolar hukumat qarorlari hamda Markaziy bankning qonunlari, nizomlari hamda yo'riqnomalari asosida hal etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli farmoni. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida//O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. – Toshkent, 2017. – № 6 (766).

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M. Mirziyoevning Parlamentga murojaatnomasi. www.gov.uz.

3. Банковское дело. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: КНОРУС, 2008. – 768с.

4. Rasm muallif tomonidan www.cbu.uz (Statistika) sayti ma'lumotlari asosida tuzilgan.

ВОЗМОЖНОСТИ ВЫЯВЛЕНИЯ КРЕДИТОРСКОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ КЛИЕНТОВ БАНКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация. Данная статья посвящена вопросам выявления кредиторской задолженности клиентов банка с использованием современных информационных технологий и программных продуктов.

В настоящее время эти вопросы являются актуальными, так как на первый план выдвигается роль дистанционного банковского обслуживания клиентов и за счет этого обеспечивается оперативность регулирования данной задолженности.

Ключевые слова: банковская система, дистанционное банковское обслуживание, автоматизация, банковские услуги, банковские технологии, проблема, задолженность, оперативность, программный продукт.

В банковской сфере применение автоматизированных информационных технологий оказывается максимально эффективно, так как распространяется на большинство банковских операций и управленческих функций. Банковская система состоит из большого количества взаимосвязанных элементов, представляющих, в свою очередь, сложные подсистемы.

Банковские информационные технологии включают информационные технологии управления банком и технологии оказания банковских услуг. Система управления банком включает в целом функции типичные для других управленческих систем (планирование, учет, анализ, контроль, организация, регулирование и другие).

В процессе банковской деятельности каждая финансово-кредитная организация сталкивается с необходимостью совершения различного рода операций, в итоге которых одни ресурсы преобразуются в другие. В итоге у

организации образуются определенные обязательства, успешное исполнение которых помогает успешно функционировать на конкурентном рынке. Но любая хозяйственная деятельность невозможна без затрат, необходимости покупки ресурсов для реализации деятельности. Без приобретения у сторонних предприятий материальных ценностей и вкладывания этих ценностей в свою деятельность, банк не может функционировать, следовательно, организация не может функционировать без расчетов за различные товары, услуги и работы.

Проблема учета задолженностей, которые образуются при расчете с поставщиками и подрядчиками, покупателями и заказчиками, является более чем актуальной, учет долговых обязательств и представляет собой важнейшую часть системы учета банка.

В периоды нестабильности экономики риски неоплаты или просроченной оплаты увеличиваются, что часто приводит к образованию дебиторской и кредиторской задолженностей. Частично эти задолженности могут присутствовать на предприятии и не наносить вреда общему финансовому состоянию, если они находятся в пределах допустимых значений.

Просроченная кредиторская задолженность и сомнительная дебиторская задолженность свидетельствуют о том, что произошли сбои в работе с клиентами, что требует немедленного принятия мер для предотвращения негативных последствий. Изменение уровня дебиторской и кредиторской задолженностей приводят также, к изменению финансового положения банка в лучшую или худшую сторону, что требует проведения продуманной политики в сфере управления задолженностями, с целью улучшения общего состояния банка.

Каждая из сторон, участвующая в хозяйственной операции, отражает расчеты с дебиторами (либо с кредиторами) в ее бухгалтерской и финансовой отчетности. При учете кредитов и займов во внимание также принимаются проценты, причитающиеся на конец отчетного периода. Те суммы, которые отражаются в бухгалтерской отчетности (по расчетам с бюджетом, расчетам с

банками) обязаны быть согласованы с соответствующими предприятиями и должны быть тождественны. Различные пени, неустойки и штрафы, которые были признаны должниками (или по которым получены решения суда о взыскании), должны относиться на финансовые результаты у коммерческой организации или увеличение доходов (либо уменьшение расходов) у некоммерческой организации и до их получения (уплаты) должны отражаться в бухгалтерском балансе получателя и плательщика соответственно по статьям дебиторов или кредиторов.

Банк может списать дебиторскую задолженность со своего баланса либо после того, как должник выплатит всю сумму, либо в тот момент, когда задолженность будет признана безнадежной. Долги можно признать нереальными к взысканию, если по закону обязательство дебитора прекращено из-за того, что его невозможно выполнить. Например, если компания – должник обанкротилась. Однако после того, как исковой срок прервался, считать его нужно заново. Время до перерыва в новый срок давности засчитывать не нужно.

Но существует определенное ограничение: срок исковой давности не может превышать десяти лет со дня нарушения права. Даже если срок по каким-то причинам прерывался. Стоит отметить, что срок исковой давности может прерываться, даже если контрагент частично погасил задолженность, но акт сверки подписывать отказывается. Законодательством не установлен перечень действий должника, которые дают основания для прерывания срока давности. Подытожив все вышеперечисленное, можно сказать, что срок исковой давности прервется, если должник:

- частично погасил долг;
- подписал акт сверки задолженности;
- написал заявление о зачете взаимных требований;
- попросил отсрочку;
- заплатил проценты за просрочку платежа;
- если были внесены изменения условия договора.

- следовать, что дебитор признал долг).

В том случае, если срок задолженности истек, нереальные для взыскания долги должны быть списаны по каждому отдельному обязательству, основываясь на той информации и данных, которые были получены в ходе проведенной инвентаризации, а также распоряжения, письменного обоснования и приказа руководителя предприятия, и должны относиться на счета средств резервов по сомнительным долгам или же на счета средств по финансовым результатам (речь идет о коммерческом предприятии). Однако отдельно должно быть обозначено, что это происходит, если в период, который предшествовал отчетному периоду, суммы таких не были зарезервированы.

Таким образом, вопросы управления кредиторской задолженностью предприятия крайне важны, основной задачей при этом является минимизация сроков ее погашения, а также сокращение слишком больших ее размеров. В связи с этим использование современных информационных технологий и программных продуктов в процессах управления кредиторской задолженностью позволяет упростить руководству предприятия решения ряда задач, связанных с вопросами сокращения сроков возврата кредиторской задолженности, уменьшение ее суммы, принятие соответствующих мер по недопущению роста величины просроченной кредиторской задолженности.

Кроме того, использование программных продуктов позволит организовать процесс управления кредиторской задолженностью банка более эффективно за счет осуществления сбалансированной кредитной политики, определить итоговый кредитный рейтинг кредитора. Помимо этого, появляется возможность определить кредитный лимит конкретного кредитора на основе общего лимита задолженности и на основе среднемесячных поступлений, определить коэффициент надежности данного кредитора, а также появляется возможность оперативного выявления кредиторской задолженности клиентов банка.

Список использованной литературы

1. Авдеева Е.С., Денисов В.Т., Ильичева М.Н. Проблемы конвергенции науки и производства // Креативная экономика. – 2018. – Том 7. – № 4. – с. 36-41.
2. Бодров О.А. Предметно-ориентированные экономические информационные системы: Учебник для вузов / О.А. Бодров. – М.: Гор. линия-Телеком, 2017. – 244 с.
3. Ермаков С., Сандалов И., Тысячникова Н., Юденков Ю. Интернет-технологии в банковском бизнесе. Перспективы и риски. М.:КноРус, 2016. – 320 с.

Старший научный сотрудник Научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы устойчивого развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете Хазраткулова Лола Нормуминовна

Льготное налогообложение как фактор смягчения негативного влияния пандемии COVID-19

Аннотация. Тезисы посвящены актуальной на сегодняшний день во всем мировом сообществе проблеме распространения пандемии COVID-19 и эффективности принимаемых в Республике Узбекистан и ряде зарубежных стран мер в сфере налогообложения, направленных на смягчение ее воздействия на предпринимательство и бизнес.

Ключевые слова: пандемия, антикризисные меры, налоговые каникулы, программы поддержки, бизнес и предпринимательство.

11 марта 2020 года Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) объявила о пандемии нового коронавируса SARS-CoV-2 и вызываемой им атипичной пневмонии COVID-19. Обычно под пандемией подразумевают болезнь, принявшую массовый, повальный характер, поражающую значительную часть всего населения.

На сегодняшний день в мире нет ни одного государства, которое не пострадало бы от коронавирусной пандемии. Правительства практически всех стран мира принимают меры против распространения этого вируса.

Правительством Республики Узбекистан разрабатываются и осуществляются программы поддержки экономики и населения. Были приняты Указы Президента Ш. Мирзиёева «О первоочередных мерах по смягчению негативного воздействия на отрасли экономики коронавирусной пандемии и глобальных кризисных явлений» [1] и «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии» [2]. В них предусмотрены общеэкономические мероприятия (создание антикризисного фонда, привлечение внешних заимствований, пересмотр параметров государственного бюджета и др.), мероприятия, направленные на поддержку бизнеса и экспорта, на социальную поддержку населения, на поддержку финансовой стабильности, а также меры по обеспечению продовольствием.

Среди важнейших экономических мер по поддержке бизнеса и предпринимательства следует выделить меры по предоставлению налоговых каникул в таких сферах, как туризм, транспорт, фармацевтика и легкая промышленность, продлению сроков возврата кредитов, внедрению порядка неприменения штрафов за просроченную внешнюю задолженность [1].

Определен широкий спектр налоговых льгот и каникул, рассчитанных на время противовирусных мероприятий (табл. 1).

Таблица 1.
Основные налоговые льготы на период пандемии в Узбекистане [1]

| № | Характеристика предоставляемой налоговой возможности |
|----|--|
| 1. | 1. Снижение до 50% БРВ минимальной суммы социального налога в месяц для ИП. 2. Снижение с 5% до 3% размеров отчисления предприятий оптовой торговли алкогольной продукцией. 3. Снижение на 25% размеров сборов за право осуществления розничной торговли алкогольной продукцией для предприятий общественного питания. (с 1.04. до 1.10.2020). |
| 2. | Приостановление начисления и уплаты туристского (гостиничного) сбора (с 1.04 до 1.07.2020) |
| 3. | Снижение на 50% ставки налога за пользование водными ресурсами по объемам, используемым для орошения сельскохозяйственных угодий (в 2020 г.) |
| 4. | Отсрочка предоставления декларации о совокупном доходе физ. лиц за 2019 г. (до 1.08.2020) |
| 5. | Отсрочка срока уплаты налога на имущество и земельного налога физических лиц (до 15.10.2020) и юридических лиц (на 6 месяцев) |
| 6. | Освобождение от налогообложения доходов физических лиц, получаемых в виде материальной выгоды от благотворительных организаций (с 1.04.2020) |

Кроме того, приостанавливаются применение штрафных санкций в отношении хозяйствующих субъектов за просроченную дебиторскую задолженность по внешнеторговым операциям, начисление пени по налогу на имущество, земельному налогу и налогу за пользование водными ресурсами хозяйствующим субъектам, а также проведение налогового аудита деятельности субъектов предпринимательства. Учитывая карантинные меры противодействия пандемии, внедряется дистанционное обслуживание налогоплательщиков для исполнения налоговых обязательств без посещения налоговых органов.

Вплоть до конца 2020 финансового года в Узбекистане введены нулевые ставки на 20 видов акцизных товаров при ввозе на территорию республики, среди них: мясо и пищевые субпродукты домашней птицы, рыба, молоко и молочные продукты, мука и мучные продукты, сахар, чай, овощи, мыло и другие продукты первой необходимости [2]. Это позволит смягчить негативное воздействие распространения коронавирусной инфекции и поддержать представителей бизнеса и предпринимательства в столь сложное для всех время.

Исследование зарубежного опыта сглаживания распространения нынешней пандемии позволило сделать вывод, что в настоящее время во многих странах принимаются масштабные меры по борьбе с коронавирусной инфекцией, которая привела к сокращению объемов производства продукции, увеличению уровня безработицы и сокращению доходов населения. Среди этих мер: финансирование мероприятий по борьбе с распространением коронавирусной инфекции, поддержка предпринимательства и занятости населения, расширение социальной поддержки населения и обеспечение устойчивого функционирования отраслей экономики.

В сфере налогов и налогообложения практически во всех странах мира компаниям, у которых имеются проблемы с ликвидностью, предоставлена отсрочка, уменьшены или обнулены авансовые платежи по налогу на прибыль,

подоходному налогу, НДС, налогу на заработную плату без уплаты штрафов и пени (табл. 2).

Таблица 2.

Важнейшие меры в сфере налогообложения в некоторых странах мира, направленные на смягчение пандемии COVID-19 [3]

| Государство | Характеристика осуществляемых мер |
|-----------------------------|---|
| Италия | <ol style="list-style-type: none"> 1. Отсрочка уплаты налогов и социальных взносов для малого и среднего бизнеса и самозанятых. 2. Продление сроков уплаты налогов для компаний в «красных зонах». 3. Предоставление отсрочки уплаты всех налогов и налоговых кредитов компаниям, пострадавшим от 25-процентного падения доходов. |
| Германия | <ol style="list-style-type: none"> 1. Сокращение авансовых налоговых платежей для компаний, непосредственно пострадавших от коронавируса. 2. Отмена принудительных мер и штрафов за несвоевременную оплату до конца 2020 г. 3. Ввод с 2020 г налога на солидарность - 5,5%-ая надбавка для лиц с высокими доходами (который планировался на 2021 г.). |
| Великобритания | Освобождение от налога на коммерческую недвижимость в течение 2021 финансового года любого бизнеса в сфере розничной торговли, отдыха или гостиничного бизнеса со стоимостью ниже 51 000 фунтов стерлингов (\$65 670). |
| Вьетнам | Снижение налогов и предоставление налоговых льгот компаниям на общую сумму около 30 трлн вон (\$1,3 млрд). |
| Испания | <ol style="list-style-type: none"> 1. Приостановление налоговых проверок и введение отсрочки уплаты налогов. 2. Одобрение налоговых льгот на 6 месяцев для малого и среднего бизнеса и самозанятых по налогу на доходы, корпоративному налогу и НДС. |
| Казахстан | Введение нулевого поправочного коэффициента к ставкам: налога на имущество юридических лиц и ИП по крупным торговым объектам, торгово-развлекательным центрам, кинозалам, театрам, выставкам и физкультурно-оздоровительным и спортивным сооружениям; земельного налога для производителей сельскохозяйственной продукции; индивидуального подоходного налога ИП. |
| Китай | <ol style="list-style-type: none"> 1. Освобождение от уплаты НДС мелких налогоплательщиков в провинции Хубэй и снижение ставок НДС с 3% до 1% для мелких налогоплательщиков в других районах с 1 марта по 31 мая 2020 г. 2. Освобождение от уплаты НДС медицинских услуг, услуг общественного питания и проживания, бытовых услуг, общественного транспорта, услуг экспресс-доставки. |
| Российская Федерация | Предоставление налоговых каникул компаниям, осуществляющим деятельность в области физической культуры и спорта, а также искусства, культуры и кинематографии |
| Южная Корея | <ol style="list-style-type: none"> 1. Принятие Правительством пакета налоговых мер для поддержки экономики на общую сумму 7 трлн вон (\$5,9 млрд). 2. Предоставление налогового кредита арендодателям в размере 50% при условии снижения размера арендной платы для пострадавших предприятий. 3. Снижение на 70% налогов на потребление при покупке автомобилей. 4. Предоставление льгот по НДС предприятиям с годовым оборотом менее 60 млн вон (около \$ 45 тыс.) |

В Российской Федерации 1 апреля 2020 г. был принят Федеральный закон, позволяющий Правительству менять (дополнять) налоговое законодательство в части регулирования вопросов, касающихся сглаживания неблагоприятных последствий для налогоплательщиков, вызванных угрозой эпидемии коронавируса и введением карантинных мер. Данным законом, в частности, предусматривается введение следующих мер:

1. приостановление, отмена или перенос на более поздний срок любых мероприятий налогового контроля;
2. продление сроков уплаты любых налогов (авансовых платежей по налогам), сборов, страховых взносов (налоговые каникулы);
3. продление установленных региональными и местными властями сроков уплаты авансовых платежей по транспортному налогу; налогу на имущество организаций; земельному налогу;
4. продление сроков представления в налоговые органы налоговых деклараций и бухгалтерской (финансовой) отчетности и др. [4]

Таким образом, эффективная поддержка населения, бизнеса и предпринимательства является важнейшей задачей государства в условиях эпидемии. Правительства всех государств, включая Республику Узбекистан, используя стимулирующую функцию налогов, проводят последовательную политику по всемерной поддержке граждан и субъектов хозяйствования в сложный период пандемии коронавируса, который оказывает сильнейшее негативное воздействие на национальные экономики и население всех без исключения стран мира. Кризис показал необходимость создания новых механизмов налогообложения, введения специальных налоговых льгот и каникул, в результате чего станет возможным решение проблем по преодолению и смягчению последствий пандемии.

Список использованной литературы

- Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5969 от 19.03.2020 г. «О первоочередных мерах по смягчению негативного воздействия на отрасли

экономики коронавирусной пандемии и глобальных кризисных явлений».
<https://www.norma.uz/>.

- Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5978 от 03.04.2020 «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии».
<https://lex.uz/>.

- Информационно-аналитический сайт <https://officelife.media/>.

- Федеральный закон № 102-ФЗ от 01.04.2020 «О внесении изменений в части первую и вторую Налогового кодекса Российской Федерации и отдельные законодательные акты Российской Федерации». <https://its.1c.ru/>.

**БМА тингловчиси,
Қурбонов Хусан**

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ: ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИ

***Аннотация.** Ҳаммамизга маълумки ҳозир бутун дунёда, шу қатори республикада ҳам карантин эълон қилинган. Натижада кўпчилик корхоналар, айниқса, хизмат кўрсатувчи корхоналар ўз фаолиятларини тўхтатга. Таклиф ҳам талаб ҳам кескин пасаймоқди. Айнан шу сифат билан ҳозирги ҳолат бошқа иқтисодий инқирозлардан фарқ қилади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, аксарият иқтисодий инқирозларда талаб ёки таклиф ортиб кетади.*

***Калит сўзлар:** иқтисодий инқироз, тижорат банклари, пандемия, чекловлар, имтиёзлар*

COVID-19 пандемияси таъсирини камайтириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 19 мартда 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи

навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли фармон⁸¹ имзоланди. Ушбу фармонда тижорат банкларига куйидаги вазифалар белгиланди:

- Туристтик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн сўмлик қарздорликларни тўлаш бўйича кечиктиришни (жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда) 2020 йил 1 октябрга қадар узайтириш;

- Хусусий тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилган айланма маблағларни тўлдириш учун, шу жумладан истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдириш учун қайта тикланадиган револьвер кредитлар ажратиш;

- 2020 йил 1 июнга қадар кредит портфелини стресс-тестдан ўтказиш, шунингдек, муаммоли кредитларнинг ортиш хавфи мавжуд бўлган банкларда активлар сифатини баҳолаб бориш натижаларини тақдим этиш.

Бундан сўнг яна давлатимиз Президенти томонидан 2020 йил 3 апрелда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли фармон⁸² қабул қилинди. Ушбу фармонда тижорат банкларига тегишли куйидаги вазифалар кўрсатилди:

- Тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловларга 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктириш тақдим этиш;

- Амалга киритилган карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатган қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига гаров таъминоти бўйича жарима санкциялари ва ундирув чоралари қўлламастик;

⁸¹ <https://lex.uz/ru/docs/4770761>

⁸² <https://lex.uz/docs/4780475>

-Тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича ҳисобланган ва кечиктирилган фоизлар суммаси кечиктириш тақдим этилган даврда фойда солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди.

Хўш, пандемия шароитида иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ўрни қандай бўлади? Ушбу инқироздан чиқишда тижорат банклари пасайиб кетган талабни ҳам, таклифни ҳам кўтаришга ёрдам бера олишлари мумкин. Тижорат банклари каратин тугаши биланоқ фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига катта ҳажмда кредит маблағи ажратиши зарур. Негаки, барча тадбиркорлик субъектлари (хоҳ ишлаб чиқариш бўлсин, хоҳ хизмат кўрсатиш) фаолиятларини йўлга қўйишлари шарт. Бунинг натижасида биринчи навбатда таклиф вужудга келади, шу асосида иш ўринлари қайта тикланади ва аҳоли даромадлар олиб иқтисодиётда талаб ҳам ўсади. Бу эса иқтисодиётда яна пул айланиш циклини йўлга қўяди. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, тижорат банклари ресурсни шундай тармоқлар (биринчи навбатда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхоналар)га ажратиши лозимки, натижада иқтисодиётда пулнинг айланиш тезлиги юқори бўлсин. Бундан ташқари Президентимиз Ш.Мирзиёев жорий йилнинг 9 апрелида Коронавирус пандемияси шароитида банк тизимининг барқарор ишлашини ҳамда иқтисодиётга молиявий кўмакчи бўлишини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Шу йиғилишда тижорат банклари корхоналарга иш ҳақи тўлаш учун кредитлар ажратиш тўғрисида сўз борди. Бу эса айнан иқтисодиётда талабни оширишга ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга олиб келади. Булардан ташқари тижорат банклари томонидан ажратилаётган истеъмол кредитлари, микроқарзлар (онлайн кредитлар), автокредитлар ҳам талабни кўтаришга туртки бўлади.

Шу ўринда савол туғилади, тижорат банклари бундай қийин пайтда шундай катта ҳажмда молиявий ресурсларни қаердан олади? Ҳозирги шароитда тижорат банклари молиявий ресурсларни жалб қилишнинг муҳим воситаларидан бири қимматли қоғозларни чиқариш ҳисобланади. Ушбу қимматли қоғозларни корхоналар ва аҳоли ўртасида жойлаштириш лозим.

Қимматли қоғозларни халқаро молия бозорларга жойлаштириш чораларини ҳам кўриш лозим, аммо буни ҳозир бутун дунё мамлакатларига молиявий ресурсларга эҳтиёж катта бўлган шароитда амалга ошириш қийин кечади.

Шунингдек, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга кредит беришлари учун тижорат банкларига Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан субординар қарз бериш керак. Тижорат банклари ушбу ресурсларни тадбиркорларга мақсадли бериши ва бериладиган кредитларнинг фоиз ставкаси субординар қарз фоиз ставкаси ва банк маржасидан ташкил топади. Аммо ушбу фоиз ставкаси қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлмаслиги лозим.

COVID-19 пандемияси рақамли иқтисодиёт, айниқса, масофадан онлайн молиявий хизматлар кўрсатишни ривожлантиришни тақоза қилмода, ушбу жараёни тезлатирмоқда. Ушбу ҳолати Президентимиз жорий йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлаганларининг муҳимлигини кўрсатди. Шунинг учун тижорат банклари ҳозирги инқироз пайтда масофавий хизматлар ҳажмини кескин оширишлари лозим. Бу ерда тижорат банклари мобил иловалари ва платформалари оддий, ҳар қандай одам тез тушунадиган ва фойдалана оладиган бўлиши керак.

Ҳозир тадбиркорлар кредит маблағларини бирор марта ҳам тижорат банкга келмасдан туриб, масофадан туриб олишларини амалга ошириш имконияти мавжуд. Чунки илгари мижоз гаров шартномасини расмийлаштириш учун ҳеч бўлмагандан бир марта нотариал идорага ташриф буюрган. Ҳозирда барча тижорат банклари гаров шартномасини мижоз билан ўзаро расмийлаштириб, гаров реестри орқали тақиқ қўйиляпти. Эндиликда мижозлар электрон имзо орқали масофадан банк билан кредит ва гаров шартномаларини расмийлаштириб, кредит маблағларини олишларини ташкил этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг 19.03.2020 йилдаги “Коронавирус Пандемияси ва Глобал Инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига

салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5969-сонли ФАРМОНИ.

2. Президент Ш.Мирзиёевнинг 19.03.2020 йилдаги “Коронавирус Пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5978-сонли Фармон

3. «Банклар ва банк фаолияти тугрисида» (янги тахрири) Уз.Рес. 05.11.2019 йилдаги 580-сонли Қонуни.

4. «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қуйиладиган талаблар тугрисида» (янги тахрири) 02.03.2000 йилдаги 905-сонли Низом.

5. <https://lex.uz/ru/docs/4770761>

5. library.ziyonet.uz > book

6. t.me/iqtisodchi_kundaligi

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академиясининг таянч докторанти,
Ибодуллаева Маърифат Тўлқин қизи**

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА БАНКЛАРНИНГ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу илмий тезисда коронавирус пандемияси шароитида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг валюта операцияларини ўтказиш амалиётида юзага келган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, банкларнинг спот ва форвард операциялари ҳажмини оширишнинг зарурлиги асосланган.

Калит сўзлар: валюта, валюта операцияси, валюта курси, очиқ валюта позицияси, спот, форвард.

Халқаро миқёсда кенг тарқалиб кетган коронавирус пандемияси дунё мамлакатлари иқтисодиётига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага

келтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги №ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида эътироф этилганидек, “жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилмоқда. Бу эса энг йирик иқтисодийга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида ҳам ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди” [1].


Биз қуйида коронавирус пандемиясининг тижорат банкларининг валюта операцияларига нисбатан салбий таъсирини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикасида коронавируснинг тижорат банкларининг валюта операцияларига нисбатан салбий таъсири, фикримизча, қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

1. Миллий валютанинг номинал алмашув курсининг волатиллик даражасининг юқори эканлиги тижорат банкларининг очиқ валюта позицияларининг ҳолатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Миллий валютанинг номинал алмашув курсининг волатиллик даражасининг юқори эканлиги унга нисбатан жисмоний ва юридик шахслар томонидан ишончсизликнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Натижада, жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валюталарни сотиб олиш миқдорлари ортмоқда, юридик шахслар томонидан хорижий валюталарни сотиш миқдорлари эса, камаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотига кўра, жисмоний шахслар томонидан 2020 йилнинг март ойи мобайнида АҚШ долларини ўртача кунлик сотиб олиш миқдори 13,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2020 йилнинг 13 апрель куни ушбу кўрсаткич 22,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Айни

пайтда 2020 йилнинг март ойида юридик шахслар томонидан кунлик ўртача валюта сотиш бўйича таклиф 21,7 млн. долларни ташкил этган бўлса, таклиф ҳажми 10 апрелдан қарийб 40 фоизга пасайди [2].



1-расм. Миллий валюта – сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, сўм [1]

1-расм маълумотларидан кўринадики, миллий валютамыз – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курсининг волатиллиги сезиларли даражада юқоридир.

2. Тижорат банклари томонидан хорижий валюталарда берилган кредитларнинг муддатини 1 апрелдан бошлаб 6 ой муддатга узайтирилганлиги уларнинг валютавий ликвидлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, уларнинг валюта операциялари ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади.

Фикримизча, коронавирус пандемияси шароитида тижорат банкларининг валюта операцияларини ўтказиш амалиётига нисбатан юзага келган салбий таъсирга барҳам бериш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллик даражаси ва девальвацион кутилмалар юқори бўлган шароитда тижорат банкларининг

очик валюта позициялари ҳолатининг ёмонлашишига йўл қўймаслик мақсадида, биринчидан, тижорат банкларининг спот ва форвард операциялари ҳажмини ошириш орқали ҳар бир хорижий валютадаги қисқа ва узун валюта позициялари миқдорларини ошиб кетишига йўл қўймаслик керак; иккинчидан, тижорат банки ва Марказий банк ўртасидаги валютавий своп операцияларининг банкларнинг очик валюта позицияларини қисқартиришдаги аҳамиятини ошириш керак.

2. Тижорат банкларининг валютавий ликвидлигига нисбатан юзага келган салбий таъсирни юмшатиш учун тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларини, пандемия оқибатлари тўлиқ баратараф этилгунга қадар, Марказий банкнинг мажбурий захира талабномаларидан озод қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги №ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 06/20/589689/0341-сон.

2. Маъруза ва нашрлар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг Марказий банк асосий ставкаси ва валюта бозоридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маърузаси. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

3. Валюта курслари. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банкларининг фаолияти билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Шунингдек жаҳонда тарқалган Covid-19 пандемияси орқали юзага келаятган глобал инқироз ҳолатларидан банк-молия соҳасида ҳимоя тизимини шакллантириш йўллари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: глобал инқироз, коронавирус пандемияси, молия бозори, “New Privat”, банк активлари, банк пасивлари.

Бугунги кунда глобал муаммолардан бири Covid-19 пандемияси бўлиб, у орқали юзага келган салбий таъсир барча соҳаларда намоён бўлмоқда.

Барча мамлакатлар сингари мамлакатимизда ҳам бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб бу бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги шунингдек, 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармонлари мамлакат иқтисодий барқарорлигини сақлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар мисол бўла олади. Глобал инқироз ҳолатларини иқтисодий тармоқларига салбий таъсирга мамлакатимизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг иш фаолиятини доимийлигини ўзгариши, аҳолининг аксарият қисми кунлик меҳнат билан шуғулланиши орқали ишсиз қолиши, кўпгина тармоқларда хориждан келадиган ресурслар асосида товарларни ишлаб чиқариши ҳам

айрим корхоналар фаолиятини тўхташига олиб келди.

Бу ҳолат Covid-19 пандемияси етиб борган барча мамлакатларнинг молия бозорига яъни кредит, инвестиция, суғурта, валюта ва фонд бозорларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бу бўйича “Moody's Investors Service” халқаро рейтинг агентлиги Осиё, Тинч океани минтақасининг 12 та банк тизимига, шу жумладан Австралия, Хитой, Янги Зеландия ва Сингапурга коронавирус инқироzi ва иқтисодий таназзул салбий таъсир кўрсатди.

“Moody's Investors Service” халқаро рейтинг агентлиги Хинд банк тизимининг прогнозини “барқарор” дан “салбий” га ўзгартирди. Рейтинг агентлиги пасайишнинг сабаби сифатида Covid-19 авж олгани иқтисодий фаолиятнинг зарарига ишора қилди ва ушбу узилишлар мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтирди[1].

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Standard&Poor's» халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон тижорат банкларига халқаро рейтинг тақдим этилиши ва қайта тасдиқланиши масалаларига бағишланган навбатдаги конференция ташкил этилди. Экспертлар банк тизимининг Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида тутган ўрнига баҳо бердилар ва банкларнинг иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаши кенгайиши орқали ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлаётганини таъкидладилар.

МДҲга аъзо айрим мамлакатлар рейтингининг ёмонлашуви фонида Ўзбекистон банк тизимининг иқтисодий рискка таъсирчанлиги “барқарор” деб баҳоланмоқда[2].

Бунинг асосий омили сифатида банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва Марказий банкнинг самарали банк назоратининг олиб бориши, жумладан, активлар сифати, кредит портфелини диверсификация қилиш, капиталнинг етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичлари устидан доимий мониторинг ўрнатилиши мамлакат тижорат банкларининг барқарор фаолият юритишига етарлича шарт-шароит яратилганлигидан деб изоҳланди.

Албатта бугунги Коронавирус панемияси ва глобал инқироз ҳолатида айнан урғуни банк тизимига қаратилиши юзага келиши кутилаётган иқтисодий муаммоларни баргараф этиш имконини беради.

Бутун дунё банклари ўз мижозлари, ишчилари ва умуман иқтисодиёт учун тизимли қувват сифатида муҳим роль ўйнайди. Нақд пул ва омонат хизматлари, кредитни узайтириш, тўловларни осонлаштириш ва бозорни яратиш-бу барча зарурий хизматлардир. Шу сабабли, банклар ўзлари киритган чоралар барқарор эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак ва ўз вақтда одамларнинг энг яхши натижаларини олишлари учун мўлжалланган ва шу даврда уларнинг ақлий ва молиявий фаровонлигини сақлаб қолиш керак. Бундан ташқариши, дарҳол таъсир кўрсатиши мумкин бўлган йўналиш ва пудратичилар учун алоҳида эътибор талаб қилинади [3].

Мамлакатимиздаги мавжуд тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилишда уларни турли тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилганлигини ва мавжуд жараёнда уларни янада такомиллаштириш мақсад қилиб белгиланди. “Асака” акциядорлик тижорат банки узумчиликни ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга қайта молиялаштириш ставкасида кредит бериш режалаштирган. “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки балиқчиликни, акциядорлик тижорат “Алоқабанк” эса асаричиликни ривожлантириш ва маҳсулот экспортини ошириш билан шуғулланмоқда. “Агробанк” акциядорлик тижорат банки пахта-ғалла етиштурувчи фермер хўжаликларни самарали фаолият юритишига хизмат кўрсатмоқда. “Ипак Йўли” акциядорлик инновация тижорат банки ойлик маошлар учун револьвер кредитларни беришни йўлга қўйган шу билан бирга масофавий хизмат турларининг фоизларни камайтиришни режалаштирган.

Юқоридаги тижорат банкларининг фаолияти мамлакат ЯИМ ўсишини иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Бироқ банк тизимида ҳали ўз ечимини топмаган ва бугунги иқтисодий ўзгаришлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган қатор муаммолар мавжуд бўлиб улар қуйдагилар:

- банк активлари ва пассивларининг диверсификация даражасининг пастлиги;
- имтиёзли кредитлар орқали муаммоли кредитлар салмоғини ўсиши;
- банк активлари таркибида соф инвестициялар ва олди-сотди амалиётлари бўйича маблағлар яъни қимматли қоғозлар билан операциялар улушини пастлиги;
- пассивлар таркибида эса талаб қилиб олингунча депозитлар салмоғининг юқори эканлиги;
- янги инновацион хизмат турларини жорий этилмаганлиги;
- банк ходимларининг малака ва кўникмаларини ошириш механизмини йўлга қўйилмаганлиги;
- банк актив ва пассив операцияларни инновацион бошқариш методологиясини мавжуд эмаслиги.

Юқоридаги муаммолар йиллар давомида банк тизимида мавжуд ва бугунги иқтисодий жараёнларда янада чуқурлашиш эҳтимоли юқори бўлган омиллар. Ушбу муаммолар банкнинг ликвидлилик, барқарорлик ва даромадлилик даражасига салбий таъсир кўрсатиб, миқдорларини банк тизимига бўлган ишончини камайтиради.

“Ликвидлик – банк мажбуриятларини керакли вақтда, яъни талаб этилган пайтда бажара олиш қобилияти ҳисобланади. Тўловга қобилиятлилик эса банк мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидир” [4].

“Банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолиятини, ўз функцияларини тўлақонли бажара олишларини таъминлаш имконини берадиган даражадаги барқарор ҳолатидир” [5].

Банклар ишончилиги деганда уларнинг ўз миқдорлари олдидаги мажбуриятини, яъни биринчи талаб биланоқ амалга ошириш лаёқатига эга бўлган фаолиятини тушунамиз. Ишончилиikka эришиш учун эса банклар ликвидлик ва тўлов қобилиятига эга бўлиши, барқарорлик лозим [6].

Тижорат банклари бугунги глобал муаммо Covid-19 пандемиясини банк тизимига у орқали мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини олдини олиш

учун куйдаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

-мижозлар олдидаги мажбуриятни биринчи талаб биланоқ бажариши лозим. Бунинг учун банкларнинг жалб қилинган ресурсларини салмоғини ошириш йўллари ишлаб чиқиш керак. Банк мижозларини қониқтирувчи яъни инфляция кўрсаткичларига мутоносиб фоизларни белгилаш мақсадга мувофиқдир;

-хар бир юридик ва жисмоний шахсга алоҳида ёндошган ҳолда уларга йўналишларига асосланиб хизматлар пакетини шакллантириш яъни хорижий мамлакатларда мавжуд банклар фаолиятини мамлақтимиз банк тизимига мослаштирган ҳолда “New Privat” хизматини жорий этиш лозим. Хизматлар пакетини икки турга бўлган ҳолда “Соф иқтисодий” яъни инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилади. Бунда банк мижози молиявий маблағ билан инвестор сифатида қатнашади банк ходими эса инвестиция лойиҳаларини топиб буюртмачига молиявий маблағларни йўналтирувчи воситачи сифатида иштирок этади.

Иккинчи тури “Ижтимоий-иқтисодий” бўлиб, бунда банк мижозларга турли ҳил йўналишларда хизматлар пакетини тақдим этади. Хизматлар пакети бугунги кунда иш билан банд бўлган мижозларимизга кенг имкониятлар яратади. Бу хизмат турларини жорий этиш орқали банк ходимларини инновацион бошқариш тизимида ишлашга ҳаракат қиладилар шунингдек банк мижозлари билан самарали ҳамкорлик қилиш имкони яратилади.

- муаммоли кредитларни олдини олишда қайта молиялаштириш ставкасида мижозларга берилаётган имтиёзли кредит йўналишларида кредит беришдан олдинги жараённи мукамаллаштириш лозим. Яъни банк мижозини лаёқати, қобилиятини аниқлаш шунингдек маҳаллалар қошида қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилиб малака кўникмаларини шакллантириш лозим. Шунингдек мижозларга кредит тўлаш маданиятини ҳам ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

-молиявий бозорни таҳлил қилган ҳолда банк бўлимларининг мақсадли мўлжални аниқлаш ва ресурсларни тақсимлаш;

-маблағлар ҳаракати ҳақида маълумотни тўплаш ва таҳлил қилиш;

-маблағлар ҳаракати бўйича олдиндан режа тузиш;

-молиявий ресурсларни жалб этиш бўйича режали вазифаларни шакллантириш;

-активлар ва пассивларни оптимал тузилишини аниқлаш;

-банк портфелининг параметрларини ҳисоб-китобини амалга ошириш;

-ташқи ва ички омилларни аниқлаш ва уларни пул оқими ҳаракатига таъсирини баҳолаш.

1-расм. Актив ва пассивларни бошқариш қўмитасининг ҳаракат дастури[7]

-банкнинг асосий ўзаги бўлган актив ва пассивларни бошқариш қўмитасининг фаолиятини ҳам такомиллаштирилса ўз-ўзидан юқоридаги катор муаммоларга ечим топилади. Ушбу 1-расмда келтирилган “Актив ва пассивларни бошқариш қўмитасининг ҳаракат дастури”дан фойдаланиш орқали бугунги кундаги банкларимиз дуч келаётган баъзи муаммоларга ечим бўлиши ва хатарларини олдини олиш имконини беради.

-хорижий мамлакатларда банк ходими иш жойидаги муаммоларни яхши билиши ва у муаммоларга энг яхши ечимни ходимни ўз бериши мумкинлиги қайд этилган. Бундан келиб чиқиб мамлакатимиздаги фаолият юритаётган банк ходимлари ўз устиларида ишлашлари, янги инновацион хизмат турларини жорий этиб уни бошқа тижорат банкларига сотиш имкониятини яратишлари лозим. Шундагини банк тизимида иқтисодий ўсиш кузатилади ва ривожланади.

Тижорат банклари ресурсларидан унумли фойдаланишлари орқали иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари самарали фаолият юритади, ишлаб чиқариш ривожланиши асосида экспорт хажми ошиб валюта оқими кўпаяди,

ЯИМ ошади, аҳоли бандлиги таъминланади бу эса мамлакат солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаш имконини беради. Иқтисодиёт занжирсимон кетма-кетликдан иборат экан банк тизими унинг асосий негизи ҳисобланади. Уни инновацион бошқариш орқали кутилган натижага эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://www.entrepreneur.com/article>
2. <http://www.deponet.uz>
3. Kevin Buehler, Olivia Conjeaud, Vito Giudici, Hamid Samandari, Lorenzo Serino, Marco Vettori, Laura Webanck, and Olivia White. Leadership in the time of coronavirus: COVID-19 response and implications for banks. March 2020.
4. Никитина Т.В. Банковский менеджмент. – СПб.: Питер. – 2002. – 76 с.
5. Саттаров О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. барқарорлигини таъминлаш: назарий ва амалий жиҳатлар. Монография. – Т.: Turon zamin ziyo, 2016. – 27-бет.
6. Саттаров О.Б. Банклар ва банк тизими барқарорлигини таъминлаш. Назарий ва амалий жиҳатлар. <https://finance.uz>. 2018 й.
7. Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Toshkent moliya instituti talabasi
Toshpo'latova Shahrizoda Shuxrat qizi
tshsh241@gmail.com

KORONAVIRUS PANDEMIYASINING MAMLAKATIMIZ BANK- MOLIYA TIZIMIGA SALBIY TA'SIRI VA UNI YUMSHATISH YO'LLARI

***Annotatsiya.** Ushbu tezisda COVID 19 pandemiyasining dunyo mamlakatlari bank-moliya tizimiga ko'rsatayotgan salbiy ta'siri va uni yumshatish uchun davlatlar, hukumat tomonidan qanday chora-tadbirlar amalga oshirilayotganligi va oshirilishi zarurligi kabi bir qancha amaliy asoslar va fikrlar yoritib berilgan.*

***Kalit so'zlar:** bank-moliya tizimi, covid 19, Markaziy Bank, foiz stavkalari, iqtisodiy inqiroz, online bank xizmatlari.*

Bugun dunyo global moliyaviy inqiroz davrida guvoh bo'lganidan ham jiddiyroq iqtisodiy inqiroz bilan yuzlashmoqda. Koronavirus pandemiyasi dunyo mamlakatlari iqtisodiyoti uchun katta zarba bo'ldi. Deyarli bir hafta ichida ko'plab ishchilar ish joylaridan va ish haqidan mahrum bo'lishdi. Restoran, mehmonxonalar va samolyotlar barchasi bo'shab qoldi. Endilikda iste'molchilar va korxonalar o'z daromadlarida keskin yo'qotishlariga duch kelmoqdalar va bankrotlik holatlari keng tarqalmoqda. Bank tizimiga bosim kuchaymoqda va qarzlarni bo'yicha ko'proq defolt risklari kuchayishi kutilmoqda. Ko'plab mamlakatlar 2008-yildagi inqirozga o'xshash moliya sektori uchun katta zarbalarni kutmoqdalar.

O'zbekiston 2020 yil 15 aprel holatiga ko'ra 1,214 ta COVID-19 (4 o'lim) holatini qayd etmoqda. Mamlakatimiz iqtisodiyoti tovarlar narxining pasayishi, savdo sheriklarining talabining pasayishi ya'ni eksport salomog'ining tushishi va O'zbekiston fuqarolarining chet elga pul o'tkazmalarining zaiflashishi kabi bir qator muammolarga duch kelmoqda. Hukumat virus tarqalishining oldini olish uchun keng qamrovli chora-tadbirlarni amalga oshirmoqda, jumladan: sayohatni cheklash (xalqaro reyslar, ichki jamoat transporti va transport vositalarida harakatlanish), chegaralarni yopish (savdo-sotiqdan tashqari), maktablar va universitetlar yopilishi, oziq-ovqat do'konlaridan va dorixonalardan tashqari barcha savdo shaxobchalari faoliyati ham vaqtincha to'xtatildi. Jamoat tadbirlari va diniy yig'inlar bekor qilindi. Davlat xizmatchilardan telefon orqali ishlash yoki uyda qolishni so'ramoqda. 2020 yil 15 aprel holatidagi ko'ra quyidagi asosiy siyosiy choralar ko'rilmogda: [1]

1. Fiskal chora va tadbirlar


- sog'liqni saqlashni moliyalashtirishni kengaytirish, shu jumladan dori-darmonlar, karantin xarajatlari va tibbiyot xodimlarining ish haqi miqdorini oshirish;
- ijtimoiy nafaqa oladigan kam ta'minlangan oilalar sonini ko'paytirish;
- foiz stavkalari orqali zarar ko'rgan korxonalariga yordam berish;
- infratuzilmani yaxshilash va bandlikni qo'llab-quvvatlash uchun turli mintaqalarda jamoat ishlarini moliyalashtirish. Hukumat shuningdek, yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun ijtimoiy badallarni vaqtincha kamaytirish, turizm, moliya va yer solig'i bo'yicha qo'shimcha to'lovlarni kechiktirish, soliq

tekshiruvlariga moratoriyni uzaytirish va 2019 yil daromad solig'i deklaratsiyasini kechiktirishni (avgustgacha) e'lon qildi. Markaziy hukumat mahalliy hokimiyatlardan soliqlarni 30 foizga kamaytirishni so'radi va mol-mulk solig'ini to'lashda 6 oylik imtiyozli muddat berilishini aytdi.

2. Monetar va Makro-Moliyaviy choralar

Markaziy bank tijorat banklariga COVID-19 ta'sir ko'rsatgan tarmoqlardagi firmalar uchun kredit to'lovlarini kechiktirishni taklif qildi. Shunday qilib, davlat banklari zarar ko'rgan sektorlar, shu jumladan milliy aviatashuvchilar uchun kreditlarni to'lash muddatini uzaytirmoqda. Markaziy bank moliyaviy holatni kuzatib bormoqda, biroq banklar kapitali likvidligiga qo'yiladigan talablarni o'zgartirmadi. Bundan tashqari, 15 aprelda markaziy bank qayta moliyalash stavkasini 16 foizdan 15 foizga tushirdi.

Shunday og'ir bir vaziyatda “Xalqaro Valyuta Fondi” bank tizimining va banklar faoliyatiga bo'lgan talabni va ishonchni saqlab qolish uchun bir qancha tavsiyalar bermoqda. Ular quyidagilar: [2]



1-rasm. “Xalqaro Valyuta Fondi” tomonidan COVID 19 pandemiyasi davrida bank faoliyatida qanday ishlar amalga oshirilishi zarurligi haqida maslahatlar

1. Qonun va Qoidalarni o'zgartirmaslik.

Inqiroz davrida bank faoliyatida yangi qonunlarni joriy etish chalkashlikka olib kelishi tayin. Yangi joriy etilgan o'zgarishlarni barcha banklar ham masofadan turib amalga oshira olmaydilar. Shu sabali ham hozirda mavjud va qiyinchilik bilan bo'lsada amalga oshirilayotgan operatsiyalarga e'tiborlarini qaratganlari ma'qul.

2. Kreditlarni modifikatsiyalashni rag'batlantirish

Nazoratchilar qattiq, ammo vaqtincha zarbaga uchragan qarz oluvchilar va sektorlar uchun kredit portfelini qayta rejalashtirishda faol bo'lishlari uchun banklar bilan aniq aloqa qilishlari kerak. Shuningdek, ular banklarga kredit tavakkalchiligini boshqarishning moslashuvchanligini va ushbu holatlardagi buzilishlarning buxgalteriya hisobi standartlarini eslatib turishlari kerak. Buxgalteriya organlari auditorlarga iqtisodiyotning tiklanishini boshlashi bilan bunday o'zgartirishlarni qanday ko'rish kerakligini tushuntirishga yordam berishdi.

Banklar, investorlar, aktsiyadorlar va hatto soliq to'lovchilar yo'qotishlarga tayyor turishlar va ularni yashirmasliklari darkor. Shaffoflik barcha manfaatdor tomonlarga faqat foyda keltiradi.

3. Qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlarini tartibga solish va tushuntirish

Banklar va regulyatorlarning moliyaviy choralarni, shu jumladan qarz oluvchilarga to'g'ridan-to'g'ri qaratilgan chora-tadbirlar, kredit kafolatlari, to'lovlar ta'tillari, to'g'ridan-to'g'ri o'tkazmalar va subsidiyalar - Bazel kapitali doirasidagi mavjud qo'llanmadan tashqari qanday munosabatda bo'lishini oldindan aniqlashtirish umumiy shaffoflikka yordam beradi.

Nazoratchilar va banklar o'rtasidagi doimiy muloqotni rag'batlantirish, ayniqsa bu misli ko'rilmagan vaziyatda hamkasblar, mijozlar va nazoratchilar bilan doimiy tarzda masofaviy ishlash. Odatda, likvidlik va kreditorlarning pozitsiyalari kabi muhim sohalardagi hisobotga bo'lgan talablar inqiroz sharoitida kuchaytiriladi, ammo operatsion uzilishlar hisobga olinsa, moliyaviy hisobotni baholash uchun ahamiyatsiz ma'lumotlarning boshqa talablari qoldirilishi mantiqiy bo'lishi mumkin.

Bank ishi - bu global biznes. Hozirgi inqiroz oxir-oqibat o'tadi va oqibatlari tarqalishi uchun vaqt kerak bo'lishi mumkin, ammo xalqaro doiraning yaxlitligini saqlash global moliyaviy tizimning ishonchliligi va yaxlitligi uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega. Buni amalga oshirish uchun moliyaviy barqarorlik kengashi va bank nazorati bo'yicha Bazal qo'mitasi kabi xalqaro tashkilotlar kechayu kunduz ishlashi zarur.

Covid 19 pandemiyasi tufayli naqd pullardan kamroq foydalanish tavsiya etilmoqda. Shu munosabati bilan karantin davrida infeksiyaning tarqalib ketish ehtimolini kamaytirish maqsadida Respublika maxsus komissiyasi tavsiylalariga ko'ra: [3]

-pensiya to'lovlarini, dastlabki bosqichda, ya'ni joriy yilning may oyidan boshlab, Toshkent va Nukus shaharlari hamda viloyatlar markazlarida istiqomat qiluvchi pensionerlarga bank kartalari orqali to'lash;

- keyingi oylardan boshlab, ushbu chora-tadbirlar bosqichma-bosqich qolgan hududlarda davom ettirish ishlari amalga oshirilmoqda.

Yuqorida olib borilayotgan ishlardan tashqari ko'plab tijorat banklari mijozlarga mobil ilovalardan foydalanishni ya'ni online banking xizmatlarini taklif qilmoqdalar. Misol uchun "Ipak Yo'li Banki" fuqarolarga ilova orqali UzCard, Humo, Visa va UnionPay kabi bank plastic kartochkalariga buyurtma berish imkoniyatini taqdim etmoqda. [4] Buning uchun "Ipak Yo'li" bankining mijozi bo'lishingiz shart emas. Ilova orqali quyidagi ishlarni bajarishingiz kifoya:

✓ Ipak Yo'li Mobile ilovasida ro'yxatdan o'ting.

✓ Ilovaga istalgan bankning so'm kartasini biriktiring. (komissiya to'lovi uchun)

✓ «Buyurtma berish» tugmasini bosing.

✓ O'zingizga eng yaqin filialni ko'rsating.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Covid 19 pandemiyasi iqtisodiyotning barcha tarmoqlariga o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatmoqda. Birgina bank tizimini oladigan bo'lsak, ular 2008-yildagi global moliyaviy inqirozga qaraganda, covid 19

pandemiyasi sababli yuz berayotgan iqtisodiy inqirozga kuchliroq bo'lib kirib kelishdi. Lekin, bu ularni bu inqirozga butkul bardosh beraoladilar degani emas. Dunyo miqyosida barcha malakatlarning 2-chorak bo'yicha YaIMsi kundan-kunga pasayib bormoqda. Buning asosiy sababi esa ishlab chiqarishning pandemiya sababli kamayganligi va chegaralarning yopiqligi, eksportga bo'lgan talabning kamayganligidir. Hozirda banklar faoliyatining to'xtab qolmasligi uchun eng yaxshi yo'l bu-banklar tomonidan digital banking ya'ni raqamli bank tizimiga butun e'tiborni qaratish hisobalandi. Chunki, bu orqali bank operatsiyalari mijozlar bilan yuzma-yuz ko'rishmagan holda amalga oshiriladi va bu karantin davrida ayni muddaodir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. <https://www.imf.org/en/Topics/imf-and-covid19/Policy-Responses-to-COVID-19> Uzbekistan, COVID 19 pandemiyasi davrida davlatlarda olib borilayotgan siyosiy choralar.
2. <https://blogs.imf.org/2020/03/31/maintaining-banking-system-safety-amid-the-covid-19-crisis/> 1-rasm sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.
3. www.cbu.uz
4. <https://ipakyulibank.uz/news/2020-04-21-ilovada-kartalarga-buyurtma-berish---endi-yetkazib-berish-imkoniyati-bilan>

Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti
“Iqtisodiyot” fakulteti 2-bosqich
EK-77 guruhi talabasi
Umaraliyeva Feruzaxon Obidjon qizi
e-mail:feruz8503@gmail.com

KORONAVIRUS PANDEMIYASI TUFAYLI BANK TIZIMIDA VUJUDGA KELAYOTGAN MUAMMOLAR

Annotatsiya. Mazkur maqolada O'zbekistonda koronavirus pandemiyasi sababli vujudga kelishi mumkin bo'lgan iqtisodiy muammolar tahlil qilingan. Bundan tashqari maqolada muallif tomonidan respublikada holati tahlil qilinib, undagi muammolarga yechim sifatida takliflar ishlab chiqilgan.

***Kalit so'zlar:** pandemiya, bank, moliyaviy muammolar, eksport, import*

Barchamizga ma'lumki 2019-yilning dekabr oyida Xitoyning Uxan shahrida COVID-2019 koronavirusi epidemiyasi vujudga keldi. Ushbu epidemiyaning yuqumliligi, hayot uhcun xavfliligiva hattoki aksariyat holatlarda o'lim bilan yakunlanishi dunyo mamlakatlarining o'z ijtimoiy-iqtisodiy siyosatiga bo'lgan jiddiy ko'z bilan qarashlariga olib keldi. Chunki aynan shu koronavirus sababli barcha davlatlar iqtisodiyotida turli xil foizlar miqdorida pasayish yohud zarar ko'rilishi ma'lum edi.

Ayni vaqtda jahon moliyaviy bozorlarida bitimlarning kamayishi aniq. Aholi qatnovini kamaytirish maqsadida chegaralarning yopilishi oqibatida, ishlab chiqarish hamda iste'mol pasaymoqda. Avvalambor bu jahon savdosi sur'atlariga o'z ta'sirini ko'rsatmay qolmaydi.

Koronavirus pandemiyasi sababli davlatlarda karantin holatlari e'lon qilingan va uning natijasida bir qator salbiy oqibatlar mavjud. Bu faqatgina xitoyda emas balki barcha davlatlarning iqtisodiyotida kuzatiladi. Jumladan:

- ✓ Ishsizlik salmog'ining oshishi;
- ✓ Migrantlar sonining kamayishi;
- ✓ Turizm sohasining butkul orqaga ketishi;
- ✓ Bank tizimi omonatlar miqdorining kamayishi yohud pul aylanuvining sekinlashishi;
- ✓ Xususiy tadbirkorlikning sustlashuvi va boshqalarni misol keltirishimiz mumkin.

Koronavirus pandemiyasi keltirib chiqargan yuqoridagi bir nechta salbiy oqibatlar natijasida bizning yalpi ichki mahsulotimizga o'z ta'sirini ko'rsatadi. Ba'zi ishlab chiqarish korxonalarini to'htaydi, mayda ishlab chiqarish korxonalarini bankrotlik e'lon qilishi ham mumkin. Eng katta ziyonni esa mehmonxonalar ya'ni turizm sohasi ko'radi.

Koronavirus pandemiyasi oqibatida Markaziy bank tizimida bir qancha muammolar kelib chiqishi bilan bir qatorda uning zimmasidagi mas'uliyati ham ortdi. Bunga yaqqol misol qilib valyuta kursini keltirishimiz mumkin. Markaziy

bank valyuta kursini favqulotda holatlarda tartibga solish uchun faolroq intervensiyani amalga oshirishi kerak. Sababi, milliy valyutaning keskin qadrsizlanishi natijasida makroiqtisodiy barqarorlikka putur yetkazishi mumkin. O'zbekistonning valyuta bo'yicha pozitsiyasi yaxshi ekanligini, ya'ni oltinning narxi barqaror kutilyotganligi, eksport va import tushumlari mutanosib ravishda kamayishini hisobga olsak, Markaziy bank valyuta kursini o'zining fundamental bahosida sgakllanishi uchun faolroq intervensiyani amalga oshirishi maqsadga muvofiq bo'lsa kerak.

Koronavirus tarqalishi oqibatida, O'zbekiston chet ellik turistlardan ayrilishi aniq. Epidemiya natijasida deyarli barcha davlat hukumati mahalliy turoperatorlar va turagentlarga xorijga yo'llanma sotishni taqiqladi. Shuningdek, O'zbekiston chegaralari ham boshqa davlatlarga o'z chegaralarini yopmoqda. Turistlarning kamayishi mehmonxonalar, restoranlar, kafelar, gidlar, aviakompaniyalar, ichki yo'nalishlardagi transport kompaniyalari, hunarmandlarning daromadlariga salbiy ta'sir qilishi turgan gap. Bu esa o'z-o'zidan yalpi ichki mahsulotimizga salbiy ta'sirini yetkazishi mumkin.

Yuqoridagi turizm sohasidagi salbiy ta'sirlarni inobatga olgan holda Markaziy bank tizimi o'z takliflari bilan chiqdi. Buni biz O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 19-martdagi "Koronavirus pandemiyasi va global inqiroz holatlarining iqtisodiyot tarmoqlariga salbiy ta'sirini yumshatish bo'yicha birinchi navbatdagi chora- tadbirlar to'g'risida"gi PF-5969-sonli farmonida ham ko'rishimiz mumkin:

"O'zbekiston Respublikasining Markaziy bankining quyidagi takliflariga rozilik berilsin:

a) bank va to'lov tizimlarining uzluksiz va barqaror faoliyatini ta'minlash choralari quyidagilar orqali ko'rish:

- pul-kredit siyosati instrumentlaridan faol foydalanish hisobiga pul bozoriga har oyda umumiy summasi 1 trln so'mgacha likvidlik taqdim etish;

- bankomatlarning yetarli miqdordagi naqd pul mablag‘lari bilan uzluksiz ta‘minlanishi, shuningdek, masofaviy bank xizmatlarini rivojlantirishni rag‘batlantirish;

b) tijorat banklari tomonidan:

- turistik operatorlarga, mehmonxona biznesi sub‘yektlariga, transport-logistika kompaniyalariga va turizm tarmog‘ining boshqa korxonalariga, shuningdek, tashqi savdo operatsiyalariga joriy etilgan cheklovlar tufayli moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelgan xo‘jalik yurituvchi sub‘yektlarga ajratilgan kreditlar bo‘yicha umumiy summasi 5 trln so‘mlik qarzdorliklarni to‘lash bo‘yicha kechiktirishni (jarima sanksiyalarini hisoblamagan holda) 2020 yil 1 oktyabrga qadar uzaytirish;

- xususiy tadbirkorlik korxonalariga taqdim etilgan aylanma mablag‘larni to‘ldirish uchun, shu jumladan, iste‘mol bozorini eng zarur tovarlar bilan to‘ldirish uchun qayta tiklanadigan revolver kreditlar ajratish;

2020 yil 1 iyunga qadar kredit portfelini stress-testdan o‘tkazish, shuningdek, muammoli kreditlarning ortish xavfi mavjud bo‘lgan banklarda aktivlar sifatini baholab borish natijalarini taqdim etish⁸³”.

Koronavirus pandemiyasining pul- kredit tizimiga salbiy ta‘siri albattaki, Markaziy bank faoliyati bilan bog‘liq. Buning sababi pul-kredit tizimi Markaziy bank tomonidan tartibga solib turiladi va bu ham makroiqtisoiy barqarorlikka erishishning bir dastagi bo‘lib xizmat qiladi.

Pul-kredit siyosati deganda, to‘liq bandlik sharoitida yalpi milliy mahsulotni ishlab chiqarishga inflyatsiyaning ta‘srini kamaytirish yoki bartaraf etish maqsadida muomaladagi pul miqdorini o‘zgartirishga qaratilgan chora-tadbirlar tushuniladi⁸⁴.

Koronavirus pandemiyasi tufayli banlarga omantchilar omonatlarini qo‘yishni to‘htatadilar va buning hisobida majburiy zahira miqdori kamayadi hamda karantin tufayli kredit oluvchikar soni ham tubdan kamayadi bu albatta bank tizimidagi

⁸³ www.lex.uz O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari milliy bazasi.

⁸⁴ G‘.E.Zaxidov, M.T.Asqarova, Z.A.Djumayev, L.F.Amirov, H.A.Hakimov “Makroiqtisodiyot”-darslik 2019-yil 164-bet.

siklning buzilishiga olib keladi. Markaziy bankning tijorat banklari bilan muomalasi ham biroz sekinlashadi. Shu jumladan Markaziy bankka bir qancha topshiriqlar yuklanganini O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-59787-sonli farminida ko'ra olamiz:

“O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan:

-majburiy zaxiralar bo'yicha talablarni yengillashtirish hisobiga tijorat banklarini 2,6 trln so'm hajmidagi qo'shimcha likvidlik resurslari bilan ta'minlash;

-tijorat banklariga 3 yil muddatgacha 2 trln so'mgacha miqdorda likvidlik taqdim etishning maxsus mexanizmini joriy etish bo'yicha ko'rilayotgan choralar ma'qullansin.

Markaziy bankning quyidagilar to'g'risidagi axboroti ma'lumot uchun qabul qilinsin:

-O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 19-martdagi PF-5969-son Farmoni ijrosi doirasida yuridik shaxslarning kreditlari bo'yicha 7,9 trln so'm hajmdagi qarzdorligi kechiktirilgan;

-jismoniy shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan 2020-yilning navbatdagi 6 oyi mobaynida so'ndirilishi lozim bo'lgan kreditlar bo'yicha muddati uzaytiriladigan to'lovlar hajmi 4,7 trln so'mni tashkil etmoqda.

Markaziy bank quyidagilar uchun shart-sharoitlar yaratish va tartib-taomillarni soddalashtirish choralari ko'rsin:

-tijorat banklari tomonidan moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelgan yuridik va jismoniy shaxslar, yakka tartibdagi tadbirkorlarning kreditlari bo'yicha to'lovlarga 2020-yil 1-oktabrga qadar kechiktirish taqdim etish;

-amalga kiritilgan karantin rejimi faoliyatiga salbiy ta'sir ko'rsatgan qarzdorlarning muddati o'tib ketgan kreditlariga garov ta'minoti bo'yicha jarima sanksiyalari va undiruv choralari qo'llamaslik.

Belgilab qo‘yilsinki, tijorat banklari tomonidan kreditlar bo‘yicha hisoblangan va kechiktirilgan foizlar summasi kechiktirish taqdim etilgan davrda foyda solig‘ini hisoblashda jami daromad tarkibiga kiritilmaydi⁸⁵”.

Ushbu sharoitda bunday muammolari yechimi mening fikrimcha raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishdir. Sababi o‘ylab ko‘raylik bank tizimiga bemaolol online murojaat qilish mumkin bo‘lsa hamda barcha vazifalarni ushbu tiim bilan oshirish imkoni mavjud bo‘lsa bu albatta foydalanuvchi uchun juda ko‘p qulayliklar tug‘diradi. Bugungi aksariyat banklar bilan online ishlash tizimi mavjud bo‘lib unda ham barcha faoliyat turlarini qila olish imkoniyati yo‘q ayni sh tomonlarga e‘tibor qaratisa maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. www.lex.uz O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari milliy bazasi.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti PF-5969; PF-5978-sonli farmonlari.
3. G‘.E.Zaxidov, M.T.Asqarova, Z.A.Djumayev, L.F.Amirov, H.A.Hakimov “Makroiqtisodiyot”-darslik 2019-yil.

**ТДИУ, Магистратура бўлими, магистранти
Махмудов Фарух Сайфиддинович**

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада валюта операциялари, валюта муносабатлари, Ўзбекистонда амалга оширилаётган валюта ислохотлари, коронавирус пандемиясининг таъсири ва валюта муносабатларини тартибга солиш бўйича иқтисодчи олимлар ва муаллиф муносабатлари келтирилган.

⁸⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti PF-5978-sonli farmoni 03.04.2020

Калим сўзлар. Валюта курси, валюта муносабатлари, кичик бизнес, халқаро валюта муносабатлар, коронавирус пандемияси.

Жаҳонда ҳамон давом этаётган коронавирус пандемияси оқибатлари барча соҳаларни кенг қамраб олиши туфайли, дунё мамлакатларининг иқтисодиётини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Валюта курсининг кескин тебраниши шу давлатлардаги халқаро валюта муносабатлари – валютанинг жаҳон хўжалигидаги фаолиятидан келиб чиқувчи ва миллий хўжалиқдар фаолияти натижаларининг ўзаро алмашувига хизмат қилувчи ижтимоий муносабатлар мажмуасидаги камчиликлар билан боғлиқ масалалардир. Чунки валюта муносабатлари ҳар бир давлат учун унинг иқтисодиёти ривожига бевосита таъсир кўрсатадиган иқтисодий муносабатлар мажмуасининг бир бўлаги ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармонга асосан айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 31 декабрга қадар товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланди [1].

Кичик бизнес иқтисодиётнинг шундай секторидирки, у инвестиция муҳитида юз бераётган деярли барча ўзгаришларга мослашади. Кичик бизнес нуқтаи назаридан инвестиция муҳитининг жозибадорлик даражасини аниқлаш учун бутун мамлакат ва минтақалардаги иқтисодий вазиятни кўрсатувчи омиллар, иқтисодиётнинг бу тармоғига инвестициялар киритиш қонунлар ва инфратузилмалар билан қанчалик таъминланганлиги, минтақада бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, малакали ишчи кучининг мавжудлиги, шунингдек, мана шу ва бошқа омиллар билан боғлиқ хатарлар бор ёки йўқлиги ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-

тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан валюта бозорини янада либераллаштириш, резидент жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиши ва конверсион бўлимларда сотиб олинган валютани халқаро тўлов карталарига ўтказиш орқали сотиб олиниши ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиш имкониятлари яратилди [2].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонида «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасида соҳага оид қонуности ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, ҳаволаки нормаларни максимал даражада қисқартирган ҳолда валюта операцияларини амалга оширишга оид барча жиҳатларни тартибга солиш, халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида ва тадбиркорлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, валюта операцияларини тартибга солишни соддалаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз валюта маблағидан эркин фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш, валюта бозори фаолиятини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиши натижасида олинган маблағларини чет эл валютасига айирбошлаш амалиётини янада соддалаштириш назарда тутилади [3].

Валюта муносабатларини тартибга солиш принциплари, усуллари, поғоналари иқтисодий адабиётларда қатор иқтисодчи олимлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган. Масалан, Л.Н.Красавинанинг фикрича, валюта муносабатларини тартибга солиш уч поғонадан иборат [4]:

1. Валюта ресурсларига эга бўлган ва валюта операцияларида фаол иштирок этадиган хусусий корхоналар, миллий ва халқаро банклар

иштирокидаги валюта муносабатларини тартибга солиш;

2. Молия вазирлиги, Марказий банк, валютани тартибга солувчи бошқа давлат органлари томонидан амалга ошириладиган валюта муносабатларини тартибга солиш амалиёти;

3. Валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш амалиёти. Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашувда маълум даражада чалкашлик мавжуд. У шундан иборатки, хусусий корхоналар, тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширувчилардир. Уларда валюта муносабатларини тартибга солиш ва назорат қилиш функцияси мавжуд эмас. Ҳатто экспорт-импорт операцияларини ҳисобга олиш билан шуғулланаётган Ўзбекистон тижорат банкларида ҳам валюта муносабатларини тартибга солиш борасида ваколат ва функциялар мавжуд эмас.

Фикримизча, корхоналар ва банклар халқаро валюта муносабатларининг фаол иштирокчилари ҳисобланади ва шу сабабли, валюта муносабатларини тартибга солувчи давлат органлари учун назорат объекти ҳисобланади.

Корхоналар ва банклар иштирокида юзага келадиган валюта муносабатларининг ўзини алоҳида ажратиш ва унга халқаро валюта муносабатларини тартибга солишнинг алоҳида поғонаси мақомини бериш мақсадга мувофиқ эмас. Бизнинг фикримизча, ҳар бир мамлакатдаги халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш тизими икки поғонадан:

а) давлат валютани тартибга солиш органлари томонидан амалга ошириладиган халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиёти;

б) давлатлараро шартномалар асосида халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётидан иборат.

Ҳар иккала поғонадаги тартибга солиш амалиётида корхоналар ва банкларнинг валюта операциялари назорат қилинади. Масалан, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларни олайлик. Агар аккредитивлар воситасидаги тўловлар миллий валютада амалга оширилса, у ҳолда, тўловларни амалга оширилганлиги устидан назорат Марказий банк томонидан амалга оширилади. Агар аккредитивлар халқаро

ҳисоб-китобларда қўлланилса, у ҳолда, улар билан боғлиқ валюта муносабатларини тартибга солиш давлатлараро муносабатлар доирасида амал қиладиган халқаро қоидалар асосида тартибга солинади.

Бизнинг фикримизча, А.Г.Наговициннинг валюта муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштиришда молиявий барқарорликка эришишнинг зарурлиги хусусидаги хулосаси эътиборга лойиқ хулосадир. Бунинг исботи тариқасида миллий валютамиз – сўмнинг алмашув курси динамикасини келтириш мумкин. Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликка эришилганлиги, унинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган ташқи савдо балансининг барқарор актив қолдиғининг таъминланганлиги 2005–2006 йилларда сўм алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш имконини берди. Биз А.Г.Наговициннинг молиявий барқарорликни таъминлашнинг халқаро валюта муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштиришдаги аҳамияти хусусидаги илмий хулосасини бойитиш мақсадида қуйидаги таклифни ишлаб чиқдик: “Молиявий барқарорлик кўрсаткичларини аниқ белгилаш ва валюта муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда ана шу кўрсаткичлар тизимига асосланиш лозим” [5].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда валюта бозорини янада ривожланиши истиқболлари муддатли валюта бозорини тўлақонли шаклланишини тақозо этади ва у, ўз навбатида, муддатли валюта операциялари бўйича мавжуд ҳуқуқий чекловларни бекор қилиниши, биржадан ташқари валюта бозори фаолиятининг эркинлаштирилиши, ҳисоб-китоб ва клиринг фаолияти, шунингдек, рискни бошқариш тизимининг такомиллаштирилишини талаб этади. Айниқса, коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида валюта курсини барқарорлаштириш, карантин чекловлари туфайли фаолияти тўхтаб турган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ёки мавжуд кредит тўловлари учун кредит

таътиллари бериш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармони;

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони;

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони;

[4] Красавина Л.Н., (2002). Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. 2-е изд., перераб и доп. –М.: Финансы и статистика. - 608 с.

[5] Наговицын А.В., (2000). Валютная политика. –М.: Экзамен. -512 с.

**ТДИУ, II босқич магистранти,
Мухаммадиев Дилмурод Абдулхакимович**

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Жаҳон ҳамжамияти учун энг катта муаммога айланиб турган масалаларидан бири бу коронавирус пандемияси COVID-19 ҳисобланади. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ҳам ушбу пандемияни урушга қийслашмоқда. Жамғарма экспертларининг хулосасига кўра, бу “уруш” даври камида бир чоракдан икки чоракгача давом этишини прогноз қилишмоқда.

Калим сўзлар: банк, кредит тўловлари, мажбурий резервлар, ликвидлилик.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатлар коронавирус инқирозига қарши, ҳамда вируснинг тарқалишини чеклаш мақсадида ўқув даргоҳлари, кўнгилочар масканлар, спорт иншоотларини муддати номаълум карантин сабабли беркитишган. Муҳим бўлмаган корхона ва ташкилотлар фаолияти вақтинча тўхтатилиб, одамларнинг уйда қолишлари талаб этилмоқда. Бундай оғир шароитда аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик вакилларини қўллаб қувватлаш доирасида юртимизда солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати соҳаларида кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколатлари доирасида пул-кредит сиёсати ва молиявий тартибга солиш чоралари орқали COVID-19 таъсиридан азият чекаётган аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда тижорат банкларига ёрдам кўрсатмоқда.

Хусусан, тижорат банклари томонидан туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн. сўмлик қарздорликларни тўлашни (жарима санксияларини ҳисобламаган ҳолда) 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктиришга рухсат берилди. Бунинг сабаби, карантин шароитида инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритилиши ва айрим корхоналарнинг фаолиятини вақтинчалик тўхтатилиши тижорат банкларига босимни кучайтирмоқда ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари кредит тўловлари юзасидан муаммоларга дуч келишмоқда.

Бундай қийин шароитда ХВЖнинг берган тавсиялар Марказий банк томонидан ўз вақтида, мақсадли ва келишилган ҳолда амалга оширилаётган мазкур чора-тадбирлар мамлакатимизнинг коронавирус инқирозидан катта талофатларсиз чиқиб кетишида муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат

беради. Зеро, ХВЖ экспертлари марказий банклар инқироз даврида жиддий, аммо вақтинчалик зарбаларга учраган қарз олувчилар ва иқтисодий секторлар учун кредит портфеллари бўйича тўловларни қайта режалаштиришда фаол бўлишлари учун тижорат банклари билан аниқ ва тушунарли алоқа қилишлари кераклигини тавсия этишмоқда. Шунингдек, бундай оғир вазиятда регуляторнинг вазифаси банкларнинг капитал ва ликвидлик буферларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни кредитлаш фаолиятларини давом эттиришини таъминлаш бўлиши лозимлигини таъкидлашмоқда⁸⁶.

Шунингдек давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 9 апрель куни коронавирус пандемияси шароитида банк тизимининг барқарор ишлашини ҳамда иқтисодиётга молиявий кўмакчи бўлишини таъминлаш масалалари бўйича жорий йил 19 март ва 3 апрель кунлари қабул қилинган фармонларида бу борада кўплаб имтиёз ва преференциялар белгиланди⁸⁷. Хусусан, тадбиркорлар ва аҳолининг жами 19,5 триллион сўмлик кредит қарзларини тўлаш муддати 1 октябргача кечиктирилади. Бу албатта, карантин даврида катта кўмак сифатида қаралади. Бироқ, танганинг иккинчи томонини олиб қаралса молия-кредит муассаларига тушадиган маблағ камайишини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Жорий йилда Агробанк, Халқ банки, Микрокредитбанк орқали бандликни таъминлаш дастурларига 4 триллион сўм йўналтириш кўзда тутилган. Шунингдек, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси орқали Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига қўшимча 500 миллиард сўм ажратилди.

Шу ўтган бир ҳафтада 24 та банк ташаббус кўрсатиб, жисмоний шахслар учун кредит таътили элон қилди. Бундан ташқари аҳолида ишонч ва ҳурмат ўйғотадиган яна кўплаб ташаббуслар билан чиқиши мақсадга мувофиқлиги кўзда тутилган.

⁸⁶ Ҳамидов Х, Коронавирус инқирозига қарши курашишда пул-кредит сиёсати ва молиявий тартибга солиш чоралари. 06.04.2020 й

⁸⁷ Ижтимоий тармоқдаги [t.me.prezident.uz](https://t.me/prezident.uz) саҳифаси маълумотлари асосида.

Карантин тугандан кейин кўплаб корхоналарга ўз фаолиятини тиклаш учун анча вақт ва маблағ керак бўлади. Шу боис Марказий банкка ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун банклар орқали 30 триллион сўм айланма маблағлар ажратилишини таъминлаш топширилди. Зарур ҳолларда, корхоналарга иш ҳақи тўлаш учун ҳам кредитлар ажратилишини йўлга қўйилиши белгиланди.

1-жадвал

**Мажбурий резервлар нормативлари
(2019 йил 1 июлдан)⁸⁸**

фоизда

| Мажбурият тури | Муддати | Мажбурий резерв нормативлари |
|--|--------------------|------------------------------|
| 1 | 2 | 3 |
| Юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари* | 2 йилдан ортиқ | 4 |
| | 1 йилдан 2 йилгача | |
| | бошқа мажбуриятлар | |
| Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари | 2 йилдан ортиқ | 14 |
| | 1 йилдан 2 йилгача | |
| | бошқа мажбуриятлар | |
| Юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари* | 2 йилдан ортиқ | 4 |
| | 1 йилдан 2 йилгача | |
| | бошқа мажбуриятлар | |
| Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари | 2 йилдан ортиқ | 14 |
| | 1 йилдан 2 йилгача | |
| | бошқа мажбуриятлар | |

* Ушбу мажбурият турларига ўртачалаш коэффициентсиенти (0,25) қўлланилади, эндиликда ушбу коэффициент (0,35) га ўзгаради

Тижорат банкларининг Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари миқдorigа нисбатан ўртачалаш коэффициентсига ўзгартириш киритилди⁸⁹. Марказий банк Бошқаруви 2020 йил 1 апрелдан эътиборан тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари миқдorigа нисбатан

⁸⁸ Марказий банкнинг Статистик бюлитени. 2019 йил., Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий кўрсаткичлари ва инструментлари 32-бет.

⁸⁹ www.cbu.uz Марказий банкнинг махсус веб сайти маълумотлари асосида., 2020 йил, 1 апрел

Ўртачалаш коэффитсиентини ошириш бўйича қарор қабул қилди. Мамлакатимиздаги жорий макроиқтисодий шароитлардан келиб чиқиб, банк тизими ликвидлигини қўллаб-қувватлаш ва тўлов тизимининг барқарор ишлашини таъминлашда мажбурий резервлар инстурментининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мажбурий резервлар миқдorigа нисбатан амалдаги 0,25 ўртачалаш коэффитсиенти 0,35 гача оширилди.

Бунда мажбурий резервларнинг норматив миқдorigа нисбатан ўртачалаш коэффитсиентини белгилаш орқали Марказий банкка ўтказилиши лозим бўлган мажбурий резервлар миқдорининг 35 фоизини банкларнинг вакиллик ҳисобварағида қолдиришга рухсат этилади. Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг ликвидлигини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Тижорат банкларининг Марказий банкда резерв сифатида шакллантирилган мажбурий резервлари нормативлари ўзгаришсиз, миллий валютадаги депозитлар учун 4 фоиз ҳамда чет эл валютасидаги депозитлар учун 14 фоиз миқдorigа қолдирилди. Марказий банк келгусида банк тизимидаги ликвидликнинг жорий ҳолати таҳлилидан келиб чиқиб, ўртачалаш коэффитсиентини босқичма-босқич ошириб бориш мақсад қилинган.

Хулоса қилиб айтканда коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида юзага келаётган тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловлари билан боғлиқ рискларни юмшатиш мақсадида Марказий банк томонидан кўрилаётган барча чора тадбирлар аҳолига енгиллик ва қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилмоқда. Жорий қилинган карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган қарздор – жисмоний шахслар ва якка тартибдги тадбиркорларга 2020-йил 1-октябрга қадар кредит тўловларини қайтаришда имтиёзли давр бериши ҳамда мос равишда якуний тўловлар муддатлари узайтирилиши анча енгиллик бўлди.

Жаҳон иқтисодиётида бошланаётган инқироз ҳолатларини эътиборга олиб, банкларнинг лойиҳалар портфелини танқидий кўриб чиқиш зарурати

етди. Шундан келиб чиқиб ҳали бошланмаган, узоқ муддатли лойиҳаларни аниқлаб, уларни жорий йилнинг ўзида самаралилик жиҳатидан тезда самара келтирувчи лойиҳаларга алмаштириш кераклиги белгилаб олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни., 1995 йил 21 декабр;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Статистик бюллетени., 2020 й.
4. Ҳамидов.Х. “Коронавирус инқирозига қарши курашишда пул-кредит сиёсати ва молиявий тартибга солиш чоралари”. 06.04.2020 й

Интернет сайтлари:

1. www.president.com
2. www.cbu.uz.
3. www.bank.ru
4. www.banker.uz
5. www.free-management-ebooks.com
6. www.review.uz



МИНИСТЕРСТВО
ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



R
RESEARCH
SUPPORT CENTER



Институт Прогнозирования и
Макроэкономических Исследований
Institute of Forecasting and
Macroeconomic Research



МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ
И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

5-Шўъба

**“МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШДА МИНТАҚАЛАРНИ КОМПЛЕКС
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ”**

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” ИТМнинг
“Фан ва таълим интеграцияси” секторининг мудири
и.ф.д., проф. З.Д. Адилова
zulfiya_adilova@mail.ru

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асосларива муаммолари”
ИТМнинг “Фан ва таълим интеграцияси”
секторининг кичик илмий ходими К.А. Гулмуродов
gulmurodov2020@mail.ru

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг инвестицион ҳолати, инвестицион салоҳияти, инвестициянинг аҳоли жон бошига миқдори, вилоят иқтисодиётига таъсири таҳлил қилиниб, бир қатор муаммолар ва ечимлар келтириб келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: инвестиция, иқтисодий ўсиш, тўғридан-тўғри инвестиция, инвестицион салоҳият, инвестицион риск, инвестицион муҳит жозибадорлик.

Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялар етакчи рол ўйнайди, чунки вилоятга кириб келаётган сармоянинг кўпайиши тўлов балансини яхшилаш орқали, миллий валюта курсига ижобий таъсир кўрсатади, ислохотлар ўтказишда зарур маблағлар билан таъминлайди, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солади, техник баъзани янгилашга хизмат қилади, янги иш ўринлари яратилади, замонавий иш юритиш услубини тадбиқ этади, экспортбop товарларни ўзлаштириш орқали мамлакат иқтисодий қудратини таъминлашга ва бу билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга жорий йилда Ўзбекистонга коронавирус пандемиясини муносабати билан пандемияни олдини олиш ва пандемиядан иқтисодий

талофатларсиз ўтиб олиш мақсадида, ҳукуматимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилиб борилмоқда.

Ушбу тадбирлар доирасида пандемия оқибатлари инқирозлари вужудга келишига қарамасдан мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги таъминлашда имкон қадар инвестицияларни жалб этишни давом эттириш жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[1] фармонда пандемия даврида ҳам аҳоли ва иқтисодиётни барқарорлиги таъминлаш бўйича вазифалар белгиланган. Унга кўра пандемия даврида ҳам инвестицион фаолиятни тўхтатмаслик, инвестицияларни қўллаб-қувватлаш вазифалари белгиланган.

Ҳозирги кунда вилоятга кириб келаётган хорижий инвестицияларнинг эркин кириши, вилоят инфратузилмасининг шаклланишини таъминлаш мақсадида институционал ўзгаришлар, яъни меъёрий ҳужжатлар, стандарт ва талаблар ишлаб чиқилмоқда, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилиб борилмоқда ва бу албатта вилоят иқтисодиётини ривожлантириш учун замин яратади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ни [2] ишлаб чиқилиши ва унда *инвестиция муҳитини такомиллаштириши, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш* тўғрисидаги банди ва хорижий инвестицияларни ҳудудларга йўналтириш мақсадида, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”[3]ги ПФ–5495-сонли фармони алоҳида кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Вилоятнинг инвестицион жозибadorлиги бир қатор муҳим омиллар уйғунлигида тавсифланувчи инвестицион салоҳият ва инвестицион риск орқали аниқланади. Чет эл сармоядорлари муайян давлат иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни экспорт қилишларида вилоятнинг инвестицион муҳит жозибadorлигини ифодаловчи Жаҳон банки (The world Bank), Бутунжаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum), Тинчлик учун жамғарма(Fund for Peace), Хайратеж фонди (The Heritage Foundation), Фразер институти (Fraser Institute)[4] каби индекслар асосида қарор қабул қиладилар.

Мамлакатимизда тобора жадаллашаётган глобал иқтисодиётда инвестицияларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик, инвестициялар оқимининг тараққий этган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига ўтиш йўналиши тенденциялари ҳукм сурмоқда. Мамлакатимизда инвестицион фаолиятни тўғри ташкил қилиш, ҳар бир вилоятнинг инвестицион жозибadorлигини ортиши, ташқи инвестицияларни янада кўпроқ кириб келишини таъминлайди. Хусусан, 2018 йили Хитой иқтисодиётига 139 млрд. АҚШ долл., Сингапур иқтисодиётига 78 млрд. АҚШ долл., Индонезия иқтисодиётига 22 млрд. АҚШ долл., Ҳиндистонга 42 млрд. АҚШ долл. ҳажмидаги инвестициялар киритилган[5]. Бу ҳол ўз навбатида, ривожланаётган мамлакатлар учун инвестицион жозибadorликни ва инвестицион фаолият самарadorлигини ошириш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришни такомиллаштириш заруратини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Қашқадарё суғориладиган ерлар 515,4 минг га, чўл ерлар 256,9 минг га, унумсиз ерлар 20,8 минг га, ўрмонлар 10,9 минг гектарга тенг Унинг табиий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, инвестицияларни киритиш мақсадга

мувофиқ бўлади. Вилоятда асосий воситаларга киритилган инвестициялар йилдан-йилга ўсиб бормоқда 23525,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилгига нисбатан 42 %га кўплигини кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий воситаларга киритилган инвестициялар[6] (млрд. сўм)

| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|---------------------------------|----------------|----------------|----------------|-----------------|-----------------|
| Ўзбекистон Республикаси: | 44810,4 | 51232,0 | 72155,2 | 124231,3 | 189924,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 6021,2 | 3778,3 | 2822,0 | 6757,8 | 8434,6 |
| <i>вилоятлар:</i> | | | | | |
| Андижон | 1956,5 | 2188,5 | 2986,0 | 4711,9 | 8183,7 |
| Бухоро | 4075,9 | 5922,9 | 11613,4 | 9610,9 | 9867,0 |
| Жиззах | 1304,9 | 1449,7 | 1788,2 | 3606,3 | 7919,3 |
| Қашқадарё | 5894,7 | 7304,4 | 11175,3 | 16518,5 | 23525,3 |
| Навоий | 1809,1 | 2963,2 | 3977,9 | 10579,5 | 17775,3 |
| Наманган | 2227,5 | 2824,5 | 3586,7 | 8158,1 | 12187,0 |
| Самарқанд | 3237,2 | 3623,5 | 4384,2 | 7061,4 | 9798,6 |
| Сурхондарё | 1843,6 | 2142,4 | 3551,0 | 7240,6 | 12232,4 |
| Сирдарё | 1083,3 | 1322,9 | 1628,0 | 2699,3 | 6129,2 |
| Тошкент | 4428,1 | 4238,7 | 5938,4 | 11226,9 | 16935,1 |
| Фарғона | 2542,3 | 2643,6 | 2954,5 | 5539,1 | 9164,2 |
| Хоразм | 1531,5 | 1560,5 | 2175,9 | 3013,8 | 5566,8 |
| Тошкентш. | 6854,6 | 9268,9 | 13573,7 | 26435,7 | 41497,9 |

Бугунги кунда мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида самарали инвестицион сиёсат олиб борилаётганига қарамай 2018 йил мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 412 миллион АҚШ долларини ташкил қилмоқда[7] ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши анча пастлигича қолмоқда.

Хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаи улуши 2012 йилда 1,7% ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда бор йўғи 1,1% ни ташкил қилган[8]. Шу билан бирга, 2019 йилда Қашқадарёда вилояти аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар 7246100 сўмни ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич ҳам 2018 йилга нисбатан 40 %га ошганини кўриш мумкин (2-жадвал).

**Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар[9]
(минг сўм)**

| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|---------------------------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| Ўзбекистон Республикаси: | 1431,7 | 1608,6 | 2227,8 | 3769,6 | 5655,8 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3388,2 | 2094,0 | 1542,2 | 3641,1 | 4476,7 |
| <i>вилоятлар:</i> | | | | | |
| Андижон | 678,4 | 745,3 | 999,6 | 1550,3 | 2642,3 |
| Бухоро | 2264,0 | 3237,6 | 6254,2 | 5105,4 | 5167,3 |
| Жиззах | 1033,1 | 1125,1 | 1361,9 | 2693,9 | 5792,3 |
| Қашқадарё | 1969,9 | 2389,3 | 3583,4 | 5193,4 | 7246,1 |
| Навоий | 1965,1 | 3168,1 | 4185,4 | 10920,2 | 17985,7 |
| Наманган | 863,8 | 1074,8 | 1340,3 | 2992,5 | 4380,8 |
| Самарқанд | 912,0 | 1001,6 | 1189,4 | 1878,3 | 2552,7 |
| Сурхондарё | 773,0 | 879,1 | 1427,1 | 2848,3 | 4705,5 |
| Сирдарё | 1382,2 | 1660,3 | 2011,1 | 3280,2 | 7312,4 |
| Тошкент | 1595,0 | 1507,5 | 2087,2 | 3898,4 | 5799,9 |
| Фарғона | 731,6 | 747,8 | 822,4 | 1516,8 | 2465,1 |
| Хоразм | 884,7 | 885,8 | 1215,1 | 1655,6 | 3007,2 |
| Тошкентш. | 2877,4 | 3848,1 | 5552,7 | 10627,8 | 16332,0 |

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши Республика бўйича 16,8 %ни ташкил этган. Мазкур кўрсаткич Навоий вилояти (5,8%), Тошкент шаҳри (8,3%) ва Қашқадарё вилоятида (9,8%) паст даражада бўлган. 2019 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари сони 9088та ва унинг умумий қиймати 60,3 трлн.сум, бунинг натижасида 172488 иш ўринлари яратилиши белгиланган. Аммо жорий йилнинг 1-ярим йиллигида жами 3332та лойиҳалар (ёки 37%), умумий қиймати 13,6 трлн.сум (23%), 38252та иш ўринлари яратилган (22%). Яъни бу кўрсаткичларнинг 50% ҳам бажарилмаган. Лойиҳаларнинг умумий қиймати бўйича ўзлаштирилиши кескин ортада қолиш ҳолатлари Навоийда 17,8%, Қашқадарёда 14%, Андижонда 12,1%, Бухорода 20%, Сурхондарёда 15,3%, Сирдарёда 14,2%, Фарғонада 14,2% ва Тошкент шаҳрида 28%. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция лойиҳалари-нинг 1-ярим йилликда ўзлаштирилиш қийматининг фоизи – 18%ни ташкил этган. Ортада қолаётган ҳудудлар Тошкент 31%ни, Қашқадарё 37%, Самарқанд 44%, Тошкент шаҳрида 27%ни ташкил этган[10].

Юқори ишлаб чиқариш салоҳияти ва имкониятлари мавжуд ушбу ҳудудларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Айни пайтда инвестицион муҳит борасида ҳудуднинг асосий муаммоларнинг мавжудлиги инвестициялаш имкониятлари чекланиши, васамарадорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда, чунки инвестицион муҳитдаги тизимли муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги хорижий инвестицияларнинг вилоятга кириб келишини қийинлаштирмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг тизимли муаммолар қуйидагилардан иборат:

– хусусийлаштириш жараёнлари билан боғлиқ муаммолар бўлиб, бунда капитал мулкчилик юзага келган муносабатларнинг қонунийлиги, шу билан боғлиқ равишда хусусийлаштириш натижасида қўлга киритилган мулкни ҳимоялашга қаратилган ҳуқуқий кафолатларнинг таъминланмаганлиги, инвесторларнинг ҳам, инвестициялаш объектлари корхоналарининг ҳам молиявий аҳволининг паст даражаси сабабли қўшилган маблағларни қайтариб берилмаслик эҳтимолига боғлиқ бўлган юқори инвестиция хатарлар мавжудлиги;

– хўжалик юритувчи субъектларини солиққа тортиш самарали механизми жорий этилмаганлиги (давлатнинг молиявий ва солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг кутилмаган юқори даражаси, солиқ ва божхона солиқлари, шунингдек, давлат кафолатлари берилишининг нотиниқ тизими);

– пандемия даврида кўп инвесторларнинг инвестицион фаолиятга бўлган ишончининг сустрлашиши;

– корпоратив инвестиция битимларининг (концессиялар, давлат-хусусий ҳамкорлигининг) ривожланмаганлиги;

– вилоятнинг инфратузилмаси ҳолати қониқарсизлиги, ишлаб чиқариш учун ер майдонларидан фойдаланиш, ерни ижарага олиш шартлари ва муддати, автомобиль ва темир йўллارнинг саноат ҳудудларини асосий транспорт бўғинлари ва бозорлар билан боғланмаганлиги, электр энергияси

қуввати талаб даражасида эмаслиги, сув таъминоти даражаси қониқарсизлиги, телекоммуникациянинг ривожланмаганлиги, телефон, факс, интернет алоқаларининг яхши ривожланмаганлиги ва ҳ.к;

– ҳудудларда малакали мутахассис кадрлар тақчиллиги, интеллектуал ва инновацион салоҳиятнинг яхши ривожланмаганлиги (аксарият туризм, сервис ва хизматлар соҳалари), кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, илмий ва маданий айирбошлашда халқаро ҳамкорликларнинг суст ривожланганлиги);

– ҳудудларда ишбилармонлик муҳити яхши шакилланмаганлиги, хусусан, адвокатура, ҳуқуқий маслаҳатчи органларининг тақчиллиги, малакали менежерлар, бухгалтерлар, архитекторлар ва конструкторларнинг тақчиллиги киради. Бундан ташқари қўшма корхоналар очишда маҳаллий ҳамкорнинг тажрибаси етарли даражада эмаслиги;

– инвестиция жараёни иштирокчиларининг ўзаро бир-бирлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги ёки бу маълумотларнинг доимо ҳам тўлиқ ва ишончли эмаслиги.

Келтириб ўтилган муаммо ва камчиликлар, соҳалар доирасида мавжуд бир қанча бошқа объектив ва субъектив омиллар ўз навбатида нафақат вилоятнинг, қолаверса бутун мамлакатнинг ижобий инвестиция муҳитини шакллантирилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хулоса сифатида, айтиш жоизки, мамлакатимиз ҳудудлари, хусусан Қашқадарё вилоятини комплекс ва барқарор ривожлантириш учун тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг аҳамияти юқори бўлиб, инвестициялар вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ушбу жараён айниқса коронавирус пандемиясидан кейинги иқтисодий инқироз даврида муҳим бўлиб, қўшимча чора-тадбирлар билан инвестицион оқимларни рағбатлантириб борилишини талаб этади.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси.

2. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ПФ-4947-сон 07.02.2017.
3. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси.
4. www.doingbusiness.org; <http://weforum.org>; <http://ffp.statesindex.org>; <http://www.heritage.org>; www.fraserinstitute.org.
5. https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2019_en.pdf.
6. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.
7. <https://www.nordeatrade.com/en/explore-new-market/uzbekistan/investment>.
8. World Bank. World Bank Group – Uzbekistan Partnership: Country Program Snapshot. –Р.4.
9. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.
10. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6559-investitsiyalar>.

**Ўзбекистон Миллий университети
“Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси доценти
Бекмуродов Нурали Холматович**

**Ўзбекистон Миллий университети
2-босқич магистранти
Хуррамов Рамазон Аллаёр ўғли
r.xurramov@inbox.ru**

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЭКСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Тадқиқот ишида сўнгги йиллардаги Сурхондарё вилояти ташқи савдоси кўрсаткичлари ва вилоят экспорт ҳажмини янада ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоғида кластер усулини қўллаш афзалликлари ўрганилган. Шунингдек, вилоят экспорт ҳажмини ошириш учун зарур бўлган тақлиф ва тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: пандемия, экспорт салоҳияти, кластер, диверсификация, инфратузилма, маҳаллийлаштириш, соф экспорт.

Коронавирус инфекциясининг дунё бўйлаб тарқалиши мамлакатлар иқтисодиётига жиддий хавф солмоқда. Бундай вазиятда ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш учун аниқ мақсадларга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши зарур.

Бундай вазиятда Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз фаолият юритишига эришиш, озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишсизлик даражаси ошиб кетишини жиловлаш, очарчиликнинг олдини олиш, аҳоли соғлигини сақлаш ва бундай синовли кунлардан ортиқча талофатларсиз ўтиб олиш учун мамлакатимиз ҳудудлари жумладан, Сурхондарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини чуқур ўрганиш, экспортга йўналтирилган товар ва хизматларининг рақобатбардошлигини янада ошириш бўйича илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Бу борада халқимиз соғлиги ва манфаатини кўзлаб Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 19 мартда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5969-сонли Фармонида 10 трлн сўм миқдордаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиши ва бу жамғармадаги маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган асосий йўналишлардан бири сифатида “Ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш[1]” белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ - 4947-сон фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича устувор йўналишларидан бири сифатида “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” белгиланган. Ушбу устувор йўналиш доирасидаги муҳим вазифалар таркибидан “Экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш; ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш[2]” ўрин олган.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиши бир томондан ҳудудларда мавжуд инфратузилмаларнинг яхшиланишига ва янги инфратузилма объектларининг барпо этилишига, экспорт корхоналари кўпайишига ва бу корхоналарда маҳаллий аҳоли эҳтиёжи учун кенг турдаги, арзон, сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ва экспорт учун кенг турдаги, сифатли, ҳар тарафлама рақобатбардош товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилишига ва иккинчи томондан маҳаллий меҳнат ресурслари учун қўшимча янги иш ўринлари яратилишига ва етарли даражада иш ҳақи билан таъминланишига туртки бўлади. Шунинг учун Республикадаги ҳар бир ҳудуд, жумладан Сурхондарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси 2019 йилнинг январь-декабрида 17900 млн. АҚШ долларига тенг товар ва хизматлар экспортини ва ўз навбатида 24300

млн. АҚШ долларлик товар ва хизматлар импортини амалга ошириб, ташқи савдо баланси дефицит ҳолатини (- 6400 млн. АҚШ доллари) қайд этди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудий таркибини Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят ва Тошкент шаҳри ташкил этади. Мамлакатимиз экспортида ҳудудларнинг ўрнини аниқлаш ва Сурхондарё вилояти экспортини бошқа ҳудудлар экспорти билан солиштириш мақсадида ушбу ҳудудлар экспортини қуйидаги учта муҳим кўрсаткичлар бўйича баҳоладик ва ушбу ҳудудлар орасида Сурхондарё вилоятининг эгаллаган ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтдик. Бу кўрсаткичлар қуйидагича:

1. Ҳудудлар экспортининг мутлоқ ҳажми;
2. Ҳудудлар экспортининг жорий даврдаги ҳажмининг базис даврдаги ҳажмига нисбати;
3. Ҳудудларнинг муайян даврдаги ташқи савдо баланси.


Биринчи кўрсаткич бўйича 2019 йил якунларига кўра ушбу ҳудудлар орасидан Тошкент шаҳри экспорт ҳажми бўйича 1 ўринни (3171,9 млн. АҚШ доллари), Тошкент вилояти 2 ўринни (1827,2 млн. АҚШ доллари), Сурхондарё вилояти 11 ўринни (240,6 млн. АҚШ доллари) ва Жиззах вилояти 14 ўринни (120,3 млн. АҚШ доллари) эгаллади.

Ҳудудларнинг экспортини сифат жиҳатдан тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бу муайян йилнинг бирор давридаги экспорт ҳажми ундан олдинги йилнинг мос давридаги экспорт ҳажмига нисбатан ўсиши ёки камайиши ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг 2019 йилнинг январь-декабридаги экспорт ҳажмини 2018 йилнинг январь-декабридаги экспорт ҳажмига таққослаганимизда Жиззах вилояти 1 ўринни (157,9 фоиз), Наманган вилояти 2 ўринни (144,4 фоиз), Сурхондарё вилояти 7 ўринни (125,5 фоиз) ва Қорақалпоғистон Республикаси 14 ўринни (95,7 фоиз) эгаллади.

Ўзбекистон ҳудудларини экспорти бўйича баҳоловчи яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири бу уларнинг маълум даврдаги ташқи савдо балансидир. Бунга кўра, ҳудудларнинг 2019 йилнинг январь-декабридаги ташқи савдо

балансини ҳисоблаганимизда 1 ўринга Қорақалпоғистон Республикаси (166,1 млн. АҚШ доллари), 2 ўринга Сурхондарё вилояти (- 91,6 млн. АҚШ доллари), 3 ўринга Жиззах вилояти (- 268,4 млн. АҚШ доллари) ва 14 ўринга Тошкент шаҳри (- 6043,3 млн. АҚШ доллари) тўғри келди[4].

Сурхондарё вилоятининг экспортини чуқурроқ ўрганиш ва уни таҳлил қилиш орқали муҳим хулосаларга эга бўлиш учун вилоят экспорт ва импорт ҳажмларининг сўнги 10 йил давомидаги ўзгариш динамикасини келтириб ўтамиз (1 расм):



1-расм. Сурхондарё вилоятининг 2010-2019 йилларда товар ва хизматлар экспорти ва импорти, уларнинг ўзгариши динамикаси, млн. АҚШ доллари.

Манба: Сурхондарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

1 расмдан кўринадики, 2010 йил январь-декабрь ойларида товар ва хизматлар экспорти қиймати 278,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2019 йил январь-декабрь ойларида товар ва хизматлар экспорти қиймати 240,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган (2010 йилга нисбатан 38,1 млн. АҚШ долларига кичик). 2010 йил январь-декабрь ойларида товар ва хизматлар импортининг қиймати энг кичик 30,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2019 йил январь-декабрь ойларида товар ва хизматлар импортининг

қиймати 332,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган (2010 йилга нисбатан қарийб 11 мартага кўп). Яна шуни айтишимиз жоизки, 2010-2016 йиллар давомида Сурхондарё вилояти ташқи савдоси профицит билан бажарилган. Лекин, 2017-2019 йилларда вилоят ташқи савдосида дефицит ҳолатлари юз берди. Биз бу йилларда вилоят ташқи савдо баланси нега минус билан бажарилганлигини аниқлашга киришамиз ва қуйидаги жадвал маълумотларини келтириб ўтамиз (1 жадвал):

1 жадвал

Сурхондарё вилояти экспорти ва импорти умумий таркибининг ўзгариш динамикаси (минг АҚШ доллари)

| | 2017 йил январь-декабрь | | 2018 йил январь-декабрь | | 2019 йил январь-декабрь | |
|--|----------------------------|------------|----------------------------|------------|----------------------------|------------|
| | Экс порт | Им порт | Э кспорт | Им порт | Экс порт | Им порт |
| Пахта толаси | 5648,4 | 0 | 688,8 | 0 | 368,5 | 0 |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | 121306,3 | 38205,9 | 158011 | 90084,6 | 159424,1 | 34889,6 |
| Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар | 13,6 | 21458 | 351,2 | 32427,7 | 133,5 | 57946,2 |
| Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари | 3968,8 | 1153,9 | 3982,7 | 1132,3 | 75,3 | 510,7 |
| Қора металллар ва улардан тайёрланган буюмлар | 0 | 19542 | 2,5 | 7186,4 | 31,3 | 26475,8 |
| Рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар | 0 | 679,8 | 0 | 321,6 | | |
| Машина ва асбоб- ускуналар ҳамда уларнинг қисмлари | 0 | 119451,1 | 147,8 | 210246,7 | 301,7 | 156404,3 |
| Текстиль ва текстиль буюмлари | 14294,6 | 0 | 24521,1 | 0 | 0 | 0 |
| Хизматлар | 11775,9 | 0 | 3604,5 | 171,6 | 3133,6 | 61,3 |
| Бошқалар | 342,9 | 16757,7 | 435,2 | 55754,5 | 77084,8 | 55878,0 |

Манба: Сурхондарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

1 жадвал маълумотларидан кўринадики, 2017 йил Сурхондарё вилоятида соф экспорт - 59 898 минг АҚШ долларини ташкил этиб, бунга асосий сабаб сифатида машина ва асбоб ускуналар ҳамда уларнинг қисмлари экспорти 0 га

тенглиги ва импорти эса ҳаддан ташқари кўп яни 119 451,1 минг АҚШ долларини ташкил этган. 2018 йилга келиб вилоятда соф экспорт анча салбий қийматни яни - 205 580,7 минг АҚШ долларини ташкил этган ва бунга асосий сабаб сифатида кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар (- 32 076,5 минг АҚШ доллари), машина ва асбоб-ускуналар ҳамда уларнинг қисмлари (- 210 098,8 минг АҚШ доллари) ва бошқа товар ва хизматлар (- 55 319,3 минг АҚШ доллари) импорти уларнинг экспортидан ошиб кетганлиги ва уларнинг орасида энг катта салбий фарқ машина ва асбоб-ускуналар ҳамда уларнинг қисмлари импортида эканлиги ва бу фарқ -210 098,8 минг АҚШ долларига тенг эканлигини жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. 2019 йилда ҳам вилоят соф экспорти салбий бўлган ва -91 643,1 минг АҚШ долларини ташкил этган. Бунга асосий сабаб сифатида кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар (- 57 812,7 минг АҚШ доллари), қора ва рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар (- 26 444,5 минг АҚШ доллари), машина ва асбоб-ускуналар ҳамда уларнинг қисмлари (- 156 102,6 минг АҚШ доллари) импорти уларнинг экспортидан ошиб кетганлигини ва бу йилда ҳам машина ва асбоб-ускуналар ҳамда уларнинг қисмлари сальдоси энг салбий кўрсаткични яни - 156 102,6 минг АҚШ долларига тенг бўлганлигини қайд этишимиз мумкин. Вилоят ташқи савдоси дефицитининг асосий сабаби вилоятда 2017, 2018, 2019, 2020 йиллар 1 январь ҳолатига кўра рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) сони мос равишда 13 945, 14 406, 15 438 ва 19 639 га тенг бўлган ва бу ўсиш корхоналар томонидан харид қилинган импорт маҳсулотлари ҳажмининг ўсишига олиб келган[5].

Энди биз таҳлилишимизни вилоятнинг ҳудудий таркиби ва хусусий сектор бўйича давом эттирамиз (2 жадвал):

Сурхондарё вилояти ҳудудий таркиби экспорти динамикаси, (минг АҚШ доллари)

| | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
|---------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Сурхондарё вилояти | 213788,7 | 148239,3 | 157350,5 | 191744,8 | 240552,8 |
| Термиз шаҳри | 20346,9 | 23726,3 | 31266,6 | 27166,1 | 27409,2 |
| Олтинсой тумани | 41,3 | 27801,2 | 2330,3 | 4482,5 | 12642,2 |
| Ангор тумани | 17066,2 | 7991,2 | 11120,4 | 6727,5 | 10544,2 |
| Бойсун тумани | 23,2 | 205,9 | 243,4 | 4970,1 | 5095,9 |
| Денов тумани | 11889,1 | 7247,3 | 25852,6 | 26977,4 | 23110,1 |
| Жарқўрғон тумани | 17655,6 | 11359,8 | 14253,9 | 23207,6 | 39558,9 |
| Қизирик тумани | 13893,4 | 1953,9 | 8749,3 | 25444,2 | 13659,2 |
| Қумқўрғон тумани | 8584,7 | 996,9 | 924,0 | 1294,1 | 6901,8 |
| Музработ тумани | 10146,8 | 3784,5 | 9537,8 | 19093,0 | 7576,9 |
| Сариосиё тумани | 66140,9 | 26010,7 | 11026,3 | 6100,5 | 25455,9 |
| Термиз тумани | 175,0 | 5885,7 | 13072,5 | 18019,1 | 19492,3 |
| Узун тумани | 3827,9 | 1238,8 | 3637,5 | 1940,0 | 6955,1 |
| Шеробод тумани | 10816,6 | 9973,4 | 19809,7 | 13306,1 | 29000,4 |
| Шўрчи тумани | 33146,0 | 20047,1 | 5403,4 | 12925,1 | 11327,9 |
| Жисмоний шахслар | 35,2 | 16,6 | 122,7 | 91,5 | 131,6 |
| Аниқланмаган ташкилотлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 0,0 | 1691,2 |

Манба: Сурхондарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2019 йилда вилоятдаги туманлар орасида энг кўп экспортни Жарқўрғон тумани (39558,9 минг АҚШ доллари) ва энг кам экспортни Бойсун тумани (5095,9 минг АҚШ доллари) амалга оширган. Бу ерда Бойсун тумани экспорти энг кам бўлсада 2015-2019 йиллар оралиғида туман экспорти ҳажми барқарор ўсиш тенденциясига эришган ва 2019 йилдаги экспорт ҳажми 2015 йилга нисбатан 219,65 бараварга ошган. Бунинг асосий сабаби сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамиз:

- 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Бойсун туманида рўйхатга олинган фаол корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) сони 543 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016, 2017, 2018, 2019, 2020 йиллар 1 январидан мос равишда 580, 610, 683, 765 ва 900 сонларига тенг бўлганлигини ва бу ерда фақат ўсиш ҳолати кузатилмоқда;

- 2015, 2016, 2017, 2018, 2019 йилларнинг январь-декабрь ойларида туманга жалб қилинган асосий воситаларга инвестициялар миқдори мос равишда 156,6 млрд. сўм, 199,7 млрд. сўм, 266,4 млрд. сўм, 535,9 млрд. сўм ва 4998,2 млрд. сўмни ташкил этиб бу ерда ҳам инвестициялар миқдори ошиб борган[5].

Республикамизнинг бошқа ҳудудлари каби Сурхондарё вилоятида ҳам саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эҳтибор қаратиб келинмоқда. Вилоятда бу дастурнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ривожланишига ўз ижобий таъсирини кўрсатди ва 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида мазкур дастур доирасида 14 та лойиҳа амалга оширилди ва 56,4 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва бу маҳсулотларнинг 270,3 минг АҚШ доллари миқдорига қисми экспорт қилинди ва 271 та янги иш ўринлари яратилди. Ваҳоланки, Вилоятда 2018 йилда 0,6 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлсада бу маҳсулотларнинг экспорти амалга оширилмаган[5]. Энди фикримизча, вилоят экспорти ҳажмининг ошишига маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда вилоятимизда ҳам қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқаришнинг “кластер” усули орқали пахта хомашёси етиштирилмоқда. Маълумотларга кўра, Сурхондарёда вилоят жами пахта майдонининг 67 фоиздан зиёдини қамраб олган 6 та тўқимачилик кластери ташкил этилган. Ушбу кластер корхоналаридан бири “Денов текстиль” пахта-тўқимачилик кластери бўлиб, у йилига 6 минг 300 тонна ип-калава тайёрлаш қувватига эга ва корхонанинг биринчи босқичи ишга туширилиб, кластер усулида ип-калава

тайёрланмоқда. Ушбу корхонада 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 46,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхонада иккинчи босқичда тикувчилик линияси ташкил этилиб, экспортга йўналтирилган тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Яна бир кластер корхоналаридан бири «Ангор Сурхон ғурури» пахта-тўқимачилик кластерининг жами майдони 9 минг 180 гектар бўлиб, шундан 8 минг 100 гектаридан кўпроғига экин экилади. 2019 йилда ушбу кластер корхонасига қарашли қарийб 5 минг гектар ерда ингичка толали пахта етиштирилди.

Юртимиз олимлари томонидан яратилган ғўзанинг "Сурхон-14", "Сурхон-16" навлари икки йил мобайнида тажрибадан ўтказилди. Ингичка толали бу нав турли об-ҳаво шароитларига, сувсизлик, гармсел ва зараркунда ҳашаротларга чидамлилиги, эртапишарлиги билан аҳамиятли. Толасининг узунлиги, пишиқлиги, текстилбоплиги жаҳон бозорида харидоргир ҳисобланади. Бошқа навлар билан меҳнат ва ресурс сарфи бир хил бўлгани ҳолда ингичка толанинг иқтисодий самарадорлиги 60 фоиз кўп[6].

Фикримизча, Сурхондарё вилоятида мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳаларида ҳам кластер усулини қўллаш асосида олинган маҳсулотларнинг бир қисмини экспортга йўналтириш экспорт ҳажмининг ошишига ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Негаки, “Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд[3]”.

Вилоят экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва уни такомиллаштириш учун ушбу вазифаларни амалга ошириш зарур:

- вилоятдаги Термиз шаҳри ва туманларнинг иқлими, географик жойлашуви, меҳнат ресурсларининг тақсимланиши ва табиий ресурсларнинг жойлашувини эътиборга олган ҳолда ҳар бир ҳудудда экспорт таркибини ва географиясини диверсификациялаш бўйича вилоят экспорти учун янги бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва мавжудларининг турларини ва миқдорини оширишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- вилоятда маҳаллий аҳоли истеъмоли ва экспортга йўналтириш учун кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб истеъмолга тайёр ҳолатга келтирувчи саноатнинг қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш ва уларни энг замонавий керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш учун вилоят ҳудудларининг инфратузилмасини ривожлантириш;

- вилоятдаги экспорт товар ва хизматлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда меҳнат қилаётган ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун уларни иқтисодий рағбатлантириш, илғор замонавий техника ва технологиялар билан ишлай олиши учун шароит яратиб бериш механизмларини такомиллаштириш;

- вилоятнинг тоғли ҳудудларидаги доривор ўсимликлар, жумладан наъматак, аччиқ бодом, исирик, коврак, зайтун ўсимликларидан дори воситалари тайёрловчи фармацевтика саноати корхоналарини энг мақбул жойга қуриш ва тайёрланган дори воситаларининг бир қисмини экспортга йўналтириш;

- вилоятда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, муассасалар ва якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ тўлаш, банклардан кредит олиш жараёнларида турли имтиёзлар ва қулайликлар яратиб бериш.

Хулоса қилиб айтганда, Сурхондарё вилоятида ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган табиий, хомашё ва меҳнат ресурслари етарлича ва бу ресурслардан оқилона фойдаланиш экспорт ҳажмини импорт ҳажмидан ошишига эриштиришдан ташқари вилоят аҳолиси, умуман, мамлакат аҳолисининг экологик тоза, сифатли ва арзон маҳсулотларни истеъмол қилишига ва уларнинг турмуш даражаси янада яхшиланишига ва пировардида, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт

тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Фармони. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йилнинг 11 декабрида “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари Статистика Бошқармаларининг йиллик маълумотлари.

5. Сурхондарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

6. <http://www.uzavtoyul.uz/cy/post/barcha-maqсад-va-harakatlarimiz-xalqimiz-farovonligi-farzandlarimiz-kelajagi-vatanimiz-tinchligini-taminlashga-qaratilgan-17-10-2019.html>

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги давлат бошқаруви Академияси,
факультет декани, и.ф.н., доцент,
Астанакулов Олим Таштемирович
astanakulov@gmail.com

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ **УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аннотация. Дунё миқёсида барчанинг диққат марказида бўлган “Янги буюк турғунлик” номи билан аталаётган коронавирус эпидемиясининг кескин тарқалиши ва бу хавфнинг салбий оқибатларини юмшатиш, ўз ўрнида миллий иқтисодий тармоқларини янада изчил ривожлантиришда давлат томонидан ҳар томонлама пухта ўйланган иқтисодий ислохотларни зудлик билан олиб боришни тақозо этади⁹⁰.

⁹⁰ Стало ясно, когда разразится новый мировой финансовый кризис – РИА новости, 10.10.2019. <https://ria.ru/20191010/1553590625.html>.; Новая Великая депрессия: как коронавирус влияет на мир и экономику. <https://www.rbc.ru/rbcfreenews/5e7557f39a794724532f0efc>.

Калим сўзлар: инвестиция, инвестицион лойиҳалар, эпидемия, инқироз

Жаҳон Bloomberg агентлиги маълумотига таянадиган бўлсак, истеъмолчилар харажатлари жаҳон иқтисодиётида 70 фоизни ташкил этади. Бу ҳар қандай миллий иқтисодиётдаги тармоқларнинг мутаносиблиги иқтисодий фаолиятининг маълум вақт узилишига олиб келиб, ҳар қандай давлат иқтисодий ўсишига бирдек таъсир кўрсатади⁹¹. Бу ўз ўрнида иқтисодиётнинг етакчи даромад келтирадиган тармоқларга инвестицияларни жалб этишни ва улар фаоллигини оширишни тақозо этади. Шундай экан, “... янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим. Бунинг учун 2020 йилда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, захираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш каби ишларни яқунлаш зарур”⁹² бўлади. Ҳозирда кўплаб режалаштирилган инвестицион лойиҳаларнинг инқироз даврида мўлжалланган даврларда бажаришнинг имконининг йўқлиги ҳамда давлатлар ўртасидаги иқтисодий битимлар, кўплаб инвестицион лойиҳалар муддатини ўз вақтида бажариб бўлмаслигига олиб келмоқда. Мақсадли инвестицион лойиҳалар кўплаб мамлакатлар инвестицион фаолигини камайишига ҳамда иқтисодиётнинг долазарб муаммолари бўлмиш иқтисодий ўсиш, бандлик, инвестицион самарадорлик каби кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келади. Агар COVID-19 коронавирус пандемиясининг иқтисодиётга қай йўсинда таъсир этиш жараёнини баҳолаш анча мураккаб.

Шу муносабатдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда “...энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар, тармоқ ва ҳудудлар бўйича мақсадли дастурлар, устувор инвестиция лойиҳалари ва бошқа долзарб вазифалар бажарилишини танқидий

⁹¹ В МВФ оценили влияние коронавируса на мировую экономику. <https://www.rbc.ru/rbcfreenews/5e7557f39a794724532f0efc>.

⁹² <http://uza.uz/oz/politics/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-25-01-2020> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.

таҳлил қилиш юзасидан амалдаги мавжуд тизим самарадорлигини..”⁹³
баҳолаш жараёнини ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, ҳар қандай корхона инвестицион фаолиятини олиб боришда корхона олдида реал ва молиявий инвестициялашни самарали танловини амалга ошириш борасидаги муаммога дуч келади. Корхона инвестицион ресурслардан оқилона фойдаланишда унинг режаси ва кўзланган мақсадидан келиб чиқиб бир қатор чекланишлар мавжуд бўлади. Чунки, айрим иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва инфляцион талаб даражасининг бозор конъюктурасига қараб ўзгариб туриши унинг кутилган натижасини бермай қолиши хавфи каттароқ бўлади. Шунинг учун корхона инвестицион лойиҳаларни самарали олиб бориши ва уни танлови режалаштирилган молиявий ресурсларга мос келиши керак.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни қай йўсинда жойлаштириш масаласи юзага чиқади. Бунда ресурсларни аниқ бир мақсадли ва кўзланган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган лойиҳаларга жойлаштиришни тақозо этади. Бундай аниқ мақсадга қаратилган лойиҳаларни иқтисодий баҳолашга бўлган ёндашиш танловининг ўзгариши қуйидаги қатор мажбурият ва шарт-шароитларга боғлиқ бўлади:

- корхона биринчи ўринда келажакда муносиб фойда келтирадиган товар ва хизматларни яратишга хизмат қиладиган асосий воситаларга йўналтиради;

- тадбиркорлик лаёқати тизими турли субъектлар фаолияти қамраб олади, яъни бунинг таркибига кирадиган мулкдорлар ва акционерлар, жисмоний ва юридик шахслар, давлат ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, маҳаллий ва хориж инвесторларидир. Буларнинг имкониятлари ва манфаатлари турлича бўлиб, субъектлар реал ва жорий инвесторларнинг ҳар бир лойиҳани баҳолаш бўйича ёндашувларни индивидуал таҳлил қилиши зарур бўлади;

⁹³ Мирзиёев, Шавкат Миромонович Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.- 592 б.

- инвестицион ресурс кенг маънода ўз имкониятидан келиб чиқиб ҳар қандай соҳага жойлаштириш ва лойиҳани амалга ошириши мумкин. Буни амалга оширишда албатта биринчи навбатда тўловни ҳар қандай кўринишда яъни қимматли қоғозлар, молиявий лизинг, кредитлар ва бошқа шаклларда руёбга чиқариши мумкин. Хорижлик инвесторлар учун эса лойиҳанинг баҳосидан қатъий назар унинг самарадорлиги, яъни капитал қайтими кўпроқ қизиқтиради. Ўз маблағлари бўлмаган тақдирда ҳам агар капитал қайтими улар манфаатини руёбга чиқаришига ишонч бўлса улар бошқа манбалар ҳисобидан бу ишларни амалга оширадилар.

Корхоналар томонидан реал объектларга инвестицияларни жойлаштириш бўйича қабул қилинаётган қарорларда инвестицияларнинг ҳажми ва унинг баҳоси ҳамда келажақда кутилаётган пул тушумлари таҳлил объекти бўлиши керак. Албатта бундай кўринишдаги таҳлил асосан мавжуд инвестиция миқдори ва ундан кутилаётган яъни прогнозлаштириладиган даромадга қаратилади. Бу таҳлил шунингдек, инвестицион лойиҳанинг ҳаётийлик даврига ва ундан кутилаётган даромад манбаига (сарф харажатлар айириб ташлангандан) боғлиқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай инвестицион лойиҳанинг жозибардорлигини аниқлаш учун аввало куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш ва ҳисобга олиш лозим бўлади:

- инвестицион лойиҳага сарфланадиган харажатлар миқдори;
- инвестицион самара;
- даромад, фойда, пул тушумлари оқими;
- инвестицион лойиҳанинг ҳаётийлик даври;
- маълум бир вақтда инвестицион лойиҳадан кутилаётган даромад даври;
- лойиҳани амалга ошириш қиймати;
- инвестицион лойиҳани амалга оширилган давр босқичидан бошлаб кутилаётган даромадлар.

Инвестицион лойиҳани амалга ошириш бўйича қабул қилинган қарорлардан келиб чиқиб унинг иқтисодий самарадорлигини белгилаб

берадиган асосий жиҳатларни аниқлаштириш керак бўлади. Бу бизга корхоналар инвестицион фаолияти тахлилини самарали олиб боришимизда жуда асқотади. Бу жиҳат ва мезонларга қуйидагилар киради:

- харажатлар – бир марталик, жорий, инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

- натижа – инвестицион лойиҳани ишга тушириш жараёнида олинган соф даромадлар;

- самара - ялпи натижа ва умумий сарф харажатлар ўртасидаги фарқ;

- самарадорлик – инвестицион капитал қайтимини тавсифловчи кўрсаткич;

- капитал қайтими – маълум вақт оралиғида инвестор томонидан қилинган сарф харажатлар эвазига унга қайтадиган даромад кўрсаткичи; Мазкур кўрсаткичлар бир бирига жуда ҳам алоқадор кўрсаткичлар бўлади. Инвестиция суммаси яъни ажратилган капитал миқдори инвестицион лойиҳага ажратилган сарф харажатлар умумий барчага маълум бўлган формула билан аниқланади:

$$K_p = \text{натижа/сарф харажатлар}$$

Мана шу кўрсаткичлар, шунингдек лойиҳанинг ҳаётийлик цикли даври самарадорлик кўрсаткичи орқали аниқланади ва бу лойиҳани амалга ошириш даврида тушаётган соф пул тушумларини тавсифловчи натижани белгилайди. Олинган даромад амортизация билан биргаликда самарадорликни тавсифловчи пул оқимларини вужудга келтиради. Пул оқими суммаси самарадорликнинг бошқа классик модели тақрибий қисми ҳисобланади. Бу самарадорликнинг барча жиҳатларини қамраб оладиган фаолият натижаси ифодалайди. Инвестицион лойиҳа иқтисодий самарадорлиги масаласи кўпгина замонавий илмий тадқиқотларда, адабиётларда етарлича аҳамият берилган⁹⁴. Лекин, реал инвестициялаш объектларини баҳолаш самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича яқдил фикрларни учратиш анча мураккаб яъни йўк.

⁹⁴ Ануфриев В.Е. Учет собственных источников финансирования капитальных вложений // Бухгалтерский учет. - 1998. - № 6, С. 89-91.; Асланова З., Лившиц В. Методы оценки эффективности инвестиционных

Шундай қилиб, хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инвестицион фаолият жараёнида инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда ҳудудларда бир қатор муаммоларга дуч келинади. Улардан айримлари эса қуйидагилар:

- юқори инфляцион кутишлар. Бунда эса нархларнинг шаклланиш жараёнида кескин тебранишлар эҳтимоли кенгайди. Маълумки, ҳозирги кунда “Коронавирус эпидемияси” бутунжаҳон иқтисодиётининг фалаж ҳолатига олиб келмоқда. Бу ўз ўрнида инфляцион ўзгаришларга олиб келиши тайин;

- лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестицион ресурсларни мақсадли йўналтиришга ва шартнома шартлари бузилмаслигига тўсик бўладиган ишончли механизмларнинг йўқлиги.

Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар инвестицион жараёндаги юқори хавф даражасини белгилаб беради. Шу муносабатдан ҳозирги кунда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, баҳолаш ва самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни ташкил қилишга йўналтирилган, бевосита инвестицион хавфлар даражасига таъсир кўрсатадиган давлат томонидан қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Бу фикримизча, жаҳон узра хавф солаётган инқирозли ҳолатнинг бирмунча юмшашига сабаб бўлади.

**Навоий давлат педагогика институти
Иқтисод фанлари номзоди, доцент
Зойиров Зайниддин Худойқулович
mail: lola_xalilova88@mail.ru**

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲУДУДЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада Навоий вилояти ҳудудларининг экспорт салоҳияти, имкониятлари, омиллари, самарали фойдаланиш манбалари шунингдек, экспорт географияси ва таркиби кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: экспорт, экспорт салоҳияти, экспорт имкониятлари, экспорт йўналишлари, экспорт географияси, экспорт таркиби.

Сўнги йилларда ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобидан жаҳон бозорларида маҳсулотларимиз рақобатдошлигини оширишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантиришни давом эттириш, энг аввало, импорт ўрнини босувчи истеъмол товарлар ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастурининг муҳим вазифалари қаторидан ўрин олган. Жумладан, “Биринчи навбатда, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни юқори даражада маҳаллийлаштиришга йўналтирилган иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш”[1] белгилаб қўйилган эди. Айниқса қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ҳисобига жорий йилда 2 миллиард АҚШ долларига тенг, келгуси 5-7 йилда эса бундан 3-4 баравар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилмоқда.[2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 2 сентябрь ПФ-5177-сон Фармони барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратди. Ушбу Фармон туфайли мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар бартараф этиб борилмоқда. Айниқса, валютани тартибга солишга ҳаддан зиёд маъмурий аралашувни камайтириш ва яширин иқтисодиётнинг қисқаришига эришилди. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи

юрдик ва жисмоний шахсларда экспорт билан шуғулланишга бўлган қизиқиш ортмоқда.

Фикримизни Навоий вилояти ҳудудлари мисолида рақамлар орқали қуйидагича изоҳлаймиз:

Вилоятда 2019 йил якунларига кўра, экспорт ҳажми - 361844,4 минг АҚШ долларни ташкил этди. Шу жумладан кичик бизнес субъектларида (КБС) – 92911,8 минг АҚШ долларидан иборат бўлди.

Шундан, Навоийда 255685,5 минг АҚШ доллари, шу жумладан, КБС да 34395 минг АҚШ доллари; Зарафшонда 1613,0 минг АҚШ доллари, шу жумладан, КБС да 1468,7 минг АҚШ доллари; Карманада 26796,5 минг АҚШ доллари, шу жумладан, КБС да 15388,3 минг АҚШ доллари; Қизил-тепада 24085,7 минг АҚШ доллари, шу жумладан, КБС да – 24003,0 минг АҚШ доллари, Навбахорда 20071,0 минг АҚШ доллари, шу жумладан, КБС да – 20071,0 минг АҚШ доллари бўлган ҳолда Нуротада 3592,0 минг, Конимехда 1489,0 минг, Учқудукда 1061,7 минг, Томдида 428,4 минг АҚШ долларини ташкил этади ҳолос. Шу жумладан, КБС улуши тегишли равишда 3592,0: 1488,9: 1055,6: 422,4 АҚШ долларидан ошмайди. Айниқса, Вилоят бўйича аҳолисининг сони ва иқтисодий салоҳияти жуда катта, Хатирчида экспорт ҳажми 12098,2 минг АҚШ долларини ташкил этиши, бу ҳудудда ҳали фойдаланилмаган жуда катта экспорт имкониятлари борлигини кўрсатади. [3]

Навоий вилоятининг экспорт кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики:

Биринчидан - шаҳар ва туманларда экспорт салоҳиятидан етарлича фойдаланилмапти;

Иккинчидан – барча ҳудудлар (Навоий ва Зарафшондан ташқари) асосан ички бозорлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмоқда;

Учинчидан – барча қишлоқ туманларида экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан асосан кичик тадбиркорлик субъектлари шуғулланади;

Тўртинчидан – энг мухими, ушбу ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий технологиялар киритиш етарлича эмас.

Юқоридаги таҳлиллар асосида бир неча таклиф ва мулоҳазалар билдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Дунё бўйича содир бўлаётган коронавирус “COVID-19” пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф этиш пайтида ҳудудларнинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор бериш лозим. Бундай салоҳият, масалан Навоий вилоятида жуда катта. Жумладан, Карманада “Кичик саноат зоналари”ни, Хатирчи, Қизил-тепа, Навбахорда экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агро-кластерларни, агрокооперация асосида фаолият юритувчи деҳқон ва томорқа хўжаликларини, Нурота, Конимех, Учқудуқ, Томди туманларида гўшт, сут, тери ва жунни замонавий технология асосида қайта ишловчи ва экспорт қилувчи чорвачилик кластерларини йўлга қўйиш лозим.

- Вилоятнинг барча ҳудудлари хорижлик саёҳларга туристик хизматлар кўрсатиш ва хориж валюталари тушумига эга бўлишда салмоқли имкониятларга эга, хусусан Нурато “Чашма” мажмуаси, Навбахор “Сармишсой” дараси табиий-этнографик ҳудуди, Хатирчи “Лангар” ва “Санги-Жумон” саёҳлик ҳудуди, Учқудуқ яқинидаги “Тош ўрмон”, Карманадаги “Қосим шайх” ва “Деҳгарон” ҳамда Қизил-тепаннинг Тошработ ҳудудида жойлашган “Хўжа Ҳасан Андоқий” зиёратгоҳлари, Конимех, Учқудуқ ва Томди ҳудудларидан иборат, “Қизил-қум” саҳроси экологик туризм масканларидир.

- Ҳудудлар салоҳиятини ишга туширишда ички имкониятлардан ташқари Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳам муҳим. Ҳозиргача Навоий вилоятининг экспортида асосан МДҲ мамлакатлари катта салмоққа эга бўлиб, Россия, Қозоғистон, сўнгги йилларда Тожикистон етакчилик қилиб келмоқда. Товарлар экспорти таркибида эса асосий ўринни кимё маҳсулотлари (64,5%) эгаллайди. Хизматлар кўрсатиш бўйича эса транспорт (69,7%) эгаллаб келмоқда. Демак, экспорт географиясини кенгайтиришдан ташқари, унинг

таркибини ҳам жиддий ўзгартириш лозим. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш салмоғини ошириш керак.

Хулоса шуки, Ҳаракатлар стратегиясида таъкидланганидек, бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг экспорт салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш орқали аҳолининг бандлиги, оилаларнинг даромадлари ва камбағаллик муаммолари ўз ечимини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент шаҳри 2017 йил 7 феврал.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, “Халқ сўзи” газетаси 25 январ.

3.2019 йил январ-декабр ойлари яқунларида Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Вилоят статистика бошқармаси. Навоий шаҳри 2020 йил.

**Ташкентский государственный экономический университет
PhD, Амиров Лочинбек Файзуллаевич**

ПУТИ РАЦИОНАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В данной статье изучены пути рационального обеспечения использования водных ресурсов в сельском хозяйстве и принципы управления водными ресурсами.

Ключевые слова: водные ресурсы, сельское хозяйство, управление, водоснабжение.

За годы независимости в Узбекистане проведена радикальная реформа системы управления водным хозяйством, осуществлены работы по целевому

и эффективному использованию водных ресурсов и улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель. В результате этого, после перехода к лимитному использованию воды на протяжении 15 лет потеря оросительной воды на каждый гектар снизилась на 10-12 процентов⁹⁵, улучшены качественные и количественные показатели деятельности водных хозяйств. Эти меры создали основу для повышения урожайности сельскохозяйственных культур и устойчивому развитию данной отрасли. В настоящее время имеются некоторые проблемы по организации использования водных ресурсов в сельском хозяйстве, в частности, водоснабжение, управление водопользованием, адаптация (приспособление) к рыночным условиям договорных отношений и процедур оплаты за воду, что является одним из актуальных вопросов. В этой связи хотелось бы, отметить, что объем воды, использованной в течении сезона полива в 2019 году, составил 37911,5 млн. м³

Следует упомянуть, что в общем водопотреблении доля сельского хозяйства составляет 88%. Если учесть тот факт, что сельскохозяйственное производство страны, а также жизнеобеспечение, доходы и благосостояние свыше двадцатимиллионного сельского населения зависит от водоснабжения, то не составит никакой трудности понять всю важность задачи водоснабжения для всей отрасли.

Урожайность орошаемых культур, а также объем валового производства непосредственно зависят от водоснабжения. В современных условиях ограниченности водных ресурсов и сохраняющегося их дефицита, целесообразное, рациональное и эффективное использование водных ресурсов, недопущение его чрезмерного использования является приоритетным направлением управления водными ресурсами. С этой точки зрения, целесообразным представляется анализ современного состояния

⁹⁵ www.water.agro.uz – официальный сайт Министерства водного хозяйства Республики Узбекистан

водопользования в орошаемом земледелии и их экономической эффективности.

Водное хозяйство в нашей республике является одним из основных секторов экономики. Управление водными ресурсами включает в себя комплекс процессов, связанных с исследованием, идентификацией, использованием, охраной водных ресурсов и сооружений, а также борьбой с вредными последствиями воды. Существующие подземные и поверхностные водные ресурсы в республике в основном потребляются в промышленности, сельском хозяйстве, энергетике, рыболовстве, бытовом обслуживании и других сферах. Большая часть водных ресурсов используется в сельском хозяйстве. 92 процента общего объема потребляемых водных ресурсов приходится на долю именно этой сферы.

В этой связи хотелось бы отметить, что развитие аграрного сектора напрямую зависит от рационального использования водных ресурсов, защиты рабочего состояния сооружений и установок водоснабжения, управления этими процессами. Как известно, сельское хозяйство в нашей республике основано на орошаемом земледелии. 94% сельскохозяйственной продукции нашей страны выращивается на орошаемых землях.

В Республике Каракалпакстан, Хорезмской, Сырдарьинской и Ташкентской областях, которые снабжены собственными потоками, этот показатель равен 11,5; 9,6; 12,2 и 9,3 сумов, соответственно. В целом, расходы на электроэнергию и заработную плату в 2016 году составили 89,8% общих расходов. Именно этот вид расходов вызвал увеличение себестоимости 1 м³ воды.

В то же время, работы по капитальному выравниванию в фермерских хозяйствах, из-за нехватки финансовых ресурсов, осуществляются очень вяло. Нормативный показатель неравномерной высоты верхней поверхности орошаемых земель вместо 3-10 сантиметров составляет 20-30 сантиметров. В целом, общая потеря полученной из источников воды в республике составляет 24146 млн. м³. Из них, 13,2% попадает в основные каналы, 20,4% - в

междугородные каналы, 34,4% - в бытовые ирригационные сети и 31,0% - непосредственно на поливные карты, то есть на орошение сельскохозяйственных культур.

На основе вышесказанного, можно сказать, что:

- сохраняющиеся периодические потери воды свидетельствуют о слабости осуществляемых реформ в данной сфере. Принятие организационных, экономических и административных мер, внедрение рыночных механизмов и принципов диктуется требованием времени.

- устаревание оросительных сетей и низкий коэффициент их использования остается основным источником потерь воды. Ввиду этого, необходимо разработать государственную программу модернизации, техническое и технологическое вооружение ирригационных систем. Для его реализации целесообразным представляется привлечение внутренних и иностранных инвестиций, средства Фонда реконструкции и развития.

- основным фактором стратегической задачи рационального и эффективного водопользования должно стать внедрение водосберегающих технологий. Для их широкого внедрения необходимо создание механизма государственного поощрения и стимулирования.

- медленный рост эффективности использования воды, резкое возрастание себестоимости воды свидетельствуют о низкой эффективности использования финансовых средств. Для повышения участия ассоциаций водопотребителей и укрепления их статуса, вопросы финансирования и управления межхозяйственными оросительными сетями нужно отдать на распоряжение фермерских хозяйств.

Вместе с тем, необходимо также изучение принципов управления водными ресурсами. Согласно мнению ряда ученых, “одной из важных направлений осуществляемых в стране реформ является переустройство системы управления экономикой, находящейся на пути перехода к рыночной системе. Данная проблема имеет особое значение на уровне предприятий, кардинально меняющих состояние условий рыночной экономики”.

Вследствие этого, формирование системы управления, обеспечивающей достижение высокой эффективности, конкурентоспособности и устойчивого развития является одной из важных задач. С этой точки зрения, в водном хозяйстве деятельность необходимо вести исходя из принципов и задач менеджмента. С учетом этого, меры, осуществляемые в области политики по охране природы и рационального водопользования, а также охраны окружающей среды, основаны на следующих принципах:

- отношение к охране окружающей среды как к фактору повышения благополучия населения и согласование социальной, экономической и экологической политик по его восстановлению;

- переход от защиты отдельных составляющих окружающей среды к всеобщей и комплексной защите экосистем;

- обеспечение активного участия населения в защите окружающей среды и ее биоразнообразия;

- совместное пользование межгосударственными источниками, а также водными ресурсами и следование соглашениям по их защите;

Сложность системы управления использованием водных ресурсов заключается не только в ее состоящей из множества инфраструктур строения, но и также их тесной взаимосвязи между собой. Поэтому эффективным способом обоснования принятия сложных решений во всех сферах и обеспечение взаимосвязанности между ними является системный подход. Для этого, важной значение имеет анализ структуры системы и принципов работы и их тщательное исследование, а также анализ присущих всем ее составным элементам свойств, взаимозависимостей и внутреннего строения. То есть, необходимо принять во внимание отдельные элементы системы управления использованием водных ресурсов, проявляющей себя в качестве сложной системы, и их взаимосвязанность, а также определить значение каждого элемента, занимаемой в деятельности системы.

Анализ системы управления использованием водных ресурсов требует согласования возможностей не только составных элементов системы, но и ее

деятельности. Это приобретает особое значение при принятии решений в области водного хозяйства и расширения сферы ее влияния, повышения его эффективности.

Одной из важнейших проблем системы управления использованием водных ресурсов заключается в несоответствии существующих водных ресурсов будущему спросу, то есть в неспособности удовлетворения спроса. Решение этой проблемы можно найти в разработке системы использования водных ресурсов. Данная система позволит удовлетворение спроса на качество и объем воды с учетом экологической безопасности.

В системе управления использованием водных ресурсов на основе объема водных ресурсов (отдельная часть бассейна реки, бассейн, несколько бассейнов, область, регион) определяются границы, входные, выходные и основные пути сообщения и разрабатывается структура исследуемой системы, в которой отражаются организация системы управления использованием водных ресурсов и последовательность принятия решений в процессе ее деятельности. Это исходит из принципа работы системного анализа. Если быть точнее, системный анализ – это наука, занимающаяся проблемами принятия решений с помощью сложного анализа различных физических состояний с целью выбора наиболее оптимального варианта. Методы, внедренные в результате проведенных в стране реформ, дают возможность получать воду в рамках определенных лимитов, управлять и перераспределять воду в течении года. Однако, это не может полностью удовлетворить общий спрос на воду в Узбекистане. Это является региональной проблемой, требующей решения проблем управления трансграничными водными ресурсами на межгосударственном уровне. Мировой опыт совместного управления водными ресурсами показывает, что совместные региональные усилия стран Центральной Азии могут извлечь краткосрочную выгоду от использования воды и гарантированного водоснабжения на национальном уровне, а также полностью окупить себя в условиях влияния мирового финансово-экономического кризиса. Исходя из этого, в диссертации

предлагаются критерии перехода к интегрированному управлению трансграничными водными ресурсами на региональном уровне и внедрения экономически эффективных технологий. Это позволит региональным и национальным организациям перейти на «единый информационный язык» и повысит эффективность управления водными ресурсами.




Рисунок 1. Содержание критериев интегрированного управления водными ресурсами⁹⁶

Цель внедрения интегрированного управления водными ресурсами заключается в решении экономических, социальных и экологических проблем эффективного и устойчивого управления водными ресурсами. Реализация этой цели должна основываться на критериях, приведенных на рис. 1.

Исходя из принципов, критериев и соблюдения правил управления водными ресурсами для эффективного использования средств управления и развития его институтов рекомендовано уделить особое внимание координации нормативных документов по использованию водных ресурсов; строгому соблюдению принятых международных обязательств в отношении международных природоохранных конвенций, понимание необходимости присоединения всех государств региона к международным конвенциям по водным ресурсам; переходу к эффективному механизму распределения воды по межгосударственным потокам воды на основе приоритета снабжения питьевой водой и удовлетворения экологических и социальных потребностей;

⁹⁶ Разработано автором.

реализации механизмов управления в соответствии с законами и правилами по качеству воды и охране окружающей среды; разработке механизма санкций в случае несоблюдения закона, а также регулирование чрезвычайных ситуаций, связанных с нехваткой воды, загрязнением воды; широкомасштабном использовании информационных технологий в контроле деятельности водного хозяйства; более широком участии частного сектора в управлении, расширении его доли в финансировании и обслуживании (ирригация, гидроэнергетика, водоснабжение и канализация); безоговорочное подчинении всех водопользователей или водопользователей установленным нормам или правам получения воды; организации и развитию кадрового потенциала в системе управления водными ресурсами, включая подготовку и повышения квалификации специалистов в области риска, экологической, социально-экономической оценки и решение институциональных проблем.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
илмий тадқиқот маркази сектор мудири,
PhD, доцент Валиев Бобур Батирович

МИНТАҚАЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШДА УЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақола Ўзбекистон минтақалари инвестиция салоҳиятини аниқлашда инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолашга бағишланган. Эконометрик баҳолашда 14 та ҳудуд бўйича 9 йиллик маълумотлардан фойдаланилган. Хулосада инвестиция салоҳиятини ошириш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, инвестиция, минтақа, салоҳият, эконометрик баҳолаш, иқтисодий ўсиш

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги парламентга йўллаган Мурожаатномасида 2019 йилда амалга оширилган асосий ишлар ва мамлакатни 2020 йил ва кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида иккинчи устувор йўналиш сифатида инвестицияларнинг аҳамиятига алоҳида урғу бериб, *“...Иккинчидан, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур..”* – дея таъкидлаган [1].

Минтақавий сиёсат давлат томонидан тартибга солишнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг энг оқилона тақсимланишига ва турмуш даражасини тенглаштиришга ёрдам берадиган қонунчилик, маъмурий ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Уолтер Айзард (1919-2010 йй.) томонидан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини худудларда прогнозлашнинг яхлит модели ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий элементлари истеъмолчилар талаби ва унинг географик тақсимооти, шунингдек маълум иқтисодий ресурсларнинг мавжудлиги ҳисобланади [2]. Муаллиф ўзига хос техник ва иқтисодий ёндашувни илгари суриб, унинг доирасида маҳсулот таннархининг хомашё ва транспортга боғлиқ таркибий қисмларига ва унга маҳсулот ишлаб чиқариш кўламининг таъсирига алоҳида аҳамият берган. Академик А.Г.Гранберг фикрига кўра, кенг маънода минтақавий иқтисодиётнинг мавзуси мураккаб ва кўп томонлама характерга эга [3]. А.Г.Гранберг минтақавий иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни келтиради: алоҳида минтақанинг иқтисодиёти; минтақалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар; минтақавий тизимлар (миллий иқтисодиёт - ўзаро таъсир қилувчи минтақалар тизими сифатида); ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш; иқтисодий ҳаётнинг минтақавий жиҳатлари.

Кенг маънода “салоҳият” тушунчаси муайян вазифа ёки мақсадга эришиш учун ишга солиниши ёки фойдаланилиши мумкин бўлган манбалар,

имкониятлар, воситалар ёки захиралардан иборат бўлади. Шундай экан, “инвестиция салоҳияти” тушунчаси фойда олиш ёки бошқа иқтисодий натижаларга эришиш мақсадида узоқ муддатли активларга, шу жумладан, қимматли қоғозларга маблағлар киритиш имконияти даражасини ифодалайди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олими А.М.Содиқовнинг ёндашувига кўра, муайян минтақада инвестиция салоҳияти ундаги табиий-ресурс, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, инновация, меҳнат, институционал, молиявий салоҳият билан аниқланади [4]. Унинг тадқиқотларида келтирилишича, фақатгина минтақанинг табиий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олибгина капитални жалб қилишдан кутилаётган самарага эришиш ва уни иқтисодиётни жадал ривожлантиришга йўналтириш мумкин. А.М.Марголиннинг фикрича, инвестиция салоҳияти бу маълум даражада тартиблашган инвестиция ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, улардан фойдаланиш синергизм самарасига эришишни таъминлайди, объектга турли омилларнинг ўзаро биргаликдаги таъсирлашуви натижасидаги самарани таъминлайди. Мазкур таъсир самараси эса омилларнинг объектга алоҳида таъсирлари самараси йиғиндисидан катта бўлади [5].

С.А.Трухин эса инвестиция салоҳиятини меҳнат, истеъмол, ишлаб чиқариш, молиявий, институционал, инновацион, инфратузилма ва табиий-ресурс салоҳиятларини баҳолаш орқали аниқлашни таклиф этади [6]. Бошқа бир иқтисодчи олим Д.Д.Деньгин инвестиция салоҳиятини минтақанинг макроиқтисодий хусусияти сифатида билиб, ўз ичига иқтисодий-географик шароити, ҳудуднинг ишлаб чиқариш омиллари билан тўйинганлиги, аҳоли турмуш даражаси, уларнинг истеъмол талаби каби омилларни қамраб олишини таъкидлайди [7].

Эконометрик ҳисоб-китоблар орқали жуфтлик регрессия функциялари ёрдамида инвестициялар ўсишининг иқтисодий ўсишга таъсир даражаси эластиклик коэффициентлари орқали ифодаланди. Маълумки, инвестициялар ишлаб чиқаришга ўзлаштирилиши билан якуний натижага, яъни иқтисодий

Ўсишга таъсир кўрсатиши учун муайян муддат талаб этилади. Мазкур муддат инвестицион лаг деб номланиб, инвестициялар таъсирининг маълум вақт оралиғида кечикиб иқтисодий ўсишга ўтишини ифодалайди. Биз эконометрик ҳисоб-китобларда инвестициялар таъсирининг ушбу хусусиятларини ҳам эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон ҳудудларида инвестицияларнинг 3 йилгача бўлган ҳар бир лагдан фойдаландик (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистон ҳудудларида инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари

| Мустақил ўзгарувчилар (independent variable) | | Тобе ўзгарувчи (grp_growth) – ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши | | | | | |
|--|---|--|---|--|--|--|--|
| | | Эластиклик коэффициентлари | | | | | |
| | | 1 йиллик лаг | | 2 йиллик лаг | | 3 йиллик лаг | |
| | | Random effects GLS regression | Fixed effects (within) regression | Random effects GLS regression | Fixed effects (within) regression | Random effects GLS regression | Fixed effects (within) regression |
| <i>C</i> | константа | 104.8489 (*1.223885) (**85.67) (***0.000) | 104.8084 (*1.160727) (**90.30) (***0.000) | 104.6087 (*1.227492) (**85.22) (***0.000) | 104.595 (*1.161363) (**90.06) (***0.000) | 101.5541 (*2.189705) (**46.38) (***0.000) | 101.5344 (*2.172638) (**46.73) (***0.000) |
| <i>In_gr</i> | Ҳар бир ҳудудда жами инвестициялар ўсиш суръати | 0.0241959 (*0.0098802) (**2.45) (***0.014) | 0.024554 (*0.0099607) (**2.47) (***0.015) | 0.0255824 (*0.0096373) (**2.65) (***0.008) | 0.0256999 (*0.0096902) (**2.65) (***0.009) | 0.0526826 (*0.0186226) (**2.83) (***0.005) | 0.0528552 (*0.0188195) (**2.81) (***0.006) |
| R-squared: within | | 0.0519 | | 0.0596 | | 0.0663 | |
| R-squared: between | | 0.0016 | | 0.0003 | | 0.0048 | |
| R-squared: overall | | 0.0364 | | 0.0438 | | 0.0507 | |
| rho | | 0.2013652 | 0.25331415 | 0.20354306 | 0.25359971 | 0.20418531 | 0.25350189 |
| Танланма даври Time: 2000-2018 | | Танланма гуруҳлари сони Number of groups=14 | | Кузатувлар сони Number of obs=126 | | | |
| * Стандарт хатолик (Std. Error) | | | ** t (z) - статистика (t-Statistic) | | ***p-эҳтимоллик қиймати (Prob.Value) | | |

Инвестицияларнинг самарадорлигини аниқлашда уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари ҳам аниқ ҳулосалар чиқариш имконини беради. Шу боис, Ўзбекистоннинг 14 та ҳудудлари бўйича 2000-2018 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларига асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари таъсири панел маълумотлар базасига асосланган регрессия функциялари орқали баҳоланди. Эконометрик

баҳолашда 14 та ҳудуд бўйича 9 йиллик маълумотлардан фойдаланилгани боис кузатув нуқталари сони 126 тага етди. Бошқача айтганда, ҳудудлардаги иқтисодий ўсиш ва инвестицияларнинг ошиши ўртасидаги 126 та ўзаро таъсирлашув ҳолатини ўзаро таҳлил қилиш асосида “Stata” компьютер дастуридан фойдаланиб, инвестицияларнинг иқтисодиётга таъсири қонуниятини аниқланди.

Ўзбекистон ҳудудларида 2010-2018 йилларга нисбатан инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижаларига кўра инвестицияларнинг эластиклик коэффициенти бир йиллик лаг ҳолатида (“Random effects GLS regression”, Fixed effects (within) regression усулларида) **0.024** дан ортиқни, икки йиллик лаг билан айтилган икки усулда ҳам эса **0.025** дан ортиқни ташкил этган. Уч йиллик лагни ҳисоблашда эса сўнгги уч йиллик кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматидан фойдаланилди. Натижада эса уч йиллик лаг ҳолатида ҳудудларда инвестициялар ўсишининг иқтисодий ўсишга таъсири эластиклик коэффициенти деярли **0.053** ни ташкил этди. Мазкур рақамлардан кўриш мумкинки, инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсир даражаси уч йиллик (лаг) даврда ўзининг энг юқори қийматиغا эга бўлган. Бу эса муайян йилга нисбатан сўнгги уч йилликда ҳудудларга жалб қилинган инвестицияларнинг ўртача ўсиш суръатининг 1 фоиз пунктга кўтарилиши (масалан, ўсиш суръати 102% дан 103%га етган бўлса) иқтисодий ўсиш суръатининг (яъни ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати) 0,053 фоиз пунктга ошиши билан уйғун келмоқда. Шунингдек, эластиклик коэффициентларининг турли лаглар бўйича қийматларининг кўрсатишича, мамлакатимиз ҳудудларида инвестиция лойиҳалари биринчи ва иккинчи йилларга қарганда, уч йиллик даврда иқтисодий ўсишга энг кўп ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ҳудудларида ички инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижалари

| Тобе ўзгарувчи (grp_growth) – ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши | | | | | | | |
|--|--------------------------|--|--|--|--|--|---|
| Мустақил ўзгарувчилар (independent variable) | | Эластиклик коэффицентлари | | | | | |
| | | 1 йиллик лаг | | 2 йиллик лаг | | 3 йиллик лаг | |
| | | Random effects GLS regression | Fixed effects (within) regression | Random effects GLS regression | Fixed effects (within) regression | Random effects GLS regression | Fixed effects (within) regression |
| C | константа | 103.2764 *1.444914 **71.48 ***0.000 | 103.2246 *1.391566 **74.18 ***0.000 | 103.3987 *1.491505 **69.33 ***0.000 | 103.3951 *1.444307 **71.59 ***0.000 | 97.34005 *2.420521 **40.21 ***0.000 | 97.3961 *2.414191 **40.34 ***0.000 |
| di_gr | Ички инвестициялар ўсиши | 0.0382837 *0.0120502 **3.18 ***0.001 | 0.0387438 *0.0121203 **3.20 ***0.002 | 0.0362295 *0.0121654 **2.98 ***0.003 | 0.0362605 *0.0122667 **2.96 ***0.004 | 0.0903099 *0.0208959 **4.32 ***0.000 | 0.089816 *0.0211493 **4.25 ***0.000 |
| R-squared: within | | 0.0843 | | 0.0730 | | 0.1398 | |
| R-squared: between | | 0.0060 | | 0.0050 | | 0.0425 | |
| R-squared: overall | | 0.0593 | | 0.0559 | | 0.1147 | |
| rho | | 0.20843199 | 0.26095151 | 0.20579667 | 0.25471947 | 0.21435876 | 0.26222952 |
| Time: 2000-2018 | | Number of groups=14 | | Number of obs=126 | | | |
| * Стандарт хатолик (Std. Error) | | ** t (z) - статистика (t-Statistic) | | ***p-эҳтимоллик қиймати (Prob.Value) | | | |

Ўтказилган эконометрик ҳисоб-китоблар бўйича адекватлик тестларини ифодаловчи Стандарт хатолик (Std. Error), t (z) - статистика (t-Statistic), p-эҳтимоллик қиймати (Prob.Value), Спирмен корреляция коэффицентлари (rho) кўйилган талабларга мос келади. Хусусан, p-эҳтимоллик қийматлари инвестициялар ўсиши ўзгарувчиси бўйича барча лаглар ва “Random effects GLS regression” ва Fixed effects (within) regression усулларида ҳам 0.005-0.015 оралиғида бўлди. Спирмен корреляция коэффицентлари (rho) ҳам 0.201- 0.253 қийматларни ташкил этиб, белгиланган талаблар даражасида бўлди.

Республикамиз ҳудудларида 2010-2018 йилларга нисбатан ички инвестицияларнинг (корхона маблағлари, аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари, давлат бюджети маблағлари, мақсадли жамғармалар) иқтисодий ўсишга таъсирини эконометрик баҳолаш натижаларига кўра эластиклик коэффицентлари бир йиллик лаг ҳолатида “Random effects GLS regression” ва Fixed effects (within) regression усулларида мос равишда **0.0382**

ва **0.0387** қийматларни, икки йиллик лаг билан айтилган икки усулда ҳам эса **0.0362** дан ортиқни ташкил этган. Уч йиллик кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматидан фойдаланиб, уч йиллик лаг билан ҳисоблаганда эса эластиклик коэффицентлари сезиларли даражада юқорироқ бўлиб, “Random effects GLS regression” усулида **0.0903** ва Fixed effects (within) regression усулида **0.0898** қийматга эга бўлди. Натижалардан аён бўладики, республикамиз ҳудудларида ички инвестициялар ишлаб чиқаришга ўзлаштириш бошланишидан уч йилдан сўнг уларнинг иқтисодий ўсишга юқорироқ ижобий таъсири сезила бошламоқда. Адекватлик тестларини ифодаловчи р-эҳтимоллик қийматлари инвестициялар ўсиши ўзгарувчиси бўйича барча лаглар ва “Random effects GLS regression” ва Fixed effects (within) regression усулларида ҳам 0.000-0.004 оралиғида бўлди. Спирмен корреляция коэффиценти (ρ) ҳам 0.205-0.262 қийматларни ташкил этиб, белгиланган талаблар даражасида бўлди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Мазкур ҳолат мамлакатимиз ҳудудларида 2000-2018 йилларда ўқтисодий ўсишни таъминлашда ички инвестицияларнинг ижобий таъсири хорижий инвестицияларга нисбатан юқори бўлганини кўрсатади. Шунингдек, эконометрик таҳлиллар натижалари хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга бўлган ижобий таъсирини чуқур шубҳа остига олади. Бошқача айтганда, 2000-2018 йилларда ҳудудларда ўзлаштирилган хорижий инвестициялардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича оқсоқликлар мавжудлиги ва бу ўз навбатида уларнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги кучини сезилмаганлиги билан тавсифланади. Шунинг учун, ҳудудларда инвестиция салоҳиятини оширишда уларни жалб қилишни рағбатлантириш ва инвесторларга имтиёзлар бериш тизимини шакллантиришда инвестицияларни қайта ишлаш тармоқлари, ахборот ва коммуникация соҳалари, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, электроника тармоқлари каби замонавий ва юқори қўшилган қийматга эга соҳаларга йўналтиришни таъминлаш зарур. Ҳар бир минтақанинг ўзига хос ишлаб чиқариш салоҳияти, нисбий устунликлари ва ўсиш заҳираларини ҳисобга

олган ҳолда узоқ муддатли ҳудудий инвестиция стратегияларини шакллантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, эркин иқтисодий зоналарда ихтисослашувни, инвестиция лойиҳаларини танлаш мезонларини, тақдим этиладиган имтиёзлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий турларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
2. Walter Isard, Spatial Dynamics and Optimal Space-Time Development (1979). ISBN 10: 0444002731 ISBN 13: 9780444002730
3. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики// Изд. дом ГУ-ВШЭ, 2006. С. 496
4. Садыков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. С. 198 – 201.
5. Марголин А. М. Экономическая оценка инвестиций. М., 2001. С. 357–359.
6. Трухин С.А. Оценка инвестиционной привлекательности и инновационного потенциала региона (на примере Алтайского края) // Ползуновский Вестник. 2006. № 3-1. С. 200–203.
7. Деньгин Д.Д. Региональный инвестиционный потенциал: пути изучения и проблемы использования // Экономический журнал. 2009. Т. 16. № 2. С. 50–56.

ДАВЛАТ ФИСКАЛ СИЁСАТИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Сўнгги йиллар оралигида мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётимизда макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Аммо сўнгги йилларда халқаро истисодий ҳолат барқарорликни таъминлашни анча мураккаблаштирмоқда.

Калит сўзлар: макроиқтисодий барқарорлик, даврий тебранишлар, глобаллашув, ташқи қарз

XXI аср бошларида жаҳон иқтисодиётида кескин даврий тебранишлар ва пасайишларнинг кучайиши, глобаллашув натижасида иқтисодий алоқаларнинг бир-бирига боғлиқлик даражасининг ортиши, жаҳон бозорларида ялпи талабнинг пасайиши, мамлакатларда ташқи қарз даражасининг муттасил ошиши ҳамда бугунги кунда барчанинг эътиборида бўлган “Янги буюк инқироз” номи билан аталаётган коронавирус эпидемиясининг кескин тарқалиши⁹⁷ иқтисодиётда янгидан-янги иқтисодий ислохотларни олиб боришни тақозо этмоқда. “Bloomberg” агентлиги маълумотига кўра, COVID-19 коронавирус инфекциясининг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш анча мураккаб. Шундай экан, ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг тўхташи иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади⁹⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбир билан айтганда “2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош


⁹⁷ Стало ясно, когда разразится новый мировой финансовый кризис – РИА новости, 10.10.2019. <https://ria.ru/20191010/1553590625.html>.; Новая Великая депрессия: как коронавирус влияет на мир и экономику. <https://www.rbc.ru/rbcfreenews/5e7557f39a794724532f0efc>.

⁹⁸ В МВФ оценили влияние коронавируса на мировую экономику. <https://www.rbc.ru/rbcfreenews/5e7557f39a794724532f0efc>.

вазифамиздир. Биз шу йилдан бошлаб инфляциявий таргетлаш тизимини жорий қилишга ўтдик. Бу борада Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги иқтисодий ўсиш билан инфляция ўртасида мувозанатни таъминлаши, ташқи хавф-хатарларни ҳисобга олиши зарур⁹⁹.

Шундай экан, замонавий кўринишдаги ташқи хавф-хатар ва инқирозни олдини олишда давлат томонидан тартибга солишда давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг макроиқтисодий барқарорликка самарали таъсирчан механизмини ишлаб чиқишни тақозо этади. Маълумки, иқтисодий тарихий саҳнада даврлар ўтган сари давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсати такомиллашиб борган. Албатта, даврлар ўтган сари мазкур сиёсатнинг кучли ва салбий томонлари юзага чиқа бошлаган. Охирги йилларда бу сиёсат дастакларининг иқтисодий жараёнларга турли тарздаги самарали таъсирчан устувор йўналишлари вужудга кела бошлади.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун бозор иқтисодиёти шаротида талаб ва таклиф қай даражада бошқарилаётганлиги қисқача айтганда макроиқтисодий сиёсатнинг қандай олиб борилаётганлигига боғлиқдир. Макроиқтисодий сиёсат давлат томонидан пул-кредит, бюджет ёки ташқи-иқтисодий сиёсат каби дастаклар орқали тартибга келтирилади. Макроиқтисодий барқарорликка эришиш йўлида давлат фискал сиёсатининг ҳам аҳамияти жуда катта ҳисобланади.



1-расм. 2010-2019 йилларда реал ЯИМ ўсиш суръатлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари (ЯИМ нисбанан фоиз ҳисобида)

⁹⁹ <http://uza.uz/uz/politics/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-25-01-2020> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.

1-расм маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, республика-мизнинг 2010-2019 йиллар оралиғидаги давлат бюджети сарф-харажатлари ва даромадларининг ўзгариши реал ЯИМнинг ўсиш суръатлари билан мутаносиб равишда ўзгариш тенденциясига эга бўлган. 2010 йилда давлат бюджет даромадлари ЯИМга нисбатан 22,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб эса, 24,2 фоизга кўпайган. Худди шу тарзда давлат бюджети харажатлари 2010 йилда ЯИМга нисбатан 21,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 25,3 фоизга ортган.

Мамлакатимизда реал ЯИМнинг ўсиш суръатларини тахлил қиладиган бўлсак, 2010-2019 йиллардаги энг паст тенденция 2017-2019 йилларда кузатилган бунда мазкур кўрсаткич, 5,2-5,4 фоизларни ташкил этган. Реал ЯИМнинг энг юқори ўсиш суръатлари 2010-2015 йилларда кузатилган бунда ўсиш суръати ўртача 8,0 фоизлик даражани ташкил этган. Шунга мос равишда давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан ўртача 21,0 фоизлик, давлат бюджети харажатлари эса ЯИМга нисбатан 21,0 фоизлик даражаларни ташкил этган.

Давлат фискал сиёсатининг таркибий қисми сифатида солиқ тизими иқтисодийнинг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига эришишда муҳим механизм сифатида намоён бўлади. Ўзбекистон Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси (ДСҚ) 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Солиқ кодекси (янги таҳрирда) амалга киритилди. Қуйидагилар учун махсус солиқ режимлари бекор қилинди:

– бозорлар учун, уларни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказган ҳолда. 2020 йил 1 январдан бошлаб бозорлар аввалги солиқ тўлаш тартиби (даромаднинг 50 фоизи) ўрнига қуйидагиларни тўлайди:

– умумдавлат солиқларини (агар реализация ҳажми 2019 йилда 1 миллиард сўмдан ошган бўлса) — юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва 20 фоизли

оширилган ставкада фойда солиғини;

– айланмадан солиқни (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд. сўмдан кам бўлганда), шунингдек юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни.

Республикамизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, валюта бозорини эркинлаштириш, юқори ликвидли товарларни сотишнинг бозор усулларини жорий этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолининг кенг қатламларини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратди ҳамда иқтисодий ислохотларни изчил давом эттириш учун мустаҳкам замин яратди. Бироқ, жаҳон ҳамжамиятида коронавирус инфекциясининг кенг тарқалиши ва унинг давлатлар иқтисодиётига хавф туғдираётганлиги мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди.

Хулоса ўрнида бугунги кунда жаҳон иқтисодиётига ва барча давлатлар иқтисодиётига салбий нохушликлар олиб келаётган COVID-19 коронавирус инфекциясининг иқтисодиётга таъсирини прогнозлаштириш ҳамда давлат фискал сиёсатининг таъсирчан рағбатлантирувчи дастак ва воситаларидан самарали фойдаланиш лозим бўлади. Бу бевосита миллий иқтисодиётнинг иқтисодий фаоллигини оширади ва унинг келажакда вужудга келадиган иқтисодий номутаносибликларнинг ҳамда макроиқтисодий беқарорлик ҳолатини юмшаишига сабаб бўлади.

ТЕЖАМКОРЛИК – МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ХАВФСИЗ ЙЎЛДИР

Аннотация. Ҳар қандай мамлакатнинг бош мақсади, бу иқтисодий ўсиш ва бунинг оқибатида макроиқтисодий барқарорликка эришишидир. Ушбу жараёни амалга оширишда энг аввало мамлакатдаги мавжуд ресурслар ва ишлаб чиқариш қувватларидан максимал даражада оқилona ҳамда тежамкорона фойдаланиш талаб этилади.

Калит сўзлар: меҳнат, тежамкорлик, ишлаб чиқариш, меҳнат тақсимоти, тадбиркорлик, унумдорлик.

Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ ҳолда иқтисодий ресурслар истеъмоли жараёнини ташкил этиш усулларини ҳам бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш долзарб вазифага айланди. Айниқса, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланмоқда.

Тежамкорлик муаммосининг тобора долзарб аҳамият касб этиши сайёрамиздаги табиий ва иқтисодий ресурслар заҳирасининг камайиб бориши билан ҳам изоҳланади.

Тадқиқотлар кўрсатишича “Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефть, газ, кўмир билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.¹⁰⁰

Маълумки, инсоният эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан уларни кондириш учун яроқли бўлган иқтисодий, айниқса, табиий ресурсларнинг нисбатан камайиб бориши рўй беради. Айни пайтда фан-техника тараққиёти натижасида ресурслардан самарали фойдаланишнинг муқобил йўл ва усуллари пайдо бўлиб, унинг янги турларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам

¹⁰⁰ Зубко Н.М. Экономическая теория. – Минск: НТЦ АПИ, 1998. – С. 61.

кенгайиб борса-да, табиий ресурсларни такрор ҳосил қилиш имконияти чекланганлигича қолаверади.

Тежамкорлик билан боғлиқ бўлган фикрлар турли манбалар, жумладан, диний таълимотларда ҳам кенг баён этилган. Масалан, зардўштийликнинг муқаддас китоби Авестода моддий бойликларни кўпайтириш кишиларнинг асосий фаолияти сифатида улуғланади. Бу иқтисодий фаолият ва жараёнларда тежамкорликнинг ўрни муносиб баҳоланиб, унга моддий фаровонликнинг дастлабки шарти сифатида қаралади.

Маълумки, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, мўтадиллик, маъсулият ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан ва ҳам шаъран қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган. Бу ҳақда Қуръони каримда исрофгарчилик аллоҳ таолодан узоқлаштириб, шайтонга яқинланлаштирадиган амал эканлиги қайд қилинади.

“Алоҳнинг нозу неъматларидан хоҳлаганча еб- ичинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўймангизлар!” деб, ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилган.

Ирофгарчилик тўғрисида жуда кўп гапирилишига қарамай, ҳануз ҳам бу борада лоқайдликлар учраб турибди, яъни маъсулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Мисол учун, ичимлик сувидан фойдаланганимизда ҳали ҳам исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Аллоҳ таоло барча нарсаларни бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда, ўзига хос ўлчови ва ҳисоби билан яратган. Бу ҳақда Қуръони каримда далиллар жуда кўп. Жумладан: “Биз ҳамма нарсани ўз ўлчови билан яратдик”, “Ҳар бир нарса Унинг наздида ўз ўлчови ва маълум миқдори билан бўлур”, “Биз осмондан ҳисоби билан ёмғир сувларини ёғдириб, ерга ўрнаштирдик. Биз бу сувларни кетказиб сизларни ундан маҳрум қилиб қўйишга ҳам қодирмиз”. Бу ояти карималар орқали Ҳақ таоло бизларга маълум қиладики, ер юзидаги барча нарсалар, шу жумладан сув ҳам ўзининг маълум ҳисоби ва ўлчови билан яратилган. Аллоҳ таоло ер юзидаги сувларни

ўзининг ҳисоби бўйича бошқариб, керакли жойларга оқизиб ва ҳожатга яраша тақсимлаб турмаганда эди, ер юзи сув билан қўшилиб кетиши ва умум-халокатли натижаларга олиб келган бўлур эди.

Шунингдек, христиан динида ҳам инсоннинг хизмати ўз вазифасини тиришқоқлик ва тежамкорлик билан бажаришидан иборатлиги таъкидланади. Бу диннинг етакчи вакилларида бири Жан Кальвиннинг фикрича, мўътадиллик, тежамлилик, маъсулиятлилик, олдиндан кўра билишлик тадбиркорнинг эзгу хислатлари бўлиб, унинг художўйлиги ҳам айнан мана шунда намоён бўлади.¹⁰¹ Унинг ғоялари Голландия ва Англияда, кейинроқ АҚШда инсон руҳиятида тадбиркорлик ва тежамкорликнинг шаклланишига ёрдам берганлигини таъкидлаш мумкин.

Кишиларни тежамкорлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маъсулиялигини ошириш, турли неъматлардан асраб-авайлаб, эҳтиёткорона фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, исрофгарчиликка қарши курашишга Ислом динида ҳам катта аҳамият берилади. Хусусан, Исломда исроф деганда ноўрин мақсадларга қилинган ҳар қандай харажат тушунилади.

Имом Бухорий, Имом Аҳмад, Ан-Насоий, Ибн Можа каби ҳадисшуносларнинг асарларида ҳам жамият аъзолари исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб қилинади. Жумладан, уларда “...исрофгарчиликка йўл қўйманглар”, “Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди”, деб таъкидланади.¹⁰²

Ҳозирги кунда кўплаб олимлар томонидан иқтисодий фан асосчиларидан деб тан олина бошлаган Шарқ мутафаккири Ибн Холдун Абдурахмон Абу Зайд (1332-1405 й.) ўзининг “Китоб-ул-ибар” номли асарида шундай дейди: “Харажатларинг даромадларингдан ҳеч қачон ошиб кетмасин”. Бу билан у ҳар қандай иқтисодий фаолият негизида тежамкорлик ётишига ишора қилади. Шунингдек, у хунармандчилик, фан ва санъатнинг ривожига бевосита меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган вақт ва

¹⁰¹ Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: Наука, 1996. – С. 66.

¹⁰² Баҳромов А. Жума мавзуси тезислари. 2002 йил 28 декабрь.

ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ, деб кўрсатади. Ибн Холдун тежамкорликнинг мазмунини товар ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотга сарфланадиган меҳнатнинг қисқариши орқали тушунтириб беради. У “оддий” ва “мураккаб” меҳнатни фарқлаб, меҳнат унумдорлигини ўстиришда ва, демакки, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланаётган вақтнинг тежалишида мураккаб меҳнатнинг аҳамиятини исботлаб беради.¹⁰³

Шунингдек, Ибн Холдун ўзининг “Кириш” номли асарида табиий-географик муҳит (ер, сув, иқлим, тупроқ унумдорлиги, рельеф)ни ишлаб чиқаришда катта аҳамият касб этадиган омил сифатида баҳолайди, бироқ бош омил сифатида кишиларнинг меҳнат тақсимоти асосида уюштирилган иқтисодий фаолиятини кўрсатади. Унинг фикрича, одамларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиб ишлашига уларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш зарурати сабаб бўлади. Зеро, ўсиб боровчи эҳтиёжларни алоҳида, яъни якка ҳолда меҳнат қилиш билан қондириб бўлмайди.

Ибн Холдун одамларнинг биргалашиб, меҳнат тақсимоти асосида ишлашлари юқори меҳнат унумдорлигига олиб келишини ва бундай хўжалик юритиш шакли кўшимча маҳсулот яратилишига моддий замин яратишини асослаб берди.¹⁰⁴

Ибн Холдуннинг фикрларига уйғун равишда классик иқтисодчилар тежамкорликни, айниқса, меҳнатни тежашни қийматнинг меҳнат назарияси орқали тушунтирадilar

Смитнинг фикрига кўра, тежамкорликка инсонларни кўпроқ ўз ҳолатларини яхшилаш хоҳиши ундайди. Тежамкорликка айирбошлаш ва меҳнат тақсимотининг ўзаро алоқадорлиги орқали эришиш мумкин. Меҳнат тақсимоти орқали миллий маҳсулотни яратишда одамлар ўртасида ҳамкорлик содир бўлади. Хунарманд деҳқоннинг ўзи учун кийим тикиш масъулиятини ўз зиммасига олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига билвосита таъсир қилади, деҳқон ҳам, ўз навбатида, хунармандни ўзи

¹⁰³ Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент: Молия, 1997. – Б. 46.

¹⁰⁴ Иқтисодиёт асослари / Қ. Йўлдошев ва бошқалар. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 13.

учун дон экишдан озод қилиб, билвосита саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ёрдам беради.

Умуман олганда, меҳнат тақсимоти ва иқтисодий ихтисослашув орқали:

- 1) ишчилар маҳорати ошади;
- 2) бир меҳнат туридан иккинчисига ўтиш учун кетадиган вақт тежалади;
- 3) меҳнатни енгиллаштирадиган ва қисқартирадиган машиналар ихтиро қилинади;
- 4) меҳнат унумдорлиги кескин ошади.¹⁰⁵

Классиклардан Д.Рикардонинг қарашларида тежамкорликка таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Унинг фикрича, даврлар ўтиши билан машина-ускуналар такомиллашиб боради, агрономия ривожланади, бир сўз билан айтганда, техника ривожланиши ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалиги ва саноатда меҳнат сарфини камайтиради. Меҳнат сарфини тежашдаги ушбу муваффақиятлар инсонларнинг энг зарур эҳтиёжлари учун керак бўладиган буюмлар нархларининг пасайишига олиб келади.

Д.Рикардо, А.Смитнинг “Кўринмас қўл” қондасини ҳақаро савдога нисбатан қўллаб, унда ҳар бир мамлакат ўз маблағи ва меҳнатини ишлаб чиқаришнинг шундай соҳасига сарфлайдики, бу соҳа унга энг кўп фойда келтириши керак бўлади, ушбу фойданинг кетидан қувиш турли миллатлар ўртасида энг самарали ва энг тежамли меҳнат тақсимотига олиб келади, айнан мана шу тамойил вино Франция ва Португалияда ишлаб чиқарилиши, ун маҳсулотлари Америка ва Польшадан чиқиши, ҳар хил турдаги металл буюмлар Англияда тайёрланиши кераклигини белгилайди, деб кўрсатади.¹⁰⁶

А.Смит фикрича, унумли соҳадаги ходимларни ушлаб туришга кетадиган тайёр маҳсулот улиши шу мақсадлар учун захира қилиб қўйилган капитал миқдори билан аниқланади. Бу қарашлар йиллик ишлаб чиқариш цикли билан олинган деҳқончилик мисолида осон тушунтириш мумкин: ишлаб чиқариш ва ҳосилни йиғиб териб олиш имкониятига эга бўлиш учун, олдинги йилги ҳосил

¹⁰⁵ Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: Наука, 1996. – С. 68.

¹⁰⁶ Костюк В.Н. История экономических учений. – М.: Центр, 1998. – С. 47.

ҳисобига нафақат уруғлик фондини, балки бутун йил давомида- янги ҳосилни олгунча ходимлар ҳаёт фаолиятини таъминлаб туриш учун етарлича ҳаётӣ воситалар ҳажмини заҳира қилиб қуйиш зарур.

Мазкур шарт шароитда ижтимоӣ маҳсулотни кўпайтириб боришнинг ягона манбаи – бу даромаднинг унинг эгаси жамғаришга тайёр бўлган шундай қисмики, уни ўз истеъмоли эмас, балки қўшимча унумли ходимларни ёллаш учун йуналтиради. Шундан келиб чиқиб А.Смит тежамкорлик бойликнинг калити, деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, классик иқтисодчилар халқаро ихтисослашув тўғрисидаги назарияларининг асосида тежамкорлик – кам меҳнат сарфлаб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ётади.

Ташқи савдонинг асосий тамойилларини очиб берган М.Портер мамлакатнинг халқаро рақобатга лаёқатлилигини бевосита тежамкорликка боғлайди. У тежамкорликни қуйидаги турларга ажратади:

1. Фирма ичида статик технология миқёсида тежаш;
2. Ишлаб чиқариш миқёсида тежаш;
3. Тармоқ ёки макроиқтисодий даражадаги миқёсда тежаш.¹⁰⁷

Тежамкорликнинг бу турлари маҳсулот бирлиги учун сарфланадиган харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, унинг турдош соҳалари ўртасида ўзаро тўлдирувчанлик, технология ва ахборот айирбошлаш самаралари билан боғлиқ.

Австрия мактабининг етакчи вакили неолибералист Людвиг фон Мизес ўзининг “Социализм” деб номланувчи китобида “Социалистик жамият ресурслардан тежамли фойдаланишга ҳеч қачон эриша олмайди, чунки у ҳақиқӣ нарх тизимларига эга эмас”, деб таъкидлайди.¹⁰⁸

Ҳақиқатда ресурсларнинг исрофгарчилиги, сон кетидан қувиш, мусобақада мағлуб бўлмаслик мақсадида сифатсиз маҳсулотларнинг

¹⁰⁷ Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. – С. 49.

¹⁰⁸ Костюк В.Н. История экономических учений. – М.: Центр, 1998. – С. 213.

кўпайиши, маҳсулот бирлигига сарфланган харажатлар миқдорининг нисбатан тезроқ ўсиб бориши, Охир-оқибатда деярли барча собиқ режали иқтисодийга асосланган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини издан чиқариб юборган асосий сабаблардан бири бўлган.

Фикримизча бунга илдиз отган маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг ўзи, у яратган ҳаракат механизмлари катта тўсиқ ва ғов бўлиб, амалда исрофгарчилик, хўжасизлик, талон-тарож ривож топди, “давлат мулки” тушунчаси остида “ҳеч кимники” деган муносабат шаклланди.

Қайд қилиб ўтилган маъсулиятсизлик ва тежамкорлик тўғрисидаги карашларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, иқтисодий фаолиятнинг пайдо бўлиши ва такомиллашиб бориши билан тежамкорлик муаммоси ҳам вужудга келиб, фан-техника тараққиёти натижасида инсоният олдида уни таъминловчи хўжалик юретишнинг самарали шакллари топиш вазифасини кўяди. Бу эса энг аввало, ҳар бир индивиддан ўз олдида қўйилган вазифасига маъсулият билан қараб тежамкорона иш тутишини талаб этади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни англаш мумкинки, жамиятимиздаги мавжуд ресурслардан ўз вақтида оқилона, самарали ва тежамкорона фойдаланилса, бу ўз навбатида макроиқтисодий барқарорликка эришишга етаклайдиган энг хавфсиз йўлга айланади, десам – муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зубко Н.М. Экономическая теория. – Минск: НТЦ АПИ, 1998. – С. 61.
2. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: Наука, 1996. – С. 66.
3. Баҳромов А. Жума мавзуси тезислари. 2002 йил 28 декабрь.
4. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент: Молия, 1997. – Б. 46.

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МИНТАҚАЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аннотация. Бозор шароитида умуман мамлакатда инвестиция соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш ташкилий-иқтисодий механизмнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш борасида таҳлиллар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Мақолада Ўзбекистонда 2019 йилда инвестициялар ўзлаштирилиши натижалари таҳлил қилинган ва мазкур йўналишда хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, модернизация ҳудудларни комплекс ривожлантириш, инвестицион муҳит, инвестицияларни жалб этиш, макроиқтисодий барқарорлик.

Бугунги иқтисодий глобаллашув ва модернизациялаш жараёнида мамлакатимиз иқтисоётига хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий амалий асосларини яратиш ва инвестицион муҳитни янада такомиллаштириш иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит, имтиёзлар ва преференциялар тизими яратилган бўлиб, бунинг натижасида иқтисодиётимизга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳудудларни комплекс ривожлантиришда, инвестициялар ўзлаштириш бўйича тизимли муаммоларни бартараф этиш керак бўлади. Жумладан, ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишдаги муаммолар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

– Инвестицион лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг


барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончлилигига салбий таъсир этиши;

– Инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири - молиялаштиришнинг нокредит усулларидаан сушт фойдаланиши (лизинг, факторинг, франчайзинг ва х.к.);

– Тижорат банкларининг кредит-молия муассасаларига хос бўлмаган вазибаларни бажариши. Кўп ҳолларда банклар назорат қилувчи ва кузатувчи органлар сифатида ҳаракат қилмоқда ва бу ҳол инвестицион лойиҳалар ташаббускорларининг банк тизими билан муносабатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

– Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини сифатсиз тайёрланиши.

Ўзбекистонда 2019 йил якуни бўйича инвестициялар ўзлаштирилишини таҳлил қилидиган бўлсак, Тошкент вилоятида инвестицияларнинг 68% ўзлаштирилганлигини гувоҳи бўламиз (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда 2019 йилда инвестициялар ўзлаштирилиши [1].

Ўзбекистон ҳам хорижий маблағларни жалб қилишдан мафаатдордир. Шу билан биргамамлакат инвестицияларга эҳтиёж сезади, чунки кредитдан фарқли равишда инвестициялар қарздор қилиб қўймайди, балки ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва замонавийлаштиришга, илмий ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга бевосита ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-4071-сонли қарорига мувофиқ маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари кредитлар ажратилиши талаб этиладиган, уларнинг ташаббуслари билан амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларга ажратилган кредитларни ўз вақтида қайтарилишида амалий ёрдам бериши ўз навбатида банк ресурс маблағларининг қайтиши ва кўплаб янги тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялашга сарфланишига имконият яратади.

Мисол учун 4406-сонли қарорига асосан *Тошкент вилоятида 2020-2021 йилларда ишга тушириладиган қуйидаги инвестиция лойиҳаларда муаммолар мавжудлиги кўзатилади жумладан, “Евро Food Trade” МЧЖ, “Xolis Baraka Agro Food” МЧЖ ва “Healing Herbs & organics” МЧЖ (Қайта ишлаш) ва “Mandjoukov” МЧЖ ҚК (Импорт ўрнини босувчи)* инвестицион лойиҳаларида ер ажратиш бўйича муаммолар мавжудлигини куриш мумкин [2]. Тошкент вилоятида 2019 йилда давлат активларига киритилган инвестиция объектлар сони 297 та ташкил этиб, 0,30 трлн. сўмни ташкил этади. Яратилган янги иш ўринлар сони 1824 та ташкил этади. Мазкур жараёнда чет эл инвестицияларини жалб қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга техник ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш муҳим ҳисобланади (2-расм).

| Ҳудудлар | Объектлар сони | Киритилган инвестиция миқдори (трлн. сўм) | Яратилган янги иш ўринлари |
|--------------------|----------------|---|----------------------------|
| Қорақалп. Респ. | 181 | 0,03 | 958 |
| Андижон вилояти | 236 | 0,40 | 5 697 |
| Бухоро вилояти | 119 | 0,93 | 2 765 |
| Жиззах вилояти | 100 | 0,08 | 778 |
| Қашқадарё вилояти | 142 | 0,04 | 299 |
| Навоий вилояти | 68 | 0,42 | 278 |
| Наманган вилояти | 140 | 0,06 | 1 880 |
| Самарқанд вилояти | 101 | 0,07 | 1 548 |
| Сирдарё вилояти | 103 | 0,14 | 1 372 |
| Сурхондарё вилояти | 195 | 0,07 | 1 548 |
| Тошкент вилояти | 297 | 0,30 | 1 824 |
| Фарғона вилояти | 207 | 0,29 | 1 080 |
| Хоразм вилояти | 94 | 0,23 | 1 028 |
| Тошкент шаҳри | 38 | 0,24 | 757 |
| | 2 021 | 3,30 | 21 812 |

2-расм. 2019 йилда давлат активларига киритилган инвестициялар[3].

Тошкент вилоятида бугунги кунда инвестиция киритилиши давом этаётган давлат объектлари 224 та ташкил қилиб, киритиладиган инвестиция миқдори 2,0 трлн. сўмни ташкил этади. Яратилиши режалаштирилаётган иш ўринлар сони 6913 тани ташкил этади. Мазкур ҳолатда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳудудга инвестицияларни жалб этиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сонли «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар чорак якуналари бўйича республика ахборот тизимига киритилган ҳал этилмаган муаммо ва таклифларни умумлаштириб, таҳлил қилиб ҳамда молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда давлат, ҳудудий, шу жумладан инвестиция дастурларига киритиш тўғрисида асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш вазифаси юклатилган.

Ҳудудий инвестиция сиёсати жараёнида ҳудудий ҳокимият ва бизнес тузилмаларининг ўзаро муносабатининг намоён бўлиши ҳудудий инвестицияларнинг устувор йўналишларини мувофиқлаштириш ҳисобидан ҳам амалга ошади. Давлат бошқарув органлари ва бизнес вакилларининг қизиқиш ва манфаатлари ўртасида ўтказилаётган ҳудудий инвестиция сиёсати устуворликларини танлашда тафовутлар мавжуд бўлиб, бу ерда келишиш керак бўлган ҳаракатлар муаммоси ҳам намоён бўлади [4].

Инвестицияларни молиялаштиришнинг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида инвестиция хажмини ўстириш учун изланишларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ресурслар ва муддатларни инобатга олган ҳолда қайта ишлаб

чиқариш дастурини тузиш ва амалга ошириши; 2) инвестицион жараёни тартибга солишнинг мақбул механизмини тامينлаш; 3) ўз ресурсларини топиш ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларини оқилона нисбатини аниқлаш; 4) хорижий шериклар билан алоқа ўрнатиш ва улар маблағларини минтақа иқтисодиётига жалб этиш; 5) капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш.

Шу ўринда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳажмини оширишга тўсқинлик қилаётган инвестиция муҳитида бир нечта ҳолатлар бўйича муаммолар борлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, инвесторлар ўз фойдасини олиб чиқиб кетишда айрим қийинчиликларга дуч келмоқда. Бу борада, уларнинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланган бўлиб, ижро ҳокимияти томонидан мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш орқали валюта захираларини кўпайтириш ва бу борадаги муносабатларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши талаб этилади.

Ҳудудларда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёни ҳар бир босқичининг инвестицион фаолият якуни иқтисодий самара олиш билан боғлиқ маълум вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлади. Аммо инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг бутун даври давомида тадбиркорлик фаолияти ички ва ташқи муҳит омилларига боғлиқ. Шунинг учун инвестицион фаолиятда юқори самарадорликка эришиш учун нафақат бошқарув қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ, балки ҳудудларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳодиса ва жараёнларни ҳам ҳар томонлама ўрганиш зарур [5].

Хулоса қилиб айтганда, миллий иқтисодиётда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, уни янада яхшилаш ва ривожлантириш учун бизнингча, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим: 1) Рақобатбардош инвестицион бозорни ташкил этиш лозим; 2) Инвестицияларнинг рисклилиқ даражасини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш лозим; 3) Инвестиция лойиҳаларининг шундай сифатли бизнес-режаларини ишлаб чиқиш лозимки, инвестор уларга

асосланиб лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин бўлсин; 4) Турли инвестиция лойиҳаларининг ва қимматли қоғозларнинг хусусиятлари тўғрисида ахборот таъминоти базасини яратиш ва бу ахборотларнинг кенг инвесторлар оммасига эълон қилиш имкониятларини ривожлантириш; 5) Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун кредит уюшмалари, ломбардлар ва микрокредит ташкилотларининг роли ва жавобгарлик масалалари ҳал этилиши лозим; 5) Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фойдаларидан олган маблағларини керакли валютага конвертация қилишдаги ёки уларга лимитлар ўрнатилишидаги камчиликларни тартибга солиш ва такомиллаштириб бориш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2020 йил 30 январдаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ташкил этилган ўқув-семинардаги материаллари.
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига инновацион технологияларга асосан инвестицияларни жалб этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари // “Ўзбекозиқовкатхолдинг” холдинг компанияси маълумотномаси –Т.: 2020
- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 30 январдаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ташкил этилган ўқув-семинардаги материаллари.
- Мирзарайимов Д.У. Глобаллашув шароитида ҳудудий инвестиция салоҳиятидан фойдаланишнинг аҳамияти. // <http://tsue.uz/wp-content/uploads/2019/10/44.pdf>
- Марзоев В.О. Региональная инвестиционная политика: ориентиры, приоритеты и реальность принятия решений. // Управление

Қарши Давлат Университети таянч докторанти

Қобилов Анвар Эшпулович

Қарши Давлат Университети Тадқиқотчиси

Қурбомов Ойбек Абдусатторович

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ: ИЕРАРХИК ТАҲЛИЛ УСУЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлили натижалари, иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва муҳим йўналишларни ҳисобга олган ҳолда, иерархик таҳлил усули (ИТУ) ёрдамида вилоятнинг ҳар бир тумани (шаҳар) бўйича хорижий инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Иерархия таҳлили усули, хорижий инвестициялар, иқтисодиётнинг устувор тармоқлари, инвестицион лойиҳалар .


Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон инвесторлар учун учун инвестиция киритиш учун ноқулай давлатлардан бири ҳисобланган бўлса, 2016 йилнинг 3 чорагидан бошлаб, мамлакат ташқи дунё учун очилмоқда ва ўзининг инвестицион имкониятларини намоён қилмоқда. Солиқ ва божхона тизимида амалга оширилаётган тезкор ислоҳотлар, 2019 йилда Ўзбекистоннинг Doing Business рейтингда 166-ўриндан 72-ўринга кўтарилганлиги, шунингдек, валюта либерализация бўйича амалга оширилган ислоҳотлар мамлакат бозорига киришда хорижий инвесторлар учун ижобий сигнал сифатида баҳоланмоқда.

Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлили натижалари, иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва муҳим йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, узоқ муддатли ривожланишнинг истиқболда бўлишини таъминлаш мақсадида вилоятнинг ҳар бир ҳудуди (шаҳар, туман) бўйича инвестицион сиёсатнинг стратегик устуворликлари тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади. Хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда жозибали инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни мақсадли жойлаштириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича иқтисодийнинг устувор тармоқлари йўналишлари иерархик таҳлил усули (ИТУ) ёрдамида уч поғонали босқичлар ёрдамида аниқланди (1- расм).

1-расм

Қашқадарё вилояти ҳудудларига инвестицияларни жалб қилишнинг устувор йўналишлари иерархияси



ИТУ – мураккаб масалалар юзасидан қарор қабул қилишда қўлланилиши мумкин бўлган тизимли таҳлилнинг бир усули бўлиб, америкалик математик Томас Саати томонидан ишлаб чиқилган [1].

Ушбу усул мураккаб (кўп мезонли) муаммоларнинг ечимини излашда рационал тизимларни иерархик принцип бўйича лойиҳалаштириш,

солиштириш ва муқобил вариантларни миқдорий кўрсаткичлар воситасида баҳолашга имконият беради [2], [3],. Тадқиқ қилинаётган муаммо бўйича қарор қабул қилиш жараёни уч босқичда амалга оширилади

Биринчи босқич иерархик структура тузиш босқичи бўлиб, структурага тадқиқ қилинаётган муаммо, унинг ечимини танлаш учун мезонлар, ечимига таъсир қилувчи омиллар, муаммо ечими бўлими мумкин бўлган барча муқобил вариантлар ва улар орасидаги боғлиқликни кўрсатувчи муносабатлар схематик равишда киритилади.

Иккинчи босқич устунликни аниқлаш босқичи бўлиб, унда иерархиянинг ҳар бир поғонасидаги элементлар муҳимлик даражасига қараб, солиштирма таҳлил асосида тартибга солинади ва ҳар бир элемент учун устунлик коэффициенти ҳисобланади.

Т.Саати томонидан вариантларни турли мезонлар асосида жуфтлик ҳосил қилиб солиштириш ва уларни тартибга келтириш учун тўққиз баллик шкалалар киритилган. Шкалага 1 дан 9 гача бўлган бутун сонлар асос қилиб олинган ва иккита А ва Б вариантлар қуйидагича ўзаро солиштирилган:

1- жадвал

Танланган мезонларнинг устунлик жадвали

| А нинг Б дан устунлик даражаси | Тавсифи | Б нинг А дан устунлик даражаси |
|--------------------------------|---|--------------------------------|
| 1 | А ва Б тенг имкониятга эга | 1 |
| 3 | А Бдан енгил устунликка эга | 1/3 |
| 5 | А Бдан кучли устунликка эга | 1/5 |
| 7 | А Юдан етарлича кучли устунликка эга | 1/7 |
| 9 | А Бдан мутлақ устунликка эга | 1/9 |
| 2,4,6,8 | А нинг Б дан устунлиги юқоридаги ҳолатларнинг орасида | 1/2, 1/4, 1/6, 1/8 |

Учинчи босқич қарор қабул қилиш босқичи бўлиб, унда иерархия поғоналаридаги элементларнинг устунлик коэффициентлари ва поғоналар

орасидаги боғлиқлик муносабатларидан фойдаланиб, муаммо ечими бўлиши мумкин бўлган муқобил вариантларнинг устунлик даражаси аниқланади.

Эксперт баҳолаш томонидан амалга оширилган мулоҳазаларнинг мантиқий жиҳатдан боғлиқлигини баҳолаш учун “боғлиқлик индекси” (БИ) ёки “боғлиқлик нисбати” (БН) тушунчаларидан фойдаланилади. Агарда $БН \leq 0.1$ бўлса, солиштирма матрицани ишлатиш тавсия этилади. Акс ҳолда ($БН \geq 0.1$) мантиқий мулоҳазалар кетма-кетлиги бузилган ва матрицани тўлдиришда экспертлар хатога йўл қўйган ҳисобланади [4].

Қашқадарё вилояти туманларига инвестицияларни жалб қилиш бўйича мезон сифатида хорижий инвестициялар жалб этилиши мумкин бўлган иқтисодиёт тармоқларининг иқтисодий, молиявий, ижтимоий ва технологик самарадорлиги экспертлар томонидан баҳоланди ҳамда ҳисоблаш ишлари “MPRIORITY 1.0” дастури ёрдамида бажарилди (2-жадвал).

2- жадвал

Мезонларнинг устунлик коэффициенти

| Мезонлар | Иқтисодий самарадорлик | Молиявий самарадорлик | Ижтимоий самарадорлик | Технологик самарадорлик | Устунлик коэффициенти |
|-------------------------|------------------------|-----------------------|-----------------------|-------------------------|-----------------------|
| Иқтисодий самарадорлик | 1 | 3 | 2 | 4 | 0,4631 |
| Молиявий самарадорлик | 1/3 | 1 | ½ | 3 | 0,1759 |
| Ижтимоий самарадорлик | ½ | 2 | 1 | 3 | 0,2754 |
| Технологик самарадорлик | ¼ | 1/3 | 1/3 | 1 | 0,0843 |
| | | БИ=0,029 | | БН=0,032 | |

Инвестиция киритилиши кўзда тутилган иқтисодиёт тармоқларининг самарадорлик мезонлари бўйича энг катта устуворлик - иқтисодий самарадорликка берилди (0,4631). Чунки амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, ҳудуддаги барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ташқи савдо айланмасининг ошиши ва ҳудуд рақобатбардошлигининг ошишида намоён бўлади. Ижтимоий самарадорликнинг, иккинчи ўринга қўйилиши (0,2754) - аҳоли бандлиги, турмуш даражаси ва даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартиш

масалаларининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатидаги долзарблилиги билан изоҳланади.

Инвестициялар жалб қилиниши кўзда тутилган иқтисодий тармоқлари (қайта ишлаш саноати, агросаноат мажмуаси, туризм, хизматлар соҳаси) вилоят туманларининг географик жойлашуви, хом-ашё базаси, кадрлар салоҳияти, маҳаллий бозор ҳолати талабларидан келиб чиққан ҳолда танланди.

Иқтисодий тармоқлари учун устунлик даражасини белгилашда, ҳар бир туман (шаҳар)нинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинди, маҳсулот ва хизматлар яратиш бўйича кескин табақаланишувга йўл қўйилмади, яъни соҳалар бўйича туман (шаҳар)лар бир-бири билан боғлиқ ва ишлаб чиқарилган маҳсулот, хизматлар қўшни туманлар бозоридаги тақчилликни тўлдиради (3-жадвал).

Амалга оширилган ИТУ орқали, вилоятнинг барча ҳудудларида қиёсий устунликлардан самарали фойдаланган ҳолда хорижий инвестициялар жалб қилиниши лозим бўлган устувор соҳалар танлаб олинди.

Туризмни ривожлантириш вилоятнинг Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Миришкор туманларига бўйича инвестицияларни йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Агросаноат мажмуани ривожлантириш бўйича вилоят ҳудудларида кластерларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Гарчи, ҳозирги кунда вилоятда пахтачилик бўйича кластер асосида бир қатор хорижий компания (Indorama ХК, Litai Textile Overseas ХК, MT AMIR TEX ҚК)лар фаолият юритаётган бўлсада, глобал пандемия сабабли юзага келган иқтисодий инқироз таъсирларини юмшатишда мева-савзавот, озиқ-овқат йўналишлари бўйича кластерларни ташкил қилиш ва ушбу жараёнга хорижий инвестицияларни йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Касби туманларида мева-савзавот етиштириш ва қайта ишлаш бўйича, Қамаш туманида паррандачилик (товуқ, курка) ва қуёнчилик бўйича, Нишон туманида балиқчилик, Косон, Чироқчи, Миришкор,

Дехқонобод, Нишон туманларида гўшт, сут, терини қайта ишлаш йўналишлари бўйича кластерларни ташкил қилиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш имконияти мавжуд.

3-жадвал

**Қашқадарё вилояти туманлари учун инвестиция жалб қилиниши
мумкин бўлган соҳаларнинг устунлик матрицаси**

| Туман (шаҳар)лар | Туризм | АСМ | Хизматлар | Саноат |
|------------------|--------|-------|-----------|--------|
| Китоб | 0,290 | 0,349 | 0,1703 | 0,189 |
| Шахрисабз тумани | 0,30 | 0,367 | 0,20 | 0,11 |
| Яккабоғ | 0,255 | 0,397 | 0,11 | 0,235 |
| Чироқчи | 0,10 | 0,34 | 0,29 | 0,261 |
| Қамаши | 0,075 | 0,421 | 0,139 | 0,384 |
| Ғузур | 0,067 | 0,198 | 0,254 | 0,481 |
| Дехқонобод | 0,09 | 0,229 | 0,26 | 0,429 |
| Қарши тумани | 0,077 | 0,325 | 0,16 | 0,438 |
| Касби | 0,07 | 0,521 | 0,27 | 0,139 |
| Косон | 0,068 | 0,372 | 0,177 | 0,383 |
| Миришкор | 0,295 | 0,477 | 0,147 | 0,08 |
| Нишон | 0,07 | 0,46 | 0,173 | 0,322 |
| Муборак | 0,067 | 0,146 | 0,256 | 0,531 |
| Қарши ш. | 0,317 | 0,075 | 0,365 | 0,243 |
| Шахрисабз ш | 0,552 | 0,08 | 0,155 | 0,213 |

Саноатни ривожлантириш бўйича вилоятнинг Қамаши, Дехқонобод, Китоб, Чироқчи туманларида қурилиш материалларини, Ғузур, Нишон, Муборак, Косон туманларида нефт-газ, кимё саноати таркибига кирувчи йирик корхоналар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмларини, Қарши шаҳри, Яккабоғ, Қарши туманларида озиқ-овқат, фармацевтика, халқ истеъмол буюмларини, Шахрисабз шаҳрида электроника маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақбул ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, иерархик таҳлил усули ёрдамида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишларини аниқлаш орқали ҳудудларнинг мавжуд имкониятлари ва салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари бўйича ҳудудлар орасида кескин тафовутни йўқотиш мумкин. Устувор йўналишлар бўйича ҳар бир ҳудуд

кесимида мақбул инвестицион лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши орқали хорижий ва маҳаллий инвесторлар билан ишлаш самарадорлиги ортади.

Шунингдек, амалга оширилиши кўзда тутилаётган инвестицион лойиҳаларнинг ижобий ва салбий таъсирларини ҳам ушбу усул ёрдамида баҳолаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1] Saaty, T.L. (2001) Fundamentals of Decision Making and Priority Theory. RWS Publications, Pittsburgh.
- [2] Saaty, T.L. (2008) Decision Making for Leaders: The Analytic Hierarchy Process for Decisions in a Complex World. RWS Publications, Pittsburgh.
- [3] Saaty, T.L. (2008) Relative Measurement and its Generalization in Decision Making: Why Pairwise Comparisons are Central in Mathematics for the Measurement of Intangible Factors—AHP. Review of the Royal Academy of Exact, Physical and Natural Sciences: Mathematics (RACSAM), 102, 251-318.
- [4] Saracoglu, B.O. (2013) Selecting Industrial Investment Locations in Master Plans of Countries. European Journal of Industrial Engineering, 7, 416-441.

**Qashqadaryo viloyati G‘uzor tumanidagi
68-sonli davlat ixtisoslashtirilgan maktab internati o‘qituvchi
Allayorov Ruslan Xaykal o‘g‘li
allayorov_1992@mail.ru**

**Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti o‘qituvchi
Allayorov Isroil Xaykalovich**

**Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti
mustaqil tadqiqotchisi
Xidirov Muhiddin Shermamatovich**

O‘ZBEKISTON TOG‘LI HUDUDLARINI KOMPLEKS IJTIMOY- IQTISODIY RIVOJLANTIRISHNING GEOGRAFIK JIHLARI

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekiston tog‘li hududlarini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning geografik jihatlari yoritilgan. To‘g‘li hududlar geografik obyekt bo‘lishi bilan birgalikda, iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy geografik obyekt sifatida qaralib O‘zbekiston tog‘li hududlarini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yuzasidan taklif va tavsiyalar berilgan.

Kalit soʻzlar: *togʻ, togʻoldi, mintaqa, iqtisodiyot, sanoat, tabiiy resurs, qishloq xoʻjaligi, .*

Kishilik jamiyatining rivojlanishida togʻli hududlarning oʻrni beqiyosdir. Chunki insoniyatning dastlabki xoʻjalik faoliyati togʻli hududlardan boshlangan.

Inson jamiyat taraqqiyoti davomida togʻlardan turli maqsadlarda foydalanib kelgan. Jumladan, inson ilk ibtidoiy jamoa tuzumi davrida togʻlardan nafaqat oziq-ovqat, kiyim-kechak ehtiyojlarini qondirishda, balki tabiatning turli salbiy taʼsirlaridan va turli xildagi yirtqich hayvonlar hujumidan saqlanish maqsadida boshpana sifatida ham foydalangan.

Ayniqsa, XIX asrning oxiri va XX asrning boshlarida Gʻarbiy Yevropa mamlakatlarida ishlab chiqarish munosabatlarining rivojlanishi va mustamlakachi mamlakatlarning dunyoni turli mintaqalarida bosqinchilik yurishlari davrida togʻli hududlardan sanoat maqsadlarida foydalanish keskin kuchaygan.

XX asrning FTI davriga kelib esa togʻli hududlar yoqilgʻi va mineral resurslar qazib chiqaruvchi asosiy manbalarga aylandi. Chunonchi, bu davrda yoqilgʻi, qora va rangli metalluriya, togʻ-kon sanoati tarmoqlari rivojlandi.

Togʻlar – bu bebaho boylik, ular har qanday mamlakat yoki mintaqada ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish va rivojlantirishga turlicha taʼsir koʻrsatadi. Masalan, togʻli hududlarga ega boʻlgan mamlakatlarda rudali va noruda konlarning joylashganligi bu yerda yoqilgʻi, qora va rangli metallurgiya, kimyo sanoati; tropik va moʻtadil mintaqaning choʻl va chalachoʻllar mintaqasida esa sugʻorma dehqonchilikka asoslangan qishloq xoʻjaligi tarmoqlarini rivojlantirish imkoniyatlarini vujudga keltiradi.

Hozirgi kunda jahon mamlakatlarida togʻlardan turli darajada foydalanilmoqda. Jumladan, iqtisodiyoti rivojlangan, sanoatlashgan mamlakatlarda togʻlardan xoʻjalik maqsadlarda emas, balki koʻproq kurort va dam olish uchun keng foydalanilmoqda. Birgina Gʻarbiy Yevropaning Shveysariya, Avstriya, Italiya kabi mamlakatlarida koʻplab turizm va kurort markazlari vujudga kelgan.

Maʼlumki, *togʻ* tushunchasi, odatda, relyef shakli, orografik element maʼnosini bildiradi. Binobarin, u, asosan, tabiiy geografiyaning obyekt sifatida koʻriladi. Vaholanki, togʻlar

katta ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy ahamiyatga ega. Shuning uchun ular iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy geografiyaning ham muhim tadqiqot obyekti bo‘lmog‘i lozim.

Tabiiy geografiyada tog‘larning iqlim hosil qiluvchi va boshqa xususiyatlari yaxshi o‘rganilgan. Ayni vaqtda ular yirik mineral boyliklarga, rekreatsiya va turistik imkoniyatlarga ham ega. Biroq, bu salohiyatdan foydalanish ko‘proq tog‘liklar manfaati uchun emas, balki tekislikda yashovchilarga xizmat qilishi, umuman olganda esa tog‘ va tekislik o‘rtasida o‘ziga xos aloqadorlik, „geografik konveyr“ mavjud.

Shu o‘rinda, ustoz olim, geografiya fanlari doktori, professor A.Soliyev tomonidan geografiya va uning ahamiyati haqidagi chuqur ma’no-mazmunga ega bo‘lgan quyidagi fikrlarini eslash joiz: „Cho‘lda suv, tog‘da tekislik, dehqonchilik uchun yer yetishmaydi. Aynan ana shunday holat, geografik nomuvofiqlik ularning rivojlanish omilidir“.

O‘tgan asrning 20 – 30- yillarida rus geosiyosatchilari „boquvchi landshaft“ g‘oyasini oldinga surgan edilar. Darhaqiqat, hozirgi ochiq, erkin iqtisodiyotda biror-bir landshaft turi yoki ma’muriy-hududiy tizim boshqalardan ajralgan, natural xo‘jalik ko‘rinishida rivojlana olmaydi. Shu bois ham tog‘ resurslari tekislikda qayta ishlanadi va bu mahsulotlardan tog‘liklar ham foydalanadi. Ammo bunday aylanma harakat, hamkorlik adolatli va ekologik jihatdan o‘zaro manfaatli bo‘lmog‘i lozim.

Geografik jihatdan qaraganda, tog‘lar nafaqat maydonining nisbatan kichikligi bilan, balki landshaft va xo‘jalik tarmoqlarining bir tomonlamaligi yoki cheklanganligi bo‘yicha ham farq qiladi. Tog‘larda, asosan, tog‘-kon sanoati, rekreatsiya va turizm, yaylov chorvachiligi, terrasalarda qisman lalmikor dehqonchilik, bog‘dorchilik rivojlanadi.

Agarda tog‘ va tog‘oldi majmualarida ekologik-iqtisodiy barqaror rivojlanishga erishilsa, u holda tekislikda shu jihatdagi taraqqiyot barqarorligida ustunlikka erishish oson kechadi[1].

Tog‘ mintaqalarining ijtimoiy geografiyasi yanada o‘zgacha. Tog‘liklarga xos tantilik, harakatchanlik, mo‘ljalli va tejankor bo‘lish, hushyorlik va tadbirkorlik mazkur hududda yashovchilarning hayot tarzi, turmush sharoiti, urf-odati, xulq-atvorini belgilab beradi. Shunga o‘xshash mintaqaviy xususiyatlar, bu joylarning betakror ijtimoiy makonini (muhitini) yuzaga keltiradi. Tog‘liklar, odatda jismonan sog‘lom, ixcham, chidamli,

chaqqon, tirishqoq, har qanday vaziyatdan ham chiqa oladigan bo‘ladi. Ayni vaqtda, tog‘lar bu yerda yashovchilarni „yashiradi“, yaxshi-yomondan saqlaydi, qo‘riqlaydi.

Tog‘ mintaqalarida infratuzilma tizimining yaxshi rivojlanmaganligi, ishlab chiqarishni hududiy tashkil etish imkoniyatlarining cheklanganligi (bu yerlarda qishloq va kichik shaharlar tor daryo vodiylari bo‘ylab tasmaimon cho‘zilib yotadi yoki tog‘ yonbag‘irlariga „yopishib“ turadi, iqtisodiyot tarmoqlari ham yoppasiga emas, orolsimon joylashgan), o‘ziga xos ijtimoiy va iqtisodiy geografik vaziyatni vujudga keltiradi.

Ammo ko‘pgina jahon mamlakatlarida aynan tog‘liklarning yashash darajasi past; bu yerda yuzaga kelgan ijtimoiy tanglik, nochorlik kishilarni nihoyatda tejamkor bo‘lishga undaydi, ularni hatto ba‘zan jamiyat uchun xavfli yo‘llarga chorlaydi; oila a‘zolarining ko‘payishi bilan ularni boqish orasidagi mutanosiblik buziladi, dehqonchilik uchun yaroqli yerlarning tanqisligi aholining mutlaq ko‘pligini yuzaga *keltiradi*. Natijada ishsizlik kelib chiqadi, yoshlarning ish qidirib „pastga“ – tekislikka tushishi esa tog‘ mintaqalarining demografik vaziyatini ham o‘zgartiradi.

O‘zbekistonning 21,3 % hududi, taxminan 2/3 qismi tabiiy resurs salohiyati, 10 % dan ko‘proq aholisi, 13 % sanoat, 8 – 9 % qishloq xo‘jaligi yalpi mahsuloti tog‘ mintaqasi hissasiga to‘g‘ri keladi. Tog‘lar mamlakatning 10 ta viloyati (Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Xorazm va Buxoro viloyatlaridan tashqari) va 70 dan ortiq tumanlari tarkibida bor.

Tog‘ mintaqasining tabiiy resurs salohiyatlari xilma-xil, zaxiralar miqdori ko‘p bo‘lib, ulardan oqilona foydalanish, asrash va muhofaza etish O‘zbekiston iqtisodiyoti majmuasini yangi yo‘nalishda boyitishga imkon beradi. Bu yerda respublika foydali qazilmalarining asosiy qismi (neft va gaz boyliklari bundan mustasno), suv va gidroenergetika, o‘rmon, rekreatsiya (dam olish), biologik resurslar, betakror landshaftlar, muhofaza qilinadigan tabiiy hududlarning katta qismi joylashgan. Bundan tashqari tog‘lar O‘zbekistonning eng katta va eng muhim, turli-tuman va ko‘p miqdordagi tiklanadigan tog‘ resurslari va ne‘matlarini beto‘xtov tabiiy ravishda takror ishlab chiqarish (toza havo, suv, tuproq unumdorligi, biologik, rekreatsiya, landshaft xususiyatlari va b.) xossalari

iqtisodiy bahosi bevosita xo‘jalik yuritishdan olinadigan mahsulot va xizmat turlari umumiy qiymatidan ko‘p marta ortiqroqdir.

Janubiy O‘zbekistonning taxminan 57,8 foizini tog‘ va tog‘oldi mintaqasi tashkil etadi. Biroq viloyatlar doirasida tog‘li hududlar salmog‘i turlicha bo‘lib, Surxondaryo viloyatining 70 foiz [2], Qashqadaryo viloyatining 45,2 foiz hududi tog‘ va tog‘oldi mintaqasiga mansub [3]. O‘zbekiston tog‘ va tog‘oldi hududlari orasida Surxondaryo viloyatining o‘rni alohidadir. Viloyat respublika hududining atigi 4,6 foizini egallagani holida jami tog‘ va tog‘oldi maydonlarining 13,9 foizini tashkil qilishi ham ana shu xulosani tasdiqlaydi. Bu Surxondaryo viloyatining tog‘ va tog‘oldi hududlarining sanoat salohiyati ancha kattaligidan darak beradi. Janubiy mintaqaning geografik imkoniyatlari va bozor munosabatlariga o‘tish sharoitlari tufayli yaqin kelajakda tog‘li hududlarida undiruvchi sanoat tarmoqlari bilan bir qatorda tayyor iste‘mol mahsulotlari ishlab chiqaradigan sanoat tarmoqlarining nisbatan tezroq rivojlanishi kutiladi [4].

O‘zbekiston tog‘larida inson qadim zamonlardan buyon yashab, qishloq xo‘jaligi bilan shug‘ullanib kelgan eng qadimiy qarorgohlardan hisoblanadi. Arxeologik va tarixiy ma‘lumotlar tog‘larda qadimdan uzumchilik, bog‘dorchilik, g‘allachilik, chorvachilik rivojlanganligini ko‘rsatadi.

Relyef qishloq xo‘jalik ishlab chiqarishiga bevosita ta‘sir ko‘rsatadi. Chunki relyef tog‘ tabiiy sharoitining asosiy xarakterini belgilab beradi. Qishloq xo‘jaligiga yaroqli yerlar, qishloq xo‘jaligi mashinalaridan foydalanish, yaylovlarni suv bilan ta‘minlash kabilar relyefga bevosita bog‘liq.

Shu bilan bir qatorda tog‘ tabiiy sharoiti va resurslaridan foydalanish ko‘p jihatdan mehnat resurslari, malakali kadrlar mavjudligi va mehnat vositalari bilan qurollanish darajasiga ham bog‘liq. Tog‘larni o‘zlashtirish, ularning tabiiy, mehnat va iqtisodiy resurslaridan foydalanish darajasi hozirgi bozor iqtisodiyoti sharoitida yanada ko‘proq ahamiyat kasb etmoqda.

Tog‘ mintaqasi sanoat ishlab chiqarish tarixida, eng avvalo, tog‘-kon sanoatining beshigi sifatida tanilgani ma‘lum. Metall (bronza) ishlab chiqarilishiga asos solingan davrlar (miloddan avvalgi I ming yillik)dan boshlab mamlakatimizning tog‘ va tog‘oldi hududlari

(masalan, Chotqol-Qurama, Hisor kabi tog'lar)da dastlabki konlarni o'zlashtirish asosida sodda holdagi kichik metall erituvchi o'choq izlari ko'plab aniqlangan. O'z o'rnida ular, tabiiyki keyinchalik bu hududlarda turli boshqa sanoat tarmoqlarining shakllanishi va rivojlanishiga asos bo'lgan. Aholi joylashishi va moddiy ishlab chiqarish uchun ancha boy tabiiy imkoniyatlarga ega bo'lganligi tufayli mazkur mintaqada tarixiy davrlardan boshlab Ohangaron, Parkent, Quva, Urgut, Nurota, Shahrisabz, Boysun kabi muhim ishlab chiqarish markazlari shakllangan. Qolaversa, qadimiy Samarqand, Toshkent, Chust, G'uzor, Sherobod kabi katta va kichik shaharlar ham tog'oldiga tutash bo'lgan hududlarda yuzaga kelgan va rivojlangan.

Tog' va tog'oldi mintaqasining O'zbekiston iqtisodiyotining rivojlanishidagi hozirgi o'rnini yanada yuqoriroqdir. Qazib chiqarilayotgan ko'mirning barchasi, turli metall rudalari, kimyoviy minerallar va qurilish materiallarining katta qismi ana shu mintaqa hissasiga to'g'ri kelmoqda. Mazkur mintaqa O'zbekiston tog'-kon sanoati mahsulotlarining 4/5 qismini yetkazib bermoqda. Agar iste'molga tayyor bo'lgan mahsulotlar ishlab chiqaradigan boshqa sanoat tarmoqlari ulushi ham hisoblanadigan bo'lsa, mintaqaning sanoat rivojlanishidagi hissasining yana yuqori ekanligini tushunib yetish qiyin emas.

So'nggi yillarda Kitob, Shahrisabz, Dehqonobod, Parkent, Bo'stonliq, Zomin tumanlarida sanoatning muhim tarmoqlarining korxonalarining tashkil etilishi, turizm va rekreatsiyaga bo'lgan alohida e'tibor ushbu hududlar aholisi uchun ham, mamlakatimiz uchun yaxshi ko'rsatkichlarni berdi. Lekin tog'larimizdan istiqbolda yanada kengroq maqsadlarda foylanishimiz mumkinligini anglashimiz barchani quvontiradi.

Tog'li hududlarni kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirishni maqsadga muvofiq deb bilamiz:

- tog'li hududlarning tabiiy, agroiqlimiy imkoniyatlaridan yetarlicha foydalanish. Bunda har bir tog'li tumanning qishloq xo'jalik ixtisoslashuvi va yer resurslaridan hududiy foydalanilishini takomillashtirish;

- tog'li hududlardagi mavjud mineral resurslar asosida, ayni shu joyning o'zida atrof-muhitga ta'siri kam bo'lgan sanoat korxonalarini barpo etish va ushbu korxonalarni mazkur hududagi mahalliy kadrlar bilan ta'minlash;

- tog‘li hududlarda o‘ziga xos „resurs“, „kurort“ va „aqlli“ shaharlarni barpo etish. Bunda shunday imkoniyatlari mavjud bo‘lgan tumanlar (Shahrisabz, Kitob, Boysun, Parkent, Bo‘stonliq, Zomin va b.) tanlanib, ularning markazlari yoki ikkinchi darajadagi (keyingi istiqboli yuqori baholangan) shaharlar negizida xorijiy mamlakatlar (masalan, AQSH, Shveysariya, Germaniya) tajribalarini qo‘llash;

- tog‘li hududlarda mamlakatimiz uchun noan‘anaviy, ammo rivojlantirish mumkin bo‘lgan – tog‘-chang‘i sport turlari, agro va gastroturizm tarmoqlarining hududiy manzillarini tashkil etish;

- tog‘li hududlarni kompleks (tabiiy, ijtimoiy-iqtisodiy, agrar va b. sohalarda) o‘rganuvchi maxsus ilmiy tadqiqot muassalarini tashkil etish va ularga imkon qadar tog‘ni to‘la his qila oladigan mahalliy mutaxassislarni jalb qilish;

- tog‘lik yoshlarda geografiya, biologiya, kimyo fanlari orqali ekologik madaniyatni rivojlantirish, tog‘li hududlar tabiatini muhofaza qilishning aniq chora-tadbirlarini ishlab chiqish;

- tog‘li hududlardagi aholi punktlarida aholiga xizmat ko‘rsatish sohalari tarmoqlarini hududiy joylashishini yirik va o‘rta shaharlar bilan birgalikda tumanlar markazlari va yirik shahrchalar bilan uzviy holatda tashkil etish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Rafiqov V.A. Tog‘ va tog‘ oldi hududlarining ekologik-iqtisodiy barqaror rivojlanishi: muammolar, yechimlar va takliflar // O‘zGJ VII syezdi materiallari, –T., 2006. – B. 182 – 187.
2. Джумаев Т. Горы Узбекистана: природа, хозяйство, отдых. – Т.: Мехнат, 1989. – 224 с.
3. Qurbonov P.A. Janubiy O‘zbekistonda urbanizatsiya jarayoni rivojlanishining omillari va iqtisodiy geografik asoslari. G.f.n. ilmiy darajasini olish uchun taq. et diss. avt. ref. – T., 2012. – 23 b.
4. Yuldashov A.U., Xodjimatomov A.N., Allayorov R.X. O‘zbekistonning tog‘li hududlari geoekologiyasi. Monografiya. – Toshkent-Guliston: „ZUXRA BARAKA BIZNES“ MCHJ, 2020. – 139 bet.

ХУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

***Аннотация.** Мақолада худудларни инвестиция бозорини ривожлантиришда тижорат банкларининг фаолиятини такомиллаштиришга оид амалий таклиф ва тавсиялар берилган. Тадқиқот давомида бир қатор саволлар, яъни худудий инвестиция бозорини ривожлантиришда банкларнинг ролини ошириш ёки оширмаслик каби саволлар ўртага ташланди. Қолаверса, ялпи худудий маҳсулот, аҳоли сони ва банкларнинг сонини ошириш худудий инвестицияга қайдай таъсир қилиши асосий муаммолардан бўлиб турибди.*

***Калит сўзлар:** Инвестициялар, инвестиция бозори, худудий инвестициялар, ялпи худудий маҳсулот*

Инвестициялар мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини кўллаб-қувватлаш ва уни ошириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва диверсификациялаш, иқтисодий ўсишни фаоллаштириш, маҳсулот ва хизматларнинг ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялар ЯИМ ўсиши, корхоналарнинг ривожланиши ва мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтиришга олиб келади.

Худуд иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш масаласини ечиш учун худудий инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш зарур. Худудий инвестицион сиёсат эса худудий маъмурият органлари фаолияти бўлиб, у инвестициялар манбаини излаб топиш ва уларни самарали фойдаланиладиган соҳаларга йўналтиришга қаратилган бўлиши керак. Ана шу йўналишларни таҳлил қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Республикамизда стратегик контекстда макроиктисодий барқарорлик ва мутаносиб иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда мувозанатли ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ассиметрик тафовутнинг мавжудлиги, мавжуд иқтисодий-ресурс салоҳиятдан унумли фойдаланиш ва нисбатан паст даражада ривожланган ҳудудларда иқтисодий ривожлантиришни жонлантиришга қаратилган фаол ҳудудий инвестицион сиёсатни амалга оширишни тақозо қилади. Бунда ҳудудий молиявий-инвестицион салоҳиятни тўғри баҳолаш ва бошқариш негизида инвестицион фаолликни янада жонлантириш бўйича ислохотларни чуқурлаштиришни талаб қилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида яқин истиқболда “инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш”¹⁰⁹ вазифалар амалга ошириш белгилаб олинган. 2019 йилда мамлакатимизда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилиши, натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Ушбу вазифалар бўйича ҳудудий иқтисодий сиёсатни изчил амалга ошириш, истиқболда ҳудудий инвестицион сиёсатни стратегик йўналишларини белгилаб олишнинг фундаментал асосларини ташкил қилади.

Асосий капиталга киритиладиган инвестицияларни ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

¹⁰⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

биринчидан, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар кўламининг ўсиши юқори технологик тараққиёт ва интенсив иқтисодий ўсишнинг омили сифатида ЯХМни йиллик ўсиш суръатига ижобий таъсир этади;

иккинчидан, иқтисодиётни диверсификация қилиш, таркибий ислохотларни амалга ошириш пировардида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкони яратилади; Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида инвестицион фаолликни ошириш имкониятлари қўйидагилардан иборат:

1. Худудий инфратузилма ва айниқса, инвестицион инфратузилмани яхшилаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш мақсадида, вилоятлар кесимида йўл транспорт-коммуникация тизимини модернизациялаш, коммунал хизматлар тизимида чуқур ислохотлар олиб бориш, юқори тезликда ишловчи интернет тизимларини жорий этиш лозим.

2. Ривожланиш даражаси суёт ҳудудлар учун узок муддатли кредитлар ажратиш тизимини жорий этиш орқали инвестициялар ҳажмини ошириш лозим. Бунда айниқса, инвестиция ресурслари етишмаётган туманларда салоҳиятли банк филиаллари ва минибанкларни ташкил этиш, уларнинг капиталлашувини кучайтириш, молиявий инфратузилмани ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳудудда инвестиция васуғурта фондлари, кредит уюшмалари, ломбардлар, банк гуруҳлари ва холдинглари, ўзаро ёрдам кассалари каби молиявий институтларнинг замонавий шаклларини ривожлантириш иқтисодиётда капитал ҳаракатини тезлаштиради.

3. Жаҳонда ва республикада вилоятларнинг ижобий қиёфасини шакллантириш ва инвестицион жозибадорлигини намоёиш этиш мақсадида, вилоятлар туманларида бўш турган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш объектлари, мавжуд табиий захиралар, қишлоқ хўжалиги ва хомашё ресурслари ҳақида кенг ва батафсил маълумотларни ўз ичига олган

тизимлаштирилган вилоят реестрини тузиш ва уни интернет орқали чет эллик инвесторлар эътиборига ҳавола этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедов И.А. (2015) “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август.
2. Беркинов Б.Б. (2015) “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь.
3. Гозибеков Д.Ғ. (2003) “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари”.-Т.: Молия.
4. Имомов. Н.Н. (2010) “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”. Молия-иқтисод.
5. Кейнс Дж.М. (1978) “Общая теория занятости, процента и денег”. М.,б.56.

**Ташкентский государственный экономический институт
Докторант, Т.Х.Садуллаев**

ИНКЛЮЗИВНЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ КАК ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

***Аннотация.** В данной статье рассматривается определение ключевых моментов инклюзивного экономического роста.*

***Ключевые слова:** экономика, инклюзивный рост, выгода, флексикьюрити, глобализация.*

В настоящее время одной из основных целей стоящих перед всеми странами является достижение устойчивого экономического роста. Под экономическим ростом понимается многофакторный динамический процесс, направленный на увеличение объемов национального производства за счет расширения объемов используемых ресурсов или совершенствования техники и технологий. По его динамике судят о развитии национальных экономик, о жизненном уровне населения, о том, как решаются проблемы ограниченности

ресурсов. Однако даже при высоких темпах экономического роста не всегда решаются проблемы бедности, неравенства и безработицы.

Несмотря на то, что концепция инклюзивного роста признана многими экономистами, на сегодняшний день не существует единого определения понятия «инклюзивный рост». Всемирный банк определяет инклюзивный рост как высокий и устойчивый, важным условием выступает сокращение бедности, широко распространенный по всем секторам экономики, вовлекающий значительную часть трудовой силы и характеризующийся равенством возможностей в доступе к рынку и ресурсам. Главный акцент в данном определении на продуктивной занятости для всех групп населения больше, нежели на распределении доходов. Организация экономического сотрудничества и развития определяет понятие инклюзивного роста как «экономический рост, который создает возможность для всех контингентов населения и более справедливо распределяет в обществе преимущества от увеличенного благосостояния как в денежном, так и в неденежном выражении»¹¹⁰. Европейская комиссия при подготовке стратегии «Европа 2020» обозначает, что инклюзивный рост включает в себя: полное использование трудового потенциала, снижение бедности и ее последствий, развитие социальной вовлеченности, устранение региональных диспропорций.¹¹¹

При этом необходима сопричастность в процесс развития самых разных секторов экономики (не только высокотехнологичных), но и акцентироваться на инфраструктуру, предполагающей наличие инклюзивных институтов, предлагающие равные стартовые возможности, экономические стимулы и четкие правовые гарантии, и, соответственно, исключения экстрактивных институтов, извлекающих ресурсы определенных слоев населения с целью их

¹¹⁰ Стимулирование инклюзивного роста с помощью более совершенного регулирования: роль оценки регулирующего воздействия // GOV/RPC №4, 2015

¹¹¹ Europe 2020 Strategy URL [Electronic resource] // Mode of access: <http://www.eur-lex.europa.eu>. – Date of access: 24.09.2017.

перераспределения в пользу элиты, как необходимого условия его устойчивости,

Определим ключевые моменты в определении инклюзивного роста:

- постановка более широких целей (не только увеличение дохода или ВВП);
- всестороннее развитие человеческого капитала;
- сокращение неравенства и бедности;
- обеспечение активного участия в экономической жизни, а не только в распределении дохода;
- получение выгоды широкими слоями населения;
- рациональное и бережливое использование природных ресурсов и защита окружающей среды.

Многие страны разрабатывают свою программу инклюзивного экономического роста, при котором высокий уровень инвестиций, быстрые темпы инноваций и сильный прирост ВВП достигаются параллельно с реализацией мер по сокращению неравенства в доходах и снижению экономической и политической нестабильностью.

Некоторые экономисты считают, что для роста экономики необходимо снижать налоги и увеличивать мотивацию для содействия развития предпринимательства. При этом уровень бюджетных расходов, а значит и налогообложение должны увеличиваться.

Возникает противоречие, которое легко устраняется функционированием скандинавской экономической модели. В частности, датская система «[флексикьюрити](#)» (создание гибких рынков труда: незначительные ограничения найма и увольнения работников, низкий уровень налогообложения и стимулы для инноваций) способна обеспечивать высокие экономические показатели при относительно низком уровне неравенства. Ряд ведущих экономистов считают, что именно такая модель сможет сбалансировать в других странах мира рост экономики, обеспечить равенство доходов и общую удовлетворённость граждан.

Такая модель предполагает значительное повышение государственных расходов, особенно на образование, на пособия по безработице, на профессиональную подготовку, на здравоохранение.

Рассмотрим зарубежный опыт принятия программных решений, в основе которых лежит концепция инклюзивного роста. В целом ряде стран разрабатываются национальные стратегии инклюзивного роста. Одной из таких программ является принятая в 2010 г. десятилетняя стратегическая программа Европейского союза «Европа 2020». Стратегии роста Евросоюза «Европа 2020» основывается на интеллектуальном, устойчивом и инклюзивном составляющих. Для реализации программы сформированы пять целей в следующих областях: занятость, инновации, изменение климата и энергетика, образование, борьба с бедностью и социальным отчуждением.

Для достижения указанных целей разработаны семь направлений деятельности:

1. «Инновационный союз». Посредством данного направления создаются инновации, способствующие, используемые на производстве. Что в свою очередь способствует созданию новых рабочих мест и росту экономики.
2. «Движение молодежи». В рамках данного направления повышается качество образования.
3. «Развитие цифровых технологий в Европе». Данное направление предоставляет возможность участия физических и юридических лиц в общем цифровом коммерческом пространстве.
4. «Целесообразное использование ресурсов в Европе». Рациональное использование потребляемых природных ресурсов.
5. «Индустриальная политика, направленная на глобализацию». Улучшение условий для предпринимательства, в первую очередь для малого и среднего бизнеса.
6. «План по развитию новых способностей и увеличению количества рабочих мест». Обновление рынков труда. Повышение мобильности трудовых

ресурсов. Предоставление возможностей для получения новых знаний и навыков, чтобы увеличить возможности для трудоустройства.

7. «Европейская политика против бедности». Повышение занятости и снижение уровня бедности за счет экономического развития на всей территории Европейского союза.

Социально-экономическое развитие в Бразилии характеризуют как «экономический национализм» в сочетании с обширной социально ориентированной политикой, и даже как «социальную модернизацию», противопоставляемую «росту без развития». Доктрина инклюзивного роста была четко определена самим Л. да Силвой (2003 – 2011): «Меры по распределению доходов и “включению” в общество ранее “исключенных” слоев, ...что позволяет сформировать новых граждан и новых участников потребительского рынка»¹¹²

Одной из самых крупномасштабных и социальных программ в мире стала бразильская программа Bolsa Família «Семейное пособие», предназначенная на выплату трансфертов с целью расширения доступа к образованию и здравоохранению детей и подростков из бедных семей. Вместе с тем в стране существовали ограничения государственной интервенции в экономические процессы в условиях глобализации. Необходимость поддержания благоприятной инвестиционной среды и финансовой стабильности обусловила преэминентность внешнеэкономического курса.

Инклюзивный рост в Индии был объявлен еще с 2000-х годов и упоминается во многих программных документах (India Vision 2020), и явился основанием для разработки 11-го и 12-го пятилетних планов в Индии (2007/08–2016/17 гг.). Изменение социально-экономического курса произошло в результате масштабной приватизации. Активизировалась социальная политика: увеличились вложения государства.

¹¹² Окунева Л.С. Бразилия: опыт социальной модернизации в начале XXI в. // Вестник МГИМО-Университета. 2010. № 2. – С. 7-8

В этой связи хотелось бы, отметить что, доктрина инклюзивного роста в Китае обусловлена принятием серией взаимосвязанных политических программ: «гармоничное общество», «научная концепция развития» и др. В 2007 году была одобрена программа с большей социально-экологической направленностью «научная концепция развития», предусматривающая отход от программы «всемерного ускорения роста». В этот период отмечается существенное усиление помощи отстающим слоям и регионам, увеличилось дотирование сельского образования и инфраструктуры, сформирована новая система медицинского страхования в деревне, реализовано несколько законодательных и ресурсных проектов, направленных против гендерной дискриминации и демографического дисбаланса, в том числе Закон о стимулировании занятости (2007 г.), повышение пенсионных выплат.¹¹³

Приведенные примеры демонстрируют проблемы программ социального развития в контексте глобализации.

Зарубежный опыт развивающихся стран, таких как Китай, Бразилия, Евросоюз, показал, что возможности, предоставляемые экономической открытостью, наращиванием экспорта и инвестиций, неразрывно связаны с побочными эффектами: ростом зависимости от мировой рыночной конъюнктуры, неформальной занятости, неконтролируемой миграции, диспропорций между регионами и отраслями. С начала 2000-х гг. ими разрабатываются стратегии развития, на новом уровне и в новых условиях затрагивающие проблемы модернизации и роли государственного проектирования, социальной политики.

Таким образом, инклюзивный экономический рост способствует сокращению неравенства, при правильно подобранным мерам государственной политики. Важная роль в которой принадлежит системе социальной помощи и механизмам социального страхования, создание достойных рабочих мест для

¹¹³ Zhang Y., Hannum E. Diverging fortunes: The evolution of gender wage gaps for singles, couples, and parents in China, 1989–2009 // Chinese Journal of Sociology. 2015. Vol. 1 (1). P. 15–55.

работников невысокой квалификации улучшает положение бедных. Все это в свою очередь будет являться неременным залогом устойчивого развития всей страны в целом.

Список использованной литературы:

1. Зубко Н.М. Экономическая теория. – Минск: НТЦ АПИ, 1998. – С. 61.
2. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: Наука, 1996. – С. 66.
3. Баҳромов А. Жума мавзуси тезислари. 2002 йил 28 декабрь.
4. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент: Молия, 1997. – Б. 46.

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти магистранти,
Махсудов Муҳаммадбек Дилшодбек ўғли**

ХУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЕР ФОНДИДАН Фойдаланиш диверсификациясининг аҳамияти

Аннотация. Ушбу мақолада барқарор иқтисодий ривожланишда ер ресурсларининг аҳамияти, ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлиллари, ер фонди диверсификацияси хусусида сўз юритилган. Шунингдек, муаллиф томонидан назарий тақлиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Таянч иборалар: ер, ер фонди, ер турлари, диверсификация, меҳнат ресурслари, балл бонитети, экспорт.

Ер иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ундан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш истиқболда республикамиз иқтисодиётидаги барқарорликни таъминлашда муҳим йўналиш бўлади.

Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг асосий мақсадларидан бири ердан фойдаланувчиларда ресурслар тежамкорлиги тизимини яратишга асосланган давлат ер фондини ер тоифалари ва турлари бўйича юқори

даражадаги самарадорлик кўрсаткичига олиб келувчи ер тақсимотига эришиш хисобланади. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг ижобий натижаси жойлардаги ижтимоий, иқтисодий ва экологик ҳолатларнинг барқарорлиги ҳамда бу кўрсаткичларнинг яхшиланиш жараёни билан ўлчанади. Бозор муносабатлари шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш бозор механизмига мос ҳолда амалга оширилиши керак. Ер тоифалари ва ер турлари туман, минтақа, вилоятлар ҳудудида тарқоқ ва ўзаро турли нисбатларда тақсимланган. Бундай шароитда ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг тармоқлар ва тармоқ ичидаги ер тақсимоти масалаларини ҳал этишда маъмурий-худудий хусусиятларини инобатга олиш муҳим саналади.

Хўш диверсификация тушунчаси ўзи нима? Нима учун керак? Қандай амалга ошириш керак? Шу каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўраман. Диверсификация латинча сўз бўлиб “diversificatio” — ўзгариш, хилма-хил тараққиёт деган маъноларни англатади. Диверсификация ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришиш, иқтисодий фойда олиш, банкротликка барҳам бериш ва бошқа мақсадларда амалга оширилади. Илгари бир соҳада ихтисослашганликни бошқа ишлаб чиқариш тармоқларига, биринчи навбатда, юқори фойда берадиган соҳаларга кириб бориши уларнинг хўжалик фаолияти соҳалари ва имкониятларини кенгайтиради. Дунё мамлакатларида диверсификация жараёни XX асрнинг ўрталаридан ривожлана бошлади. Дастлаб АҚШ, Япония, Ғарбий Европа давлатларида диверсификация саноат, транспорт, қурилиш, молия соҳаларида вужудга келади. Шу боис диверсификация характери мазкур давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари, шунингдек, бошқа давлатларга тегишли бўлган умумий омиллар (илмий-техника инқилоби, юқори фойда учун кураш, рақобат кураши, техник тараққиётдан қолиб кетмаслик ва бошқалар) билан белгиланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришни самарали ташкил этишда ҳам иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатлардаги каби диверсификация қилиш амалиётини жорий қилиш бугунги синовли, шиддатли

даврда муҳим саналади. Юқорида номлари санаб ўтилган мамлакатларда иқтисодий соҳада амалга оширилган диверсификация жараёнини таҳлил қилгач ер ресурсларидан фойдаланиш диверсификацияси тушунчасига муаллиф сифатида аниқлик киритиб ўтсам!

Ер ресурсларидан фойдаланиш диверсификацияси:

4. ҳудудда мавжуд ерларнинг ер фонди тоифасини юқори самарадорликка эришиш мақсадида тўғри йўналтириш;
5. ер фонди тоифасини ўзгартириш;
6. юқори иқтисодий-ижтимоий фойда олиш учун тақсимлаш ёки ажратиш кераклигидир.

Тадиқот натижасида қуйидаги атамалар ушбу фан соҳасига таклиф этилади; Ер фонди диверсификацияси – бу ҳудуддаги ер майдонларидан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра доимий равишда тоифаларга, ижтимоий-иқтисодий талабга кўра ўзгариб боришга таълуқли тушунчадир.

Ер фонди диверсификацион модули – Бу ҳудуддаги ер фонди тоифаларининг туркумланишини меъёрий асоси ҳисобланади. Ушбу асосда, маълум бир ҳудуд, маъмурий бирлик чегарасида, унинг географик жойлашуви, майдони, экологик ҳолати, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, ер ресурсларидан самарали ва барқарор фойдаланишни йўлга қўйиш учун, ер тузиш лойиҳаларини истиқболда ижтимоий-иқтисодий, инвестицион ривожланишга ҳизмат қилишини таъминлайдиган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилади.

Ерлардан фойдаланиш диверсификациясини амалга ошириш ва унинг иқтисодий мазмунини кенгайтириш бугунги кунда жуда катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлмоқда, чунки бозор иқтисодиёти шароитида диверсификация асосида истиқболда ерларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш имкониятларини янада кенгайтирилади [1]. Туман ер фонди диверсификациясини амалга ошириш орқали туман ҳудудида ишлаб чиқариш, бозор инфраструктурасининг янги типини яратишга, ер фондидан

фойдаланиш самарадорлигини оширишга, аҳоли бандлигини таъминлашга, ерга бўлган талаб ва таклиф мувозанатини таъминлашга ва ижтимоий-иқтисодий ижобий натижаларга олиб келади.

Ердан фойдаланишни диверсификация қилиш борасида жаҳон амалиётида кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, асосан ер майдонларидан унумли фойдаланишда, ерларни турли фойдаланиш мақсадларига ажратиб бериш тамойиллари, истиқболли лойиҳалар, дастурлар асосида прогноз қилиш ва ер ресурсларидан унумли фойдаланишни рағбатлантириш хусусида кўплаб ривожланган давлатлар, жумладан, Буюк Британия, Европа Иттифоқи, Нидерландия, Россия, АҚШ, Польша, Ҳиндистон, Индонезия, Бангладеш, Қозоғистон мамлакатлари тажрибалари таҳлил қилиниб, юртимиз иқлими, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига мослаштирилган ҳолда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ерларни ундан фойдаланиш мақсадига кўра тоифаларга ажратишда давлатга тўланадиган солиқ нуқтаи назаридан кўпроқ эътибор берилади. Юртимизда ҳозирги вақтда 60% дан ортиқ ер майдонларидан солиқ ундирилмайди. Солиқ юкини ердан фойдаланиш мақсадларига, яъни ерларнинг тоифаларга қараб эмас, балки ер турлари, кичик турларга кўра турли хил қийматда белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, туманлари ўзларининг жойлашуви бўйича турли минтакаларга, иқлим, рельеф ва тупроқ шароитларига эгадир. Бундай ҳолда ушбу вилоятлар, туманлар бўйича иқтисодиёт тармоқларини тўғри, илмий асосланган ҳолда белгилаш, асосий экинлар ҳосилдорликларини истиқболга тўғри режалаштириш ҳамда шу асосда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш сўзсиз ер маълумотларига асосланади [2].

Ер ресурсларидан, уларнинг функцияларига кўра турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Фойдаланиш мақсадининг ҳужжатларда акс эттирилиши унинг солиқ тўланадиган ёки тўланмайдиган тоифага ажратилиши учун имкон беради. Ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолатининг ҳисобини юритишда мамлакатимизда ер фонди тоифаларига ажратилган.

Ер фонди ва ер категорияларининг сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши қуйидаги ҳолларда содир бўлади:

- турар-жой барпо этилганда;
- қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштирганда;
- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштирганда ва ривожлантирганда;
- сув тармоқлари жойлаштирилганда ёки майдони кенгайтирилганда;
- транспорт йўллари барпо этилганда ёки кенгайтирилганда;
- мудофаа мақсадлари учун ер зарурати пайдо бўлганда;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасида тадбирлар ўтказилганда;
- ерни яхшилаш соҳасида тадбирлар ўтказганда.

Ер фонди диверсификацион модули сифатида “Ер фонди диверсификациясининг Бош схемаси” хизмат қилиши керак. Ижтимоий-иқтисодий тармоқларни истиқболда керакли майдонларини прогнозлаштириш-бош схеманинг асосий вазифаларидан биридир [3].

Бу ерда асосан:

7. ерларни ўзлаштириш;
8. ишлаб чиқариш кучларини бир текисда жойлаштириш;
9. қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқотиш;
10. аҳоли яшаш шароитларини яхшилашни таъминлаш;
11. келажакда керакли майдонларни ҳисоблаб чиқиш ишлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида майдони 2019-йил 1-январь ҳолатига 44 миллион 892 минг 400 гектарни ташкил қилади. Бундан 21 миллион 115 минг 200 гектарини пичанзор ва яйловлар, 3 миллион 442 минг 700 гектарни ўрмонлар, 80 минг 800 гектар майдони бўз ерлар ташкил қилса, умумий ер фондининг 24,07%ни, яъни 10 миллион 807 минг гектар майдонлари эса захира ерларни ташкил қилади. Олтин фонд ҳисобланган суғориладиган ерлар эса атиги 9,59%ни, яъни 4 миллион 306 минг гектар майдонни ташкил этади [4]. Республикамизда сўнгги 30 йилликда ишқиланиш даражаси йуқорилаб, тупроқнинг унумдорлик кўрсаткичи (балл бонитети) тушиб бормоқда.

Ерлардан такрор ишлаб чиқариш цикли бузилган ҳолатда фойдалилмақда. Қишлоқ хўжалигида ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириб боришдан ердан фойдаланувчи ҳам давлат ҳам манфаатдор бўлиши керак. Бундан ташқари қолган ер фонди турлари бўйича ҳам истиқболда қабул қилинажак қарорлар, амалга оширилиши керак бўлган лойиҳалар ҳам ер ҳолатини чуқур таҳлил қилган ҳолда амалга оширилиш мақсадга мувофиқ бўлиши учун ҳам аниқ тартиб-қоидалар мажмуаси амалиётга жорий этилиши керак. Бундан ташқари саноат объектларини, аҳоли пунктларини жойлаштириш, лойиҳалаш тадбирлари ҳам ер тузиш лойиҳалаш мутахассислари томонидан амалга оширилишни таъминлаш зарур. Ўрмон фонди ерларининг унумдорлигини ошириш, кейинчалик қишлоқ хўжалиги ер тоифасига киритилиши учун ҳозирдан тайёргарлик кўриш ва чораларни кўриш керак. Истиқболда аҳоли сони ортиб бориши озиқ-овқатга, иш ўрнига бўлган талабни доимий ошиб боришига олиб келади. Бундай инсоний масалаларни ечиш албатта мавжуд ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни талаб қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган барча тадбирлар мажмуаси сифатида ер фонди диверсификациясини комплекс тарзда амалга ошириш зарур. Чунки, иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатиб турибти. Улар қилган хатоларни қилмасдан, ютуқлардан фойдаланиш, ўз маконимизга мослаштирган ҳолда жорий этишимиз керак.

Ер фонди диверсификациясида қуйидаги кўрсаткичларни асосий омил сифатида инобатга олиш зарур:

1. туман ер фондининг унумдорлик кўрсаткичи – тупроқ бонитет бали;
2. туманнинг мавжуд экспорт салоҳияти (ҳозирги вақтда экспорт кўрсаткичи юқори экин турлари, рақобатбардош маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиш учун);
3. тумандаги мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш (аҳолининг иш билан бандлик даражасини кўтариш мақсадида).

Хулоса ва таклифлар. Ер ресурслари мамлакат иқтисодий ривожланишини асосий омили бўлиб хизмат қилиши учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур;

- ҳар бир ҳудуднинг, ҳар бир туманнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати, экологияси, географик жойлашуви, аҳолининг сони, меҳнат ресурсларининг миқдор ва сифатидан келиб чиқиб, ҳудудни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун “Ҳудуд ер фонди Бош Схемаси”ни тузиш амалиёти бажарилиши зарур. Бош схемани шакллантиришда барча ер фонди тоифаларининг ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилиши зарур, бунда асосий омиллар бўлиб аҳоли сони, экспорт имкониятлари, аҳолининг меҳнат қобилияти хизмат қилиши зарур;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун экин турларини жойлаштиришда, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш устунлиги йўлга қўйиш керак;

- ер фондини диверсификациялаш жараёнига ички ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш зарур;

- ерга бўлган ҳуқуқларнинг кафолатланишини қатъий тарзда таъминлаш зарур;

- “Ер ресурслари бюроси”ни ташкил этиш (таклиф-ердан фойдаланиш ҳолати ва ердан фойдаланишни режалаштириш бўйича (фан ва ишлаб чиқариш боғлиқлигида) тавсиялар ишлаб чиқиш, қатъий тартибга солиш механизми асосида, Бош схема устида иш олиб борадилар).

- ер фонди диверсификацияси иқтисодиётга асосий дастак вазифасини бажариши учун, ер фонди тақсимотини доимо ўзгариб боришини коррупциядан ҳоли тарзда, жамоатчилик, кенг аҳоли қатлами иштирокида амалга ошириш зарур, “Ер фонди Бош схемаси” эса, шу ҳудуддаги аҳолига таништириб борилиш керак, шундагина аҳоли ўртасида норозиликлар, чет элга иммигрант сифатида жўнаб кетишлар камаяди. Чунки, аҳоли бош схемадан, ушбу ҳудудда яқин келажакда бўладиган ўзгаришларни, қайси жой

бузилиши-ю, каерда завод-фабрика (иш ўрни пайдо бўлишини) барпо бўлишини олдиндан билади ва келажакка тайёргарлик кўради!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Маҳсудов М.Д. Диверсификация землепользования является фактором развития. Монография. LAP Lambert Academic Publishing, 2019. -16 б.
- [2]. Altiev A.S., Mahsudov M.D. Methods of forecasting and management of land fund diversification in local areas. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8, Issue-3S, October 2019. Retrieval Number: C10861083S19/2019©BEIESP. DOI: 10.35940/ijrte.C1086.1083S19, -pp 403-411
- [3]. Babajanov A.R., Mahsudov M.D. Diversification of land fund in the district. Monograph. Монография. LAP Lambert Academic Publishing, 2019. –44 б.
- [4] www.ygk.uz сайти маълумотлари.



МИНИСТЕРСТВО
ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



R
RESEARCH
SUPPORT CENTER



Институт Прогнозирования и
Макроэкономических Исследований
Institute of Forecasting and
Macroeconomic Research



МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ
И СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

6-Шўъба

**“ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ ШАРОИТИДА АҲОЛИ ТУРМУШ
ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСКАРТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Иқтисодиёт” факультети декани,
и.ф.д. проф., Абдурахманова Гулнора Каландаровна
E-mail: gulnora.01k@gmail.com,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси муdiri,
PhD Ғойипназаров Санжар Баходирович
E-mail: slg8529@mail.ru,

ГЛОБАЛ ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Аннотация: Ушбу мақолада глобал пандемия оқибатида мамлакатда юзага келадиган ишсизлик, камбағаллик, аҳоли даромадларини камайиши каби ижтимоий-иқтисодий муаммолар тадқиқ қилинган бўлиб, уларни самрали ҳал этиши бўйича ҳукумат томонидан амлага оширилиши мумкин бўлган чора-тадбирлар юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳимоя, иш билан бандлик, меҳнат бозори, тадбиркорлик кўникмалари, камбағалликни камайитириши, ижтимоий хавфсизлик кафолати, ижтимоий инновациялар, аҳоли даромадлари

Глобал (COVID-19) коронавирус пандемиясидан келиб чиқадиган ижтимоий-иқтисодий зарарни аниқ айтиб беришнинг имкони йўқ бўлса-да, иқтисодчилар уни глобал иқтисодиёт ва аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатиши тўғрисида умумий фикрга эга. Коронавирус пандемияси келтириб чиқарадиган иқтисодий зарар, асосан, талабнинг пасайиши, яъни мавжуд бўлган товар ва хизматларни сотиб олиш учун истеъмолчилар йўқлиги оқибатида юзага келади. Бу зарарларни айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳаво йўллари ва туризм, меҳмонхона ва ресторан бизнеси ҳамда кўнгилочар маданий тадбирлар каби жиддий таъсирга дуч келган йўналишларида яққол кўриш мумкин. Худди шу салбий оқибатлар саноатнинг бошқа соҳаларига ҳам таалуқлидир.[1]

Бирлашган миллатлар ташкилотининг “Иқтисодий ва ижтимоий

масалалар бўйича департаменти” таҳлилларига кўра коронавирус пандемияси туфайли, 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти 1 фоизга қисқариши мумкинлиги, агар иқтисодий фаолиятдаги чекловлар етарли фискал кафолатлар билан таъминланмаса, вазият бунданда ёмонлашиши мумкинлиги баён этилган.[2] Истеъмол бозорида талабнинг пастлиги натижасида товарлар ва хизматлар таклифининг камайиши иқтисодиётда ўрта муддатли танқислик ва нархларнинг ошишини келтириб чиқариши кузатилади.

Иқтисодчиларнинг фикрига кўра, бу вазиятда иқтисодий таъсирнинг жиддийлиги кўп жиҳатдан икки омилга боғлиқлиги таъкидланмоқда яъни, мамлакатларда одамлар ҳаракати ва иқтисодий фаолият чекловларининг давомийлиги ҳамда молиявий инқирозга жавоб чораларининг ҳақиқий ҳажми ва самарадорлиги.[3]

Энди масаланинг ижтимоий томонига тўхталадиган бўлсак, ХМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, пандемия таъсирида дунё бўйлаб 25 миллион одам ишсиз қолиши ҳамда дунё меҳнаткашларининг 3,4 трлн. АҚШ долларига тенг миқдордаги даромади йўқотилиши мумкин.[4] Шунингдек, жаҳон ишчи кучининг 81% яъни, 3.3 млрд меҳнаткашларнинг иш ўринлари қисман ёки тўлиқлигича ёпилган. Вазият таҳликали ҳолатда давом этадиган бўлса, мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2020 йилнинг иккинчи чорагида дунё бўйича қарийб 195 миллион аҳоли ўз ишларидан маҳрум бўлиш эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, корхона ва ташкилотлар талабнинг мавжуд эмаслиги оқибатида йўқотилаётган даромадларни қоплаш учун ходимлар сонини қисқартиришни бошлаганда, меҳнат бозорида харид қурбидан маҳрум бўлган ишсизлар сони ортиши, натижада иқтисодий пасайиш юзага келши мумкин.

Ушбу пандемия мамлакатлар меҳнат бозорларидаги чуқур камчиликларни фош қила бошламоқда. Барча кўламдаги корхоналар аллақачон фаолиятини қисман ёки тўлиқ тўхтатишга, иш вақтини қисқартиришга, масофадан ишлаш тизимига ўтишга ва зарур ҳолларда ишчиларни ишдан бўшатишга мажбур бўлган. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотиغا кўра, бугунга қадар дунё бўйлаб иш соатларининг 6.7%

йўқотилган. Бундай шароитда аввало иш билан беқарор банд бўлганлар – фрилансерлар, вақтинча иш билан банд бўлганлар, аутсорсерлар, меҳнат ижраси асосида фаолият юритаётган ижтимоий кафолати таъминланмаган меҳнат бозори иштирокчилари пандемиянинг салбий таъсирини биринчи бўлиб қабул қилиб олади.


Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий хавфсизлик кафолатлари тизими (Social security net system) мавжуд эмас. Зарур вазиятларда, ишсиз қолганлар ёки мигрантлар яқинлари ёки дўстларининг ёрдамига таянади. Аммо, айрим ривожланган малакаларда ҳозирги пандемия шароитида аҳолини даромадларини сақлаб қолиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Масалан, Буюк Британияда ҳукумат томонидан қарийб 40 миллиард фунт стерлинг миқдорида ижтимоий хавфсизлик кафолати учун маблағ ажратилган бўлиб, бу маблағлар асосан мамлакатда беқарор иш билан банд бўлганлар, фаолиятини вақтинча тўхтатган корхона ва ташкилотлар ходимлари учун маош кўринишида ҳамда ижтимоий ҳимояга мухтож аҳоли қатламига йўналтирилади. Пандемия сабаб ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўз ходимларини бўшатишдан кўра уларни сақлаб қолиш учун ҳукумат томонидан ажратиладиган ушбу ёрдам учун ариза бериши ва натижада ходимлар маошининг 80% ҳукумат томонидан қоплаб берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар ҳам бундай имкониятдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Яъни, улар ўзларининг ойлик даромадларининг 80 % миқдорида ҳукуматдан кўмак олишлари мумкин, агар улар расмий равишда солиқ назоратидан рўйхатдан ўтган бўлса. Ўз-ўзидан маълум бўладигани, бундай имтиёزلарнинг мавжудлиги мамлакатда норасмий секторда фаолият юритаётган меҳнат ресурсларини расмий секторга ўтишдан манфаатдор бўлишини келтириб чиқаради.

Масланинг яна бир салбий жиҳати, агар мамлакатларда ижтимоий масофани сақлаш ва бу орқали касалликни тарқалишини олдини олиш мақсадида аҳолининг ҳаракати чеклови муддати узоқ давом этадиган сценарий

юзага келадиган бўлса, меҳнат бозорига илк мартаба қадам қўювчи олий таълим муассасалари битирувчиларнинг иш билан бандлиги муаммосини келтириб чиқаради. Ҳар йили олий таълим муассасаларини битирувчилар сони ўртача 380 мингтани ташкил этадиган бўлса, бу меҳнат бозорида салмоқли кўрсаткич ҳисобланади.[5] Шунинг эътиборга олиш лозимки, бу даврда ОТМ битирувчилар учун синов даврини ўтовчи амалиёт ва стажировка дастурлари ҳам пандемия сабаб вақтинча тўхтаб қолди. Талабалар учун тўрт йил давомида ўрганган билмиарини амалиётда синаш имконияти йўқолди. Агар вазият тез орада яхши томонга ўзгарадиган бўлса ҳам, иш берувчиларнинг янги битирувчиларга бўлган талаби тез орада шаклланмайди. Бу эса, битирувчилар учун меҳнат бозоридаги ноаниқлик вазиятини юзага келтиради. Ҳукумат томонидан буни зудлик билан ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар рўйхатига киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари ўз тадқиқотларида глобал пандемия мамлакатлар томонидан самарали механизмлар билан жиловланмаса, унинг иқтисодийга салбий таъсирини ифодаловчи схемани ишлаб чиқишган. (1-расм)



1-расм. Глобал пандемия ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари[6]

Жаҳон иқтисодиёти хавф остида эканлигига қарамай, ушбу энг ёмон вазиятдан қутилиш мумкинлигига умид қилиш учун ижобий сабаблар ҳам мавжуд. Масалан, 1918 йил баҳорида бошланган ва бутун дунё бўйлаб тез тарқалган Испан гриппи эпидемияси вақтидаги ҳамда 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида кўплаб мамлакатлар талабга асосланган турғунликни оқибатларини давлат харажатлари билан олдини олиш мумкинлигини тажрибадан ўтказган. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари глобал иқтисодиётни чуқур таназзулга олиб бориши мумкин бўлган кескин иқтисодий пасайишни олдини олиш учун маҳаллий даражада катта рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқмоқдалар.

Масалан, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, жаҳон мамлакатлари томонида ушбу инқироз оқибатларини юмшатиш борасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилаётгани маълум бўлди:

- бепул тиббий ёрдам учун ҳукумат томонидан ажратилмалар (дунё мамлакатларининг 50% томонидан амалга оширилмоқда);

- карантин даврида ишламаётган аҳоли учун иш билан бандлик нафақалари (дунё мамлакатларининг 34% томонидан амалга оширилмоқда);

- бизнес субъектлари учун солиқ таътили (дунё мамлакатларининг 31% томонидан амалга оширилмоқда);

- инқироз сабаб банкротлик ҳолатига тушиб қолган корхоналар учун ҳукумат томонидан маблағлар ажратилиши (дунё мамлакатларининг 29% томонидан амалга оширилмоқда).[8]

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агар ҳукуматлар бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш, корхона ва ташкилотларда ишдан бўшатишларни олдини олиш ва ижтимоий ҳимояси таъминланмаган ишчиларни ҳимоя қилиш учун қатъий чоралар кўрса, миллионлаб иш ўринлари ва корхоналарни сақлаб қолиш имконияти мавжуд. Шубҳасизки, улар томонидан бугун қабул қилинадиган қарорлар жамият ва иқтисодиётнинг кейинги йиллардаги барқарорлигини белгилаб беради.[9]

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида ҳам коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодий тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, экин экиш ишларини тизимли ташкил қилиш ҳамда маҳсулот етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни тўғри ташкил этишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Ушбу чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш учун ҳукумат, иш берувчилар ташкилотлари ва касаба уюшмалари билан биргаликда аҳолининг ижтимоий хавфсизлиги ва иш ўринларини ҳимоя қиладиган амалий ечимларни ишлаб чиқиши ва мақсадли дастурларни амалга ошириш зарурати юзага келади.

Ўзбекистонда глобал пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш ҳамда бу даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ишсизлик даражасини камайтириш сиёсатини амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

Инқироз шароитида талаб юқори бўлган соҳаларга ишсиз қолган фуқароларни вақтинчалик ёки доимий фаолиятга жалб этиш. Пандемия шароитида қишлоқ хўжалиги, етказиб бериш хизматлари, транспорт ва логистика соҳасида ишчи кучига бўлган талаб ортиб боради. Шунинг учун, бу соҳаларга ишсиз қолган аҳолини жалб этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Шунингдек, юқори малака талаб қилдиган талаб юқори бўлган соҳалар масалан, соғлиқни сақлаш таъминоти тизими ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш соҳаси учун кадрларни интенсив ёки қисқа

муддатли тайёрлаш тизимини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ишсизлик суғуртаси ва ишчилар компенсациясини ўз ичига олувчи ижтимоий хавфсизлик кафолатлари тизимини ишлаб чиқиш. Ривожланган мамлакатлари тажрибасини инобатга олган ҳолда, меҳнат бозорида беқарор иш билан банд бўлганлар, ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар ва пандемия сабаб ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимлари учун ҳукумат томонидан иш ҳаққи сифатида ажратиладиган молиявий маблағлар ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш. Ўз-ўзидан маълум бўладиги, ҳукумат томонида инқироз вақтида бундай кўмак ва имтиёзларнинг қўлланилиши, инқироздан кейинги даврда ҳам мамлакатда норасмий секторда фаолият юритадиган меҳнат ресурсларини расмий секторга ўтишдан манфаатдор бўлишини келтириб чиқаради.

Масофадан туриб ишлаш учун фаолиятни ташкил этишга фойзсиз кредитларни ажартиш. Масофадан туриб ишни олиб бориши мумкин лекин, уни ташкил қилиш имконияти мавжуд бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар учун зарур жихозларни харид қилиши ва масофадан туриб ишловчи ходимларига муносиб меҳнат шароитларини таъминлаб бериши мақсадида уларга давлат банклари томонидан фойзсиз кредитлар ажратиш.

Пандемия даврида олий таълим муассасаларини битирувчилари учун иш билан бандлик механизмларини ишлаб чиқиш. Маълумки ҳар йили, кўп сонли битирувчилар иш билан банд бўлиш мақсадида меҳнат бозорига кириб келади. Бу йилги пандемия шароитида меҳнат бозорида ҳар йили содир бўладиган муносабатларда катта ўзгариш кутилмоқда. Яъни, бу борада мутахассилар битирувчиларга бўлган ишчи кучи талабининг кескин тушиб кетиши муаммоси юзага келишини тахмин қилишмоқда. Буни оддини олиш мақсадида битирувчиларни давлат иш билан таъминлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, иш беврчилар учун битирувчиларни стажировка ва ишга жалб қилганлиги учун турли субсидиялар ажратиш механизминини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ОТМнинг иқтидорли битирувчи

талабаларини бакалавр босқичини тамомлаганидан сўнг илмий-педагогик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида магистратурага ҳамда докторантурага қабул квоталарини ошириш ҳам мамлакатда малакали кадрлар захирасини шакллантириш ва битирувчиар ишсизлик даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Аҳоли ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида тарғибот ишларини жонлантириш. Ҳар қандай шароитда аҳоли ўртасида камбағаллик даражасини камайтиришнинг энг самрали йўли бу – аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда ижтимоий инновацияларни рағбатлантириш ҳисобланади. Аҳолини эркин ҳаракати чекланган ҳозирги шароитида, оммавий ахборот воситалари (телевидения, радио, расмий интернет нашрлари, ижтимоий тармоқлардаги расмий каналлар) орқали ижтимоий масофани сақлаш мақсадида уйда бўлиб турган аҳоли учун тадбиркорлик сабоқлари ва ижтимоий инновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича тарғиботларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилагн адабиётлар рўйхати:

[1] Erin Duffin. Impact of the coronavirus pandemic on the global economy - Statistics & Facts. <https://www.statista.com/topics/6139/covid-19-impact-on-the-global-economy/>.

[2] Analysis by the UN Department of Economic and Social Affairs (DESA)

[3] UN DESA's World Economic Forecasting Model.

[4] COVID-19: Pandemic in the World of Work.

[5] <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6551-43563453>

[6] Dele Abegunde, Anderson Stanciole. An estimation of the economic impact of pandemic in selected countries. Working paper. 2006.

[7] Angelos Delivorias and Nicole Scholz. Members' Research Service PE 646.195 – February 2020. Economic impact of epidemics and pandemics

[8] <https://workforce.org/news/covidimpact/>

[9] Guy Ryder. COVID-19: Pandemic in the World of Work.

Тошкент молия институти профессори,
Хужакулов Хаитмурод Жавилевич
Тошкент молия институти ўқитувчиси,
Утанов Бунёд Қувондиқович

КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШДА ЁНДАШИШЛАР ВА УЛАРНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШ

Аннотация. Тезисда камбағалликни ўлчаидаги ёндашишлар, уларнинг моҳияти ва бир-биридан фарқи, камбағалликнинг чуқурлашуви ва кескинлашуви индексларини ҳисоблаш тартиби, бугунги кунда коронавирус эпидемияси туфайли меҳнат бозорида дуч келинаётган муаммолар ва уларни ҳал қилишдаги асосий йўналишлар баён қилинган.

Калит сўзлар: камбағаллик, фаровонлик, камбағалликни ўлчаидаги ёндашишлар, оила, уй хўжаликлари, даромад, истеъмол, яшаш минимуми.

Ўзбекистонда 2020 йилдан бошлаб, камбағаллик ҳақида очик айтилмоқда. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида “Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланганлик аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб – китобларга улар тахминан 12 – 15 фоизни ташкил этади”[1], деб таъкидлаган эди.

Камбағаллик тўғрисида назария ва амалиётда турли фикрлар ва ёндашувлар мавжуд. Иқтисодиёт ва статистикага оид адабиётларда камбағалликни ўлчаш учун турли ёндашишлардан фойдаланилади. Аҳоли камбағаллигини ўлчашнинг қуйидаги усуллари фарқланади:

1. Мутлақ ёндашиш – бу мутлақ камбағаллик. Даромади ўрнатилган минимумдан бир қадар паст бўлганлар мутлақ камбағал ҳисобланади.

Мутлақ камбағаллик мезонидан фойдаланишда камбағаллик даражаси ва камбағаллар сони давлат томонидан расман ўрнатилган камбағаллик чегарасига боғлиқ бўлиб, ўз навбатида у давлатнинг молиявий имкониятларига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, мутлақ камбағалликни ўрганишда иккита муҳим масалани ечиш зарурдир:

1. камбағаллик чегараси сифатида фойдаланиши мумкин бўлган кўрсаткични ишлаб чиқиш;

2. камбағаллик чегараси билан таққослаш учун фаровонлик даражаси кўрсаткичлари тизимини танлаш.

2. Нисбий ёндашиш – *бу нисбий камбағаллик*. Бу кўрсаткич аҳолининг турли гуруҳлари бўйича даромадларнинг тақсимланишида юз берган ўзаро нисбатларни ифодалаб, қанчалик оила ёки ҳар бир шахс баъзи бир ҳаётий стандартлардан нисбий камбағал эканлигини билдиради.

3. Субъектив ёндашиш – *бу субъектив камбағаллик*. Ушбу ёндашув биринчи марта Лейден университетининг голландиялик олимлари томонидан қўлланилган бўлиб, улар уй хўжаликларини танлама текшириш асосида респондентларнинг етарли минимал даромадлари тўғрисидаги ўз тасаввурлари ва оила эга бўлган ҳақиқий даромад даражаси ўртасида чамбарчас боғлиқлик борлигини аниқлаб, камбағаллик чегарасини тавсифлаш учун ижтимоий фикр сўровларидан фойдаланишни таклиф қилган [2].

Агар камбағалликнинг мутлақ концепциясида камбағаллик чегараси инсоннинг жисмоний яшаши учун физиологик зарурий меъёрлардан келиб чиқиб, расман давлат томонидан ўрнатилса, нисбийда инсон тўлақонли ҳаёт кечири олмаслигининг чегараси қайд қилинади, субъектив усул эса респондентнинг ўзига ушбу чегарани аниқлашга ва ўз фаровонлигининг ҳолати даражасини баҳолашга имкон беради.

Мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар паст даромаднинг объектив кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланиши мумкин. Аксинча, кам даромаднинг субъектив кўрсаткичлари даромад даражаси тўғрисида жамоатчилик фикрига асосланади, улар “сал-пал етарли” деб ҳисобланади ва шу билан экспертлар томонидан аниқланадиган асосий эҳтиёжларни ихтиёрий танлаш муаммосидан қочишади.

Камбағалликнинг нисбий концепцияси доирасида нисбий маҳрумлик тушунчаси деб номланган ва инглиз олими П.Таусентнинг фаолияти туфайли маълум бўлган ёндашув ҳам мавжуд. Бу ҳолда камбағаллик тўғридан – тўғри

уй хўжалигининг истеъмол хусусиятларини баҳолаш орқали ўлчанади ва маълум бир жамиятда истеъмол стандартлари учун зарур бўлган ресурсларнинг етишмаслиги тушунилади. Жамият учун турмуш даражасининг стандартдан тафовути муҳтожлик ёки марҳумлик тушунчалари билан аён қилинади [3].

Аҳоли пул даромадлари тақчиллиги кўрсаткичи камбағалликнинг чуқурлашуви ва камбағалликнинг кескинлашуви индексларини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Бу индекслар асосида мамлакатда камбағаллик даражаси динамикасини таҳлил этиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Камбағалликнинг чуқурлашуви индекси қуйидагича ҳисобланади:

$$I_r = \frac{I}{A} \sum_{i=1}^n m_i \left(\frac{C_{mini} - d_i}{C_{mini}} \right)$$

Камбағалликнинг кескинлашуви индекси эса қуйидагича ҳисобланади:

$$I_k = \frac{I}{A} \sum_{i=1}^n m_i \left(\frac{C_{mini} - d_i}{C_{mini}} \right)^2$$

Бу ерда, A – тадқиқот (текшириш) ўтказилган аҳолининг умумий сони; $(C_{mini} - d_i) : C_{mini}$ – яшаш минимумидан паст даромадга эга бўлган i -рақамли уй хўжалигининг бир аъзоси ҳисобига тўғри келадиган даромадлар тақчиллигининг нисбий даражаси; n – яшаш минимумидан кам даромадга эга бўлган уй хўжаликлари сони; m_i – i -рақамли уй хўжалигидаги оила аъзолари сони; C_{mini} – i -рақамли оила учун ёш структурасини ҳисобга олиб ҳисобланган яшаш минимумининг ўртача жон бошига миқдори; d_i – даромади яшаш минимумидан паст бўлган i -рақамли уй хўжалигининг ўртача жон бошига даромади.

АҚШда камбағаллик даражаси ва даромадларнинг баб-баравар тақсимланишини таҳлил қилишда “эквивалентлик шкаласи” деб ном олган усул қўлланилади. Бу методнинг асосида уй хўжаликлари турли гуруҳларининг озиқ-овқат товарлари минимал тўпламига қилган сарфларини

баҳолаш ётади. 1960 йилларнинг бошида АҚШда ўтказилган текшириш натижаларига кўра медианали оила ўзининг 30 фоиз даромадини озиқ – овқат харид қилишга сарфлашгани аниқланган. Шундан келиб чиққан ҳолда камбағал оила даромади баҳосини олишда уй хўжаликларининг турли гуруҳлари учун озиқ-овқат товарларининг минимал тўплами қиймати учга кўпайтирилади. Бу усулдан камбағалликни баҳолаш учун ҳукуматнинг ҳужжатларида кенг фойдаланилади. Шунга ўхшаш усул Германияда ҳам қўлланилади.

Жаҳон Банкининг “Камбағаллик ва фаровонлик” ҳисоботи маълумотларига кўра, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 2017 йилда 11,9 фоизни, 2018 йилда эса 11,4 фоизни ташкил этиб, 0,5 фоизга тушган. Камбағал ва ўрта даражадаги мамлакатларда эса бу кўрсаткич 9,6 фоиз бўлиб, Ўзбекистондагига қараганда анча паст [4].

Аниқланишича, Ўзбекистонга меҳнат муҳожирлари пул юбормай қолган тақдирда, камбағаллик даражаси 17 фоизга яқинлашиши ёки улар мамлакатга қайтиб меҳнат бозорида иш топса ҳам камбағаллик даражасининг кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Махсус дастурлар асосида иқтисодий ўсиш эвазига камбағаллик даражасини камайтиришга эришишни амалга ошириш зарур.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”[1].

Қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда, камбағалликни енгишда куйидаги асосий қадамларни қўйиш керак деб ҳисоблаймиз, яъни: *биринчидан*, меҳнат бозорида иш жойларини яратиш. Бу иш жойларида ишлаётган одам етарли даражада даромад олиши керак, *иккинчидан*, соғлиқни сақлаш, касбга йўналтириш бўйича ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш, *учинчидан*, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва юритиш. Бу борада натижа яхшиланса,

иш жойлари яратилади, одамларда капитал кўпайиб, камбағалликни камайтириш имкониятига эга бўламиз.

Бугунги кунда коронавирус эпидемияси туфайли Ўзбекистон меҳнат бозори мисли кўрилмаган муаммоларга дуч келмоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган кескин чоралар туфайли кўпгина фуқаролар мажбуран ишсиз қолди, чет элдан қайтган фуқароларимиз доимий даромадидан маҳрум бўлишди. Республикада 1-3 ой давомида яшаш имконини берувчи жамғармага эга бўлмаган одамлар жуда кўп бўлиб, уларнинг оилалари қийин ҳолатга тушиб қолишди.

Кўплаб мамлакатларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, вазиятдан чиқишнинг асосий йўли – бу энг аввало эҳтиёжманд оилаларга тўғридан-тўғри тўловлар орқали ёрдам беришдир. Бу бир томондан оилалар қашшоқлик ҳолатига тушиб қолмасликлари бўлса, бошқа тарафдан ялпи талабни қўллаб-қувватлаш учун амалга оширилади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 736 млн.киши ёки аҳолининг 10 фоизи кунига 1,9 доллардан кам даромадга эга бўлиб, ўта қашшоқлик шароитида яшаса, деярли ярми 3,4 млрд. киши кунига 5,5 доллардан кам даромадга эгадир. Мезон бўйича кунига 3,2 долларга яшайдиган аҳоли камбағал, 2 доллардан камроқ пул топадиган аҳоли тоифаси қашшоқ ёки ўта камбағаллар қаторига киради.

Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш бўйича Жаҳон банки ва БМТ тараққиёт дастури билан биргаликда дастур ишлаб чиқишни режалаштирмоқда. Уни амалга ошириш учун 700 млн.доллар маблағ йўналтирилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича 2020 йил 27 февралда ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ш. М. Мирзиёев шундай деганди: “Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётининг эҳтиёжлари нима бўлапти деган савол ҳар куни қийнайди ”.

Тадқиқотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 46 турдаги маҳсулот ва бирламчи хизматлар киритилган истеъмол саватчаси 650 минг сўм, ҳаёт кечиришнинг энг қуйи даражаси 810 минг сўм атрофида ҳисоблаб чиқилган [5]. Бироқ, истеъмол саватчаси ёш, жинс, мавсумийлик нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин.

Ўзбекистоннинг истиқболи шундан иборатки, унинг тадбиркор ва меҳнатсевар халқи бор. Бу эса инсон капиталининг нисбатан юқори даражада эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020 й. 25 январ.
2. Курс социально-экономической статистики. (под ред. М.Г.Назарова) М.: ОМЕГА-Л. 2006, с.577
3. Townsend P. Poverty in the United Kingdom. A Survey of household resources and standards of living. N.Y., 1979.
4. Ражабов Б. Камбағаллик қандай ўлчанади. 17.03.2020. <https://kun.uz>
5. Жумаев Н. Коронавирус ортидаги иқтисодий муаммолар, камбағаллик, ошаётган ташқи қарз ва ЕОИИ. 16.04.2020. <https://kun.uz>

**Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти.
Лойиҳа раҳбари,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.
Хасанов Рустам Рабимович**

КАМБАҒАЛЛИКЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САБАБЛАРИ

Аннотация. Мақолада камбағалликни келтириб чиқишига сабаб бўлувчи объектив ва субъектив ҳолатлар муаммо сифатида таҳлил қилинган. Асосий эътибор камбағалликка юз тутиш белгилари ва омилларига қаратилган бўлиб, ундан чиқиб кетишига кишиларнинг ўзи масъул бўлиши ва айни пайтда, давлат тегишли чоралар бедгилаши зарурлиги изоҳлаб берилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, камбағаллик сабаблари, пул даромадлар, натурал даромадлар, камбағаллик белгилари ва омиллари, ночорлик, минимал истеъмол, фаровонлик.

Аҳолининг турмуш даражасига изоҳ берганда, аҳоли тасарруфида бўлган пул ва натурал даромадлар тушумлар миқдорини қўшма равишда ҳисобга олиш зарур бўлади. Чунки, турмуш даражаси бевосита истеъмол миқдори ва сифати билан ўзвий боғлиқликда бўлиб, уни қондиришда пул ва натурал даромад турининг ҳар иккаласи иштирок этади. Пул ёки натурал тушумлар ҳам даромад сифатида қаралиши лозимки, бу киши ёки оиланинг даромадини ташкил этади ва турмуш фаровонлиги даромадларга бевосита боғлиқлигини ифодалайди.

Аҳоли турмуш фаровонлиги даромадлар даражасига боғлиқ экан, бозор ислоҳотлари даромад топишга бўлган қизиқишни уйғотиши билан бирга камбағаллик оилаларнинг ҳам мавжуд бўлишини келтириб чиқаради. Камбағалликлик даромад ва истеъмол орқали белгиланади ҳамда даромадлар тенгсизлигининг ҳосиласи сифатида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш аҳоли даромадлари даражасининг кучли табақалашувини келтириб чиқариши билан бирга, бой табаканинг пайдо бўлишини ва улар сонининг ортиб боришини таъминласада, бир вақтнинг ўзида камбағаллик қатламларнинг ҳам мавжуд бўлишини инкор этмайди.

Камбағалликлик ҳар бир жамият учун хос бўлган кўриниш бўлсада, унинг даражаси ва кўлами ҳар хил кечади. Камбағалликлик даражасини белгилаш ҳам турли мамлакатларда ўзига хос ёндошувлар доирасида белгиланади. Чунки, бир мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши, ундаги ресурслар, тарихий қадриятлар, турмуш тарзи, миллий қарашлар, маданият ва урф-одатлар фарқланади. Бу фарқланиш камбағалликликнинг ҳам фарқланишига олиб келади. Шунинг учун эришилган даромадлар даражаси ва иқтисодиётнинг тузулиши билан боғлиқ ҳолда ҳар бир мамлакатда камбағалликлик ўзига хос хусусият касб этади.

Камбағалликлик муаммоси истеъмол таркиби ва даражаси орқали юзага чиқади. Бу муаммо истеъмол чегараси билан изоҳланади. Хусусан, минимал истеъмол даражасини белгилаш, унинг меъёрлари ва унга бўлган ёндошувлар камбағалликлик муаммоси кўламини келтириб чиқаради. Бунда камбағалликлик даражасини белгилашда кўйидаги ҳолатларни ҳисобга олиниши тақазо қилинади:

1. Камбағалликлик даражасини белгилашда ҳар бир мамлакат ўзига хос вазифа ва мақсадларни кўзда тутаяди. Айрим мамлакатлар турмуш сифатини оширишни мақсад қилиб кўйса, бошқалари кишиларни қашшоқлик ботқоғидан чиқаришни, айримлари эса турмуш даражасининг пасайиб кетишини олдини олишни муҳим ҳисоблайдилар.

2. Турли мамлакатлар миллий иқтисодининг ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб, ҳаёт кечириш минимумини аниқлайди. Бунда бир мамлакатда белгиланган камбағалликлик мезонлари бошқаси учун тўғри келмаслиги мумкин.

3. Амалдаги ночорларни ҳимоялаш, уларнинг имкониятлари доирасида ва давлатнинг кўмаги таъсирида ўзаро нисбат, яъни ўзини-ўзи таъминлаши ва ёрдамга мухтожлиги қоршима шаклида олиб борилади.

4. Камбағалликнинг меъёрлари белгиланади. Бу меъёрлар иқтисодийнинг ривожланганлик даражасига биноан шакллантирилади. Белгиланган меъёр ҳаёт кечириш минимумини истеъмол нуқтаи назаридан эмас, балки таъминот имкониятларидан келиб чиқан ҳолда белгилайди.

Камбағалликлик даражасини аниқлашнинг Ўзбекистонга хос жиҳати шундан иборатки, бунда киши ўзини зарурий истеъмол неъматлари билан таъминлай олмаслиги, улар хоҳласада бунинг уддасидан чиқа олмаслиги ҳисобга олинади. Чунки, жамият аъзоси ўзининг социал мақомига кўра етарлича даромадга эга бўлмаслиги табиий ҳолат. Бундай ташқари, иқтисодий ҳолат ва вазият уларга имкон яратиб бермайди. Шу билан бирга, айрим социал гуруҳлар эскидан шаклланган фаолият турини янгича шароитга мослаш имкониятига эга эмаслар. Ёхуд, айрим касбдаги кишилар меҳнат маҳсули

янгидан пайдо бўлган иқтисодиёт таркиби ва истеъмол даражасига керак бўлмай қолади. Натижада бундай субъектлар камбағалликликка юз тутлади.

Камбағалликлик даражасига иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва ишлаб чиқариш соҳалари ҳам кучли таъсир этади. Эскидан қолган иқтисодиёт таркиби янгиси билан алмашиб, иқтисодий фаоллик вужудга келгунча аҳолининг кўпчилик қатлами камбағаллашиб бўлади. Камбағалликлик қармоғидан чиқиш эса жуда қийин кечади. Бундай таъсир худудлардаги тармоқлар тузилиши ҳосиласи сифатида ҳам юза чиқиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, камбағалликни аниқлаш турли мезонлар доирасида амалга оширилади. Бу мезонлар иқтисодиётнинг ривожланиши билан ўзгариб боради. Энг оғир иқтисодий шароитда ҳаёт кечириб минимуми асосан кишини ҳаётининг таъминлаб туришга қаратилади. Бундай шароитдаги мезон асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол даражасига қаратилади. Чунки, мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ҳолат ва ялпи миллий маҳсулот миқдори жуда ночор бўлганлигидан истеъмол неъматларининг жиддий танқислиги ҳукм суради. Масалан, Афғонистонда бир неча ўн йиллар давом этган уруш ишлаб чиқаришни томомила издан чиқарди. Аҳолининг асосий қисми нафақат камбағал, балки қашшоқлашиб қолди.

Камбағалликликнинг мавжудлиги ижтимоий ҳодиса бўлиб, иқтисодиётнинг даражаси ва ислоҳотларнинг самарасига боғлиқ бўлади. Янги иқтисодий муносабатлар ва иқтисодиёт асослари камбағалликликнинг у ёки бу кўринишини келтириб чиқаради. Юзаки қараганда камбағалликлик субъектнинг ўзига боғлиқлиги, ночор аҳволда кун кечиршида кишининг ўзи айбдордек туюлади. Албатта, ҳар бир киши ва оила ўз фаровонлиги учун жавобгардир. Лекин, бунинг учун жамиятдаги иқтисодий муносабатлар ва амалдаги ҳуқуқий қонун-қоидалар киши фаолиятини ҳар томонлама кенг очиб беришга қодир бўлиши керак. Бу қоидалар ичида энг муҳими иқтисодий эркинликдир.

Ҳар бир субъект ўзининг имкониятлари доирасида иқтисодий фаолиятда бўлади ва мавжуд ресурсларга мос бўлган даромадга эга бўлади. Фаолият

эркинлиги бозордаги тенгликни англамайди, балки мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини беради. Шунинг учун, камбағалликликни фақат субъектив кўриниш эмас, балки объектив жараён маҳсули сифатида ҳам қараш керак. Объектив жараён эса ўзига хос омиллар таъсирида кечади ва камбағалликликни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида юзага чиқади. Айниқса, иқтисодий трансформация даврида иқтисодий, социал ва сиёсий жараёнлар камбағалликлик даражаси ва кўламини келтириб чиқарувчи сабабалар ҳисобланади.

Камбағалликликни фақат истеъмолдаги етишмовчилик деб тушуниш керак эмас. У малаканинг етишмаслиги ва соғлиқнинг ёмонлиги билан ҳам ифодоланади. Чунки, булар ҳам даромад топишга тўсқинлик қилади. Қуйида камбағалликликнинг Ўзбекистонга хос белгиларини келтираемиз.

Ўзбекистонда камбағалликликни келтириб чиқарувчи белгилар.

| Табиий шарт-шароит | Соғлиқнинг ёмонлашуви | Социал жиҳатлар | Иқтисодий жиҳатлар | Сиёсий жиҳатлар | Экологик жиҳатлар |
|---|--|--|--|--|--|
| 1. Қирғоқчилик. 2. Сел келиш. 3. Ўсимлик касаллигининг тарқалиши. 4. Бевақт совуқ келиши | 1. Юқумли касалликнинг тарқалиши. 2. Тан жароҳати олиш. 3. Ногиронлик. 4. Қарилик. 5. Эрта ўлим. | 1. Оиладаги носоғлам муҳит. 2. Уюшган жиноятчилик. 3. Ишсизлик. 4. Меҳнатдан буйинтовлаш. 5. Коррупция | 1. Иқтисодий ўсишнинг сустлиги. 2. Техника ва технологиянинг етишмаслиги. 3. Молиявий беқарорлик. 4. Пулнинг қадрсизланиши. | 1. Диний экстремизм. 2. Ислохотларга шубҳа билан қараш. - Сиёсий ўйинлар. 4. Халқаро иқтисодий чекловлар. | 1. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши. 2. Ернинг шурланиши. 3. Тоза ичимлик сувининг етишмаслиги. |

Юқоридаги жадвалда келтирилган камбағалликликка олиб келувчи белгилар турли оилалар ва кишиларга ҳар хил таъсир кўрсатади. Айримлари учун, асосан қишлоқ хўжаликда яшовчилар учун, табиий шарт-шароит муҳим белги бўлса, бошқалари учун социал белгилар аҳамияти кучли бўлади. Бу белгилар бир-бири билан узвий боғланган. Бири иккинчисига туртки бўлади. Уларни алоҳида қараш нотўғридир. Лекин, миллий иқтисодиёт даражаси ва ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, уларнинг айримларини таъсири яққол сезилиб боради. Чунки, бу белгиларнинг намоён бўлишини муҳим жиҳати даромадларда ўз аксини топади ва даромадларнинг камайишига сабабчи бўлади. Масалан, соғлиғини йўқотган камбағал уни тиклаш имконияти чекланган бўлса, озиқ-овқат истеъмолининг етишмаслиги меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этади, меҳнат бозоридаги рақобатбардошликни сусайтиради, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш сифатини пасайтиради. Шунинг учун камбағалликлик социал-иқтисодий муаммо сифатида ўта мураккаб жараён деб қаралади.

Камбағалликликни келтириб чиқарувчи омиллар ҳам мавжуд бўладики, уларнинг таъсири социал гуруҳлар турмуш фаровонлигида турлича аҳамият касб этади. Камбағалликликка олиб келувчи омилларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Трансформация ёки иқтисодий танглик давридаги иқтисодий муаммоларнинг чигаллашуви, ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайиб кетиши ва субъектлар даромадининг қисқариши, бозор муносабатларига кўникманинг қийин кечиши.
2. Институционал ўзгаришларнинг номувофиқ ташкил этилиши, эски иқтисодий механизм билан янгидан шакллантиралаётган иқтисодий механизмлар ўртасидаги зиддиятларнинг мавжудлиги.
3. Ишлаб чиқаришнинг ҳажман ва таркибан қисқариб бориши, яъни истеъмол даражасининг қисқармагани ҳолда товар ва хизматлар турининг етишмаслиги.

4. Иш билан бандликнинг чекланганлиги, ишчи кучида бўлган талабнинг қисқариб кетиши ва ишсизлар сонининг ортиб бориши.
5. Иқтисодиётнинг очиқлик даражасини сустр кечиши, иқтисодий эркинлик беришга ҳаддан зиёд ихтиёткорлик билан ёндошилиши.
6. Молиявий ва бюджет маблағларининг кескин етишмаслиги.

Камбағалликлик мавжудлиги жиҳатидан доимий ва вақтинчалик характер касб этади. Доимий камбағалликлик индивидуал хусусиятга эга бўлса, вақтинчалик камбағалликлик социал-иқтисодий хусусиятга эга бўлади.

| Камбағалликлик | |
|-------------------------------------|----------------------------|
| Доимий | Вақтинча |
| Қарилик | Ишсиз қолиш |
| Ёшлиқдан меҳнат қобилиятини йўқотиш | Табиий офат |
| Кўп болали бўлиш | Бозор нархининг ўзгариши |
| Боқувчидан айрилиб қолиш ва х.к. | Банкротликка учраш ва х.к. |

Пул топиш орқали тирикчилигини унглаб олиш имконияти тўғилган шароитда вақтинча камбағаллар фаол ҳаракатга тушади, лекин бундай имкониятга доимий камбағаллар эга эмас. Шунинг учун, камбағалликлик муаммосига эътибор берилганда доимий камбағалликлар бир текисда қўллаб-қувватланса, вақтинча камбағалликларга табақалашган ҳолда ёндошилади.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, иқтисодиёти ривожланмаган мамлакатда ихтиёрий камбағалликликка нисбатан ноилож камбағалликлик устувор бўлади. Бунда, иқтисодий салоҳиятнинг заифлиги камбағалликликнинг асл сабаби бўлса, шу билан бирга аҳолининг тез кўпайиши ишлаб чиқаришдаги етишмовчиликларни келтириб чиқаради. Иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси билан камбағалликлик ўзвий боғлиқликда бўлади. Иқтисодиёти заиф мамлакатларда истеъмол паст бўлгани ҳолда кўпчилик камбағал яшайди. Камбағалликликнинг доимий ва вақтинчалик бўлиши ўткинчи ҳолат бўлсада, иқтисодиёти заиф мамлакатларга доимий камбағалликлик, бой мамлакатларга эса вақтинчалик камбағалликлик

хос бўлади. Лекин, камбағалликликни умуман юқотиб бўлмайди. Фақат унинг миқёсини қисқартириш мумкин холос. Чунки, жамиятда ҳамма ҳам ўзининг иқтисодий аҳволини яхшилашга тўғридан тўғри жазм қилавермайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, камбағалликлик моҳиятан истеъмолдаги етишмачиликлар билан изоҳланса, бу етишмовчилик салбий ижтимоий ҳолат сифатида чуқурлашиб бориши мумкин. Лекин, иқтисодиётнинг унглиниб бориши билан даромад топиш орқали ҳар ким ўзининг ҳаёт кечиришини яхшилашга бўлган интилишини оширади. Агарда даромад топиш имконияти объектив равишда чекланган бўлса, минимал истеъмолни таъминлаш асосий поғонада туради, даромад топиш субъектив имкониятлар доирасига боғлиқ бўлса, унда камбағалликлик муаммосини юмшатишда индивидуал омил аҳамияти ўсиб боради. Шунинг учун, жамиятда шундай иқтисодий механизм амал қилиши керакки, бунда даромад топишга бўлган интилиш, эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлаб, турмуш фаровонлигини ўстириши учун шарт-шароитларни яратиши лозим. Шу билан бирга, даромадларни қайта тақсимлаши орқали аҳолининг камбағал қатламини минимал истеъмоли учун маблағ сарфи самарадорлигини таъминлаши муҳим социал устуворликка айланиб қолади.

Фойдаланган адабиётлар рўхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил, 24-январ.
2. Демографическая энциклопедия. М.: ООО «Издательство «Энциклопедия», 2013. 944 с.
3. Human Development Report 2016: Human Development for Everyone. UNDP, 2016, 272 p.
4. Anand S. and Sen A. Gender Inequality in Human Development: Theories and Measurement. Human Development Report Office Occasional Paper 19. United Nations Development Programme. New York, 1995, 10 p.
5. Human Development Report 2010 20th Anniversary Edition. The Real Wealth of Nations: Pathways to Human Development. New York: The United Nations Development Programme, 2010, 229 p.

Иқтисод фанлари доктори, профессор, Беркинов Б.Б.
Катта илмий ходим, Неделькина Н.И.
Иқтисод фанлари номзоди, Алмуродов А.

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ
ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎНАЛИШИ**

Аннотация. Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш механизмларини очиб бериш, ушбу шерикликда кичик ва ўрта бизнес салоҳиятидан фойдаланиш, муаммоли соҳаларини аниқлаш ва *кейинги* ривожланиш йўллари белгилаб олишдан иборат.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, ўзаро ҳамкорлик, инфратузилма лойиҳалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, рағбатлантириш.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун хусусий капиталдан фаол фойдаланиладиган давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмини қўллаган ҳолда давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорлик йўналишларининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай давлатда ушбу шериклик воситаларидан кенг фойдаланиш бюджетга юкломани камайтириш, инфратузилманинг ривожланишини таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, товар ва хизматлар сифатини, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда нафақат йирик бизнес, балки кичик тадбиркорлик билан ҳам ДХШ доирасида ҳамкорлик масалалари фаол муҳокама қилмоқда. Бундай ўзаро ҳамкорликнинг мақсад ва вазифаларини мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида белгилаб берган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Президентимиз томонидан мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш доирасидаги асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган [1].

Ўзбекистонда ДХШ шакллари жорий этиш зарурати, айниқса, давлат анъанавий тарзда жавобгар бўлган ва ўз иштирокидан тўлиқ воз кечолмайдиган соҳаларда долзарб аҳамиятга эга. Одатда, давлат муайян мол-мулк устидан (мулкдор бўлиб қолиш) ёки фаолиятнинг муайян тури устидан назоратни қандайдир даражада сақлаб қолишга мажбур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу тегишли бюджетлар *маблағлари* ҳисобидан молиялаштиришни англатади. Булар: умумий фойдаланиладиган объектлар (транспорт, коммунал, ижтимоий инфратузилма, маданий объектлар, тарихий ва меъморий ёдгорликлар ва ҳ.к.) ва оммавий хизматлар (умумий фойдаланиладиган объектларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва сақлаб туриш, ҳудудларни тозалаш, уй-жой коммунал хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш).

Албатта, хусусий бизнес давлатнинг иштирокисиз фаолият кўрсатиши мумкин бўлган соҳалар мавжуд. Бироқ, давлат жавобгарлигининг фақат бозор нуқтаи назаридан жозибадор бўлмаган анъанавий соҳалари (мудофаа, ижтимоий соҳа, инфратузилма) ҳам мавжуд бўлиб, агар уларнинг активлари хусусий қўлларга ўтказилса, ушбу соҳалар шунчаки йўқолиб кетиши мумкин. Боз устига, давлат уларни мулкка тўлиқ топшира олмайди. Шунинг учун амалиётда ярим хусусийлаштириш юзага келади. У кўпинча ДХШ билан бир хил деб ҳисобланади, бу эса унга давлат ва хусусий мулк ўртасидаги оралик шакл ёки хусусийлаштиришни бошқаришнинг муқобил варианты сифатида қарашга асос беради.

Бугунги кунда ДХШ лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ ягона қоида ва тартиблар белгиланган бўлиб, уларнинг

бажарилиши таъминланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ушбу механизмни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланди [2].

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2019 йилда 2,8 мингтага яқин ижтимоий, инфратузилма ва саноат объектлари: 145 та йирик ишлаб чиқариш объекти, 167 та йирик минтақавий лойиҳа, 2,5 мингта ижтимоий ва инфратузилма объектлари фойдаланишга топширилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган инфратузилмавий лойиҳаларнинг кенг қўламлилиги катта ҳажмдаги инвестициявий ресурсларни талаб қилади, уларни жалб этишни чўзиб бўлмайди, бу эса кўпинча халқаро капиталнинг жалб қилинишига олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига асосан [6] жорий йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий воситаларга киритиладиган инвестицияларнинг ўзлаштирилиши 233,2 трлн. сўм ҳажмда прогноз қилинмоқда, шунинг 7,1 млрд. доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 2,7 млрд. доллари хорижий инвестициялар ва давлат кафолати остидаги кредитлардир.

Республика ДХШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салоҳиятидан қандай фойдаланиш мумкин? Жаҳон тажрибаси кичик ва ўрта бизнеснинг салоҳиятига етарлича баҳо берилмаётганлигини кўрсатмоқда, шунингдек ДХШ механизмларини қўллаш мумкин бўлган лойиҳалар мутлақо йирик лойиҳалар бўлиши керак, деган фикр мавжуд. Лекин, ўша натижалар бу ундай эмаслигини кўрсатмоқда. Дунёда ДХШ механизмига эга бўлган лойиҳаларнинг 90% маҳаллий даражада, кичик ва ўрта бизнес секторида амалга оширилган лойиҳалардир [3]. Уларнинг ресурсларини жалб қилиб, нафақат лойиҳаларни молиялаштириш манбалари сезиларли даражада кенгайтирилади, балки объектларни қуриш ва реконструкция қилиш вақти муддатлари ҳам қисқаради, ходимлар меҳнатининг унумдорлиги ортади, инвестициявий ва фойдаланиш харажатлари камаёди.

Айнан кичик тадбиркорликка бугунги кунда Ўзбекистонни янада иқтисодий юксалтиришнинг потенциал манбаи сифатида қаралмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши доирасида бизнес юритиш тартиботларини сезиларли даражада содалаштириш, инфратузилмани яхшилаш ва молиявий манбаларни кенгайтириш орқали тадбиркорликнинг изчил ўсиши таъминланмоқда.

Қуйидаги рақамлар республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияларидан далолат бериб турибди. Ушбу секторнинг республика ЯИИМдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2019 йилда 56,5 фоизгача ошди. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесда банд бўлганларнинг улуши ҳам ушбу йиллар давомида (дастлабки маълумотларга кўра) 49,7 фоиздан 76,5 фоизгача ошди. Республикада кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятининг бошқа кўрсаткичларининг ҳам ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни давлат-хусусий шерикликка жалб этишнинг фаол шакллари жорий этилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан тадбиркорлик субъектларини фаол жалб этиш ҳисобидан ҳар бир маҳаллада ДХШ шартларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплекси курилади [4]. ДХШ шартларида комплекслар қуришнинг асосий шартлари белгиланди. Айтайлик, комплексларни қуриш учун ер участкаларини танлаб олиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ҳукумат ҳужжатида кўра инвесторларга маъқулланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ комплексларни барпо этиш, шунингдек, тегишли инфратузилма қуриш учун зарур ер участкалари тўғридан-тўғри (танлов

савдоларини ўтказмасдан) шартномалар асосида ҳақ ундирилмасдан ажратилади (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳридаги ер участкалари бундан мустасно).

Инвесторларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкалари ажратилади. Улардан комплексларга туташ қўшимча объектларни қуриш учун фойдаланиш мумкин. Бу томонларнинг келишувига кўра, комплекслар билан бир бинодаги ёки бошқа жойдаги объектлар бўлиши мумкин. Бу ерда жойнинг ташқи меъморий қиёфасига мос келиш асосий шартлардан бири ҳисобланади, уларнинг майдони комплекслар қурилиши учун ажратилган майдондан кичик бўлмаслиги керак, ушбу объектларнинг ишлаши фуқаролар йиғинларининг фаолияти учун ноқулайлик туғдирмаслиги лозим.

ДХШ шартларида комплекс қурилишини амалга ошириш учун инвесторларни танлашнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат: комплексни қуриш муддати, шунингдек тақлиф этиладиган капитал қўйилмалар ва инвестициялар миқдори. Инвестор билан ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида битим тузилиб, унда инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, комплексларга туташ объектларда амалга ошириш учун рухсат этиладиган фаолият турлари ва йўналишлари, шунингдек комплексларни қуриш бўйича ДХШнинг бошқа шартлари акс эттирилади. Қурилиши тугалланган комплекслардан кейинчалик фойдаланиш тартиби давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув билан белгиланади.

Инвесторга маҳаллага туташ ҳудудда қурилган қўшимча объектлар ишга туширилган санадан бошлаб муайян имтиёзлар берилади. Чунончи, инвестор томонидан 3 йил муддатга тегишли равишда тақдим этиладиган ер участкасига ва унда қурилган қўчмас мулкка нисбатан ер солиғи ва мол-мулк солиғининг, шунингдек, мазкур объектларда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган фойда ёки тушумларга нисбатан фойда солиғи ҳамда айланмадан олинадиган солиқнинг белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилган ҳолда тўланади

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун комплексларнинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилган. Уларни амалга оширишда тадбиркорлар томонидан инновацион технологиялардан, арзон ва энергияни тежовчи материаллардан фойдаланиш назарда тутилган.

1. Ўзбекистонда бугунги кунда ДХШ соҳасидаги қонунчиликни ривожлантириш ва унинг шартларини Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларига жорий этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бюджет харажатларини мақбуллаштириш, давлат ва хусусий секторнинг иқтисодий мувозанатини сақлаш мақсадида ДХШнинг институционал муҳити ва қонунчилик асосини ривожлантиришни давом эттириш зарур.

2. ДХШ миллий ҳуқуқий тизимининг такомиллаштирилиши хусусий сектор ва давлатнинг бундай ўзаро ҳамкорлиги ривожланишининг глобал ва умумжаҳон тенденциялари билан узвий боғлиқ. Бунда шуни ёдда тутиш лозимки, ДХШдаги асосий вазифа аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда товарлар, ишлар ва хизматларнинг оммабоплик даражаси ва сифатини оширишдан иборат.

3. Жаҳон амалиёти ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иштирокидаги ДХШнинг ҳали катта бўлмаган миллий тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу механизмдан фойдаланиш тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўз инновацион йўлини, муҳим иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий самараларни шакллантириш имконини беради. Шунинг учун кичик бизнеснинг ДХШда иштирок этишининг самарали механизмларини, бундай ҳамкорликнинг амалга оширилиши доирасида кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

4. Хусусий сектордаги муносабатларни тартибга солиш тизими бошқарув органлари фаолиятининг кичик ва ўрта тадбиркорликнинг таъсири соҳасида товарлар ва хизматлар бозорида юз бераётган жараёнлар мониторингини таъминлаш, ДХШни шакллантириш орқали қулай рақобат

муҳитини яратиш каби йўналишларини ўз ичига олиши керак. Юзага келаётган муаммоларни ташхисни ўтказиш ва ўз вақтида ҳал этиш хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузатишлар киритувчи чора-тадбирлар қабул қилиниши учун услубий-таҳлилий воситаларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сон "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори.

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси доценти
Мардонов Баходир Бахронович**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси ўқитувчиси
Мустафоев Ғолиб Султонмуродович**

КУНЛИК МЕҲНАТ БОЗОРИ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ВА “ИШ МАРКАЗИ”НИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ВАЗИФАЛАР

Аннотация: Давлат аҳоли бандлигини ошириш учун иқтисодий усуллардан унумли ва самарали фойдаланади. Аҳоли фаровонлиги мамлакатнинг асосий мақсади саналади. Шу мақсадда ушбу илмий мақолада кунлик меҳнат бозори ва иш марказларини ташкил этишдаги услубий аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: *Аҳоли бандлиги, меҳнат ресурслари, иш маркази, кунлик ёлланма ишчилар, доимий аҳоли, ишчи кучи, фаровонлик, вазифалар.*

Мамлакат иқтисодийтини юксалтиришда меҳнат ресурслари бошқа ишлаб чиқариш омилларига нисбатан кўпроқ самара берадиган ва белгиланган мақсад ва марраларга тезроқ эришиш имконини яратадиган бош омил ҳисобланади. Инсон омили имкониятларидан унумли фойдаланган дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатлари - АҚШ, Франция, Япония, Канада иқтисодий тараққиётининг юқори суръатларига эришдилар ва пировард натижада ўз халқлари учун муносиб турмуш даражасини таъминлаб беришга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистон ҳам улкан меҳнат ресурсларига бой мамлакат ҳисобланади. Меҳнат ресурслари доимий аҳолининг 57,1 фоизини ташкил этади¹¹⁴. Ўзбекистон мустақиллик йилларидан бошлаб меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни устувор вазифалар қаторига киритди. Ҳар йили минглаб янги иш ўринларини яратиш орқали уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратапти. Шу сабабли ҳам республикада охириги ўн йил ичида бандлик даражаси 67,0 фоиздан юқори¹¹⁵.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли бандлигини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини таъминлашдек долзарб вазифа белгиланган¹¹⁶. Ушбу вазифани амалга оширишнинг ягона йўли, ҳар бир ишлаб чиқариш омилидан унумли фойдаланишдир.

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчи кучлардан мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланиш мақсадида Самарқанд вилоятининг бир неча

¹¹⁴ www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

¹¹⁵ www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


¹¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” номли Фармони.

www.gov.uz сайти.

туманларида социологик тадқиқот ўтказилди. Сўровларга жами 200 нафар ёлланма ишчилар жалб қилинган бўлиб, улардан 136 нафари (68%) эркеклар, 64 нафари (32%) аёллардан иборат (1-диаграмма).

1-диаграмма


Сўралганларни жинси бўйича таркиби



Манба: Социологик сўров натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Тадқиқотларимиз республикамизнинг турли минтақаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойданланмасдан, эътибордан четда қолаётган ресурсларни аниқлади. Шулардан бири, кунлик меҳнат бозорига чиқаётган ишчи кучларидир. Улар бизнинг ҳисобимиз бўйича ҳар бир вилоятда қарийб минг кишини ташкил этади. Кунлик меҳнат бозорига чиқувчилар кунлик даромад топиш билан рўзғорини тебратаяпти. Иш берувчининг талабини қондираяпти. Қайсидир жиҳатдан миллий маҳсулот ва хизмат кўрсатишда иштирок этаяпти. Демакки, кунлик меҳнат бозори ҳам мамлакат тараққиёти учун муҳим роль ўйнайди. Кунлик меҳнат бозоридаги ишчилардан қуйидаги савол берилганда, “Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми?”. 74 фоиз ишловчилар “Ҳа” - деган жавобни, 26 фоизи эса “Йўқ” - деган жавобни белгилашган. Ушбу маълумотлардан кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилар яхши даромад олаётганлигини билиш мумкин (2-диаграмма).

Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми ?



Манба: Социологик сўров натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Ёлланма ишчилардан “Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми ?” деган саволга “Ҳа” деб жавоб берган ишчилардан сабаби сўралганда уларнинг 37 фоизи қонундаги имтиёзлардан фойдаланишини, 33 фоизи иш стажи инобатга олинишини, 19 фоизи эса ҳуқуқларим ҳимояланишини истайман - деган жавобларни белгилашган. Қолган 11 фоизи кунлик бозорни тартибга солиш учун зарур эканлигини айтишган. Демак, кунлик меҳнат бозори ёлланма ишчиларнинг қўшимча даромад топиш имконини берар экан, ушбу бозор учун маълум тартибни жорий этиш ва унда ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқлари ва инсоний шаъни ҳимоя қилиниши ҳамда қонунда кўрсатилган бошқа имтиёзлардан фойдаланиши назарда тутилиши керак (1-жадвал).

1-жадвал

Агар “Ҳа” бўлса нима сабабдан ?

| Жавоблар мазмуни | Ишловчилар сони, киши | Ишловчилар улуши, % |
|-------------------------------------|-----------------------|---------------------|
| Қонундаги имтиёзлардан фойдаланаман | 27 | 37 |
| Ҳуқуқларим ҳимояланади | 14 | 19 |
| Иш стажи инобатга олинади | 24 | 33 |
| Бошқа | 9 | 11 |
| Жами | 74 | 100 |

Манба: Социологик сўров натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Ёлланма ишчилардан “Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми ?” деган саволга “Йўқ” деб жавоб берган ишчилардан сабаби сўралганда эса уларнинг 34 фоизи “Қонун ҳимоясига ишонмаслигини” 33 фоизи ҳар куни чиқмаганлиги сабабли “шарт эмас”, 18 фоизи эса “Зарурат сезмайман” мазмундаги жавобларни белгилаган бўлса, қолган 15 фоизи эса бошқа сабабларни келтирган (2-жадвал).

2-жадвал


Агар “Йўқ” бўлса нима сабабдан ?

| Жавоблар мазмуни | Ишловчилар сони, киши | Ишловчилар улуши, % |
|-----------------------------------|-----------------------|---------------------|
| Шарт эмас ҳар доим ишга чиқмайман | 66 | 33 |
| Зарурат сезмайман | 36 | 18 |
| Қонун ҳимоясига ишонмайман | 68 | 34 |
| Бошқа | 30 | 15 |
| Жами | 200 | 100 |

Манба: Социологик сўров натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларга “Иш маркази” ташкил этилса рўйхатдан ўтармидингиз? деган савол билан мурожаат қилинганда 64 фоиз ёлланма ишчилар “Ҳа” мазмундаги жавобни қолган 36 фоизи “Йўқ” мазмундаги жавобни белгилашган. Модомики, кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг деярли кўпчилиги “Иш маркази”ни ташкил этишни истар экан, кунлик меҳнат бозорини тартибга солиш, ёлланма ишчи ва иш берувчилар ўртасида турли низоларни қонун доирасида ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш, меҳнат ҳақини белгилаш, иш турларини таклиф этишнинг замонавий кўриниши жорий этишга тўғри келади (3-диаграмма).

Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” ташкил этилса рўйхатдан ўтармидингиз ?



Манба: Социологик сўров натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Ёлланма ишчилардан “Иш излаб шаҳар ёки туманлардаги бандликка кумаклашиш марказларига мурожаат қилганмисиз?”- деган мазмундаги савол берилганда социологик сўровномада иштирок этган 200 нафар ишчилардан атиги 18 фоизи “Ҳа”, деган жавобни белгилаган бўлса, қолган 36 фоизи “Йўқ”, 29 фоизи “Фойдаси йўқ”, 17 фоизи эса ҳатто “Бу ташкилот ҳақида эшитмаганман” деган жавобларни белгилашган.

Бизнинг назаримизда ёлланма ишчиларнинг деярли аксарияти бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилишган. Чунки 29 фоиз ишчилар “Фойдаси йўқ” мазмундаги жавобни белгилаши бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилганлигини ёки ушбу ташкилот тўғрисида маълумотга эга эканлигини англатади (3-жадвал).

3-жадвал

Иш излаб шаҳар ёки туманлардаги бандликка кумаклашиш марказларига мурожаат қилганмисиз?

| Жавоблар мазмуни | Ишловчилар сони, киши | Ишловчилар улуши, % |
|---------------------------------|-----------------------|---------------------|
| Ҳа | 35 | 18 |
| Йўқ | 73 | 36 |
| Фойдаси йўқ | 58 | 29 |
| Бу ташкилот ҳақида эшитмаганман | 34 | 17 |
| Жами | 200 | 100 |

Манба: Социологик сўров натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилардан “Иш маркази” қандай хизмат турлари кўрсатишини истайсиз? деган савол билан мурожаат қилинганда, ёлланма ишчиларнинг 26 фоизи “Иш топиб бериш хизматини”, 25 фоизи эса “Ёшига ва касб-ҳунарига мос иш топиб беришини”, 20 фоизи “Доимий ишга жойлаштириш хизматини”, 13 фоизи “Иш стажини қайд этиш хизматини”, қолган 11 ва 5 фоизи эса иш берувчилар билан келишмовчиликлар юзага келганда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати кўрсатишини истаганлар.

Таҳлиллар социологик сўровномада иштирок этган 200 нафар ёлланма ишчилардан 84 фоизи “Иш маркази” иш топиб бериш ва бошқа хизмат турларини кўрсатишини аниқлади (4-жадвал).

4-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” қандай хизмат турлари кўрсатишини истайсиз?

| Жавоблар мазмуни | Ишловчилар сони, киши | Ишловчилар улуши, % |
|---|-----------------------|---------------------|
| Иш топиб бериш хизматини | 52 | 26 |
| Доимий ишга жойлаштириш хизматини | 39 | 20 |
| Иш стажини қайд этиш хизмати | 27 | 13 |
| Ёшига ва касби-ҳунарига мос иш топиб беришини | 50 | 25 |
| Иш берувчилар билан келишмовчиликларни ҳал этиш хизмати | 10 | 5 |
| Ҳуқуқларимиз ва шаънимизни ҳимоя қилиш хизмати | 22 | 11 |
| Жами | 200 | 100 |

Манба: Социологик сўров натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Бундан кўринадики кунлик иш марказини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш учун ҳуқуқий асосни яратиш, меҳнат кучларининг ҳолатини тўғри баҳолаш орқали унинг иқтисодий механизмига таъсир доираси унумли тақсимланади.

“Иш маркази” фаолияти юқори самарага эришиши учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш керак эканлигини кўрсатади:

Биринчиси, кунлик меҳнат бозорида давлат хусусий шерикчилиги асосида “Иш марказини” ташкил этиш ва унда ёлланма ишчиларни жалб этиш лозим.

- “Иш марказига” мурожаат қилинг!
- “Иш маркази” сиз учун ташкил этилган!
- “Иш маркази” ҳақида нималарни биласиз?

Иккинчиси, “Иш маркази” фаолиятини ҳуқуқий жихатдан мустаҳкамлаш. Бунинг учун “Иш маркази фаолияти” тўғрисида қонун ишлаб чиқиш.

Ушбу қонун Кунлик ёлланма ишчилар ва иш берувчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилади, мажбуриятларини белгилаб беради. Шунингдек, иш жараёнида иш берувчи ва кунлик ишловчи ўртасида юзага келадиган турли хил низоли ҳолатларни, келишмовчиликларни адолатли ҳал этишда хизмат қилади.

Учинчиси, “Иш марказига” жалб этишнинг рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш. Иш маркази” орқали кунлик ишга жойлашиб даромад топаётган ишчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш:

- a. Истеъмол кредитини олишда давлат кафолат бериши;
- b. Соғлиғини тиклаш учун ўзи истеъқомат қилаётган оилавий поликлиникаларда бепул даволанишига йўлланмалар бериш;
- c. Фарзандларини ёзги дам олиш масканларига жойлаштиришга ёрдамлашиш;

Тўртинчиси, кунлик ишчиларни кунлик топаётган даромадларидан мажбурий солиқ ундириш эмас балки, уларнинг ўз ихтиёрига қўйиб, кунлик топаётган даромадидан келгусида масалан айтайлик, ишга яроқсиз бўлган вақтларда ундан фойдаланиш учун пенсия жамғармасига ўзи истаган миқдорда маблағ қўйишини таъминлаш лозим. Бу эса кунлик ишловчиларни келгусида кимгадир боқиманда бўлмаслигига, ёки мажбурий тўловларни,

жумладан коммунал тўловларини мунтазам тўланишига эришилади ва бу жамиятга, ўзига ҳам катта фойда беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
2. Мардонов Б.Б., Мустофоев Ғ.С. Кунлик меҳнат бозори ҳолатини ўрганиш ва уни тартибга солиш (социологик сўров натижалари). Рисола. Самарқанд-2020 й.- 48 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” номли Фармони. www.gov.uz сайти.

**Божхона институти доценти, и.ф.РhD, доцент
Муратова Шохиста Ниматуллаевна**

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВДА ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВ

Аннотация. Мақолада истеъмол товарлари хавфсизлиги контекстида бевосита ички бозорда озиқ-овқат хавфсизлигининг моҳиятини очиб берувчи услубий ёндашувлар таҳлил қилинган. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги концепцияси иқтисодий мезонлар бўйича такомиллаштирилган.

Калит сўзлар: истеъмол товарлари хавфсизлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат истеъмоли, интеграцион жараёнлар, ташқи савдо сиёсати.

Истеъмол товарлари хавфсизлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий вазият, табиий-иқтисодий салоҳият, мамлакат ва алоҳида минтақалар аҳолисининг тўлов қобилияти, миллий бозорнинг импортга эҳтиёжмандлик даражаси каби бевосита таъсир этувчи жараёнлар билан узвий боғлиқ. Истеъмол товарлари хавфсизлигини таъминлаш миллий сиёсатда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиш билан бирга иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ҳамда давлат мустақиллигининг асосий шартларидан биридир. Бу борада “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласи алоҳида устуворликка эга.

Илмий адабиётларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасининг ягона таърифи мавжуд эмас ва тадқиқотларда «озиқ-овқат муаммоси», «озиқ-овқат таъминоти» каби иборалар учрайди. Шу жиҳатдан, озиқ-овқат хавфсизлиги концепцияси ҳозиргача тўлиқ ёритиб берилмаган ҳамда уни тушунтириш бўйича турлича ёндашувлар мавжуд.

Кўплаб тадқиқотчилар давлатнинг озиқ-овқат мустақиллиги аҳоли истеъмолининг умумий ҳажмида миллий ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси 80 фоиздан кам бўлмаган тақдирдагина таъминланади, деб ҳисоблайдилар [1].

И.Ю.Ленчевский ўз тадқиқотларида минтақавий озиқ-овқат хавфсизлиги минтақавий даражада ҳал қилинадиган вазифаларга, минтақанинг қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд салоҳияти ва имкониятларига, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш ва импортга эҳтиёжмандликни камайтиришга боғлиқдир деган фикрларни илгари сурган [2].

Ўзбекистонлик олим Ҳ.П.Абулқосимов ва Б.Э.Мамарахимовнинг тадқиқотларида, озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди [3, 4]. Д.Н.Саидова фикрича, озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эришишни ифодалайди [5].

Ф.М.Фазилов олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босишга қаратилган стратегияларнинг уйғунлаштирилган

ҳолда олиб борилиши, мамлакат аҳолиси истеъмол даражасига ижобий таъсир кўрсатади ва натижада озиқ-овқат хавфсизлигини узлуксиз таъминлайди [6].

Мавжуд қарашларнинг назарий таҳлили иқтисодиётнинг бугунги кундаги ривожланиш даражасида озиқ-овқат хавфсизлигига икки хил ёндашиш мумкинлигини кўрсатади. Биринчи ёндашувда аҳоли ҳаёт фаолияти учун озиқ-овқатнинг зарур миқдор ва сифатда, кафолатланган ҳолда таъминлаш зарурлигига аҳамият берилади. Иккинчи ёндашувда ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлашга, озиқ-овқат турлари импортига бож ва квоталар жорий этишга эътибор қаратилади.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (кейинги ўринларда БМТ) ҳузурида Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (кейинги ўринларда ФАО)нинг ташкил этилиши билан дунё аҳолисининг озиқ-овқат танқислиги масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, БМТ ташаббуси билан 1996 йилда “Бутунжаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги Рим декларацияси” ҳамда БМТнинг 2000 йилда “Минг йиллик декларацияси” қабул қилиниб, унга кўра, тўйиб овқатланмайдиган жаҳон аҳолиси сонини 2015 йилга бориб икки баробарга қисқартириш назарда тутилган эди. ФАОнинг статистик маълумотларига кўра, истиқболни ўйлаб қилинган чора-тадбирлар натижасида, тўйиб овқатланмаётган жаҳон аҳолиси 1991 йилда 1010,7 млн. кишини ташкил қилган бўлса, 2000 йилда 924,3 млн., 2010 йилда 838 млн. ва 2015 йилда эса 792,5 млн. кишини ташкил этган.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида ҳам аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ иқтисодий ислохотларни самарали олиб борилаётганлиги боис, Economist Intelligence Unit компанияси томонидан ҳар йили ўтказиладиган “дунё давлатларининг озиқ-овқат хавфсизлиги” ҳалқаро рейтингида Ўзбекистоннинг ўрни йилдан-йилга юқорилаб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ушбу индекс учта асосий компонент орқали аниқланади: 1) озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолда етарлилик даражаси; 2) озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги даражаси; 3) озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги даражаси.

2019 йил якунларига кўра рейтингнинг биринчи ўнталигида қуйидаги мамлакатлар жой олган*:

| Рейтинг | Мамлакат | Якуний баҳо | Етарлилик даражаси | Мавжудлик даражаси | Сифат ва хавфсизлик даражаси |
|---------|-------------|-------------|--------------------|--------------------|------------------------------|
| 1 | Сингапур | 87,4 | 95,4 | 83,0 | 79,4 |
| 2 | Ирландия | 84,0 | 90,5 | 76,8 | 87,7 |
| 3 | АҚШ | 83,7 | 87,7 | 78,3 | 89,1 |
| 4 | Швейцария | 83,1 | 83,8 | 84,3 | 78,2 |
| 5 | Финляндия | 82,9 | 84,1 | 78,6 | 91,8 |
| 6 | Норвегия | 82,9 | 81,9 | 81,0 | 90,5 |
| 7 | Швеция | 82,7 | 85,0 | 78,1 | 89,4 |
| 8 | Канада | 82,4 | 83,3 | 80,0 | 86,7 |
| 9 | Нидерландия | 82,0 | 85,6 | 76,2 | 88,9 |
| 10 | Австрия | 81,7 | 85,4 | 78,6 | 81,1 |

*Манба: Economist Intelligence Unit компаниясининг 2019 йил учун чоп этилган рейтинг (https://gtmarket.ru/ratings/global-food-security-index/info)

Ўзбекистон 2019 йилда ушбу рейтингда дунё мамлакатлари орасида 71 ўринни эгаллаб, 2018 йилга нисбатан 9 та позицияга кўтарилган. 2019 йилда Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон (48 ўрин) ва Тожикистон (93 ўрин) ҳам ўз кўрсаткичларини яхшилаган.

Бундан ташқари, республика озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни тартибга солиш бўйича бугунги кунга келиб ўндан ортиқ меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 мартдаги “Истеъмол товарлари импортини бож-тарифлари орқали тартибга солишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1496-сон ҳамда 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1047-сон Қарорларини кўрсатиш мумкин.

Миллий мақсадлар нуктаи-назаридан Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 30 августда қабул қилинган ва 2019 йил 29 августдаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августда қабул қилинган «2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чоратадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида» қарори мазкур масалага принципиал миллий ёндашувнинг моҳиятини кўрсатиб бера олади.

Бугунги кунда республика аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари импортини бож-тариф орқали тартибга солиш билан боғлиқ бир-қанча муаммолар сақланиб қолмоқда. Шулардан бири республикага импорт қилинаётган озиқ-овқат товарлари таркибида сифатсиз маҳсулотларнинг кириб келаётганлигини (жумладан, энергетик ичимликлар, таркибида кимёвий зарарли моддаларнинг миқдори бўлган маҳсулотлар ва б.) таъкидлаш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда халқаро рейтингларда юқори натижаларга эришаётган Германия Федерацияси тажрибаси ўрганилганда, ушбу давлат ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий эътиборини истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратган. Шунингдек, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, Германия БМТнинг ФАО ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликни йўлга қўйган, бундан ташқари, Германия худудида эко-корхоналар ташкил қилинган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жамият глобал хавфсизлик тушунчасини ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча йўналишларида ҳис қилмоқда. Бунда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаб, замонавий иқтисодиётда «озиқ-овқат хавфсизлиги» тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Амалга оширилган тадқиқот натижаларини умумлаштириш қуйидаги назарий хулосаларни ишлаб чиқиш имконини беради:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча босқичларида истеъмол товарлари (озик-овқат ва ноозик-овқат) хавфсизлигини таъминлаш муаммоси доимий тарзда юзага келади;

- табиий, ижтимоий-иқтисодий ва бир қатор сабабларга кўра озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг импортида доимий ўзгаришлар содир бўлади.

Ўтказилган тадқиқот натижалари доирасида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- миллий бозор яхлитлигини таъминлаш, дунё иқтисодиётида ўзаро интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш;

- озиқ-овқат хавфсизлиги тизимида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, миллий маҳсулотларнинг импорт товарларга нисбатан ҳам нарх, ҳам сифат устунликларини сақлаб қолиш;

- аҳолининг бирламчи эҳтиёжидаги озиқ-овқат товарларига нисбатан қўйилаётган бож ставкаларини аҳолининг тўлов қобилиятини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

- аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда импорт қилинаётган маҳсулотларнинг сифат даражасига эътибор қаратиш, бунда аҳоли саломатлигига жиддий таъсир қиладиган товарларга нисбатан божхона тўловлари ставкасини ошириш ёки импортни чеклаш (квоталаш) ҳамда Германия тажрибасидан келиб чиқиб, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бўлган эътиборни янада кучайтириш;

- аҳоли истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг оптимал улушини таъминлаш, бу борада нархларнинг турли омиллар таъсирида кескин тебранишига йўл қўймаслик;

- ташқи савдо сиёсатида, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт ва импорти ҳажмлари ўртасида ижобий балансни таъминлаш. Бу, ўз навбатида, ноқулай бозор конъюнктураси шароитида мамлакат ўзининг миллий озиқ-овқат хавфсизлиги салоҳиятини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, дунё аҳолисининг ўсиб бориш тенденцияси кузатилаётган бир пайтда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда давлатлар томонидан олиб борилаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Келгусида бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш аҳолининг барча қатламларини сифатли, арзон ва етарли даражада озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кудряшова А.А., Преснякова О.П. Продовольственная безопасность: показатели, критерии, категории и масштабы. // Ж. Пищевая промышленность. – М.: 2007. № 8. - С.18-21.
2. Ленчевский И.Ю. О некоторых аспектах продовольственной безопасности // Ж. Достижение науки и техники АПК. – М. 2003. №1.- С. 6-9.
3. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. – Т.: Фан ва технология, 2015. – Б. 16.
4. Мамарахимов Б.Э. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва саноатини ривожлантириш// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали, № 5, сентябрь-октябрь, 2016 й.
5. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: ЎЗР Фанлар Академияси асосий кутубхонаси, 2016. – Б. 50.
6. Фазилов Ф.М. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш: Иқтисод фан. ном. дис. ... автореф.-Т.: ЖИДУ, 2008. – Б.19.

**АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ УЧУН ДЕҲҚОН
ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИНГ АМАЛИЙ
ИШЛАРИ**

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқи менталитетига хос бўлган томорқа ер эгасининг ерга бўлган муносабати орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари акс эттирилган. Озиқ-овқат барқарорлигини таъминлаш учун деҳқон хўжалиklarини диверсификациялаш орқали ривожлантириш зарурияти мақолада ўз аксини топган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат барқарорлиги, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари, диверсификация, ноозиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш.

Мамлакатимизда озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини сақлашда деҳқон хўжалигининг ўрни юқори бўлганлиги боис, ушбу хўжалик юритувчи субъектларини ривожлантириш бўйича кенг миқёсда ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси аграр сектори иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқатга келгуси ошиб бораётган эҳтиёжлари кўп томонлама деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари фаолияти билан боғлиқлиги боис, деҳқон хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш асосида уларнинг даромадини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Зеро, мухтарам Президентимиз айтганидек, “истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтиришдир. Шунингдек, аҳоли даромадларини ошириш, кўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида бозор механизмларини

кенг жорий қилиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди” [1].

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган тиббий меъёрга мос равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳар бир мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифадир. Аммо имкониятлар чекланган бўлсада, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи йилдан-йилга кескинлашмоқда. Глобал иқлимнинг кескин ўзгариши, аҳоли сони ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши соҳада ислохотларни изчил давом эттириш заруратини келтириб чиқармоқда. Иқлимнинг исиб кетиши, ифлосланиши оқибатида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан биргина мева ва сабзавотлар истеъмолини кунлик 400-500 граммга чиқариш лозимлигини, лекин афсуски, ушбу меъёр дунё бўйича ўртача 150-200 граммни ташкил этаётганини эътироф этмоқда. Халқаро диетологлар тавсиясига кўра, инсон истеъмолига қарадиган озиқ-овқатнинг камида 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши лозим [2].

Ҳозирги кунда деҳқон хўжалиқларининг истиқболда ривожлантирилиши борасида бир қанча муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Шундай ечимдан бири – деҳқон хўжалиқларида маҳсулот ишлаб чиқаришда диверсификациялашни амалга оширишдир. “Диверсификация” (лот. “diversificatio” – ўзгариш, турланиш) – иқтисодий самарага эришиш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кенгайтириш ва бозор талабига мослашган ҳолда банкротликнинг олдини олиш демакдир [3]. Чет эл иқтисодий адабиётларида диверсификация сўзи XX асрнинг 50-60 йилларида пайдо бўлган. Илк бора Принстон университети профессори М.Горт [4] томонидан Америка саноати ривожига диверсификация ва бунда учрайдиган муаммолар илмий тадқиқ этилган.

Фикримизча, “*маҳсулотлар диверсификацияси* – бу бозорнинг истиқболдаги ривожланиш тактикаси бўлиб, истеъмомчиларга маҳсулотларни тақдим этишнинг инновацион шакли ҳисобланади. Шу боис, у бозорга кенг

ассортиментдаги товар ва хизматларни тақдим этишга хизмат қилади” деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, деҳқон хўжаликларини ривожланиши бўйича хориж тажрибалари тадқиқ этилган бўлиб, улардан аҳамиятга молик бўлган қуйидаги тажрибаларини республика иқтисодиётига жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

мамлакат ички бозорини қўллаб-қувватлаш мақсадида деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган айрим паст рентабелли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан юқори нархларда сотиб олинишини таъминлаш (Германия, Исроил, АҚШ тажрибаси);

қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланган, мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришган, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этган хўжаликларни иқтисодий рағбатлантириш (Германия, АҚШ, Исроил тажрибаси);

мамлакат қишлоқ хўжалигида ихтисослаштиришга таянган ишлаб чиқариш анъаналарининг сақлаб қолинганлиги (Германия, Исроил тажрибаси);

оммавий кооперация тамойиллари асосида кооперация муносабатларини такомиллаштириш ҳамда деҳқон хўжаликларининг бир нечта бирлашма ва кооперативлар аъзоси сифатида фаолият юритишига йўл қўйилиши (Германия ва Исроил тажрибаси);

оилавий фермаларнинг агрозиқ-овқат комплексида асосий кооперация субъекти сифатида фаолиятини рағбатлантириш ва такомиллаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлигида Иқтисодий тадқиқотлар хизмати (ERS) нинг ҳамда қишлоқда турмуш сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш мақсадида “Leader” дастурий методологиясининг ишлаб чиқилгани (АҚШ ва Европа Иттифоқи тажрибаси).

Қашқадарё вилоятида олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, балки ноанъанавий экинлар етиштиришдан, хусусан доривор ўсимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали уларнинг даромади ошиши қайд этилган. Жумладан, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3617-сонли “Республика каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом-ашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, Қашқадарё вилоятида ҳам 1000 гектар экин майдони ажратилган. Тажриба сифатида ушбу экин турини эккан Дехқонобод туманидаги сўровномада иштирок этган 2 та деҳқон хўжалиги экинлар орасига каврак ўсимлигини экишини, уни ҳиндларга улгуржи нархда сотишини билдирган. Ушбу деҳқон хўжаликлари сабзаёт етиштириш билан биргаликда, доривор ўсимликлар етиштиришдан ҳам даромадлари (15,9/2,8 марта) ошмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Дехқонобод тумани “В.Ғозиев” ва “Турсунмомо Хидоятова” деҳқон хўжаликларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (2018 йилги маълумот)¹¹⁷

| Деҳқон хўжалиги номи | Маҳсулот тури | Экин майдони (га) | Ялпи ҳосил (кг) | Нархи (сўм) | Даромад (минг сўм) |
|----------------------|---------------|-------------------|-----------------|--------------|--------------------|
| “В.Ғозиев” | Буғдой | 0,5 | 2800 | 420 | 1176 |
| | Каврак | | 40 | 470000 | 18800 |
| | Фарқи: | | | 17624 | |
| “Т.Хидоятова” | Сабзаёт | 0,35 | 9450 | 650 | 6142,5 |
| | Каврак | | 36 | 482000 | 17352 |
| | Фарқи: | | | 11209 | |

Шунингдек, Ғузур тумани “Ўқтам бобо Суяров” деҳқон хўжалиги яқин йиллардан буён 0,25 га экин майдонига “Абу жаҳл” доривор тарвузини экиб, йилига мева етиштиришдан кўра 6,5 марта ёки 5600 минг сўмга кўп даромад олмақда (2-жадвал).

¹¹⁷ Анкета сўровида иштирок этган деҳқон хўжаликлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

**Қашқадарё вилояти Ғузур тумани “Ўктам бобо Суяров” деҳқон
хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (2018 йил)¹¹⁸**

| Маҳсулот тури | Экин майдони (га) | Ялпи ҳосил (кг) | Нархи (минг сўм) | Даромад (минг сўм) |
|------------------------------|------------------------------|----------------------------|-----------------------------|-------------------------------|
| Мева (олча, ўрик) | 0,25 | 400 | 3,0 | 1200,0 |
| “Абужаҳл” доривор тарвузи | | 520 | 15,0 | 7800,0 |
| Умумий даромади: | | | | 9000,0 |

Респондентлар маълумотлари таҳлил қилинганда, деҳқон хўжалигида бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга қараганда бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқариш хўжаликнинг даромадини деярли 2 баробарга оширганлигини кўрсатмоқда. Даромаднинг юқори бўлишига деҳқон хўжалиklarининг сони эмас, балки улар ишлаб чиқараётган маҳсулот турларининг кўплиги таъсир қилмоқда. 3-жадвал маълумотлари таҳлил қилинганда эса, 10 тургача маҳсулот ишлаб чиқариб, 7951,2 минг сўм тушумга эга бўлгани ҳолда йилига 5200,7 минг сўм даромад олишга эришган. II гуруҳ вакиллари мева-сабзавотдан ташқари асал, сут, гўшт, тухум етиштириб, йилига 10240,5 минг сўм тушум олган бўлса, ўртача 7100,2 минг сўм даромадга эришган. III-гуруҳ вакиллари эса бошқа гуруҳдагиларга нисбатан 1,9-2,6 марта кўпроқ даромад олишга муваффақ бўлишган (3-жадвал).

¹¹⁸ Анкета сўровида иштирок этган деҳқон хўжаликлари маълумотлари асосида ҳисобланган.

**Деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар сони бўйича
иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (2018 йил)¹¹⁹**

| Гу- рух- лар | Маҳсулот сони бўйича гуруҳлар | Гуруҳга кирган хўжалик лар сони | Маҳсулот турлари | Тушум, минг сўм | Харажат, минг сўм | Даромад, минг сўм |
|--------------------|--|--|--|-------------------------|------------------------|------------------------|
| I | 10 гача | 135 | Буғдой, макка, картошка, сабзавотлар, мева | 7951,2 | 2750,5 | 5200,7 |
| II | 10-15 гача | 122 | Буғдой, картошка, сабза-вотлар, мева, қалампир, чорвачилик маҳсулотлари (сут, гўшт, тухум), помидор, бодринг | 10240,5 | 3140,3 | 7100,2 |
| III | 15 дан ортиқ | 55 | Мевалар, сабзавотлар, резаворлар, полиз, чорвачилик маҳсулот- лари, асал, куритилган мевалар, ноозиқ-овқат маҳсулотлари (доривор ўсимликлар) | 18370,6 | 4700,2 | 13670,4 |
| Жами | | | 312 та | Ўрт: 12187,4 | Ўрт: 3530,3 | Ўрт: 8657,1 |

Хулоса қилганда, тадқиқот натижасида маҳсулотлар диверсификацияси деҳқон хўжаликларининг даромадини оширишга хизмат қилади, ишлаб

¹¹⁹ Анкета сўровида иштирок этган деҳқон хўжаликлари маълумотлари асосида ҳисобланган.

чиқараётган маҳсулот турлари хўжаликлар даромадларини ошишига таъсир этишини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1- [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига навбатдаги Мурожаатномаси](#). 24.01.2020.
- 2- Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: «ЎЗР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси» босмахонаси нашриёти, 2016 й., 257 б., 89-б.
- 3- <http://ru.m.wikipedia.org>.
- 4- Gort M. Diversification and integration in American industry. Princeton, Princeton University Press, 1962.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
доцент, иқтисод фанлари номзоди
Бакиева Ирода Акбаровна
iroda_bakieva@mail.ru

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Аннотация. Мақолада пандемиянинг иш билан бандлик соҳасидаги келтириб чиқарган салбий оқибатлари таҳлил қилинган. Республикада шу соҳада олиб борилаётган чора-тадбирлар ўрганилиб, иш билан бандликни макро ва микро даражаларда тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. Пандемия, пандемия оқибатлари, иш билан бандлик, ишсизлик, иш билан бандликни тартибга солиш.

Коронавирус пандемиясининг дунё мамлакатларига шиддатли тарқалиши оқибатида барча мамлакатларда турли иқтисодий ва ижтимоий инқирозлар келиб чиқди. Глобал пандемия оқибатида дунё мамлакатларининг кўплаб тармоқлар фаолияти секинлашиб, ишлаб чиқариш корхоналари “омон

қолиш”га ҳаракат қилмоқда. Мамлакатларда [COVID-19](#) вирусининг тарқалишини олдини олиш бўйича кўрилатган чоралар натижасида кўплаб одамларнинг мажбурий ўзини ўзи изоляциялаши, карантинда бўлиши, ҳаракатланишларнинг чекланиши оқибатида ишсизлик муаммолари келиб чиқмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотининг яқинда ўтказилган тадқиқотида кўра, коронавирус пандемияси сабабли иқтисодиёт ва меҳнат бозорида юзага келган глобал инқироз ишсизликнинг 25 миллион кишига кўпайишига олиб келиши мумкинлиги прогноз қилинди [1]. Жумладан, Пандемия ва у билан боғлиқ равишда жорий этилган карантин чоралари туфайли Америка иқтисодиётида кескин пасайиш кузатилмоқда. Март ойида 22 миллиондан ортқи киши ҳукуматга ишсизлик нафақаси сўраб мурожаат қилган. Пандемияга қадар ишсизлик нафақаси оладиганлар сони 2 миллиондан камроқ бўлган [2].

Жаҳон иқтисодий муносабатлар тизимига қўшилган Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам ушбу муаммоларга дуч келмоқда. Ўз навбатида бу жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида вируснинг салбий таъсирини камайтириш бўйича самарали профилактика чораларини кўриш талаб қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармондан келиб чиқиб, пандемиянинг салбий оқибатлари энг кўп таъсир ўтказувчи туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноати каби республика иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини кўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил қилиниб, жамғарма фаолияти коронавирус

инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш каби энг муҳим тўртта йўналишга қаратилган [3].

Республикада коронавирус пандемияси келтириб чиқараётган салбий оқибатлар натижасида аҳоли фаоллигининг пасайиши билан боғлиқ иш билан бандлиги масаласи алоҳида эътибор талаб қилади. Шунининг олган ҳолда, Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан Жамоат ишлари фондига қўшимча 200 миллиард сўм ажратилди. Ушбу маблағлар аҳоли бандлигини таъминлашда, маҳаллаларда қўшимча инфратузилма қурилишида ишлатилиши мўлжалланиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси янги иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларига ёрдам учун қўшимча 500 миллиард сўм ажратишни режалаштирилди.

Шунининг таъкидлаш жоизки, республикада иш билан бандликни қўллаб қувватлаш ва аҳоли даромадлари пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида кўриляётган барча чоралар: ойлик иш ҳақлари сақланган ҳолда йиллик меҳнат татилига чиқариш, масофавий иш билан бандликни ташкил этиш орқали иш билан бандларни иш жойларида ҳимоя қилишга; тадбиркорлик фаолиятининг олиб бориш учун қулай иқтисодий шароитлар яратиш ҳамда ишсиз аҳолини шу соҳага жалб қилиш орқали иқтисодиётни ва аҳоли иш билан бандлигининг рағбатлантиришга, корхона ва ташкилотлар учун солиқ юқининг камайитириш орқали банкротликни олдини олиш ва иш жойларининг сақлаб қолиш орқали иш ўринлари ва даромадлар даражасининг сақлашга қаратилган.

Республикада пандемия оқибатларининг юмшатишга қаратилган барча-чора тадбирларни ижобий баҳолаган ҳолда шунинг тан олиш керакки, ҳозирги кунда ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатувчи субъектлар карантин сабабли вақтинча иш фаолиятининг тўхтатди. Норасмий иш билан банд бўлган хизмат кўрсатиш ёки умумий овқатланиш шохобчаларида кунбай иш ҳақи олган ишловчиларда қийинчиликлар юзага келди [4]. Шу билан бирга, расмий

секторда иш билан банд бўлганларнинг ҳам аксарияти масофадан ишлашга ёки умуман иш ҳақи олмасдан мажбурий таътилга чиқариб юбориш ҳолати кузатилди.

Юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, иш билан бандлик соҳасини тартибга солиш билан боғлиқ чора-тадбирларни макро ва микро даражаларда амалга ошириш зарур бўлади.

Республикада белгиланган чора-тадбирларга қўшимча тарзда макро даражадаги аҳоли иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этишда меҳнат бозоридаги сегментларни ҳисобга олиш мақсаддан холи эмас, яъни:

– қайтиб келган меҳнат мигрантларининг касбий салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқариш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш объектларига жалб қилиш;

– норасмий иш билан бандларни маҳалла органлари орқали мониторингини амалга ошириш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтириш;

– ёшлар иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат бозорига биринчи бор қадам қўядиган таълим муассасалари битирувчиларнинг ишга жойлашиши муаммоларини ҳисобга олган ҳолда зарур чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

– аёлларни иш билан банд қилишда оилавий шароитларини ҳисобга олиш (карантин шароитида уй-рўзғор ишларининг кўпайганлиги, боғча ва мактаблар ёшидаги фарзандларни масофавий ўқишини назорат қилиш, улар билан шуғулланиши зарурати ва х.з.).

– ишсизларни хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини олиб боришнинг янги турларига йўналтириш, уларга тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш.

Микро даражадаги иш билан бандлик муаммолари иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасидаги юзага келган меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, корхона ва ташкилотлар ўз ходимларига таътил бериш ёки масофадан туриб ишлашга йўналтиришда қуйидагиларни ҳисобга олишлари зарур:

– иш берувчилар давлат ва маҳаллий органларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ тавсияларидан боҳабар бўлиши, уларга риоя қилиши ва ўз ходимларига ҳам ахборотларни ўз вақтида етказиб туриши;

– ташкилотдаги ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид тартибларни қайта-кўриб чиқиш (нафақат даромади, балки оилавий аҳволи, яшаш шароитларини ҳам ҳисобга олиш);

– ходимларни ҳақ тўланмайдиган таътилга жўнатишда қонунийликни таъминлаш (бундай таътил жамоавий ёки меҳнат шартномасида кўрилган бўлсагина раҳбар ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин, бошқа ҳолатларда фақат ходимнинг розилиги бўлиши шарт);

– масофадан ишлашни ташкил қилишда оилавий шароитини ҳисобга олган ҳолда эркин ва эгилувчан график белгилаш, агар бундай графикни ўрнатишнинг имкони бўлмаса, фарзанд тарбияси билан боғлиқ ёрдамни ташкил этиш;

– масофавий ишлашни ташкил этишда уй шароитида ишлаш билан боғлиқ ҳавфсизлик ёки меҳнат гигиенасига оид услубий қўлланмаларни тайёрлаш орқали ходимнинг меҳнат муҳофазасини кучайтириш;

– ташкилотлар томонидан масофавий ишлашга йўналтирилган ходимларни компьютер, зарурий ИТ воситалари ҳамда дастурлари билан таъминлаш.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, пандемия шароитида ва ундан кейин ҳам меҳнат бозоридаги вазият ўзгаради, республикада амалга оширилиши бошланган ислохотларни рўёбга чиқариш тезлашади, иш билан бандликнинг янги шакллари ривожланади ва улар меъёрий жиҳатдан мустаҳкамланиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.solidarnost.org/articles/mot-iz-za-koronavirusa-25-mln-chelovek-mogut-poteryat-rabotu>
"Birdamlik" markaziy kasaba uyushma gazetasi
2. <https://kun.uz/47037232> Трамп коронавирус туфайли АҚШга иммиграцияни тўхтатмоқчи.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
4. <https://kun.uz/news/2020/04/05/> Карантин даврида аҳолини иш билан таъминлаш қандай кечмоқда? Вазир билан суҳбат.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси Кенжаев Б.Р.

ДАВЛАТ ПЕНСИЯЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ИНДЕКСАЦИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Ҳозирги пайтда пенсия таъминоти тизими энг муҳим ижтимоий ҳимоя институтлардан бири ҳисобланади. Унинг самарали фаолият кўрсатиши мамлакатнинг ижтимоий фаровонлиги даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан ҳам мустақиллик йиллари давомида ҳукуратимиз томонидан аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини олиб боришда давлат пенсия таъминоти тизими ва уни амал қилиш механизмларини такомиллаштириб борилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Калит сўзлар: пенсия, пенсия тизими, пенсия таъминоти, индексациялаш

Маълумки, давлат пенсия таъминоти тизими фуқароларнинг пенсия ёшига етганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини бошқаришнинг молиявий асосини ташкил этиш, пенсия таъминоти органлари фаолиятини бошқариш, тегишли ҳуқуқий базани шакллантиришдан иборат. Давлат пенсия таъминотининг барқарорлиги мамлакат иқтисодиёти ва энг аввало, унинг ижтимоий соҳаси ҳолатини ҳаётга келтирадиган муҳим кўрсаткич бўлиб, у тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш тамойиллари асосида амал қилиб боради.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг пенсия ва ижтимоий нафақалар кўринишида моддий қўллаб-қувватлашда давлат пенсияларини ҳисоблаш ва уларнинг индексацияланишини самарали олиб боришнинг қатор асосий белги ва мезонларини аниқ сифат ва миқдорий кўрсаткичлар орқали ифодалаш заруратини вужудга келтирмоқда. Ўз навбатида, мамлакатимиз фуқароларини ижтимоий ҳимоялашга кўмаклашувчи пенсия миқдорининг ҳисоблашда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ уларни ҳисоблаш учун пенсияларнинг қуйидаги базавий миқдорлари белгиланади: а) ёшга доир пенсиялар учун – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, бироқ бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам эмас (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555га асосан 466680 сўм); б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам эмас (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555га асосан 466680 сўм); в) боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100

фоизидан кам эмас (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555га асосан 233340 сўм); г) ҳар иккала ота-онасини йўқотган болаларга (чин етимларга) боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига ҳар бир бола учун – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, бироқ ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам эмас (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555га асосан 466680 сўм).

Бундан ташқари, пенсия тайинлаш учун талаб қилинадигандан ортиқ иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг базавий миқдорлари қуйидагичадир:

а) ёшга доир пенсиялар – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизига;

б) I ва II гуруҳлар ногиронларига ногиронлик пенсиялари – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизига;

в) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – боқувчи ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизига оширилади. Шу ўринда таъкидлашимиз жоизки, Ҳукуматимиз томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатини амалга оширишга доир қатор Фармон ва Қарорлари қабул қилиниши Пенсия ва нафақалар миқдорини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 30 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4555-сон қарорида, Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ойига 679330 сўм, энг кам ёшга доир пенсия 466680 сўм, болалиқдан ногиронлик нафақалари учун 466680 сўм, зарур иш стажига эга бўлмаган шахсларга нафақалар 286390 сўм, пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори этиб 238610 сўм белгиланишининг ўзи ҳам президентимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қанчалик эътибор берилаётганлиги тасдиқлайди.

Мазкур қарорга мувофиқ, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, иш ҳақи, устамалар, қўшимча ҳақ, гонорар, қўшимча иш учун компенсация

тўловлари ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг бошқа турлари, шунингдек, қонунчиликда белгиланган ушланмалар, илгари энг кам иш ҳақига нисбатан белгилаб қўйилган бошқа тўловлар миқдорини аниқлашда ҳамда оилаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожлиги ва ишсизлик бўйича нафақалар миқдорини аниқлашда қўлланилиши белгилаб қўйилди. Юқорида қайд этилган қонунчилик талабларидан кўришиб турибдики, республикадаги ҳудудидаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва базавий ҳисоблаш миқдори фуқароларга пенсия тайинлашда кўп жиҳатлари билан боғлиқдир. Лекин, шу билан бирга унинг миқдорини ҳисоблаб чиқишнинг аниқ мезонлари ва механизмлари етарли эмас ёки унинг миқдори иқтисодиётнинг бирор-бир иқтисодий кўрсаткичларига боғлиқ бўлмаганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Яъни:

мамлакат ҳудудидаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва базавий ҳисоблаш миқдорларининг мамлакат макроиқтисодий параметрлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш;

аҳоли реал даромадларига таъсир кўрсатувчи омиллар, шу жумладан, пенсия таъминотининг самарали тизимини тавсифловчи иқтисодий табиатини очиқ бериш;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва базавий ҳисоблаш миқдори таркиб топишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

фуқароларга давлат пенсияларни тайинлашда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришини ўрганиш асосида, оптимал мезонларни қўллаш ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг комбинациялари асосида ягона кўрсаткични аниқлашнинг етакчи хориж мамлакатлари илғор тажрибаларини ўрганиб чиқиш ва ушбу механизмларни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини пенсияларни ҳисоблаш ва уларни индексациялаш шаклини ва усулларини тартибини такомиллаштириш асосида иқтисодиётимиз ва ижтимоий соҳани тараққий этишига, иқтисодий ва ижтимоий юксалишда

молия тизимининг аҳамиятини ошириш, фаол молиявий сиёсатни олиб бориш билан боғлиқ бўлган қатъий заруриятдир. Шундан келиб чиқиб, Давлат пенсия таъминоти механизмларини такомиллаштириб бориш орқали, Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболларига эришиб бориш мумкин бўлади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2019 йил 21 май, ПФ5723.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4555-сон Қарори
3. Умурзаков Б.Х. Пенсионная система и её реформирование в условиях углубления рыночных отношений в экономике: Дис. док. экон. наук. Филиал Российской экономической академии им.Г.В.Плеханова в г.Ташкенте. – Утв. 911./2.2007; Д.23.03.07-20479/035/08. – Т., 2007.
4. Хайтов А., Зиядуллаев М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. – Т.: Адолат, 2009. –171 б.

СамДУ Иқтисодиёт ва бизнес факультети доценти

Низомов Ахтам Нўмонович
akhtam.nizamov@mail.ru

СамДУ Иқтисодиёт ва бизнес факультети талабаси

Абдувоҳидова Моҳинур Акмаловна
mohiakmalovna9889@gmail.com

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА КАМБАҒАЛЛИК: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Ўзбекистон Республикасидаги камбағаллик муаммоси пандемия шароитида ўрганилган ва таҳлил қилинган. Камбағалликни бартараф этиш бўйича илмий-амалий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: камбағаллик муаммо, пандемия, инқироз, истеъмол, физиологик норма, иш ўринлари.

Ўзбекистон Республикаси аҳоли манфаатини устун қўйган ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўлини танлади ва бу йўналишда изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқиб амалга оширмоқда. Мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 4-тамоилида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини ҳамда уларнинг харид қилиш қобилиятини изчил ошириб бориш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳоли даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, аҳоли ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизими бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлардан бири деб белгиланган. [2]

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, иқтисодий тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни бутун дунё тан олмақда. Жумладан, жаҳон нуфузли нашрларидан бири – “Экономист” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – “Йил мамлакати” деб эътироф этилди. [1]

Дастлабки маълумотларга кўра мамлакатимиз аҳолисининг реал умумий даромадлари 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 105,6%, аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар-104,5%, нафақалар-142,7% миқдорда ўсди. Натижада ўтган йили аҳоли жон бошига ўртача йиллик реал умумий даромадлар-8 963,7 минг сўмни ташкил этди. [3]

Эришилган ютуқлар билан биргаликда айрим камчиликлар ҳам мавжуд албатта. Мамлакатимизда ошқора давлат сиёсатини амалга ошириш давом этиб илк бор кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжудлиги тан олинди. Жорий йилнинг 24 январидан мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида давлатимиздаги камбағаллик даражаси тахминан 12-15 фоиз деб эълон қилинганлигини келтириш мумкин. “Ҳар

қандай мамлакатда бўлгани каби, бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Гап 4-5 миллион аҳоли вакиллари ҳақида кетяпти. Бу жуда катта рақам. Биз биринчи марта мана шу нарсани очик айтяпмиз”,-дея таъкидлаб ўтди. [1]

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий жадал суръатларда ривожлантириш ва камбағалликка қарши курашни фаоллаштириш мақсадида “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” жорий этилиб, бу лавозимга Бош Вазирнинг ўринбосари мақоми берилди.

2020 йилнинг 1-чорагида ялпи ички маҳсулот ҳажми 110517,8 млрд сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг 2-кварталига нисбатан 4,1% ўсди. [4]

Аммо Коронавирус пандемиясига қарши кураш чораларини кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикасида 2020 йилнинг 15 мартда карантин эълон қилинди. Мутахассисларнинг фикрича дунё иқтисодиёти коронавирус пандемияси туфайли кўрган зарарини қарийб 3трлн. АҚШ доллари миқёсида баҳоламоқдалар. БМТнинг Халқаро Меҳнат Ташкилотининг дастлабки маълумотларига кўра ҳозирги кунда 25 млн. киши иш ўрнини йўқотиб, 3,4трлн. АҚШ доллари миқёсида даромаддан маҳрум бўлдилар. Тадқиқотларга кўра бу кўрсаткичлар ўсишда давом этмоқда.

Пандемия нафақат дунё иқтисодиётига балки Ватанимиз иқтисодиётига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди.

Иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш маркази директори машҳур иқтисодчи Юлий Юсуповнинг ва давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра назар соладиган бўлсак, қуйидагиларни кўриш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг расмий секторида 5,7 млн. киши ва 2,6 млн. киши хорижда ишлайди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг маълумотларига кўра 1,5 млн. киши ишсиз бўлиб, улар сафига пандемия туфайли 150 минг киши қўшилди, 140 минг меҳнат мигрантлари Ватанимизга қайтиб келишди, қарийб 200 минг оила кам таъминланган аҳоли қатламида турибди. Марказий банк келтирган маълумотларга кўра Ўзбекистон ташқи

қарши 24,4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан: 15,8 млрд. АҚШ доллари давлат қарзи ва 8,6 млрд. АҚШ доллари- хусусий сектор қарзидир. Бу ЯИМга нисбатан 42%, давлат қарзи эса 27%.

www.review.uz ахбарот марказининг маълумотларига кўра 46 турдаги маҳсулот ва бирламчи хизмат(сартарош хизмати, пойабзал таъмирлаш устахонаси хизмати, айрим коммунал тўловлар) киритилган истеъмол саватчаси 650 минг сўм, ҳаёт кечиришнинг энг қуйи даражаси 810 минг сўм атрофида ҳисоблаб чиқилган.

Юқорида қайд этилган маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, камбағаллик муаммоси мавжуд. Глобал пандемия шароитида камбағаллик муаммосини юмшатиш зарур. Вужудга келган вазиятда камбағаллик муаммосини тўлиқ бартараф этиб бўмайди. Шунинг учун, бизнинг фикримизча камбағаллик муаммосини ҳал этишни қуйидаги 3 босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1- Босқич.Камбағаллик даражасини жорий йил даражасидан пастга туширмай имкон қадар қисқаттириш. Бу давр ичида пандемияни тугати, карантинни бекор қилиниши, унинг натижасида кўрилган зарарни қоплаш даврларини қамраб олади. Айнан шу мақсадда 2020 йилнинг 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев коронавирус пандемиясига қарши кураш масалаларига тўхталиб, ”Ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимизнинг эътиборидан четдан қолмаслиги керак”- деб таъкидлади. Бу йўналишда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилди. Карантин даврида бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва жамоат жамғармаси ҳисобидан 141,8 минг ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланиб, ҳомийлик ҳайрияларини мувофиқлаштириш марказлари томонидан 219 минг оилага озиқ-овқат ва санитария-гигиена маҳсулотлари тарқатилди. Ватандошимиз ишбилармон Алишер Усмонов томонидан пандемия даврида юртимизга 20 млн. АҚШ доллари миқдорида пул ажратган эди. У яна қўшимча 5 млн. АҚШ доллари миқдорида пул ажратди. Самарқанд вилоятида “Агромир” корхонаси раҳбари 1 минг оилани ўз қарамоғига олиб, 500 дан зиёд

оилани иш билан таъминлади. Бундай ҳурмат ва эътиборга лойиқ инсонларни кўплаб келтириш мумкин. Бундай тадбирлар камбағиллик муаммосини вақинча юмшатишга кўмаклашсада, уни батамом ҳал этмайди.

2- Босқич. Бу жараён 2-3 йиллик муддат даврни ўз ичига қамраб олади. Бу даврда истеъмол саватчаси ва ҳаёт кечиришнинг энг қуйи даражаси мутаносиблигини таъминлаш, камбағаллик муаммосига чек қўйиш, Ўзбекистон Республикасида уй-рўзғор харажатларининг 83,2% ни истеъмол харажатлари ташкил этса, шунинг 39,4% ни озиқ-овқатларга, 16,8% истеъмол харажатларига тўғри келади. Бу босқич жараёнида аҳолини иш билан таъминланиши орқали камбағалликка чек қўйиш асосий вазифа бўлмоғи лозим.

3- Босқич. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг ўртача кунлик 3000-3500 ккал энергияси сарфи асосан нон ва макарон маҳсулотлари ҳамда мева ва сабзавотлар истеъмол ҳисобидан қопланипти. Буларнинг истеъмол даражаси физиологик меъёр даражасидан 1,5-2 баробар баланд бўлиб, сут ва гўшт маҳсулотлари бўйича истеъмол даражаси физиологик меъёр даражасидан аксинча 1.5-2 баробар ортда қолмоқда. Ушбу босқичда аҳоли истеъмолидаги ҳар бир товар гуруҳи физиологик нормага мос равишда бўлиши зарур.

Умуман олганда, ривожланган мамлакатларда шу жумладан Ўзбекистонда ҳам кам таъминланган, камбағал аҳоли қатламлари мавжуд бўлиб, бу муаммони ҳал этиш ушбу соҳадаги қабул қилинган чоратадбирларни юқорида қайд этилган босқичма-босқич ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш даражасига боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» // www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси 2019 йил маълумотлари. Тошкент 2020 йил.
4. www.review.uz интернет-ахборот маркази.
5. World Employment and Social Outlook 2017:Sustainable enterprises and jobs:Formal enterprises and decent work International Labor Office – Geneva:ILO, 2017.

Қўқон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси
Хамрақулов Зафаржон Йигиталиевич
E-mail:zafarjon.hamroqulov.70@bk.ru

ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР, КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ВА ТАШҚИ АЛОҚАЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ

Аннотация. Мақолада фаол инвестициялар, инсон омили, камбағаллик ва ташқи савдонинг ўзаро алоқадор эканлиги таҳлил қилинган. Камбағалликни камайтириш, инсон омилини юксалтириш учун олиб борилаётган давлатнинг инвестициявий ички ва ташқи сиёсати ҳамда халқаро иқтисодий алоқаларимиз асосида хулосалар берилган.

Калит сўзлар: фаол инвестициялар, инсон омили, таълим, камбағалликни камайтириш, ташқи иқтисодий муносабатлар, халқ фаровонлигини таъминлаш

Мамлакатимизни ривожлантириш, қисқа фурсатларда дунёнинг 50 та ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш, аҳолининг турмуш даражаси юксалишини таъминлаш, халқ фаровонлигига эришиш учун барча соҳаларда тизимли ишларни амалга ошириш, уларни мувофиқлаштириш зарур бўлади. Бунда фаол инвестицияларни камбағалликни камайтиришга йўналтириш, бунинг учун ташқи иқтисодий муносабатларга жиддий эътиборни қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги даврнинг инвестициявий тенденцияларига эътибор берадиган бўлсак, сармоядорлар ўз маблағларини илгаригидек саноат ёки қўчмас мулкларга эмас, балки компьютер дастурлари, ахборот алмашинуви воситалари ва АКТларга сарфламоқда. Агар дунёнинг энг бой ТМКларига

карасак, улар орасида Microsoft, Amazon, Apple, Google, Facebook, Bloomberg, Alibaba, Tencent каби гигантларни кўрамиз. Улар олма, нок етиштириш билан ёки қорамол боқиш билан шуғулланишмайди. Лекин уларнинг бойлиги бир неча давлатларнинг ЯИМдан ҳам кўпдир. Ўзбекистон инвестицияларни йўналтириш дастурларида жаҳон иқтисодиётидаги мазкур ҳолатни ҳисобга олиш зарур.

2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. Бундан кўринадики, мамлакатимизда илм-фан, маданият тарғиботи, рақамли технологиялар, иқтисодиётдаги ахборот алмашинуви бундан буён юксалаверади. Бу ўз-ўзидан таълим, соғлиқни сақлаш, технологиялардан фойдаланиш имкониятларининг орттириши фуқароларимизнинг салоҳиятларини яхшилайдди. Бу ўзгаришлар ислохотлар изчиллигини талаб қилади.

Мамлакатимизда камбағаллик энг жиддий муаммолардан биридир. Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида бу рақам 12-15 фоиз деб тилга олинди. Халқаро ташкилотларнинг ҳисоботларида бундан бошқачароқ рақамлар бўлиши ҳам мумкин. Истаймизми-йўқми, Ўзбекистон камбағаллар салмоғи бўйича атрофимиздаги давлатлардан олдиндамиз. Ўрта синф миқдори ҳам ҳавас қилгулик эмас. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва халқ фаровонлигини оширишни давлат учун бош вазифалардан бирига айлантирди. Ижтимоий ҳимояни кучайтириш учун давлат томонидан катта дотацияларнинг берилиши муаммони тўла ҳал қилмайди. Аҳоли доимий даромад манбаига эга бўлмас экан, қашшоқлик сари бораверади.

Камбағалликни камайтириш бўйича Президентимизнинг шундай дейишди: “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш демакдир”[1]. Камбағаллар қатламининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшайди. Йирик шаҳарлар, транспорт йўли тугунлари,

саноат корхоналари жойлашган худудлардан олисда яшовчи аҳолининг аҳволи анчагина оғир. Жаҳон иқтисодиёти амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, аграр соҳа мамлакатнинг тез фурсатда бойиб кетиши имконини бермайди. Бунга қайта ишлаб чиқарувчи саноат, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳалари кодир бўлади. Мамлакатларнинг иқтисодий географиясини таҳлил қиладиган бўлсак, ривожланган давлатларда ЯИМда қишлоқ маҳсулотларининг улуши жуда камлиги кўринади. Бундай ҳолатларда экотуризмни ривожлантириш, худудларда давлат-хусусий шериклиги асосида саноат корхоналарини куриш, сўнгра ундаги давлат улушини хусусийлаштириш яхши самара беради. Экотуризмни ривожлантириш кишиларнинг тадбиркорлик руҳини кучайтириш, худудларда хунармандчиликнинг ривожланиши ва аҳолининг бунинг ҳисобидан кўшимча даромад олиши имконини беради.

Инсон омили ва камбағалликни камайтиришда мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий муносабатларига жиддий эътибор қаратишимиз керак. Дунё мамлакатлари ўртасида глобаллашув жараёнларига мутаносиб равишда халқаро иқтисодий интеграция кучайиб бормоқда. Глобал иқтисодиёт давлатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни янги даражаларга олиб чиқмоқда. Халқаро иқтисодий муносабатлар мамлакат ички иқтисодиётига ҳамда аҳолининг фаровонлик даражасига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда шундай деган эдилар: “Биз ташқи сиёсатимизда узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик алоқаларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантираемиз” [2]. Президентимизнинг ушбу фикрлари ташқи сиёсатимизнинг негизларига тўла мос келади.

Ўзаро иқтисодий муносабатларда 2019 йил ҳолатида Ўзбекистоннинг асосий савдо шериги Хитой бўлиб турибди. Ўзбекистоннинг 2000-2018 йиллардаги ташқи савдосини таҳлил қиладиган бўлсак, 2000 йилга нисбатан

2018 йилда 5,38 бараварга ўсганлигини кўрамыз. Чунончи, 2000 йилда 6 миллиард 212 миллион доллар миқдоридаги ташқи савдо айланмаси 2018 йилда 33 миллиард 430 миллион долларгача ўсган. 2000-2013 йиллар оралиғида ва 2015 йилда ташқи савдо ижобий сальдога эга бўлган. 2014 йилдан бошлаб (2015 йилдан ташқари) импорт ҳажми экспортдан орта бошлаган. Бу жараён 2019 йилда ҳам давом этди. Импорт ҳажмининг экспортдан ортиб бориши мамлакатдаги қарздорликни келтириб чиқаради. Давлат ташқи савдосидаги салбий сальдо келтириб чиқарган қарзни тўлаш халқ зиммасига тушади, уни халқ тўлаши керак бўлади.

Давлат қарзининг ошиб бориши ва иқтисодийнинг дефолт ҳолатга тушишини олдини олиш учун уни ЯИМнинг ўсиши билан мувофиқлаштириб бориш лозим. Давлат қарзининг ЯИМдан ортиб кетиши, уни қайтариш чораларини ўз вақтида кўрилмаслиги давлатнинг суверен кредит рейтингига таъсир қилиб қолмасдан, бошқа қарз олиншини ҳам тўхтатиб қўяди. Қарздорлик аҳолининг ҳам бошқарув органларидан норозилигига сабаб бўлиши мумкин. Унинг олдини олиш учун қарзларнинг ортиб кетишига йўл қўймасдан оптимал вазиятларда қайтаришни йўлга қўйиш зарур.

Президентимиз 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномада ташқи сиёсатдаги тўртта устувор жиҳатга барчанинг диққатини қаратди. Уларнинг биринчиси – Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни давом эттириш, иккинчиси – Россия, Хитой, АҚШ, Япония, Туркия, БАА, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш, учинчидан – БМТ, ЕХХТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни жадаллаштириш, тўртинчидан – МДХ ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаолиятимиз самарадорлигини ошириш [3].

Айни пайтда Ўзбекистон дунёнинг 160 та давлати билан алоқаларни ўрнатган. Алоқалар сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалар доирасида амалга оширилмоқда. Иқтисодий алоқаларимиз кўламига қарасак, Хитой, Жанубий

Корея, МДХ мамлакатлари, ЕИ, АҚШ, Япония, Туркия, БАА, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон асосий савдо шерикларимиз бўлиб қолмоқда. Агар жаҳон иқтисодий марказларининг Осиёга кўчаётганлигини эътиборга олсак, биз иқтисодий салоҳияти кучли давлатларга яқин масофада бўлиб қоламиз. Асосий савдо шерикларимиз Хитой, Россия, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, араб давлатлари географик жойлашувининг қок марказидаги мамлакатга айланамиз.

Ўзбекистоннинг географик ўрни бўйича Марказий Осиёнинг ичкарасида жойлашган. Дунё океанига туташмаган мамлакатлар билан чегарадош бўлган жаҳоннинг иккита давлатидан биридир. Бу ўз маҳсулотларимизни чет элга сотиш учун кўпгина мураккабликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, ишлаб чиқарган маҳсулотларимизнинг дунё бозоридаги таннархи йўлкира ҳаражатлари ҳисобидан кўтарилади. Бу савдо рақобатида бошқаларга устунлик беради. Бундай вазиятда дунё иқтисодий марказларига қараб йўналиш олишимизга тўғри келади.

Дунё сув йўлларида туташмаган давлатларга чегарадош давлатларнинг иккинчиси Лихтенштейн давлатидир. У Европанинг денгизга чиқа олмайдиган ўрталикда бўлса ҳам саноат корхоналарининг зич жойлашуви, бир квадрат километр майдонга ишлаб чиқариш субъектларининг тўғри келиши кўрсаткичи бўйича дунёда биринчи ўринда турадиган давлат ҳисобланади. Лихтенштейнга қўшни давлатлардан ишчилар поездда қатнаб ишлашади. Уларнинг сони давлатнинг ишга яроқли аҳолиси сонидан ҳам кўп. Бунинг сабаби Лихтенштейннинг инвестициявий сиёсатни тўғри юритгани ва хорижий инвестициялардан оқилона фойдаланганлигидир.

Бундан хулоса чиқариш мумкинки, мамлакатимизнинг денгиз сувларидан олиндирилиги бизни таҳлика ва кўрқувга солмаслиги керак. Агар халқ фаровонлигини таъминлашни мақсад қиладиган бўлсак, Лихтенштейн каби давлатларнинг инвестициявий сиёсати тажрибаларидан фойдаланишимиз зарур.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Давлат ва жамият зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш ҳар бир фуқаромиздан фидойиликни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2020 йил учун қилган Мурожаатномаси. 24.01.2020 й.
2. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаси. 2018 йил 7 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2020 йил учун қилган Мурожаатномаси. 24.01.2020 й.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
“Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси ассистенти
Уктамов Хусниддин Фахриддинович**

**Тошкент давлат аграр университети Мустақил изланувчиси
Исмагулова Гулмира Нуралиевна**

**Тошкент молия институти ММ-11 гуруҳ талабаси
Турсунова Азиза Азамиддин кизи**

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИШИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада COVID-19 пандемияси шароитида аҳолини масофавий иш билан таъминлаш ва мамлакатда хавфсиз ишлаш муҳитини яратиш орқали рақамли иқтисодиётни янада ривожлантиришга эришиш йўллари ўрганилган. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш йўллари бўйича таклифлар берилган.

Калим сўзлар: COVID-19 пандемияси, ишсизлик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муаммолар, иш ҳақи

Бугунги кунда жаҳонда COVID-19 пандемияси тарқалиши инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар (карантинга) киритилишига сабаб бўлмоқда. Натижада, аксарият корхоналар фаолиятини қисман ёки тўлиқ тўхтатиши, иш вақтини қисқартиришга, масофадан ишлаш тизимига ўтказишга, зарур ҳолларда эса ишчиларни ишдан бўшатишга мажбур бўлмоқда. Бу эса мамлакатларда иқтисодий-ижтимоий соҳада, жумладан, меҳнат муносабатларида иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасидаги: зиддиятлар, ишсизлик, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши ва дунё молия бозорларида хом-ашё товарлари нархининг пасайиши каби муоммолар кучайиб бормоқда, бу эса COVID-19 пандемияси шароитида аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш муоммоси авж олишига олиб келмоқда. Мазкур масалани юмшатиш бўйича “Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига Инқирозга қарши жамғармадан 200 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари ажратилиб, пандемия шароитида аҳолини иш билан таъминлашга, озиқ-овқат билан тامينлашга ва соғлиқни сақлашга йўналтирилмоқда” [1].

COVID-19 пандемияси шароитида аҳолини масофавий иш билан тامينлаш мамлакатнинг бирламчи вазифаларидан этиб белгиланмоқда. Айниқса, амалиёт шуни кўрсатадики, масофадан туриб ишлайдиган ходимнинг иш вақти умуман қисқармайди. Аксинча, одатдаги тўлиқ иш куни билан ишлаш керак бўлган ҳолатга нисбатан узоқроқ бўлади. Албатта, уларнинг бошқарув структураси энг бошидан натижага қандай усул билан эришилганлигини эмас, балки натижанинг ўзини назорат қилишга имкон берадиган хўжалик субъектлари бундай шароитларга осонликча мослаша оладилар. Таълим тизимида ҳизматлар меҳнат бозори талаб ва таклиф ўртасидаги номуносивликни бартараф этиш учун масофавий таълим тизимини ва ахборот тизимларини янада ривожлантириш зарур [2]. Шундай

килиб, бугунги кунда самарали рақамли алоқа тузилмаси ва натижага йўналтирилган бошқарув тизими ходимларнинг ишдан қониқишини, “иш - шахсий ҳаёт”нинг қулай мувозанатини - касбий ривожланишни рағбатлантириш ва хўжалик субъекти самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Таққослаш осон бўлмаса-да, ўтмишдаги улкан бўҳронлардан сўнг глобал иқтисодийнинг қай тарзда таназулга юз тутганини кўриб чиқиш тарихий тажриба нуқтаи назаридан асқотади. Аммо барча назарий билимлар ва тарихий тажрибалар ҳам муайян воқеликни баҳолашда етарли бўлмаслиги мумкин. Шу маънода таҳлилдаги баъзи фикрлар спекулятив характер касб этиши муқаррар. COVID-19 пандемияси шароитида аҳолини иш билан таъминлаш йўли сифатида масофадан туриб ишлаш энг самарали ва хавфсиз йўл сифатида қараш мумкин. COVID-19 тарқалиши пайтида кўплаб компаниялар масофадан туриб ишлашнинг турли усулларини синаб кўриш имкониятига эга бўлишди. Эпидемиядан кейин масофадан туриб ишлаш, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида кенг қўлланиши мумкин. Ушбу тажриба йирик компанияларга, айниқса, баъзи бўлимларга ташқаридан кўпроқ хизматларни сотиб олиш учун йўл очиши мумкин. Бу ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлашда катта ёрдам бериши мумкин.

Афсуски, иқтисодий фаолликнинг кескин пасайиши натижасида ишсизлик кучаяди. Халқаро меҳнат ташкилотининг башорат қилишича, энг ёмон сценарий бўйича вирус туфайли дунё бўйлаб ишсизлар сони 25 миллионга ортиши мумкин. Шунингдек, баъзилар ўз иш жойларини йўқотмасалар ҳам даромад даражаси бир мунча вақт давомида нормалдан паст бўлиши мумкин. Юқори даражадаги ишсизлик ва паст даромад қарз даражасининг ошириши ва даромад тақсимооти ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида даромади паст инсонларнинг тобора ортиб бораётган муаммолари мамлакат ички сиёсатида жиддий бўҳронларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас [3]. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб

COVID-19 пандемияси шароитида аҳолини иш билан таъминлаш йўллари бўйича қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- ишсиз бўлган фуқароларимизни иш ҳақи тўланадиган мавсумий жамоат ишларига жалб қилиш;
- аҳоли ўзининг маълум томорқасига эга, шу томорқалардан унумли фойдаланишни таъминлаш чораларини кўриш;
- карантин ҳолатидан келиб чиқиб, уй шароитида чорвачилик, иссиқхоналар ташкил этишни рағбатлантириш;
- хуудларда касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб қувватлаш;
- хизмат кўрсатувчи соҳаси билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари ва хизматлари савдосини онлайн ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. www.mehnat.uz Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги расмий сайтидан.
2. Кризис в сфере занятости молодежи: время действовать: доклад на 5-й Международной конференции труда, 101-я сессия, 2012. Международное бюро труда. Женева, 2012.
3. www.ilo.org Халқаро меҳнат ташкилотининг расмий сайтидан.

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ШАРОИТИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.

Аннотация. Ушбу мақолада макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш шароитида камбағалликни қискартиришнинг долзарб масалалари бўйича муаллиф тамонидан тадқиқот олиб борилган бўлиб, қошиқлик тушунчасини, уни аниқлаш кўрсаткичларини, таҳлилларини, хулоса ва таклифларини келтириб ўтишган.

Калит сўзлар: макроиқтисодиёт, қошиқлик, ўта қошиқлик, мутлоқ ва нисбий қошиқлик, даромад, аҳоли турмуш даражаси.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳисобланади. Бунга эришмай туриб, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Ҳар бир мамлакат барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга интилади, чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромадни кўпайишига, иккинчидан, ресурслардан самарали фойдаланишга, учинчидан, янгидан-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат нуфузининг ошишига олиб келади. Бундан ташқари, айнан барқарор иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилий ресурсларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Улар гуруҳига қуйидагилар киради: табиий ресурслар миқдори ва сифати; меҳнат ресурслари миқдори ва сифати; асосий капитал ҳажми; технологиялар, тадбиркорлик қобилияти ва ахборот.

Кўриб турганиздай иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллари орасида мамлакатнинг меҳнат ресурслари миқдори ва сифати мавжуд бўлиб иқтисодий барқарорликни таъминлашда бу омил катта рол ўйнайди. Агарда мамлакатнинг меҳнат ресурслари таркибида камбағаллик даражаси юқори бўлса бу аҳолининг турмуш даражасига таъсир қилади бунинг натижасида ялпи талабнинг камайишига бу эса макроиқтисодий беқарорликка олиб келади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентга жорий йилги Мурожаатномасида камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устуворлиги сифатида ишсизлик даражасини пасайтиришга эътиборни кучайтириш лозим эканлигини таъкидлаб ўтдилар[1].

Қашшоқлик азалдан бўлиб келган ва ҳозиргача сақланиб қолган умужаҳон муаммоси ҳисобланади. Инсоният пайдо бўлганидан бери бой ва камбағал тушунчалари мавжуд. Кимдир йўқчиликдан бир бурда нон топишга қийналса, кимдир бойлигини қўйгани жой тополмайди. У турли макон ва замонда ўзгариб, хилма-хил шаклда намоён бўлади. Қашшоқлик ҳаёт учун зарур бўлган бирламчи эҳтиёжларни қондира олмаслик билан белгиланади.

Жаҳон банки қашшоқлик бўйича глобал ахборот бериш бугунги кунда асосий манба ҳисобланади ва халқаро қашшоқлик чегарасини белгилаб беради. Бу камбағаллик чегараси 2019 йилда бир киши учун кунига камида 1.90 долларга яшаётган бўлса қашшоқликда яшаётган ҳисобланади. Жаҳон миқёсидаги қашшоқлик даражаси 0,3 фоиздан 0,7 фоизгача кўтарилиб, 2020 йилда 9 фоизга этиши мумкин. Бундан ташқари, кунига 3,20 АҚШ долларидан кам пул сарфлайдиган одамлар фоизи 0,3 фоиздан 1,7 фоиз пунктига, яъни 23 фоизгача ёки 40 миллиондан 150 миллионга кўпайиши мумкин. Ва ниҳоят, кунига 5,50 АҚШ долларидан кам пул сарфлайдиган одамлар фоизи 0,4 фоиздан 1,9 фоиз пунктига, 42 фоизгача ёки ундан кўпроққа, яъни 70 миллиондан 180 миллионга кўпайиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, ушбу

камбағаллик башоратлари жуда ўзгарувчан бўлиб, мамлакатлар бўйича жуда катта фарқ қилиши мумкин экан[2].

Шу ўринда қашшоқлик тушунчасига тўхталиб ўтсак. Жаҳон Банки бир кунда бир доллардан кам даромад олувчи инсонларни ўта қашшоқлар тоифасига киритади Дунё бўйича бир доллардан кам даромад олувчи инсонлар 700 млндан ошиқ экан[3]. Кунига икки долларга яқин даромад қилувчилар эса ўртача қашшоқлар синфини ташкил этади. Марказий Осиёда қашшоқлик даражаси пасайишда давом этаётган бўлса-да, минтақада унинг пасайиш суръати секинлашган. Қашшоқликнинг энг юқори даражаси ишга жойлашиш имконияти чекланган қишлоқлар ва чекка ҳудудларда қайд этилмоқда.

Ўзбекистонда 2019 йилда **Аҳоли сони (млн) 33.5, ўта қашшоқлар сони млн (\$1.90 кам) 2.067.660 (7%), қишлоқлоқ жойларда 1.301.988 (7%), шаҳарда 765.677 (6%), Эркаклар 1.100.297, Аёллар 967.363** мингни ташкил қилган[4]. 2016 йилда 31 миллион аҳоли истиқомат қилган бўлса, шундан аҳолининг 13.7% ўта қашшоқликда яшаган. Бу 2001 йилга қараганда 30% тушган, қашшоқликда яшаётган кишиларнинг 75% ҳалиям қишлоқ жойларда яшайди”[5].

Камбағалликнинг барча мамлакатлар ҳамда минтақалар учун бир хил бўлган универсал таърифи маъжуд эмас. Қашшоқликни белгилайдиган миқдорий кўрсаткичлар эса нисбийдир. У, аввало, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ. Камбағалликнинг асосий тавсифи унинг ижтимоий номақбуллиги, яъни камбағаллик кишилар дучор бўлишдан қочадиган воқелик эканидир.

Қашшоқлик – бу ҳаёт учун муҳим бўлган, энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмайдиган, ишга лаёқатли бўлиб, ўз наслини давом эттириши мумкин бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳни иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусиятидир[6]. Турли мамлакатларда ва турли хил тарихий даврларда, бу эҳтиёжлар турли йўллар билан баҳоланади. Маълум бўлган қашшоқлик меъёрларининг асосини, пул таъминоти кўрсаткичларини умумлаштирувчи, масалан, энг минимал даражада имконияти бўладиган

оилавий даромад ёки истеъмол харажатларининг минимал миқдори каби кўринишда бўлади.

Қашшоқликни мутлақ ёки нисбий турларга бўлиш мумкин. Мутлақ кашшоқлик барча давлат ва шароитлар учун ўзгармас бўлган умумий ўлчовларни ўз ичига олади[7]. Масалан, бир кунлик озиқ-овқат калориясини истеъмол қилиш имкониятидан бебаҳра одамлар мутлақ кашшоқлар катламини ташкил этади. Мутлақ кашшоқлик, аҳолининг турли гуруҳлари даромадларининг маълум бир минимал қийматга этиб бормаганлиги билан изоҳланади, энди у расмий равишда энг кам иш ҳақи ҳисобланади. Нисбий кашшоқлик эса давлатлардаги иқтисодий ривожланганлик даражаси ва бошқа омиллар туфайли турли маконлар учун ҳар хил ўлчовларни қабул қилиш орқали аниқланади. Нисбатан кашшоқлик ишчиларнинг нисбий кашшоқлиги – бу шахснинг ёки оиланинг даромади маълум бир мамлакатнинг ўртача даромадидан ёки харажатларидан пастроқ бўлиши тушунилади. Яъни, одамлар очарчиликда қолмайдилар, аммо «ўртача пастда» яшайдилар, ўзларини кўп нарсадан маҳрумдай ҳис қиладилар[8]. Қашшоқлик даражаси – бу аҳоли жон бошига тўғри келадиган, ҳаёт кечириш учун даромади паст бўлган, одамлар сонининг бутун аҳолига нисбатидир[9]. Қашшоқликнинг туби – бу қабағал оилаларнинг ҳаёт кечириш учун энг кам даромаддан ҳам пастга тушиб кетиш даражасидир. Фақирликнинг чегараси – камбағаллик чегарасининг 50% дан, яъни истеъмол минимумидан ошмайдиган жонбоши даромади[10].

Қашшоқликни ўлчаш осон эмас. Учта асосий ёндашув мавжуд. Улардан бири асосий озиқ-овқат, асосий эҳтиёж ва кийим-кечак истеъмолини аҳоли томонидан баҳолашдир. Бу, энг қўпол ва истеъмолнинг турли даражаларини инобатга олмайдиган ёндашувдир. Иккинчи ёндашув – аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида давлат статистика идораси томонидан белгиланадиган аҳоли ўртасида даромадлар ва харажатлар бўйича расмий статистик маълумотдир. Ниҳоят, учинчи ёндашув – бу даромад ва харажатларнинг жисмоний кўрсаткичларини эмас, балки моддий бойликлари,

моддий муаммолари ва турмуш тарзи кўрсаткичларини баҳоловчи оммавий сўровлардир. Кўп ҳолларда қашшоқлик таҳлил қилинганда, қашшоқлик тарқалишининг халқаро мезонларини, хусусан, БМТнинг тавсияларини кўллайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури 1990 йилдан буён, халқаро таққослашлар учун Жаҳон банкининг мезонлари – харид қобилияти паритетининг миқдори, АҚШ доллари миқдорида кўлланилади[11],[12].

Хозирги кунда Бутун дунё инсонияти қашшоқлик, тенгсизлик ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ечимини талаб қилмоқда. Шу боис 2015 йил 25 сентябр куни барча мамлакатларнинг етакчилари 2030 йилгача бўлган даврга бўлжалланган барқарор тараққиёт дастурини қабул қилиб, талаблардан аниқ ҳаракатларга ўтиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Ёркдаги бош қароргоҳида йиғилишади. Барқарор тараққиёт 2030 дастури янги 17 та Барқарор тараққиёт мақсадлари (БТМ)дан, ёки Глобал мақсадлардан иборат бўлиб, кейинги 15 йиллик даврдаги умумжаҳон сиёсати ва сармоялар йўналишларини белгилаб берувчи дастурдир[13]. Унда дунё мамлакатларининг етакчилари қашшоқликка – дунёнинг барча нуқталарида, батамом – барҳам беришга ваъда қилиши кутилади. Барқарор тараққиёт мақсадлари концепсияси 2015 йилда бўлиб ўтган БМТнинг Барқарор тараққиёт мавзусидаги Рио+20 конференциясида дунёга келган. Мазкур конференция давомида барқарор тараққиёт концепциясининг учта тамойили, хусусан, экологик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш тамойилларини қамраб олувчи вазифалар ҳам белгилаб олинган.

Глобал мақсадлар 2000 йилда қабул қилинган ва қашшоқликка қарши курашиш масалаларини ечишни кўзда тутган 15 йиллик дастур – Мингйиллик тараққиёт мақсадлари (МТМ)нинг давоми бўлиб ҳисобланади. Мингйиллик тараққиёт мақсадлари доирасида қашшоқлик ва очликка барҳам бериш, ўлимга олиб келувчи, лекин даволаса бўладиган касалликларнинг олдини олиш, барча болалар учун таълим олиш имкониятини таъминлаш ва

ривожланиш соҳасидаги шу каби бошқа йўналишлардаги ўлчаб бўладиган, барча томонлар билан келишилган вазифалар ва мақсадлар белгилаб олинган эди. Қашоқликни бартараф этиш бўйича мамлакатда янги касбларни яратиш, аёлларни ўқитиш, иш ҳақини ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни микромолиялаш тизимини йўлга қўйиш, гендер тенгликни таъминлаш, давлат харажатларни шаффофликни таъминлаш, кредит қарзларни бекор қилиш, соғлиқни сақлаш учун тенг имкониятлар яратиш, тоза сув ва санитария муаммосини ҳал қилиш, айниқса чақалоқларнинг озиқланишига этибор қаратиш каби вазифалар белгилаб берилган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб шундай таклифларни беришимиз мумкин:

-инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, зарур инфратузилмани шакллантиришга асосланган иқтисодий ривожланишнинг концептуал йўналиш ва вазифаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

-иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир мамлакат қашшоқликни қисқартиришда муҳим масъулиятни ўз зиммасига олиш, бартараф этиш ва аҳолисининг турмуш даражасини ошириш бўйича кескин чора тадбирлар ишлаб чиқмоғи ва ривожланган мамлакатларнинг қашшоқликни тугатиш соҳасидаги глобал ҳамкорликка қўшилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://president.uz/>
2. <https://www.worldbank.org/en/topic/poverty/overview>
3. <https://lifewater.org/blog/9-world-poverty-statistics-to-know-today/>
4. <https://worldpoverty.io/map>
5. <http://borgenproject.org>
6. Poverty. merriam-webster. Retrieved 18 November 2013.
7. "Poverty | United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization". www.unesco.org. Retrieved 4 November 2015.
8. Jonathan Bradshaw; Yekaterina Chzhen; Gill Main; Bruno Martorano; Leonardo Menchini; Chris de Neubourg (January 2012). Relative Income Poverty among Children in Rich Countries (PDF) (Report). Innocenti Working Paper. Florence, Italy: UNICEF Innocenti Research Centre. ISSN 1014-7837.
9. Ravallion, Martin Poverty freak: A Guide to Concepts and Methods. Living Standards Measurement Papers, The World
10. Poverty Lines – Martin Ravallion, in The New Palgrave Dictionary of Economics, 2nd Edition, London: Palgrave Macmillan
11. **Воронкова О.В. «Подходы к определению и измерению бедности»**
<https://cyberleninka.ru/article/n/podhody-k-opredeleniyu-i-izmereniyu-bednosti/viewer>
12. Голубенко И.Е. Критерии уровня бедности / И.Е. Голубенко – М.: Изд-во РАГС. 2011. – С. 137.
13. <https://www.un.org/sustainabledevelopment/>

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ.

Аннотация. Мақолада аҳоли турмуш даражасини оширишга соғлиқни сақлашни яхшилаш орқали ҳам эришиши мумкинлиги асосланади ва бу мақсадга эришиши учун зарур бўладиган чора – тадбирлар ишлаб чиқилади. Мазкур чора – тадбирларнинг амалиётга жорий этилиши соғлиқни сақлашни яхшилаш ва турмуш даражасини ошириш имкониятларини яратади.

Калит сўзлар. Турмуш даражасини ошириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, инвестициялар.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш, яъни одамларнинг узоқ, соғлом ва молиявий жиҳатдан хавфсиз ҳаётини таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий тараққиёт даражаси соғлиқни сақлаш, ижтимоий адолат ва фаровонликнинг объектив кўрсаткичлари, шу жумладан, одамлар туғилиши, яшаш ва ишлаш шароитларини ифодаловчи кўрсаткичлар ёрдамида ўлчанади. Соғлиқни сақлаш кўрсаткичларига нисбатан ижтимоий адолатни яхшилашдаги энг самарали ҳаракат бутун ҳаёт давомида ижтимоий ҳимоя чораларини етарли даражада ва одамларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тақсимлашни таъминлашдан иборатдир[1]. Жамият қанчалик адолатли бўлса, у шунчалик бахтли, соғлом ва бой бўлади.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш кўрсаткичларини оширмай туриб, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга эришиб бўлмайди. Саломатлик - ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий интеграцияни таъминлашнинг кучли воситасидир. Саломатлик ва фаровонлик, жамият фаровонлиги ва инсон ривожланиши

учун қимматли манба бўлиб, жамиятнинг кучлилиги, жўшқинлиги ва ижодий салоҳиятини таъминлашга муҳим ҳисса қўшади. Саломатлик даражаси инсоннинг бутун ҳаёти давомида фаровонлик билан чамбарчас боғлиқ. Бу одамларга ишлаш, жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиш ва ўзларини молиявий жиҳатдан таъминлай олиш имкониятини беради, касалликлар ва камбағалликнинг олдини олади. Соғлиқ ёмонлашганда бошқа ижтимоий кўрсаткичлар ҳам зарар кўради. Соғлиқнинг ёмонлашуви одамларни тўлиқ бандлик истикболини ёмонлаштиради, шунингдек, қариликда муддатидан олдин пенсияга чиқиш ва моддий ишончсизликни оширади. Болалар ва бошқа оила аъзоларининг соғлиғининг ёмонлашуви мактабда яхши ўзлаштирамаслик билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида балоғат ёшидаги ижтимоий тенгсизлик хавфини оширади. Шу сабабли соғлиқни сақлаш соҳаси кам таъминланганликни камайтириш ва ижтимоий қамраб олиш мақсадларида ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларининг биргаликдаги ҳаракати аҳолининг соғлиғи ва фаровонлигини таъминлашнинг энг ишончли усулидир. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимлари биргаликда иш олиб бориши натижасида соғлиқни сақлашдаги муҳим муаммоларни ҳал қилиш, шу жумладан, ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, оилалар ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг ўз потенциалларини тўлиқ амалга ошира олишлари учун шароитлар яратиш ва барқарорлигини ривожлантиришда ижобий натижаларга эришиш имкониятини яратади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, етарлича даромадга эга бўлган, соғлом ҳаёт кечирган, сифатли даражада иш билан таъминланган, хавфсиз меҳнат шароитлари ва арзон уй-жой шароитига эга, шунингдек, ижтимоий тенгсизликдан ҳимояланган ҳолларда, аҳоли юқори соғлиқ кўрсаткичларига эга бўлади[2].

Бизнинг фикримизча, аҳоли соғлиғини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш учун мамлакатимизда қуйидаги йўналишлар бўйича

чора – тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Аёллар, бўлғуси оналар ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш; сифатли умумий таълим; ёш, гўдак болаларни парваришlash ва тарбиялашни таъминлаш; хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, аҳолини муносиб иш билан таъминлаш; кекса ёшлиларда тенгсизликни камайтириш учун изчил ва самарали ҳаракат қилиш.

2. Эҳтиёжларга мувофиқ ижтимоий ҳимояни кучайтириш; мақсадли гуруҳлар, фуқаролик жамияти ва маҳаллий ҳамжамиятлар билан кўшма ижодий иш ва шериклик; ижтимоий тенгсизликни камайтиришга қаратилган ҳаракатлар; гендер тенгликни таъминлаш бўйича чораларни кучайтириш.

3. Соғлиқни сақлаш ва турмуш даражасини ошириш соҳасида солиқ ва тўловлар каби механизмлар орқали ижтимоий адолатни яхшилаш; бошқа стратегия ва дастурлар билан мувофиқлаштириш орқали узоқ муддатли режалаштириш.

4. Соғлиқни сақлаш ва турмуш даражасини ошириш билан шуғулланадиган вазирлик ва идоралар фаолиятидаги мувофиқликни ошириш; ҳар томонлама мукамал чора – тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; улар устидан доимий мониторинг ўтказиш ва мустақил жамоатчилик назоратини ташкил этиш.

Соғлиқни сақлаш соҳасига инвестиция киритиш аҳоли учун ҳам, иқтисодиёт учун ҳам муносиб ҳаёт кечириш учун зарурдир[3]. Бу ёшларнинг фаол ва ўқимишли авлодини тайёрлаш, камбағаллик хавфи остида бўлган гуруҳларга, шу жумладан, ногиронларга ёрдам бериш, гендер тенгсизликни камайтириш ва қариялар орасида ўзига бўлган ишончни сақлаш учун муҳимдир.

Далиллар жаҳоннинг ривожланган давлатларида ижтимоий ҳимояга кўпроқ инвестициялар киритиш билан эрта ўлим, айниқса, юрак – қон томирлари касаллиги, сил касаллиги ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг камайиши ўртасида барқарор ва узвий боғлиқлик мавжудлигига ишора

килади. Аҳолини қамраб оладиган, етарли ва мақбул имтиёзлар билан таъминланган ижтимоий хавфсизлик тармоқлари мавжуд бўлса, улар камбағаллик ва тенгсизликни камайтиришга самарали ёрдам беради[2]. Кўпроқ фойдали ва яхши хизматларни тақдим этадиган ижтимоий сиёсат одамларнинг соғлиғини яхшилади ва турмуш даражасидаги тенгсизликларни камайтиради.

Етарли даражада молиялаштирилган ва ҳар томонлама мукамал ижтимоий ҳимоя қилиш тизимларини яратиш барча мамлакатларда соғлиқни сақлашдаги тенгсизликни камайтиришда муҳим омил ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя ва фаровонликни таъминлашни молиялаштириш орқали давлатлар аслида соғлиқни сақлаш соҳасини ҳам инвестициялаштирадilar, десак хато бўлмайди. Камбағаллик даражасининг пасайиши, янада тўлиқ ва кучлироқ ижтимоий уйғунлик, болаларнинг таълим кўрсаткичлари яхшиланиши, салоҳияти юқори бўлган меҳнат ресурсларининг шаклланиши, аҳоли энг заиф қатламлари соғлиғининг яхшиланиши ушбу чоратadbирларнинг натижасидир.

Юқорида баён этилган ҳолатлардан кўринадики, соғлиқни сақлаш соҳасига етарли даражада инвестиция киритиш аҳоли соғлиғи кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келади, бу эса ўз навбатида, турмуш даражасининг ўсишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- [1]. Шамилгаджиева З.С. Методология оценки и измерения бедности населения:
- [2].Здоровье-2020: социальная защита и здравоохранение:
http://www.euro.who.int/__data/assets/pdf_file/0004/324634/Health-2020-Social-protection-and-health-ru.pdf?ua=1
- [3]. Промежуточный доклад о результатах экспертной работы по актуальным проблемам социально-экономической стратегии россии на период до 2020 года “Стратегия-2020: Новая модель роста – новая социальная политика”

ҚАШШОҚЛИК: УНИ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ВА КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада камбағаллик даражасини ўлчаининг қабул қилинган мезонларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиши, бюджетдан молиялаштиришнинг норматив ҳуқуқий базаси ва меҳанизмларини такомиллаштириш чора тадбирлар таклиф қилинган.

Калит сўзлар: қашшоқлик, ўлчаш методологияси, аҳоли даромадлари, камбағалликни кисқартириш, яшаш минимуми, истеъмол саватчаси.

Кўпгина хориж давлатларда, шу жумладан МХД мамлакатларида қашшоқликни камайтириш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Ушбу дастурларни методологиясини тайёрлашда халқаро молия ташкилотлари бевосита иштирок этганлар (БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқалар).

Хозирги кунда Президентимизнинг Олий Мажлисга мурожатномасида 2019 йил якунлари бўйича мамлакатимизда қашшоқлик даражаси 13-15% ни ташкил этгани қайд этилди¹²⁰.

Дунё тажрибасидан, шунингдек Ўзбекистон ҳукумати тасдиқлаган барқарор ривожланишнинг 2030 йилгача мақсад ва вазифаларидан (2030 йилгача қашшоқлик даражасини 2 марта камайтириш) келиб чиққан ҳолда қашшоқликнинг камайтиришнинг асосий устивор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- керакли қонуний ва ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш (яшаш минимуми тўғрисида қонун, қашшоқликни аниқлаш услубиёти ва бошқалар);

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга 2020 й. 24 январдаги мурожатномаси.

- ташкилий ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш (мақсадли давлат дастури, уни амалга оширишнинг ташкилий механизми, керакли йўл харитасини шакллантириш ва бошқалар);
- 2025-2030 йилларда қашшоқлик даражасини камайтиришнинг мақсадли параметрларини асослаш ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш;
- дастурни амалга оширишда барча давлат ва нодавлат ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш;
- Мамлакатда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган барча тармоқлар (корхоналар) ва минтақалар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари (чора-тадбирлар)ни бевосита қашшоқликни камайтириш дастури билан ўзаро боғланган ҳолда асослаб бериш;
- Давлат статистика қўмитаси ва соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан шакллантириладиган информацион базани объективлиги ва сифатини таъминлаш, керакли мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнини амалга ошириш.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Қашшоқлик жаҳон тажрибасида деярли барча мамлакатлар томонидан қабул қилинган терминалогия бўлиб, энг паст турмуш даражасига эга аҳоли тушунилади.

Қашшоқлик даражасини аниқлаш усуллари ва критерияларни аниқлашда турли қарашлар, турли йўналишлар мавжуд.

Уларнинг асосийлари қуйидагалардан иборат:

- кундалик олинадиган даромад (иш хақи) миқдори орқали аниқлаш (1,9 долл, 2,5 долл, 3,2 долл, 5,5 долл). Ушбу усул асосан Жаҳон банки томонидан қўлланилиб келмоқда¹²¹;

¹²¹<http://documents.worldbank.org/curated/en/210801569934716898/pdf/Where-They-Live-District-Level-Measures-of-Poverty-Average-Consumption-and-the-Middle-Class-in-Central-Asia.pdf>

